

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК  
ИНСТИТУТИ

**А.Р.Муҳаммаджонов**

# **ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ** **(IV асрдан XVI аср бошларигача)**

Университетларнинг  
бакалаврлари учун дарслик

*Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни  
қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш бўйича  
Республика мувофиқлаштириш комиссияси  
тавсия этган*

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент — 2004

63.3 (5У)

М 96

**Муҳаммаджонов А.Р.**

Ўзбекистон тарихи (IV асрдан XVI аср бошларигача):  
Университетларнинг бакалаврлари учун дарслик. — Т.: Ф.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2004.— 321б.  
Сарлавҳада : ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,  
М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.

Ушбу дарслик Ватанимиз ва ўзбек халқининг ўрта асрларда бошидан кечирган ғоятда мураккаб ва машаққатли ҳаёт тарихига бағишланган. Унда меҳнатсевар халқимизнинг бун-ёдкорлик ишлари, юксак маланияти ҳамда она-Ватаннинг тинчлиги, осойишталиги ва мустақилилиги йўлида олиб борган фидокорона фаолияти тарихи даврма-давр ёритилган. Айниқса, ўзбек халқининг шаклланиши ва унинг ўрта асрлардаги давлатчилиги баёнига, бой ва сермазmun маънавияти ва қадриятлари моҳиятига алоҳида аҳамият берилган.

Ўтмиш тарихимизнинг бой мероси ёш талабаларни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларнинг онгига Ватанга бўлган муҳаббат, маънавиятимизга бўлган меҳр ва эътиқодни сингдириш, миллий тафаккурни шакллантиришда ҳамда эзгу мақсадлар билан келажак сари дил қadam ташлашда кўмак беради.

Дарслик олий ўқув юртлирининг бакалаврлари учун мўлжалланган.

Тақризчилар: тарих фанлари доктори **А. Исҳоқов**, тарих фанлари номзоди **А. Кабиров**

ББК 63.3 (5У)я 73+

63.3 (2)4я73

М  $\frac{0503000000-6}{M352(04)-2004}$  қатъий буюртма 2004

ISBN 5-635-02211-1

©«ЎАЖБНТ»Маркази, Фафур Фулом номидаги нашриётнинг матбаа-ижодий уйи. 2004 й.

## ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ МАЪНАВИЯТИ (Сўз боши ўрнида)

Ушбу дарслик Ўзбекистон тарихининг милодий IV асрдан то XVI аср бошларигача бўлган даври воқеа-ҳодисаларининг умумий баёнига бағишланади. Бу давр халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётида тадрижий тараққиёт тақозоси билан содир бўлган улкан тарихий босқич ҳисобланади. Мазкур даврда, авваламбор, ўзбек халқи камол топди ва тарих саҳнасида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Унинг бетиним машаққатли меҳнати билан дарё водийлари бўйлаб катта ер майдонлари ўзлаштирилиб, ҳозирги кунда сиз ва биз яшаб турган деҳқончилик воҳалари шаклланди ҳамда обод ва унумдор вилоятларга айлантирилди. Суғорма деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик касби, эл-юртни тўйдирган ва кийинтирган хўжалик тармоқлари ривожланди. Бу хўжаликларнинг баракати эса ўз навбатида меҳнатсевар халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи ва унинг маънавий ҳаёти йўлида асосий қўрқут бўлди. Деҳқончилик воҳалари бўйлаб сон-саноксиз қишлоқлар қад кўтарди. Шаҳарларнинг сони ошиб, улар йириклашди ва гавжумлашиб, касбу ҳунар ва илму маърифатнинг марказига айланди.

Илк ўрта асрлардаёқ халқимизнинг ижтимоий ҳаётида кескин ўзгаришлар содир бўлди. «Деҳқон», яъни «қишлоқ ҳокими» деб юритилган ва катта-катта обикор ерларни эгаллаб олган мулкдорлар ҳамда уларнинг майдонларида тер тўкиб меҳнат қилишга мажбур бўлган ерсиз, деҳқонларга қарам ва тарихда «кадивар» деб номланган жафокаш корандалар табақаси пайдо бўлди. Ниҳоят ерга ва мулкка нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Ер эгаллигининг турли хил шакллари қарор топди.

Тарихий тараққиёт оқибатида юзага келган ўта мураккаб ижтимоий ва сиёсий вазият тақозоси билан бу даврда деҳқончилик воҳаларида аввал қатор мулкдорлардан иборат майда маҳаллий ҳокимликлар ташкил топади. Сўнгра эса

ўрта асрларнинг йирик подшоликлари: Эфталлар давлати, Буюк турк хоқонлиги, сомонийлар, қорахонийлар, Хоразм давлати ва Амир Темур ҳамда темурийлар салтанати барпо бўлади. Бу маҳаллий давлатлар Хитойни Ўрта Ер денгизи мамлакатлари билан боғлаган Буюк Ипак йўли орқали олиб борилган халқаро савдода фаол қатнашади. Асрлар давомида олиб борилган иқтисодий мулоқот туфайли аجدодларимизнинг узоқ ва яқин ташқи дунё халқлари билан бўлган маданий алоқалари кенгаяди ва уларнинг бир-бирига таъсири кучаяди. Дарсликда ўрта асрларнинг анъанавий давлатчилигини серқирра бошқарув тизимлари, қонун-қоидалари ва мансабдорлиги борасида турли хил манбаларда қайд этилган маълумотлардан аниқ далиллар келтирилиб, улуғ давлатчилигимиз тарихан мустаҳкам пойдеворга эга экани тўғрисида сўз юритилади. Илк ўрта асрлардаёқ ўзининг бой давлатчилик удумлари, диний эътиқоди, эзгуликка чорловчи мафкурасига эга бўлган халқимиз юқори даражада ривожланган ўзига хос маданиятини, юксак маънавиятини яратди. Бироқ унинг иқтисодий тараққиёти ва ижтимоий камолоти кўп вақт ўтмай кучли зарбаларга учради. Бу даврда диёримиз Араб халифалиги томонидан забт этилиб, ўз мустақиллигини йўқотди. Ислом дини, мафкураси ва маърифати қарор топди. Халифалик ҳукмронлиги тугатилгач, мамлакат яна ўз мустақиллигини тиклади, илму маърифат ривожини учун шароит юзага келди.

Ўрта асрларда мамлакатимизда Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Абу Бакр Наршахий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби кўпгина буюк олим ва мутафаккирлар қаторида ислом дини ва таълимоти ривожига улкан ҳисса қўшган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Бурхонуддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Нажмуддин Кубро, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва Хўжа Аҳрор каби машҳур имому машойихлар етишиб чиқдилар ва халқимизнинг маънавий ҳаёти равнақига улкан ҳисса қўшдилар.

Давлатчилигимизнинг такомилли, шаҳарсозлик маданиятининг равнақи, иқтисодий барқарорлик, илм-фан соҳасида яратилган кашфиётлар ва уларнинг жаҳон фани ривожига салмоғи ҳамда кўпгина бошқа соҳаларда эришилган ютуқлар таҳлил этилиб баҳо берилса, IX—XV асрлар (мўғуллар ҳукм-

ронлиги даврини ҳисобга олмаганда) халқимизнинг маънавий ҳаёти тарихида ўзига хос уйғониш даври бўлди. Бу шарофатли асрлардан жуда бой хилма-хил қадриятлар сақланиб қолган. Халқимизнинг ўрта асрлардаги кечмишини ўрганишда биринчи даражали манба ҳисобланган бу ноёб моддий ва маънавий мероснинг ўзликни англаб, юксак миллий тафаккурни шакллантиришдаги аҳамияти ва моҳияти борасида ушбу дарсликнинг саҳифаларида алоҳида ўрин берилади.

Бироқ маънавий бой, озод мамлакатимизда ҳамма даврларда ҳам барқарор тинчлик бўлавермади. Унинг жафокаш халқи осойишта ҳаёт кечирмади. Кўпинча гоҳ Фарб, гоҳ Шарқдан бостириб келган босқинчиларнинг тажовузлари, гоҳ мустабид ҳукмдорларнинг ўзаро урушлари оқибатида мамлакатимиз вайрон этилиб, унинг моддий ва маънавий қадриятлари оёқ ости қилинди. Мамлакат ва эл-юрт бошига тушган бундай оғир ва мусибатли дамларда эрксевар халқимиз она-Ватан мудофаасига оёққа турди. Унинг мустақиллиги учун тажовузкорларга қарши қаҳрамонона курашганлигини ўрганиб, мустақиллик халқимизнинг орзуси ва курашларининг ғолибона натижаси эканлиги дарслик саҳифаларида таҳлил этилади.

Маълумки, ўрта аср ёзма манбаларида Сайхун (Сирдарё) ва Жайхун (Амударё) номлари билан таърифланган сув ҳавзаларида жойлашган қадимги Турон ҳудудларида азалдан ўтроқ аждодларимиз билан ёнма-ён қардош тожик, қozoқ, қирғиз, қорақалпоқ ва туркманларнинг ҳам ота-боболари истиқомат қилиб келганлар. Шу боисдан халқимизнинг ўтмиши, этник жиҳатдан яқин, ҳаётий кечмишларининг кўп жабҳалари умумий бўлган бу қардош халқларнинг тарихи билан чамбарчас боғланиб кетади. Айниқса, чет эллик босқинчиларга, адолатсиз ҳукмдор мустабидларга, шафқатсиз мулкдор зодагонларга қарши олиб борилган курашлар қардош халқларни бирлаштирди. Шу тўғрисида улар кўп ҳолларда ягона давлатнинг умумий фуқароси бўлиб яшади, эл-юртни обод этишда бир тану бир жон бўлиб фаол иштирок этди.

Афсуски, собиқ иттифоқ даврида халқимизнинг кўп асрлик бой, сермазмун ва сабоқли тарихини илмий жиҳатдан ҳар томонлама чуқур ва кенгроқ ўрганишга эътибор берилмади. Аксинча, ҳаққоний тарихимиз кўп жиҳатдан сохталаштирилиб, Амир Темур ва Хўжа Аҳрордек буюк тарихий шахсларнинг фаолияти ва тарихимизда тутган ўрни бу-

зиб кўрсатилди. Айниқса, ўрта асрлар жамиятининг ижтимоий ҳолати ва маънавий маданияти тарихи борасидаги илмий йўналишлар ҳар томонлама чекланиб, ечими зарур муаммоларнинг ўта долзарб мавзулари илмий тадқиқот дастурларидан четда қолди. Бу йўналишда ижод қилган олимларнинг асарларига «панисломизм», «пантуркизм», «панэронизм», «ўтмишни идеаллаштириш» ва «тарихий шахсларни илоҳийлаштириш» деган тамгалар муҳрланиб, асар муаллифлари эса «назарий саводсизлик» ва «сиёсий сўқирлик»да айбланди ва камситилди. Бунинг устига халқимиз маърифати ва маънавиятининг бош манбаи бўлган ёзув графикаси бир неча бор ислоҳ этилиши оқибатида асрлар мобайнида тўпланган ноёб қўлёзма асарлардан изчил фойдаланиш мураккаблашди, билимдон ёш манбашуносларнинг сафи сийраклашди.

Эндиликда истиқлол шарофати туфайли тарихимиз ва унинг сарчашмаси — моддий маданиятига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ислох Каримов бошлиқ давлатимиз томонидан тарихий қадриятларга халқимиз маънавий камолотининг пойдевори сифатида баҳо берилиб, илмий жиҳатдан уларни кенг ва чуқур ўрганиш ва ёш авлодни мустақиллик мафкура-си асосида тарбиялаш ишига муҳим аҳамият берилмоқда. Кейинги йилларда бу борада қатор халқаро илмий анжуман ва юбилейлар (Бухоро, Хива ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллиги) ўтказилди. Амир Темур, Улуғбек, Жалолиддин Мангу-берди, Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Мансур Мотуридий, Бурхонуддин Марғиноний, Абдулҳолиқ Гиждувоний ва Камолитдин Беҳзод каби ўрта аср даҳларининг тарихимиздаги ўрни ва фаолияти ҳамда маънавий меросини ўрганиш борасида муҳим тадбирлар ўтказилди, қатор илмий ва илмий-оммабоп китоблар нашр этилди, ҳаққоний тарихимизни ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилди. Биз энди мустақиллик шарофати билан қарийб унутилаётган ўтмишимизни бутун борлиқ, маҳобат ва буюклиги билан кўз олдимизга келтирмоқдамиз. Жонажон тарихимиз саҳифаларини варақлар эканмиз, қадимги Турон ва Туркистон диёрининг туб аҳолиси бўлмиш ўзбек халқининг тарихий илди-лари чуқур, воқеаларга ниҳоятда бой ҳамда сабоқли эканини ҳис этмоқдамиз, кўнглимизда миллий ғурур туйғулари барқ урмоқда. Эндиликда халқимизда жонланган ўзлигини англаш ва миллий уйғониш ҳиссиётини ривожлантириш, ёшлар он-

гига ўтмиш тарихимиз ва унинг бой қадриятлари, ота-боболар руҳини, моддий-маънавий маданиятта бўлган меҳр, ҳурмат ва қадр-қиммат, миллий ғоя ва миллий тафаккурга асосланган мустақиллик мафқураси ҳис-туйғуларини сингдириш тарих фанининг асосий ва ниҳоятда долзарб масаласи сифатида кундалик ҳаётимизнинг мазмунини аниқлатмоқда.

Хуллас, ушбу дарсликда Ватанимиз ва ўзбек халқининг ўрта асрларда бошидан кечирган ғоятда мураккаб ва машаққатли ҳаёт тарихи баён қилинади. Унда сиёсий воқеаларнинг ёритилиши жараёнида меҳнатсевар халқимизнинг бунёдкорлик фаолияти, яратган юксак маданияти ва эътиқоди ҳамда унинг она-Ватанга бўлган чексиз муҳаббати ва садоқатига бағишланган сатрларни ўқиб, шундай мўътабар халқнинг вори си эканлигимиздан қалбимиз фаҳрга тўлиб боради. Чунки мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади ... ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас».

## **БИРИНЧИ ҚИСМ**

### **ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН (IV—VIII АСРЛАР)**

#### **I БОБ. ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ЕР ЭГАЛИГИ ВА ДАВЛАТЧИЛИК**

##### **1-§. Илк ўрта асрларда қишлоқ жамоаси ва ер эгаллиги муносабатларининг шаклланиши**

Ўрта Осиё худудларида Қанғ давлати ва унинг жанубида Кушон подшолиги равнақ топган даврда бошланган юксалиш мамлакат аҳолисининг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришларга олиб келди. Деҳқончилик воҳаларида шаҳарларнинг сони кўпайди. Шаҳарлар кенгайиб, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданий ҳаётнинг марказига айланди. Воҳалар бўйлаб, айниқса, серсув азим дарё адоқларида қатор йирик суғориш тармоқлари қазиб чиқарилди. Суғорма деҳқончилик майдонлари кенгайди. Сув тегирмони, чигир ва чархпарраklar каби ўз даври учун анчагина мураккаб гидротехника иншоотлари кашф этилди. Оқар сув сатҳидан бирмунча баландликда жойлашган майдонларга сув чиқарилиб, обод этилди. Зироатчиликда ғаллакорлик ва полизчилик билан бир қаторда пахтачилик ва боғдорчилик майдонлари кенгайди. Халқ селекцияси йўли билан турли-туман зироатларнинг ҳосилдор навлари яратилди. Миришкорларнинг асрлар давомида суғориш, мелиорация ва экин етиштириш агротехникаси, хусусан, ер майдонларини ўғитлаш, зироатларга ишлов бериш соҳасида орттирган асрий тажрибалари туфайли деҳқончиликдан мўл ҳосил олинадиган бўлди.

Бу даврларда шаҳарларда аҳолининг гавжумлашуви, ҳунармандчиликнинг ривож топиши, ички ва ташқи сав-



донинг кенгайиши билан, шубҳасиз, қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ҳам ортиб, шаҳарлар теваарак-атрофидаги зироаткор мавзеларнинг худудлари тобора кенгайиб борди. Натижада мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида мустаҳкам хом ашё манбаи сифатида қишлоқларнинг нуфузи кўтарилиб, бир томондан, ерга, хусусан, зироаткор майдонларга бўлган муносабат, айниқса, уларга эгалик қилиш удумлари аста-секин ўзгара бошлади. Иккинчи томондан эса, ўтроқ зироаткор аҳоли билан чорвадор қабилалар ўртасидаги алоқалар гавжумлашди. Мамлакатнинг даштлик ва тоғ олди минтақаларида яшовчи кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолининг ўтроқлашуви кучайди. Оқибатда деҳқончилик учун яроқли обикор ерларга бўлган муҳтожлик тобора ошиб борди. Бундай вазият шубҳасиз ўз навбатида қўриқ ва бўз ерларга сув чиқариб катта-катта ер майдонларини очишни жадаллаштирди. Бундай ободончилик ишларини амалга оширишда эл-юртнинг ижтимоий ҳаётида каттагина нуфузга эга бўлган мулкдор ва қулдор зодагон вакиллари, қишлоқ оқсоқоллари ҳамда уруғ ва қабила бошлиқларининг ишбоши сифатида фаолликлари кучайди. Бундай шароитда, шубҳасиз, қўриқларда очилган янги ер майдонларининг маълум бир улуши ўша замон удуми бўйича, қонуний равишда саркорлар тасарруфига ўтиб, уларнинг ворисий мулкига айланди. Эл-юртнинг ижтимоий ҳаётидаги бундай хизмати туфайли омилкор саркорларнинг зироаткор аҳоли ўртасида обрў-эътибори ва таъсири янада кучайди.

«Отанг мироб бўлса ҳам еринг сув бошида бўлсин», деган халқ мақолига амал қилиб, мулкдор саркорлар ўзларига тегишли ер майдонларини суғориш тармоқларининг юқори қисмидан, айниқса, тўғон боши атрофидан ажратиб олишга муяссар бўладилар. Авваламбор, бу йўл билан улар сувдан деҳқончиликда бемалол фойдаланиш, қолаверса, сув тақсимотини назоратга олиб, қишлоқ аҳолиси устидан ўз тазйиқини ўтказиш имкониятига эга бўладилар. Шу тариқа улар қишлоқларда ўз тазйиқ доирасини кенгайтириб, бора-бора зироаткор аҳоли устидан ҳукмронлик қила бошлайди. Шунинг учун ҳам улар илк ўрта асрларда «деҳқон», яъни «қишлоқ ҳокими» номи билан шухрат топади. Деҳқонлар илк ўрта асрларда эндигина шакллана бошлаган янги ижтимоий муносабатларнинг ўрнатилиши

оқибатида қадимги зодагон давлатманд табақа бағрида дунёга келган ва янада бойиб бораётган мулкдор катта ер эгалари эди. Улар, шубҳасиз, асрлар мобайнида мамлакатда, хусусан, деҳқончилик хўжалигида ишлаб чиқариш кучлари асосини қишлоқ жамоалари ташкил этган патриархал қулдорлик тузумининг сўнгги босқичида пайдо бўла бошлаган илк ўрта асрларнинг янги зодагон табақа вакиллари эди. Мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида уларнинг бора-бора нуфузи ортиб, ўрта асрлар тазйиқкор юқори табақа вакилларига айланади.

Деҳқонлар одатда шаҳарларда ҳашаматли қаср ва саройларга, савдо ва ҳунармандчилик дўкону расталаридан иборат каттагина хўжаликка эга эдилар. Қишлоқларда эса, экинзор пайкаллардан ташқари, уларнинг кўшк ва истехкомли кўрғонлари, обжувозу мойжувоз ва тегирмонлари бўларди. Қул, чўри, етим-есирлардан иборат кўпдан-кўп хизматкорлар деҳқонларнинг улкан патриархал хўжалигида қишин-ёзин, кечаю кундуз беором машғул эди. Булардан ташқари, ҳар бир катта ер эгасининг молу жонини кўриқлаб, уни ички ва ташқи ёвлардан муҳофаза қиладиган 30–40, 50–100 ва баъзан ундан ортиқ қуролланган ҳарбий навқарлари бўлган. Улар «чокар» деб аталарди. Чокарлар бақувват ва абжир ҳамда ўз валинеъматига садоқатли ўспиринлардан танлаб олинган. Хитой манбаларида таърифланишича, Бухоро ва Самарқанд деҳқонларининг чокарлари ўлимга тик боқиб, уни абадиятга қайтиш, деб англайдиган ниҳоятда жасур ва жанговар бўлганлар. Айрим манбаларда қайд этилишича, ўша давр удуми бўйича, хожаси вафот этган чокарлар ҳатто у билан бирга тириклайин гўрга кўмилиши лозим бўлган. Бундай содиқ ва жанговар чокарлари билан деҳқонлар ёвгарчилик пайтларда душманга қарши ҳарбий юришларда қатнашар эдилар. Осойишталик замонда эса чокарларга суяниб қишлоқнинг озод зироаткор аҳли устидан ўз ҳукмларини юргизишга ҳаракат қилардилар. Аввалда ўз тасарруфидаги хизматкорларни коранда сифатида ишлатиб келган деҳқонлар, кейинчалик эса, турли йўллар билан қишлоқ жамоалари устидан маълум даражада тазйиқ кўрсатиб, бора-бора улар кучидан фойдаланишга киришадилар. Деҳқонларга қарам бўлиб қолган қишлоқнинг зироаткор бундай аҳли «кадивар», яъни қишлоқ кўрғонида, хусусан, катта ердорларнинг қишлоқдаги кўрғонларида яшовчилар номи билан юритилади. Шундай қилиб,

мамлакатда илк ўрта аср мулкчилиги муносабатларининг шаклланиши билан қишлоқ жамоалари ичида йирик ердор деҳқонлар билан бир қаторда ўз эркидан маҳрум бўлган мутлақо ерсиз ва мулксиз қашшоқ зироатчи табақа кадиварлар пайдо бўлади. Улар илк ўрта асрларнинг ижтимоий ҳаётида дунёга келган ва ердор деҳқонлар табақасига қарам бўлган қишлоқ жамоасининг янги меҳнаткаш мазлум аҳолининг вакиллари эдилар. Мамлакатда ер-сув мулкчилигининг хусусийлиги ортиб, ер эгаллиги муносабатларининг мустақамланиб бориши қишлоқнинг мулксиз ва эрксиз зироатчи мазлум аҳли — кадиварларнинг сони кўпайиб, деҳқончилик хўжалигининг асосий ишлаб чиқарувчи кучларининг бирига айланади.

Милодий I минг йилликнинг ўрталарига келиб, гарчи ер майдонларининг маълум бир қисми мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида каттагина нуфузга эга бўла бошлаган зодагон деҳқонлар ва мажусий руҳонийлар — қоҳинларнинг қўл остидаги мулклардан иборат бўлса-да, зироаткор воҳалардаги обикор ерларнинг асосий қисми ҳали ҳам қишлоқ жамоаларининг оддий меҳнаткаш аъзолари «кашоварз», яъни «ерни ҳайдовчи — ерни омоч билан ағдарувчи — қўшчи» деб юритувчилар тасарруфида эди. Деҳқончилик маҳсулотларининг деярли асосий қисми мана шу қўшчи-кашоварзларнинг машаққатли меҳнати билан етиштирилар эди.

Илк ўрта асрларда тарихимиз саҳнасида намоён бўлган зодагон деҳқонлар ва улар тасарруфидаги улкан патриархал хўжаликлар қиёс этилса, ерга эгалик қилиш муносабатлари жиҳатидан улар X—XI асрларда Фарбий Европада шаклланган «феод» ёки «лен» атамалари билан юритилган мулкларнинг заминдорлари — феодалларга яқин турар эдилар.

Шундай қилиб, илк ўрта аср мулкчилик муносабатларининг таркиб топиши билан мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида кескин ўзгаришлар содир бўлди. Патриархал қишлоқ жамоалари мулкий жиҳатдан табақаланиб, у ердор ва мулкдор деҳқон ва унга муте бўлган ерсиз ва эрксиз кадиварларга ажралиб кетди. Шу билан бирга обикор воҳаларда қишлоқ жамоалари ерларида яшаб келган ҳамда ер ва сувдан иборат умумий мулкка эга бўлган эркин зироатчилар — қўшчи-кашоварзларнинг маълум бир қисми жамоа ерларидан маҳрум бўлиб, уларнинг заминдор деҳқонларга қарам мазлум табақа — кадиварларга айланиш жараёни кучайди.

Катта ердор зодагонларнинг нуфузи ортиб, кашоварзларнинг уларга қарам кадиварларга айланишида давлат маъмурлари деҳқонлар табақаси манфаатларини қувватлайди. Оқибатда деҳқонлар қўл остида катта мулк ва куч тўпланади. Эл-юртнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида уларнинг мавқеи ниҳоятда ошиб кетади. Айрим деҳқончилик воҳаларининг катта деҳқонлари ҳатто ўз вилоятларида деярли мустақил ҳоким бўлиб олардилар. Шундай қилиб, милоднинг I минг йиллиги ўрталарида қадимги Турон аҳолисининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида содир бўлган бундай кескин ўзгариш мамлакатда сиёсий тарқоқликни кучайтириб, унинг майда маҳаллий ҳокимларга бўлиниб кетишига сабаб бўлади.

## **2-§. Илк ўрта асрлар давлатларининг ташкил топиши**

Заминдор деҳқонларнинг иқтисодий жиҳатдан зўрайиб, сиёсий мавқеининг ортиб бориши оқибатида милодий IV асрдаёқ айрим воҳаларда ҳудуди йирик суғориш тармоқлари кўлами билан чекланган вилоят ҳокимлари ташкил топа бошлайди. Бундай воҳа давлатчалари ўша замоннинг деярли мустақил мулклари бўлиб, ҳокимлари турли номлар билан юритилган. Бундай маҳаллий ҳукмдорлар Бухорода — бухорхудот; Суғд (Самарқанд) ва Фарғонада — ихшид; Дабусиё (Нарпай)да — дабусшоҳ; Варданзе (Шопуркон)да — вардонхудот; Чағониён (Сурхондарё)да — чағонхудот; Термизда — термизшоҳ; Хоразмда — хоразмшоҳ; Элоқ (Оҳангарон)да — деҳқон; Чоч (Тошкент)да — тудун каби номлар билан шуҳрат топган эдилар.


Заминдор деҳқонлар эса ўз ихтиёридаги қуролланган навқар — чокарлари билан ҳоким қароргоҳи ва воҳа ҳудудларини муҳофаза қилиш каби вазифаларни ўтаб, маҳаллий ҳокимларга хизмат қилардилар. Археологик маълумотларнинг гувоҳлик беришича, зироаткор воҳаларда ташкил топган маҳаллий ҳокимликлар бу даврда ҳали сиёсий жиҳатдан марказлашган ягона давлат бошқарувига

бирлаштирилмаган бўлсалар-да, аммо мустақилликнинг рамзи ҳисобланган ўз танга пулларига эга эдилар.

Бу даврда инқирозга учраб парчаланиб кетган Қанг давлатининг жануби-ғарбий ҳудудларида даставвал Хоразмшоҳлар давлати қайта ташкил топди. Қадимги Хоразм тупроғида ўз мустақиллигини қайта тиклаган бу нуфузли давлат маҳаллий Африғийлар сулоласига мансуб хоразмшоҳлар томонидан идора этилади. Африғийлар давлатининг пойтахти дастлаб Қорақалпоғистоннинг ҳозирги Эликқалъа тумани ҳудудида жойлашган қадимги Тупроққалъа шаҳар харобасининг ўрнида бўлган.

Мудофаа жиҳатидан пойтахт ниҳоятда мустаҳкам қурилган эди. У атрофи чуқур ва кенг хандақ билан ўралган баланд тагкурси устига тўртбурчак шаклида (500x350 м) хом ғиштлардан бино қилинган. Баландлиги қарийб 10 м ли, унинг ташқи девори қатор нишон туйнуклар ва мўла-лар билан мустаҳкамланган. Шаҳарнинг жанубида — деворнинг қоқ белида мустаҳкам лабиринтли дарвозахонаси бўлган. Дарвоза қаршисида шаҳар марказидан кесиб ўтказилган кўчанинг ҳар икки томони бўйлаб шаҳарликларнинг тураржойлари қанот ёзган. Шаҳар марказидан юқорироқда ибодатхона мажмуаси, унинг шимоли-ғарбий бурчак қисмида эса баландлиги 25 м ли уч минорали хоразмшоҳлар қасри қад кўтарган. Қаср иморатлари икки қаватли, шоҳ саройи ва кошона тураржойларнинг девору токчалари турли мазмундаги рангдор тасвирлар, қабартма ганчкор нақш-лар ҳамда ҳайкаллар билан безатилган. Шаҳарнинг умумий майдони 26 га га тенг. Бу даврда Хоразмда гирди мустаҳкам деворлар билан ўралган мана шундай шаҳарлар, истеҳкомли қишлоқлар жуда кўп бўлган.

Берунийнинг ёзишича, милодий 305 йилда хоразм-шоҳ Африғ ўз қароргоҳини Хоразмнинг қадимги пойтахти Кат шаҳрига кўчирган. Кат қайта тикланиб, унинг ёнида жойлашган Алфир қасри ичида шоҳ ўзига янги сарой қурдиради. Худди шу вақтдан бошлаб Хоразмнинг африғий подшоҳлари бетига шоҳ ва орқасига сувори тасвирлари туширилган кумуш тангалар зарб этиб, мамлакатнинг ички ва ташқи савдо муносабатларида мустақил бўлиб оладилар.



Илк ўрта асрларда Туркистон

### 3-§. Хионийлар, кидарийлар ва эфталлар давлати

Мамлакатимиз бўйлаб деҳқончилик воҳаларида вилоят ҳокимликлари қарор топаётганда унинг шимолий, шимоли-шарқий ҳудудларига туташган кенг даштликлар чорвадор аҳолисининг ижтимоий ҳаётида мулкий табақаланиш жараёни кучайиб, жанубий воҳаларга томон уларнинг кўчиб ўтиши ва ўтроқлашуви жадаллашади.

IV аср ўрталарида Ўрта Осиёга шимоли-шарқдан Етисув ва Шарқий Туркистон ҳудудларидан чиқиб келган туркий қабилаларга мансуб хион ёки хиёнларнинг ҳужуми бошланади. Бу кўчманчи чорвадор нуфус тарихда хиёнийлар номи билан шуҳрат топади.

Арман манбаларида таърифланишича, хионийларнинг ўша пайтларда рухсорига эндигина ажин оралаган ўрта ёшдаги Грумбат исмли подшоҳи бўлган. У ниҳоятда доно, беҳисоб ғалабалари билан донғи таралган забардаст ҳукмдор бўлган. Милодий 353 йилда хионийлар Суғдга бостириб киридилар. Сўнгра улар Эронда ташкил топган ва тобора зўрайиб, ўз тазйиқини шарқий вилоятларга томон муттасил кучайтириб бораётган Сосонийлар давлати билан тўқнашади. Икки ўртада бўлиб ўтган дастлабки жанглардаёқ сосонийлар шоҳи Шопур II (309–379) хионийлардан енгиледи. Сўнгра ўзаро сулҳга келишиб, ҳатто улар ўртасида иттифоқчилик ипи боғланади. Шунга мувофиқ 359 йилда Грумбат ва унинг ўғли бошлиқ хионийлар Суриянинг Умда шаҳарини қамалга олишда сосонийлар билан бир сафда туриб қатнашадилар. Жангда ҳатто хионийлар шаҳзодаси ҳалок бўлади. Аммо кўп вақт ўтмай Грумбат билан Шопур II муносабатлари яна кескинлашади.

IV асрнинг 60-йиллар охири ва 70-йиллар ўртасида шоҳ Шопур II бошлиқ сосонийлар Амударё ҳавзасига икки марта аскар тортадилар. Ҳар икки сафар ҳам улар катта талафот кўриб хионийлардан енгиладилар. Шундай қилиб, IV асрнинг 70-йилларида хионийлар Ўрта Осиёда узил-кесил ҳукмронликни ўрнатишга муваффақ бўладилар. Сирдарё бўйларидан то Амударё ҳавзасигача чўзилган кенг майдонда хионийларнинг кучли давлати қарор топади. Бу давлат 120 йилдан ошиқроқ умр кечиради.

V асрнинг 20-йилларида эса Шарқдан Сирдарё ва Орол бўйлари орқали Хоразм ҳамда Амударё ҳавзасига яна бир кўчманчи чорвадор аҳоли — тохарлар кириб келади. Тохарлар кушонларнинг авлодларидан бўлиб, Кидар исмли ҳукмдор уларга йўлбошчи эди. Шу боисдан манбаларда улар кидарийлар номи билан тилга олинади. Тез орада кидарийлар Амударё ҳавзаси ҳамда Ғарбий ва Жанубий Суғд ерларини ишғол қилиб, хионийлар давлатининг жанубий қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Амударёнинг сўл томонида жойлашган Балх шаҳри эса бу янги давлатнинг пойтахтига айлантирилади. Шубҳасиз, Кидарийлар давлатининг географик ҳолати ўз ўзидан уни сосоний ва хионийлардек замонасининг икки йирик давлатлари ўртасида қалқон давлатга айлантиради.

Афтидан, кидарийлар хионийлар билан иттифоқчи сифатида ҳаракат қилган ва ўз тажовузларини Хуросонга томон кенгайтиришга интилган. V асрнинг то 60-йилларига қадар улар сосоний шоҳларининг Шарқдаги асосий душмани бўлиб қолган. Марв воқасида кидарийлар билан сосонийлар шоҳи Вараҳран V (420—438) ўртасида содир бўлган жангда шоҳнинг кўли баланд келиб, ўз душмани устидан ғалаба қозонади. Бу воқеадан сўнг кидарийлар мамлакати билан сосонийлар давлати ўртасида чегара белгиланиб, Таликон яқинида тошдан чегара минораси ўрнатилади. Чегарани назорат остига олиб, уни муттасил кузатиб туриш мақсадида Вараҳран V ҳатто Хуросон ноиби қароргоҳини Балх шаҳрига кўчиради. Бироқ бу билан чегара хавфи барҳам топмайди. Шимоли-шарқий чегараларни кидарийлар ҳужумидан мудофаа қилиш зарурияти сосонийларнинг яна бир шоҳи Яздигардни (438—457) ҳам узоқ йиллар давомида улар билан муттасил шиддатли жанг қилишга мажбур этади. Кидарийлар устидан шоҳ гоҳ ғалаба қозонади, гоҳ мағлубиятга учрайди. 456 йилда бўлиб ўтган навбатдаги ҳарбий тўқнашувлардан бирида катта талафот бериб, сосонийлардан қақшатқич зарбага учраган кидарийлар ўзини қайта ўнглаб ололмайди. Айни шу вақтда улар шимолдан жанубга томон силжиган яна бир кўчманчи чорвадор аҳоли — эфталлар билан тўқнашади. Натижада марказий ҳукмронлик барқарорлигини мустаҳкамлаб олишга улгурмаган кидарийлар мамлакатни тарк этиб, жануби-шарққа—Шимолий Ҳиндистонга томон чекинишга мажбур бўлади.



Ҳиндистондаги Гупга давлатини ўзига бўйсундириб, у ерда 75 йил ҳукмронлик қилишади.

V аср ўрталарида Ўрта Осиёга шиддат билан кириб келган бу янги кўчманчи аҳоли ёзма манбаларда афтал, хефтал, хайтал, хетал, абтал, идал, тетал, и—да, е—диен каби қатор жарангдор номлар билан тилга олинади. «Эфтал» деган ном илк бор «хетал» шаклида V аср арман манбаларида учрайди. Бу ном аслида «Эфталон» деб юритилган қабила номидан олинган. Вахшунвар бошлиқ Эфталлар давлати ташкил топгач, бу этноним қабила номидан давлат номига кўчган. Чунки шоҳлик тахтига минган Вахшунвар эфталон қабиласи зодагонларидан эди.

Эфталларнинг Ўрта Осиёга юриши V аср ўрталарида бошланади. Қисқа вақт ичида Чағониён, Тохаристон ва Бадахшон бўйсундирилади. Бир зарба билан Суғдда хионийлар ҳукмронлиги барҳам топади. V асрнинг 50-йилларида Эфталлар давлати ниҳоятда кучаяди. Уларнинг дастлабки элчиси 456 йилда Хитойга етиб боради.

Эфталларнинг тобора кучайиб бораётган тажовузидан хавфсираган сосонийлар уларга қарши юриш қилади. Икки ўртадаги жангу жадаллар Перўз ҳукмронлик қилган даврда (459—484) айниқса авжига чиқади. Сосонийлар шоҳи эфталларга қарши уч марта юриш қилади. Дастлабки маҳорабадаёқ у мағлубиятга учраб, асир тушади. Византия императори Зенон томонидан юборилган ўлпон эвазига у асирликдан озод этилади. Перўз чегарадаги Таликон шаҳрини эфталларга бериш ва бундан буён Варахран V томонидан белгиланган чегара — Тошминордан ўтмаслик шартини ўз зиммасига олади. Аммо бу шартларни бажармайди. Бир оз вақт ўтгач, иккинчи марта эфталларга қарши қўшин тортади. Перўзнинг иккинчи юришида иттифоқдош Византиянинг элчиси Евсивий иштирок қилади. Иккинчи юриш ҳам муваффақиятсиз тугайди. Иккинчи марта асирликка олинган Перўз 30 хачир дирҳам ўлпон тўлаш мажбуриятини олади. Бироқ унинг деярли бўшаб қолган хазинасидан фақат 20 хачирга юк бўладиган маблағ топилади, холос. Шоҳнинг Қубод исмли ёш ўғли эфталлар юртига гаровга юборилиб, Перўз тутқунликдан озод этилади. Икки йил давомида эфталларга ўлпон тўлаб турилади. Ўлпонни шоҳ аҳоли жон бошига оғир солиқ солиш йўли билан тўплайди. Ёзма манбаларда бу воқеалар Перўз томони-

дан Эроннинг эфталларга сотилиб оёқ ости қилингани ва мазлумликдан абадулабад ориёнийлар юрти халос бўла олмаслиги алам билан қайд этилади.

Белгиланган ўлпонни тўлаб бўлгач, Перўз эфталлар билан алоқани яхшилашга ҳаракат қилади. Улар билан куда- андачилик ипини боғлаш мақсадида рақибига синглисини хотинликка таклиф этади. Эфталларнинг илтимосига биноан 300 нафар ҳарбий инструктор юборилади. Аммо эфталлар ҳоқими Кунха Эронли инструкторларнинг бир қисмини ўлдиришга, қолганларини эса уриб, майиб қилишга буюради. Чунки шоҳ сингlisi ўрнига чўриларидан бирини юбориб, эфталлар ҳукмдорининг иззат-нафсига теккан ва бундай ҳийланайранги билан уни ниҳоятда ранжитган эди. Шу боисдан Перўз 484 йилда эфталларга қарши учинчи марта юришга отланади. Бу галги уруш сосонийлар шоҳининг ҳалокати билан тугайди. Марв ишғол қилиниб, Эрон устига жуда оғир ўлпон юкланади. Гарчи Перўз ворислари Кубод (488—531), Анушервон (531—579) ҳукмронлик қилган даврларда эфталлар билан муносабатлар анча юмшаб, тинчлик тусини олган, ҳатто айрим вақтларда Византияга қарши эфталларнинг иттифоқдоши сифатида ҳаракат қилинган бўлса-да, аммо сосонийлар йил сайин кумуш ҳисобида муайян божни муттасил тўлаб туради. Шундай қилиб, кибр-ҳаволи забардаст Византия императорларини бир неча бор тиз чўктирган сосонийлар эндиликда ярим кўчманчи эфталларнинг даҳшатидан ваҳимага тушиб, уларнинг боқий ўлпондори бўлиб қолади.

Қисқа муддат мобайнида эфталлар Кобул ва Панжоб водийларини эгаллайдилар. Сўнгра Ўрумчи, Қорашар, Куча, Хўтон ва Кошғар шаҳарлари забт этилади. Натижада V асрнинг иккинчи ярми ва VI аср бошларида Ўрта Осиё, Шарқий Эрон, Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон ерларини ягона ҳудудга бирлаштирган илк ўрта асрларнинг янги қудратли Эфталлар давлати ташкил топади. Гарчи бу давлат сиёсий жиҳатдан Кушон подшолигига нисбатан унчалик мустақкам бўлмаса-да, аммо майдони жиҳатидан ундан улканроқ эди. Бу буюк давлат Шарқ мамлакатлари, хусусан, Ўрта Осиё халқлари тарихида, айниқса, муҳим ўринга эгадир.

#### 4-§. Ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт

Эфталлар давлати тасарруфига бирлашган улкан мамлакатнинг табиий географияси қанчалик ранг-баранг бўлса, аҳолисининг этник таркиби ҳам шунчалик қурама, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти эса бири иккинчисидан кескин фарқ қиларди. Эфталларнинг келиб чиқиши кўчманчи қабилаларга мансублиги туфайли илк ўрта аср Хитой манбаларида уларнинг юртида шаҳарларнинг йўқлиги, ўзлари эса ўтлоқларга бой яйловларда кигиз ўтовларда яшаши таърифланади. VI аср Византия муаррихларининг асарларида, аксинча, уларнинг «шаҳарлик» экани таъкидланади. Бири иккинчисига зид бундай маълумотларнинг ҳар иккисидан ҳам маълум даражада асос бор албатта. Чунки Ўрта Осиё, Хуросон, Шарқий Туркистон ва Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон ерларини забт этгач, кўчманчи чорвадор эфталлар, шубҳасиз, бу вилоятлардаги обод деҳқончилик воҳаларига, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдо ривож топган катта-кичик шаҳарларга эга бўладилар. Йиллар ўтиши билан омилкор маҳаллий аҳоли билан қон-қариндош бўлиб, қоришиб кетадилар. Натижада уларнинг бевосита ворисига айланадилар. Шу боисдан 568–569 йилларда Византия императори Юстин II ҳузурида бўлган турклар элчиси императорнинг «Эфталлар шаҳарларда яшайдиларми ёки қишлоқлардами» деган саволига «Улар шаҳарда яшовчи қабиладир, жаноби олийлари», деб жавоб берган.

Демак, Эфталлар давлатига бирлашган аҳолининг бир қисми кўчманчи чорвадор бўлса, иккинчи каттароқ қисми шаҳар ва қишлоқларда яшовчи ўтроқ аҳоли эди. Унинг аҳолиси асосан зироатчилик билан шуғулланарди. Тохаристон ва Суғд ривож топган деҳқончилик ва боғдорчиликнинг маркази ҳисобланарди. Қашқадарё ва Зарафшон водийларида ғалладан ташқари, шоли ҳам етиштирилар эди. Хитой манбаларида қайд этилишича, V–VI асрларда Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё ерларида кўплаб ғўза экилган эди. Унинг толасидан оппоқ ва ниҳоятда майин мато тўқилган. Хитой бозорларида бундай матога талаб катта бўлган. Чунки ўша даврларда Хитойда пахта ҳали экилмас эди.

Аҳолининг даштликларда яшовчи ярим кўчманчи қисми чорвачилик, хусусан, майда ва йирик шохли ҳайвонлар боқиш, туячилик, тоғли ва тоғ олди минтақаларида эса йилқичилик билан шуғулланар эди. Фарғона водийси ҳамон зотли арғумоқлари билан машҳур бўлган.

Зироаткор ерларнинг каттагина қисми ҳали ҳам қишлоқ жамоалари тасарруфида бўлса-да, мамлакатда ўрта аср мулкчилиги муносабатларининг таркиб топиши оқибатида суғориладиган ер майдонларининг маълум бир қисми мулкдор зодагон табақа вакили — «деҳқон»лар қўлида тўплана бошлаган. Бунинг натижасида қишлоқ жамоасининг эркин қўшчилари маълум даражада зодагон деҳқонлар асоратига тушиб, уларга қарам кадиварларга айланмоқда эди. Обикор ерларнинг бир қисми ибодатхоналар мулки ҳисобланарди. Бундай ерлар «вағнзе» деб юритилар эди.

Ййловларнинг асосий қисми эса қабила ва уруғ жамоалари ҳамда уларнинг оқсоқол зодагонлари — бийлар тасарруфида эди. Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида олиб борилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, V—VI асрларда деҳқончилик воҳалари теварак-атрофига келиб ўрнашган кўчманчи эфтал қабилаларининг оммавий равишда ўтроқлашуви кучаяди. Бунинг оқибатида обикор ерларга бўлган муҳтожлик ортади. Дарё водийлари бўйлаб катта-кичик суғориш каналлари қазиб чиқарилиб, минглаб гектар янги ер майдонлари ўзлаштирилади. Суғорма деҳқончилиқнинг кенгайиши билан ирригация техникаси ривож топади. Шох ариқлар чуқурлашиб, серсув ва сершоха суғориш тармоқларига айланади. Улар дарёдан сувни боғлаб олувчи ва юқорига кўтариб берувчи сув иншоотлари билан жиҳозланади. Ҳозирги вақтда Тошкент воҳаси ва Жанубий Қозоғистон ерларининг бир қисмини сув билан таъминлаб турган Зоғариқ ва Бўзсув, Самарқанд вилоятининг жанубий туманларининг асосий сув манбаи Дарғом канали V асрда барпо этилган энг йирик суғориш тармоқларидан ҳисобланади.

Бу даврда тоғ олди минтақаларида жойлашган адир ерларга сув чиқариб, обод этишда ўқ, гупчак ва тишли ғилдиракка асосланган ва ўз даври учун анча-мунча мураккаб гидротехника иншоотлари: чархпаррак, чигир ва бошқалардан фойдаланилади. Янгидан ўзлаштирилган ерларда зодагон деҳқонларнинг қалин ва улкан хом ғиштлардан

уриб чиқилган баланд тагкурси устига бино қилинган кўшқла-ри, гирди баланд деворлар билан ўралган истехкомли кўрғон-ларию ҳашаматли қасрлари билан бир қаторда меҳнаткаш кўшчиларнинг кўпдан-кўп истехкомсиз қишлоқлари ва майда тураржойлари қад кўтаради. Эфталлар даврининг ҳашаматли қасрларидан бири Сурхондарёда Болаликтепа ёдгорлиги ос-тидан қазиб очилган. Худди шу даврда Чағониён, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Кеш, Нахшаб ва Тошкент атрофлари тўла ўзлаштирилиб, алоҳида-алоҳида деҳқончилик воҳалари шаклланади. Кейинчалик бу воҳаларда ердор деҳқонларнинг сиёсий мавқеи ошиб, илк ўрта асрларнинг деярли мустақил майда ҳокимиятлари ташкил топади. Бухоро вилоятининг Жондор туманидаги Варахша қасри VI—VII асрларда бухор-худотлар — Бухоронинг маҳаллий ҳукмдорларининг ёзги қароргоҳи эди.

Аҳолининг оммавий ҳашари ва машаққатли меҳнати билан сув чиқарилиб обод этилган воҳаларни ташқи ёв босқинларидан муҳофаза қилиш мақсадида уларнинг теварак-атрофи бир неча юз чақиримларга чўзилган баланд ва қалин деворлар билан ўраб олинади. Илк ўрта асрларнинг бундай мудофаа иншоотлари кўринишидан қадимги Буюк Хитой деворига ўхшар эди. Самарқанд воҳаси атрофини ўраган 12 дарвозали бундай иншоот «Девори қиёмат», Бухоро вилояти гирдини ўраган 336 км ли девор «Кампирак» ва Тошкент воҳасининг девори эса «Кампирдевол» номлари билан тарихда шуҳрат топади.

Бу даврда деҳқончилик воҳаларидаги катта-кичик ша-ҳарлар гавжумлашиб, уларда, айниқса, кулолчилик, шиша-гарлик, чилангарлик, бўзчилик, саррожлик, заргарлик ва қуролсозлик каби касб-хунарлар равнақ топади. Илк ўрта асрларда Чочда ясалган ўқ ва ёй «камони чочий» номи билан бутун Шарққа донғи таралади. Бу даврда биргина Зарафшон водийсида Самарқанд ва Бухородан ташқари, Ривдад, Кушония, Дабусиё, Хариман, Арқуд, Ромитан, Варахша ва Пойканд каби хунармандчилик ва савдо шаҳарлари мавжуд эди. Айрим маълумотларга қараганда, Пойканд шаҳри Эфталлар давлатининг пойтахти бўлган. Хитой манбаларида у Би номи билан тилга олинади. Араблар уни «Мадинад ут-тужжор», яъни «савдогарлар шаҳри» деб юритганлар.

Ташқи савдо божидан манфаатдор бўлган эфталлар бу шаҳарлар орқали ўтган «Ипак йўли»ни ўз назоратлари ости-

да тутиб туришга ҳаракат қилган. Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Византия билан бўлган халқаро савдода улар фаол қатнашарди. Хитой билан Византия асосан ипак, ипакли мато, рангдор шиша, қимматбаҳо тошлар, бўёқлар ва турли хил зирворлар билан савдо қиларди. Урта Осиёдан олтин, кумуш, Бадахшон лаълиси билан бир қаторда Хитойга рангли шиша ва шиша буюмлар, турли хил мевалар, ип газлама — асосан карбос, қоракўл териси, тулпорлар чиқариларди. Ипак йўли савдосида сосоний савдогарлари билан рақобатда асосан суғдийлар воситачилик ролини ўйнардди.

Халқаро савдо алоқаларининг гавжумлашуви билан мамлакатда танга пул муомаласи тартибга солинади. Ички ва ташқи савдо муносабатларида эфталлар даставвал сосоний ҳукмдорлари Варахран V ва Перўзнинг кумуш тангаларидан кенг фойдаланадилар. Бу даврда сосонийлар тўлаган ўлпонлар ва йиллик божлар ҳисобидан эфталлар давлат хазинасида жуда катта миқдорда Эроннинг кумуш дирҳамлари тўпланиб қолиши эҳтимолидан узоқ эмас. Шу боисдан V аср сосоний тангалари мамлакатнинг ички ҳаётида кенг муомаллада бўлган. Археологик қазинмаларда эфталлар даври қатламларида сосонийлар тангаларининг тез-тез қайд этилиши бунинг ёрқин далилидир.

Кейинчалик эфталлар сосонийлар шоҳи Варахран V тангаларига тақдидан олд томонида қулоғига ҳалқа таққан тождор подшоҳ, орқа томонида эса марказда оташдон ва икки атрабон тасвирлари сўқилган кумуш тангалар зарб қиладилар. Булардан ташқари, Бухоро, Пойканд, Вардана, Нахшаб, Самарқанд ва Хоразмда маҳаллий ҳокимлар томонидан чиқарилган чақа тангалар мамлакат ички савдосида кенг муомаллада бўлган. Бу, шубҳасиз, мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида маҳаллий ҳокимлар катта нуфузга эга эканидан далолат беради.

Эфталларнинг урф-одати, хусусан, дафн маросимлари, қабр турлари ҳамда зодагонларнинг кийим-бошлари таърифи ҳақидаги манбаларда келтирилган баъзи маълумотларга қараганда, улар ўртасида табақаланиш ва мулкий тенгсизлик кучли бўлган. Уларда ўз давлат тузуми, қарор топган қонун ва қоидалари мавжуд бўлган. Жиноятчилик бўйича жазо ниҳоятда қаттиқ бўлган. Ўғирлик қилган жиноятчининг боши кесилган. Ўғирланган мол-мулкнинг миқдоридан қатъи назар, у ўн баробар қилиб ундириб олинган.

Эфталлар ўз ташқи сиёсатларида ҳарбий кучга суянганлар. Уларнинг жуда кучли қўшини бўлган. Унинг асосий қисмини суворилар ташкил этган. Эфтал суворилари гурзи ва шамшир билан қуролланган. Улар камондан ўқ узишда моҳир мерган бўлишган.

VI аср Византия тарихчиси Прокопийнинг ёзишича, эфталларнинг қонуний давлати подшоҳи мутлақ томонидан бошқарилган. Қўшни давлатлар билан муносабатларида улар румий (византиялик)лар ва форслар адолатидан заррача ҳам кам бўлмаган адолатга амал қилганлар.

Хионий, кидарий ва эфталларнинг Ўрта Осиё ҳудудларига кириб келиши, шубҳасиз, маҳаллий аҳолининг ҳаётига маълум даражада салбий таъсир этди. Чорвадор кўчманчи қабилаларнинг ўтроқлашуви оқибатида дастлаб теварак-атрофи даштликларга туташган Хоразм, Бухоро ва Нақшаб вилоятларининг зироаткор ерлари пайҳон этилиб, кўплаб қишлоқлар, катта-кичик шаҳарлар бўшаб, ҳувиллаб қолади. Хоразм аҳолисининг каттагина қисми ўз она юртини тарк этиб, Зарафшон водийсига бориб ўрнашади.

Кўчманчи қабилаларнинг деҳқончилик воҳалари атрофига келиб ўрнашиши билан, шубҳасиз, маълум даражада дашт удумлари ва эътиқодий тасаввурлари ўтроқ аҳолининг ҳаётига кириб боради. Мамлакатда содир бўлган тушкунлик унинг моддий маданиятида, айниқса, ўз аксини топади. Ҳунармандчиликнинг кулолчилик соҳаси маҳсулотлари одмилашади ва дағаллашади. Бундай ҳолат гарчи Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё воҳаларида яққол кузатилса-да, аммо у асрий маданий анъаналари кучли бўлган Тохаристон ва Суғдда деярли сезилмайди. Аксинча, бундай воҳаларда кўчманчилар тез орада ўтроқлашиб, маҳаллий аҳоли билан қоришади ва унинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этади. Ўрта асрлар мулкчилиги муносабатлари қарор топаётган шароитда кўчманчи чорвадорларнинг тазйиқи остида ўтроқ ҳаётнинг маданий анъаналари дашт удумлари билан омухталлашиб, илк ўрта асрларнинг ўзига хос маънавиятини шакллантиради.

## 5-§. Ўрта Осиё халқлари Турк хоқонлиги таркибида

V асрнинг иккинчи ва VI асрнинг биринчи ярмида Олтой ва Жанубий Сибирда Ашина қабиласининг ябғулари Асаншод, Туу ва Буминлар (460—553) бошчилигида туркий қабилаларнинг иттифоқи вужудга келади. Қадимги турк манбаларида бу иттифоқ «тюрк», «тюрк эл», «турк бўдун» каби номлар билан тилга олинади. VI аср ўрталарида Бумин бошлиқ бу турк иттифоқи теле қабиласини ўзига бўйсундиргач, Марказий Осиёдаги энг кучли Жужан хоқонлигига қақшатқич зарба беради. 551 йилда Бумин «хоқон», яъни ҳукмдор унвонига муяссар бўлиб, Марказий Осиёда янги империя — «Турк хоқонлиги»га асос солади. Олтой хоқонлигининг маркази бўлиб қолади.

Марказий Осиё ва Жанубий Сибирда ҳукмронликни мустақамлаб олгач, Бумин ва унинг укаси Истеми хоқонлик чегараларини кенгайтиришга киришадилар. Қисқа вақт ичида Энасой (Енисей) дарёси бўйларида яшовчи қирғизлар, Жануби-Ғарбий Манжуриянинг мўғул қабиласи — киданлар бўйсундирилади. Шимолий Хитой вилоятлари босиб олиниб, Хитой императори турклар билан сулҳ тузишга, кейинчалик эса ҳатто у йилига юз минг тўп ипак мато ҳисобида хоқонликка ўлпон тўлаб туришга мажбур бўлади.

Турклар ғарбга томон муваффақиятли юришлар олиб борадилар. Ҳарбий ҳаракатларга Истеми бошчилик қилади. Унга «Ябғу хоқон» деган унвон берилади. Тез орада Еттисув ва Шарқий Туркистонга туташган юртларда яшовчи нушиби, дулу ва туркаш каби туркий қабилалар бўйсундирилади. 555 йилдаёқ турклар Шарқий Туркистоннинг обод деҳқончилик вилоятларининг каттагина қисмини ва бой хунармандчилик шаҳарларини ҳамда Сирдарё ва Орол денгизи бўйларигача чўзилган кенг даштликларини бутунлай эгаллаб оладилар. Турклар ҳокимлиги шу пайтларда, шубҳасиз, Хоразмга ҳам ёйилиб, хоқонлик чегараси эфталлар ҳудудларига бориб ёндашади. Шунини эътироф этиш керакки, чорвадорларнинг ғарбга томон юриши истило эмас, балки Марказий Осиёда яшовчи туркий қабилаларнинг Шарқий Туркистоннинг шимоли ва Ўрта Осиёнинг шарқидаги улкан даштлик ва тоғлик ўлкаларга навбатдаги кўчиб келиб



ўрнашиши эди. Бу жараёнда қадимдан ушбу ҳудудларда яшаб келган ва тил жиҳатидан туркийзабон маҳаллий чорвадорларнинг бир қисми туркларнинг ҳарбий бошқарув тизимига бирикиб, қолганлари эса қочиб аварларга бориб қўшилади, уларнинг ҳарбий қудратини ошириб, турк номи билан Шарқий Европа даштларига бориб ўрнашади.

558 йилга келиб турклар Ёйиқ (Урал) ва Итил (Волга) бўйларини забт этиб, ундан ғарбда ва Шимолий Кавказда белоён ерларни эгаллаб олган аварлар билан тўқнашадилар. Ғарбдаги бу икки душманга узил-кесил зарба бериш мақсадида турклар Эрон ва Византия билан дўстона алоқа ўрнатишга интилади. Турклар тазйиқи оқибатида бу даврда юзага келган қулай вазиятдан фойдаланиб сосонийлар Тохаристон, Забулистон, Кобулистон ва Чағониённи эфталлардан тортиб олади.

Бундай вазият, шубҳасиз, ўз-ўзидан туркларни аввал Эрон, сўнгра Византия билан яқинлаштиради. Бождорликдан қутулган Эрон ҳам, ўз навбатида, эфталларга қарши курашда турклар билан ҳарбий иттифоқ тузиш илинжида бўлади. Чунки узоқ вақт эфталлар тазйиқида яшаган сосонийлар бу давлатнинг тамомила барбод бўлишидан манфаатдор эди. Хусрав I Анушервон ( 531—579) ташаббуси билан юзага келган ўзаро ҳарбий иттифоқ Эрон шоҳининг Ябғухоқон Истемига куёв бўлиши орқали янада мустақамланди.

Византиянинг аварларга ҳомийлигини тўхтатишга императорни кўндириш мақсадида 563 йилда Турк хоқонлиги элчилари Константинополь шаҳрига етиб борадилар. Элчиликка нушиби қабиласининг бошлиғи Эскил раҳбарлик қилади.

Ўша йили Эрон аскарларининг Балхга ҳужуми кўмагида турклар Эфталлар давлати ерларига бостириб кирадилар. Парак (Чирчиқ) водийси ва унинг маркази Чоч шаҳри олинади. Сирдарёдан ўтиб, Зарафшон водийсига кириб борадилар. Улар Самарқанд, Кеш ва Нахшабни эгаллаб, Бухорога яқинлашадилар. Балх, Термиз, Омул ва Замм шаҳарларидан катта куч тўплаб, эфталлар Бухоро яқинида жангга тайёргарлик кўрадилар. Саккиз кун давом этган шиддатли жангда эфталлар қўшини турклардан енгилди. Шундай қилиб, жанубдан Эрон сосонийларидан, шимолдан эса Турк хоқонлигидан қақшатқич зарбага учраган Эфталлар давлати бир асрдан

ошиқроқ ҳукмронликдан сўнг, тамомила барбод бўлади. Натижада мағлуб давлатнинг мероси ўзаро бўлиниб, Амударёнинг жанубий қирғоқларигача бўлган вилоятлар Эрон, унинг шимолий соҳиллари бўйлаб Харкон (Обаскун) денгизигача чўзилган ерлар Турк хоқонлиги тасарруфига ўтади.

Эфталлар подшолиги қулагач, вазият тубдан ўзгаради. Эндиликда ўз чегарасини шимоли-шарққа томон кенгайтириб олган Эрон Амударёдан то Сурияга қадар ипак йўли устида ҳақиқий сарбон бўлиб олади. Уни қаттиқ назоратга олиб, ипак савдосидаги устунликни ўз қўлида тутиб туришга уринади. Узоқ Шарқдан Эрон ҳудудларигача карвон йўли назоратини ўз ҳомийлиги остига олган турклар эса, Эрон орқали Византия билан бевосита савдо қилишга ҳаракат қилади. Бироқ Эрон бунга йўл бермай, турли-туман баҳоналар билан ипак савдосининг фаол иштирокчи воситачилари — суғд савдогарларининг Эрон ҳудудларидан ўтишига тўсқинлик қилади. Шу боисдан вазият мураккаблашиб, иттифоқчилар ўртасида адоват пайдо бўлади. Эрон орқали Византия билан олиб борилган бевосита савдо алоқалари деярли узилади.

Турк хоқони Истемининг ижозати билан суғд ихшиди савдо масалаларини Эрон шоҳи билан келишиб олиш мақсадида унинг ҳузурига машхур суғд савдогари Маниах бошчилигида махсус элчилар юборади. Шоҳ Хусрав узоқ вақт Маниахга узил-кесил жавоб бермайди. Сўнгра шоҳнинг амри билан самарқандликлар келтирган ипак матолар харид этилиб, кейин эса элчилар кўз ўнгида ўтга ташланиб намоийш-корона ёқиб юборилади. Хусрав ҳузурига хоқон томонидан юборилган иккинчи элчиликнинг кўпгина аъзолари Эронда заҳар ичирилиб ҳалок қилинади.

Эрон билан олиб борилган элчилик муносабатлари муваффақиятсиз тугагач, турклар Византия билан ҳарбий иттифоқ тузиб сосонийларга қарши юриш бошлашга қарор қиладилар. 568–569 йилларда Турк хоқонлиги Константинополга император Юстин II саройига ўз элчиларини юборади. Элчиликка яна ўша суғд савдогари Маниах бошлиқ қилиб тайинланади. Унга Истемининг император номига ёзган махсус мактуби билан кўпгина қимматбаҳо ҳадялар топширилади. Византия билан ҳарбий иттифоқ тузиш ва бевосита савдо алоқалари ўрнатиш каби вазифалар юкланади. Турк элчила-

ри Обаскун (Каспий) денгизининг шимолий соҳиллари орқали Кавказ тоғларидан ошиб ўтиб, Константинополга етиб борадилар. Пойтахтда улар тантана билан қабул этилиб, Византия билан Турк хоқонлиги ўртасида Эронга қарши ҳарбий иттифоқ тузилади. Қайтишда Маниах билан турклар мамлакатига Земарх бошлиқ жавоб элчилари юборилади. Византия элчисини хоқон Тяншаннинг Олтинтоғи этагидаги ўрдугоҳида қабул қилади.

Бироқ кўп вақт ўтмай Византия билан муносабат жиддийлашади. Турклар Юстин II нинг аварлар билан олиб борган тинчлик алоқаларини иттифоқликка хиёнат деб, ундан ранжийдилар. 575—576 йилларда улар Киммерий Босфорини эгаллаб, Қрим ярим оролигача кириб борадилар. Кейинчалик Византия ва хазарлар кўмагида турклар бир неча бор Эронга қарши лашкар тортадилар. 588 йилда Ҳирот яқинида Эроннинг машҳур саркардаси Баҳром Чубиндан енгилдилар. Жангда турк хоқони ўқ еб ҳалок бўлади.

Шундай қилиб, VI асрнинг 70—80-йилларида Енисейнинг юқори оқимидан то Амударё бўйларигача, Манжуриядан то Киммерий Босфоригача чўзилган улкан майдонда кўчманчи чорвадорларнинг Буюк турк хоқонлиги ташкил топади. Бу улкан салтанат Хитой, Эрон ва Византия каби замонасининг йирик давлатлари билан боғловчи Буюк Ипак йўли устидан ўз назоратини ўрнатишга ҳаракат қилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Турк хоқонлиги қанчалик буюк бўлмасин, лекин у чинакам марказлашган давлат эмас эди. Унинг асоси туркий қабилалар иттифоқидан иборат бўлган. Бу иттифоқни хоқон бошқарар эди. Ҳукмдорнинг ҳокимияти уруғ-аймоқ удумларига таянган ҳарбий-маъмурий бошқарувга асосланган. Мамлакат чорвадор кўчманчи ва ўтроқ деҳқон аҳолига бўлинган. Кўчманчи чорвадор аҳоли «бўдун» ёки «қора бўдун» номлари билан юритилган. Бўдун ўз навбатида қабилалар иттифоқи бирлашмасини ташкил этган. У «ўн ўқ бўдун» ёки «ўн ўқ эл» деб юритилган. Ўн ўқ бўдун ёки элнинг ҳокими «ябғу» ёки «жабғу» номи билан аталган. Ябғу даражасига фақат хоқон уруғига қон-қариндош бўлганларгина кўтарилган. Шу боисдан баъзан у «ябғу хоқон» деб улуғланган. Ҳар бир ўқ эл сардори раҳнамолигида бир туман, яъни ўн минг суворини сафга тортар эди. Бундай ҳарбий бўлинманинг туманбошиси «шод» деб юритиларди.

Ўн ўқ бўдун ўз навбатида «беш ўқ» бирлашмаси асосида шарқий ва ғарбий икки қанотга бўлинарди. Шарқий қанот ўқлари «чўр», ғарбий қанот ўқлари эса «эркин» деб аталган қабила сардорлари томонидан бошқариларди. Хуллас, элни қабилавий асосда таркиб топган ҳарбий бўлинмаларидан иборат икки қанотга бўлиб бошқарув ўтмишда кўпгина йирик туркий қабилавий иттифоқларга хос эди. Ҳарбий юришлар вақтида улар ўта жанговар қўшинни ташкил этарди. Қўшин «су» деб юритиларди. У икки турдаги аскарый қисмлар: пиёда — «йада» ва «отлиғ су»лардан ташкил топар эди. Қўшиннинг бош саркардаси «субоши» унвони билан улуғланган. Бундай жанговар қўшин, шубҳасиз, катта куч ва анъанавий пухта бошқарув тартибларига эга бўлган ҳар қандай йирик давлатни ҳам даҳшатга соларди.

Ўрта Осиёда ҳукмронлик ўрнатилган дастлабки даврда турк хоқонлари мамлакатнинг ўтроқ аҳоли яшайдиган обод вилоятларини кўчманчилар ихтиёрига топширсалар-да, аммо эфталлар каби аҳолисининг ички ҳаётига деярли аралашмайдилар. Манбалардан маълум бўлишича, VI асрда Чирчиқ, Зарафшон, Қашқадарё ва Амударё ҳавзаларида ўн бешдан ортиқ майда маҳаллий ҳокимиятлар мавжуд эди. Уларнинг иқтисодий ва сиёсий бошқаруви ерли сулола ҳукмдорлари кўлида қолдирилиб, турклар улардан фақат божу ясоқ ундириб олиш билан чекланадилар. Бунинг эвазига хоқонликнинг кучли қўшинлари деҳқончилик воҳалари чегараларини ташқи ҳужумлардан мудофаа қиларди.

Бундай улкан мамлакатни, хусусан, унинг ўтроқ вилоятларини бошқаришда турклар чет эл маслаҳатчиларидан кенг фойдаланадилар. Хитой, Шарқий Туркистон, Етгисув ва Суғднинг катта шаҳарларида етишиб чиққан билимдонлардан бир гуруҳи доимо хоқон қароргоҳида яшарди.

Бироқ мамлакат бошқарувида уруғ-аймоқчилик удумларининг кучлилиги, авваламбор, хоқонликнинг сиёсий жиҳатдан мустақамланиб, унинг марказлашувига тўсқинлик қиларди. Қолаверса беҳисоб ҳарбий ўлжалар мағлуб мамлакатлардан ундирилган ўлпон ва обод вилоятлардан олинадиган божу ясоқлар эвазига бойиб, тобора кескин табақалашаётган кўчманчи зодагонлари — ябғу, шод, чўр ва эркинларнинг сиёсий мавқеини ошириб, уларнинг бошбошдоқлик ҳаракатларини кучайтирар эди.

VI аср охирларида бошланган ўзаро қабилавий урушлар ва сулолавий курашлар оқибатида Турк хоқонлиги 603 йилда икки мустақил давлатга ажралиб кетади. Улардан бири Мўғулистонда ташкил топган Шарқий турк давлати, иккинчиси эса Ўрта Осиё, Жунгария ва Шарқий Туркистоннинг бир қисмини ўз тасарруфига олган Ғарбий турк хоқонлиги эди.

## 6-§. Ғарбий турк хоқонлиги

Ғарбий хоқонликнинг маркази Етгисув эди. Хоқоннинг ёзги қароргоҳи Исфижоб яқинидаги Мингбулоқда, қишкиси Суёб шаҳрида эди. Суёбнинг шарқий томонида дулу қабиласининг беш ўқ бўдун иттифоқи, ғарбида эса нушуби қабиласининг беш ўқ эл иттифоқининг кенг яйловлари жойлашган. Ғарбий хоқонлик ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан Шарқий хоқонликдан мутлақо ажралиб турарди. Шарқий хоқонлик аҳолисининг асосий қисми чорвадор кўчманчилар эди. Ғарбий хоқонлик аҳолисининг каттагина қисми эса ўтроқ деҳқончилик ва савдо-сотиқ билан машғул эди.

Ер ва сув мулкчилиги муносабатлари ривож топиб бораётган ғарбий хоқонликнинг ижтимоий таркиби ҳам, сиёсий бошқаруви ҳам анча-мунча мураккаб эди. Ярим асрлик ҳукмронлик жараёнида туркларнинг бир қисми ўтроқлашади, қолганлари ерли чорвадорлар билан қоришиб кетади. Ўтроқ ҳаётнинг анъанавий маъмурий удумлари таъсирида бошқарув тартиблари аста-секин ўзгариб, туркларнинг ижтимоий ва сиёсий мавқеи мустақамланиб боради. Эндиликда улар ўтроқ ҳаётнинг фаол иштирокчиларига айланадилар.

VII асрнинг биринчи чорагида ғарбий хоқонлик ниҳоятда кучаяди. Унинг шарқий чегараси Олтойга, жанубийси эса Ҳинд дарёси бўйларига бориб тақалади. Хоқон Тўнябғу (618—630) ҳукмронлик қилган даврда бошқарув тартиблари ислоҳ этилади. Ўтроқ вилоят ҳокимларини хоқонлик маъмурияти билан бевосита боғлаш ва уларнинг устидан назоратни кучайтириш мақсадида маҳаллий ҳукмдорларга хоқонликнинг «ябғу» унвони берилади. Натижада улар хоқоннинг ноибига айланадилар. Шу билан бирга Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва Тохаристоннинг деярли мустақил ҳокимликлари устидан сиёсий назорат кучайтирилиб, улар ҳузурига хоқонликнинг вакиллари юборилади. Бундай вакиллар «тудун» деб

юритилади. Улар вилоятларда божу ясоқларни жамғариш устидан назорат қилар ва уларни хоқон қароргоҳига жўнатиш билан шуғулланарди. Булардан ташқари, Тўнйабғу Шар-қий Туркистоннинг Кошғар ва Ўрта Осиёнинг Самарқанддек йирик вилоятларининг катта нуфузга эга бўлган ҳокимларини ўзига куёв қилиб олиб, улар билан қуда-андалик муносабатларини ўрнатади. Бу билан хоқон сиёсий жиҳатдан кучли вилоятларда ўз мавқеини мустақамлаб олишга ҳаракат қилади.

Бироқ хонликнинг ҳарбий-маъмурий таянчи ҳисобланган дулу ва нушуби каби қабила иттифоқлари зодагонлари ўртасида ҳокимият учун тобора кучайиб борган кураш оқибатида Ғарбий турк хоқонлиги заифлашиб, бўлиниб кетади. Бундай вазиятдан фойдаланган Хитойнинг Тан империяси кўшинлари 657–679 йилларда Еттисувга бостириб киради. Натижада хоқонлик хитойларга қарам бўлиб қолади. Тан империяси тазйиқи ва унинг ерли гумашталарига қарши ғарбий туркларнинг муттасил олиб борган кураши натижасида VII асрнинг охирига келиб хоқонлик мустақилликни тиклаб олади. Хитой гумаштаси Хусрав Бўришод мамлакатдан қувиб чиқарилади. Чочдан то Бешбалиқ ва Турфангача бўлган вилоятларда дулу қабила иттифоқидаги туркашлар ҳукмронлиги ўрнатилади. Янгитдан тикланган бу турклар давлати Туркашлар хоқонлиги номи билан шуҳрат топади. Кейинчалик Туркаш хоқонлиги Шарқда ярим асрдан ошиқроқ вақт давомида Тан империяси хоқонлигининг босқинларини даф этиб, Хитой кўшинларининг Мовароуннаҳр ва Шарқий Туркистон ерларига бостириб киришларига йўл қўймайди. Ғарбда эса улар Ўрта Осиё томон босиб келаётган янги душман — Араб халифалиги лашкарларига қарши Бухоро, Суғд ва Шош аҳолиси билан бир сафда туриб шиддатли жангларда қатнашади.

## 7-§. Хўжалик ва ижтимоий ҳаёт


Турк хоқонлигига бирлашган аҳолининг ижтимоий ҳаёти ҳам, хўжалиги ҳам турлича. Кўчманчи чорвадор туркларда уруғ жамоачилик анъаналари ҳали ниҳоятда кучли эди. Қабила ва уруғ жамоаларининг негизи катта оилалардан иборат эди. Бундай патриархал оилада баъзан уй қуллари ҳам бўлган. Жамоада тобора қулларнинг кўпайиб бориши билан ижти-

мой табакчаланиш муносабатлари таркиб топа бошлаган. Кўчманчиларнинг асосий қисми камбағал чорвачи ва овчилар эди. Улар ўз уруги ва қабиласи доирасида оқсуяк табақага тобе ҳолда яйловма-яйлов кўчиб яшар эди. Бундай халқ оммасини турклар, юқорида қайд этилганидек, «бўдун» ёки «қора бўдун», яъни қора халқ деб атардилар. Мамлакат бўдунлар яшайдиган бир қанча элларга бўлинган эди. Элларни ҳарбий зодагонлардан чиққан «бек» лар бошқарарди. Эллар жойлашган кенг яйловлар хоқон ва бекларнинг қариндош-уруғларига бўлиб берилган эди. Давлатни бош ҳукмдор «хоқон» ёки «қоғон» деб юритиладиган буюк подшоҳ бошқарган.

Кўчманчиларнинг асосий машғулоти чорвачилик эди. Яйловларда сурув-сурув қўй ва эчкилар, йирик шоҳли ҳайвонларнинг минглаб катта-катта подалари боқиларди. Йилқичликка катта аҳамият берилиб, хўжаликда туячилик муҳим ўринга эга эди. Чорвадор кўчманчилар орасида жуда кўп миқдорда хусусий чорва, олтин-кумуш буюмларидан иборат катта бойликка эга йирик зодагонлар ва уларнинг хизматида эса кўплаб қул, чўри ва хизматкорлар бўларди. Давлатмандларнинг энг йирик вакили хоқоннинг ўзи эди.

Ҳарбий турк хоқонлиги эллари аҳолисининг ҳаммаси ҳам кўчманчилардан иборат бўлмай, Еттисув ва унинг теварак-атрофидаги воҳаларда ўтроқ деҳқонлар истиқомат қиларди. Воҳаларда шаҳарлар ва қишлоқлар кўп бўлиб, аҳолиси асосан деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотик ишлари билан шуғулланарди. Бу жойларда Суғддан келиб ўрнашиб қолган аҳоли ҳам кўп эди. Деҳқончиликда асосан дон экинларидан: буғдой, арпа, шоли ва тарик экиларди. Аҳоли пахта, беда экиш, узумчилик, боғдорчилик ва тут кўчатлари ўтқазिश ҳамда уй ҳайвонларини боқиш билан шуғулланар эди.

Шаҳар аҳолиси ҳунармандчилик ва савдо-сотик билан машғул эди. Кулолчилик, тўқимачилик, саррожлик, мискарлик, чилангарлик, темирчилик ва заргарлик анча-мунча ривож топган эди. Шаҳарларда ҳунармандчиликнинг ривожига турклар катта таъсир кўрсатардилар. Чунки қадимдан уларда касб-ҳунарнинг кўпгина соҳалари ниҳоятда ривож топган эди. Турклар саррожлик, металл қазиб олиш ва ундан, айниқса, қурол-яроғ ясашга жуда моҳир эдилар. Турк ҳунармандлари ясаган зеб-зийнатлар ва қурол-яроғлар хилма-хиллиги ва ниҳоятда пухталиги билан ажралиб



Турк хоқонлиги



турарди. Фарғона ва Суғда олтин, мис, темир ва симоб, Элоқда қўрғошин, кумуш ва олтин қазиб олинарди.

Ички ва ташқи савдо-сотиқ ишлари ҳам шаҳар аҳолисининг асосий машғулотларидан бири эди. Бу даврда ҳам, айниқса, Суғд савдогарларининг мавқеи баланд эди. Чунки хоқон бошлиқ турк зодагонлари орттирган бойликларини савдо карвонлари орқали турли мамлакатларга юборар ва ташқи савдодан катта фойдага эга бўлар эди. Эрон билан муносабатларнинг кескинлашуви оқибатида бу даврда карвон йўллари жанубдан шимолга томон кўчган эди. Фарбий Осиё ва Эрондан келган карвонлар Марв, Омуд, Пойканд, Бухоро, Самарқанд, Чоч, Исфижоб, Талос ва Суёбни босиб ўтиб, ундан Шарқий Туркистон воҳаларига йўл оларди. Савдо йўли бўйлаб то Лабноргача, айниқса, Талос водийси ҳамда Чу дарёсининг сўл соҳиллари бўйлаб қатор суғдийлар касабалари (мавзе) жойлашган эди. Бу халқаро савдо-сотиқда улар асосий воситачи — карвонбоши эдилар.

VII асрнинг биринчи ярмида фарбий турк хоқонлиги билан Хитой ўртасида иқтисодий алоқалар айниқса гавжумлашади. Бу даврда Хитойга тўққиз маротаба савдо элчилиги юборилади. Биргина 627 йилнинг ўзида Бухоро, Самарқанд, Иштихон ва Уструшонадан бирлашган жуда катта савдо карвони Хитойга етиб боради.

Шундай қилиб, фарбий турк хоқонлигига бирлашган аҳолининг деҳқончилик ва савдо-сотиқ билан шуғулланган ўтроқ қисми маданий жиҳатдан илғор бўлиб, хоқонликнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида етакчи ўринни эгаллаган. Аҳолининг бу қисми ҳаётида мулкчилик муносабатлари ривож топиб, мулкий табақаланиш тобора кучайиб бормоқда эди. Ўрта Осиёнинг обод зироаткор воҳаларидаги ер майдонлари ва сув манбаларининг катта қисми йирик мулкдор зодагон деҳқонлар эди.

Ички ва ташқи савдо билан шуғулланадиган мулкдор йирик савдогарлар зодагон деҳқонлар орасидан чиққан эди. Турмуш тарзи, урф-одатлари жиҳатидан улар шу зодагонлар билан жуда яқиндан боғланган. Зироатчи аҳолининг каттагина қисми зодагон деҳқонларга қарам кадиварларга айланган эди. Сон жиҳатдан тобора ошиб бораётган кадиварлар табақаси илк ўрта аср жамиятида асосий ишлаб чиқарувчи кучга айланган.

V—VI асрларда Ўрта Осиёда мулкий табақаланиш жараёни тобора авж олиб, жабр-зулм кучаяди. Ер ва сувдан ажралиб қашшоқлашиб бораётган озод зироаткор кашоварзлар зодагон деҳқонлар асоратига тушиб, қарам кадиварларга айланади. Аҳоли қашшоқлик, жабр-зулм ва зодагон деҳқонлар асоратига қарши бош кўтаришга мажбур бўлади. Шундай халқ кўзғолони даставвал V аср охири — VI аср бошларида Эронда Маздак бошчилигида кўтарилган эди. Ер-сув, бойлик ҳамда ҳокимиятни эгаллаб олиб, аҳолини муҳтожликка солган катта ер эгаларига қарши маздакчилар «ҳамма баробар бўлсин» деган ғояни олға сурган эдилар. Маздак кўзғолони бостирилиб, орадан қарийб ярим аср ўтгач, Бухорода мана шундай халқ ҳаракати кўтарилади. Кўзғолонга Абруй бошчилик қилади. X аср Бухоро тарихчиси Абу Бакр Муҳаммад Наршахийнинг ёзишича, кўзғолон натижасида Абруйдан жабрланган зодагон деҳқонлар ва бой савдогарлар Бухоро вилоятини тарк этиб, Туркистон ва Тароз атрофига бориб ўрнашадилар. Қочиб кетганлар орасида бир катта деҳқон бўлган, у Бухоронинг қадимий деҳқонзодаларидан бўлган. Даромадли ерларнинг кўпи унинг мулки, кадивар ва хизматкорларнинг кўпчилиги унинг хизматида бўлганидан у бухорхудот номи билан шуҳрат топган эди. Қочиб борганлар турк хоқонига мурожаат қилиб, кўзғолончиларга қарши курашда ёрдам беришни сўраганлар. Турк хоқони Қорачўрин Турк ўғли Шери Кишвар бошлиқ кўшин юборади. Абруй ўлдирилиб, кўзғолон бостирилади. Кадивар ва хизматкорлар ўз хўжайинлари деҳқонзодаларга қайтарилади. Шу тариқа VI асрнинг иккинчи ярмида Бухорода зодагон деҳқонларнинг кадиварлар устидан ҳукмронлиги янада мустаҳкамланади.

### **8-§. Илк ўрта асрларнинг маҳаллий воҳа ҳокимликлари**

Мулқдорлик муносабатлари ривож топиб, мамлакат сиёсий жиҳатдан заифлашуви оқибатида V—VI асрлардаёқ Мовароуннаҳр бир қанча майда давлатларга бўлиниб кетади. Натижада унинг ҳудудида айрим вилоят ва воҳаларда йирик шаҳарларга таянган 15 дан ортиқ маҳаллий воҳа ҳокимликлари ташкил топган эди. Бундай давлатларнинг энг йирикларидан Суғда ихшидлар, Тохаристонда маликшоҳлар, Хо-

размда хоразмшоҳлар, Чоч ва Илоқда тудун ва деҳқонлар, Фарғонада ихшидлар ҳукмронлик қилардилар.

V—VII асрларда бу маҳаллий давлатчалар, аввалда эфталлар, сўнгра Турк хоқонлигига бўйсундирилган бўлса-да, аммо эфталлар ҳам, турклар ҳам уларнинг ички ҳаётига аралашмайдилар. Марказий ҳокимиятга бож тўлаб туриш билан ўз мустақилликларини маълум даражада сақлаб қоладилар. Бу давлатларнинг ҳукмдорлари ўз атрофидаги мулкдор зодагон деҳқонлар ва уларнинг ҳарбий чокарларига таянардилар. Чунки улар ўзаро бир-бирлари билан душманлик кайфиятида бўлиб, шу боисдан бири иккинчисидан чўчиган ҳолатда яшар эдилар.

Улар орасида энг йириги Самарқанд ихшидлиги бўлиб, у Суғдиёнанинг маҳаллий давлатлари конфедерацияси таркибида катта нуфузга эга эди. Бу иттифоққа асосан Зарафшон ва Қашқадарё водийларида жойлашган Самарқанд, Маймурғ, Иштихон, Кушония, Вардона, Бухоро, Кеш ва Нахшаб мулклари бирлашган эди. Бу мулкларнинг ҳар бири ўз ҳокимига ва ҳарбий чокарларига эга бўлган. Уларнинг кўпчилиги Самарқанд ихшидига сиёсий жиҳатдан тобе бўлса-да, аммо Бухоро, Кеш ва Нахшаблар деярли мустақил эди, ҳатто улар ўз танга пулларини зарб қилардилар. Самарқанд ихшиди саройида ажлодлар руҳига атаб қурбонлик қилиш учун махсус ибодатхона бино қилинган эди. Унда ўтказиладиган ҳар йилги диний маросимларда вилоят ҳукмдорларининг барчаси қатнашарди. Ёзма ва археологик манбалардан маълум бўлишича, Суғд ҳукмдорлари Ўрта Осиё ва чет эл давлатлари билан элчилик алоқаларини олиб борардилар. Масалан, Афросиёбда очилган деворий расмларда Суғд ҳокими Вархуманнинг Чағониён, Чоч ва Хитойдан келган элчиларни қабул қилиш маросими тасвирланади.

Суғдда аҳоли жуда гавжум яшарди. Суғдийлар ҳунармандчилик, савдо-сотик, деҳқончилик ва боғдорчилик, айниқса, узумчиликда ниҳоятда омилкор эдилар. Дарғом, Наҳрифай (Нарпай), Харкон каби йирик анҳорлардан суғорилган Суғд ерлари жуда ҳосилдор эди. Суғорма деҳқончилик ривож топган бу диёрда ғалладан ташқари пахта ва шоли экиларди. Унинг пахтасидан тўқилган сурп ва бўз матоларидан фақат суғдийларгина эмас, балки бутун дашт аҳолиси кийинарди. Суғднинг шарбатли узумларидан мусаллас тайёрланарди,

Самарқанднинг зарғалдоқ шафтолиси Хитой пойтахтида «Самарқанднинг олтин шафтолиси» номи билан донғи кетган эди. Чорвачиликда майда ва йирик шохли ҳайвонлар билан бир қаторда от, хачир, эшак ва туялар боқиларди. Айниқса, Суғднинг ҳисори қўйлари ва тулпорлари жуда машҳур бўлган. Бухоро, Кеш ва Маймуғ яйловларидан уюр-уюр йилқилар муттасил Хитойга ҳайдаб бориларди.

Суғд шаҳарлари бу даврда ҳунармандчиликнинг марказига айланади. Уларда тўқимачилик, кулолчилик, кончилик, чилангарлик, темирчилик ва заргарлик ривож топади. Темирдан хўжалик асбоблари ва уй-рўзғор буюмларидан ташқари, қурол-яроғлар: шамшир, ханжар, табар, гурзи, совут, қалқон ва дубулғалар ясаларди. Ҳатто 718 йилда суғдийлар ҳада тариқасида юборган дубулғасидан нусха олиб, Хитой қуролсозлари ўз қўшинларини дубулғалар билан таъминлаганлар. Суғд тоғларидан олтин, жез, навшадил ва ялама тузлар қовлаб олинарди. Шаҳарларда ҳунармандчилик тараққиёти ўз навбатида ички ва ташқи савдо алоқаларининг кенгайишига имкон беради. Суғддан Шарқий Осиё ва Хитойга қимматбаҳо тошлар ва улардан ясалган зеби-зийнатлардан тортиб, турли-туман матолар ва дориворларгача олиб чиқиларди. Ўша замонда Суғдда бола беш ёшга тўлгач, унга ўқиш-ёзиш ва ҳисоб ўргатилар, балоғатга етгач, савдо қарвонларига қўшиб тижорат сафарларига юборардилар.

Илк ўрта аср маҳаллий давлатларидан яна бир йириги Тохаристон эди. У Сурхондарё вилояти, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудларида жойлашган эди. Бу мустақил давлат Хутталон, Чағониён, Термиз, Бадахшон, Қабодиён, Вахш, Шуман, Шуғнон, Вахон ва бошқалар каби 27 тоғлик ва тоғ олди вилоятларини бирлаштиради. Уларнинг ҳар бирининг ўз ҳокими, чокарлари бўларди. Маҳаллий ҳукмдорларнинг энг кучли ва нуфузлиси Хутталон, Шуман, Қабодиён, Шуғнон ва Вахон вилоятларининг ҳокимлари бўлиб, улар ҳарбий кучлар зарур бўлган пайтларда 50 минг нафаргача чокар тўғлай олардилар. Тохаристон аввал эфталлар, сўнгра Турк хоқонлиги томонидан бўйсундирилади. Манбаларда таъриф этилишича, VII—VIII асрларда Тохаристон аҳолисининг ярми турклар бўлган. Унинг бир қисми Хитой манбаларида юечжи деб аталган тохарлар, иккинчиси туркий қабилалар ва учинчиси эса маҳаллий бахтарлар эди. Подшоҳ, зодагонлар ва фуқаролари

будда динига сиғинганлар, қатор ибодатхоналари ва коҳинлари бўлган. 25 ҳарfli ёзуви кўндалангига чапдан ўнгга қараб битилган. Аҳолиси ип ва ипак матолардан кийинган. Тоғликларий пўстин ва жун чакмон кийишган. Эркаклари соч ва соқолларини қиртишлаб, аёллари эса узун соч қўйиб юришган.

Тохаристон аҳолисининг асосий қисми ўтроқ деҳқончилик билан шуғулланарди. Асосан ғалла ва дуккакли экинлар, қисман шоли ва пахта экиларди. Тоғ олди ва тоғли жойларда эса баҳорикорлик ва узумчилик ривож топган эди. Археологик топилмалар орасида писта, бодом, ёнғоқ ҳамда ўрик, шафтоли, узум ва олча данаклари, шунингдек, қовун ва тарвуз уруғлари қайд этилган. Шунга қараганда, Тохаристонда боғдорчилик ва полизчилик кенг ривожланган. Чорвачиликда майда ва йирик шохли ҳайвонлардан ташқари от, ҳачир, туя ва эшаклар боқилган. Илк ўрта асрларда Тохаристонда бўлган сайёҳлар унинг икки ўрқачли туя ва пастак отларининг узоқ масофаларга қатнашда ниҳоятда чидамли эканини мақтаб ёзганлар.

Тохаристонда қадимдан кончилик тараққий топган эди. У ноёб табиий бойликларга сероб эди. Биргина Бадахшоннинг ўзидан лаъл, ложувард, ақиқ каби қимматбаҳо тошлар ва олтиндан тортиб темир, мис ва қалайгача ковлаб олинарди. Сержило тошлар ва маъданлар заргарлик, чилангарлик ва темирчиликда ишлатиларди. Бу ўлкада айниқса қуролсозлик юксалган эди. Чокарлари камон, гурзи, чўқмор, ханжар ва шамшир билан қуролланган эди. Уларнинг қўлида ажойиб тўқима Балх қалқонлари бўларди. Тохаристонда шишасозлик ҳам анча ривож топган. Рангдор шишалардан сурмадонлар, медальон ва мунчоқлардан ташқари хилма-хил шиша буюмлар ясалган. VIII аср бошларида Тохаристондан Хитойга олиб чиқилган қизил ва зумрад рангли шишалар хитойликларни лол қолдирган.

Тохаристонда айниқса тўқимачилик юксак даражада эди. Ип, жун ва ипаклардан рангли, гулдор ва йўл-йўл матолар тўқиларди. Қимматбаҳо ипак ва жун матолардан асосан зодагон деҳқонлару ҳукмдорлар кийинишарди.

Тохаристонда жуда кўп мамлакатларга элчилар юборилиб, улар билан савдо алоқалари олиб борилган. Четга кўплаб қимматбаҳо тошлар чиқарилган. Машҳур Бадахшон лаълиси эса жаҳон бозорларида ниҳоятда юқори баҳоланарди. Хутталондан уюр-уюр зотдор йилқилар олиб чиқиларди. Тохарис-

тон дори-дармонлари эса Хитойда жуда қадрланар эди. Тохаристон давлатлари вилоятларида Суғд тангаларига тақлидан сўқилган ўз пуллари ички савдо муомаласида юрган. Тохаристоннинг пойтахти қадимдан Балх шаҳри бўлган.

Хуллас, Тохаристон илк ўрта асрларнинг мустақил маҳаллий давлатлари қаторида турса ҳам, лекин ҳали бир оз бўлса-да, марказлашмаган эди. Чунки унинг ҳар бир вилояти ўзининг ворисий сулоласига мансуб ҳокимлари томонидан бошқариларди. Улар алоҳида-алоҳида майда давлатчаларни эслатарди, ҳатто уларнинг ҳар бири ўзга юртларга элчилар юборарди. Шундай қилиб, Тохаристон илк ўрта асрларда ташкил топган майда давлатчалар, яъни деҳқон зодагонлар мулклари конфедерациясини ташкил этарди.

Бу даврда Фарғона водийсида илк ўрта асрларнинг яна бир маҳаллий давлати ҳукм сурарди. Қадимда бу мамлакат Довон ва Фрагона (Фарғона) деб юритилган. Унинг подшолари «ихшид» деб аталган, пойтахти Косон ва Ахсикат шаҳарларида жойлашган. Довон шимол томондан Етгисув, ғарбдан Чоч ва Элоқ, жануби-ғарбдан Суғд, жанубдан Тохаристон ва шарқдан Шарқий Туркистон вилоятлари билан чегарадош бўлган. Хитой манбаларида таърифланишича, Фарғона ерлари жуда ҳосилдор, аҳолиси деҳқончилик билан кун кечирган, пахта ва шоли эккан. Унда боғу бўстонлар ва гулзорлар кўп бўлган. Косон, Ахсикат ва Кубо каби йирик марказий шаҳарларида ҳунармандчиликнинг турли соҳалари ривож топиб, унинг маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда жуда харидоргир бўлган. Қўшни мамлакатларга арғумоқлар, бўёқ, рангоранг шиша буюмлар ва дори-дармонлар чиқарилган.

Фарғона водийсида ўтроқ аҳоли билан бир қаторда тоғ ва тоғ олди яйловларида кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадорлар яшаган. Қурама ва Қорамозор тоғлари ён бағирларида қадимдан йилқичилик билан шуғулланилган. Бу диёрда кўпайтирилган тулпор отларнинг донғи жаҳонга таралган. Фарғонада қўй, хачир ва туялар ҳам боқилган.

Шундай қилиб, VI—VIII асрларда Фарғона деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик хўжаликлари ва ички, ташқи савдо ривож топган мустақкам иқтисодий пойдеворли ўлка эди. Унинг стратегик жиҳатдан қулай географик ўрни, мустақкам мудрофаа иншоотлари билан таъминланган Косон, Ахсикат, Кубо каби йирик шаҳарлари, тоғ қалъалари, водий бўйлаб жойлашган қатор-қатор истехкомли қўрғонлари тўфайли бу диёр кучли ҳарбий имкониятта эга эди. Шуларни

назарда тутганда илк ўрта асрларда Фарғона Ўрта Осиё сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган қудратли давлат бўлган.

V—VI асрларда Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида иккита мустақил илк ўрта асрларнинг маҳаллий давлатлари ҳукмронлик қиларди. Манбаларда улардан бири Чоч давлати, иккинчиси Элоқ мулки номлари остида тилга олинади. Чочнинг пойтахти Чочкат шаҳри бўлиб, подшоҳи «тудун» деб юритилади. Хитой манбаларида Чоч вилояти Ши ва Чже-Ши номлари остида таърифланади. Элоқнинг пойтахти Тункат шаҳри бўлган. Ҳокимлари «деҳқон» деб аталган. V асрда Чоч вилояти Эфталлар давлатига, VI асрда эса ғарбий Турк хоқонлигига бўйсундирилган. VIII асрга борганда Чоч ва Элоқ бирлашиб ягона давлатга айланади ва ўз мустақиллигини тиклаб олади. Чоч ва Элоқ шимол ва ғарб томондан ғарбий Турк хоқонлиги, шарқдан Фарғона ва жанубдан Уструшона билан чегарадош бўлган.

Чоч ва Элоқ сертармоқ хўжаликка эга мамлакат эди. Унда суғорма деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, айниқса, кончилик, ички ва ташқи савдо юксак даражада ривожланган. Илк ўрта асрларда Чирчиқ дарёсидан Зоғариқ, Бўзсув, Анҳор ва Калковуз каби йирик суғориш тармоқлари қазиб чиқарилиши натижасида Чочнинг экин майдонлари ниҳоятда кенгайди. Бу даврда Чоч воҳаси узил-кесил шаклланиб, у 50 га яқин суғориш шахобчалари воситасида суғориларди. Деҳқончиликда кўпроқ арпа, буғдой ва тарих экиларди. Айниқса, Чочнинг пойтахт атрофлари обод эди. Унда 50 дан ортиқ катта-кичик истеҳкомлар, зодагон деҳқон қўрғонлари ва кўшқлари, обод қишлоқлар қад кўтарган эди.

Чоч ва Элоқ тоғлари олтин, кумуш, рангли маъданлар, темир ва жилвадор чақмоқтошларга бой эди. Бу табиий бойликлар туфайли қадимда бу ўлкада кончилик ва унга асосланган ҳунармандчилик ривож топади. Чотқол ва Қурама тоғларида жойлашган Кўҳисим, Лашкарак ва Кони Мансурдан кумуш; Кўлбулоқ ва Қизилолма сой конларидан олтин ҳамда Унгурликон ва Оқтупроқ конларидан эса фируза ковлаб олинарди.

Рангли ва нодир маъдан конларининг яқинлиги, айир-бош савдо бозори бўлган кўчманчи чорвадорлар даштининг Чоч ва Элоққа туташиб кетгани, мамлакатлараро ташқи савдо алоқаларини боғловчи карвон йўлининг ўлка орқали ўтиши Чоч ва Элоқда ички ва ташқи савдо-сотих кенгайиб, шаҳарларнинг гавжумлашувига имкон беради.

Чочнинг моҳир усталари металлдан қурол-яроғ, уй-рўзғор буюмлари, олтин ва кумушлардан турли хилдаги зеби-зийнатлар ясаганлар, тери ошлаб, чарм пишириб, пахта ва жундан мато тўқиб, сопол ва шиша идишлар ясаб, улар ички ва ташқи бозорни ҳунармандчилик маҳсулотлари билан таъминлаганлар. Чочдан олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар, ғалла, қуруқ мева ва йилқилар четга чиқарилган.

Шаҳар аҳолисининг бир қисми савдогарлик билан машғул бўлган. VI—VIII асрларда Шарқий Туркистон билан савдо-сотик қилишда чочликлар Самарқанд ва Бухоро савдогарларидан кейин учинчи ўринда турган. Чоч пойтахти ташқи савдо муносабатларининг маркази эди.

VII—VIII асрларда Чочда кумуш ва мис тангалар ясайдиган зарбхона бўлган. VIII асрда эса кумуш дирҳамлар ҳатто Элоқнинг кумуш конларида ҳам сўқилган. Чоч тудунлари олд томонга мулкдорнинг портрети, орқасига гажак думли шер ёки қоплон тасвири, баъзан сулолавий айри тамға туширилган чақа-тангалар зарб этганлар. Шу даврда сўқилган Чочнинг айрим танга пуллари орасида подшоҳ билан ёнмаёن турган малика портрети туширилган пуллар ҳам учрайди. Бу, шубҳасиз, илк ўрта асрларда Чочнинг ижтимоий ва иқтисодий, айниқса, сиёсий ҳаётида ҳукмдор табақа аёлларининг анча-мунча нуфузга эга бўлганидан гувоҳлик беради.

Бу даврда туркий қабилалар ўтроқлашувининг кучайиши, чочликлар билан олиб борилган доимий иқтисодий алоқалар туфайли Чоч воҳаси ўзаро маданий мулоқотлар марказига айланади. Чочда туркча ва суғдча сўзлашувчи икки тиллиларнинг сафи кенгайиб боради. Бироқ Чоч ўлкаси бу даврда Турк хоқонлигига тобе бўлишига қарамай, ҳали ўзининг тили, ёзуви ва қадимий маданияти анъаналарини сақлаб қолган эди. Бу ерда ҳали суғд тили расмий тил сифатида юритилиб, давлат ишларига оид ҳужжат, чақа ва тангалар зарб этишда ҳукмдорлар номидан битиладиган ёзувлар суғд хатида ифодаланарди.

Чочнинг ижтимоий таркиби ҳам илк ўрта асрлар жамиятига хос эди. У мулкдор табақа — зодагон деҳқонлар, меҳнаткаш табақа — эркин жамоа аъзолари — озодлар (қашоварлар), ердор ва мулкдор табақага муте — кадиварлар ҳамда эрксиз патриархал қул ва чўрилардан иборат эди.



## 9-§. Илк ўрта аср шаҳарларининг шаклланиши

V — VII асрларда Ўрта Осиёда, бир томонидан, мулкдорлик муносабатларининг ўрнатилиши, иккинчи томондан, кўчманчи чорвадорларнинг бетўхтов шиддат билан кириб келиши оқибатида юзага келган ўта мураккаб ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий вазият мамлакат ободончилиги, хўжаликнинг равнақи, шаҳар ва қишлоқларнинг қиёфаси ва аҳолисининг турмуш тарзи ҳолатига жиддий таъсир кўрсатди. Авваламбор, чорвадорларнинг силжиши даврида даштликларга туташган Хоразм, Тошкент, Бухоро ва Қашқадарё каби воҳаларнинг деҳқончилик майдонлари оёқ ости қилиниб, кўпгина шаҳар ва қишлоқлар вайрон этилди. Хўжалик ривожига зарба берилиб, савдо-сотиқ ишлари таназзулга юз тутди. Бироқ аввал Эфталлар давлати, сўнгра Турк хоқонлиги каби икки йирик давлатлар ҳукмронлиги қарор топгач, юзага келган маълум даражадаги осойишталик даврларида мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаёти яна тадрижий тараққиёт йўлига тушиб олди.

Деҳқончилик хўжалигида ер эгаллиги муносабатларининг жадаллашуви, кўчманчи чорвадор қабилалар ўтроқлашувининг кучайиши билан экин ерларга бўлган эҳтиёж ортиб борди. Зироаткор ерлар кенгайди. Серсув, чуқур ва сершоха каналлар барпо этилиб, деҳқончилик воҳаларининг сув таъминоти тубдан яхшиланди. Тоғ олди майдонларига сув чиқарилиб, янги ерлар ўзлаштирилди. Шаҳарлар гавжумлашди. Қишлоқларда «кўшк», «қаср», «қўрғон» ва «қўрғонча» номлари билан шуҳрат топган истехкомли тураржойлар қад кўтарди. Бундай мустақкам иморатлар хом ғишт ва пахсадан ишлаб чиқилган баланд тагкурси устига бино қилинарди. Қаср атрофи қалин ва баланд девор билан ўралган бўлиб, камондан ўқ узадиган «тирқиш», яъни нишон туйнуклари, бурчакларида эса баланд миноралари бўларди.

Кўшк, қаср ва қўрғонлар кўпроқ йирик суғориш шаҳоблари бошида, марказий шаҳарларнинг теварак-атрофида ҳамда деҳқончилик воҳалари чегаралари бўйлаб жойлашган эди. Майда қўрғончалар эса сув чиқарилиб, обод этилган воҳалар бўйлаб катта-кичик қалъалар теварак-атрофида қад кўтарган эди. Масалан, VI—VIII асрларда қадимги Хоразмнинг Бургутқалъа мавзеида юзга яқин кўшк ва қасрли

кўрғонлар бўлиб, булар бир-биридан юз-икки юз метр масофада жойлашган эди. Ёзма манбаларда қайд этилишича, Бухоро шаҳрининг фақат учта суғориш тармоқлари бўйлаб тўрт мингга қаср қад кўтарган. Кўшк ва қасрли кўрғонларда зодагон деҳқонлар, кўрғончаларда эса зироаткор меҳнаткаш аҳоли истиқомат қилган ва душмандан ўзини мудофаа этган. Шубҳасиз, илк ўрта асрларнинг мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт тақозоси билан қурилган қаср, кўрғон ва кўшклар асосан ташқи душман ҳужумига қарши мудофаа иншооти, чокарлар ҳарбий гарнизон тўпланадиган жой, маъмурий марказ ҳамда озиқ-овқат ва қурол-яроф сақланадиган омбор вазифасини ўтаган.

Бу даврда суғорма деҳқончилик майдонларининг кенгайиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ортиб бориши, ҳунармандчилик буюм ва асбоб-ускуналарига бўлган эҳтиёж, савдо-сотикнинг авж олиши, ўз навбатида, шаҳарларнинг равнақига, айниқса, улардаги ҳунармандчилик маҳаллаларининг кенгайишига таъсир этди. Чунки VI—VII асрларда гарчи Мовароуннаҳр шаҳарларида савдо-сотик ишлари анча авж олишига қарамасдан, уларнинг майдонлари унчалик катта эмас эди. Масалан, VI—VII асрларда Бухоро ва Пойканд шаҳарларининг майдони 20—30 га дан ошмаган. Бу даврда Ўрта Осиёда энг катта шаҳарлардан бири Самарқанд эди. Унинг умумий майдони 200 га дан салгина ошиқроқ эди.

VI—VII асрларда, бир томондан, шаҳар аҳолисининг ортиб, унинг гавжумлашуви, иккинчи томондан, ҳунармандчилик, савдо-сотикнинг тобора кенгайиб бориши билан шаҳарлар атрофи ўзлаштирилиб, обод этилади. Натижада айрим марказий шаҳарларнинг ташқи деворларига туташган жойларда ҳунармандчилик мавзелари пайдо бўлади. Гирди мудофаа девори билан ўралмаган бу истехкомсиз мавзелар манбаларда «рабад» ёки «работ», яъни ташқи шаҳар номи билан тилга олинади. Кейинчалик рабодлар ҳам алоҳида девор билан ўраб олинади. Рабодларда ҳунармандчилик маҳаллаларидан ташқари савдогарлар, ўзга юртлардан келган мусофирлар учун қарвонсарой, бозор, ибодатхона ва даҳмалар қад кўтариши билан илк ўрта асрларда шаҳар уч қисмли бўлиб қолади. Унинг подшоҳ қасри жойлашган қисми «коҳ» ёки «арк», ички шаҳар «шаҳристон» деб юритилади. Шаҳарнинг учала қисми ҳам алоҳида-алоҳида деворлар билан ўраб оли-

нади. Уларнинг бир нечта дарвозалари бўлган. Манбаларда таъриф этилишича, VII асрда Бухоро беш қисмдан иборат бўлиб, у беш қатор деворлар ҳалқаси билан ўралган. Шаҳар ўртасидан оқиб ўтган анҳор хандақ вазифасини бажарган. Шунингдек, Пойканд шаҳрининг ички ва ташқи икки шаҳристини бўлиб, рабодида кўплаб карвонсаройлар ва оташпарастрларнинг гумбазли гўрхоналари жойлашган.

Илк ўрта асрларда Суғдда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси «наф» дейилган. Ижтимоий жиҳатдан у бир нечта табақага бўлинган. Зодагонлар «озод», шаҳар ҳунармандлари «озодкор», савдогарлар «ғувокор», зироаткорлар «кашóварз», хизматкорлар «корикор», муте қўшчилар «кадивар», қул ва чўрилар — эркаклар «бантак» ва аёллар «доя» деб юритилган. Аслзода зодагон — «озод»лар табақасига подшоҳ, маҳаллий ҳукмдорлар ва зодагон деҳқонлар кирган. Бу ижтимоий зинапояннинг тепасида турли унвонлар билан улуғланган ҳукмдор турган. Унинг тасарруфида давлат мулкидан ташқари ўз шахсий мулки ҳам бўлган. Ундан мулкдор сифатида подшо шаҳсан ўзи фойдаланган. Деҳқончилик майдонларининг каттагина қисми маҳаллий ҳокимлар ва зодагон деҳқонларнинг мулки ҳисобланган. Уларнинг ерларида кадиварлар чоракор сифатида қўшчилик қилганлар. Кадиварларнинг мутлақо ери бўлмаган. Экинзорларининг бир қисми эркин кашоварзларнинг мулки бўлиб, улар давлатга солиқ тўлаб турганлар. Булардан ташқари, Суғдда ибодатхоналар ва уларнинг тасарруфида мулк ва ерлар ҳам бўлган. Ибодатхоналар «вағн», унинг бош руҳоний мулозими, яъни коҳини «вағнпат» деб юритилган. Коҳинлар тасарруфидаги ерлар эса «вағнзе» деб аталган. Бундай ерлардан олинадиган даромад ибодатхона эҳтиёжига сарфланган. Илк ўрта асрларда Ўрта Осиё воҳаларида ҳукм сурган майда давлатларда ва уларнинг вилоят ҳокимликларида маълум тартибдаги бошқарув маъмурияти ташкил топган. Унинг поғоналарида сарой хўжалигининг бошқарувчиси «фармондор» ва бош котиб «дапирпат» дан тортиб, солиқ йиғувчи «возкиром» — мирохўр, жаллод, бош новвой, бош соқий ва саркардагача муносиб ўрин эгаллаган.

Йирик шаҳарларга ўрнашган вилоят ҳокимлари «хвабу ва хватов» деб юритилган. Ўз мулкларини бошқаришда улар асосан чокарларга суянарди. Мулкчилик муносабатлари ҳарбий қўшин тузилишига ҳам таъсир қилган. Отлиқ аскар — суворилар

деҳқонзодалардан, пиёдалар эса меҳнаткаш аҳолидан ёлланган ва туғма қуллардан тузилар эди.

Илк ўрта аср бошқарув маъмуриятининг асосий вазифаси фуқаролардан бож, солиқ ва ясоқларни ўз вақтида йиғиб олиш, жамоат ишларига уларни сафарбар этишдан иборат бўлган. Маъмурият ўз вазифасини астойдил бажарган. Кирим-чиқимлар аниқ ва равшан қайд этилиб, ҳужжатлаштирилган. Уларга бармоқ босилиб, ҳатто муҳр билан тасдиқлаб қўйилган.

Мамлакатни бошқаришда ҳам анъанавий тартиб ва удумлар бўлган. Наршахийнинг ёзишича, VII аср охирларида Бухоронинг тахт вориси ҳали гўдаклиги туфайли унинг тул қолган онаси юртни бошқарган. Айрим манбаларда у Хутоқхотун номи билан тилга олинади. Малика Бухорода донолик билан ҳукмронлик қилган, халқ унга итоатда бўлган. У мамлакатни бошқаришда қуйидаги тартибни ўрнатган эди. Малика мулозимлари билан ҳар куни аркнинг Регистон дарвозаси олдига келиб, тахтга ўтирарди. Маликзода ва деҳқонзодалардан икки юз йигит белларига заррин камар ва қилич тақиб кечгача саф тортиб хизматда туришарди. Малика «подшоҳлик ишлари билан машғул бўлар, яхшиликка даъват қилиб, ёмонликдан қайтарар, истаган кишисига сарпо кийгизиб, истаган кишисига жазо берар эди». Куёш ботгач малика қасрга қайтарди. Эртаси кун бошқа жамоадан яна 200 деҳқонзодалар икки қатор саф тортишиб, хизматда донг қотарди. Шу тарзда ҳар бир жамоа бир йилда тўрт маротаба хизматга келиши лозим эди. Наршахийнинг бу таърифи бўйича биргина бухорхудотларнинг вилоят ҳокимлиги бошқарувида қарийб 18 минг мулозим навбат билан хизмат қилган.

Шуни таъкидлаш ўринлики, асрлар давомида ўзлаштирилиб обод этилган Буюк Туркистон диёрида мазлумларнинг машаққатли меҳнати билан етиштирилган нознеъматлар, тўпланган турли-туман бойликлардан ҳаммавақт асосан зодагон табақа вакиллари баҳраманд бўларди. Улар ҳашаматли қаср ва кўшқларда яшар, қимматбаҳо кийимлару олтин, кумуш ва жавоҳир тақинчоқларда, заррин камарга қилич тақиб тахт ва от устида мамлакатнинг мазлумлари тепасидан ҳукмронлик қиларди.

VI—VIII асрларда ҳам меҳнаткаш аҳолининг ҳаёти ниҳоятда офир кечган. У ҳаммавақт ночорлик, танглик, хавф-хатар ва муҳтожликда яшаган. Офир қўл меҳнати эвазига етишти-

рилган маҳсулотнинг бир қисмини солиқлар ҳисобида давлатта топшириб, қолган ризқ-рўзига шукрона ва қаноат қилиб кун кечирган. Осойишталик замонларида узлуксиз амалга оширилган ҳашарлар (суғориш шаҳоблари қазил, уларни лойқадан тозалаш, шаҳар деворларини таъмирлаш, қалъа, қаср, кўшклар бино қилиш, кўприклар қуриш ва ҳ. к.) да иштирок этишга мажбур бўлган. Ёвгарчилик даврларида эса лашкарлар сафида туриб, киндик қони тўкилган Ватанини ташқи душман тажовузидан мудофаа қилишда кўкраги билан қалқон бўлган. Йиллар давомида тўхтовсиз олиб борилган ўзаро урушлар оқибатида вайрон этилган уй-жойлар, шаҳару қишлоқларни қайта тиклаб, яна юртини обод этган. Доимо меҳнатни муқаддас билиб, эътиқод билан етиштирган ҳалол нони билан бола-чақасини боққан, вояга етказган ва меҳнаткаш халқ омаси сафини муттасил тўлғазиб, буюк инсон зотидан Ватанга муносиб авлод қолдирган.

Шундай қилиб, илк бор Осиёда Хитой империяси қаторида буюк салтанатликни ташкил этган. Турк хоқонлари ҳукронлик қилган даврда туркларнинг сиёсий ва маданий мероси Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё ва Жануби-Шарқий Европа тарихига жиддий таъсир кўрсатди. Айниқса, Ватанамиз аҳолисининг қадим замонлардаёқ шаклланиб ривож топиб келаётган юқори даражадаги деҳқончилик маданияти билан омукталашиб, Буюк Турон диёрининг илк ўрта аср маданияти ва унга асосланган маънавияти қиёмига етказилди.

## **10-§. Илк ўрта асрлар маданияти ва маънавий ҳаёт**

Илк ўрта асрларда Буюк Ипак йўли орқали олиб борилган кенг кўламдаги халқаро савдо Турк хоқонлиги, Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Византия ўртасида иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни кенгайттирди. Ўтроқ деҳқончилик воқалари билан дашт халқлари маданиятларининг ўзаро таъсирини кучайтирди. Ўрта Осиё халқлари жаҳон тарихи жараёнига тортилиб, бу диёрда илк ўрта асрнинг ўзига хос серқирра ва ниҳоятда бой маданияти шаклланди ва ривож топди. Бу юксак маданиятнинг сержило қирралари, айниқса, VI—VIII асрларнинг моддий маданият обидалари, диний эътиқодларию тасвирий санъат намуналарида ўз аксини топди. Маҳаллий ҳаётда содир бўлган бундай ўзгаришлар, айниқса, би-

нокорлик, меъморчилик ва тасвирий санъатнинг айрим жабҳаларида кўпроқ намоён бўлди.

IV асрнинг иккинчи ярми ва V асрда мамлакатнинг ички ва ташқи ҳаётида содир бўлган кескинлик, айниқса, бинокорликка кучли таъсир кўрсатди. Самарқанд, Бухоро, Нахшаб ва Тошкент каби деҳқончилик воҳаларида баланд тагкурси устига бино қилинган кўплаб истехкомли қасрлар ва зодагон деҳқон қўрғонлари қад кўтарди. Истехкомларнинг тўрт бурчаги баланд буржлар билан мустаҳкамланиб, девору мўлалари, бир неча қатор камондан ўқ узгич нишон туйнуқлари билан таъминланди. Марказида баланд аркли, гирди икки ёки уч қатор қалин мудофаа деворлар билан ўралган зодагон мулкдорларнинг қўрғонлари илк ўрта асрларнинг ўзига хос меъморчилиги намуналаридан бўлиб, Нахшаб воҳасидаги Заҳоки Морон қалъаси, Бухородаги Шаҳри Вайрон ва Хоразмдаги Алфир қалъалари шулар жумласидандир. IV асрда Хоразмшоҳ Аффриғ томонидан қурилган Алфир қалъасини таърифлар экан, Беруний унинг «...учта девори пахсадан ва хом ғиштдан қурилган; буларнинг бири иккинчиси ичига жойлашган; ҳар бирининг баландлиги бошқасиникига қараганда ошиб боради, аммо шоҳлар қасри ҳаммасидан ҳам баланддир», деб ёзади.

Бу давр бинокорлиги ва меъморчилигида, айниқса, қасрлар алоҳида ўрин туган. Уларнинг айримлари ҳатто икки қаватли бўлиб, юқорисига махсус кўтарма — пандус орқали чиқилган. Қаср ичида шипи текис, гумбазсимон ва равоқсимон ёпилган бир қанча хоналар бўлган. Кўпинча унинг марказий қисмида гирди йўлаксимон узунхоналар билан ўралган миёнсарой — меҳмонхона ёки ибодатхона бўлиб, хона саҳнида девор бўйлаб кенгина супалар, марказида эса оташдон бино қилинган. V аср охиридан бошлаб бинокорликда анъанавий хом ғишт ва пахса билан бир қаторда пишиқ ғишт ҳам ишлатила бошлаган. Бу даврда пишиқ ғиштдан сарой ва ибодатхоналарнинг саҳнини тўшашда фойдаланилган.

Илк ўрта аср меъморчилигининг қурилиш ғоялари, муҳандислик ечимлари ва меъморий услуги, нақшлари Хоразм, Суғд, Тохаристон, Фарғона ва Чочнинг шаҳар ва қалъалари, мулкдор деҳқонлар қўрғонларию ибодатхоналар, кўшқларию мудофаа иншоотларининг тарху истехкомлари, тоқу равоқлари, ички нақшларию тасвирий санъат обидаларида намоён бўлади.

VI асрларда ҳам сарой ва ибодатхона деворларини турли мазмундаги рангдор тасвирлар билан безаш ҳамон одатий тусда эди. Бундай тасвирий санъатнинг нодир намуналаридан бири Болаликтепа қасри деворларида қайд этилиб ўрганилди. Каттагина хонанинг деворларида рангли бўёқлар билан қандайдир издаҳомда — гиламчалар устида жуфт-жуфт бўлиб тиз чўкиб ўтирган эркак ва аёллар тасвирланган. Эркакларнинг устида учбурчак шаклида кенг қайтарма ёқали ва ҳошияли узун камзул, оёғида маҳси, белида ингичка камарга ўтказилган қайрилма учли ханжар осилган. Бирида ваза, иккинчисида туғро тутган қўлларининг жимжилоғига битгадан иккита йирик кўзли узук тақилган. Ўнг қўлида қадаҳ, сўлида кўзгу тутган аёлларнинг кийим-кечаклари ниҳоятда башанг. Ички либос устидан ҳошияли қайтарма ёқали ҳамда уқали узун ва кенг гулдор ёпинчиқ — қабо елкага ташланган. Қулоқларида Бухоронинг яккадур зираги, жимжилоқларига эса кўзли узук тақилган. Хуллас, Болаликтепа қасри деворларида тасвирланган аёлларнинг ташқи қиёфаси VI асрда эфталлар ҳукмдори ҳузурида бўлган будда қоҳинини ҳайратга солган сарой зодагон аёлларини эслатади. Унинг таърифлашича, ўша вақтларда эфтал маликалари жуда қимматбаҳо матодан тикилган, орқа этаги уч қулоч ва ундан ҳам узунроқ бўлган сербезак кўйлак кияр, унинг этагини махсус жориялар кўтариб юрганлар.

Бу даврда қўшни мамлакатлар: Хитой, Ҳиндистон ва Эрон билан иқтисодий ва маданий алоқалар кенгайиб боради. V асрда Ўрта осиелик шишагарлар Хитой хунармандларига рангли шиша ва шиша буюмлар ясашни ўргатганлар. Ўрта Осие шишаси рангдорлиги, ялтироқлиги ва тиниқлиги жиҳатидан Византия шишасидан устун турган. Хитой императорлари ўз саройларини безашда Ўрта Осиедан келтирилган рангли шишадан фойдаланганлар. Шундай қилиб, эфталлар даврида Ўрта Осие халқининг маданий анъаналари қўшни мамлакатлар, хусусан, Ҳиндистон ва Эрон сосонийларининг тасвирий усуллари билан омукталлашиб, илк ўрта асрлар маданиятининг шаклланишида мустаҳкам пойдеворга айланган.

Географик жиҳатдан бир-биридан узоқда жойлашган ва ҳар хил диний тасаввур ва анъаналарга эга бўлган вилоятларнинг аҳолиси турли тилларда сўзлашган. Чорвадор аҳоли ўртасида шубҳасиз туркий тил муҳити ҳукмрон эди. Ўтроқ аҳолининг каттагина қисмида суғдийча сўзлашуви ва суғд

тилининг кенг муомалада бўлиши кузатилади. Бу даврда суғд тили ва ёзуви халқаро савдо тили сифатида Еттисув ва Фар-ғона орқали Шарқий Туркистонга кириб, Хитой ҳудудларигача етиб боради.

Бу даврда Суғд, Хоразм ва Тохаристон аҳолисининг алоҳида-алоҳида ёзувлари бор эди. Улардан Суғд ва Хоразм ёзувлари қадимги оромий ёзуви асосида майдонга келган эди. Тохаристон ёзувининг асоси эса ўз навбатида Суғд ва Хоразм ёзувларидан олинган эди. Илк ўрта асрларда Марказий Осиё ва Хитойда қоғоз ишлаб чиқариш гарчи анча йўлга қўйилган бўлса ҳам хат, ҳужжат ва айрим ахборотлар каби мактуботлар асосан чарм, ёғоч, суяк, сополга ва камдан-кам қоғозга битиларди. Чунки қоғознинг баҳоси ниҳоятда баланд эди. Айрим битиклар эса ҳатто подшо саройлари ва ибодатхона деворларига ҳам ёзиларди. Улар орасида элчилик мактублари, хўжалик кирим ва чиқимлари, юридик шартномалар, астрономик ҳужжат, тарихий ёдномалар ҳамда диний ақидалар битилган нодир қўлёзма топилмалар бор эди. Бизнинг замонимизгача сақланиб қолган Суғд ёзувлари орасида Панжикент яқинида Қалъаи Муғдан, Шарқий Туркистонда Турфан шаҳри яқинида топилиб ўрганилган ҳужжатлар ҳамда Самарқанднинг қадимий харобаси Афросиёбда қайд этилган деворий ёзувлар, айниқса, бетакрордир.

VII ва VIII аср бошларидаги мансуб ҳужжатларда Суғднинг сиёсий тарихи, ҳуқуқ ва қонунлари, иқтисодий ва диний эътиқодлари хусусида муҳим маълумотлар келтирилади. Масалан, Қалъаи Муғ ҳужжатлари орасида Уттегин номли йигит билан Дуғдғунча исмли аёл ўртасида тузилган никоҳ гувоҳномаси қайд этилган. Бу ҳужжат асосида тузилган битимга биноан Дуғдғунчанинг ихтиёри билан қонунга мувофиқ Уттегин сеvimли ва ардоқли хотин сифатида уни қабул қилиб, озиқ-овқат, кийим-кечак, зебу зийнат билан таъминламоғи ва ҳурмат-иззат қилмоғи лозим эди. Ўз ўрнида Дуғдғунча ҳам Уттегинни сеvimли ва ардоқли эр сифатида тутмоғи, унинг бахтли турмуши ҳақида қайғурмоғи ва буйруқларини қонун каби тингламоғи даркор эди. Шунингдек, ҳужжатда эру хотинлардан бири иккинчисининг розилигисиз никоҳ битимини бузмаслик шартлари баён этилади. Жумладан, агар Уттегин Дуғдғунчанинг ижозатисиз унинг устига уйланса, у вақтда Дуғдғунчага 30 динорий соф ку-



муш драхма товон тўлаши ва уни на хотин, на хизматкор сифатида тутиб турмай, озод этиши шарт бўлган.

Яна бошқа ҳужжат Уттегиннинг Дугдгунча қариндошларига берган васиқаси бўлиб, унда куёвнинг қуйидаги шартларни ўз зиммасига олгани баён этилади. Ушбу васиқага биноан «Чата бутундан бошлаб келажақда, то абад менинг хотиним бўлиб қолади .... Сенинг ва Митра (тангри)нинг иштирокида мажбурият оламан: уни сотмайман, қарз ҳисобига чўриликка бермайман, бирор кимса ҳимоясига бермайман. Борди-ю, уни мендан кимдир тортиб олса, хўрласа, уни зиён-заҳматсиз (сизларга) жўнатаман. Чата ўзи кетишни хоҳласа ҳам ... шу тариқа зиён-заҳматсиз жўнатаман ва соғ-саломат топшираман. Агар ... топширмасам, у ҳолда ... тоза сифатли 100 динорий кумуш драхма тўлайман»... Бу икки ҳужжатда келтирилган маълумот шуни аниқлаб берадики, VII—VIII асрларда суғд жамоасида инсон (айниқса, хотин-қизларнинг) ҳақ-ҳуқуқлари ва ахлоқ қонун-қоидалари, хусусан, никоҳланаётган шахсларнинг ўзаро мулкӣ муносабатлари, куёвнинг келин олдидаги бурчи ва мажбурияти ўз замонаси учун жуда адолатли равишда белгилаб қўйилган экан.

Суғд давлат бошқарув таркиби, элчилик алоқалари, халқаро савдоси ва мураккаб ҳўжалик тараққиёти шубҳасиз аҳолининг саводхонлигини талаб этарди. Шу боисдан, Суғдда саводхонликка интилиш жуда ҳам кучли бўлган. Хитой манбаларининг гувоҳлик беришича, Суғдда беш ёшга тўлгач ўғил бола ёзув ва ҳисобга ўргатилар, сўнгра улар 20 ёшга кирганларида савдо ишларини ўрганиш учун ўзга мамлакатларга жўнатилад эди.

Панжикентда топилган суғд алифбоси битилган машқ тахтаси, Марвдан топилган сополга битилган котиб машқлари матнига қараганда, бу даврда Суғдда савод ўргатиш ва котиблик санъати мактаблари бўлган. Самарқанд ҳуснихат мактаби иншосининг юксак намуналари сифатида Қалъаи Муғдан топилган айрим ҳужжатлар ва уларда тилга олинган Рамтиш Вчашфағн, Ваченок ва Сийамич Тишич каби айрим котибларнинг номлари бунинг ёрқин далилидир. Демак, VII—VIII асрларда Суғдда саводхонлик юксак даражада бўлиб, ёзув кенг тарқалган эди. Суғд ёзувининг кенг тарқалган Самарқанд усулидан ташқари, Хоразм, Бухоро ҳамда Кхароштий ёзувлари ҳам

бор эди. Буларнинг айрим намуналари Қоратепа, Зангтепа, Кофирқалъа ва Афросиёб харобаларидан топилган.

Маълумки, Ўрта Осиё халқларининг саводли бўлишида ва ўз ёзувларини ижод этишларида суғд ёзуви муҳим роль ўйнаган. Суғд хати асосида уйғур ва турк ёзувлари шаклланган. Уйғур ёзувидан эса ўз навбатида кейинчалик мўғул ва манжур хатлари пайдо бўлади. Шубҳасиз, бу табиий воқелик эди. Чунки, VII—VIII асрларда Ўрта Осиё, Етгисув ва Шарқий Туркистон вилоятларида суғд тилининг амалий кўлами жуда кенг эди. Бундай жойларда аҳоли суғд ва турк тилларида бемалол сўзлашган. Айниқса, шаҳарларда икки тиллилик расмий ҳолат бўлган. Хоқонликнинг саводли зодагонлари орасида суғд тилининг билимдонлари ҳам оз бўлмаган. Суғдийларнинг каттагина гуруҳи доимо турк хоқонларининг қароргоҳида яшаган. Уларнинг айримлари сарой аъёнлари ва маъмурлари қаторида ўрин эгаллаб, маслаҳатчи, элчи, хат ва саводга ўргатувчи устоз вазифасини бажарганлар.

VII асрнинг биринчи ярмида суғд ва уйғур ёзувларининг пухта билимдонлари томонидан руний, яъни кўк турк хати ижод этилади. Гарчи бу ёзувнинг асоси суғд хати орқали оромий ёзувига бориб тақалса-да, аммо у турк тилининг фонетик хусусиятларини аниқ бера оладиган мутлақо янги ўзига хос ёзув эди. Туркларнинг бу янги ёзуви бири иккинчисига тутшиб кетадиган 38—40 ҳарфдан иборат эди. У тош ва ёғочларга ўйиб ёзишда ниҳоятда қулай эди. Қадимги Кўк турк битиклари — руний ёзуви ёдгорликлари Олтой ва Шарқий Туркистондан (Култегин ва Билга Хоқон битиклари) ташқари, Етгисув, Фарғона ва Зарафшон водийларидан топилиб ўрганилган. Улар қабр тошлари, сопол ва металл буюмлар ҳамда танга пулларга битилган. Улар орасида юқори Зарафшонда — Қалъаи Муғда топилган ва чармга битилган қадимги турк тилидаги ҳужжат айниқса бебаҳо эди. Шундай қилиб, илк ўрта асрларда турк дунёси суғдийлар туфайли Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари аҳолисининг қадимий юксак маданияти ютуқлари билан танишди ва улардан баҳраманд бўлди.

Маълумки, аввал эфталлар, сўнгра Турк хоқонлиги сиёсий жиҳатдан жуда кўп халқларни бирлаштиргани сабабли турли диний эътиқоддаги аҳоли ёнма-ён яшаган. V—VIII асрларда Ўрта Осиёда зардуштий, будда, насороний (христиан-

лик), моний ва қам (шомон) каби бир нечта динлар мавжуд бўлган. Айрим вилоятларда яҳудий жамоалари ҳамда Ноҳид, Митра ва Сиёвуш каби маҳаллий маъбудаларга ҳам сиғинувчилар истиқомат қилган. Наврӯз кунлари Бухоро оташпарастлари Сиёвуш қабри устида ҳўроз бўғизлаб қурбонлик қилардилар. Мамлакатда кўп динлилик эътиқодлари расм бўлсада, аммо аҳолининг кўпчилиги оловга топинувчи маъжусий эди. Оташпарастлик Хоразм, Суғд ва Чоч вилоятларида, айниқса, кенг тарқалган эди. Катта-кичик шаҳарларда маъжусийларнинг ибодатхоналари бўларди. Улар «вағн» деб, қоҳинлари эса «вағнпат» деб юритиларди. Муқаддас оташ «азархурра» деб аталарди. У махсус оловхона — «оташкада»ларда кечаю кундуз муттасил ёниб турарди. Оташкада мутаваллилари ўта зоҳид диндорлардан бўлиб, улар «атрабон» деб юритиларди. Оддий меҳнаткаш аҳлидан тортиб зодагону подшоҳларгача атрабонларга ҳадялар келтириб, улар орқали муқаддас оловдан мадад сўраб илтижо этиларди.

Зардуштий динида яратувчилик қудратига эга тангри — Ахурамазда бўлиб, у олам ва одамзоднинг, табиат ва жамиятдаги барча ҳодисаларнинг яратувчиси сифатида тарғиб қилинган. Ахурамазда ёруғлик, фаровонлик, сиҳат-саломатлик, тинчлик ва бошқа барча эзгу ҳодисалар тангриси сифатида зулмат, очлик, ўлим, уруш, ёмон (гуноҳ) ишлар, разил ниятлар ва қабоҳатликларнинг ҳомийси Ахриман билан доим узлуксиз кураш олиб борган.

Зардуштийлик эътиқоди бўйича олов ниҳоятда муқаддас ҳисобланган. Қуёш ёруғлик манбаи ва оташ унинг бир қисми ҳисобланган. Қуёш оламга ҳаёт бағишлайди. Унинг нури билан барча жонзод уйғонади ва яшнайти. Қадимий тангаларга сўқилган маъбудалар тасвири ва сопол ҳайкалчалар тақлидига қараганда Ахурамаздадан ташқари, зардуштийларнинг Митра, Фарна, Нана ёки Ноҳид (Анахита), Миррих, Хубби ва маҳаллий эзгулик муаккиллари ҳам бўлган. Митра — қуёш ва ёруғлик муаккили, жанговар йигит сиймосида тасвирланади. Фарна, маҳаллий аҳоли Ҳумо, баъзан Анқо номи билан юритган — бахт ва толе ҳомийси, ниҳоятда чиройли, боши аёл, танаси қуш қиёфасида тасаввур этилган. Нана — Ноҳид ҳосилдорлик, фаровонлик ҳомийси, бир қўлида анор ёки олма тутган гўзал аёл қиёфасида тасвирланади. Миррих — уруш ва ғалаба муаккили, ҳарбийлар мадақкори, қуроллан-

ган жангчи тақлидида тасаввур этилган. Хубби — сув муакили, қайиқчилар ва мироблар ҳомийси, забардаст йигит тусида тасвирланади.

Зардуштийлар эътиқодига кўра, коинот олов, тупроқ, сув, ҳаво каби тўрт унсурдан таркиб топган. Улар муқаддас ҳисобланган ва уларга нисбатан эътиқод ниҳоятда кучли бўлган. Уларга ифлос ва бадбўй нарсалар ташлаш қатъий тақиқланган. Ҳатто марҳумлар жасадини ерга кўмиш, сувга ташлаш, ёқиш ёки кўкатлар устида қолдириш қатъиян ман этилган, чунки улар мурдор ҳисобланган. Марҳум яшаган хонадонда бир неча кун ўт ёқилмаган, овқат пиширилмаган. Мурдалар тошлоқ тепаликлар ёки шаҳардан ташқарида бино қилинган махсус баланд даҳмаларнинг устида қолдирилган. Қуш-қузғунлар ва йиртқичлар уларнинг этини еб битиргач, суяклари қуёшда тобланиб сарғайгач, уларни жамлаб қопқоқли сопол остадон (тобутча)ларга солиб қўйилган. Барча мотам маросимлари тугагач, марҳум устухонлари солинган остадон (ассуарий) махсус хилхона — «наус»га киритилиб, супа устига териб қўйилган, шу билан дафн маросими тугаган. Марҳумлар суяқларини остадонларга солиб, наусларда сақлаш одати Суғд, Чоч ва Хоразм вилоятларида кенг расм бўлган. Зардуштий даҳмаларнинг вайроналари Қарши шаҳри яқинида жойлашган Ерқўрғон шаҳар харобасидан ҳамда Бухоро ва Пойканд шаҳри яқинидан топилиб ўрганилган. Бухоро даҳмасининг қандай иншоот эканини англатувчи қадимий атама ҳатто ҳозиргача айрим ёдгорликлар номида сақланиб қолган. Бу ёдгорлик «Тали мурдапартов», яъни мурдалар ташланадиган тепа деб юритилади. Қоракўл яқинига жойлашган қадимий Пойканд шаҳри теварагидан эса 50 дан ошиқ «наус»лар қазиб ўрганилди.

Бу даврда аҳоли ўртасида будда динининг ҳам эътиқодий мавқеи паст эмас эди, гарчи у Суғдда деярли тарқалмаган бўлса-да, аммо Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятларида, хусусан, Тохаристонда, Фарғона ва Еттисувда ҳамда Шарқий Туркистонда, айниқса, шаҳар аҳолиси ўртасида кенг ёйилган эди. VI аср охири — VII аср бошларида айрим Фарбий турк хоқонлари будда динини қабул этиб, бутхоналарнинг қурилишида ҳомийлик қиладилар. VII асрда Балх шаҳрида юзта, Термизда ўнгача (уларнинг қолдиқлари Қоратепа, Далварзинтепа ва Ажинатепалардан топиб текширилган) ва Қабодиёнда

учта будда монастирлари бор эди. Уларнинг ҳар бирида иккитадан то 50 нафаргача роҳиб (монах)лари бўлган. Илк ўрта асрларга мансуб иккита будда ибодатхоналарининг қолдиқлари Фарғона водийсидаги қадимги Кува шаҳри харобаларидан қазиб ўрганилди. Улардан будданинг лойдан ясалган ранг-баранг ҳайкали ва ҳайкалчалари топилди. Термиз яқинида Зангтепа ёдгорликларидан VI—VIII асрларга мансуб қайин пўстларига битилган буддавий қўлёзма матнлари қайд этилди.

VII аср Хитой сайёҳи Сюан Цзаннинг маълумотларига кўра, биргина Кошғарда бир неча юз будда ибодатхоналари бўлган. Уларда ўн мингдан ошиқроқ буддавий роҳиблар истиқомат қилиб, зоҳидлик билан ўз дини йўлида хизмат қилган. Ёзма манбаларда қайд этилишича, будда ибодатхоналари ер-сув ва қимматбаҳо буюмлардан иборат катта бойликка эга бўлган. VI аср Хитой зиёратчиси Сон Юннинг ёзишича, Шарқий Туркистоннинг будда ибодатхонасида ўрнатилган биргина будда олтин ҳайкалининг баландлиги 12 м бўлган.

Ёзма манбалар қазиб ўрганилган қатор будда ибодатхоналари, қайин пўстлоғига битилган будда қўлёзма топилмаларидан маълум бўлишича, илк ўрта асрларда будда дини ва унинг тарғиботи Тохаристонда, Суғд, Фарғона ва Шарқий Туркистонда ҳам ўз фаолияти билан из қолдирган. Будда динининг тарғиботчи хатиблари Чоч ва Фарғона водийси орқали Етгисув ва Шарқий Туркистонга ҳамда Хитойнинг ички вилоятларига кириб борганлар. Будда диний қўлёзма матнларини санскрит тилидан тохар ва ундан хитой ва турк тилларига таржима қилишда Суғд, Тохаристон, Марв ва Қанғ уламо роҳибларининг хизмати катта бўлган. Бундай диний китоблар орқали буддавий ақидалари, жисмоний ва ахлоқий поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ ва руҳий камолот тарғиб қилиниб, қотиллик, ўғрилиқ, ёлғончилик, ахлоқий нопоклик ва сармастлик тақиқ этилган.

Ёзма манбалардан маълум бўлишича, Ўрта Осиё вилоятларида бу даврда насоро (христиан) динининг несториан таълимотига эътиқод қилувчи жамоаларнинг сони ҳам оз эмас эди. Самарқанд вилоятининг Ургут тумани Суғддагина эмас, балки бутун Ўрта Осиёда насороний тарғиботларнинг марказларидан ҳисобланарди. Афтидан, насоро дини Суғдга V—VI асрларда кириб келган. VI аср бошларида Самарқандда епископ, VIII асрда эса митрополит каби насоро динининг

олий унвонидаги руҳонийлар насороний жамоаларга раҳнамолик қилганлар. VII—IX асрларда Бухоро, Самарқанд ва Еттисувда яшаган насоронийлар ҳақида арабнавис муаллифлар ҳам қайд этадилар. Бу вилоятларда насороний жамоаларнинг мавжудлиги ҳақида сурия, суғд ва турк тилларида битилган насороний матнлар ва айрим археологик топилмалар ҳам гувоҳлик бермоқда. Масалан, Ургут яқинидаги Қўштепа ёдгорлигидан топилган хум парчасида христианликнинг асосий удумларидан бири — чўқинтириш маросими тасвир этилган. Унда чап қўлида китоб (инжил), ўнг қўлида эса хоч тутган узун кийимдаги роҳиб хочни бошяланг тиз чўкиб турган кишининг боши узра тутиб турибди.

Насоро дини Тохаристоннинг туркий аҳолиси орасида ҳам кенг тарқалган. Насороний таълимоти Суғддан Буюк Ипак йўлининг шимолий тирсаги бўйлаб аввал суғдийларнинг Еттисувдаги касабаларига, сўнгра Турфан ва Кошғар воҳаларига кириб борган эди. Сурия ва форсий тилларида ёзилган насороний матнларини суғд тилига таржима қилишда ва бу таълимотни вилоятларда тарғиб этишда суғд хатиблари ва таржимонларининг хизмати катта бўлган.

Илк ўрта асрларда Ўрта Осиё халқларининг мафкуравий ҳаётида моний дини ҳам анча чуқур илдиз отган эди. Бу дин зардуштий, насороний ва будда динларининг асосида юзага келган. Бу динга асос солган Моний тарихий шахс бўлиб, у Бобилда (216—274) дунёга келган. У ўз тарғиботини Мидия ва Форсда бошлаган. Бироқ Эронда унинг таълимоти оташпарастликнинг ашаддий руҳонийлари томонидан қақшатқич зарбага учраган. Кейинчалик бу мазҳаб тарафдорлари Ўрта Осиёнинг жанубий вилоятлари ва Шарқий Туркистонда қарор топади. Моний таълимоти бўйича оламнинг ибтидоси икки қарама-қарши яратувчи — ёруғлик ва эзгулик ҳамда зулмат ва ёвузликдан иборат бўлиб, камолотга етишиш йўлида инсон зулматга қарши курашда ёғдуликка кўмаклашуви лозим. Бу йўлдан борган тақводор тўғридан-тўғри ёруғлик жаннатга кириб бориши тарғиб этилади. Ибодат, рўза ва садақа моний динининг аркони ҳисобланган. Ибодат Қуёш ва Ойга бағишланиб, яқшанба ва ийд кунлари рўза тутилган. Садақа бериш эса тақводорларнинг асосий бурчи ҳисобланган. Моний таълимотида савдо-сотик рағбатлантирилиб, судхўрликка ижозат берилади. Шу боисдан бу таълимотни даставвал

шаҳарларнинг савдо аҳли ва халқаро тижорат билан шуғулланувчи зодагон ҳамда маҳаллий ҳукмдорлар қабул қиладилар. Бу мазҳабнинг диний китоблари қадимги форсий тилидан суғд, тохар, турк ва хитой тилларига таржима қилинади.

VI—VIII асрларда моний дини Мурғоб воҳаси орқали Тохаристон, Суғд, Шарқий Туркистон ва Хитойга ёйилади. VIII асрдан бу таълимот Хитой императори томонидан «Ғарбий мулк»ларнинг маҳаллий дини, хоқон томонидан эса Уйғур хоқонлигининг давлат дини деб эълон қилинади. Хитой ҳудудида суғдийларга ибодатхоналар қуриш ва моний динини тарғиб қилишга ижозат берилади. Моний таълимотида тасвирий санъатга ва мусиқага катта аҳамият берилади. Диний тарғибот ва маросимларда, айниқса, тасвирий санъатдан кенг фойдаланилган. Одатда, ибодатхоналар деворлари, диний китоб саҳифалари, матолар моний, маъжусий худолари, мансабдорлар, диний байрам манзаралари ва ақидалар белгилари билан тасвирланарди. Шубҳасиз, моний таълимоти Ўрта Осиёда тасвирий санъатнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Турк хоқонлигининг чорвадор аҳолиси қадимдан шомон динига сиғиниб келган. Бу дин анимистик тасаввур, жон ва руҳларга сиғиниш эътиқодини тарбиялаган. Қадимда турклар ўз динини «қам» деб юритганлар. Чунки уларда «шомон» деган сўз бўлмаган. VI—VIII асрларда Ғарбий Турк хоқонлигининг чорвадор аҳолиси ўртасида буддавий ва насороний жамоалари пайдо бўлиб, айрим Турк хоқонлари бу янги динларга ҳомийлик қилсалар-да, аммо чорвадор аҳолининг аксарияти ҳали «шомон» динига эътиқод қиларди. Бу дин коинотни йўқликдан бор қилган «кўк тангри»га эътиқод қилувчи тавҳид (якка худолик) дини ҳисобланарди. Аммо шундай бўлса-да, табиат ҳодисалари билан боғлиқ бўлган унинг бир қанча тангрилари бўлган. Эзгулик, қоронғулик, ер-сув ва туғилиш ҳомийлари ҳисобланган тангрилар шулар жумласидандир. Чорвадор, кўчманчи аҳоли бу тангриларга бағишланган маросимлар ўтказиб қурбонликлар қилишган. Масалан, буюк тангри — кўк тангри шарафига ёзда баланд тоғ устида қурбонлик учун қора қашқа от бўғизланган. Шомон динининг таълимотини талқин этувчи урф, ақида ва маросимларни бажаришда раҳнамолик қилувчи диндорлари бўларди. Уларнинг етук билимдонлари «қам» ва «тўйин» деб ата-

ларди. Қам ва тўйинлар зоҳидликда ўрнак бўлиб, аҳоли ўртасида уларнинг нуфузи жуда баланд эди. Улар ибодатхоналарда яшаб, доимо ибодатда бўларди. Бу тўғрида XI асрнинг нодир ёзма манбаи — Маҳмуд Кошғарийнинг «Девони луғатит турк» китобида «Тўйин бурхонқа юкунди, тўйин санамга топинди», яъни тўйин бутхонага киради ва санамга топинади, деб таъкидланади. Қам ва тўйинлар уламо муфтийлар даражасидаги руҳоний ҳисобланарди. «Тун-кун толун тангрига бўйсунмагил. Қорқун анар эйману ўйнамагил», яъни кечакундуз улуғ тангрига ибодат қил, йўлдан озиб адашма, Худодан қўрқ, ундан уял, деган тарғиботлар айтиб, қам ва тўйинлар аҳолини эътиқод йўлига чорлаганлар ва бу йўлда ўзлари ўрнак бўлиб, орқаларидан авомни эргаштирганлар.

Демак, VI—VIII асрларда Ўрта Осиёда, аввалда Эфталлийлар давлати, сўнгра Турк хоқонлиги ҳамда майда маҳаллий ҳокимликлар ҳукм сурган даврда аҳоли зардуштий, буддавий, насороний, моний ва қам каби бир нечта динларга сиғинган, яъни дин эркинлиги мавжуд бўлган. Вилоятларнинг ўтроқ, даштиларнинг кўчманчи аҳолиси ўртасида бу динларга эътиқод қилувчи қавмлар ва жамоалар бўлган. Баъзи бир вилоят ҳудудларида диний эътиқод удумлари ва расм-русмлари омукталашиб, аҳолининг маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган, Ўрта Осиё ва қўшни мамлакатлар аҳолисининг ўзаро маданий алоқаларига кучли таъсир кўрсатган. Бу диний эътиқодларнинг омуктаси асосида Ўрта Осиё халқларининг илк ўрта асрларнинг сержило моддий ва маънавий маданияти шаклланди ва ривож топди.

VII—VIII асрларда Ўрта Осиё шаҳарларида ҳунармандчилик ва меъморчилик билан бир қаторда тасвирий санъатнинг рассомлик ва ҳайкалтарошлик каби бир қатор тармоқлари равнақ топади. Уларнинг айрим намуналари илк ўрта асрларда бино қилинган қаср ва саройларни безаган деворий суратлар ва ганҷкори нақшларда, будда ибодатхоналарига ўрнатилган ҳайкалларда, эътиқод рамзи сифатида сополдан ясалган маъбуда ҳайкалларию ёғочдан йўнилган санамларда ҳамда чақа-тангалар сиртига сўқилган сиймо ва рамзий белгиларда намоён бўлади. Шубҳасиз, уларда илк ўрта аср даврида содир бўлган ижтимоий ўзгаришлар, иқтисодий силжишлар ва сиёсий муносабатлар, маълум даражада, ўз инъикосини топган. Сурхон воҳасида Болаликтепа ва Қоратепадан, Зараф-



шон водийсида Панжикент, Варахша ва Афросиёб, Фаргона водийсида Кува харобаларидан ҳамда бошқа ёдгорликлардан топиб ўрганилган деворий суратлар, ҳайкаллар ва ганчкори нақшлар ўша замон юксак санъатининг нодир асарларидан ҳисобланади. Мазмуни жиҳатидан улар ниҳоятда бой, тасвирий жилоси жиҳатидан эса ранго-рангдир. Уларда илк ўрта асрлар даврининг ўта мураккаб сиёсий муносабатлари тазйиқи остида юзага келган маънавий ва маиший ҳаётнинг омукташиб кетган сермазмун ва беқийёс манзаралари тасвирланади. Масалан, Болаликтепа деворий суратларида қўлларида қадаҳ тутиб, ҳашаматли заррин либосларда жуфт-жуфт бўлиб пурвиқор ўтирган эркаклару аёлларнинг базми жамшиди тасвир этилган бўлса, Варахша саройида оқ фил устига минган филбон ва паҳлавонларнинг олд ва орқадан човут солаётган арслон ва қанотли грифонлар билан олишуви ёки суянчиқлари қанотли туя шаклида ишланган олтин тахт устида ўтирган ҳукмдор ҳамда оташдонда алангаланиб турган муқаддас оловни тиз чўкиб тавоб қилаётган зиёратчилар намоиш қилинган.

Панжикент шаҳар харобаларидан 60 дан ортиқ хоналардан топилган деворий тасвирлар эса мазмун жиҳатдан ниҳоятда бойдир. Расмлар орасида ҳарбий юришлар, суғдийларнинг қадимий эпослари, деҳқончилик ёки диний маросимларга бағишланган турли-туман мазмундаги суратларни мароқ билан томоша қилиш мумкин. Қарийб 15 метрга чўзилган манзарада тўриқ отлиқ сувори бошлиқ чокарларнинг юриши, от чоптириб душманга ҳужуми, суворининг аждарҳо ва отлиқ душман билан яккама-якка олишуви, чокарларнинг девлар тўдаси билан курашуви ва ниҳоят қулаган аждарҳони янчиб, ғалаба билан ўз чокарларини бошлаб қайтаётган суворининг қаҳрамонликлари тасвир этилади. Бу ажойиб санъат асарини очиб ўрганган археолог олим А.М.Беленицкий уни Абулқосим Фирдавсийнинг машҳур «Шоҳнома» асарида баён этилган Рустам ҳақидаги дostonнинг X аср муаллифларидан роса уч аср муқаддам суғдий мусаввирлари томонидан мўйқалам билан чизилган тасвирий манзараси деб талқин қилади. Панжикент деворий суратлари орасида ёзги ҳосилни йиғиб, унинг тақсимотига бағишланган манзара, айниқса, диққатга сазовордир. Каттагина ғалла хирмони, хирмон тепасида қўлида икки паллали осма тарози тутган амлақдор донни ўлчаб тақсимламоқда. Донни қоплаётганлар ҳамда тўлғизилган қанор-

ни эшакка ортиб жўнатиш тараддудиди турган енги ва почалари шимариглик ялангоёқ кекса деҳқон ва ўспирин тасвирланган. Бу суратлар воситасида ғаллани хирмон қилиб, уни тақсимлаш билан боғлиқ одабий қишлоқ ҳаёти намойиш этилган бўлса, иккинчи бир расмда Сиёвуш ўлими билан боғлиқ аза маросими тасвирланади. Унда тобут атрофида сочларини ёйиб гиря қилаётган аёлларнинг сурати чизилган.

Афросиёбда ковлаб очилган деворий суратларнинг мазмуни янада ўзгача. Унда қандайдир тантанали издаҳом тасвир этилади. Олдинда оқ фил устида тахтиравонда малика. Фил сағрисига мингашган жория тахтиравонни ушлаб бормоқда. Фил ортидан қорабайир, тўриқ ва саман минган учта аёл, улардан биринчисининг кўлига суғдча «маликанинг янгаси» деган сўзлар ёзилган. Аёлларни туя минган икки нафар қуролланган эркак кузатиб бормоқда. Юқорироқда от етаклаган киши ҳамда тўртта оққуш ҳайдаб бораётган ўспириннинг сурати чизилган. Уларнинг оғиз-бурунлари оқ мато билан боғланган. Деворнинг марказида, бошқа расмлардан икки баробар катталаштириб чизилган сувори, у отлиқлар қуршовида. Хонанинг ғарбий деворида шоҳона либосларда қимматбаҳо тўхфалар кўтарган кишилар тасвирланган. Деворда 16 қатор суғд ёзуви ҳам битилган. Унда «Мен Чағониён дапирпати (элчиси) Бухорзод ҳукмдор Туронтош номидан подшоҳга ҳурмат ва эҳтиром изҳор этгани Самарқандга келдим», деган мазмундаги сўзлар баён этилади. Хатнинг охири «Чоч элчиси оғиз очди» деган жумла билан узилиб қолган. Бу ёзув мазмунидан маълум бўлишича, Афросиёб деворий суратлари, мусаввирнинг хаёли мушоҳадаси бўлмай, балки унда Самарқандда бўлиб ўтган тарихий воқеа — Самарқанд подшосининг Чоч, Фарғона ва Уструшона давлатлари билан олиб борган элчилик муносабатлари тасвир этилган. Демак, илк ўрта аср деворий тасвирлари ўз даврининг фақат оддийгина санъат ёдгорлиги эмас, балки ўрта асрнинг серқирра удумлари қарор топаётган замоннинг ўта мураккаб ҳаёти, дину эътиқоди ва кўшни мамлакатлар билан олиб борилган алоқаларидан ҳикоя қилувчи қомусий манбадир. Бундай асарларнинг яратилишида, шубҳасиз, ўз даврининг тараққийпарвар эътиқодларидан ҳисобланган монийлик тариқатининг маълум даражада таъсири бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Шуни эъгироф этиш жоизки, бу даврда Суғд ва Хоразмда V—VI асрларда диний эътиқод ва тасаввурлар билан узвий боғлиқ бўлган тасвирий санъат — короластика — маъбудаларнинг сопол ҳайкалчаларини яшаш ва уларга топиниш кенг ёйилади. Бу даврга оид сопол ҳайкалчалар жуда кўплиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Улар исломгача бўлган жоҳилият даврида Каъбага қўйилган санамларни эслатарди. Ҳатто Самарқанд, Бухоро, Нахшаб ва Тохаристонда ясалган сопол ҳайкалчаларда тасвирланган сиймолар фақат юз тузилишидангина эмас, балки кийим-кечаклари ва тақинчоқлари билан ҳам бир-биридан мутлақо фарқ қилади. Шу боисдан улар фақат диний эътиқодлар ҳақидагина эмас, балки Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида яшаган аҳолининг антропологик қиёфаси, кийим-бошлари, мусиқа асбоблари, қурол-яроғлари ва бошқалар тўғрисида ҳам тасаввур беради.

VI—VIII асрларда эса ҳайкалтарошлик айниқса муҳим ўрин тутган. Унинг ривожига будда ибодатхоналарига кўйлаб будда ва унинг мутааббид қоҳинларининг лойдан, ганчдан ва тошдан ясалган катта-кичик ҳайкаллари ўрнатилган. Термиз яқинида Қоратепа, Фаёзтепа ва Далварзинтепа, Фарғона водийсида Қувадан ҳамда Кўрғонтепа яқинидаги Ажинатепадан топилган будданинг баҳайбат ҳайкаллари топилиб ўрганилди. Ажинатепадан топилган будда ҳайкалининг катталиги 12 метрга боради.

Бу даврда бадиий ёғоч ўймакорлиги санъати ҳам юқори даражада турган. Афросиёб ҳамда Панжикентдан ёғочдан йўнилган санам, ўймакор нақшлар (табиат манзаралари, ҳайвонлар, афсонавий жонзодлар, тахтда ўтирган ҳукмдор ёки жанг аравасида кетаётган жангчи ва ҳ.к.)ларнинг куйиб кўмирга айланган қолдиқлари ва бўлаклари топилган. Улар орасида, айниқса, нозик дид билан ниҳоятда жозибали қилиб ясалган раққосанинг ноёб ҳайкали диққатга сазовордир. Чап қўлини белига қўйиб, ўнг тиззасини бир озгина букиб рақсга тушаётган ҳолда тасвирланган ҳайкалда раққосанинг нозик хатти-ҳаракатидан тортиб кийим-кечагию тақинчоқларигача маҳорат билан жуда аниқ ишланган.

Илк ўрта аср ганчкорлиги санъатининг нодир ёдгорлиги намуналари Варахша топилмалари орқали тадқиқ этилди. Улар орасида турли хил геометрик шакллар, мевали дарахт ва ўсимликлар (узум бошлари осилиб турган ток новда ва

занглари)нинг ўймакор нақшлари билан бир қаторда ов манзараси, турли хил ҳайвонлар (от, кийик, архар, тўнғиз), афсонавий мавжудот (аждарҳо, грифон, аёл бошли қуш ва ҳ.к.), эркак, аёл ва чавандозларнинг қабартма тасвирлари учрайди. Бундай турли мазмундаги ва юқори даражали санъат билан ганчкори қабартма нақшлар ўз даврида қадимги Бухоро ҳукмдорларининг Варахшадаги қароргоҳининг ҳашаматли сарой деворларини безаб турган.

Хитой манбаларидан маълум бўлишича, VI—VIII асрларда Ўрта Осиёда мусиқа, рақс, кўшиқчилик, қизиқчилик ва дорбозлик каби санъатнинг бошқа турли соҳалари ҳам камол топган эди. Бу даврда санъат соҳасида Бухоро актёрлари, Самарқанд найчилари, Тошкент ўйинчи йигит ва раққоса қизлари, Хўтан сурнайчилари ва Куча бастакорлари билан шўхрат топган эди. VIII аср бошларида Чоч, Самарқанд, Кеш ва Маймурғдан раққоса қизлар ва ўйинчи йигитлар, Хутталдан мақомчи аёллар Хитой императори саройига юборилиб турилар эди.

Ўрта Осиё куйлари мақом ва вазнларининг дилраболиги, рақсларнинг босиқ ва ўйноқилиги ўша замонлардаёқ ҳар қандай томоша аҳлини мафтун этиб, сеҳрлаб кўярди. Айниқса, уд ва най садосида жуфт бўлиб Чоч ўйинчи йигитлари ижро этган машҳур «Чоч рақси» ёки доира чертмасига икки чочлик раққосанинг томошабинларга қиё боқиб, имо билан елка учириб тушадиган ўйноқи «доира рақси» Хитой аъёнларини мафтун этиб, уларни ҳайратга солган эди. Император саройида ўтказилган бундай тантанали томошаларда Туркистондан борган дорбозлар, акробатлар, кўзбойлағичлар, оловютғич афсункорлар ва қизиқчи кўқиллар ҳам ўз маҳоратларини завқ-шавқ билан намойиш қилганлар. Ҳатто Хитойнинг Чанъан шаҳри аҳолиси кўғирчоқ ўйинини илк бор VIII асрда Туркистондан борган санъаткорлар ижросида томоша қилишга муяссар бўлган. Манбаларда қайд этилишича, биргина Бухоро шаҳрида уста хунармандлар томонидан ўн турдаги чолғу асбоблари ясалган. Уларнинг номларининг ёлғиз ўзи ҳам илк ўрта асрларда Ўрта Осиёда мусиқа, рақс ва бастакорлик санъатининг даражаси тўғрисида гувоҳлик беради.

Шуниси эътиборлики, илк ўрта асрлар мулкчилиги шароитида санъатнинг равнақи ҳам мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий барқарорлигига узвий боғлиқ бўлиб, у мулкдор табақага қарам эди. Шу боисдан ўз даврининг етук санъаткорлари

хукмдорларнинг қароргоҳларида тўлланар, халқнинг маънавий бойлигидан кўпроқ зодагонлар баҳраманд бўлар эди.

Шундай қилиб, VI—VIII асрларда Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий ҳаётида ерга эгалик қилиш муносабатлари шаклланиб, мустақамланиб борди. Сиёсий ҳаётда икки йирик давлат — Эфталлар давлати ва Турк хоқонлиги ҳукмронлиги ўрнатилди. Иқтисодий ҳаётда ҳунармандчилик, суғорма деҳқончилик ва чорвачилик ривож топиб, ички ва ташқи савдо кенгайди. Маданий ҳаётда эса меъморчилик, хат-савод, диний эътиқодлар, тасвирий санъат ва мусиқа раванқ топиб, маданий алоқалар жонланди. Натижада илк ўрта асрларнинг маънавий ҳаётини ўзида мужассамлантирган ўзига хос серқирра маданият яратилди.

## II БОБ. МОВАРОУННАХҲНИНГ АРАБ ХАЛИФАЛИГИ ТОМОНИДАН ФАТҲ ЭТИЛИШИ ВА ХАЛҚ ОЗОДЛИК ҚЎЗҒОЛОНЛАРИ

### 11-§. Халифалик ва унинг юришлари

Қадимдан Арабистон ярим оролида яшаб келаётган араблар Сомий қавмига мансуб бўлиб, Туркистон халқларига уларнинг на келиб чиқиши, на тили ва диний эътиқоди томонидан ҳеч қандай қон-қариндошлиги ва танишлиги йўқ эди. Арабларнинг кўпчилиги саҳро ва даштларда яшовчи кўчманчи туякаш чорвадор эди. Улар бадавий деб юритиларди. Денгизга яқин жойларда кичик-кичик воҳачалар ва уларнинг марказида эса катта-кичик шаҳарлар қад кўтарган эди. Воҳачаларда деҳқончилик, шаҳарларда эса савдо-сотик ва майда хунармандчилик билан кун кечирувчи аҳоли яшар эди. VI аср охири ва VII аср бошларида араб жамоалари ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан жуда қурама эди. Улар ўртасида уруғ-аймоқчилик ва қулдорлик муносабатлари ҳали кучли эди. Илк ўрта асрлар удумлари эндигина вужудга келмоқда эди. Мамлакат воҳаларда ташкил топган майда ҳокимликлардан иборат эди. Улар шаҳар зодагонлари томонидан идора қилинарди.

Ямандан шимолга томон йўналган карвон йўли Ҳижоз, Макка ва Мадина шаҳарларини кесиб ўтиб, мамлакатни Миср, Византия ва Сурия билан боғлар эди. Бу йўл орқали олиб бориладиган ташқи савдодан шаҳарлик судхўр зодагон савдогарлар ҳамда бадавлат қабилаларнинг уруғ оқсоқоллари — саидлар манфаатдор эди. Шаҳар аҳолисининг кўчманчи чорвадорлар билан олиб борган савдо-сотик алоқалари айниқса гавжум эди. Бироқ мамлакатда ҳукм сурган сиёсий тарқоқлик, бадавий қабилалар ўртасидаги ўзаро низо, тотемистик ва анимистик эътиқодлар асосидаги бутпарастлик маҳдудлиги, буларнинг оқибатида карвон йўлларида авж олиб кетган талончилик ички ва ташқи алоқаларнинг кенгайишига тўсқинлик қилмоқда эди. Бу, шубҳасиз, зодагон

савдогар табақанинг манфаатларига зид бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий юксалишига жиддий тўсқинлик қилмоқда эди. VII аср бошларида Арабистонда содир бўлган бундай жиддий ижтимоий ва сиёсий вазият, шубҳасиз, мамлакатнинг бирлашувига олиб келди. Бундай ҳаракатнинг асосий тарафдори бўлиб шаҳарларнинг савдогар ва ҳунарманд аҳолиси кўтарилди.

Бу ҳаракат буюк ва бирдан-бир ҳақ йўл — ягона эътиқодга даъват қилишдан бошланади. Бу тавҳидлик дини бўлиб, тарихда у «итоат», «тобелик» ва «бўйин эгиш» маъноларини англатувчи «ислом» номи билан шуҳрат топди. Буюк ва ягона тангри — Оллоҳнинг ердаги расули сифатида Арабистоннинг йирик маркази Макка шаҳрида дунёга келган Муҳаммад бинни Абдуллоҳ (570—632) бу ҳаракатга раҳнамолик қилди. Исломни қабул қилиб, Расулуллоҳга эргашган унинг издошлари ўзларини «муслим», яъни дини исломга содиқ «итоаткор»лар деб атайдилар. Муслим (мусулмон)ларнинг Худо олдида тенг экани, ризқи рўзни барчага Яратгувчининг ўзи етказиб бериши ҳамда жамиятдаги адолатсизлик барҳам топиши ҳақ экани тўғрисида тарғиб этилади. Бу, шубҳасиз, мамлакат аҳолисининг деярли ҳамма табақалари манфаатларига маълум даражада мос келиб, биринчи навбатда, шаҳар меҳнаткаш оммаси исломни қабул қилиши ва бу ҳаракатнинг ғолиб чиқишига олиб келади.

Даставвал ўз она шаҳрида муваффақият қозона олмаган Муҳаммад 622 йил 16 июлда Маккадан Мадина шаҳрига ҳижрат қилишга мажбур бўлади. Худди шу кундан бошлаб мусулмон шарқида қабул қилинган ҳижрий йил ҳисоби бошланади. Шундай қилиб, ислом байроғи остида Макка шаҳрида бошланган тавҳидлик дини тарғиботи Мадинага кўчади ва бу шаҳар курашнинг марказига айланади. Мадиналиклар ўзга шаҳар ва қабилаларнинг бутпарастлик динларига қарши ташвиқот ишлари олиб бориш билан бир вақтда уларнинг сиёсий тузумига зарба бера бошлайдилар. Бу курашга араб қабилаларини жалб қилиш мақсадида ғайридинлик, ўзга мамлакатларни талаб ўлжа олиш шиори тарғиб қилинади. Натижада мусулмонлар тез ғалаба қозона бошлайдилар.

Муҳаммад вафот этгач, аввал Абубакр (632—634), сўнгра Умар (634—644), Усмон (644—656) ва Али (656—661)лар «халифа», яъни «ўринбосар», деб эълон қилинади. Бу халифалар

ислом тарихшунослигида «Хулафойи рашоддин», яъни ҳақ йўлдан борган «саҳиҳ халифалар», деган табаррук ном билан шуҳрат топадилар. Чунки улар Муҳаммад бошлаган муборак ишни давом эттирадилар. Улар ҳукмронлик қилган даврда Арабистонда ислом дини тўла ғалаба қозониб, тарихда илк ўта марказлашган мусулмон давлати — Араб халифалиги ташкил топади. Миср, Сурия, Фаластин, Ироқ, Византия ва Эрон бўйсундирилиб, ислом жаҳон динларидан бирига айланади. Бу ерда шуни таъкидлаш ўринлики, араб қабилаларининг исломни қабул қилиб, сиёсий жиҳатдан ягона ҳокимиятга бирлашувида ислом ақидалари, эътиқод талаблари, шариат аҳкомлари, ҳуқуқий ва ахлоқий маромларни ўз ичига қамраб олган янги мафкуранинг бой ва ўта нодир манбаи — Қуръони Каримнинг аҳамияти ниҳоятда буюк бўлди.

Миср, Сурия, Қуддус ва Ироқ каби бой мамлакатлар бўйсундирилиб, беҳисоб ўлжаларга эга бўлган Араб халифалиги ҳарбий юришларни Фарб ва Шарққа томон кенгайтиришга ҳаракат қилади. Бундан, айниқса, араб зодагонлари жуда манфаатдор эди. Ўта жанговар катта қўшин билан халифалик бир вақтнинг ўзида ҳам Византия, ҳам Эронга қарши юришларни бошлайди.

Турк хоқонлиги ва Византия билан узоқ йиллар давомида олиб борилган урушлар оқибатида кучсизланиб, сиёсий парокандаликка учраган Сосонийлар давлати халифаликнинг ҳарбий кучларига бардош бера олмайди. Эрон қўшинлари араблар билан бўлиб ўтган дастлабки тўқнашувлардаёқ қақшатқич зарбага учраб, мағлубият топадилар. Сосонийлар шоҳи Яздигирд III душманга қарши куч тўплаш мақсадида мамлакатнинг шарқий вилоятларига чекинади. Бироқ чексиз зулм, оғир ва тўхтовсиз урушлар натижасида толиқиб, қашшоқлашиб қолган мазлум халқ ўз шоҳини қўллаб-қувватлайди. 651 йилда шоҳ ўлдирилиб, қарийб беш аср ҳукмронлик қилган Сосонийлар давлати қулайди. Ўша йили араблар жангсиз Марв шаҳрини эгаллайдилар. Бу ерларда ўрнашиб олгач, улар Амударёдан шимолда жойлашган бой вилоятларни босиб олишга тайёргарлик кўрадилар.



## 12-§. Мовароуннаҳрнинг фатҳ этилиши

Амударёдан шимолда жойлашган ерларни араблар Мовароуннаҳр, яъни «дарёнинг нариги томони», деб атардилар. Ҳозирги Афғонистоннинг шимоли, Эроннинг шимоли-шарқий қисми ҳамда Жанубий Туркменистондан то Амударёгача бўлган ҳудудлар эса Хуросон деб юритиларди. Унинг маркази Марв шаҳри эди. Бу вилоятни бошқариш учун махсус ноиб тайинланиб, у Марвда турар эди. Мовароуннаҳрга бўлган ҳужумлар Хуросон ноиби томонидан уюштирилар эди.


Арабларнинг Мовароуннаҳрга қарши ҳарбий юришлари ўз мақсад ва режалари билан икки даврга бўлинади. Дастлаб халифалик бу ўлкани босиб олишни эмас, балки ҳарбий жиҳатдан тайёргарлик кўриш, маҳаллий ҳукмдорларнинг куч-қудратини синаб олиш ва ўлжалар орттириш режасини амалга оширади. Ўз ҳарбий мавқеларини кучайтириш мақсадида Басра ва Куфадан 50 минг араб оиласи Хуросон вилоятига кўчирилиб жойлаштирилади. Арабларнинг Мовароуннаҳрга илк бор ҳужумлари 654 йилда Маймуғ ва 667 йилда Чағониёндан бошланади. Наршахийнинг ёзишича, 673 йилнинг кузида халифа Муовия (661–680) фармони билан Убайдуллоҳ ибн Зиёд Амударёдан кечиб ўтиб, Бухоро музофотига бостириб киради. Пойканд ва Ромитанни эгаллаб, Бухоро шаҳрини қамалга олади. Ёрдамга келган турклар билан бухороликларнинг бирлашган қўшинлари жангда араблардан енгилади. Шаҳзода гўдаклиги туфайли ҳукмдорлик тахтида ўтирган Бухоро маликаси Убайдуллоҳ ибн Зиёдга бир «лак» (100 минг) дирҳам ҳажмида бож тўлаб, у билан сулҳ тузишга мажбур бўлади. Бождан ташқари, араблар тўрт минг асир, қурол, кийим-кечак, олтин ва кумуш буюмлардан иборат кўп ўлжалар билан Марвга қайтадилар.

Орадан уч йил ўтгач, Хуросон валийси Саид ибн Усмон бошлиқ араб қўшинлари яна Бухорога бостириб кирадилар. Бухоро маликаси Суғд, Кеш ва Нахшаб вилоятларидан ёрдамга келган бир юз йигирма мингли ҳарбий кучга суяниб, душман билан жанг қилиш учун ўз қўшинини сафга тортади. Бироқ суғдликлар ваҳимага тушиб, жанг майдонидан чиқиб кетадилар. Натижада малика катта бож тўлаб, маликзода ва

деҳқон аслзодалардан 80 нафарини гаровга бериб яна сулҳ тузишга мажбур бўлади. Саид ибн Усмон Бухородан Самарқанд сари қўшин тортади. Бир ойдан ошиқроқ давом этган жангда суғдликлар қахрамонона қаршилиқ кўрсатадилар. Саид улар билан сулҳ тузиб, келишишга мажбур бўлади. Самарқанддан у ўлжалар билан бир қаторда 30 минг нафар асир олиб қайтади. Йўл-йўлакай Термиз шаҳрини ҳам эгаллайди.

IX аср араб муаррихи Балазурий ва Наршахийларнинг ёзишларида, Саид томонидан гаровга олиб кетилган 80 нафар Бухоро аслзодалари ваъдага мувофиқ Марвдан қайтариб юборилмай, Мадинага олиб кетилади. Саид уларнинг белидаги қилич ва камарларини, эғнидаги кимхоб кийимларини ечтириб, олтин ва кумушларини тортиб олади. Эрксевар ва жанговар бухоролик маликзодалар бундай хўрликка чидаб тура олмайдилар. Саид ибн Усмон саройига бостириб кирадилар, аввал уни, сўнгра ўзларини ҳалок қиладилар. Бу воқеадан сўнг ҳам то VIII аср бошларигача Хуросон ноиблари Мовароуннаҳрнинг турли вилоятларига ҳужум қилиб, қўшгина жойларни талаб Марвга қайтиб турадилар. Шундай қилиб, арабларнинг Мовароуннаҳрга томон қилган дастлабки юришлари аслида айрим саркардаларнинг бойлик орттириш мақсадида ўзбошимчалик билан амалга оширган талончиликларидан иборат эди. Натижада Мовароуннаҳрнинг бир қатор вилоятлари таланиб вайрон этилади.

Шубҳасиз, арабларнинг талончилик юришларига қарши курашиш мақсадида Мовароуннаҳрнинг маҳаллий ҳукмдорлари ўртасида ҳарбий иттифоқ тузиш учун уринишлар бўлган. VII асрнинг 80-йиллари бошида улар, ҳатто Сирдарё этагида Хоразм яқинидаги шаҳарлардан бирида тўпланишиб, ўзаро сиёсий низоларни тўхтатиш, халифаликка қарши бирлашиб курашиш тўғрисида кенгашиб, бир неча бор ўз зиммаларига мажбуриятлар олганлар. Бироқ бу кенгаш ва шартномалар деярли ижобий натижа бермаган. Чунки Мовароуннаҳрнинг сиёсий тарқоқлиги ҳамда маҳаллий ҳокимлар ўртасидаги низолар бунга халал берган. Бундай вазиятдан эса араб лашкарбошилари усталик билан фойдаланганлар. Шунга қарамасдан, бу даврда гарчи ички қабилавий низолар оқибатида Ғарбий Турк хоқонлиги сиёсий инқирозга юз тутиб, парчаланиб кетган бўлса ҳам VII аср ўрталарида Чоч, Етисув, Талос ва Чу водийларида кўчиб



## Мовароуннахр ва Араб халифалиги

юрган туркашлар, шунингдек, VIII аср бошларида Фарғона ва Тохаристонда яшаб турган қарлуқлар, Зарафшон водийсининг ўрта қисмида жойлашиб олган турклар арабларга қарши курашда четда турмай суғдийларга ёрдам бериб, жангларда фаол қатнашадилар.

VII аср охирида бутун халифаликни қамраб олган чуқур ички зиддиятлар ва табақавий қарама-қаршилиқлар бар тараф этилиб, мамлакатда тартиб ўрнатилгач, араблар Мовароуннаҳрни узил-кесил босиб олишга киришадилар. 704 йилда Қутайба ибн Муслим Хуросонга ноиб қилиб тайинланади. Унга Мовароуннаҳрдан то Хитой ҳудудларигача бўлган вилоятларни халифаликка бўйсундириш вазифаси юкланади. Бу, шубҳасиз, жиддий ва ниҳоятда оғир вазифа эди. Ҳарбий юришни Қутайба 705 йилда Балх вилояти атрофларини забт этишдан бошлайди. Тез орада Чағониён ҳокими жангсиз таслим бўлади. Шундай қилиб, арабларнинг Мовароуннаҳрға томон юришининг иккинчи даври бошланади.

707 йилда Қутайба катта кўшин билан Амударёдан ўтиб, Бухоро воҳасига бостириб киради. Унинг бу юришида сотқин Балх деҳқони ва чағонхудотларнинг ҳарбий кучлари иштирок этади. Даставвал у Мовароуннаҳрнинг Самарқанд ва Бухоро каби энг қадимий ва обод шаҳарларидан бири Пойкандни қамалга олади. Шаҳар аҳолисининг аксарияти чет элларга қатнайдиган савдогарлардан эди. Шу сабабли ёзма манбаларда у «Мадина ат-тужжор», яъни «савдогарлар шаҳри», баъзан эса, қалъасининг мустақамлиги туфайли «жез шаҳар» деб таъриф этиларди. Бу вақтда шаҳарлик эркакларнинг аксарияти ўзга юртларда тижоратда эдилар. Шаҳарда қолдирилган ҳарбий қисмга бир кўзи ожиз турк сарҳанги аскарбоши эди. Суғд ва бошқа вилоятлардан ёрдамга келган кучлар билан пойкиндликлар қаттиқ туриб, арабларга қаршилиқ кўрсатадилар. Қамал эллик кун давом этади. Араблар шаҳар девори остидан лағм қазиб, унга рахна урадилар ва ичкарига бостириб кирадилар. Шаҳар ичкарисида бўлиб ўтган қаттиқ қирғиндан сўнг Пойканд араблар кўлига ўтади. Пойкандликлар каттагина бож тўлаб, Қутайба билан сулҳ тузадилар. Бироқ Қутайба Пойканддан беш фарсах (30–35 км) узоқлашмасданоқ шаҳарликлар кўзғолон кўтарадилар. У юришни тўхтатиб, қайтишга мажбур бўлади. Пойканд қайта эгалланиб, кўлида қурол тутишга қодир барча эркак зоти

қириб ташланади. Хотин-халаж ва ёш болалар асирга олиниб, шаҳар вайрон этилади. Пойканд шаҳридан икки дона ниҳоятда йирик дур, кумушдан ясалган бут ва жомлар билан бир қаторда жуда кўп қурол-яроғ ҳамда ҳарбий анжомлар ўлжа олинади. Қутайба аскарлари бу қурол-аслаҳалар билан яхшигина қуролланиб олишади. Пойканд эса узоқ йиллар давомида харобазор бўлиб ётади.

Пойканд фожиасидан кейин бешафқат Қутайба бошлиқ бу хавфли душманга зарба бериб, уни даф қилиш мақсадида Суғд подшоси Тархун, Бухоро ҳукмдори Хунуқхудот ва Шопурком ҳокими Вардонхудот бошлиқ катта ҳарбий куч ҳамда қирқ мингли лашкар билан ёрдамга келган турклар Тороб ва Ромитан оралиғига тўпланадилар. Иттифоқчилар Қутайба қўшинини қуршовга оладилар. Унинг аҳволи ниҳоятда танглашади. Ундан халос бўлиш учун Қутайба ўта маккорлик билан ҳийла ишлатади. Наршахийнинг ёзишича, у иттифоқчилар даврасида энг қудратли ҳисобланган Суғд ҳукмдори Тархунга яширин айёр юбориб, ёрдамга келган турклар сенинг мулкинга эга бўлмоқчи, бунинг учун арабларнинг Марвга қайтиб кетишини кутиб турибдилар. «Биз (араблар) ҳаво иссиқ вақтдагина бу ерда тура оламиз, энди ҳаво совиб қолди ва бизнинг кетиш вақтимиз етди». Биз кетгач, турклар Боғи Эрамдек Суғдни сенга қолдириб Туркистонга қайтмайдилар. «Мулк қўлингдан кетибди-ю, сенинг хабаринг йўқ», деган ифво гапларни унга етказди. Бундай маккорона ифводан сўнг, Тархун хавфга тушиб, Қутайба билан келишади ва унга «мол ва икки минг дирҳам» бож тўлаб жанг майдонидан ўз қўшинини олиб чиқиб кетади. Мана шундай йўл билан Қутайба иттифоқчиларни заифлаб, Мовароуннаҳр вилояти ҳокимлари устидан бирин-кетин ғалаба қозона бошлайди.

708–709 йилларда у Бухоро ва унинг агрофларига бир неча бор ҳужум қилади, кўшдан-кўп қалъалар ва обод ерларни босиб олади. Бухоро вилоятига ҳоким қилиб у бухорхудот Туғшодани ва унга амир қилиб ўз яқинларидан бирини тайин этади. Амир бухорхудот устидан назорат қилиб туриш, Бухорода қолдирилган ҳарбий қисмга аскарбоши, аҳолидан солиқ ундириш ва уни ўз вақтида халифаликка етказиб бериш каби вазифаларни бажарар эди. Сулҳ шартномасига биноан бухороликлар ҳар йили халифаликка маълум миқдорда бож тўлаш, уларининг ярмини арабларга бўша-

тиб беришга мажбур эдилар. Наршахийнинг ёзишича, Қутайба Бухоро шахристонини тақсимлаб, унинг Атторлар дарвозасидан то Ҳисор ва Нав, яъни Янги дарвозаларигача бўлган маҳалла-қўйларини арабларнинг Рабиъа ва Мазай қабилаларига, қолганини эса яманликларга бўлиб беради. Қутайба Бухоро шахрининг марказида жойлашган оташ-парастлар ибодатхонасини жоме масжидга айлантириб, суғдий тили ва хатида битилган «оташпарастлик» асарларини йўқотади. Ибодат қилиш учун масжидга қатнаган маҳаллий аҳолининг ҳар бирига икки дирҳамдан пул ҳадя этиб, уларни ислом динига тортишга ҳаракат қилади. Манбаларда таъкидланишича, икки дирҳамни олиш учун кўпроқ камбағалларгина қизиқар эдилар. Аммо бойлар пулга ҳам қизиқмас, масжидга ҳам бормас эдилар.

710 йилда Қутайба Шуман, Нахшаб ва Кешни босиб олиб, Самарқандга ҳужум бошлаш учун тайёргарлик кўради. Бироқ, Хоразмда бошланган ички зиддиятлар оқибатида юзага келган қулай фурсат Қутайбанинг Суғд юришини кечиктириб, Хоразмга қўшин тортишга жалб этади. Хоразм шоҳи Чағон укаси Хурзод бошлиқ халқ кўзғолонидан кўрқиб, 711 йилда ёрдам сўраб Қутайбага мурожаат қилади. Гарчи душман қўли билан Хурзод тор-мор қилиниб, у ўлдирилса-да, аммо хоразмшоҳ бундан ҳеч нарса ютмайди. Аксинча, у ўз мустақиллигини йўқотиб, халифаликнинг бождорига айланади. Унинг қўшини эса Қутайбанинг ҳарбий юришларида иштирок этишга мажбур бўлади.

712 йилда Қутайба араблардан ташқари, Бухоро ва Хоразм қўшинлари билан Самарқандга қарши ташланади. Бу даврда ихшид Тархун тахтдан туширилиб, унинг ўрнига укаси Гурак (709—738) Суғдга подшо қилиб кўтарилган эди. Бу, шубҳасиз, суғдийларнинг арабларга қарши олиб борган кураши тарихида муҳим воқеа бўлди. Чунки, у замонасининг ватанпарвар сиёсатдон арбоби бўлиб, ҳукмронлиги даврида, имкони борича, арабларга қарши ғайрат билан кураш олиб борди. Гурак Қутайбага қарши чиқади. Каттақўрғон билан Кармана оралиғидаги Арбинжон мавзеида шиддатли жанг бўлади. Аммо Гуракнинг кучи озлик қилиб, Самарқандга чекинишга мажбур бўлади. Суғдийлар Шош подшоҳи, турклар хоқони ва Фарғона ихшидига элчилар юбориб, ёрдам сўрайдилар. Турк хоқонининг кенжа ўғли Инэлқоғон бошлиқ

суворилардан иборат сараланган қўшин юборилади. Аммо Қутайба ёрдамга келаётган кучларни бирлаштирмасликка ҳаракат қилади. Уларнинг йўлини тўсиб, қўққисдан ҳужум қилади ва тор-мор келтиради. Бу ғалабадан сўнг Қутайба Самарқандга ҳужумини кучайтиради. Самарқанд қамалга олинади. Араблар шаҳар девори қаршисига 300 манжаниқлар ўрнатиб, унга рахна уриш учун кечаю кундуз деворни тешишга киришадилар. Девор остида уч жойдан хандақ қазиб, рахна урадилар. Раъдандоз (тош отгич)лардан ўққа тутадилар. Шиддатли тўқнашувларда араблар томонида туриб жанг қилаётган бухороликлар ва хоразмликлар, айниқса, жонбозлик кўрсатадилар. Бундай манзарани кузатиб турган Гурак Қутайба ва унинг сафдошларига қарата, «Сен мен билан биродарларим ва қариндошларим қўллари билан жанг қилмоқдасан. Менга бевосита арабларнигина рўпара қил», деган сўзларни айтиб, уларнинг ғазабини келтиради. Суғдийлар бир ой давомида шаҳарни қаҳрамонона мудофаа қиладилар. Камондан ўқ узиб, шиддатли жанглар қилиб душманга катта талафот етказадилар. Шундай бўлса-да, Самарқанд таслим бўлади. Гурак билан Қутайба ўртасида сулҳ тузилади. Сулҳ шартномасига мувофиқ Гурак арабларга бир йўла 2 минг, йилига эса 200 минг дирҳам ҳисобида бож тўлаши, 30 минг нафар одам бериши, шаҳарда бирорта ҳам аскар сақламаслиги, ички шаҳарни бўшатиб, унда минбари билан масжид бино қилиши, оташпарастлик ибодатхонасини бузиб, бутларини топшириш каби шартларни бажариши лозим бўлади. Буларнинг эвазига Қутайба Гуракни Самарқанд, Кеш ва Нахшабга ҳоким қилиб тайинлайди. Шундай қилиб, у арабларга муте ноиб бўлиб қолади. Гарчи Самарқанд босиб олинса-да, аммо Суғднинг катта қисми арабларга бўйсунмайди ва суғдийлар эса ўзини мағлуб ҳис этмайдилар. Шунинг учун ҳам улардан ҳайиққан Қутайба Самарқандда маълум сонда ҳарбий куч қолдириб, ўзи юришни давом эттиради.

Муғ тоғидан топилган ҳужжатдан маълум бўлишича, Қутайба ўзининг кейинги юришларида Чоч, Фарғона ва Турк хоқонлигидан иборат яна бир ҳарбий иттифоқнинг қаршилигига дуч келади. Қутайба Гурак билан сулҳ тузиб, уни Суғд ҳукмдори деб тан олгач, бу иттифоққа Панжикент ҳокими Диваштич ҳам қўшилади. У Чоч, Фарғона ва Турк

хоқонлиги ҳукмдорлари номига махсус мактублар йўллаб, Фатуфарн исмли элчисини Чочга юборади. Элчи омон-эсон Чочга етиб борган. Мактубни Чоч ҳукмдори Баҳодур тудунга топшириб, ўз валинеъматининг топшириқлари ҳақида унга батафсил сўзлаб берган. Қолган икки мактубни Фарғона тудуни орқали Турк хоқони ва Фарғона ҳокимига бериб юборган. Унинг бу ҳақда Чочдан Диваштичга йўллаган ахборотномаси бизгача сақланиб қолган.

Табарийнинг ёзишича, 713 йилда Қутайба қўшин сафларини бутлаш мақсадида Бухоро, Кеш, Нахшаб ва Хоразм аҳолисидан 20 минг аскар тўплаб беришни талаб қилади. Йиғилган катта қўшин иккига ажратилади. Унинг Кеш, Нахшаб ва хоразмликлар бирлашмасидан иборат биринчи сафи Чоч вилоятига, ўзи бошлиқ асосий куч эса Уструшона ва Хўжанд орқали Фарғона водийси томон йўл олади. Чоч воҳаси босиб олинади, Чочнинг пойтахти Мадина аш-Шош, жуда кўп қалъа ва қўрғонлар ҳамда қишлоқларга ўт қўйиб вайрон этилади. Қутайба Уструшона ва унинг сой ва адирларида жанглар қилиб, Хўжанд ва Косонни забт этади. 714 йилда у Чоч ва Турк хоқонлиги кучларини ажратиб, иттифоқдошларнинг бирлашувига йўл қўймаслик мақсадида Исфижобга юриш қилади. 715 йилнинг бошида эса Фарғона водийсини узил-кесил эгаллаб, Кошғаргача кириб боради. Ҳамма вилоятларга араблардан амирлар тайинлайди. Ўша йили халифа Валид вафот этади. Унинг ўрнига Қутайбанинг ғаними Сулаймон халифалик тахтига ўтиради. Бундай қисматдан норози бўлган Қутайба янги халифага қарши исён кўтаради. Лекин у 715 йилда Фарғонада араб аскарлари томонидан ўлдирилади.

Шундай қилиб, ўн йил давомида муттасил олиб борилган қонли жангу жадаллар оқибатида Мовароуннаҳр Араб халифалигига бўйсундирилган бўлса-да, аммо унинг мағрур аҳолиси ўзини буткул тобе этилган деб ҳисобламайди. Шу боисдан бу эркесвар мамлакат халқидан хавфсираган Қутайба ҳар йили кузда Жайхундан қайта кечиб, Суғд ва Чочдан узоқда — Хуросон диёрида хотиржам қишлар ва баҳор келиши билан янги куч тўплаб яна Мовароуннаҳрга ҳужум бошлар эди. Чунки ҳар сафар ҳам у жуда кўп талафотлар берарди. Шундай бўлса-да, халифалик Мовароуннаҳрни забт этишда ва мамлакат аҳолиси ўртасида ислом динини тарқатишда катта



муваффақиятларга эришди. Унинг бир неча сабаблари бор, албатта. Авваламбор, мамлакатда ҳукм сурган сиёсий парокандалик ва вилоят ҳукмдорлари ўртасидаги ўзаро зиддиятлар босқинчиларга жуда қўл келган эди. Бундай вазиятдан улар усталлик билан фойдалана олдилар. Мовароуннаҳрга бостириб кирилган кунданоқ араблар вилоят кучларининг бирлашувига йўл қўймаслик чораларини кўрдилар ва бунинг уддасидан чиқа олдилар. Ўзаро олишаётган вилоят ҳукмдорларининг бирига иккинчисини енгиши учун ёрдам кўрсатиб, ҳар иккисини ҳам бирин-кетин бўйсундирдилар. Сўнгра улар кучидан бошқа вилоятларни истило қилишда фойдаландилар. Суғдни забт этишда Қутайба араб қўшини билан бир қаторда Хоразм, Бухоро ва Нахшабнинг ҳарбий кучларидан фойдаланган эди. Айниқса, араблар кўчманчи жанговар турклар билан ўтроқ деҳқончилик вилоятлари аҳолиси ўртасида баъзан юзага келган келишмовчиликлардан фойдаланиб, уларнинг бирини иккинчисига қарши қўя олдилар ва иттифоқчиларни ажратиб юборишга муваффақ бўлдилар. Шу билан бирга халифат Мовароуннаҳрдан ҳарбий қурол-аслаҳалар жиҳатидан унчалик устун бўлмаса ҳам, бироқ қўшин сафларини муттасил тўлдириб туриш имконига эга эди. Ўн йил давом этган жангу жадалларда сафлари сийраклашиб қолган қўшинга муттасил янги-янги ҳарбий кучлар халифаликнинг ички вилоятларидан сафарбар этилиб турилди. Ниҳоят, арабистонлик фотиҳларга кескин қаршилиқ кўрсатиб, улар билан шиддатли жанглар олиб борган Мовароуннаҳрнинг меҳнаткаш халқи ўз ҳукмдорлари томонидан бир неча бор хоинона сотқинликка учради. Халқ оммасининг мустақиллик йўлида душманга қарши олиб борган курашида бошчилик қилиш ўрнига уларнинг аксарияти босқинчиларнинг таги пуч ваъдаларига учиб, арабларга таслим бўлишни афзал кўрдилар.

### **13-§. Араб халифалиги истилосининг оқибатлари. Ислом дини ва унинг тарқалиши**

Арабистонлик фотиҳлар аввалда ярим аср давомида Мовароуннаҳрнинг ҳунармандчилик ва савдо шаҳарлари ҳамда обод вилоятларига бостириб кириб, уларни муттасил таладилар ва катта ўлжаларга эга бўлдилар. Ўлкани забт этиш

жараёнида эса унинг деярли барча обод деҳқончилик воҳаларини оёқ ости қилиб, жуда кўп шаҳар ва қишлоқларга ўт қўйиб вайрон этдилар. Сув иншоотлари бузиб ташланиб, экин майдонлари сувсизликдан қуриб қолди. Забт этилган шаҳар ва қишлоқлар аҳолисидан зўрлик билан тортиб олинган олтин, кумуш, қимматбаҳо буюмлар ва кўплаб қурол-яроғлар камлик қилгандек ўз ихтиёри билан сулҳ тузишга мажбур бўлган Бухоро, Пойканд ва Суғд ҳукмдорларидан катта миқдордаги божу товонлар ундириб олинди. Босқинчилик юришлари оқибатида талафот кўриб, сафлари сийраклашган кўшин қаторларини тўлдириш учун Мовароуннаҳр шаҳар ва вилоятларидан минглаб нафар кишилар мажбуран сафарбар этилиб, биродаркушлик жангига солинди. Жангу жадаллар оқибатида аҳолининг маълум бир қисми қурбон бўлди, бир қисми эса асирга олинди ва гаровга ҳайдаб кетилди. Натижада мамлакат иқтисодий жиҳатдан таназзулга юз тутди.

Мовароуннаҳр буткул босиб олингач, фотиҳлар бу мамлакатда халифалик ҳукмронлигини мустақкамлаб, маҳаллий аҳолидан кўпроқ бойлик ундириб олишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун аввало улар фаолиятини Мовароуннаҳрнинг барча шаҳар ва йирик қишлоқларига ўз ҳарбий қисмларини жойлаштиришдан бошлайдилар. Бу ҳарбий кучга таяниб, улар аҳолидан турли хил солиқлар ундириб, хилма-хил жамоа ишларига сафарбар этадилар. Мазлумни итоатда тутиб турадилар. Марв, Пойканд, Бухоро ва Самарқанд каби шаҳарларнинг шаҳристони ёки ундаги хонадонларнинг қоқ ярми арабларга бўшатиб берилади. Айрим истилочи зодагонлар деҳқончилик воҳаларидаги энг унумдор ер майдонлари ва сув иншоотларини эгаллаб оладилар. Келгиндиларнинг бир қисми босиб олинган қишлоқ атрофларига кўчиб келиб ўрнашади ва ўтроқлашади. Булардан ташқари ерли аҳоли жамоа бинолари, сув иншоотларини қуриш, суғориш тармоқларини лойқадан тозалаш каби ишларга сафарбар этилади. Шу билан бирга оддий халқ босқинчи зодагонлар эҳтиёжи учун керакли ашёлар билан бир қаторда қул, чўри, от ва улов, кийим-кечаклик, озиқ-овқат, аскарний қисмларни эса керакли буюмлар билан таъмин этишга мажбур эди.

Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ҳаётини ўз қўлларида жинтовлаб олиш учун истилочилар бу ерда ҳам сосонийларнинг

солиқ тартибини жорий этадилар. Бу тартиб бўйича экин ерларидан 0,20—0,25 ҳисса миқдорда «хирож», чорва, хунармандчилик ва савдо-сотикдан қирқдан бир ҳиссасида «закот» ҳамда ислом динини қабул қилмаган мажусийлардан эса «жизья» каби жонбоши солиғи олинадиган бўлади.

Фотиҳлар Мовароуннаҳрда ўрнатилган халифалик ҳокимиятини мустақкамлаш ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун ислом динининг тарғиботи ва унинг ерли аҳоли ўртасида, ижтимоий табақаларидан қатъи назар, кенгроқ ёйишга алоҳида аҳамият берадилар. Мовароуннаҳрнинг бир неча мажусий динларга топинувчи ва ўз эътиқодига эътиходи кучли бўлган тақводор аҳолисини узил-кесил бўйсундиришда ягона динга — дини исломга бирлаштириш ҳал қилувчи аҳамият касб этишини улар яхшигина тушунардилар. Шу боисдан улар ерли аҳолининг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутган оташпарастлик, насоро, моний, будда ва қам каби динларни хурофий сохта динлар деб эълон қиладилар. Айниқса, Мовароуннаҳр аҳолисининг аксарияти асосий дини ҳисобланадиган оташпарастликка қарши қаттиқ кураш олиб борадилар. Ибодатхоналар вайрон этилиб, уларнинг ўрнига жоме масжидлар бино қилинади. Ҳамма жойларда диний китоблар, хусусан, оташпарастликка оид асарлар ҳамда суғдий ёзувида битилган халқ адабиёти ёқилиб, мутлақо йўқ қилиб юборилади. Коҳинлар, ибодатхона мулозимлари, маҳаллий ёзув ва халқ адабиётининг билимдонлари мамлакатдан қувғинга учрайдилар.

Ислом динини қабул қилиб, мусулмон бўлган маҳаллий аҳоли вакиллари, дастлабки йилларда хирож ва бизья солиқларидан озод этилиб, уларга анча-мунча имтиёзлар берилади. Масалан, исломнинг асосий руқнларига амал қилиб, намоз ўқиш ниятида масжидга борган кишиларга икки дирҳамдан пул ҳам берилган. Исломни қабул қилишдан бош тортган кимсалардан жонбош солиғи — «жизья» ундириб олинган. Солиқларни ўз вақтида тўламаган кишилар тутиб олиниб, бўйинларига «қарздор» деб ёзилган тахтача осиб қўйилган. Бундай амалий тадбир ва чоралар, шубҳасиз, Мовароуннаҳр аҳолиси ўртасида ислом динининг тарқалишига ёрдам беради. Оғир солиқлардан қутулиш учун биринчи навбатда аҳолининг энг камбағал табақа вакиллари исломни қабул қиладилар. Бироқ шундай бўлса-да, исломни қабул

қилган аҳолининг кўпчилиги номигагина мусулмон бўлиб, узоқ вақтларгача пинҳона ўз дини ва эътиқодларига содиқлигича қолаверади.

Шундай қилиб, Қутайба бошлиқ араб фотиҳлари томонидан Мовароуннаҳрнинг босиб олиниши оқибатида маҳаллий халқнинг урф-одати, дини, эътиқоди ва қадимдан ривожланиб келаётган маданияти поймол этилиб, унинг маънавий ҳаётига қайта тиклаб бўлмас даражада путур етказилади. Истилочилар Мовароуннаҳрнинг ҳамма жойларида маҳаллий дин намояндаларини, маданият, адабиёт ва илм аҳдларини қувғин ва қатл этадилар, маҳаллий суғд ёзувида битилган диний ва маърифий китобларни, илмий асарларни ва қимматли ҳужжатларни ҳамда санамларни гулханларда ёқиб йўқ қилиб ташлайдилар. Қувадаги будда ибодатхонасига ўрнатилган турли ҳайкаллар парчаланиб ташлангани, қадимий Афросиёб сарой деворларига солинган суратларнинг, айниқса одам расмларининг кўзлари ўйилиб, бўйинларига қилич билан чизиб юборилганлиги ҳамда Варахшадаги расм ва қабартма нақшларнинг бузиб юборилганлиги ва кўплаб ибодатхоналарнинг вайрон этилиб, хароб қилинганлиги бунга яққол мисолдир. Натижада Мовароуннаҳр халқи узоқ давр мобайнида ёппасига бесавод бўлиб қолади. Араблар келтирган ва ерли аҳоли учун мутлақо ёт бўлган имлони ўзлаштириб, саводхон бўлиш учун яна асрларга тенг авлодлар умри сарф бўлади.

#### **14-§. Халифаликка қарши халқ кўзғолонлари**

Араб халифалигининг талончилик сиёсати ерли халқнинг барча ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум этилиши, маданиятининг оёқ ости қилиниши, зулм ҳамда ислом дини, араб тили ва ёзуви, халифалик қонун-қоидаларининг зўрлик билан жорий этилиши натижасида маҳаллий халқ орасида норозилик тобора кучайиб, кўзғолонлар кўтарилишига сабаб бўлади.

Халифа Умар ибн Абдулазиз (717—719) Ажам (Эрон, Хурсон ва Мовароуннаҳр)даги мураккаб вазиятни ҳисобга олиб, бўйсундирилган халқлар билан муросасозлик сиёсатини амалга оширишга мажбур бўлади. У янги ерларни бундан буён забт қилишни тўхтатиш ҳамда молиявий ислоҳ ўтказиш тўғрисида фармон беради. Бунга биноан, мусулмон

араблар билан бир қаторда исломни янги қабул қилган ажамликлардан хирож ва жизъя солиқларини олиш бекор қилинади. Аммо Хуросон ноиблари фармонни халифаликнинг молия сиёсатига зид деган баҳона билан уни бажаришдан бош тортадилар. Улар ҳатто аҳоли ҳали юзаки мусулмон, жизъядан озод қилиш учун хатнага эътибор бериш ҳам лозим деган беандишаликкача етиб борадилар. Бироқ Мовароуннаҳр зодагонларининг кўпчилиги ўзини ҳақиқий мусулмон деб ҳисоблаб, солиқ тўламай қўяди. Сўнгра халифалик маъмурлари бир йўла ҳаммадан жизъя олиш ҳақида буйруқ беради. Натижада Мовароуннаҳрда ёппасига исломдан чиқиш ва эски динларга қайтиш бошланади. Бунинг оқибатида маҳаллий зодагонлар билан халифалик вакиллари ўртасида зиддият кескинлашиб, бутун мамлакат бўйлаб арабларга қарши халқ кўзғолони кўтарилади. Биринчи бўлиб, 720 йилда Суғд аҳолиси кўзғолади. Кўзғолонга Самарқанд ихшиди Гурак ва Панжикент ҳокими Диваштич бошчилик қиладилар. Суғдликларга ёрдам бериш учун Еттисувдан Туркаш хоқони шаҳзода Курсул бошлиқ турк лашкарини Самарқандга юборади. Суғдда бош кўтармаган ҳоким ҳам, исён кўтарилмаган жой ҳам қолмайди. Кўзғолончиларнинг бирлашган кучлари арабларга қаттиқ зарба берадилар. Фақат айрим шаҳар ва қалъалар ичида қуршовда қолган араб ҳарбий қисмларигина катта ўлпон ва эътиборли вакилларини кўзғолончилар ихтиёрига гаровга бериш билан жон сақлайдилар.

Табарийнинг ёзишича, кўзғолонни бостириш учун Хуросон ноиби Саид ибн Абдулазиз Суғдга қарши уч марта юриш қилади. Ҳатто у Дарғом каналининг бош тўғони Варқсарни эгаллаб, Самарқанд ва унинг теварак-атрофини сувсиз қолдириш билан кўзғолончиларни таслим бўлишга мажбур этиш учун ҳаракат қилади. Бироқ бунинг уддасидан чиқа олмайди. Суғдликлар тўғон бошини мардонавор ҳимоя қиладилар. Шундай қилиб, кўзғолонни бостириш йўлида амалга оширилган барча чора ва тадбирлар натижа бермайди.

721 йилда Саид Хороший Хуросонга ноиб қилиб тайин этилади. У Ироқда халқ кўзғолонини бостиришда шафқатсизлиги билан донг қозонган эди. Унга суғдликлар кўзғолонини бостириш ва уларни исломга қайтариш топширилади. Саид Хорошийнинг кўзғолончилар билан олиб

борган музокаралари натижасида Гурак бошлиқ Суғд зодагонларининг бир қисми араблар томонига ўтади. Кучлар бўлиниб, Корзанч бошлиқ кўзғолончиларнинг қолган қисми Фарғонага чекинишга мажбур бўлади. Хўжандда бўлиб ўтган жангда кўзғолончилар енгиледи. Сулҳ тузилгач, катта маблағ эвазига омон қолган 400 савдогардан ташқари, деярли барча кўзғолончилар хиёнаткорона қириб ташланади.

Диваштич бошлиқ кўзғолончиларнинг иккинчи гуруҳи ҳам юқори Зарафшонда Обгар қалъасида қамалга олинади. Омон қолдириш шarti билан қўлга туширилган Диваштич Арбинжонга олиб борилиб қатл этилади, унинг боши Ироқ ҳокимига юборилиб, танаси оташпарастрларнинг хилхонаси — новус деворига қоқиб қўйилади.

Хўжанд ҳамда Диваштичнинг фожиали мағлубиятларидан кейин Саид Хороший Мовароуннаҳр шаҳар ва қишлоқларида жазо чораларини кучайтиради. Маҳаллий ҳокимлар буни даф этиш чораларини излайдилар. Табарийнинг ёзишича, Саид Хорошийнинг Кешга ҳужуми катта ўлпон эвазига тўхтатилади. Аммо эркесвар Мовароуннаҳр аҳолиси халифалик ҳукмронлигига қарши озодлик ва мустақиллик учун курашни тинмай давом эттираверади. 723 йилда арабларга қарши Фарғона ҳокими аскар тортади. Унга шошликлар, нахшабликлар ва турклар ёрдамга борадилар. Иттифоқчилар душманга қаттиқ зарба бериб, уни Хўжанддан то Самарқандгача таъқиб қилиб борадилар.

Халифаликнинг солиқ сиёсатига қарши 725 йилда Хутталонда, 728 йилда эса Суғдда кўзғолон яна авжга чиқади. Хуросон ноибни кўп уринса-да, аммо бу ҳаракатни бостира олмайди. Қуrolли халқ кўзғолони кенг авж олиб, бутун Мовароуннаҳр ва Хуросонга ёйилади. Бу ҳаракат Мовароуннаҳрнинг жанубий ҳудудларида, айниқса Хутталонда жуда кучайиб кетади. Кўзғолончилар турклар ёрдами билан араблар устидан голиб чиқиб, уларни мамлакатдан қувиб чиқара бошлайдилар. Мовароуннаҳр аҳолисини тинчлантириш ва араблар ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида Хуросон ноибни Ашрос ибн Абдуллоҳ ислом динини қабул қилганлардан хирож ва жизья солиқларни олмасликка қарор қилади. Шубҳасиз, бу аҳolini тинчлантиришга қаратилган вақтинчалик тадбиргина эди, холос. Шунга қарамасдан, у ўз самарасини беради. Зодагон деҳқонларнинг кўпи ўз чокарлари ва кади-

варлари билан исломни қайтадан қабул қилиб, араблар томонига ўтадилар. Шу тариқа Суғдда араблар ўз мавқеларини бирмунча мустақамлаб оладилар. Бироқ бу билан халифаликнинг шарқида вазият бўшашмайди. 736—737 йилларда Тохаристон ва Суғдда яна кўзғолон кўтарилади. Араблар, айниқса, 737 йилда танг аҳволда қоладилар. Хуросон ва Мовароуннахрнинг ноиб ва амирлари бир неча бор ўзгартирилади. Хуросоннинг янги ноibi Наср ибн Сайёр кўзғолонни бостириш учун Самарқанд, Чоч, Фароб ва Фарғонага кўп маротаба юриш қилади.

Мамлакатда ўз мавқеини мустақамлаб олишда у авваламбор молия ислоҳоти ўтказди. Исломни янги қабул қилган кишилар жизъядан озод этилиб, барча мусулмонлар ҳуқуқ жиҳатдан тенглаштирилади. Ер эгасининг эътиқодидан қатъи назар, хирож тўлаш шарт қилиб қўйилади. Шу асосда Мовароуннахр ва Хуросоннинг барча вилоятлари учун хирож миқдори белгилаб берилади. Шу билан бирга Наср маҳаллий зодагонлар билан яқин алоқа ўрнатиш ва улар ёрдамида мамлакатни иттифок тутиб туришга ҳаракат қилади. Шу мақсадда у халифалик томонига ўтган йирик деҳқонларнинг аввалги имтиёзларини тиклайди. Олий мартабали араб лашкарбошилари билан зодагон деҳқонлар ўртасидаги қон-қариндошлик алоқалари ўрнатилишини ҳар томонлама ҳимоя қилади. Айни вақтда ўзи ҳам намуна кўрсатиб, Бухорхудотнинг қизига уйланади. Бундай сиёсат натижасида, шубҳасиз, араблар билан маҳаллий зодагонлар ўртасида маълум даражада иттифоқ юзага келади. Бу ўз навбатида иттифоқчи кучларнинг бўлиниб, кураш шиддатининг сусайишига сабаб бўлса-да, аммо озодлик йўлида олиб борилаётган халқ ҳаракатларига барҳам бера олмайди.

Шундай қилиб, VIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннахрда халифаликка қарши кўтарилган халқ кўзғолонлари араб истилочиларига қарши курашнинг биринчи босқичи эди. Кўзғолончиларнинг ижтимоий таркиби ҳам, уларнинг олдига қўйган мақсад ва талаблари ҳам турлича эди. Кўзғолонда мамлакатнинг мазлум меҳнаткаш аҳолиси — кадивар, кашоварз, ҳунарманд, чорвадор ва қуллардан ташқари чокар, савдогар, зодагон деҳқон, ҳатто маҳаллий ҳокимлар ҳам фаол қатнашадилар. Озодлик курашининг бу босқичида турли табақа вакилларини ўз эътиқо-

ди ва динини сақлаб қолишдек муқаддас ягона мақсад-гина бирлаштирган эди. Аммо ҳар бир табақанинг асл мақсади ва талаблари ўзгача эди. Масалан, ўзининг аввалги сиёсий мавқеидан ажралиб қолган маҳаллий ҳокимлар сулолавий ҳукмдорликни тиклаш ёки ҳеч бўлмаганда халифалик томонидан уларнинг тан олинishi учун, зодагон деҳқонлар аввалгидек имтиёзли ҳуқуққа эга бўлиш учун, меҳнаткаш аҳоли эса хирож ва жизья каби солиқлар ҳамда бешафқат зулмдан озод бўлиш учун курашадилар. Бу курашда ҳар бир табақа вакиллари ўзига нажот излар эди. Қўзғолон иштирокчи табақа вакиллариининг асл мақсадларини яхшигина фаҳмлаб олган истилочилар гоҳ Диваштич ёки Гурак, гоҳ Бухорхудот каби айрим маҳаллий ҳокимларни тан олиб, ёки исломни қабул қилганларни жизья ва хирож солиқларидан озод этиб, қўзғолоннинг бошқарувчи кучларини араблар томонига оғдиришга ва кучларни бўлиб юборишга ҳаракат қилардилар. Оқибатда, Гурак ёки Бухорхудотдек ҳукмдорлар сотқинлик йўлини тутиб, истилочилар томонига ўтар ва халқ қўзғолонларини бостиришда ўз ҳарбий кучлари билан иштирок этардилар. Шундай бўлса-да, мазлум халқнинг истилочиларга қарши озодлик кураши тўхтаб қолмади. Мовароуннаҳр халифаликдаги энг нотинч ва исёнкор ўлкалардан бири бўлиб қолаверди.

Мамлакатда араблар ҳокимлигига қарши халқ кўтарилишлари авж олаётган бир вақтда халифаликнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида ҳам кескин ўзгаришлар пайдо бўла бошлаган эди. Бу, шубҳасиз, араб жамоалари ўртасида мулкчилик муносабатларининг ривожини билан бевосита боғлиқ эди. Халифаликнинг марказий вилоятларида яшовчи мулкдор ва ердор зодагон араблар жаҳон савдосида фаол қатнашиб, тобора бойиб бормоқда эдилар. Улар уммавийларнинг қўпол сиёсати оқибатида Ажам халқларининг узлуксиз давом этган қўзғолонларидан ниҳоятда ташвиш чекиб, мамлакатда сиёсий барқарорликни ўрнатиш чора-тадбирларини изламоқда эдилар. Чунки ўзга юртларни босиб олиш, талаш, мазлум халқлардан ўлпон ва солиқлар ундириб олиш ҳамда ҳарбий куч сифатида уларда ўз истилоларида фойдаланиш каби ўта зўравонлик ва босқинчилик сиёсати-га асосланган уммавийлар сулоласи Араб халифалигидек



улкан давлатни бошқариш учун мутлақо ярамай қолган эди. Мамлакатдаги умумий вазият уммавийлар ҳукмронлигининг барҳам топишини талаб қилмоқда эди. Натижада бу ҳукмрон сулолага қарши ишчан рақиблар гуруҳи пайдо бўлиб, тобора куч ола бошлайди. Бу гуруҳга Муҳаммад пайғамбарнинг амалкиси Аббоснинг эвараси Муҳаммад ибн Али асос солади. Уммавийлар Расулulloҳ авлодини қириб ташлашда айбланади. Халифаликни аббосийларга топшириш керак деган даъво илгари сурилади. Мамлакат аҳолисида уммавийларга нисбатан бўлган нафрат ҳамда забт этилган ўлкалар мазлум халқларининг норозилиги ва озодлик йўлида олиб бораётган кўзғолонларидан фойдаланиб, уммавийларни ағдариб ташлашга ҳаракат қилинади. Аббосийлар ҳаракатини тарғиб қилиш учун бу гуруҳнинг содиқ фаоллари халифаликнинг деярли барча ўлка ва вилоятларига юборилади. Бу борада, айниқса, шарқий вилоятларга алоҳида аҳамият берилади. Диноварийнинг ёзишича, VIII асрнинг 30-йилларидаёқ Марв, Бухоро, Самарқанд, Кеш, Нахшаб, Чағониён, Марвируд, Ҳирот, Таликон, Бушанж ва Сеистонда аббосийлар ҳаракатини тарғиб қилиш авж олиб кетади. Тарғиботчилар аҳолининг мазлумлигига фақат уммавийлар сабабчи деган фикрни ошқора тарғиб қиладилар.

Шундай қилиб, уммавийларнинг қўпол сиёсатидан фақат истило этилган мамлакатларнинг мазлум халқларигина эмас, балки халифаликнинг арабзабон туб аҳолиси, айниқса, унинг бадавлат мулкдор табақаси ҳам норози бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида тутган ўз мавқеларининг тақдири борасида чуқур ташвишга тушиб қолган эди. Шу сабабли халифаликда уммавийлар ҳукмронлигини ағдариб ташлаш учун кескин ҳаракат бошланиб кетган эди.

## 15-§. Абумуслим кўзғолони

Уммавийларга қарши умумий норозилик, айниқса, VIII асрнинг 40-йилларида халифа Марвон II (744–750) ҳукмронлик қилган даврда ниҳоятда кучаяди. Бунга хирож солиғи миқдорининг оширилиб юборилгани ҳамда аҳолининг мутгасил ҳашарларга мажбуран жалб этилиши сабаб бўлади.

Уммавийларга қарши ҳаракатга бу даврда аббосийларнинг нуфузли вакилларидан Имом Иброҳим ибн Муҳаммад бошчилик қилади. Ироқ ва Ажам вилоятларига кўплаб тарғиботчилар юборилади. Бу борада, айниқса, шарқий ўлкаларга алоҳида эътибор берилади. Уммавийларга қарши курашда улар айниқса Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг зодагон деҳқон табақа вакиллари жалб этишга ҳаракат қиладилар. Уммавийлар ҳукмронлиги ағдарилиб, ҳокимият аббосийлар қўлига ўтгудек бўлса, маҳаллий зодагонларни халифалик маъмуриятига даъват этишга, халққа эса хирож ва бошқа солиқлар ҳажмини ҳамда узлуксиз амалга оширилаётган ҳашар ишларини камайтиришга ваъда қиладилар.

746 йилда аббосийлар тарғиботига раҳбарлик қилиш учун Абумуслим Хуросонга юборилади. Табарийнинг ёзишича, Абумуслим Куфанинг Савад қишлоғи яқинида Хутарнийн деган жойда дунёга келган. Ёшлигида бир давлатманд кишининг қўлида гумашта бўлиб ишлаган, сўнгра саррожлик (эгаржабдуқ ясовчи уста) билан кун кечирган.

Уммавийларга қарши ташвиқотни Абумуслим Хуросон аҳолисининг юқори табақасига мурожаатдан бошлайди. Марв шаҳридан уч фарсах ғарбда Ҳаркон канали соҳилига жойлашган Сафизанж қишлоғини Абумуслим ўзига қароргоҳ қилиб олади. Маълумки, тимқора ранг аббосийлар ҳаракатининг тимсоли сифатида қабул этилади. Шу боисдан Абумуслим ва унинг сафдошлари қора либос кийиб, қора байроқ остида уммавийларга қарши кўзғолон кучларини бирлаштиришга киришадилар. У Хуросон аҳолисига мурожаат қилар экан, уни Қуръони Карим суралари ва Расулудлоҳ суннатига амал қилишга ҳамда Муҳаммад пайғамбарнинг бевосита авлодига бўйсунушга чақиради. Дастлаб араб зодагонлари, сўнгра маҳаллий деҳқонлар Абумуслимни кўллаб-қувватлайдилар. Уммавийларга қарши ташвиқотнинг садоси тез орада Хуросон, Мовароуннаҳр ва Тохаристон вилоятлари бўйлаб кенг тарқалади. Гўё мамлакат аҳолисининг барча катта-кичиги арабларга қарши кўзғалгандек бўлади. Аҳоли отлиқ, эшақда ёки пиёда, қуроли ва қуролсиз Абумуслим қароргоҳи томон йўл олиб, унинг атрофида тўплана бошлайди. Унинг аксарияти пиёда бўлиб, отлиқлари жуда оз эди. Табарийнинг ёзишича, Марв шаҳри атрофида жойлашган Сақодим қиш-

лоғидан 900 нафар пиёда ва 40 нафар отлик, Хурмуз-фар қишлоғидан эса 1300 нафар пиёда ва 16 нафар отлик аскар келган эди. Тўпланганларнинг аксарияти пиёда экани қўзғолончилар оммаси асосан мазлум меҳнаткашлардан бўлганини кўрсатар эди. Чунки юқори табақа вакиллари доимо от миниб юрганлар.

Сафизанж қишлоғи ҳар томонлама мустақкам бўлса ҳам, аммо Абумуслим бу жойда узоқ тура олмайди, чунки тўпланаётган кучлар учун қишлоқ ва унинг атрофи торлик қилади. Шу боисдан Абумуслим Моҳувон қалъасига кўчиб ўтади. Унинг атрофи қалин девор билан ўралиб, унинг гирди бўйлаб чуқур хандақ қазилади.

Қалъа ичкарасига кириладиган иккита истеҳкомли дарвоза ўрнатилади. Моҳувон Абумуслим бошлиқ қўзғолончилар ҳукуматининг чинакам марказига айлантирилади. Бу ерда бошқарув девони, кўшин, қозилар, миршаббошилар ва соқчилар жойлаштирилади. Абумуслим кўшинига келиб қўшилган кишилар рўйхатга олиниб, уларга аввал уч дирҳамдан маош тўланади. Қизиғи шундаки, рўйхатдан ўтган кишиларнинг катта қисми ҳар томондан келган қуллардан иборат эди. Бу даврда ҳам қуллар аҳоли ўртасида энг куйи табақа ҳисобланиб, улар билан бир сафда туриш бошқа табақа вакилларига ор туйилганини ҳисобга олиб, Абумуслим қуллар учун Шаввал қишлоғида махсус жой ташкил эттиради ва уларга Довуд ибн Коррозни бошлиқ қилиб тайинлайди. Шундай қилиб, қўзғолонни ҳаракатга келтирган асосий куч ижтимоий жиҳатдан бир нечта туркумдан ташкил топган эди. У асосан Хуросондаги мулкдор ва уммавийларга қарши араб зодагонлари; Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг маҳаллий деҳқонлари; халифалик шарқидаги мазлум аҳоли; шаҳар ҳунармандлари ва қишлоқ қадиварлари ҳамда қуллардан иборат эди. Бу ижтимоий табақалар гуруҳларининг ўз олдиларига қўйган мақсадлари ҳам, қўзғолондан кутган натижалари ҳам турлича эди. Араб зодагон гуруҳи уммавийларни афдариб, ҳокимиятни аббосийлар хонадонига олиб бориш билан халифаликда ўз сиёсий мавқеларини кучайтиришни кўзда тутдилар. Маҳаллий зодагонлар эса бу ҳаракатдан фойдаланиб, мамлакатда сиёсий жиҳатдан араблар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиш, иложи топилса, ўз ватанларини халифаликдан бутунлай ажратиб олиб, уни мустақил идора қилишни ўзларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Абумуслимнинг ўзи ҳам, шубҳа-

сиз, худди шу кучнинг вакили эди. Мазлум меҳнаткаш аҳоли уммавийларнинг зулми ва оғир солиқлардан, узлуксиз мажбурий ҳашарлардан, қуллар эса қуллик кишанларидан қутулиш орзусида эдилар. Бу эзгу умидни рўёбга чиқариш учун зулмкорларга қарши курашиш йўлига отланиб, астойдил белларини маҳкам боғлаган эдилар. Шу тариқа Абумуслимнинг қора тусдаги байроғи остида тўплана бошлаган қўзғолончи мазлумларнинг сони кун сайин ошиб боради. Арабзабон Диноварийнинг таърифлашича, Абумуслим қароргоҳи атрофида Ҳирот, Бушанг, Марвируд, Таликон, Марв, Нисо, Обивард, Тус, Нишопур, Серахс, Балх, Чағониён, Тохаристон, Хутгалон, Кеш ва Нахшабдан 100 минг нафар лашкар йиғилган эди. Етарли лашкарий куч тўплангач, 744 йилнинг саратонида Абумуслим уммавийларга қарши аҳолини очиқ курашга даъват этади. Бу даврда Хуросонда Наср ибн Сайёр ноиблик қиларди. У Абумуслим лашкари билан тўқнашишга журъат қила олмайди. 748 йилнинг бошида у Хуросоннинг пойтахти Марв шаҳрини қўзғолончиларга жангсиз бўшатиб беради, ўзи Нишопурга чекинади. Бироқ унинг орқасидан таъқиб қилиб борган қўзғолончилардан қақшатқич зарбага учрайди. Шунини таъкидлаш жоизки, Наср Сайёр бошлиқ Хуросон қўшинининг Абумуслим лашкаридан енгилиши уммавийлар ҳукмронлиги тақдирини узил-кесил ҳал қилган эди. Гарчи халифа Марвон ўз ихтиёридаги барча ҳарбий кучларни қўзғолончиларга қарши сафарбар қилиб, ҳатто аббосийлар ҳаракатининг раҳнамоси Имом Иброҳим ибн Муҳаммадни қатл этгирса-да, аммо уммавийлар ҳокимиятини сақлаб қололмайди.

749 йилда Абумуслим бошлиқ қўзғолончилар халифаликнинг марказий вилоятларига томон йўл оладилар. Қисқа муддат ичида Ироқ ва Жазоирда уммавийлар қўшинига бир неча бор қаттиқ зарба бериб, уни тор-мор келтирадилар. Сўнгра халифаликнинг пойтахти Дамашқ шаҳрига юриш қилинади. Пойтахт қўлга киритилиб, Халифа Марвон II тахтдан ағдарилади. Унинг ўрнига аббосийлар хонадонидан бўлган Абулаббос Соффоҳ (749–754) халифалик тахтига кўтарилади. Жойларда уммавийлар хонадонининг вакиллари ва яқинлари қириб ташланади.

Шундай қилиб, Араб халифалигида давлат аббосийлар қўлига ўтади. Бу янги сулоланинг ҳокимият тепасига чиқишида, шубҳасиз, ўз даврининг йирик сиёсий арбоби ва саркардаси Абумуслимнинг хизматлари ниҳоятда буюк эди. У

Хуросон ва Мовароуннаҳр аҳолисини бирлаштириб, унинг норозилигидан уммавийларга рақиб араб зодагонлари ҳамда маҳаллий мулкдор табақанинг манфаатлари йўлида фойдаланишга муваффақ бўлди. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, аббосийларнинг халифалик тахтига чиқиши билан меҳнаткаш аҳолининг аҳволида ҳеч қандай энгиллик содир бўлмади. Абумуслим воситасида аббосийлар томонидан халқ оmmasига берилган ваъдалардан бирортаси ҳам амалга ошмади. Чунки уммавийларга қарши аббосийлар бошлиқ араб рақиблари ҳам, Абумуслим раҳнамосидаги маҳаллий зодагон деҳқонлар ҳам халқнинг чинакам озодлик тилакларига ёт, халқ ҳаракатининг чуқурлашиб кетишига қарши бўлган ҳоким табақа вакиллари эди. Халқнинг норозилигидан фойдаланиб улар ўз мақсадларига эришиб олган эдилар. Халққа берилган ваъдалар унутилиб, эндиликда улар халифаликдек улкан давлатни бошқариш каби ўта масъулиятли маъмурий вазифалар ташвиши билан банд эдилар. Чунки аббосийлар давлатни бошқаришда ҳали етарли тажрибага эга эмас эдилар. Шу боисдан мамлакатни идора этишда Хуросон, Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг мулкдор зодагон табақа вакилларига суянадилар. Улар билан алоқани мустақамлаб олишга ҳаракат қиладилар. Авваламбор, улар аббосийлар хонадони вакилларини ҳокимият тепасига олиб чиққан ҳаракатнинг йўлбошчиси Абумуслим ва уммавийларга қарши курашда жонбозлик кўрсатган Холид бин Бармак сингари маҳаллий сиёсий ва ҳарбий арбобларни халифаликнинг олий давлат лавозимларига тайинлайдилар. Бу билан аббосийлар, бир томондан, Хуросон ва Мовароуннаҳр зодагон деҳқонларининг аббосийлар хонадонига кўрсатган улкан хизматлари эвазига ўз мурувватларини намоён этишни, иккинчи томондан эса, уларнинг давлат бошқарувидаги анъанавий тажрибаларидан фойдаланиб, мамлакатда ўз сиёсий мавқеларини мустақамлаб олишни кўзда тутган эдилар. Бироқ халифалик пойтахти Бағдод шаҳрида давлат ва ҳарбий кучларнинг энг юқори лавозимларига тайинланган Абумуслимнинг Эрон ва Мовароуннаҳр ҳудудларида шухрати ва обрўси ниҳоятда баланд эди. Аббосийлар ҳатто бундан чўчир ҳам эдилар. Улар учун Абумуслим рақиб сиймо бўлиб туйилар эди. Оқибатда Абумуслим пойтахтдан узоқлаштирилиб, Хуросон ва Мовароуннаҳрға ноиб қилиб юборилади, ўз ватанида у деярли мустақил сиёсат юрита бошлайди. Уни обод этиш ва

унда барқарор тинчликни сақлаб туриш йўлида бир қатор амалий ишларни бажаради. Янги суғориш тармоқларини чиқаради, қалъалар бино қилади. Карвон йўлларини тартибга келтиради. Бироқ аббосийлар ва унинг ноиб Абумуслим ҳукмронлик қилганда Мовароуннаҳр, Хоразм, Хуросон ва бошқа вилоятларнинг аҳолиси аввалгидан бешбаттар азоб-укубатга дучор қилинади. Бу даврда айниқса меҳнаткаш омманинг аҳволи янада оғирлашди. Улар устидан зулм кучаяди. Халқни безор қилган ҳашар ишлари яна кенгаяди, солиқларнинг миқдори ошиб боради, жизья тўламаган кишиларнинг бўйнига «қарздор» деб ёзилган тахтачаларни осиб, уларни хўрлаш ва ҳақоратлаш тобора авж олади. Бу даврда ҳам халқ иккиёқлама эксплуатация қилинади: бир томондан, араб зодагонлари, иккинчи томондан эса, аббосийлар билан тил бириктирган маҳаллий ердорлар зулми остида. Бундай оғир аҳвол халқ норозилигини кучайтириб, янги сулолага нисбатан унинг ғазабини уйғотади. Меҳнаткаш аҳоли ўртасида аббосийларга қарши кўзғолон кўтариш кайфияти пайдо бўлади. Бундай кўзғолонлардан бири 750 йилда Бухоро шаҳрида Шарик ибн Шайхулмаҳри бошчилигида кўтарилади. Кўзғолончилар аббосийларни халифалик тахтидан ҳайдаб, уларнинг ўрнига Муҳаммаднинг куёви Али ибн Абутолиб авлодидан халифа кўтариш шиори билан чиқадилар. Бу ҳаракатни бостиришда Абумуслим барча чора ва тадбирларни кўради. У Зиёд бинна Солиҳ бошчилигида 10 минглик қўшин юборади. Абумуслим ҳарчанд уринса-да, аммо у кўзғолонни бостира олмайди. Кўзғолон авж олиб кетади. Ниҳоят 750 йилда Бухоронинг маҳаллий ҳукмдори бухорхудот Қутайба ибн Тугшода ёрдами билан кўзғолон бостирилади.

Мовароуннаҳрда аббосийларга қарши кўтарилган кўзғолон оқибатида содир бўлган ички зиддиятлардан фойдаланиб, Хитой императорининг қўшинлари Ўрта Осиёга бостириб киради. Абумуслим томонидан юборилган ҳарбий куч 751 йилда Талос водийсида Хитой қўшинларига зарба бериб, уларни мамлакат ҳудудидан қувиб чиқаради.

Гарчи Абумуслим халифаликни мустаҳкамлаш йўлида, бир томондан, ташқи душманларни даф қилиш ва иккинчи томондан эса, аббосийларга қарши кўтарилган ҳаракатларни бостиришда янги хонадон халифаларига сидқидилдан хизмат қилган бўлса-да, аммо аббосийлар унга ишонмас эдилар. Уларнинг назарида Абумуслим халифалик тахтининг даъво-

гаридек бўлиб туюлар эди. Ундан қаттиқ қўрқар эдилар. Шу боисдан улар Абумуслимни йўқотиш пайига тушадилар. Ниҳоят 755 йилда халифа Абужаъфар Давонақий (754–775) Абумуслимнинг Бағдодга ўз ҳузурига келишини таклиф қилади. Қуролсиз ва ёлғиз саройга ташриф буюрган Абумуслим халифа томонидан хоинона ўлдирилади. Абумуслимнинг ўлдирилиши халифалик шарқида, айниқса, Хуросон ва Мовароуннаҳрда аббосийларга қарши халқ ҳаракатларининг авж олиб кетишига баҳона бўлади. Абумуслимнинг ўчини олиш шиори остида дастлабки кўзғолон 755 йилдаёқ Нишопурда Сумбад бошчилигида кўтарилди. У Хуросон ва Табаристонга ёйилиб, 70 кун давом этади. Кўзғолон қаттиққўллик билан бос-тирилиб, Сумбад қатл этилади. Аммо бу билан халқ ҳаракатлари барҳам топмайди, балки янада авж олади.

### 16-§. «Оқ кийимлилар» кўзғолони ва Муқанна

VIII асрнинг 70–80-йилларида Мовароуннаҳрда жуда катта халқ кўзғолони кўтарилди. Кўзғолончиларнинг жанговар гуруҳи оқ кийингани учун тарихда у «оқ кийимлилар» кўзғолони номи билан шуҳрат топади. Бу ҳаракатнинг раҳбари Муқанна («ниқобдор») деб аталган марвлик Ҳошим ибн Ҳаким номли хунарманд бўлган. У Марв шаҳри яқинидаги Коза қишлоғида туғилган. Наршахийнинг ёзишича, унинг бир кўзи кўр, боши кал ва башараси жуда хунук бўлганлигидан боши ва юзига кўк парда тутиб юрган. Шунинг учун ҳам у «Муқанна», яъни «ниқобдор» лақаби билан машҳур бўлган. Баъзилар уни Ҳошим ул-Аъвар, яъни бир кўзли Ҳошим деб аташган. Муқанна ёшлик чоғида кудунгарлик (матоларга оҳор берувчи) касби билан шуғулланган. У саводли, ақли ва тadbиркор бўлган. Хуросон ноибларидан Абумуслим даврида (750–755) сарханглик (кичик лашкарбоши) ва Абулжаббор Аздий даврида (757–759) эса вазирлик даражасигача кўтарилган. У Маздак гояларига асосланган ижтимоий тенглик ва эркин ҳаётга даъват этувчи таълимотни тарғиб этиб, пайғамбарлик даъвосини қилгани учун халифа Абужаъфар Давонақий томонидан Бағдодда зиндонга ташланган. Бир неча йил зиндонда ётгач, ундан қутулиб яна Марвга келган. Атрофига ўз тарафдорларини тўплаган, ажнабийлар ҳукмронлиги ва зулмига қарши кўзғалишга даъват қилиб, Мовароуннаҳр вилоятларига тарғиботчиларини юборган. Унинг тарғиботи Нахшаб

ва Кеш шаҳарларида айниқса яхши самара беради. Оқ кийимлиларнинг сафи тобора кенгайиб боради. Уларга бевосита раҳбарлик қилиш мақсадида Муқанна Суғдга томон отланади. Уни Марвдан Суғдга ўтказмаслик учун халифалик маъмурлари таъқибни кучайтирадилар. Амударё соҳилини суворилардан иборат катта ҳарбий куч кечаю кундуз муттасил қўриқлаб туради. Бироқ Муқанна ўз яқинлари билан омон-эсон Амударёнинг ўнг қирғоғига ўтиб, Нахшаб ва ундан Кеш шаҳрига етиб боради. Кеш яқинида тоғ тепасига бино қилинган Сом қалъасини ўз қароргоҳига айлантиради. Кўпгина қишлоқларнинг қадиварлари, шаҳар ҳунармандлари ва айрим зодагон деҳқонлар унга эргашади. Тез орада бутун Қашқадарё водийси Муқанна тарафдорлари қўлига ўтади. Шундай қилиб, оқ кийимлилар ҳаракати кенгайиб, катта халқ кўзғолонига айланади. У, айниқса, Мовароуннахрнинг маркази Суғдда авж олиб, Элоқ (Оҳангарон) водийси ва Шошга ҳам ўзининг таъсирини ўтказди. Кўзғолонда илқ ўрта аср жамиятининг турли табақалари қатнашади. Уларнинг олдига қўйган вазифалари ҳам турлича бўлган. Меҳнаткаш аҳоли оғир зулм ва иқтисодий тенгсизликка қарши курашса, маҳаллий зодагон деҳқонлар мамлакатдан арабларни қувиб, ҳокимиятни ўз қўлига олишни мақсад қилиб қўйган эди. Улар учун муштарак нарса, мамлакатни истилочилардан озод қилиб, мустақил давлат тузишга интилиш эди. Бу, шубҳасиз, уларни ягона ҳаракатта бирлаштирган эди.

Оқ кийимлилар кўзғолонига зарба бериш учун халифа Абу Жаъфар 775 йилда Жаброил ибн Яҳё бошлиқ катта ҳарбий кучни Мовароуннахрга сафарбар қилади. Аммо Жаброил кўзғолончилардан енгилади. У катта талафотлар бериб, зўрға Самарқанддаги араб қўшинларига келиб қўшилади. Ўн минг аскар билан Жаброилга ёрдамга юборилган Уқаба ибн Салим Кеш ва Самарқанд оралиғида, Фарича бошлиқ ўн тўрт минглик қўшин Термиз яқинида Сархама ва Кайёки Фузий бошлиқ кўзғолончилар томонидан тор-мор келтирилади. Натижада Нахшаб ва Чағониён водийлари кўзғолончилар қўлига ўтади.

Кўзғолон 776 йилдан бошлаб Бухоро воҳасида кучайиб кетади. Наршах қалъаси кўзғолончиларнинг қўрғонига айлантирилиб, унда «оқ кийимлилар» билан араблардан Бухоро амири Ҳусайн ибн Маоз ва Самарқанд ноиб Жаброилнинг бирлашган қўшинлари ўртасида тўрт ой мобайнида жанг бўлади. Кўзғолонга бухоролик Ҳаким ибн Аҳмад, Кўшки-



фаъл деган жойдан Хишрий ҳамда Боғий номли ва Ғиждувондан Гирдак исмли паҳлавонлар бошчилик қилади. Араблар билан бўлган жангда «оқ кийимлилар»нинг қўли устун келади. Аммо сон жиҳатдан кўп бўлган араб қўшинлари Наршах қалъаси девори остидан узунасига 50 газлик чуқур қазиб, уни қулатгач, қалъага бостириб кирадилар. Қалъа ичида давом этган шиддатли жангларда кўзғолончилар енгилиб, Наршах кўрғони ишғол этилади. Кўзғолон бошлиқларидан Ҳаким ибн Аҳмад ва Хишрийлар ўлдирилади.

Наршахдаги кўзғолон бостирилгач, араблар асосий кучни «оқ кийимлилар» кўзғолонининг маркази бўлган Самарқанд ва Кешга ташлайдилар. 777 йилда «оқ кийимлилар»га узил-кесил зарба бериш учун ҳарбий куч тўплаш мақсадида халифа Маҳдий Нишопурга келади. Хуросон ноиб Маоз ибн Муслим ва Ҳирот амири Саид Хороший бошлиқ катта қўшин Самарқандга юборилади. Кўзғолончилар Сирдарё воҳасида яшовчи туркий қабиаларни арабларга қарши ёрдамга чақирадилар. Ўзаро бўлиб ўтган жангда араблар қўшини мағлубиятга учрайди. Натижада Маоз Хуросон ноиблигидан истеъфо беради, ўрнига Саид Хороший тайин этилади ва унга кўзғолонни бостириб, Муқаннани қўлга тушириш топширилади. «Оқ кийимлилар» ва туркий қабиалар Самарқандда арабларга қарши икки йил жанг қиладилар. Ниҳоят кўзғолончилар енгилиб, Самарқанд таслим бўлади.

Наршах ва Самарқандда «оқ кийимлилар» енгилгач, маҳаллий зодагон деҳқонлар сотқинлик қилиб, арабларга ёрдам бера бошлайдилар. Улар Саид Хороший қўшинлари билан бирга Муқаннага қарши Кешга томон юришда қатнашадилар. Курашнинг охириги босқичида Кеш водийсида тоғлар орасида жанглар жуда қизиқ кетади. Муқаннанинг Сом қалъасидаги қароргоҳи қамалга олинади. Узоқ давом этган қамалдан сўнг курашдан тинкаси қуриган муқанначилар таслим бўладилар. Муқаннанинг укаси Қабзам уч минг, Сом қалъаси мудофаасига кўмондонлик қилган Сарҳама 3300 нафар қўшини билан Саид Хорошийга таслим бўладилар. Аммо истилочиларга таслим бўлишни истамаган Муқанна ўзини ёниб турган оловга ташлаб ҳалок бўлади. Шундай қилиб, ўн йилдан ошиқроқ давом этган ва ўша даврда жаҳоннинг энг йирик давлати ҳисобланган Араб халифалигини ларзага келтирган Мовароуннаҳр халқининг озодлик ҳаракати шу тариқа тугайди.

«Оқ кийимлилар» кўзғолонининг енгилишига асосий сабаб шуки, авваламбор, кўзғолончилар уюшқоқлик билан ҳаракат қила олмадилар, қолаверса, халифалик ҳукмронлигига қарши мамлакат мустақиллик учун олиб борилган халқ курашида ўз манфаатлари учун фойдаланишга уринган ва халқ ҳаракатининг оммалашиб кетишидан чўчиган маҳаллий зодагон деҳқонлар бирин-кетин кўзғолондан юз ўтириб, сотқинлик йўлига ўтиб кетадилар. Бунинг устига, урушлар узоққа чўзилиб, қишлоқ аҳолиси экин-тикинлардан ажралиб қолди, дармони қуриди ва чарчади. Шу сабабли у тарқалиб кета бошлади. Араблар бундай вазиятдан усталик билан фойдаланиб, ҳар қайси вилоятда алоҳида-алоҳида равишда кўзғолонни бўғиб, уни босишга муяссар бўладилар.

Аммо бу билан араб истилочиларига қарши ҳаракат узил-кесил тўхтаб қолмади, балки мутғасил давом этади. «Оқ кийимлилар» кўзғолонидан 20 йил ўтар-ўтмас, 806 йилда Рофе ибн Лайс бошчилигида халифаликка қарши яна кўзғолон кўтарилади. Кўзғолон Самарқандда бошланиб, Шош, Фарғона, Бухоро, Нахшаб ва Хоразм вилоятларига тарқалади. Ҳаракат авж олиб, мазкур вилоятлар халифалик қўлидан кетади. Кўзғолонни бостириш учун халифалик томонидан кўрилган чора-тадбирлар натижа бермагач, Хуросон ноиб Маъмун (806—819) маҳаллий зодагон деҳқонлардан Сомонхудодиннинг набиралари Нуҳ, Аҳмад ва Яҳёлардан илтимос қилиб, улардан ёрдам сўрайди. Улар Рофе ибн Лайсни қўлга олиб, уни халифага таслим бўлишга рози қиладилар ва шу билан ҳаракат бостирилади. Бу билан Сомонхудодиннинг авлодлари — сомонийлар ўз халқига қарши Араб халифалигига хизмат қилиб, унинг миннатдорчилигига сазовор бўладилар.

Хуллас, маданиятда анча тубан бўлган араблар VIII аср бошларида Мовароуннаҳрни истило қилдилар. Босиб олинган ерларда ислом дини зўрлик билан ёйилиб, маҳаллий аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаёти Араб халифалигининг тартиб-қоидаларига бўйсундирилди. Истилочилар маҳаллий маданиятни оёқ ости қилиб, халқ бойликларини таладилар. Ажнабийлар жабрзулмига қарши кўтарилган халқ кўзғолонлари бешафқат бостирилди. Аммо ерли халқларнинг истилочиларга ва улар билан иноқлашиб кетган маҳаллий мулкдорларга қарши курашлари беҳуда кетмади. Аста-секин халифаликнинг ҳукмронлиги заифлаша борди ва бу ҳол Мовароуннаҳр аҳолисининг мустақилликка эришувини осонлаштирди ва тезлаштирди.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

### ЎРТА АСРЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН (IX—XIII АСРЛАР)

#### III БОБ. МОВАРОУННАХР ВА ХУРОСОННИНГ АРАБ ХАЛИФАЛИГИДАН АЖРАЛИШИ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ

##### 17-§. Қарлуқлар ва Ўғузлар давлати

VIII аср охири — IX аср бошларида Араб халифалиги оғир сиёсий тангликка учрайди. Бўйсундирилган халқларни итоатда тутиб туриш халифалик маъмурлари, хусусан, ўлкалардаги ноиблари учун тобора қийинлашиб боради. Мовароуннахр ва Хуросон аҳолисининг тез-тез қўзғолон кўтариб туриши, мамлакат ичида узлуксиз давом этган қонли тўқнашувлар Араб халифалиги ҳокимиятини заифлаштириб қўяди ва мустақил давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бундай давлатлар Мовароуннахрнинг шимолий ва шимолишарқий ҳудудларида — ҳали халифаликка бўйсундирилмаган ўлкаларда ташкил топади. Улардан бири Қарлуқлар ва иккинчиси Ўғузлар давлати эди.

Қадимда Олтойнинг ғарбида, сўнгра Иртиш дарёсининг ўрта оқимида яшаган қарлуқлар қадимий туркий қабилалардан ҳисобланган. VI—VII асрларда улар Турк хоқонлиги таркибига кирган. VII аср ўрталарида қарлуқлар Еттисув ўлкасига келиб жойлашган. Уларнинг катта гуруҳи Талос ва Чу дарёларининг адоқларида ва Иссиққўлгача бўлган ҳудудда яшаган. VIII аср охирида бу ҳудудда Қарлуқлар давлати ташкил топган. Подшоҳлари «ябғу» ёки «жабғу» деб юритилган. Ғарбий турк хоқонлигининг бир қисмида вужудга келган бу давлат шимол ва шарқ томонлардан, Иссиққўл соҳилларидан шимолга томон то Или дарёси водийсигача туркларнинг чигил (жикил) қабиласи жойлашган ҳудудлар; ғарбдан ўғуз-

лар юрти ва Фарғона водийси; жанубдан эса Шарқий Туркистон билан чегарадош бўлган. X аср араб географи Ибн Хавқалнинг маълумоти бўйича, қарлуқлар юрти Фарғона водийси ҳудудларидан шарққа томон 30 кунлик масофага чўзилган. Бу давлатнинг пойтахти Чу дарёсидан шимолроқда жойлашган Суёб шаҳрида бўлган. Туркларнинг бу диёрида пойтахтдан ташқари Жўл, Навкат, Карманкат, Ёр, Тўн, Барсхон, Панжикент, Беклиғ каби катта-кичик шаҳарлар ва қатор обод қишлоқлар қад кўтарган. Ҳарбий юришлар ҳамда ёвгарчиликлар даврида Суёб шаҳри — 20 минг, Панжикент — 8 минг, Беклиғ — 6 минг, Ёр — 3 минг нафар навкарларни сафга тортган. Бухоро, Самарқанд ва Шошга томон йўналган қадимий қарвон йўлининг шимолий тирсаги Тароздан шарққа бурилиб, қарлуқлар давлатининг пойтахти Суёб орқали Иссиққўлнинг жанубий қирғоғи бўйлаб Шарқий Туркистон воҳаларига, сўнгра эса Хитойнинг ички ерларига кириб борган. IX—X асрларда қарлуқларнинг хўжалик фаолиятида чорвачилик, хусусан, қўйчилик асосий ўрин тутган. Шу билан бирга улар овчилик, дарё водийларида, тоғ жилғалари бўйларида эса деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар. Қарлуқлар давлати, бир томондан, Шарқий Туркистон ва иккинчи томондан, Мовароуннаҳр аҳолиси билан яқиндан савдо-сотиқ алоқалари олиб борган. У, айниқса, чорва муҳсулотлари, отар-отар қўйлар, тери, жун ва жундан тўқилган гилам, полос, шолча, намат, хуржун ва арқон каби ашё ва маҳсулотлар билан савдо қилган. Ўзаро савдода айниқса Мовароуннаҳр савдогарлари ва Еттисувда қадим замонлардаёқ бунёд этилган суғдийларнинг савдо қасабалари муҳим ўрин тутган. Қўшни ўлкалар ва давлатлар билан олиб борилган ташқи савдо алоқаларининг кенгайиши туфайли қарлуқлар Тибет аҳолиси ҳамда ўша вақтларда Энасой (Енисей) нинг юқори оқимида яшаб турган қирғизлар билан яқин муносабатда бўлганлар. Ҳатто ғарбдан қарлуқларга муттасил тазйиқ кўрсатиб турган ўғузларга қарши улар ўртасида ўзаро ҳарбий иттифоқ ҳам юзага келган.

Мовароуннаҳрнинг ўтроқ деҳқончилик воҳалари ва ҳунармандчилик шаҳарлари билан муттасил олиб борилган савдо алоқалари Еттисувда қадимдан яшаб келаётган туркий аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётигагина эмас, балки унинг маданий турмушига ҳам таъсир этади.

Ҳеч қандай ҳарбий куч ишлатилмасдан, тинчлик йўли билан бу ҳудудга аввал моний, насороний (христиан) динлари, сўнгра мусулмончилик кириб келган. Айрим маълумотларга қараганда, VIII аср охирларидаёқ қарлуқлар жабғуси ислом динини қабул этган. X аср ўрталарига борганда қарлуқларнинг каттагина қисми мусулмон бўлган. Бу даврда Талосдан шарқда жойлашган бир қанча қарлуқ шаҳарларида жомъе масжидлари бино қилинган.

Бу даврда Қарлуқлар давлати икки томондан: жанубий қўшинлари яғмо ҳамда Сирдарё этакларида яшовчи ғарбий ўғуз қабилаларининг кучли тазйиқига учрайдилар. Ҳар икки бу чорвадор аҳоли туркий қабилалар ичида энг кучлиси ва жанговари ҳисобланар эди. X аср ўрталарида яғмолар Етти-сув вилоятини эгаллаб, бу ўлкада Қорахонийлар давлати номи билан фанга киритилган салтанатликка бирлашадилар. Бу янги Турк давлатининг сиёсий ҳаётида қарлуқлар фаол қатнашадилар. Уларнинг айрим вакиллари ҳатто ҳукмронлик маҳкамасига кўтариладилар. X асрда қорахонийлар Мовароуннаҳрни эгаллагач, қарлуқлар Шош воҳасига ҳамда Фарғона ва Зарафшон водийларига кўчиб келиб ўрнашадилар. Кейинчалик улар аста-секин Мовароуннаҳрнинг маҳаллий ўтроқ деҳқон аҳолиси таркибига сингиб кетадилар.

Айни шу даврда Хитойдан то Қора денгиз бўйларигача чўзилган жуда кенг майдонда эса кўчманчи чорвачилик билан кун кечирган туркий қабилаларнинг яна бир жанговар иттифоқи — Ўғузлар давлати юзага келади. Тарих саҳифаларида улар тўқузўғузлар номи билан тилга олинади. VI асрнинг иккинчи ярми ва VII асрда улар Турк хоқонлиги таркибида бўлиб, унинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида, айниқса, Фарбга томон қилган ҳарбий юришларида фаол қатнашадилар. Турк хоқонлиги емирилгач, тўқузўғузларнинг каттагина қисми гуз ёки ўғуз номи остида Сирдарё ҳавзаси ҳамда Орол денгизи бўйида муқим ўрнашиб, бу ҳудудда улар IX аср охири — X аср бошида туркларнинг яна бир янги иттифоқи — Ўғузлар давлатига асос соладилар.

Ўғузлар давлатининг шимолий чегараси Иртиш дарёси соҳилларидан то Ўрол тизимларининг жануби-шарқий ёнбағирларигача чўзилган туркий қиймоқ (қаймоқ) қабилалари юртига бориб тақалган. Жанубдан Харкон (Каспий) денгизининг жануби-ғарбида жойлашган Гургон вилояти билан

чегараланган. Фарбдан ўғузлар Харкон (Каспий) денгизининг шимоли-ғарбида қарор топган хазарлар ҳамда Итил дарёсининг ўрта оқимида жойлашган булғорлар, шарқдан эса Қарлуқлар давлати билан чегарадош бўлган. Каспий денгизининг шимоли-шарқдан то Эмба дарёсигача бўлган ерларда истиқомат қилувчи бижанак ва ўз қабилалари ўғузларга қарам бўлган. Ўғузларнинг асосий қисми Сирдарёнинг адоғи ва унинг ўрта оқими ҳамда шарқий ва шимоли-шарқий Орол бўйига ёндашган кенг яйловларда яшаган.

Сирдарё бўйлаб Янгикент, Жанд ва Сигноқ каби бир нечта бой шаҳарлар жойлашган. Янгикент шаҳри ўғузлар давлатининг пойтахти ҳисобланган. Ўғуз ябғулари бу шаҳардан қишлоқ учун қароргоҳ сифатида фойдаланганлар. Бу шаҳарларнинг бирортасига ҳам ўғузлар асос солмаганлар. Х асрда битилган «Худуд ул-олам» асарида қайд этилишича, ўғузларнинг ўз қўли билан бино қилган бирорта ҳам шаҳари бўлмаган. Чунки улар кўчманчи чорвадор аҳоли бўлган. Бу шаҳарлар дарё бўйлаб йўналган карвон йўли орқали қадимги Яксарт этаклари, Орол бўйи ва ундан шимолга Итил ва Ёйиқ бўйларига қатнаган Хоразм, Мовароуннаҳр ва Шош савдогарларини асрлар оша дашт аҳолиси билан олиб борган гавжум савдо алоқалари туфайли қад кўтарган.

Ўғузлар асосан чорвачилик, хусусан, қўйчилик, туячилик ва йилқичилик билан шуғулланганлар, қисман қорамол ҳам боққанлар. Айрим ўғуз қўйчивонларининг 100 минг бошгача қўйи бўлган. Ўғуз даштидан ўтроқ вилоятлар ва хунармандчилик шаҳарларига, айниқса Амударёнинг қуйи оқимида жойлашган Хоразм ҳудудларига қишу ёз отар-отар қўйлар ҳайдаб борилган. Ниҳоятда пухта ясалган Сигноқ камони ва ўқлари жуда харидоргир бўлиб, турли вилоятларга олиб кетилган. Ўтроқ аҳолидан ўғузлар қимматбаҳо ип ва ипак матолар, уй-рўзғор буюмлари, қурол-яроғлар харид қилганлар. Деҳқончилик вилоятларидан қайиқларда Сирдарё бўйлаб ўғуз шаҳарларига ғалла олиб борганлар. Аммо ўғузлар ўтроқ кўшни аҳоли билан ҳаммавақт тинч-тотув яшамаганлар. Кези келганда улар деҳқончилик вилоятларига, айниқса, Шош ва Хоразм ерларига ҳужумлар қилиб, аҳолига омонлик бермаганлар. Обод деҳқончилик воҳаларини поймол этиб, шаҳар ва қишлоқларни талаганлар, аҳолисининг бир қисмини асир қилиб олиб кетганлар. Аҳолининг машаққатли меҳнати би-

лан обод этилган деҳқончилик воҳаларини кўчманчилар ҳужумидан мудофаа қилиш мақсадида дашт чегараларига мудофаа деворлари, қалъалар ва мўллалар бино қилинган ва улар мутгасил таъмирланиб турилган. Айрим ҳолларда эса кўчманчиларга қарши ҳатто ҳарбий юришлар ташкил қилинган. Масалан, Каспий денгизининг шарқида, Манғишлоққа кўчиб ўтган ўғузларнинг Деҳистон ва Гургон вилоятларига бўлган ҳужумларини қайтариб туриш мақсадида Хуросон ноиби Абдуллоҳ ибн Тоҳир IX аср 30-йилларида дашт чегарасига Фароба ва Деҳистон каби мустаҳкам работлар қуришга мажбур бўлади. Худди шу даврда Бухоро воҳасининг атрофини кўчманчилардан мудофаа этиш мақсадида бино қилинган қадимий Кампирак девори қайта тикланиб, Пойканд шаҳри атрофида ўнлаб работлар қад кўтарди. Туркий қабилаларнинг Шош вилоятига бўлган ҳужумларининг авж олиб кетиши сабабли 840 йилда Нуҳ ибн Асад Исфижобга томон чорвадорлар устига қўшин тортади ва ғалаба билан қайтади.

Ўғузлар қам (шомонлик) динига сиғинганлар. Табиатнинг ажойиботлари, сирли воқеа ва ашёлари улар учун муқаддас ҳисобланган ва уларга ҳам сиғинар эдилар. Уруғ ва қабила оқсоқоллари ёки давлатманд уруғдошларининг марҳумларини ўғузлар чуқур тўла шаклида ковланган ва усти гумбазли даҳмаларга кийим-кечаги, қурол-яроғлари билан дафн этардилар. Агар марҳум ҳаётлик чоғида ёвгарчилик ёки ҳарбий юришларда қатнашиб ўз рақибини ўлдирган бўлса, уларнинг сонига қараб қабр устига тош ҳайкаллар ўрнатилади. Ўғузлар тушунчаси бўйича тош қиёфасидаги марҳумлар сиймоси у дунёда ўз ғозийларига хизмат қилмоғи лозим эди. Осойишталик даврларида ўтроқ деҳқончилик воҳалари аҳолиси билан олиб борилган доимий айирбош савдонинг асрлар оша гавжумлашуви оқибатида ўғузлар даштига аста-секин ислом дини кириб келган.

X асрнинг биринчи чорагида ўғузлар давлати шимоли-шарқдан қўзғалган қипчоқлар томонидан қақшатқич зарбага учраб бўлиниб кетади. Улар ўз юртини тарк этиб, бир қисми ғарбга томон силжийди ва умумий турк номи остида Жанубий Россия даштларига бориб ўрнашади. Уларнинг иккинчи қисми эса, аввал Мовароуннаҳрга кириб боради ва ундан жануби-ғарбга силжиб янги сулола — салжуклар бошчилигида Олд Осиё мамлакатларини истило қилишга киришади.

Шундай қилиб, VIII аср охири ва IX аср бошларида Мовароуннаҳрнинг шимолий ва шимоли-шарқий ҳудудларида икки мустақил туркий давлат, Қарлуқлар ҳамда Ўғузлар давлати ташкил топади. Бир ярим аср ҳукм сурган бу икки туркий давлат фақат Мовароуннаҳрга эмас, балки бутун Ўрта Шарқ ҳамда Олд Осиё аҳолисининг сиёсий ҳаётига кучли таъсир кўрсатади. Шу билан бирга уларнинг жанговар аҳолиси ўз турмуш тарзи ва анъаналари билан бу ҳудудларда яшовчи кўпгина халқларнинг этник тарихида ҳам самарали из қолдиради. Масалан, қарлуқлар қардош ўзбек ва тожикларнинг, ўғузлар эса туркман, озарбайжон, қорақалпоқ, турк, шунингдек, гагаузларнинг этногенизида муҳим ўринни эгаллайдилар.

### 18-§. Тоҳирийлар давлати

VIII аср охири — IX аср бошида халифаликни ларзага келтирган офир сиёсий вазият аббосийларни Мовароуннаҳр ва Хуросонда олиб борилаётган сиёсатни ўзгартиришга мажбур этади. Эндиликда улар шарқий вилоятларни бошқаришда давлат ишларига маҳаллий зодагонларни жалб этиш ва уларнинг қўли билан бу вилоятларни халифалик тасарруфида тутиб туришга ҳаракат қиладилар. Натижа аббосийлар кўзлагандек бўлиб чиқмайди. Маҳаллий зодагонлар Мовароуннаҳр ва Хуросонни аста-секин ўз тасарруфларига олибгина қолмай, балки халифалик марказида ҳам ҳокимиятни бошқаришда кўпроқ ўз таъсирларини ўтказа оладиган бўлиб қоладилар. Бунга айниқса халифа Хорун ар-Рашид (786—809) вафотидан сўнг тахт учун унинг ўғиллари Маъмун билан Амин ўртасида 809—813 йилларда бўлган кураш катта йўл очиб беради.

Маъмун узоқ йиллар мобайнида Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ноиби бўлиб, маҳаллий зодагонлар билан жуда яқинлашиб кетган эди. Гарчи уни маҳаллий зодагонлар қўллаб-қувватласалар-да, аммо халифаликнинг марказий қисмидаги араблар Аминни халифалик тахтига кўтарадилар. Бундан норози бўлган Маъмун укаси Аминга қарши курашиш учун беш йил тайёргарлик кўради. Ҳирот вилоятининг зодагонларидан Тоҳир ибн Ҳусайн ва Мовароуннаҳр мулкдорлари унга ёрдам берадилар. 813 йилда улар Бағдодга юриш қила-



дилар. Пойтахт қўлга киритилиб, Маъмун халифалик тахтига ўтказилади. Бунинг эвазига Тоҳир ибн Ҳусайн Ироқи Ажам (Месопотамия)нинг ноиби, Бағдодда халифаликнинг аскар-бошиси ва Ироқда ҳашар ишлари бўйича бош мироб лавозимларига муяссар бўлади. Шунингдек, Маъмун Мовароуннаҳр зодагонларининг ёрдамини ҳам унутмайди. Сомонхудо-нинг набираларини айрим шаҳар ва вилоятларга ноиб қилиб тайинлайди. Нуҳга Самарқанд, Аҳмадга Фарғона, Яҳёга Шош ва Усрушона, Илёсга эса Ҳирот тегади. Бунинг эвазига ака-ука сомонийлар Мовароуннаҳрнинг ҳар йилги хирожидан жуда катта маблағни тоҳирийлар орқали халифа хазинасига юбориб турадилар. IX аср араб географи Хўрдоббеҳнинг ёзишича, ҳар йили Шошдан 607 минг, Суғддан 326 минг, Фарғонадан 280 минг, Усрушондан эса 50 минг кумуш дирҳам ҳажмда маблағ Бағдодга юборилиб турилган.

821 йилда Тоҳир ибн Ҳусайн Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг ноиби этиб тайинланади. Орадан бир йил ҳам ўтмай хутбадан у халифа номини чиқартириб ташлайди. Бу, шубҳасиз, Бағдод билан алоқани узиш ва ўзини мустақил деб эълон қилиш эди. Бироқ кўп вақт ўтмай у тўсатдан вафот этади. Унинг ўлимини халифанинг аъёнларидан кўрадилар. Шунга қарамасдан, Тоҳир ибн Ҳусайннинг ўғиллари Талха ва Абул Аббос Абдуллоҳ отаси ўрнида бирин-кетин навбат билан ноиблик қиладилар. Шундай қилиб, Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудларини бошқарув тоҳирийлар хонадонига мерос бўлиб қолади. Абул Аббос Абдуллоҳ ноиблиги (830—844) даврида пойтахт Марвдан Нишопур шаҳрига кўчирилади.

Тоҳирийлар билан Мовароуннаҳрнинг бир нечта шаҳарларида ноиблик қилаётган Сомонхудо авлодларининг муносабати қандай кечгани ҳақида сўз юритиладиган бўлса, шунга айтиш мумкинки, Сомонхудо набираларининг маҳаллий ноиблиги тоҳирийлар томонидан тан олинади.

Сомонийлар эса, ўз навбатида, тоҳирийларга тобе сифатида Мовароуннаҳрни идора этадилар. Бу, шубҳасиз, Хуросон ва Мовароуннаҳрда бир асрдан ошиқроқ ҳукм сурган халифалик ҳукмронлиги чекланиб, икки маҳаллий сулола сиёсий жиҳатдан қарор топиши ва мустақил маҳаллий давлатнинг тикланишини намойиш этарди.

Тоҳирийлар расман ўзларини халифага тобе деб кўрсатсалар-да, аммо амалда мутлақо мустақил иш юритадилар. Улар

даставвал ҳокимиятни мустақкамлашга ва қишлоқ хўжалигини тартибга солишга ҳаракат қиладилар. Деҳқончилик воҳаларининг сув таъминотини яхшилаш учун янги каналлар қаздирадилар. Абул Аббос Абдуллоҳнинг топшириғи билан Хуросоннинг билимдон фикҳшунослари деҳқончиликда сув манбаларидан фойдаланиш тартиблари, сув тақсимоти ва унинг қонун ва қоидалари ҳақида рисола ёзиб маъмуриятга тақдим этадилар. Бу рисола икки аср мобайнида сувдан фойдаланишда деҳқонлар ўртасида кўтарилган мунозарали масалаларни ҳал этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Тоҳирийлар, айниқса, давлат бошқаруви, фуқароларга муносабат ва солиқ солиш тартибларига алоҳида аҳамият берадилар. Тоҳир ибн Ҳусайн ўғли Абдуллоҳга йўллаган мактубида, на давлатманд ва на ўз яқинларини солиқлардан озод этмасдан, фуқароларнинг барчасига адолат юзасидан солиқ солиш ҳақида кўрсатмалар беради. Абдуллоҳ ҳам отаси маслаҳатларига амал қилиб, йирик ердор ва давлат маъмурларининг меҳнаткаш зироатчиларга нисбатан кўрсатган ўзбошимчаликларини иложи борича чегаралашга интилади. Зироатчилар аҳволини бир озгина бўлса-да, енгиллаштириш мақсадида у махсус фармон чиқаради. Фармонда мулкдорлар ва давлат маъмурларига қарата «Оллоҳ меҳнат аҳлининг қўли билан ризқи рўзимизни етказиб беради, тили билан бизни олқишлайди. Уларни ранж этишни тақиқлайди», деган сўзлар битилган эди. Шубҳасиз, бу билан Абдуллоҳ меҳнат аҳлинигина эмас, балки умумдавлат манфаатини кўзда тутган эди.

Бироқ тоҳирийлар замонида ҳам меҳнаткаш аҳолининг аҳволи ниҳоятда танг эди. У мулкдор деҳқонларнинг жабр-зулмидан, давлатнинг солиқларидан безор эди. Шу боисдан мамлакатда халқ қўзғолонлари тез-тез кўтарилиб турарди. Уларда айниқса «ғозийлар» фаоллик кўрсатардилар. Ғозийлар кўчманчилар ҳужумини даф этиб туриш мақсадида кўнгиллилардан тузилган махсус қуролланган гуруҳлар бўлиб, улар асосан камбағал ҳунармандлар ва ерсиз зироатчилардан иборат эди.

IX асрнинг 60-йилларида Хуросонда ғозийларнинг фаоллигида халқ қўзғолони авж олиб кетади. Унга ака-ука Ёқуб ва Амр бинни Лайс мискарлар бошчилик қиладилар. Улар аввал Сейстонда ҳокимиятни қўлга киритадилар. 873 йилда тоҳирийларнинг ҳарбий қўшинига қақшатқич зарба бе-

риб, Хуросон пойтахти Нишопурни эгаллайдилар. Натижада Хуросонда тоҳирийлар ҳукмронлиги тутатилиб, янги Саффорийлар давлати ташкил топади. Мамлакатда содир бўлган бундай сиёсий ўзгаришдан сўнг Мовароуннаҳр Хуросондан ажралиб, ўз мустақиллигини тўла тиклаб олиш имконига эга бўлади.

## 19-§. Сомонийлар давлати ва халифалик

Бу даврда Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Фарғона, Тошкент ва Усрушона вилоятларида ноиблик қилаётган сомонийлар хонадонининг сиёсий ҳаётида ҳам аста-секин ўзгаришлар юз беради. Юртга аввал Нуҳ, сўнгра Аҳмад бошчилик қилади. Ҳатто ўз номларидан мисдан чақалар зарб этадилар. Аҳмад вафотидан (865) кейин унинг ўғли Наср Самарқандни марказга айлантиради. Бухоро воҳаси, Нахшаб (Қашқадарё), Чағонруд (Сурхондарё) водийларидан ташқари Мовароуннаҳрнинг барча вилоятларини бирлаштириш ва уни Хуросондан ажратиб олиш чораларини кўради. Тоҳирийлар давлатининг барҳам топиши билан вазият тубдан ўзгариб, истиқлол учун қулай шароит пайдо бўлади. Чунки саффорийлар Мовароуннаҳрга ҳукмронлик қилишнинг уддасидан чиқа олмайдилар. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган Бухоро аҳли ҳатто саффорийларга тобе бўлишни хоҳламайди. Шаҳар зодагонлари сомонийларга мурожаат қилиб, Самарқандга—Наср ибн Аҳмад ҳузурига элчилар юборадилар. Ундан Бухорони ўз қўли остига олишни ва сомонийлар хонадонидан бир кишини Бухорога ҳоким қилиб юборишни сўрайдилар. Наср бу таклифни мамнуният билан қабул қилиб, укаси Исмоилни (874) Бухорога ноиб қилиб юборади. Шундай қилиб, IX асрнинг охиригача чорагида Мовароуннаҳрнинг деярли барча вилоятлари сомонийлар тасарруфига ўтиб, у ўз мустақиллигини тиклаб олади. Худди шу вақтдан бошлаб Наср ибн Аҳмад ўзини бутун Мовароуннаҳрнинг бошлиғи деб ҳисоблай бошлайди. Гарчи укалари Шош вилоятининг ноиб-би Ёқуб ва Фарғона ҳокими Асадлар ўз номлари билан чақал зарб этиб, ўзбошимчалик қилсалар ҳам, аммо у сомонийлар ҳукмронлиги тарихида биринчи бўлиб кумуш дирҳам зарб этади. Кумуш тангалар чиқариш давлат мустақиллигининг рамзи ҳисобланиб, то шу вақтгача халифалик ви-

лоятларида фақат тоҳирийларгина бундай дирҳамни зарб этиш ҳуқуқига эга эдилар. Шундай бўлса-да, Бухоро ноиби Исмоил акаси Насрга итоат қилишни истамайди. Ўзига берилган вилоятни мумкин қадар иқтисодий жиҳатдан мустақил идора қилишга интилади. Самарқандга Насрнинг хазинасига юбориладиган ҳар йилги солиқларни турли баҳоналар билан тўхтатиб қўяди. Ака-ука ўртасида адоват пайдо бўлади. У 888 йилдаги жангга олиб келади. Жангда Наср қўшинлари тормор келтирилади. Шу йилдан бошлаб Исмоил бутун Мовароуннаҳрни бирлаштириб, унинг ягона ҳукмрони бўлиб олади.

Исмоил Сомоний ўрта асрларнинг қобилиятли, серғайрат ва ниҳоятда зукко давлат арбоби эди. У Мовароуннаҳрни бирлаштиргач, марказлашган мустақкам давлатни тузишга интилади. У ўз ватанида барқарор тинчликни таъминлаб, уни мустақкамлашда ҳукмронлик қобилиятининг ҳамма нозик хусусиятларини ишга солади. Аввало катта қўшин тўплаб, кўчманчилар даштига аскар тортади. 893 йилда Тароз шаҳрини фатҳ этиб, даштликларга қақшатқич зарба беради. Бу сомонийлар даврида кўчманчиларга қарши қилинган охириги катта юриш бўлди. Нагжида даштлик қабилаларнинг Мовароуннаҳр вилоятларига бўлган узлуксиз bosқинлари барҳам топиб, ўтроқ аҳоли эндиликда воҳалар атрофи бўйлаб юзлаб километрга чўзилган мудофаа деворлари-ю, сон-саноксиз қалъаларни бино қилиш ва уларни мутгасил таъмирлаб туришдек оғир ва машаққатли меҳнатдан, ташвишдан фориғ бўлади. Худди шу даврдан бошлаб, 300 км дан ошиқроқ масофада Бухоро воҳасининг гирдини ўраб турган қадимий мудофаа иншооти «Кампирак» деворининг ҳар йилги одатий ҳашари ҳам тўхтатилиб, у қаровсиз қолдирилган. Наршахийнинг ёзишича, Амир Исмоил ўзининг кучли қўшинларини назарда тутиб, «Токи мен тирик эканман, Бухоро вилоятининг девори мен бўламан», деб айтган экан.

Мовароуннаҳр аҳолисининг мустақилликка эришиб, бу диёрда Сомонийлар давлатининг тобора кучайиб бориши шубҳасиз шарқий вилоятлардан мутгасил ундирилиб олинadиган катта бойликлардан маҳрум бўлган Араб халифалигини, бир томондан, ниҳоятда ранжитса, иккинчи томондан, чўчитар ҳам эди. Шу боисдан халифалик саффорийлар билан сомонийларни тўқнаштиришга ва бу ёш икки давлатнинг ҳар иккисини заифлаштириб, бой вилоятларда маълум даражада

ўз таъсирини қайта тиклашга ҳаракат қилади. 900 йилда улар ўртасида бошланиб кетган уруш Исмоилнинг ғалабаси билан тугайди. Бутун Хуросон сомонийлар қўл остига ўтади. Ноиложликдан халифа Исмоилнинг бундай улкан давлатини тан олишга, унга ҳукмдорлик ёрлигини юборишга мажбур бўлади. Шундай қилиб, IX аср охирларида Мовароуннаҳр Араб халифалиги истибдодидан абадий халос бўлади. Исмоил Сомоний бутун Мовароуннаҳрни ўз қўли остида кучли бир давлат қилиб бирлаштиради, Хуросонда ташкил топган Саффорийлар давлатига барҳам беради ва уни ўз давлатига қўшиб олади. Натижада пойтахти Бухоро шаҳри бўлган замонасининг энг йирик мустақил ўрта асрлар давлати ташкил топади. Бу давлатни сомонийлар хонадонидан бўлган ҳукмдорлар — амирлар X аср охирларигача идора қиладилар.

Мовароуннаҳр мустақиллигининг барқарорлиги, авваламбор, марказлашган мустаҳкам ҳокимиятнинг қарор топишига боғлиқ эди. Буни яхшигина англаган сомонийлар ўз тасарруфидаги улкан мамлакатни бошқаришда даставвал ихчам давлат маъмуриятини ташкил этадилар. У подшо даргоҳи ва девонлар — марказий ҳокимиятдан иборат эди. Даргоҳда амир ҳарами ва қароргоҳи ҳамда сарой аъёнларию навкар ва хизматкорларининг тураржойлари бўлар эди. Наршахийнинг маълумоти бўйича, Сомонийлар давлати асосан девони вазир, муставфий, амидал-мулк, соҳиби шурат, соҳиби муаййид, мушриф, мумалликайи хос, муҳтасиб, авқоф ва қазо номлари билан юритиладиган 10 та девонлар бошқарувида идора этиларди. Улар орасида вазир девони бош бошқарув маҳкамаси ҳисобланар ва давлатнинг маъмурий, сиёсий ва ҳўжалик тартиботи унинг бевосита назорати остида тутиб туриларди. Барча девон бошлиқлари вазирга тобе эди. Муставфий девони хазина (молия) кирим-чиқимлар; амидал-мулк — давлат ҳужжатлари ва элчилик алоқалари; соҳиби шурат — соқчибоши, яъни ҳарбий, хусусан, амирнинг мунтазам туркий сарой навкарлари, унинг таъминоти; соҳиби муаййид — мактубот ва ахборот, яъни почта; мушриф — сарой ишбошқарувчиси; мумалликайи хос — давлат мулклари; муҳтасиб — бозорлардаги тошу тарозулар, нарх-наво ҳамда фуқароларнинг мафкураси; қазо — адлия; авқоф — масжид ва мадрасаларнинг вақф ҳўжаликлари билан шуғулланар эди. Наср ибн Аҳмад

(914—943) даврида Бухоронинг Регистон майдонида подшо қасри қаршисида девонлар учун сарой қурилиб, давлат маҳкамаси мана шу махсус бинода жойлашган эди. Маҳкама хизматчилари фақат сарой аҳли, руҳоний ва зодагон деҳқонлардан бўлибгина қолмасдан, шу билан бирга улар муайян билимларга эга бўлиши шарт эди. Одатда, улар араб, форс тилларини пухта эгаллаб олган, Куръонни ва шариатнинг асосий қоидаларини яхши биладиган, турли фанлардан бир мунча хабардор бўлган саводли аслзодалардан танлаб олинган. Шубҳасиз, бу ўрта асрларнинг ўзига хос амалдорлик маданияти эди. Қадимий анъаналарга асосланган бу маданият сомонийлар даврида анча-мунча бойитилган эди.

Марказий маҳкама вилоятлардаги маҳаллий бошқармалар билан доимий алоқада бўлган. Вилоятларда, мактубот ва ахборот (почта) девонидан ташқари, барча девонларнинг вакиллари бўлган. Вилоят девонлари, бир томондан, маҳаллий ҳокимга, иккинчи томондан эса марказий маҳкаманинг тегишли девонларига бўйсунар эдилар. Вилоят ҳокимлари баъзан вазир деб юритиларди. Улар сулолавий хонадонга тегишли амирзодалар ёки собиқ маҳаллий ҳукмдорлар ҳамда зодагон деҳқонлардан тайин этиларди. Булардан ташқари, ҳар бир шаҳарда раис — шаҳар бошлиғи ҳамда муҳтасиб — назоратчиси бўларди. Уларни ҳокимнинг бевосита ўзи маҳаллий аслзодалар ёки кўпинча олий табақа руҳонийларнинг нуфузли вакилларидан тайинлар эди. Мансабдорларнинг хизмат ҳақи учун давлатнинг йиллик даромад-буромади (бюджети) нинг деярли ярми сарф этиларди.

Шу билан бирга IX—X асрларда йирик мансабдорларнинг давлат олдидаги хизмати учун ер ва сувдан иборат катта-катта мулклар инъом қилина бошлайди. Бундай мулклар «иқто», унга эга бўлган мулкдорлар «муқто» ёки «иқтодор» деб юритиларди. Иқто тарзида эса айрим вилоят, воҳа, рустоқ (туман) ёки шаҳарлар ҳадя этилган. Иқто даставвал асосан олий табақа зодагонлар; сулола аъзолари — амирзодалар ва йирик мансабдорларга инъом этилган. Иқто мулклари аввалда бир умрга эмас, балки маълум муддатга берилиб, наслдан-наслга ўтказилмаган. Иқтодорлар ҳадяга берилган мулкларга ҳали тўла эгалик қила олмаганлар. Улар иқто ерларидан тушадиган даромад ёки унинг маълум қисминигина йиғиб олиш ҳуқуқига эга бўлганлар холос. Бу-

тун бир вилоят иқто қилиб берилган ноиб-вазирга баъзан ўз номи билан чақа-пул зарб этиш ҳуқуқи ҳам берилар эди. Бу, шубҳасиз, ўз навбатида марказий ҳокимиятни кучсизлантириб, маҳаллий ҳокимларнинг бошбошдоқлик ҳаракатларининг кучайишига олиб келар эди.

Мовароуннаҳр мустақилликка эришиб, Сомонийлар давлатининг қарор топиши ва унинг равнақида ислом дини руҳонийларининг ҳиссаси катта бўлди. Шу боисдан уларнинг обрўси ошиб, пойтахт Бухоро Шарқда ислом динининг энг нуфузли марказларидан бирига айланди. Шаҳарларда кўплаб ибодатхоналар, шу жумладан, жомеъ масжиди, хонақоҳ (ғарибхона) ва намозгоҳ (ийди рамазон ва ийди қурбон ибодатлари ўқиладиган саждагоҳ)лар бино қилинди. Худди шу даврда мусулмон Шарқдаги илк мадрасалардан бири Бухоро шаҳрида қад кўтарди. Бухоронинг қадимий мадрасаси шаҳарнинг Дарвозаи Мансур маҳалласида хон ҳаммомининг ёнида жойлашган эди.

Мамлакат маънавий ҳаётининг асоси ҳисобланган ислом мафкурасига бу даврда «устод» деб аталган дин ва илм пешволари раҳнамолик қиларди. Кейинчалик бу ном тарк этилиб, дин пешволари ва ислом уламоларининг раҳнамоси «шайхулислов» номи билан янада улуғланади. Устоддан кейин «хатиб»лар турарди. Сомонийлар ислом мафкурасининг ривожига катта аҳамият берадилар. Масжид, мадраса, хонақоҳлар қуриш учун махсус жойлар ва уларнинг сарф-харажати учун катта-катта мулклар ажратилиб берилади. Натижада диний муассасалар тасарруфидаги ерлар кенгайиб, янги турдаги диний-вақф хўжалиги таркиб топади. Масалан, Наршахийнинг ёзишича, Афшона қишлоғининг экин ерлари атрофидаги яйловли биёбонлар Исмоил Сомоний томонидан Бухоро мадрасасининг талабаларига вақф қилиб берилади. Шунингдек, амир Регистон майдонига туташган ва Даштак деб шуҳрат топган кенг қамишзор ерларни Ҳасан ибн Муҳаммад Толут исмли мулкдор араб лашкарбошидан 10 минг дирҳамга сотиб олиб, Бухоро шаҳрининг жомеъ масжиди вақфига қўшиб беради. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин нима сабабдан ва қандай йўл билан масжид ва мадрасалар тасарруфида катта-катта ер ва мулклар тўпланиши ҳамда вақф хўжалигининг

таркиб топиши тўғрисида умумий тушунчага эга бўлиш учун келтирилган мисолларнинг ўзи ҳам кифоя қилади.

Сомонийлар ташқи ва ички душман хуружларидан мамлакатни муҳофаза қилиш масаласига катта эътибор берадилар. Хусусан, Исмоил Сомоний яхши қуролланган ҳарбий қўшинлар ва махсус мунтазам сарой соқчи навкарлар шўратини тузади. Мунтазам соқчилар олий даргоҳ ва шахсан амирни ҳамда унинг ҳарамини қўриқлаш учун турк ғуломларидан тузилган эди. Туркистон ва Мовароуннаҳр ҳарбий хизматчи, моҳир чавандоз турк ўсмирларини қадимдан доимий равишда вояга етказиб келган бўлса ҳам, аммо фақат сомонийларгина турк йигитларини биринчилар қаторида саройнинг шахсий шўрати сафига тортган эдилар. Сарой шўратига қабул қилинган ўспирин турк ғуломининг ҳарбий хизмати маълум муддатда ва қатъий белгиланган тартибда ўтар эди. Хизматнинг биринчи йили бўздан кийим кийган пиёда, иккинчи йили юганланган отлиқ аскар хизматини бажарар эди. Учинчи йили белига қора чўрин камар боғланиб, бешинчи йилга борганда у яхши кийим-кечак ва юддузли юганни олишга муяссар бўлади. Агарда хизмат даврида ғулом ноҳўя ҳаракатлар қилмаган бўлса, еттинчи йили унга «висоқбоши», яъни «чодир бошлиғи» деган унвон берилар эди ва ўзи билан қўшиб ҳисоблаганда 4 нафар аскарга у бошлиқ бўларди. Бундай унвонга эришган ғулом кумуш ил билан тикилган қора рангли босма намат қалпоқ ва қимматбаҳо ганжавий этик кийиб юрарди. Ғуломлар орасида энг қобилиятли ва узоқ йиллар хизмат қилган айрим навкарлар «ҳайлбоши», яъни отлиқ қўшин бошлиғи, сўнгра эса «ҳожиб» деган лавозимга кўтарилар эди. Ҳожибларнинг бошлиғи «ҳожиб ул хужоб» ёки «ҳожиб ул бузрук» деб юритилган. Бундай унвон Сомонийлар давлати саройидаги олий унвон ҳисобланар эди. Ҳожиблар, айниқса, ҳожиб ул хужоб саройда катта нуфузга эга эди. У саройда турар ва даргоҳнинг ишларини бошқарар эди. Шу билан бирга у бутун турк ҳожибларининг бошлиғи ҳисобланар эди. Сомонийлар мунтазам соқчи қўшинидан ташқари, озод меҳнат аҳлидан тузилган ҳарбий қўшинларга ҳам эга эдилар. Ҳарбий қўшинлар ва уларнинг таъминоти билан «ариз» бошлиқ «девони ариз» деб аталган махсус маҳкама



шуғулланар эди. Ариз қўшинларга маош берар, унинг интизоми, яроғ-аслаҳаси, озик-овқати ва отларининг ем-хашаги билан шуғулланар эди. Қўшинларга хизмат ҳақи ҳар 3 ойда, яъни йилига 4 марта тўланар эди.

Шундай қилиб, IX–X асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда Сомонийлар давлати ташкил топди. Ўрта асрлар замонининг бу йирик давлатини бошқаришда ҳукмдор хонадон Шарқнинг қадимий давлат бошқаруви анъаналарига суяниб, мунтазам соқчи армия ва кучли ҳарбий қўшинларга эга бўлган марказлашган бошқарув маҳкамасини ташкил қилди. Ўрта асрнинг бу йирик давлати ўзининг бошқарув тизими жиҳатидан, шубҳасиз, Ўрта Осиёда ўрта асрлар давлатчилигининг шаклланиши ва тараққиёти тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади.

## **20-§. Ўрта асрларда Мовароуннаҳр хўжалиги, ер эгаллиги ва барзикорлар**

IX–X асрларда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмнинг шаҳар ва қишлоқларида ҳунармандчиликнинг кўпгина соҳалари анча-мунча ривожланган бўлса ҳам, аммо бу ҳудудлар қишлоқ хўжалиги мамлакатини эди. Аҳолисининг асосий қисми суғорма деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланар эди. Ерлар асрлар оша такомиллашиб келган сершоха суғориш тармоқлари ва турли-туман сув иншоот (тўғон, банд, нова, кориз, чиқир, чархпаррак, сувайирғич)лари воситасида суғорилиб обод этилган. Серунум воҳаларда суғорма деҳқончилик маданияти — ғаллакорлик, шоликорлик, пахтачилик, сабзавотчилик, полизчилик ва боғдорчилик юқори даражада ривож топган. Зарафшон, Қашқадарё ва Фарғона водийси, Шош, Элоқ ҳамда Хоразм воҳаларида аҳоли зиротларнинг деярли барча навлари: арпа, буғдой, тарик, мош, адас (ясмиқ), кунжут, нўхат, зиғир, жут ва шу кабиларни етиштирар эди. Самарқанд воҳасида асосий экин ғалладан ташқари зиғир, каноп ва канакунжут, Хоразмда эса кунжут кўп экиларди. Зиғир, кунжут ва канакунжутдан мой олинарди. Мовароуннаҳрнинг тоғ олди ҳудудлари аҳолиси асосий машғулоти бўлмиш чорвачиликдан ташқари лалмикорлик билан ҳам шуғулланар эди. Лалми ерларда асосан ғалла етиштирилди. Мурғоб, Бухоро, Самарқанд ва Шош воҳа-

ларида пахтачилик каттагина ўринни эгаллаган эди. Пахта-нинг ингичка толали гўза навлари экиларди. Гўзадан ташқари заъфарон ва рўян каби нодир техник ўсимликлар экилиб, улардан турли хил дори-дармонлар ва бўёқлар тайёрланарди.

Мовароуннаҳр ва Хоразмда боғдорчилик маданияти айниқса кенг равнақ топган. Боғ ва чорбоғларда узум, анор, анжир, олма, нок, беҳи, ўрик, шафтоли, олхўри, олча, тут, жийда ва кўпгина бошқа мевалар етиштирилар эди, хусусан, узумнинг ўнлаб навларидан ниҳоятда кўп ҳосил олинарди. Узумдан магиз, шинни, сирка, мусаллас тайёрланар эди. Мовароуннаҳр ва Хоразмда сабзавот ва полиз экинлари сероб бўлиб, қовунлари ниҳоятда ширали бўларди. Бухоро ва Хоразмнинг қирқма қовунлари ва қовун қоқилар Шарқнинг узоқ-узоқ шаҳарларига олиб борилар эди. X аср муаррихи Наршахий Регистон атрофида барпо этилган муҳташам меҳмонхонали ва сарҳовузли чорбоғлардаги сўлим дарахтзорлар ва ширин-шакар мевазор боғларни таърифлаб, уларда «нашвати, бодом, ёнғоқ, гилос, жилон жийда ва анбар бўйли... ҳар бир мева ғоятда яхши ва гўзал тарзда ўтқазилган эди», деб ёзади.

Деҳқончилик солиғи хирождан хазинага тушадиган даромад давлат кириш-чиқимининг каттагина қисмини қоплар эди. Шунинг учун ҳам сомонийлар мамлакатда деҳқончилик хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор берадилар. Авваламбор улар айрим вилоят ва воҳаларда сув тақсимотини тартибга солиб, уларнинг сув таъминотини яхшилаш ва иложи борица экин майдонларини кенгайтиришга ҳаракат қиладилар. IX—X асрларда Мовароуннаҳрнинг вилоят ва воҳаларида дарё ва унинг тармоқларидан кўплаб янги-янги суғориш каналлари қазиб чиқарилиб, уларнинг даханаларига сув боғлаб олувчи тўғонлар, мифтоҳлар (шлюз) ва сув ташлагич новалар ўрнатилади. Оқар сувга танқис тоғолди ҳудудлари ва даралар ичида бандлар бино қилиниб, сув омборлари барпо этилади. Ер ости сувларидан деҳқончиликда фойдаланиш учун ўта мураккаб ва ниҳоятда машаққатли гидротехник иншоот — коризлар қазилиб ишга туширилади. Сув манбалари сатҳидан баландроқ жойлашган ер майдонларига сув чиқариш учун чархпаррак, чиқир ва дулобалардан кенг фойдаланилади. X аср араб географларнинг таърифлашича, Са-

марқанд рустоқларидан 8 таси Зарафшон дарёсидан чиқарилган бир қанча катта-кичик шохариқлардан суғорилган. Дарғом анҳоридан суғорилган Варқсар, Маймурғ, Санжарфагон ва Дарғом рустоқлари деҳқончилик майдонларининг узунлиги 10 фарсах (60–70), кенглиги 4 фарсах (24–28) км бўлган. Узунлиги 2 кунлик масофага тенг бўлган Фай канали орқали суғорилган воҳа Суғднинг энг обод қисми ҳисобланган. Ибн Хавқалнинг ёзишича, Суғд дарёси Бухоро чегарасига қадар фақат обод қишлоқлар, боғ ва бўстонлар ҳамда суғориш тармоқлари бўйлаб оққан. Бухоро воҳаси Самарқандга нисбатан кенг ва обод бўлган. У 17 та суғориш шаҳоблари орқали суғорилган. Истахрий Зарафшон водийсини тасвирлар экан, унинг унумдорлигига қойил қолади. Бухоро воҳасини у мовий осмон гумбази остида тўшалган ва қасрлар билан нақшланган ям-яшил гиламга ўхшатади. Сирдарё ҳавзасида, айниқса, Элоқ (Оҳангарон) ва Парак (Чирчиқ) водийлари ниҳоятда обод бўлиб, жуда кўп шаҳар ва қишлоқлар жойлашган эди.


Воҳаларни сув билан таъминлаб турган сершоха суғориш тармоқларини муттасил лойқадан тозалаш, беҳисоб турли хил сув иншоотларини таъмирлаш учун ҳар йили баҳорда минглаб ҳашарчилар қазувга чиққан. Каналларга боғлаб олинган сувни шохариқларга тақсимлаб, сув айирғич дарротларни назорат қилиш, деҳқон пайкалларига обирахматни етказиб бериш учун мироб, жўйбон ва пойкор каби қатор халқ ирригаторлари ёз бўйи оёқда турган. Бу даврда биргина Мурғоб водийсида 10 мингга яқин турли мансабдаги мироблар сув иншоотларининг назоратию сув тақсимоти билан банд бўлган. IX асрдан бошлаб Бухоро воҳасининг сув тақсимоти билан шахсан шаҳар қозисининг ўзи шуғулланган. Наршахийнинг ёзишича, Сайд ибн Халаф Балхий Бухорога қози бўлгач, «яхши қонун-қоидалар ўрнатган... токи кучли киши заиф кишига зулм ўтказмасин учун (шаҳар) тўғонларини қурдириб, Бухоро сувини адолат ва инсоф юзасидан тақсим қилишни» жорий этган.

Шундай қилиб, IX—X асрларда деҳқончиликнинг тараққий қилиши билан суғориш ишлари кенгаяди. Инженерлик билими асосида қурилган турли хилдаги гидротехника иншоотлари билан жиҳозланган сершоха суғориш тармоқлари барпо этилади. Бундай ўзига хос суғориш иншоотларини тик-

лаш ва ишлатишда анъанавий асрий тажриба ва малакага эга бўлган маҳаллий мироблар етишиб, ўрта асрларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти даражасига хос тартиб, қонун-қоидаларга асосланган сув ҳўжалиги ташкил топади.

IX—X асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда чорвачилик, хусусан, яйлов чорвадорлиги юксак даражада бўлган. Мамлакатнинг дашт ва тоғолди яйловларида отар-отар қўй ва эчкилар, уюр-уюр йилқилар ва туялар боқилган. Қишлоқларда, айниқса, йирик шохли ҳайвонларнинг боши ва туёғи беҳисоб бўлган. Шаҳарларда эса хонаки ҳайвонларнинг деярли ҳамма туридан боқилган. Чорвачилик мамлакат аҳолисини чорва маҳсулотлари билан таъминлабгина қолмасдан, балки ҳўжаликнинг ҳамма соҳалари учун от-уловлар етказиб берган. От, эшак, туя ва ҳўкизлар қўш, арава, мойжувоз ва чиқирларга қўшилиб ишлатилган. Айниқса, давлатнинг ҳарбий қўшинлари, хусусан, сувори қисмларни от, улов билан таъмин этишда муҳим аҳамият касб этган. Ўтроқ аҳолини чорвачилик маҳсулотлари: гўшт, тери, жир ва жун билан асосан даштли чорвадор қабилалар таъмин этади. Чорва ва чорвачилик маҳсулотлари дашт ва воҳа аҳолиси ўртасида осойишталик йилларида олиб бориладиган гавжум айирбош савдонинг харидоргир молларидан ҳисобланган. Биргина хом теридан кўнчилар чарм ва ултон (қалин тагчарм) пишириб, косиблар пойабзал тиккан. Чармдан ёки теридан эгар, жабдуқ, камон, сандон (ўқдон), мешкоб (терихалта), қамчин ва дарралар ясалган. Ҳатто ийланган тери ногора, табла, доира ва торли мусиқа асбобларининг қопламаларига тортилиб, нақшларига ишлатилган. Хуллас, чорвачилик ҳунармандчиликнинг қўпгина соҳаларини хом ашё билан таъминлаб келган.

IX—X асрларда аҳолининг ҳўжалик ҳаётида ҳунармандчилик катта ўрин тутади. Мовароуннаҳр ва Хоразм шаҳарларида тўқимачилик, кулолчилик, дегрезлик, чилангарлик, заргарлик, шишагарлик ва дурадгорлик каби касб-ҳунарлар анча ривож топади. Натижада шаҳарларнинг умумий қиёфаси тубдан ўзгаради. Унда катта-катта олий иморатлар, устахоналар, масжид, мадраса, мақбара, намозгоҳ, хонақоҳ ва карвонсаройлар қад кўтаради. Эндиликда шаҳарлар илк ўрта асрларда арк (ўрда), шаҳристон (ички шаҳар) ва работ (ташқи шаҳар) деб юритилган уч қисмини ягона девор билан қамраб олган, ўндан ортиқ дарвозали каттагина ҳунарманд-



Сомонийлар давлати

чилик марказига айланади. Шаҳарнинг дўнглик ерида жойлашган арқда одатдагидек подшоҳнинг қароргоҳи — олий даргоҳ, хазина, чақа-тангалар сўқиладиган зарбхона ва қамоқхона бўларди. Унинг марказида Регистон майдони, девонлар маҳкама саройи, шунингдек, амирзодалар, сарой аъёнлари, руҳонийлар, мулкдор деҳқонзодалар ва давлатманд савдогарларнинг ҳашаматли қасрлари, подшоҳликнинг қуроляроғ, асбоб, эгар-жабдуқ ясайдиган устахоналари, ҳунармандчилик дўконлари ва савдо-расталари жойлашган эди. Бу даврда шаҳарга атроф қишлоқлардан косиблар, савдогарлар ва бошқалар келиб ўрнашиб, унинг гирди бўйлаб косиб ва ҳунармандларнинг янги-янги маҳалла-қўйлари, бозор ва расталар пайдо бўлади. Маҳалла-қўйларда заргарлар, саррофлар, тўқувчилар, кулоллар, мисгарлар, темирчилар, дурадгорлар ва бошқа шу сингари косибу ҳунармандларнинг уй-жойлари ва дўконлари бўларди. Айни даврда Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв, Шош, Кеш, Аксиқат каби шаҳарлар ўрта аср ҳунармандчилигининг ривож топган йирик марказига айланади.

Наршахийнинг ёзишича, IX асрда Бухорода арқ билан шаҳристон оралиғида подшоликнинг «байт ут-тироз» номи билан шуҳрат топган катта тўқимачилик корхонаси бўлган. Унда оқ, қизил, яшил ва қўнғир тусли матолар, палослар, дарпардалар, ёстиқ жилдлари, жойнамозлар, уст кийимликлар тўқиларди. Халифаю подшолар, амирлару раислардан тортиб деярли ҳамма амалдорларгача шу корхонада тўқилган матолардан кийинар эди.

Бу даврда Самарқанд ҳам ҳунармандчилик ва савдонинг йирик марказларидан эди. Унда айниқса мисгарлик, заргарлик ва саррожлик ривожланган. Бу ерда кумуш тусли сингин, қизил рангли мамаражил, синизи деб аталган матолар, кимхоб, шойи ва рўмоллар тўқилар эди. Самарқандда айниқса юқори навли қоғоз ишлаб чиқарилар эди. Шош ўзининг кўнчилик маҳсулотлари ва чарм моллари билан, Элоқ эса кумуш ва қўрғошин конлари ҳамда кумуш танга чиқарадиган зарбхонаси билан машҳур эди. Мовароуннаҳрнинг хўжалик ҳаётида Хоразм ҳам катта роль ўйнайди. Бу ерда ҳунармандчиликнинг кўпгина соҳалари билан бир қаторда Мовароуннаҳр учун жуда нодир ҳисобланган қайиқсозлик тараққий қилади. Хоразм ва Термизда ясалган қайиқлар Амударё

бўйлаб то Хоразм денгизигача мутгасил мол ташиб, савдогарларнинг юкини енгил, узоғини яқин қиларди.

Бу даврда шаҳарлар билан бир қаторда қишлоқлар ҳам мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида катта роль ўйнай бошлайди. Мовароуннаҳр ва Хоразм воҳаларида, кўпгина йирик қишлоқларда тўқимачилик, мисгарлик, дурадгорлик каби ҳунармандчиликнинг бир қанча соҳалари юксалади. Бухоронинг Зандана қишлоғида тўқилган малла ранг бўз «занданача», Самарқанднинг Вадор қишлоғида тайёрланган мато «вадорий» номлари билан Шарқда машҳур эди. Тўқималари ниҳоятда пишиқ, сарғиш тусдаги сидирға вадорий номли майин мато зодагон табақа вакиллари учун жуда манзур бўлган. Вадорий матодан тикилган кийимларни Хуросонда амирлар, вазирлар ва қозилар киярдилар. Вадорий кўйлакнинг баҳоси икки динордан ўн диноргача борарди.

IX—X асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг қишлоқ ва шаҳарларида айниқса кулолчилик ва шишагарлик авж олган эди. Бу даврда ясалган хилма-хил сирли ва нақшинкор сопол идишлар, рангли шиша буюмлар жуда сифатли бўлган.

Мовароуннаҳрнинг тоғли минтақаларида қадимдан давом қилиб келаётган кончилик IX—X асрларда ниҳоят даражада тараққий қилади. Шош вилояти, Фарғона водийси, Нурота, Усрушона, Хўжанд ва Зарафшон тоғларидан темир, мис, кўрғошин, олтин, кумуш, феруза ва бошқа қимматбаҳо тошлар қазиб олинарди. Элоқ вилояти кумуш ва кўрғошин олиндиغان йирик марказлардан бири эди. Ундаги Қорамозор тоғидан бу икки тур маъдандан ташқари олтин, мис, темир ва феруза қазиб олинарди. Фарғона водийси тоғлари, айниқса, фойдали қазилма бойликларга бой эди. Ундан темир, кўрғошин, кумуш, симоб, мис, қалай, феруза, навшадил қазиб чиқариларди. Ҳатто Фарғонадан ўша вақтлардаёқ тошкўмир ва нефть топилиб ишлатиларди. IX—X асрларда нефтдан кўпроқ ҳарбий юришларда фойдаланилган. Кўшинда махсус «нафтан-доз», яъни «нефть отувчи»лар бўларди. Нефть тўлдирилган пиликли кўзачаларга ўт ёқиб, душман қалъасига отилган.

Бу даврда ҳам Бадахшон тоғлари ўзининг лаъли ва ложувард конлари билан машҳур эди. Кончилик ва оҳангарлик давлат тасарруфида бўлиб, кончилик ўз замонида кўп жиҳатдан анча-мунча такомиллашган эди. Қазилма бойликлар очиқ майдондаги ҳамма бир неча юз метрли чуқурликдаги ер

ости конларидан қазиб олинарди. Конларнинг ниҳоятда чуқур қудуқлари, ҳар томонга йўналган, баланд-паст лағмлари мустаҳкамлаш, шамоллатиш ва кон ичида тўпланадиган сизотларни ташқарига чиқариб ташловчи мослама ва иншоотлар ўрнатилад эди. Қазилган рудалар сифатлиқлар воқитида юқорига чиқарилад эди. Конларнинг яқинида рудаларни эритиб, маъдан оловчи оҳангарлар ва кончиларнинг қишлоқлари бўларди. Кон қазилш ишларига асосан қуллар, маҳбуслар ва қишлоқ жамоалари сафарбар этиларди. Кончиларнинг меҳнати ниҳоятда машаққатли ва хавфли, маишати эса ўта ёмон эди. Улар тоғлар остидаги чуқур ва қоронғу конларда қорачироқлар шуъласида турли хил маъданлар рудасини қазир эдилар. Кончиларнинг бу оғир шароитда ер қаърида ҳалок бўлиши учун ҳеч ким қайғурмас эди. Қадимги конларда ўтказилган археологик тадқиқотлар жараёнида IX—X асрнинг қорачироқлари, болға, болта, чўкич, қозон ва бошқа буюмлар ҳамда топилмалар ёнгинасида одам скелетларининг учраши бунинг ёрқин далилидир.

IX—X асрларда мамлакатда, бир томондан, деҳқончилик, иккинчи томондан, ҳунармандчиликнинг ривож топиши, шубҳасиз, ўз навбатида ички ва ташқи савдонинг кенгайишига олиб келади. Бу даврда Олд Осиёни Мўғулистон ва Хитой билан туташтирган қадимги карвон йўли орқали олиб борилган ташқи савдо алоқалари, айниқса, гавжумлашиб кетади. Бағдод шаҳридан бошланган катта карвон йўли Ҳамадон, Нишопур, Марв, Омул, Бухоро, Самарқанд, Шош, Тароз, Қулон, Марке, Боласоғун, Суёб, Иссиқкўлнинг жанубий соҳили орқали ўтиб, Шарқий Туркистонга ва ундан Хитойга кириб борар эди. Бу йўлнинг Фарғона орқали ўтган жанубий, ўғузлар ёки Дашти Қипчоқ орқали Жанубий Сибирга йўналган шимолий ҳамда Хоразм орқали Волга дарёси бўйлаб Хазар ва Булғор давлатларига элтадиган шимоли-ғарбий тармоқлари, айниқса, серқатнов бўлган.

Карвонларни сув ва қўноқлар билан таъминлаб, узоқ ва машаққатли йўл азобини маълум даражада енгиллаштириш учун даштларда қудуқлар қазилиб, ҳар бир бекатда работлар бино қилинади. Карвонлар ўтадиган шаҳар ва қишлоқларда карвонсаройлар қурилади. Уларда савдогарлару сарбонлар ва уларнинг ҳамроҳ ходимларию сайёҳлар учун ҳужралар, мол-



лари учун омборхоналар, туялар, отлар, хачирлар ва эшаклар учун офилхоналар бўларди, уларда зарур ем-хашаклар ва озиқ-овқатлар сақланарди. Карвонлар ҳузурида кўпинча таржимонлар хизмат қиларди. Йўлдаги қароқчилардан карвонни муҳофаза қилиш учун баъзан хатарли жойларда уни қуролланган ҳарбий аскарлар қўриқлаб борарди.

Х асрда ташқи савдо муомаласида саррофлик чекларидан кенг фойдаланилар эди. Ўша вақтда савдогарлар ўзи билан кўп миқдорда пул олиб юрмас эди. Ўз пулини у шаҳарнинг инобатли саррофларидан бирига топшириб, ундан тегишли ҳужжат — чек оларди. Мўлжалланган шаҳарга бориш билан шу чекни саррофга бериб, унда кўрсатилган миқдордаги пулни тўлалигича қайтариб олиши мумкин эди. Ҳатто чек сўзининг ўзи ҳам форсча ибора бўлиб, ўша вақтда ҳам бу сўз айна шу маънода ишлатилар эди.

Кўчманчи чорвадор аҳолини ўтроқ деҳқончилик ва ҳунармандчилик маҳсулотлари билан таъмин этишда шимолий йўлнинг аҳамияти катта эди. Бу йўл орқали ўғузлар дашти, Жанубий Сибирь ва Мўғулистонга Мовароуннаҳрнинг шаҳар ва қишлоқларидан бўз, кийим-кечак, эгар-жабдуқ, ўқ-ёй, қилич, идиш-асбоб, заргарлик буюмлари, дори-дармон, қуруқ мева, кунжут, зиғир мойи ва бошқа шу каби моллар олиб бориларди. Сибирдан турли хилдаги қимматбаҳо мўйналар, кўчманчилар юртидан эса асосан чорва моллари ва чорвачилик маҳсулотлари келтирилар эди.

Қубо, Ўш ва Ўзган орқали Кошғарга ва ундан ички Хитой вилоятларига рангдор шиша ва шиша буюмлар, сирли нақшинкор сопол идишлар, кийим-кечак, эгар-жабдуғ, мева ва отлар, шунингдек, Ғарб мамлакатларидан келтирилган зебзийнатлар ва қурол-яроғлар олиб борилади. Хитойдан асосан ипак, шойи газламалар, кимхоб ва чинни идишлар олиб чиқилар эди. Мовароуннаҳр бозорлари орқали Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига ипак, ип ва шойи матолар, кумуш, тери, жун, кигиз, турли хил мўйналар, туя, қорамол, қўй, асир ва қуруқ мевалар олиб чиқилар эди.


IX—X асрларда Сомонийлар давлатининг Шарқий Европа мамлакатлари билан олиб борган карвон савдосида Волга дарёсининг ўрта оқимларида жойлашган хазарлар ва булғорлар билан бўлган мол айирбошлаш катта аҳамиятга эга бўлади. Бу савдода, айниқса, Хоразм муҳим ўрин тутган. Итил,

Хазар ва Булғорга Мовароуннаҳр ва Хоразмдан гуруч, қуруқ мева (ёнғоқ, майиз, ўрик ва ҳ.к.), канакунжут мойи, ширинликлар, тузланган балиқ, бўза, мушк-анбар, пахта, ип ва шойи матолар, мовут, кимхоб, гилам ва чойшаблар, қулф, камон, қайиқ ва кумуш тангалар, шунингдек, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Кичик Осиё ва бошқа мамлакатлардан келтирилган моллар чиқарила эди.

Булғор ва Хазардан қимматбаҳо моллар — мўйналар (савсар, қундуз, сассиққузон, латча, тулки, қуён ва эчки терилари), шунингдек, мум, шамлар, ўқлар, оқтерак ва қайин пўстлоқлари, чўққи қалпоқлар, балиқ мойи ва тишлари, булғори чарм қалқонлар, славян қуллари, қарчиғайлар, асал, қўй ва сигирлар олиб келинар эди. Ташқи савдо муомаласида тоҳирийлар ва сомонийларнинг кумуш дирҳамларидан кенг фойдаланилар эди.

Вилоятлараро ички савдо-сотик ҳамда мамлакатлараро карвон савдосининг авж олганлиги, шубҳасиз, ўз навбатида кўп миқдорда чақа ва тангаларнинг муомалада бўлишига олиб келади. Ички бозорларда «фалс» деб аталадиган мис чақа, халқаро савдо-сотикда эса кумуш танга — дирҳамлар ишлатиларди. Мис чақаларни марказий ҳукумат ҳам, шунингдек, сулола аъзоларидан бўлган баъзи маҳаллий вилоят ҳокимлари ҳам, ҳатто айрим йирик мулкдорлар ҳам чиқарар эдилар. Кумуш тангалар фақат ҳукумат бошлиғи номидан Марв, Самарқанд, Бухоро ва Шошда давлат зарбхоналарида сўқилар эди. Сомонийлар «исмоилий», «мусайябий», «муҳаммадий» ва «ғитрифий» номлари билан юритилган бир неча кумуш дирҳамлар чиқарган эдилар. Улар орасида «исмоилий» тангаси юқори сифатли соф кумушдан зарб этилиб, у асосан халқаро савдо алоқаларида ишлатилар ва кумуш танга ҳолида кўпроқ. Шарқий Европа мамлакатларига олиб чиқилган. Россия, Болтиқбўйи ҳудудларида археологик қазилмалар жараёнида юзлаб сомонийларнинг кумуш дирҳамлари, ўнлаб хазиналарнинг топиллиши бунинг ёрқин далилидир.

Сомонийлар ҳокимияти йирик ердорларнинг ҳамда савдогарларнинг манфаатини ҳимоя қилувчи ўрта асрларнинг мустабид давлати эди. Мамлакатдаги мавжуд ер ва сувнинг каттагина қисми зодагон табақаларга тегишли мулк ҳисобланса-да, аммо ердан фойдаланиш ва унга эгалик қилишнинг бир нечта тури мавжуд эди. Давлат тасарруфидаги ер-



Қорақонийлар давлати ва сомонийлар

лар «мулки султоний» деб юритиларди. Ҳукмрон сулола вакиллари, зодагон деҳқон ва аслзодалар тасарруфидаги катта-катта ер майдонларидан тортиб, меҳнаткаш қишлоқ аҳолисига тегишли майда хусусий ерларгача «мулк ерлари» ҳисобланарди. Масжид, мадраса, хонақоҳ ва мақбараларга вақтинча ёки абадий фойдаланиш учун бириктирилган ерлар «вақф ерлари» деб аталарди. Бундай турдаги ерлардан фойдаланувчиларнинг барчаси давлатга ҳосилнинг 1/3 ҳажмида хирож тўлар эди. Шу билан бирга олий мартабали руҳонийлар ва сайидлар қўл остида давлат солиқларидан қисман ёки тамомила озод этилган хусусий ерлар бўлар эди. Бундай турдаги ерлар «мулкхос» деб юритиларди. Бундай имгиёзга эга бўлган мулкдорлар давлатга кўпинча ҳосилнинг 1/10 сонидан «ушур» солиғини тўлар эдилар. Шунингдек, ҳукмрон сулола, олий табақа вакилларида давлат олдига хизматлари эвазига ҳадя қилинган (солиқнинг бир қисми) мулклар (вилоят, туман ёки айрим шаҳар ва қишлоқлар) иккото ёки тума ерлари деб юритиларди.

Булардан ташқари, қишлоқ жамоалари тасарруфида ҳам маълум ҳажмда ер майдонлари сақланиб, улар «жамоа ерлари» ҳисобланар эди. Бундай кўпчиликка қарашли жамоа мулкларидан лалмикор ҳамда коризлар воситасида суғориладиган сувга танқис тоғолди минтақаларида кенг фойдаланиларди.

Майда хусусий ҳамда жамоа ерларидан ташқари, барча мулкларда меҳнаткаш қишлоқ аҳолиси кадивар ёки ёлланиб коранда бўлиб ишлар эди. Корандалар IX—X асрларда «шерик» ёки «барзикор», Хуросонда эса «аккор» деб аталарди. Бу даврда катта ер эгалари кадиварларни ишлатишдан кўра, ўз ерларини барзикорларга ижарага беришни афзал кўрардилар. Ижарачиларнинг асосий қисми қишлоқ жамоаларининг кам ерли деҳқонлари эди. Улар орасида мутлақо ерсизлари бўлиб, бундай корандалар ер эгаларининг укубатли бўлса-да, ҳар қандай шартларига кўнишга мажбур эдилар. Шу сабабли корандаларнинг шерикликка эккан ерларидан оладиган ҳиссаси ҳам турлича эди. Агар барзикор ўз уруғи ва кўши билан деҳқончилик қилса, унинг ҳиссаси ҳосилнинг 1/3, 1/4 ёки 1/5 миқдорида белгиланарди. На кўшга ва на уруғликка эга бўлган ва уларнинг ҳаммасини ер эгаси ҳисобидан ишлатган коранда эса ҳосилнинг 1/10 ёки 1/12 улушига эга бўларди. Давлат солиқлари (хирож ва ушур) ер

эгасидан ҳам, корандадан ҳам алоҳида-алоҳида шу улушлар ҳисобидан олинадди. Шундай қилиб, X асрга келиб, тарих саҳнасида иккита янги ижтимоий табақа пайдо бўлади. Улардан бири катта-катта мулкларни ҳады тариқасида қўлга киритган иқтодорлар эди. Иккинчиси эса улар қўлидаги ерларни ижарага олиб, меҳнат қилувчи барзикор қўшчилар эди. Бундай ижарачилар кейинчалик коранда ёки чорикорлар деб юритилиб кетади.

Деҳқончиликнинг машаққатли меҳнатию давлатнинг асосий солиқларини гарданида тутиб турган қишлоқнинг жафокаш аҳолиси зиммасига суғориш тармоқларини мунтазам лойқадан тозалаш, каналлар қозиш, тўғонлар ўрнатиш, кўприклар қуриш, сув омборлари барпо этиш каби жамоатчилик ишлари юкланган эди. Булардан ташқари, у масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара ва карвонсаройлар каби қурилишларда, шаҳар ва қалъаларнинг муҳофаа деворларини таъмирлаш ва йўлларни тузатишда текинга ишлаб беришга мажбур эди. Айниқса, сомонийларнинг ҳарбий юришлари, ҳукмрон сулоланинг ички низолари, маҳаллий ҳокимлар бошбошдоқлик ҳаракатларининг борган сари авж олиб бориши билан узлуксиз давом этган ўзаро курашларидан аҳоли безор бўлган эди. Бундай оғир сиёсий вазият оқибатида мамлакатда иқтисодий танглик содир бўлади. У шунчалик оғир кечардики, ҳатто ҳарбийлар, шу жумладан, амирнинг туркий мунтазам соқчи навкарларига ҳам маош тўлаш учун узоқ вақт маблағ топилмайди. Бундай оғир аҳволдан чиқиш учун 942 йилда аҳолидан 2 марта солиқ ундириб олинади. Бундай тартибсизлик, шубҳасиз, мамлакатда вазиятни янада кескинлаштириб, аҳоли турли табақаларининг ҳокимиятга қарши қўзғалишига сабаб бўлади. Сиёсий вазият, айниқса, Нуҳ ибн Наср II (943–954) ва унинг набираси Нуҳ II ибн Мансур (976–997) ҳукмронлик қилган даврда ниҳоятда кескин тус олади. 947 йилда Нуҳ ибн Насрнинг амакиси Иброҳим ибн Аҳмад исён кўтаради. У сарой туркий мунтазам навкарлари ва Чағонийнинг йирик зодагон деҳқони Абу Али Чағоний ёрдамида Бухоро тахтини эгаллаб олади. Лекин жуда қисқа муддат ҳукмронлик қилади. Кўп вақт ўтмай Абу Али Чағоний бош кўтаради. Нуҳ ибн Наср қўзғолонни куч билан бостира олмайди. 952 йилда Абу Али Чағонийни аввал Чағонийнга, сўнгра Хуросонга ҳоким

қилиб тайинлашга мажбур бўлади. 961 йилда Бухоро ҳарбий лашкарларининг ғалаёни кўтарилади. Қўзғолончилар амир саройини талайдилар ва унга ўт қўйиб юборадилар. Бундай воқеаларнинг тез-тез қайтарилиб туриши, шубҳасиз, марказий ҳокимиятнинг заифлашиб қолганидан, Араб халифалигидан узил-кесил ажралиб, мустақиллигини тиклаб олган Мовароуннаҳрда ташкил топган Сомонийлар давлатининг инқирозга юз тутганидан далолат беради.

Шундай қилиб, X аср охирига келиб сомонийлар ўртасида авж олиб кетган ўзаро курашлар, Мовароуннаҳрда айрим вилоятларни, Хуросонда эса кўпгина жойларни эгаллаб олган баъзи бир маҳаллий ҳокимлар, йирик мулкдор зодагон деҳқонларнинг марказий ҳокимиятга қарши чиқишлари мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий қудратига катта пугур етказди. Натижада Сомонийлар давлати ниҳоятда заифлашиб қолади. Бу даврда Етгисув вилоятида ташкил топган Қорахонийлар давлатининг Мовароуннаҳрга томон юришларига қарши тура олмайди. Унинг шиддатли ҳамлаларига бардош бера олмай, у қулайди.

## **21-§. Қорахонийлар давлати ва қорахитойлар**

X асрнинг биринчи ярмида Етгисув ва Кошғарда яшовчи турк қабилалари: қарлуқ, чигил ва яғмоларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида катта ўзгаришлар содир бўлади. Бир тарафдан, уларнинг ўтроқ ҳаётга кўчиши кучайиб, деҳқончилик хўжалиги кенгаяди, шаҳарлар юксалади, савдо ва хунармандчилик кенгаяди. Иккинчи тарафдан эса мулкдорлик муносабатлари ривож топиб, турк жамоалари ўртасида табақаланиш кескин тус олади. Чорвадор қабилаларнинг ички ҳаётидаги бундай ўзгаришларда, шубҳасиз, бир томондан, Етгисув ва Кошғарни кесиб ўтган қадимий карвон йўли бўйлаб қад кўтарган савдо шаҳарларию воҳаларда вужудга келган деҳқончилик қишлоқлари аҳолисининг ўрни катта бўлди. Иккинчи томондан эса, қўшни Мовароуннаҳрнинг ўтроқ аҳолиси билан уларнинг яқиндан олиб борган иқтисодий ва маданий алоқалари кучли таъсир этди. Шундай қилиб, мураккаб ички жараёнлар, деҳқончилик дунёси ва карвон йўлидаги бой савдо-хунармандчилик шаҳарларининг бево-сита таъсири чорвадор турк қабилаларининг ижтимоий ҳаётида

ўрта асрлар мулкчилик муносабатларининг шаклланишида асосий омил бўлди. Бунинг оқибатида бу ҳудудларда сиёсий вазият ниҳоятда кескинлашиб кетди.

X аср ўрталарида Иссиққўлнинг жануби ва Кошғарда яшаган яғмо қабилалари кучайиб, аввал ўзларидан шимоли-шарқроқда яшовчи чигил қабилалари билан ягона иттифоққа бирлашади. Сўнгра Еттисувга хуруж қилиб, қарлуқларни бўйсундиради ва улкан ҳудудда Қорахонийлар давлатини ташкил қиладилар.

Ёзма манбаларда яғмолар турк қавмлари ичида маданий жиҳатдан энг қолоғи деб таърифланади. Улар асосан йилқичилик ва қўйчивонлик билан шуғулланар эдилар. Мўйнали ҳайвонлар ҳамда ов қушларини овлаганлар. Деҳқончилик билан кам шуғулланардилар. Яғмолар турк қабилалари орасида энг жанговари ҳисобланарди. Чигиллар эса яғмоларга нисбатан бирмунча маданийроқ ва бой қабила бўлган. Қорамол, қўй ва йилқи подаларига эга бўлишган. Кигиз ўтов уйларда яшашса ҳам қарлуқларники сингари шаҳар ва қишлоқлари бўлган. Яғмо ва чигилларга нисбатан қарлуқлар анча маданиятли аҳоли ҳисобланган. Туркий қабилаларга тегишли юртлар орасида энг обод жойларга эга бўлишган. Улар мамлакатида қишлоқлар билан бир қаторда шаҳарлар ҳам бўлган. Қарлуқларнинг айримлари мўйнали ҳайвонлар овлашган, қолганлари чорвачилик ҳамда деҳқончилик билан шуғулланган.

Қорахонийлар давлати ташкил топишида чигил ва қарлуқлар ғоят катта ўрин тутганлар. Давлатнинг юқори мансаблари ва қўшинда муҳим ўринларни эгалласалар-да, бироқ хонлик тахтига яғмо бийлари минганлар. Бу янги туркий давлатнинг подшолари «тамғачхон», «арслонхон» ва «буғрахон» унвонлари билан юритилган. Бу олий даражалар буюк ҳукмдор маъносини англатган. Буюклик ёки улуғлик эса қадимда туркий халқларда «қора» сўзи билан сифатланган, шу боисдан тахтда ўтирган Арслонхон ёки Буғрохонлар Тамғачхон ёки «Қорахон», яъни улуғ хон ҳисобланган. Улар ҳукмдорлик қилган давлат эса тарихда «Қорахонийлар давлати» номи билан шуҳрат топган. Аслида «арслон» чигил қабиласининг тотеми — аждоди ибтидоси ҳисобланган. «Буғра» эса яғмоларнинг тотеми бўлган. У оғир юк кўтарадиган бичилган туя маъносини англатган. Подшолик даражасига қабила тотемлари номлари билан нисбат берилишига қараганда,

Қорахонийлар давлатининг асосини чигиллар билан яғмо-лар ташкил этган. Давлатни бошқаришда қорахонийлар қаби-лавий удумининг оғалик тартибига қатъий риоя қилишган. Бу удумга мувофиқ қабила бошлиқлари орасида энг ёши улуғини «арслонхон» ёки «буғраҳон» даражасига кўтариб, хукмдор, яъни қорахон қилиб сайлашган. Одатда у «Тамғач-хон», яъни хонлар хони деб юритилар эди.

992 йилда Ҳасан Буғраҳон бошлиқ қорахонийлар Мова-роуннаҳрга хужум бошлайдилар. Уларнинг ҳарбий юришла-рида Шош, Фарғона ва бошқа вилоятларда яшовчи туркий қабилалар ҳам қатнашадилар. Натижада Қорахонийлар билан бирикиб кетадилар. Бу даврда сомонийлар маъмурияти ва ҳарбий кўшнлари бошқарувини ўз қўлига олган турк ҳожиб-лари, ҳатто айрим вилоятларни эгаллаб олиб, деярли муста-қил хукмронлик қилаётган турк сардорлари мамлакатни душ-мандан мудофаа қилиш ўрнига хоинлик йўлини тутиб, қора-хонийларга ён босадилар.

Қорахонийларнинг Бухорога юриши олдидан сомоний-ларнинг энг эътиборли турк лашкарбошиларидан Хуросон ноиб Абу Али Симжурий амир Нуҳ ибн Мансурдан яши-ринча Буғраҳон билан Сомонийлар давлатини бўлиб олиш ҳақида музокара олиб боради. Иккинчи Турк лашкарбошиси Аяч бошлиқ кўшин тор-мор қилинади ва унинг ўзи асирга олинади. Работи Малик яқинидаги Ҳаржан ёнида яна бир турк ҳожиб Фойиқ катта кўшин билан Буғраҳонга қарши жанг қилади. Аммо Фойиқ жанг қизгин кетаётган пайтда атайин таслим бўлади. Шу сабабли Бухоро ҳимоясиз қолади. Нуҳ ибн Мансур пойтахтни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Қорахонийлар Бухорони қаршиликсиз ишғол қила-дилар. Кўп вақт ўтмай Буғраҳон Фойиқни Термиз ва Балхга ноиб қилиб тайинлайди. Аммо Буғраҳон Бухорода узоқ тура олмайди. Касаллик уни пойтахтни тарк этиб, ўз ватани Кошғарга қайтишга мажбур этади. Йўлда у вафот қилади. Бундай қулай шароитдан фойдаланган Нуҳ ибн Мансур Бу-хорога қайтиб ўз тахтини эгаллайди. Аммо икки маҳаллий турк саркардаси Фойиқ Балхда, Абу Али Симжурий Хуро-сонда амирга қарши кўзғолон кўтаради. Ўз кучига ишонма-ган Нуҳ ибн Мансур Фазна хукмдори Собуқтакинни ёрдамга чақиради. Йигирма мингли кўшин билан у Мовароуннаҳрга етиб келади ва Нуҳ билан бирлашиб кўзғолончиларга қарши



юриш қилади. Бир неча жанглардан сўнг Фойиқ ва Абу Али қўшинлари тор-мор қилинади. Собуқтакиннинг бу ёрдами эвазига Нуҳ ибн Мансур унга «Носир уд-дин ва уд-давла», яъни «дин ва давлат ҳомийси», унинг ўғли Маҳмудга эса «Сайф уд-дин» ёки «дин шамшири» деган унвонларни тақдим этади. Шунингдек, Собуқтакинни Абу Али Симжурий ўрнига Хуросоннинг ноиб қилиб тайинлайди. Натижада Ғазна ва Хуросонда Собуқтакин ва Маҳмуднинг сиёсий ҳукмронлиги мустақамланиб, Ғазнавийлар давлати ташкил топади. Тез орада бу давлат кучайиб, Ҳиндистон чегарасидан Амударёгача бўлган ерларни эгаллайди.

996 йилда қорахонийлар Мовароуннаҳрга яна ҳужум бошлайдилар. Уларга Наср ибн Али бошчилик қилади. Нуҳга ёрдам бериш учун Собуқтакин, Чағониён, Фузгон ва Хутгалон ҳокимларининг бирлашган қўшинларидан иборат катта куч билан Кешга етиб келади. Нуҳнинг ҳам ўз қўшини билан унга қўшилишини талаб қилади. Бу сомонийлар амирининг ҳукмдорлик ҳуқуқларини менсимаслик ва очиқдан-очиқ унга қарши чиқиш эди. Нуҳ, шубҳасиз, бундан бош тортади ва фармойиш юбориб, Собуқтакинни Бухорога чақиртиради. Бунга жавобан Собуқтакин қўшин юбориб Бухорони эгаллайди. Сўнгра у Қорахонийлар билан музокаралар олиб боради. Натижада улар ўртасида шартнома тузилиб, унга мувофиқ Сирдарё ҳавзаси қорахонийлар қўлига ўтади. Собуқтакин эса Амударёдан жанубдаги ерлар, шу жумладан, Хуросонга ҳукмдор бўлиб олади. Сомонийларга Мовароуннаҳрнинг марказий қисмигина берилади, холос. Бироқ кўп вақт ўтмай қорахонийлар Бухорони босиб олади. Гарчи сомонийлар то 1005 йилгача Самарқанд ва Бухорони қайтариб олишга уринган бўлсалар-да, аммо 999 йилда Бухоронинг Наср Элоқхон томонидан забт этилиши билан сомонийлар ҳукмронлиги барҳам топган эди. Шундай қилиб, X аср охирида Сомонийлар давлати ўрнида иккита янги давлат ташкил топди; бири Кошғардан Амударёгача чўзилган Шарқий Туркистоннинг бир қисмини, Еттисув, Шош, Фарғона ва қадимги Суғдни ўз ичига олган Қорахонийлар давлати; иккинчиси эса Шимолий Ҳиндистон чегарасидан тортиб Каспий денгизининг жанубий қирғоқларигача бўлган вилоятларни қамраб олган Ғазнавийлар давлати эди.

Гарчи Амударё бу икки турк давлатлари ўртасидаги чегара деб белгиланган бўлса-да, аммо қорахонийлар Хуросонни забт этилган юртнинг ажралмас қисми деб ҳисоблаб, уни ўз давлатига кўшиб олиш учун ҳаракат қиладилар. Орандан кўп вақт ўтмай қорахонийлар билан ғазнавийлар ўртасида шиддатли урушлар бошланади. 1006 ва 1008 йилларда қорахонийлар Хуросон устига икки марта кўшин тортадилар. Балх, Тус ва Нишопур шаҳарлари забт этилади. Уларнинг ҳарбий юришини Султон Маҳмудга қарши бўлган Хуросоннинг мулкдор зодагонлари қўллаб-қувватлайдилар. Лекин Маҳмуд Ғазнавий қорахонийларга зарба бериб, Хуросонни ўз давлати тасарруфида сақлаб қолишга муваффақ бўлади. 1017 йилда Маҳмуд Хоразм устига лашкар тортиб, уни босиб олади. Шундай қилиб, Хоразм мустақил давлат сифатида барҳам топади.

Бу даврда Сирдарё этакларида яшовчи ўғузлардан ажралиб салжуқийлар номи билан Хуросонга бориб ўрнашган туркман қабилалари кучайиб, ўз вақтида уларга ер бериб, ҳомийлик қилган ғазнавийларга қарши тазйиқ кўрсатадилар. Салжуқийлар билан жиддий кураш бошланади. Бундай вазиятдан фойдаланган қорахонийларнинг маҳаллий ҳукмдори Иброҳим Бўритакин 1038 йилда Амударё бўйи вилоятлари — Ҳутталон, Вахш ва Чағониённи ғазнавийлардан тортиб олади. Кўп вақт ўтмай у Мовароуннаҳрни ва Фарғонани ўзига бўйсундириб, мустақил сиёсат юрита бошлайди. Натижада, қорахонийлар икки мустақил давлатга ажралиб кетади. Бири пойтахти Боласоғунда бўлган Шарқий қорахонийлар, иккинчиси маркази Самарқандда бўлган Мовароуннаҳрдаги Қорахонийлар давлати эди. Бу ғалабалардан сўнг Иброҳим Тамғач буғраҳон унвонига сазовор бўлади.

1040 йилда Марв билан Сарахс оралиғида — Дандонакон деган жойда ғазнавийлар билан салжуқийлар кўшинлари тўқнашадилар. Бўлиб ўтган шиддатли жангда Масъуд Ғазнавий қақшатқич зарбага учрайди. Салжуқийлар Ғазнавийлар давлатининг асосий қисми ҳисобланган шимолий ва ғарбий вилоятларни эгаллаб оладилар. Улар тасарруфида Ғазна, Кобул, Қандаҳор ва Панжоб вилоятларигина қолиб, у кичик мулкка эга бўлган давлатга айланади. Саркарда ва ҳукмдор Тўғрулбек замонида (1038—1063) Хоразм, Ироқи Ажам

(Ироқнинг Эрон ҳудудидаги қисми), Озарбайжон, Курдистон ва Кўҳистон забт этилади. 1055 йилда салжуқийлар Бағдодда ўз сиёсий ҳукмронликларини ўрнатадилар. Халифа эса фақат диний ишлардагина мутасадди бўлиб қолади. Рай шаҳри Салжуқийлар давлатининг пойтахтига айлантирилади. Салжуқийлар билан қорахонийлар ўртасидаги муносабатлар даставвал яхши бўлса-да, аммо кейинчалик кескинлашиб кетади. Хоразм томондан улар Ҳутталон, Чағониён, Жанд ва Савронга юриш қилиб, қорахонийлар билан бир неча бор тўқнашадилар. Бу икки турк давлатлари ўртасида шиддатли жанглар бўлиб ўтади. Ҳатто 1130 йилда салжуқийлар султони Санжар Мовароуннаҳрга лашкар тортиб Қорахонийлар давлатининг пойтахти Самарқандни ишғол этади. Натижада қорахонийлар Султон Санжарга тобе бўлиб қоладилар.

Қорахонийлар давлатни эл-юрт ва вилоятларга бўлиб идора қиладилар. Эл-юрт ҳокимлари «элоқхон», вилоят ноиблари эса «такин» деб юритилар эди. Вилоят ҳокимлари фақат қорахонийлар хонадонининг элоқхон унвонига сазовор бўлган аъзоларидан сайланган. Элоқхонлар ўз номлари билан чақа-тангалар зарб қилар ва вилоятларнинг мустақиллиги учун интилар эдилар. Мовароуннаҳр элоқхони қорахоний элоқхонлари орасида катта обрўга эга эди. У одатда Самарқанд тахтида ўтирарди. Вилоят бошқаруви маъмуриятида сомонийлар давридагидек вазирлар, соҳиббаридлар, муставфийлар хизмат қиларди. Шаҳарлар эса шаҳар ҳокими — раиси ва муҳтасиблари томонидан бошқариларди. Қорахонийлар мамлакатда ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаб олишда мусулмон руҳонийлари билан яқин ва дўстона муносабатлар ўрнатадилар. Бу даврда имомлар, сайидлар, шайхлар ва садрларга эътибор кучайиб, уларнинг обрўи ҳар қачонгидан ҳам баландга кўтарилади.

Қорахонийлар ҳукмдорлари гарчи ўтроқ ҳаётга кўчмаган бўлсалар ҳам, деҳқончилик воҳалари ва шаҳарларнинг маданий аҳамиятини яхши англаб эдилар. Улар Боласоғун, Кошғар, Тароз, Ўзган, Самарқанд ва Бухоро каби шаҳарларни давлат ёки вилоят пойтахтига айлантириб, йирик шаҳарлар билан яқиндан алоқа боғлашга ҳаракат қилардилар. Бироқ шунга қарамасдан ўз подалари билан Мовароуннаҳрга кириб келган кўчманчи чорвадорлар деҳқончилик майдонларини топтаб,

оёқ ости қилардилар. Ерларнинг талайгина қисми — яйловлар ва яйловга айлантирилган экинзорлар қорахонийлар хонадонининг таянчи ҳисобланган турк қабилаларининг асосий мулкига айлантирилади. XI асрда Мовароуннаҳрда, айниқса, Зарафшон водийсида кўпгина далалар, полиз ва боғлар барбод бўлади. Экин майдонлари қисқариб кетади. Бундай шароитда мулкдор деҳқонлар билан чорвадор кўчманчилар ўртасида зиддият кучайиб, деҳқонларга қарши кураш кескин тус олади. Қорахонийларнинг тазйиқи оқибатида мулкдор деҳқонлар жон сақлаш мақсадида ўз ерларини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Наршахий асарининг таржимони Абу Наср Аҳмаднинг ёзишича, унинг замонида Бухоро ва унинг атрофидаги ерларнинг қадри шунчалик тушиб кетган эдики, ҳатто уни текинга ҳам берар эдилар, аммо у ерларни ҳеч ким олишни истамас эди. Агар бирор одам ер олса фуқаролар бошига тушган зўрлик ва жабр-жафолар орқасида у ер ҳам экилмай бўш қоларди. Бундан маълумки, ўша замонда нуфузли мулкдор деҳқонларга нисбатан зўрлик чоралари ҳам қўлланилган экан. Шундай қилиб, XI—XII асрларда мулкдор деҳқонлар ер-сув мулкларидан ҳамда мамлакатда тутган сиёсий мавқеларидан ажралиб, катта ер эгалари сифатида жамият ҳаётида ўзининг аҳамиятини бутунлай йўқотадилар. Шундан кейин «деҳқон» деган ном ўзининг «қишлоқ ҳокими»ни англатувчи асл маъносини йўқотиб, қишлоқ меҳнаткашлари учун умумий номга айланиб кетади.

Зодагон деҳқонлардан мусодара қилинган ерлар давлат тасарруфига ўтказилиб «мулки султоний», яъни давлат ерига айлантирилади. Бундай ерлар, шубҳасиз, давлат хазинасини тўлдирадиган даромадларнинг манбаи ва маълум муддатда фойдаланиш учун вақтинча бериладиган шартли ер инъомлари — иқто учун асосий фонд бўлиб хизмат қиларди.

XI асрдан бошлаб ердан фойдаланишда иқто тартиботи жуда кенг ёйилади. Қорахонийлар томонидан ҳукмрон сулола намояндalarидан ташқари, олий даражада ҳарбийлар, давлат маъмурлари ва маҳаллий зодагонларга ҳам катта-катта ер майдонлари иқто тарзида ҳадя қилинади. Иқто тартиби, қорахонийлар учун бўйсундирилган мамлакатлар аҳолисидан тегишли солиқларни ундириб, уни бошқаришнинг энг қулай

шакли ҳисобланган. Чунки иқто даромадларни муттасил олиб туришни таъминлар ва иқтодорни ўз амлокида доимо муқим ўтиришга мажбур қилмас эди. Катта-катта пода ва отарларга эга бўлган, истило қилинган мамлакатларда серкўкат яйловларни тортиб олиб, уларга эгалик қилаётган ҳарбий зодагонлар айниқса даштда яшаб иқтога берилган мулклардан даромадлар олиб туришдан ниҳоятда манфаатдор эдилар. Бу даврда иқто тартиби шунчалик кенгайдик, фақат айрим қишлоқларгагина эмас, балки бутун бир вилоят ва йирик шаҳарлардан олинадиган даромадлар ҳам иқто тарзида инъом қилиб бериладиган бўлади. Иқто тартиби кенг қўлланиши билан у вақтинчалик инъомдан умрбод фойдаланишга, бора-бора ҳатто авлоддан-авлодга ўтадиган меросий мулкка айлана бошлаган. Шундай қилиб, XI—XII асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда мулкчиликнинг янги тури — иқто ерлари кенгайиб, унинг асосий шаклиларидан бирига айланади.

Бу даврга келиб мусулмон руҳонийларига бўлган эътиборнинг кучайиши ва мамлакатда уларнинг сиёсий таъсирининг тобора ортиб бориши билан вақф ерлари анча кўпаяди. Бироқ майда хусусий мулклар турли воситалар орқали йирик ердорларнинг тасарруфига ўтиб, уларнинг майдони камайиб боради. Шундай қилиб, XI—XII асрларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда тўрт турдаги ер эгаллиги: мулки султоний — давлат ерлари; иқто — давлат томонидан инъом этилган ерлар; вақф ерлари — масжид ва мадрасаларга тегишли ерлар; мулк ерлари — шахсий ерлар мавжуд бўлган. Ерларнинг барча турларида ҳам барзикор (қўшчилар) ёлланиб ижарага ишлаган. Ўз меҳнати учун улар ижара ҳақиға етиштирилган ҳосилнинг 0,3 қисмини олган, ҳосилнинг яна 0,3 миқдори давлат солиғи ҳисобига тўланиб, қолган қисми ер эгасига теккан. Гарчи бу даврда барзикорлар илк ўрта асрлардаги кадиварларга нисбатан озод ҳисоблансалар-да, аммо уларнинг зиммасига давлат томонидан турли ўлпонлар ва ҳар хил мажбуриятлар юкланган. Суғориш тармоқлари, тўғонлар, йўл ва қалъалар қуриш ва уларни таъмир этишда уларнинг иштироки шарт эди.

XI—XII асрларда шаҳарлар кенгайди, аҳолининг сони кўпайиб, улар янада гавжумлашади. Самарқанд, Бухоро, Термиз, Ўзган, Тошкент, Марв, Обивард ва Нисо каби шаҳарлар ички ва ташқи савдо учун хилма-хил ҳунармандчилик



Ғазнавийлар давлати ва сомониийлар

маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган ҳамда чақа-тангалар воситаси билан олиб бориладиган бозор тижоратининг марказига айланади. Шаҳарлар марказида шоҳона саройлар, масжид, минора ва ҳаммомлар каби кўплаб монументал иморатлар қад кўтаради. Шаҳар ичи ва унинг гирдида савдо ва хунармандчилик маҳаллалари, карвонсаройлар барпо этилади. Бу даврда шаҳарларда айниқса кулолчилик, шишагарлик ва чилангарлик ривож топади. XI—XII асрларнинг сирли, кошинкор ва қабартма нақшли сополлари, рангдор шиша буюмлари, нақшинкор мис идишлари ўзининг хилма-хиллиги ва юқори даражада нафислиги билан ажралиб туради.

Хунармандчиликнинг тараққий этиши ҳамда ички ва ташқи савдонинг кенгайиши билан бозор тижоратида пулга талаб ошади. Натижада қорахонийлар ва уларнинг вилоят ҳокимлари — элоқхонлар томонидан кумуш ва мисдан кўплаб чақа ва тангалар зарб қилинади. Ўша вақтларда Боласоғун, Тароз, Ўзган, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарларда пул ишлаб чиқариладиган зарбхоналар бўлган. Мовароуннаҳр ва Хуросонда қорахонийларнинг олтин, кумуш ва мис чақа-тангалари ҳамда динорлари билан бир қаторда, ҳатто салжуқийлар, хоразмшоҳлар ҳамда ғазнавийлар томонидан сўқилган тангалар ҳам муомалада юрган.

Демак, XI—XII ва XIII аср бошида Мовароуннаҳр ва Хуросонда товар-пул муносабатлари ниҳоятда ривож топиб, у мамлакатнинг деярли ҳамма узоқ ва яқин вилоятларини қамраб олган эди.

Мамлакатни вилоятларга бўлиб бошқариш ва иқто тартиботининг кенг жорий этилиши айрим вилоятларнинг сиёсий мавқеини ошириб, уларнинг мустақилликка бўлган интилишини кучайтирди. Бунинг оқибатида сиёсий жиҳатдан тобора заифлашиб бораётган Қорахонийлар давлати ўзининг аввалги мавқеини йўқотиб, салжуқийлар тазйиқига учрайди ва унга қарам бўлиб қолади. XII асрнинг 30-йиллари охирига келганда ўрта асрнинг бу буюк турк давлати Шарқдан келган янги истилочилар — кўчманчи қорахитойлар ҳужумига дучор бўлиб, парчаланиб кетади.

Қорахитойларнинг келиб чиқиши тўғрисида фанда ягона фикр мавжуд эмас. Баъзи тадқиқотчилар уларни Сибирнинг тунгус аҳолисига, бошқалар эса мўғулларга мансуб деб ҳисоблайдилар. Қорахитойлар қарийб 40 минг чодирли қабила,

яъни тахминан 150–200 минг нафар аҳолидан иборат бўлган. Даставвал улар Етгисув вилоятини ишғол қилиб, то Энасой (Енисей) дарёсигача бўлган ерларни ўз ичига олган каттагина давлатни барпо этадилар. Боласоғун шаҳарини улар Қорахитойлар давлатининг пойтахтига айлантирадилар. Подшоҳлари «ғўрхон» деб юритилар эди.

Етгисувда жойлашиб олган қорахитойлар тез орада Сирдарёнинг ўрта оқими томон ўз юришларини бошлаб юборадилар. Уларнинг жанговар кўшинлари аввал Шош ва Фарғонага, сўнгра Зарафшон ва Қашқадарё вилоятига бостириб киради. 1137 йилда улар Хўжанд шаҳри яқинида қорахонийларнинг элоқхони Маҳмудга қақшатқич зарба берадилар. Ўзаро сулҳ тузилиб, қорахонийлардан катта ўлпон олингач, ўз юртларига қайтиб кетадилар. Лекин сулҳ узоққа чўзилмайди. Орадан тўрт йил ўтгач улар яна Мовароуннаҳрга юриш қиладилар. Бу сафар Самарқанд яқинида, Қатвон чўлида қорахитойларга қарши салжуқийлар билан қорахонийларнинг бирлашган кучлари ўртасида шиддатли жанг содир бўлади. Жангда ҳар икки томондан қарийб 30 минг нафар аскар шаҳид бўлади. Босқинчилар ғалаба қозонади. Султон Санжар ва Элоқхон Маҳмуд Термизга чекиниб жон сақлайдилар.

Бу ғалабадан сўнг қорахитойлар аввал Самарқандни, сўнгра Бухорони эгаллайдилар. Бироқ Қорахонийлар давлатини узил-кесил барбод қилиб, Мовароуннаҳрни батамом босиб олмайдилар. Ғолиб кўчманчилар маҳаллий аҳолининг ҳар хонадонидан йилига бир динор ҳажмда солиқ йиғиб олиш тартибини жорий этиш билан кифояланадилар, холос. Бу вазифани қорахонийларнинг вилоят ноиблари ёки маҳаллий ҳокимлар бажарар эди.

Қатвон чўлидаги мағлубият оқибатида Мовароуннаҳрда сиёсий вазият тубдан ўзгаради. Авваламбор ўз мустақиллигини йўқотган Қорахонийлар давлати парчаланиб, бир нечта вилоят ҳокимликларга бўлиниб кетади. Мамлакатда тарқоқлик кучаяди. Қолаверса, Султон Санжарнинг ҳам буюк давлати кескин зарбага учраб, салжуқийларга қарши курашаётган Хоразмнинг мустақиллик учун олиб бораётган жангу жадаллари авж олиб кетади.



## 22-§. Хоразмда Ануштакинлар давлатининг ташкил топиши ва унинг юксалиши

1017 йилда Маҳмуд Фазнавий томонидан забт этилиб, ўз мустақиллигидан маҳрум бўлган Хоразм кўп вақт ўтмай (1044) Салжуқийлар давлатига қарам бўлиб қолади. Салжуқийлар ҳукмдори Маликшоҳ ўз маъмурларидан Ануштакинни Хоразмга ноиб қилиб тайинлайди. Ануштакин вафотидан сўнг Хоразмда унинг вориси Қутбиддин Муҳаммад (1097–1127) ноиблик қилади. Гарчи у «хоразмшоҳ» унвонини тиклаб, бундай жарангдор ном билан улуғланса-да, аммо Султон Санжарга садоқатли ноиблигича қолган эди.

Хоразмнинг мустақиллиги учун кураш XII асрнинг иккинчи чорагида бошланади. У Қутбиддин Муҳаммаднинг ўғли Отсиз (1127–1156) номи билан боғлиқдир. Моҳир дипломат ва ғайратли лашкарбоши Отсиз ва унинг ворислари Хоразмни салжуқийлар тасарруфидан ажратиб олиб, унинг мустақиллиги йўлида Мовароуннаҳр ва Эронда содир бўлган ҳар қандай қулай сиёсий вазиятдан фойдаланадилар. Даставвал Отсиз туркман ва қипчоқларни ўзига бўйсундиради. Хоразм билан иқтисодий жиҳатдан боғлиқ бўлган Сирдарё этаклари ва Манғишлоқ ярим оролини эгаллайди. Қанғли ва туркманлардан кучли ёлланма қўшин ташкил этиб, бир неча бор Султон Санжарга қарши исён кўтаради. Шундай қилиб, Отсиз Каспий денгизи соҳилларидан то Сирдарёнинг ўрта оқимига қадар ерларда кейинчалик буюк давлат сифатида шуҳрат топган Хоразмшоҳлар давлатининг пойдеворини барпо этади.

Отсизнинг сиёсатини унинг ворислари Эларслон (1156–1172) ва Алоуддин Такаш (1172–1200) давом эттиради. XII асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва Хуросонда сиёсий вазият янада кескинлашади. 1153 йилда Султон Санжарга қарши кўчманчи ўғузлар исён кўтарадилар. Бунинг оқибатида Салжуқийлар давлати кескин зарбага учраб, парчаланиб кетади. Даставвал ундан Кичик Осиё ва Карман ажралиб кетади, сўнгра Форс, Озарбайжон ва Хуросон вилоятлари мустақил бўлиб олади. Бундай сиёсий вазиятда, шубҳасиз, Хоразмнинг ҳукмронлик доираси кенгайтирилиб, унинг мустақиллиги янада мустаҳкамланади. Хоразм давлати айниқса Отсизнинг набираси Такаш даврида жуда кенгайди. 1187–1193 йилларда у Нишопур, Рай ва Марв шаҳарларини босиб олади. 1194 йилда эса салжуқийлар султони Тўғрулга

қақшатқич зарба бериб, Эронни Хоразмга бүйсундиради. Орадан бир йил ўтгач, Такаш халифа аскарларига зарба бериб, Ироққа бостириб киришга муваффақ бўлади. Аммо Хоразм аскарларининг тажовузкорона хатти-ҳаракати Ироқда аҳолининг кўзғолон кўтаришига сабаб бўлади. Натижада Такаш қўшинининг каттагина қисми қириб ташланади. Шундай қилиб, ўрта асрларнинг истеъдодли давлат арбобларидан ҳисобланган Такаш Олд ва Ўрта Осиёда Хоразмшоҳлар давлатидек йирик ва қудратли ҳокимликни барпо этади. Унинг замонида Хоразм давлатининг худудлари икки баробар кенгаяди.

Такашдан сўнг унинг ўғли Султон Муҳаммад (1200–1220) ҳам Хоразм давлатини кенгайтириш сиёсатини давом эттиради. Даставвал у Ҳирот ва унинг атрофлари ҳамда Хуросоннинг Хоразм давлати тасарруфига киритилмаган вилоятларини забт қилишга киришади. Айниқса, у қорахонийларга зарба бериб, Мовароуннаҳрни улар қўлидан тортиб олишга ҳаракат қилади. Бу даврда Мовароуннаҳр вилоятлари турли сулолавий хонадонлар томонидан идора қилинар эди. Мамлакатнинг меҳнаткаш аҳолиси, бир томондан, қорахитойлар хазинасига юбориладиган турли солиқларни тўлашга мажбур эди. Иккинчи томондан эса маҳаллий ҳукмдорларнинг чексиз талон-гаражларига дучор эди. Бунинг устига тўхтовсиз урушлар халқ хўжалигини хонавайрон қилиб, аҳоли ҳаёти-ни оғир тангликка солиб қўйган эди. Бу жиҳатдан, айниқса, Бухоро меҳнаткашларининг аҳволи жуда оғир эди.

Маълумки, қорахонийлар ҳукмронлиги қулагач, Бухоро вилоятида диний ва дунёвий ҳокимият руҳоний садрларнинг қўлига ўтган эди. Бухоро ва унинг теваарак-атрофидаги катта ер майдонлари, масжид, мадраса ва хонақоҳларнинг вақф мулклари уларнинг тасарруфида эди. Бухоро шаҳрида эса дўкон, карвонсарой, ҳаммом ва тегирмонларга эгалик қилар эдилар. Шаҳар саррофлари ва хунармандлари кўп жиҳатдан садрларга қарам эдилар. Мамлакатлараро карвон савдосида улар фаол иштирок қилиб, салмоқли даромаднинг фойдахўри эдилар. Айрим маълумотлар бўйича, уларнинг йиллик даромади юз минг динорга тенг эди. Деҳқончилик ерларидан йиғиб олинадиган солиқ, вақф мулклари, шаҳар хунармандчилиги, карвон тижорати ва савдо дўконлари ҳамда тегирмонлардан тушадиган даромадлар ҳисобига уларнинг қўлида беҳисоб бойликлар тўпланган эди. Бухоро садри Муҳаммад ибн Абдулазиз халқ орасида ўз таъсирини кучайтириш

мақсадида ҳузурида 600 нафар фақиҳ (ҳуқуқшунос)ларни тутиб турар эди. Бироқ халқ ўртасида унинг обрўси ҳам, таъсири ҳам кўтарилмади, балки ҳурмат қилиш ўрнига ҳамма ундан нафратланди. Чунки у меҳнаткаш аҳолига нисбатан гоят шафқатсиз эди. Оқибатда унинг «садри жаҳон» унвони халқ ўртасида «садри жаҳаннам» лақабига айлантирилган эди. Бухоро меҳнаткаш аҳолисининг садрларга қарши норозилиги уларни кўзғалишга олиб келади. Кўзғолон 1206 йилда Бухоро шаҳрида кўтарилади. Унга қалқон ясовчи хунарманд Санжар бошчилик қилади. Кўзғолончилар Садр ва унинг оиласини Бухородан қувадилар. Унинг мол-мулкларини талайдилар. Садр қочиб, ҳомийси қорахитой гўрхони ҳузурига нажот истаб боради. Аммо ундан Бухоро ҳукмронлигини садрларга қолдириш ҳақидаги ёрликдан ўзга ҳеч қандай ёрдам ололмайди. Мовароуннаҳрда ҳукмронлик қилаётган қорахитой гўрхонларига қарши юришга баҳона излаб турган Хоразмшоҳ Муҳаммад Бухородаги воқеалардан хабар топгач фурсатдан фойдаланиб, тезда кўзғолончилар устига аскар тортади. Кўзғолон ҳарбий куч билан бостирилади. Бухоро Хоразмшоҳлар давлатига бўйсундирилади. Бухорони эгаллагач, Муҳаммад Хоразмшоҳ вилоятларни, биринчи навбатда Самарқандни қорахитойлар асоратидан озод қилишга отланади. Худди шу даврда Чингизхон таъқибидан қочиб, Мўғулистондан Етгисув вилояти томон чекинган найман сардори Кучлук қарлуқлар билан бирлашиб, қорахитойларга қаттиқ зарба беради. 1210 йилда ҳатто гўрхоннинг Ўзгандаги хазинасини кўлга киритади. Бундай қулай вазиятдан фойдаланган Хоразмшоҳ Самарқанд ҳукмдори Усмон ибн Иброҳим билан бирлашиб, Етгисувга томон аскар тортади. Иттифоқчилар Талос водийсида гўрхон қўшинлари билан тўқнашадилар. Жангда Хоразм аскарлари кўп талафот берган бўлса-да, икки томондан зарбага учраган гўрхон аскарлари енгилди. Ҳатто қорахитойлар қўшинининг кўмондони Таянгу асирга олинади. Етгисувга қадар ерлар Хоразмшоҳлар давлатига қаратилади. Шундай қилиб, XIII аср бошида Хоразм жуда кенг майдонни эгаллаган буюк давлатга айланган эди. Унинг шимоли-ғарбий чегараси Орол ва Каспий денгизи соҳилларидан жануби-ғарбда Ироққа қадар борар эди, жануби-шарқий ҳудудлари Фазна вилоятидан, шимоли-шарқий чегараси эса Етгисув ва Дашти қипчоқдан ўтар эди. Мусулмон Шарқининг бу улкан давлатининг пойтахти Урганч

шаҳри эди. Хоразмшоҳ саройида 27 ҳукмдор ва уларнинг вакиллари итоат камарини боғлаб, олтин ноғора чалар ва буюк давлатнинг тождорини «Искандари Соний» (Иккинчи Искандар) деб аташмоқда эди. Аммо бу дабдабали ҳокимият ўрта асрлардаги барча мустабид давлатларга хос хусусиятга эга эди. Хусусан, у маҳаллий ҳукмдорлар, йирик мулкдорлар, кўчманчи уруғ ва қабилаларнинг кучли бошбошдоқлик ҳаракатлари гирдобига чулғаниб қолган эди.

Қорахитойлардек чет элликлар зулму асоратидан озод бўлиб, Мовароуннаҳр аҳолисининг Хоразм тупроғида ягона марказга бирлашиши, шубҳасиз, ижобий тарихий воқеа эди. Аммо бу билан меҳнаткаш аҳолининг аҳволи энгилашмади. Аксинча, хоразмшоҳларнинг ҳарбий юришлари, талончиликдан иборат солиқ сиёсатидаги бебошлик, амир ва маъмурларнинг жабру зулми мамлакат фуқароларининг моддий аҳволини ғоят оғирлаштириб, халқ хўжалигини янада заифлаштирди. Бу, шубҳасиз, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларининг хоразмшоҳларга қарши норозилигини оширди. Натижада, 1210 йилда Ўтрор ҳокими Тожиддин исён кўтарди.

1212 йилда эса Хоразмшоҳга қарши самарқандликлар кўзғолон кўтариб, Хоразм маъмурлари ва аскарларининг кўпчилигини қириб ташлайдилар. Кўзғолонда Самарқанд ҳокими Усмон ҳам қатнашади. Муҳаммад Хоразмшоҳ кўзғолонни шафқатсизлик билан бостиради. Шаҳар 3 кун таланиб, Усмон қатл этилади ва аҳолиси қаттиқ жазоланади. Жувайнийнинг ёзишича, ўша кунларда Самарқандда 10 минг киши ўлдирилган. Самарқанд кўзғолони бостирилгач, Хоразмшоҳ Мовароуннаҳрнинг бошқа вилоятларидаги қорахоний ноибларнинг барчасини қатл қилишни буюради. Фарғона олиниб, Ўзган ва Самарқанд шаҳарларида Муҳаммад Хоразмшоҳ номи билан тангалар зарб этилади. Бу, шубҳасиз, Мовароуннаҳрда қорахонийлар сулоласи ҳукмронлигининг узил-кесил тугатилганини намойиш этар эди.

Бироқ, ўзаро қизгин кураш ва вилоят ҳукмдорларининг исёнлари давом этаётган, халқнинг кўпгина табақалари норозилигига дучор бўлган, қўшин ва саройда фитналар кучайган бир вазиятда яшаган Шарқнинг бу буюк давлати фақат ташқи кўринишдангина кучли туюлар эди. Шунинг учун ҳам бу давлат кўп яшамасди. Чингизхон бошлиқ мўғулларнинг ҳужумига бардош бера олмай, у тез фурсатда қулади.

## IV БОБ. МОВАРОУННАҲРНИНГ МАДАНИЙ ҲАЁТИ ВА ФАН (IX—XIII АСР БОШЛАРИ)

### 23-§. Ўрта аср мутафаккирлари ва фан тараққиёти

IX—XIII аср бошларидан Мовароуннаҳр ва Хуросонда содир бўлган ўта мураккаб сиёсий вазиятнинг тадрижий ривожига ва у билан чамбарчас боғлиқ ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар мамлакат аҳолисининг маданий ҳаётига ҳам кучли таъсир этди.

Маълумки, Мовароуннаҳр истило этилиб, халифаликка қўшиб олинган, забт этилган ўзга мамлакатлар қаторида, бу ўлкада ҳам фақат исломгина эмас, балки араб тили ва унинг имлоси ҳам жорий этилди. Чунки араб тили халифаликнинг давлат ҳамда мафкураси бўлган ислом дини тили эди. Шунингдек, ҳудудлари кенгайиб жаҳондаги энг йирик давлатга айланган Араб халифалигида давлат тили фан тили ҳам эди. Шу боисдан қадимий маданий анъаналарга бой Ажам ва Мовароуннаҳрда кўп жиҳатдан араб тилининг моҳияти ошиб, уни ўзлаштиришга бўлган интилиш кучли бўлди. Исломни қабул қилган аҳолининг кўпчилигига эъ араб тили билан мулоқоти, гарчи фақат ибодат вақтларида Куръони Каримнинг қисқа сураларини тиловат қилишдан иборат бўлса-да, аммо маҳаллий зодагонлар араб тилини халифалик маъмурлари билан яқинлаштириш ва мамлакатда ўз сиёсий фаолиятини тиклаб, уни мустақамлашнинг гарови деб ҳисоблайдилар, уни ўзлаштиришга астойдил киришадилар. Араб тилига бўлган бундай эҳтиёж ва интилиш туфайли кўп вақт ўтмай Мовароуннаҳрда ҳам ҳатто ўз она тилидан кўра араб тили ва ёзувини яхшироқ ўзлаштириб олган билимдонлар пайдо бўлади. Ўз навбатида, чегаралари борган сари кенгайиб улканлашиб бораётган халифалик учун ҳам илм ва илм аҳли сув ва ҳаводек зарур эди. Давлатни бошқаришда аббосийлар маъмурияти айниқса кўплаб билимдон сиймоларга муҳтож эди. Чунки араблар орасида бу пайтда давлат ишига яроқли бўлган билимдонлар ҳали оз, бори ҳам заиф эди. Шу боисдан Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросонда ма-

ҳаллий тилларда ёзилган асарлар йўқ этилиб, ерли билимдонлар қувғин остига олиб турилган бир пайтда бу мамлакатнинг кўпгина толиби илмлари халифаликнинг марказий шаҳарлари — Дамашқ, Қоҳира, Бағдод, Куфа ва Басрага бориб билим олишга ва араб тилида ижод қилишга мажбур бўладилар. Бу даврда айниқса Бағдод шаҳри Шарқнинг йирик илм ва маданият маркази эди. IX асрда бу шаҳарда Шарқнинг ўзига хос Фанлар Академияси «Байт ул-ҳикма» («Донишмандлар уйи») ташкил этилган эди. «Байт ул-ҳикма» да катта кутубхона ҳамда Бағдодда ва Дамашқда астрономик кузатишлар олиб бориладиган расадхоналар мавжуд эди. Бу илм даргоҳига жалб этилган толиби илмлар тадқиқотлар билан бир қаторда қадимги юнон, форс ва ҳинд олимларининг улкан меросини тўплаш, асраш ва уларни араб тилига таржима қилиш билан шуғулланадилар. Қарийб икки аср мобайнида фаолият кўрсатган жаҳонга машҳур бу илмий даргоҳнинг кўп сонли олиму фузалолари орасида Масаржавайҳ, Муҳаммад Фазорий, Фазл Навбахт, Ёқуб Киндий ва кўпгина бошқалар каби бир нечта чет тилларни мукаммал биладиган етук таржимонлар фаолият кўрсатганлар.

Бу даврда «Байт ул-ҳикма»да Мусо Хоразмий, Яҳё ибн Абу Мансур, Холид Марварудий, Аҳмад Фарғоний, Абдуллоҳ ат-Турк, Абу Холид Соғуний, Қафғол Шоший каби Мовароуннаҳр ва хуросонлик олимлар ижод қилиб, ўрта асрлар илму фани, хусусан, математика, астрономия, география, тиббиёт, кимё ва ҳуқуқшунослик фанларининг тараққиётига улкан ҳисса қўшадилар.

Муҳаммад Ибн Мусо Хоразмий (783–850) қадимги Хоразм диёрида туғилиб вояга етади. Дастлабки савод ва турли соҳадаги билимларни у ўз она юрти Хоразм ва Мовароуннаҳр шаҳарларида кўпгина устозлардан олади. Сўнгра у халифа Хорун ар-Рашиднинг Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги ноиб, кейинчалик Халиф Абдуллоҳ ибн Хорун ар-Рашид Маъмун замонида (813–833) «Байт ул-ҳикма» номи билан шуҳрат топган Маъмун Академиясида мудир сифатида фаолият кўрсатади. Бағдодда у Сурия, Ироқ, Эрон, Хуросон ва мовароуннаҳрлик олимлар билан ижод қилади. Улар орасида Хоразмий билан бир қаторда Яҳё ибн Мансур Марвазий, Аҳмад Фарғоний, Хабаш ал-Марвазий, Холид ибн Абдумалик ал-Марварудий, Абул Аббос ал-Жавҳарий ва бошқалар

бор эди. Хоразмий замондош олимлар билан биргаликда ер айланасини, узунлиги ва радиусини аниқлаш ҳамда географик хариталар тузиш каби масалалар билан машғул бўлади. Замонасининг машҳур математиги, астрономи ва географ сифатида фанга улкан ҳисса қўшади. Хоразмий 20 дан ортиқ асарлар ёзади. Улардан фақат 10 тасигина бизгача етиб келган. Бу китоблар «Алжабр ва ал-муқобала» ҳисоби ҳақида қисқача китоб, «Ҳинд ҳисоби ҳақида» ёки «Кўшиш ва айириш ҳақида китоб», яъни арифметик асар; «Китоб сурат ул-арз» — «Ер сурати» ҳақида географияга оид китоб; «Зиж», «Устурлоб билан ишлаш ҳақида китоб», «Устурлоб ясаш ҳақида китоб», «Устурлоб ёрдамида азимутни аниқлаш ҳақида» каби астрономияга оид асарлар; шунингдек, «Китоб ар-руҳома», «Китоб ат-тарих», «Яҳудийларнинг тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола» номлари билан аталган. Хоразмий меросидан, айниқса, «Алжабр ва ал-муқобала» китобининг илмий аҳамияти ниҳоятда буюкдир. У бу китоби билан математика тарихида биринчи бўлиб алгебра фанига асос солди. Ҳатто «ал-гебра» атамаси ушбу китобнинг қисқача «алжабр» деб юритилган қисқача номининг айнан ифодасидир. Хоразмий номи эса математика фанига «алгоритм» атамаси шаклида ўз ифодасини топди. Унинг «Алжабр» асари асрлар давомида авлодлар қўлида ер ўлчаш, ариқ чиқариш, бино қуриш, меросни тақсимлаш ва бошқа турли ҳисоб ва ўлчов ишларида дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Хоразмийнинг бу рисоласи XII асрдаёқ Испанияда лотин тилига таржима қилинади ва қайта ишланади. Кейинчалик эса асрлар давомида Европа олимлари Хоразмий асарини қайта-қайта ишлаб, унинг асосида дарсликлар ёзадилар. Хоразмийнинг арифметик рисоласи ҳинд рақамларига асосланган ўнлик позицион ҳисоблаш системасининг Европада, қолаверса бутун дунёда тарқалишида буюк аҳамият касб этади. Шундай қилиб, буюк ватандошимиз Хоразмий математика фанига асос солди, тарихда ўзидан ўчмас из қолдирди.

IX аср бошларида «Байт ул-ҳикма» да ижод қилган олимлардан яна бири марвлик Яҳё ибн Абу Мансур эди. У 828 йилда халифа Маъмун фармони билан Бағдоднинг Аш-шамосия маҳалласида расадхона қурилишида бошчилик қилади. Расадхона ишлари ва унда олиб борилаётган кузатишлар натижалари ҳақида «Байт ул-ҳикма» нинг мудири Хоразмийга

ҳисобот бериб туради. Яҳё ибн Абу Мансур «Аз-Зиж ал-Маъмуни ал-мумтахан» («Синалган зич») номли астрономик асар ёзиб қолдирган. У 831 йилда Бағдодда вафот этган.

«Байт ул-ҳикма» нинг олимларидан Холид ибн Абду-малик ал-Марвазий эса 831 йилда Дамашқ яқинидаги Ки-сиён тоғида барпо этилган расадхонани бошқарган. У ҳам ўз «Зиж» ини тузади. Ер меридианининг узунлигини ўлчаш ишларига бошчилик қилади.

Бағдодда Хоразмий билан ҳамкорликда ишлаган математик Аҳмад ибн Адбуллоҳ ал-Марвазий замондош олимлар ўртасида Ҳабаш ал-Ҳосиб («Ҳисобчи ҳабаш») лақаби билан машҳур эди. У иккита «Зиж» тузади. Унинг зижларидан ўрта аср астрономлари кенг фойдаланганлар. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Ҳабаш ал-Марвазий ҳандаса фани (геометрия)га тангенс, котангенс, косеканс функцияларини киритиб, уларнинг жадвалларини келтирган.

«Байт ул-ҳикма»да фаолият кўрсатган олимлардан яна бири буюк астроном, математик ва географ Аҳмад Фарғоний (тахминан 797–865)дир. Унинг тўлиқ исми Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғонийдир. У Фарғонада таваллуд топгани учун Шарқда ал-Фарғоний, Европада эса Алфраганус тахаллуси билан шуҳрат топган. Аҳмад Фарғоний халифа Маъмун (813–833), Муътасим (833–842) ва Мутаваккил (846–861) ҳукмронлик қилган даврда яшади. У аввал Марвда, сўнгра Бағдод, Дамашқ ва Қоҳира шаҳарларида астрономия, математика ва география фанлари билан шуғулланди ва қатор илмий ва амалий асарлар ёзиб қолдирди. У асосан Дамашқдаги расадхонада осмон жисмлари ҳаракатини ва ўрнини аниқлашнинг янги «Зиж»ини яратиш ишларига раҳбарлик қилади. 832–833 йилларда Суриянинг шимолидаги Санжар даштида ва Ар-Раққа оралиғида ер меридианининг бир даражасининг узунлигини ўлчашда қатнашади. 861 йилда унинг раҳбарлигида Фустат (Қоҳира) шаҳри яқинида жойлашган Равзо оролида Нил дарёси соҳилида қурилган қадимги Нилометр — дарё оқими сатҳини ўлчагич иншооти Миқёс ан-Нил ва унинг даражоти тикланади. Аҳмад Фарғоний тарихда биринчилардан бўлиб ернинг юмалоқлигини исботлаб берган олимдир.

Бизнинг давримизгача Аҳмад Фарғонийнинг 8 та асари сақланиб, уларнинг бирортаси ҳам ҳозирги замон тилларига





таржима қилинмаган эди. Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан унинг айрим рисоалари ўзбек ва рус тилларида нашр этилди. Уларнинг орасида унинг «Китоб ул-ҳаракат ас-самовия ва жавомий илм ан-нужум» («Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум — астрономия асослари китоби») ҳам бордир. Бу китоб XII асрдаёқ лотин тилига таржима қилиниб, нафақат мусулмон Шарқдаги, балки Испания орқали Европа мамлакатларидаги астрономия илмининг ривожини бошлаб берди. Шундан сўнг Аҳмад Фарғоний номи лотинлаштирилиб, «Алфраганус» шаклида Фарбда шуҳрат топди. Унинг «Астрономия асослари» номли китоби бир неча асрлар давомида Европа университетларида астрономия фани бўйича асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинди.

Дунёвий фан олимлари билан бир қаторда бу даврда Ислом таълимоти ва мафқурасининг такомилли йўлида моваруннаҳрлик муҳаддис уламоларнинг ҳам хизмати катта бўлди. Бу борада айниқса Исмоил ал-Бухорий ва унинг замондоши ва шогирди Исо ат-Термизийларнинг ҳиссаси ниҳоятда буюқдир. Исмоил ал-Бухорийнинг тўлиқ исми Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдир. У 810 йилда Бухорода туғилган, кучли қобилият ва хотирага эга бўлган. Ёшлигиданоқ ҳадисларни ўрганишга киришиб, бутун умрини ҳадис илмига бағишлаган. У ҳадис ва тафсир олими, тарихчи бўлиб етишган. Ҳижоз, Миср, Ироқ, Хуросон ва бошқа ўлкаларда яшаб 600 мингдан ортиқ ҳадис тўплаган. Улардан энг ишончлиларини саралаб, 4 жилдли «Ал-жоме ас-саҳиҳ» («Саҳиҳи Бухорий») тўпламини тузган. Бу асар ислом дунёсида Куръондан кейин иккинчи манба саналади ва ислом дорилфунунларида асосий дарслик сифатида ўрганилади.

Бу бебаҳо асарга киритилган 7275 ҳадис ва уларга берилган кўпдан-кўп шарҳларда фақат шариат аҳкомларига оид қоидаларгина ифодаланмайди, балки инсон маънавий камолотининг рамзи ҳисобланган меҳр-муҳаббат, ҳурмату иззат, муруввату ҳиммат, ҳалоллигу меҳнатсеварлик, сахийлигу очиққўнгиллик ҳамда ўзаро тинч-тотувлик каби инсоний фазилатлар ҳақида баён этилган.

Имом ал-Бухорий «Ал-адаб ул-муфрад» («Адаб дурдоналари»), «Тарих ал-Бухоро» («Бухоро тарихи»), «Ал-Жомий ал-сағир» («Мухтасар тўплам») номли асарлар ёзган. У

атрофига кўлаб шогирд ва издошларини тўплаган. Унинг энг машхур шогирдларидан бири Имом ат-Термизий эди.

Имом ат-Термизий 824 йилда Термиз шаҳридан 6 фарсах (36 км) шимолда жойлашган Буғ қишлоғида дунёга келган. Ислом оламида машхур бу муҳаддис олимнинг тўлиқ исми Абу Исо Муҳаммад бин Исо бин Савра бин Мусо бин аз-Заҳҳок аз-Зарир ат-Термизий ал-Буғийдир. Самарқанд, Бухоро, Марв ва бошқа шаҳарларда машхур муҳаддислар асарларини ўрганиб, ислом дунёсининг турли шаҳар ва мамлакатларига сафар қилиб, Хуросон, Ироқ, Ҳижознинг машхур муҳаддис уламолари билан мулоқотда бўлган.

Имом ат-Термизий ҳадислар тўплаб, бир қанча асарлар ёзган, «Жоме ас-Саҳиҳ» ёки «Сунани Термизий», «Китоб Илал», «Китоб ат-Тарих», «Китоб ат-Шамоил ан-Набовия», «Китоб аз-Зухд» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бу даврда исломнинг назарий асослари мустаҳкамланди. Бу борада ҳам Мовароуннаҳр олимлари улкан ҳисса қўшдилар. Бу даврнинг ислом назариячиларидан бири Ҳаким Термизий эди. Унинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизийдир. У 820 йилда Термиз шаҳрида дунёга келади. Умр бўйи илм билан шуғулланиб, тасаввуфни тарғиб қилади. 80 дан ортиқ муҳим асарлар ёзади: «Китоб ан-наҳи» («Йўриқнома китоби»), «Китоб ал-Фуруҳ» («Оллоҳдан қўрқувчилар ҳақида китоб») шулар жумласидандир. Айниқса унинг «Илал аш-Шаррият ва ҳатм ул-авлиётун» номли китоби ислом назариячилари томонидан энг кўп қайд этиладиган асардир. Асарлари ва уларда берилган теран фикр-мулоҳазалар, ғоялар билан ат-Термизий ўз замонининг маънавий ҳаётига катта ҳисса қўшади. Шу боисдан замондошлари уни «Ал-ҳаким» деган ном билан улуғлашган.

Бу даврда калом илмига асос солиб, ислом таълимоти ва мафкураси такомилга катта ҳисса қўшган буюк алломалардан яна бири Абу Мансур ал-Мотуридийдир. Унинг тўлиқ исми Абу Мансур ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир. У тахминан 870 йилда Самарқанд яқинидаги Мотурид қишлоғида дунёга келади. Унинг ҳаёти ҳақида маълумотлар жуда оз. У 944 йилда Самарқанд шаҳрида вафот этган ва Чокардиза қабристонига дафн этилган. Ёшлигида отасидан турли илмлардан сабоқ

олган. Сўнгра Самарқанддаги Работи Ғозиён масжиди қошидаги мадрасада таҳсил кўриб, устозлари Абу Бакр Аҳмад ал-Жужжоний ва Абу Наср Аҳмад ал-Ибодийлардан фақиҳ ва калом илмларидан дарс олган.

Ўрта асрларнинг машҳур илоҳиётшунос олими бўлиб етишган Абу Мансур ал-Мотуридий исломий одоб қоидалари, шариат қонунлари, маънавий-ахлоқий камолот сирларидан таълим беришга мўлжалланган қатор асарлар ёзган. Аммо унинг кўпгина китоблари бизнинг замонамизгача сақланиб қолмаган. Унинг бизгача етиб келган муҳим асарларидан бири «Китоб ат-Тавҳид» («Оллоҳнинг якка-ягоналиги ҳақидаги китоб»), иккинчиси «Таъвийлот ал Куръон» («Қуръони Каримнинг шарҳлари») номи билан аталади. Бу китоблар илоҳият таълимотига бағишланган энг қадимий асарлардан бўлиб, исломшуносликда илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга муҳим манбалардан биридир. Уларда диний таълимот ва исломий урф-одатлар инсоннинг руҳий камолоти, унинг дунёқарашининг шаклланишидаги моҳияти талқин этилади. Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган таълимот кишиларни яхшиликка, ростгўйликка, сабру-қаноатга, шарм-ҳаёга, олийҳимматликка, Ватанни севмоқликка чорлайди.

Бу даврда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмдан халифаликнинг марказий шаҳарларига бориб фаннинг турли соҳаларида ижод қилган олимлардан ташқари маданиятнинг деярли барча соҳалари бўйича ҳам етук устозу шогирдларнинг сони Бағдод шаҳрида оз эмас эди. Бу ерда улар ўз Ватанларидаги илмий ва маданий анъаналарни араб тилида ислом мафкура-сига мослаштирилган ҳолда тараққий эттиришга ва уларни жаҳон илму маданиятига қўшишга муяссар бўладилар.

#### **24-§. Мовароуннаҳр ва Хоразмда маданий ҳаётнинг жонланиши ва илм-фаннинг юксалиши**

IX асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳрнинг маданий ҳаётида янги давр бошланади. Халифалик ҳукмронлиги тугаб, мустақил Сомонийлар давлатининг қарор топиши билан маданий ҳаётнинг жонланиши учун кенг йўл очилади. Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв ва Нишопур каби шаҳарлар илмий ва маданий марказ сифатида тараққий қила бошлайди.

Бу даврда қишлоқ аҳолисининг аксарияти суғдий ёки хоразмийча сўзлашса-да, марказий шаҳарларда форсий — дарий деб юритилган халқнинг адабий тили вужудга келади. Бу тил давлат тили сифатида қабул қилинади. Дарийда назм, наср ва илмий асарлар ёзила бошлайди. Бу даврда дарий тилида ёзилган насрий асарларнинг айрим нусхалари бизгача сақланиб қолган. Абу Мансурнинг насрий «Шоҳнома»сига ёзилган муқаддима, номаълум муаллифнинг «Ҳудуд ал-олам» номли асари ҳамда Абу Жаъфар Табарийнинг «Тарихи Табарий», «Қуръони Карим»нинг 14 жилдли «Тафсири»нинг арабчадан дарий тилига таржималари шулар жумласидандир.

IX—X асрларда айниқса Бухоро шаҳри маданий жиҳатдан юксалади. Пойтахтда — амир саройида турли соҳаларга оид қўлёзма китоблар сақланадиган каттагина кутубхона барпо этилади. Сомоний амирларнинг аксарияти адабиёт, шеърият, илм-фан, санъат ва меъморчиликка ҳомийлик қиладилар.

Бу даврда Бухорода айниқса шеърият равнақ топади. Унинг ривожига форс классик поэзиясининг буюк вакиллари Абу Абдуллоҳ Жаъфар Рудакий, Абу Мансур Дақиқий, Абулҳасан Балхий ва кўпгина бошқа шоирлар ғоятда катта ҳисса қўшадилар.

Рудакий IX аср охирида Панжикент яқинидаги Панжрудак қишлоғида туғилган. Ёшлик чоғидаёқ у руд (чанг) чалишни яхши ўрганган. Шеър ёзиб, куй басталаган ва ҳофизлик қилган. Халқ ўртасидаги донғи туфайли у Наср ибн Аҳмад (914—943) томонидан созанда ва шоир сифатида Бухорога чақиртирилиб олинган. Рудакий «Калила ва Димна», «Синдбаднома», «Ароис ун-нафоис» ва «Даврони офтоб» асарларини ёзган. У шеъриятда айниқса қасида битишнинг моҳир устаси бўлган. Унинг «Жўйи Мулиён», «Майнинг онаси» ва «Қарилик» каби қасидалари халқ ўртасида ғоят шўҳрат топган. Рудакийнинг улкан шеърий меросидан ҳозирги вақтгача сақланиб қолган озгина қисми ҳам (2 минг мисрага яқин) шоирнинг зўр ва ёрқин истеъдодидан, поэтик тилининг таъсирчанлигидан, образларининг теранлигидан далолат беради. Рудакий ўз шеърларида она-Ватанни, унинг табиати ва аҳолисини, инсоний ҳис-туйғуларини тараннум этади. Шоир ҳақсизлик ва адолатсизликка дадил қарши чиқади, ўша вақтларда ҳукм сурган тартибсизликларни аямай

фош этади. Умр бўйи таъқиб этилган, охири Бухородан қувилган Рудакий 941 йилда она қишлоғида вафот этади.

Бу даврнинг заковатли шоирларидан яна бири Дақиқий эди. Аввал у Чағониён ҳукмдорлари, сўнгра сомонийлар саройига таклиф этилади. Дақиқий анъанавий сарой поэзиясидан фарқли ўлароқ, халқ ривоятлари ва эпик дostonлар асосида янги поэтик йўналишда ижод қилади. Умрининг охирида у «Шоҳнома» номли поэтик асарини ёзишга киришади. Бироқ шоирнинг фожиали ўлими оқибатида асар бошланганича қолади. Бу буюк иш кейинчалик Абулқосим Фирдавсий томонидан давом эттирилади. Абулқосим Фирдавсий (934–1012) форс адабиётининг классик шоири. У дунёга машҳур шеърый «Шоҳнома» асарини яратади. Бу дoston Эрон ва Турон халқларининг қаҳрамонона ўтмишига бағишланган. У ашаддий ватанпарварлик руҳида ёзилган асар. «Шоҳнома» жаҳон адабиёти хазинасининг ноёб дурдоналаридан ҳисобланади. Асар жуда кўп тилларга, шу жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилинган.

IX—X асрларда форс адабий тили анча ривож топган бўлсада, аммо илм-фан ва адабиётда ҳали араб тили муҳим ўринга эга эди. Саолабийнинг «Ятимат ул-бахр» номли асарида қайд этилишича, Бухоро, Хоразм ва Хуросонда 119 арабий забон шоирлар ижод қилган. Уларнинг деярли барчаси сарой аҳли, ҳукмрон хонадон аъзолари ва бошқа олий табақа вакиллари дан иборат бўлган. Тилшунослик, фикҳ, мусиқа, фалсафа, математика, табобат, астрономия, тарих ва бошқа фанлар бўйича илмий асарлар асосан араб тилида ёзилган.

Бухоро ва бошқа марказий шаҳарларда ислом дини таълимотининг асосий манбалари ва шариат билимларини ўқитиш учун мадрасалар очилган эди. Бундай илмгоҳлардан етишиб чиқадиган илм аҳлининг ҳаммаси ҳам қози ёки аълам бўлавермай, улар орасидан дунёвий илмлар: табобат, ҳандаса, математика, кимё, фалакиёт, фалсафа, мантиқ, тарих ва бошқа соҳалар бўйича пухтагина билим орттирган олимлар ҳам етишиб чиқар эди. Бундай билим эгалари халқ ўртасида баобрў ва эътиборли бўлиб, улар атрофида, шубҳасиз, шогирдлар тўпланар эди. Шогирдпешаларига улар маълум соҳа бўйича ўз билганларидан таълим берар эдилар.

Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв, Балх, Нишопур каби марказий шаҳар бозорларида алоҳида китобфурушлик раста-

лари бўлган. Уларда диний ва дунёвий илмларнинг турли соҳалари бўйича турли тиллардаги қўлёзма китоблар сотилган. Ибн Синонинг ёзишича, у Бухоро бозоридан Абу Наср Форобийнинг «Аристотель метафизикасига шарҳ»лар номли китобини уч дирҳамга сотиб олган. Бу китобни ўқиб чиққач Ибн Сино қадимги юнон файласуфи Аристотель таълимоти ва фалсафасининг моҳиятига тушуниб етган.

Шаҳар маданиятининг равнақи, ўрта асрлар жамияти, зиёлилари даврасининг кенгайиб бориши шубҳасиз сомоний ҳукмдорларни илм аҳли билан яқинлаштирди. Мамлакатни бошқаришда уларнинг билими ва маслаҳатларидан фойдаландилар. Ҳукмдорларнинг аксарияти бу даврда ўз саройларида олим, шоир ва уста санъаткорларни ва турли соҳалар бўйича қимматбаҳо китобларни тўплашга одатландилар. Саройга жалб этилган олим ва шоирлар кутубхоналардаги нодир қўлёзма асарлар билан мағрурланардилар.

Мустақил Сомонийлар давлатининг ташкил топиши, сиёсий барқарорлик ва иқтисодий кўтарилиш маданий ҳаётнинг равнақига имкон берди. Бу давр Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Абу Абдуллоҳ Хоразмий ва Абу Бакр Муҳаммад Наршахий каби жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк сиймоларни ўз бағрида тарбиялаб камолотга етказди.

Абу Наср Форобий 873 йилда Арис сувининг Сирдарёга қўйилишида жойлашган Фороб (Ўтрор) шаҳрида туғилган. У аввал она шаҳрида, сўнгра Самарқанд, Бухоро ва Бағдодда билим олган. Умрининг охирида Халаб ва Дамашқ шаҳарларида яшаган, 950 йилда вафот этган. Форобий риёзиёт, фалсафа, таърих, мусиқа, мантиқ, фалсафа, тилшунослик ва адабиёт соҳаларида ижод этган. У 160 дан ортиқ асар ёзиб, ўрта аср фан ва маданиятига улкан ҳисса қўшди. Булар орасида «Аристотель (Арасту)нинг «Метафизика» асари мақсадлари ҳақида», «Мусиқа китоби», «Бахт-саодатга эришув ҳақида», «Тирик мавжудот аъзолари ҳақида», «Сиёсати алмадания» («Шаҳарлар устида сиёсат юргизиш») ва бошқа кўпгина асарлари бўлган. Форобий билими, маърифати, фикр-мулоҳазаларининг кенглиги ва мантигининг теранлиги туфайли Шарқда Аристотель (Арасту) дан кейинги йirik мутафаккир — «Муаллимус-соний» («Иккинчи муаллим») номи билан шуҳрат топди. Форобий илк ўрта аср шароитида

ақл ва илм тантанаси, маънавий озодлик, инсон такомил ва адолатли жамият учун курашган буюк сиймо эди.

Бу даврнинг улуғ мутафаккирларидан яна бири Абу Али ибн Сино эди. У 980 йилда Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида маҳаллий амалдор оиласида дунёга келади. Беш, ўн ёшларида мактабда таълим олади. Мактабни битиргач, устози Абу Абдуллоҳ ан-Натилийдан мантиқ, фалсафа, риёзиёт ва фикҳ илмларини ўрганади. Ўн олти ёшидан бошлаб турли фанлар бўйича Шарқ ва Ғарб олимларининг илмий асарларини мустақил ўрганади. Айниқса у табобат илмининг қадимги алломалари Гиппократ ва Голен ҳамда ўрта аср Шарқининг буюк ҳакими ва мутафаккири Абу Бакр ар-Розий (864—925) нинг асарларини пухта ўрганади. Ибн Сино ўн етти ёшидаёқ эътиборли ҳаким ва олим бўлиб етишади. У амир Нуҳ ибн Мансурни даволаб тузатгач, сомонийларнинг сарой кутубхонасидан фойдаланишга рухсат олади. Кутубхонада у бир йил давомида турли соҳалардаги илмий асарларни мутолаа қилиб, билимини чуқурлаштиради.

X аср охири — XI аср бошларида Мовароуннаҳр ва Хурсондаги мураккаб сиёсий вазият оқибатида юзага келган оғир шароитда Ибн Сино ўз она шаҳри Бухорони тарк этиб, аввало Хоразмшоҳ Маъмун саройидаги олимлар қаторидан жой олади. Сўнгра Маҳмуд Ғазнавийнинг тазйиқи туфайли Хоразмдан ҳам чиқиб кетади. У умрининг охиригача Обивард, Гургон, Рай, Казвин, Исфохон ва Ҳамадон шаҳарларида ҳукмдорлар қўл остида табиблик ва вазирлик қилади. 1037 йилда Ҳамадонда вафот этади.

Ибн Сино араб ва форс тилларида фаннинг турли соҳалари бўйича 300 дан ортиқ асарлар ёзади. Назм ва насрда қалам юритади. Унинг беш жилдлик «Ал-Қонун фиттиб», «Китоб уш-шифо», «Донишнома», «Саламон ва Ибсол», «Рисолат ат-тайр» ва кўпгина бошқа асарлари шулар жумласидандир. Унинг табобатга доир асарларида касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва манбалари, диагностика, муолажа усуллари, доривор ўсимликлар ва доривор ўсимликлар хусусиятлари, парҳез, инсон саломатлиги учун жисмоний тарбиянинг аҳамияти каби табобатнинг кўпгина ғоят муҳим масалаларига алоҳида эътибор берилган. Унинг «Ал-Қонун фиттиб» асари XII асрдаёқ лотинчага таржима қилиниб, то XVII асргача Европа табобатида



асосий қўлланма сифатида фойдаланилган. Ўрта асрнинг бу буюк алломаси Шарқда «Шайхур-раис», Фарбда «Авиценна» номлари билан шухрат топди.

Бу даврда Хоразм пойтахти Урганч ҳам обод ва маданий шаҳар эди. Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмун анча билимли ҳукмдор бўлиб, олим, шоир, санъаткор, наққош ва мусаввирларга ҳомийлик қилар эди. Урганчда хоразмшоҳлар саройида замонасининг йирик мутафаккирлари Ибн Сино ва Берунийдан ташқари, тарихчи Мискавайх, математик Абу Наср Арроқ, файласуф Абу Саҳл Масиҳий, табиб Ибн Ҳамморлар тўпланган эдилар. Бу ерда «Билимдонлар уйи» — «Маъмун академияси» ташкил этилиб, у ерда Хоразмшоҳ ҳомийлигида фалсафа, математика, тиб илмига оид масалалар муҳокама қилинар эди. Аммо Урганчдаги бу илмий муҳит узоқ яшамади. Маҳмуд Фазнавийнинг тазйиқи остида у тезда тарқалиб кетди.

Ўша замонда Урганчда яшаб ижод қилган улуғ мутафаккирлардан бири Абу Райҳон Беруний (973–1048) эди. У Хоразмда туғилди, дастлаб Урганчда таълим олди. Узоқ йиллар Гургонда яшади. Сўнгра Хоразмшоҳ Маъмун саройида ижод қилди. 1017 йилда Маҳмуд Фазнавийнинг талаби билан Фазна шаҳрига борди ва умрининг охиригача шу ерда ижод қилди. Беруний 1048 йилда Фазнада вафот этди. У фалакиёт, география, математика ва тарих фанлари бўйича 154 та илмий асар ёзди. Берунийнинг «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия» каби йирик асарлари шулар жумласидандир. У ўзининг фалакиётга оид асарларидан Коперникдан қарийб 5 аср муқаддам ернинг кўёш атрофида айланиши ҳақидаги фикрни ўрта асрларда биринчи бўлиб илгари сурди. Ернинг думалоқ шаклда эканлигини асослаб берди. У дунёнинг географик харитасини тузди.

Берунийнинг фан оламида шухрат қозонтирган катта асарлари «Ҳиндистон» ҳамда «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар» номли китобларидир. Улардан биринчисида у Ҳиндистоннинг географияси, аҳолисининг мифологик тасаввурлари ҳақида маълумот беради. Иккинчи китобида эса юнонлар, румоликлар, суғдлар, хоразмликлар, насоролар, яҳудийлар, арабларнинг исломгача бўлган урф-одатлари, диний эътиқодлари, математик ва географик тушунчалари тўғрисида қимматли тарихий маълумотларни баён қилади. Беруний-

нинг илмий ва фалсафий мероси, шубҳасиз, жаҳон фани ва маданияти хазинасига қўшилган катта ҳисса бўлди.

X—XI асрларнинг қомусий олимларидан иккинчиси Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий эди. Хоразмлик бу олимнинг ҳаёти ҳақида жуда оз маълумот бизгача етиб келган, ҳатто унинг на таваллуд топган, на вафот этган санаси маълум. Олимнинг тўлиқ исми Абу Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-Хоразмийдир. Унинг ёшлиги Хива, Замаҳшар ва киндик қони тўкилган Кат шаҳрида ўтган. Бу шаҳарда Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий яшади, савод чиқарди ва фаннинг турли соҳалари бўйича билимларга эга бўлди. Маълум бир вақт у Хуросонда истиқомат қилади. Нишопур шаҳрида котиблик, Сомонийлар давлати пойтахти Бухорода Нуҳ ибн Мансур (976—997) саройида ҳатто вазирлик лавозимида фаолият кўрсатади. Саройдаги ҳаёт унга Бухоро шаҳридаги ниҳоятда бой амир кутубхонасидан фойдаланиш имконини беради. Абу Абдуллоҳ Хоразмийдан бизгача араб тилида ёзилган ягона асар — «Мафотиҳ ул-улум» («Фанлар калитлари») етиб келган. Бу китоб фанларнинг ривожини тарихи ва уларнинг таснифига бағишланган. Унда ўрта асрлардаги фанлар борасида маълумотлар қомусий услубда берилган. Аруз, арифметика, геометрия, кимё каби фанларнинг асослари баён этилган. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ўз асарида аниқ фанлар тўғрисида тушунчалар берибгина қолмай, балки уларнинг тараққиёт даражасини ҳам аниқлаган. Унинг бу асари ўрта асрларда Ўрта Осиёда аниқ фанларнинг ривожига муҳим ўрин тутган.

Бу даврда Хоразм диёрида етишиб чиққан буюк алломалардан яна бири Маҳмуд Замаҳшарийдир. Унинг тўлиқ исми Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замаҳшарий бўлиб, у 1074 йилда Хоразмнинг Замаҳшар қасабасида дунёга келди. Дастлаб билимни у аввал отасидан олади, сўнгра мадрасада таҳсил кўради. Илмга бўлган чанқоқлик уни Бухоро, Марв, Нишопур, Исфажон, Шом, Бағдод, Ҳижоз ва Маккада ҳаёт кечириб келган араб тили грамматикаси ва луғати, араб қабилаларининг лаҳжалари, мақоллари, урф-одатларини чуқур ўрганишига сабаб бўлади. Минтақа географиясига доир маълумотлар тўплайди.

Маҳмуд Замаҳшарий араб тили грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, жуғрофия, тафсир, ҳадис ва

фиқҳ илмига оид 50 дан ортиқ асарлар ёзиб қолдиради. Айниқса унинг араб тили фонетикаси ва морфологиясига бағишланган «Ал-Муфассал», Хоразмшоҳ Отсизга бағишланган «Муқаддимат ул-адаб», «Китоб ал-Жибол ва-ламкина вал-мийоҳ» («Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақидаги китоб») каби асарлари ниҳоятда аҳамиятлидир. Унинг «Асос ал-балоға» («Нотиқлик асослари»), «Ал-Кустос фил-аруз» («Арузда ўлчов (мезон)») асарлари қимматли манбалардан ҳисобланади. Аз-Замаҳшарийнинг Қуръон тафсирига оид «Ал-Кашшоф» асари мусулмон оламида айниқса машҳурдир. Қоҳирадаги дунёга донғи кетган Ал-Азхар диний дорулфунининг талабалари «Ал-Кашшоф» асосида Қуръони Каримни ўрганадилар.

Маҳмуд Замаҳшарийнинг кенг билими, фаннинг турли соҳаларига доир салмоқли ва мазмундор асарлари ҳали у ҳаёт пайтидаёқ мусулмон Шарқида унга катта шухрат келтирган эди. У «Устоз ул-араб вал ажам» («Араб ва ғайрий араблар устози»), «Фахрул Хваразм» («Хоразм фаҳри») каби шарафли номлар билан улуғланган. У 1144 йилда 70 ёшида Хоразмда вафот этган.

XII асрда фиқҳ илмининг ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломанинг тўлиқ исми Абул Ҳасан Али ибн Абу Бакр ибн Абдул Жалилар-Риштоний ал-Марғинонийдир. У 1118 йилда Фарғона водийсининг Риштон қасабасида таваллуд топди, 1197 йили вафот этди. У ёшлигидаёқ Риштон, Марғинон, Самарқанд, Бухоро ҳамда Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида Қуръон, ҳадис илмларини мукаммал эгаллаб, ислом ҳуқуқшунослиги борасида юксак ютуқларга эришган. Бурҳонуддин ал-Марғиноний фиқҳ илми асосларини устозлари Нажмуддин Абу Хафс Насафий, Хусомуддин Умар ас-Сарахсий, Абу Умар ибн Ал-Пойкандий, Аҳмад ибн Рашид ал-Бухорий ва бошқа кўпгина фиқҳ илмининг билимдонларидан ўрганади. У Қуръони Каримни ёд олиб, унинг тафсири билан шуғулланади. Ҳадис ва ислом қонуншунослигини пухта таҳлил қилиб, бир қанча асарлар ёзади. Бизгача унинг «Бошловчилар учун дастлабки таълим», «Мазҳаблар тарқалиши», «Фарзлар китоби», «Ҳаж маносиклари» каби китоблари сақланган. Унинг араб тилида ёзилган 4 жилдлик «Ал-Ҳидоя» номли асари ислом ҳуқуқшунослиги бўйича ёзилган энг муфассал ва мўтабар асар ҳисобланади. Бу китоб бир неча асарлар давомида мусулмон мамлакатларида ҳуқуқшунослар учун

ҳам назарий, ҳам амалий қўлланма бўлиб хизмат қилиб келган. Бу бебаҳо дастуриламал инглиз ва рус тилларига таржима қилинган. Ҳозирги вақтда «Ал-Ҳидоя» арабчадан ўзбек тилига таржима этилди. Шунингдек, Шарқ мамлакатлари ўқув юрларида ўқув қўлланма сифатида фойдаланилмоқда.

X—XII асрларда Мовароуннаҳрда тарих ва географияга қизиқиш ортиб, бу илмларга эътибор кучаяди. Чунки бу давр-да маҳаллий аҳолининг маънавий ҳаётида ўз она тили ва унда ёзилган тарихий ва адабий асарларга бўлган эҳтиёж ҳам тобора ортиб бормоқда эди. Айни шу даврда Гардизийнинг «Зайнулахбор» («Хабарлар кўрки»), Байхақийнинг 30 жилдлик тарихий асари, Мажидуддин Аднонийнинг «Тарихий мулки Туркистон», Муҳаммад Наршахийнинг «Тарихи Бухоро» каби асарлари форс тилига таржима қилинади.

Бу даврда Мовароуннаҳр, Шош, Фарғона, Еттисув ва Шарқий Туркистонда туркий халқларнинг қадимдан давом этиб келаётган оғзаки адабиёти юзага келади. Қатор дидактик поэмалари битилади. Аммо уларнинг жуда оз нусхаларигина бизгача сақланган. Улардан энг нодири Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғунийнинг «Қутадғу билик» («Саодатга бошловчи асар») номли асаридир. Асарда мавзулар қамрови жуда кенг. Уларда инсон ва унинг ижтимоий моҳияти, ҳаётидаги ўрни ва вазифаси ҳар томонлама таҳлил қилинади. «Қутадғу билик»да оддий халқ, меҳнаткаш инсон алоҳида эҳтиром билан тасвирланади. Юсуф Хос Ҳожиб айниқса деҳқонлар, чорвадорлар, хунарманд ва савдогарларни илиқ меҳр билан тилга олади. Деҳқонларни у ҳаммадан ҳам юқори қўяди. Турли табақалар билан ҳокимиятнинг қандай муносабатда бўлиши кераклигини уқтиради. Деҳқонлар «зарур кишилардир... булар билан сен алоқада бўл ва аралашгин... ҳамма жонлийларга улардан озиқ етади, ҳамма ўз ейим-ичимини улардан олади», деб таъкидланади китобда. «Қутадғу билик» да ахлоқ-одоб ва илм-маърифатга доир кўп қимматли панд-насихатлар келтирилади. Муаллиф ростгўйлик, ҳалоллик, одоб, садоқат ва севги каби масалалар ҳақида ҳикматли сўзлар юритади. У илм ва маърифатга саодатнинг калити деб қарайди. Шунинг учун ҳам у ўз достонини «Қутадғу билик» деб атайди. Унда илм ва маърифатни тарғиб қилади, олимларни улуғлайди, давлат бошлиқларини илм-фан аҳлларида таълим олишга ва уларнинг маслаҳатлари билан иш кўришга даъват этади.

XII асрда туркий тилда ижод этган шоир ва мутафаккирлардан яна бири Аҳмад Югнакий ва иккинчиси Аҳмад Яссавий эди. Аҳмад Югнакийдан ягона адабий мерос «Ҳибат ул-ҳақойиқ» номли асар сақланиб қолган. У туркий адабий тилнинг қимматли ва нодир ёдгорлиги ҳисобланади. Ўз асарида шоир Юсуф Хос Ҳожиб сингари илм-фан, олим ва фозилларни улуғлайди. Маърифатпарварликни тарғиб этади. Кишиларни илмли ва маърифатли бўлишга чақиради.

Бизга қадар Аҳмад Яссавий шеърлар тўплами — «Ҳикмат»нинг айнан асли эмас, балки кейинги нусхаларигина етиб келган бўлса-да, аммо бу асар туркий адабиёт ва адабий тилнинг яратилишида муҳим аҳамият касб этди.

Бу давр туркий адабий тиллар, хусусан, эски ўзбек ва уйғур тилининг вужудга келишида ҳам муҳим босқич бўлди. Туркий қабилаларнинг бир-бирига тобора яқинлашиб бориши билан уларнинг тили ҳам қоришиб, ўғуз, чигил, қипчоқ, уйғур тили гуруҳлари юзага келади. Чигил тили негизидан эски ўзбек тили вужудга келади. Ўрта асрларда «Турк» ёки «Чигатой» тили деб юритилган адабий тилнинг тараққий этиб боришида маҳаллий аҳоли ўртасидаги иқтисодий-маданий алоқаларнинг ҳамда ёзма адабиётнинг роли катта бўлди. Бу жараёнда Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билик» ва Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарлари туркий адабий тилнинг равнақ топишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган эди.

## 25-§. Меъморчилик, санъат ва мусиқа

X—XII асрларда Мовароуннаҳр ва Хоразмда меъморчилик ва санъат янги тараққиёт босқичига кўчди. Авваламбор, ўрта аср жамиятининг ижтимоий-сиёсий тузуми ва бу даврда тўла ғалаба қозонган ислом дини мафқураси маданий ҳаётнинг бу соҳасига ҳам кучли таъсир қилди. Унинг ташқи қиёфаси ва мазмуни тубдан ўзгарди.

Қолаверса, мамлакатнинг иқтисодий кўтарилиши натижасида унинг янги йўналишда равнақ топиши учун қулай шароит юзага келди. VIII асрда юз берган тушқунликдан кейин шаҳарлар кенгайиб, ободонлашади. Асрлар давомида тўпланган ва авлоддан-авлодга анъанавий равишда ўтиб, тобора бойиб келган меъморчилик юқори даражада ривожланади.

Шаҳарларда ҳашаматли бинолар қад кўтаради. Бинокорликда хом ғишт ва паҳса билан бир қаторда, пишиқ ғишт ва турли хил ганч ҳамда оҳакли қурилиш қоришмалари кенг ишлатилиб, биноларнинг шакли ҳам, кўриниши ҳам кўркемлашади. Баланд пештоқли ёки чортоқли, томи гумбазли ҳашаматли бинолар ҳамда ўймакор ғишлардан қурилган кўркем миноралар ҳар бир шаҳарнинг кўрки бўлиб, унинг ҳуснига ҳусн қўшар ва манзарасини безаб турар эди. Самарқанд, Бухоро, Урганч, Термиз, Ўзган ва Марв каби шаҳарларда бу даврда кўплаб сарой, масжид, мадраса, минора, хонақоҳ, мақбара, тим ва карвонсаройлар қурилади. Бухоро шаҳридаги Исмоил Сомоний, Зирабулоқ яқинида – Тим қишлоғидаги Аработа, Карманадаги Мирсаид Баҳром мақбаралари, Бухородаги намозгоҳ, Минораи Калон, Вобкент ва Жарқўрғон миноралари ва бошқа кўпгина бинолар ўша давр меъморчилигининг намуналаридандир. Бу ёдгорликлар X—XII асрларда Мовароуннаҳрда ўзига хос меъморчиликнинг ғоят ривож топганлигидан далолат беради. Бу даврда монументал меъморий бинолардан ташқари, йўнилган тош, пишиқ ғишт ва сувга чидамли қурилиш қоришмаларидан турли хил сув иншоотлари: сув омборлари — бандлар, новалар, кўприклар, сардобалар ва коризлар барпо этилади. Қизиги шундаки, бундай иншоотларнинг ўлчамлари математик жиҳатдан ғоят пухта ишланган. Шунга қараганда, маҳаллий гидротехниклар бундай сув иншоотларини қуришда ўша даврда ривож топган ҳандаса ва риёзиёт илмлари ҳамда асрий миробчилик муҳандислиги тажрибаларидан кенг фойдаланганлар. Масалан, X аср Нурота тоғ тизмаларининг Пасттоғ дараси тўсилиб, барпо этилган Хонбанди номли сув омборига 1,5 млн метр куб сув тўпланган. Тўғон гранит тоши ва сувга чидамли қурилиш қоришмасидан қурилган. Хонбандининг математика ечимларидан маълум бўлишича, уни бино қилишда X аср муҳандислари ҳовузга тўпланадиган сувнинг вертикал ҳамда ағдарувчи кучларигина эмас, балки бу ҳудудларда тез-тез содир бўладиган zilзилаларнинг силкиниш кучларини ҳам ҳисобга олганлар. Бу, шубҳасиз, XVII аср машҳур француз физиги Блез Паскал томонидан сувнинг босим кучи тўғрисида яратилган қонун кашфиётчисидан қарийб VII аср муқаддам мовароуннаҳрлик муҳандисларга маълум эканлигидан далолат беради.

X асрдан бошлаб бинокорликда синчкори иморатлар кенг тарқалади. Яккасинч ва қўшсинчли биноларнинг тагсинчларидан тортиб, устунларию сарровлари ва тўсинларигача ёғочларни пайвандлаш услубида қурилиб, синчларнинг ораси хом гишт ёки гувалалар билан уриб чиқилган. Бу тузилишдаги иморатларни қуриш услуби ҳозиргача сақланиб келади.

Афросиёб, Варахша, Бухоро ва Пойканд шаҳар харобаларида ковлаб очилган тураржой қолдиқларидан маълум бўлишича, X—XI асрларда ҳам пахса ва хом гиштдан қурилган иморатлар шаҳар меъморчилигида асосий ўринни тутган. Хона, йўлак, айвон ва ҳовлилардан иборат бундай тураржойлар ва саройлар одатда мустақкам қалин пахса девор билан ўралиб сувалган, хона деворлари ганчкори нақшли панеллар билан безатилган. Тураржой саҳни кўпинча нақшли қилиб тўшалган пишиқ гиштлар билан қопланар эди.

IX—XII асрларда меъморчилик билан бирга наққошлик ва ўймакорлик санъати ҳам анча ривож топади. Иморатни ўймакор устун ва тўсинлар, деворларини бўёқли ёки ганчкорли нақшлар билан безаш кенг тарқалади. Бу даврга келиб наққошлик ва тасвирий санъат ўзгача тус олади. Эндиликда жонли мавжудотларни тасвирлашдан мураккаб геометрик ва исломий гулли нақшлар ишлашга ўтилади. Ислом дини мафкурасига асосан, гарчи тирик жонзодларни тасвирлаш мажусийлик ва бутпарастлик деб қатъий ман қилинганига қарамай, халқ санъатининг бу соҳадаги асрий анъаналари бутунлай йўқолиб кетмайди. Бу даврда ёғоч, ганч ва сополдан турли жонзодларнинг ҳайкалчаларини ясаш ва уларнинг тасвирларини сирли сопол буюмларига тушириш кенг тарқалади.

Наққошлик санъатининг тараққиёти ўз навбатида кулолчилик, мисгарлик ва заргарликнинг раванқига ёрдам беради. Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва бошқа шаҳарлар кулолчилик, мисгарлик ва заргарлик ривож топган марказга айланади. IX—XII асрларда айниқса сирли сопол буюмлар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади. Ранго-ранг сопол идишларга нимсариқ, кўкимтир, яшил, қизил, жигарранг ва қора бўёқли нақшлар тортилиб, сирти юпқа сир билан қопланган. Идиш-товоқларни эпиграфик нақш — арабча «хатти куфий»да битилган мақоллар, ҳикматли сўз ва тилаклар билан безаш катта ўрин тутади. Бундай сопол буюмлар ниҳоятда сифатли бўлиб, чет мамлакатларга ҳам олиб чиқилган.

Бу даврда хаттотлик халқ санъатининг муҳим ва кенг тарқалган соҳаларидан бири эди. Ҳали китоб босиш кашф этилмаганлиги, қўлёзма китоблардан нусхалар хаттотлар томонидан фақат қўлда қўчирилиши туфайли хаттотлик санъати анча ривож топади. Турли услубда ҳуснихат билан битилган хаттотлик намуналари меъморий нақшларда ҳам ҳаётий мазмун ва эстетик завқ берувчи безак сифатида ишлатилади.

Одатда, иморатларнинг пешгоқи, эшиги ва деворларининг айрим қисмлари турли мазмундаги битиклар билан қопланар эди. Шу жумладан, масжид, хонақоҳ ва мадрасаларга айрим оятлар, саройларга турли мадҳиялар, оддий бино ва буюмларга эса ҳикматли сўзлар битилар эди. Шунингдек, иморатнинг қурилган йили, бинокор устанинг исмини ёзиш ҳам одатта айланган. Бу одат, шубҳасиз, кулолчилик, мисгарлик ва заргарлик буюмларида ҳам намоён бўлади. Шундай қилиб, IX—XII аср меъморчилиги ва унда ишланган меъморий нақш услублари ўз навбатида меҳнаткаш аҳолининг дид-нафосат ва бинокорлик ғоялари билан чамбарчас боғланган халқ меъмор-банноларининг сермазмун ижодини намоён этиди.

IX—XII асрларда мусиқа санъати ҳам ғоят тараққий қилади. Байрамлар, тўйлар, халқ сайиллари ва бошқа маросимлар, шубҳасиз, куй ва қўшиқсиз ўтмас эди. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» китобида келтирилган маълумотларга қараганда, халқ орасида айниқса қўшиқ жанри кенг тарқалган. Бу даврда созандалар руд, танбур, қўбуз, рубоб, най, сурнай, карнай, қўшнайн, табл, барбат, даф, кўс, табурук, зир, чағона, шайнур, арғунун ва қонун каби ғоят хилма-хил торли, зарбли ва пуфлаб чалинадиган чолғу асбобларидан кенг фойдаланганлар. Бу даврда ҳатто янги созлар ихтиро этилган. Масалан, Рудакийнинг замондоши Абу Ҳифз Суғдий найга монанд «шоҳруд» номли торли асбоб яратган эди. Манбаларда Абу Бакр Рубобий, Бунаسر, Буамир, чангчи Лўкарий каби созандалар ҳамда ҳофизларнинг номлари сақланиб қолган. Рудакий руд ва танбур каби созларни яхшигина чаладиган созанда ва хушовоз ҳофиз бўлган, унинг машҳур «Бўйи жўйи Мўлиён» шеъри ушшоқ куйида айтилиб, ниҳоятда шуҳрат қозонган. Рудакийнинг замондошларидан шоир Абу Тайиб Тоҳир «Хусравоний» куйини ижод қилган эди.

Бу даврда халқ куйлари асосида кейинчалик тожик ва ўзбек халқларининг классик куйи «Шашмақом» учун пой-



девор бўлган «Рост», «Хусравоний», «Бода», «Ушшоқ», «Зе-  
рафканда», «Буслик», «Сипоҳон», «Наво», «Баста», «Таро-  
на» каби янги-янги куйлар ижод этилади. Бу соз ва куйлар-  
нинг кўпи ўзбек ва қардош халқларнинг маданий мероси  
тарзида ҳозирги кунгача сақланиб келмоқда. Муסיқа санъа-  
ти, шубҳасиз, поэзия ҳамда муסיқашунослик илми билан  
узвий боғланган ҳолда тараққий этади. Форобий ва Абу Али  
ибн Сино каби улуғ олимлар муסיқа ва муסיқашуносликка  
катта эътибор берадилар ва нодир асарлар яратадилар.

## 26-§. Ислом дини ва тасаввуф — сўфийлик таълимоти

IX—XII асрлар маънавий ҳаётида ислом дини муҳим роль  
ўйнайди. Бу даврда мусулмон Шарқда кенг тарқалиб, жа-  
ҳон дини даражасигача кўтарилган ислом дини ва шариат  
мусулмон дунёсининг мафкурасига айланди. Араб халифали-  
гининг олиб борган сиёсати натижасида ўзининг барча ҳақ-  
ҳуқуқларидан ажралиб, маданияти оёқ ости қилинган Мо-  
вароуннаҳр аҳолиси ўз эътиқоди ва хат-саводидан маҳрум  
бўлиб, ислом динини қабул қилишга, шариат аҳкомларини  
бажаришга, шунингдек, араб тили ва ёзувини ўрганишга  
мажбур бўлди. Кўп вақт ўтмай эътиқодли халқ ёд араб имло-  
сида хат-савод чиқаришга киришади. Масжид ва хонақоҳлар  
савод мактабига айланиб, имому мутаваллилар устозу мута-  
каллим вазифасини бажарадилар.

Бироқ шуниси эътиборлики, Мовароуннаҳр аҳолиси-  
нинг мураккаб араб имлосини ўзлаштириб, хат-саводли  
бўлиши учун ҳамда фан ва давлат тили деб ҳисобланган  
арабий тилни мукамал ўрганиб, бу тилда асарлар ярата  
оладиган олим ва мутафаккирларнинг ерли халқ орасидан  
етишиб чиқиши учун қарийб бир ярим аср, яъни беш  
авлоднинг умри сарф бўлади.

Шундай бўлса-да, бу давр мобайнида Мовароуннаҳр  
аҳолисининг маънавий ва эътиқодий ҳаётида кескин ўзга-  
ришлар содир бўлади. Маълумки, илк исломда жамиятни  
ҳуқуқий ва мафкуравий жиҳатдан бошқариш фақат Куръон  
ва ҳадис асосида олиб борилган. Бироқ мусулмон жамоала-  
рининг барча ҳуқуқий ва ахлоқий масалалари Куръонда қам-  
раб олинмаганлиги сабабли VII аср охири — VIII аср бошла-  
ридаёқ ҳадисларни тўплаб ёзиш бошланади. Чунки ҳадислар

Қуръондан кейин муқаддас манба ҳисобланган. IX—X аср бошларида исломият уламолари орасида обрўли деб эътироф этилган ҳадисларнинг 6 та тўплами юзага келади. Булардан сунна деб ҳисобланган ҳадислардан «Саҳиҳи Бухорий» ва «Саҳиҳи Муслим» энг мўътабарлари ҳисобланади. Мовароуннаҳрдан Абу Абдуллоҳ Исмоил ал-Бухорий ва Абу Исо ат-Термизий каби буюк муҳаддислар етишиб чиққан.

Аммо вақт ўтиши билан халифалик томонидан фатҳ этилган мамлакатлар уламоларининг таъсири туфайли ислом таълимотининг баъзи масалалари бўйича ғоявий баҳслар ва ихтилофлар юзага келади. Натижада кўплаб йўналиш, мазҳаб ва фирқалар пайдо бўлади. X асрда исломнинг суннийлик йўналиши, хусусан, Абу Ханифа (Имом Аъзам) томонидан Ироқда асос солинган Ханафия мазҳаби, айниқса, Хуросон ва Мовароуннаҳрда равнақ топади. Чунки Ханафия мазҳаби ўзга динлар ва маҳаллий урф-одатларга нисбатан эркинлик бериб, халқларнинг маҳаллий анъаналарини эътиборга олгани учун у кенг ёйилади. Бундай вазиятда, шубҳасиз, мусулмонларнинг ижтимоий-иқтисодий, диний фаолиятини қамраб олувчи қонунлар мажмуасига эҳтиёж туғилади. Бир неча асрлар мобайнида илоҳиётчилар шариат қонунларини ишлаб чиқадилар. У диний-ҳуқуқий тизим сифатида XI—XII асрларда тўла шаклланади. Бу борада ҳам Мовароуннаҳр уламолари маънавий ва маданий меросни шакллантириш йўлида имконият доирасида фаолият кўрсатадилар. Бурҳонуддин ал-Марғиноний ва унинг машхур «Ал-Ҳидоя» асари бунинг ёрқин далилидир.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда халифалик ҳукмронлиги тугатилиб, мустақил Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар ва Ғазнавийлар давлатлари қарор топади. Ислом таълимоти, шариат аҳкомлари ва илму маърифатга эътибор янада кучаяди. Марказий шаҳарларда қатор масжид ва мадрасалар қад кўтаради. Манбалардан маълум бўлишича, дастлабки мадраса Бухорода X асрда шаҳарнинг Кавушдўзлар тими яқинида бино қилинади. У Фаржак мадрасаси деб юритилган. XII асрда эса Бухоронинг Дарвоза маҳалласида қонуншунослар учун махсус «Фақиҳлар мадрасаси» қурилади. Бундай олий илмгоҳларда асосан ислом дини таълимотининг асосий манбалари — Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф ва араб тилини мукаммал ўрганишга катта эътибор берилган. Шариат аҳком-

ларини ҳар томонлама чуқур ўрганишда «Тафсир» — Куръоннинг шарҳлари жуда бой ва қимматли манба ҳисобланган. Фикҳ фани (ислом ҳуқуқшунослиги), ахлоқ ва шариат аҳкомлари борасида тафсир батафсил таҳсил этилган. Бу даврда Абу Жаъфар Табарий томонидан араб тилида Куръони Каримнинг 14 жилдлик «Тафсири Табарий» номли изоҳли тафсилоти ёзилади. Сомонийлар ҳукмдори Мансур ибн Нуҳнинг фармонида биноан 962 йилда Бухорода «Тафсири Табарий» араб тилидан форс тилига таржима қилинади.

Ислом дини таълимотининг равнақи ва тарғиботининг кенгайишида айниқса Бухоро шаҳри марказга айланади. Бухоро мадрасаларидан жуда кўп етук фикҳшунос олимлар, одил қозилар, зоҳид имомлар етишиб чиқади. Шу боисдан Бухоро IX асрдан бошлаб «Куббат ул-Ислом» номи билан шуҳрат топади.

Бухоро аҳолисининг илмли бўлишида, Бухорода илм кенг тарқалишида, имом ва уламоларнинг ҳурматли бўлишида Абу Ҳафс Кабир Бухорий исмли машҳур фикҳшунос олимнинг хизмати ниҳоятда катта бўлган. Наршахийнинг ёзишича, шу олимнинг шарофати туфайли Бухоро «Куббат ул-Ислом», яъни «Ислом динининг гумбази» деб аталган.

Бу даврда ислом дини ва мафкурасининг кучайиши кўп жиҳатдан сўфийлик таълимоти — тасаввуф тариқатларининг шаклланиши ва унинг кенг ёйилиши билан узвий боғлиқ эди. Тасаввуф, яъни сўфийлик, умумий тарзда айтганда покланган зоҳид, тақводорлик маъносини англагучи тадрижий тараққиётга эга халқпарвар диний таълимот бўлиб, у ўрта асрлар мусулмон Шарқида кенг тарқалади. Ўз даврининг бу диний-фалсафий оқими дастлаб VIII аср ўрталарида Ироқда юзага келади. У жабрдийда омманинг зулм ва ночорликка қарши норозилигини ифодалайди. Тасаввуф хусусий мулкчилик ҳамда бойлик ва камбағалликнинг вужудга келишини адолатсизликнинг оқибати деб қарайди. Адолатга, ҳаққа фақат ибодат ва маърифат орқали етишиш ғояси илгари сурилади. Тасаввуф кўп асрлик тадрижий тарихга эга. Олимлар бу диний-фалсафий таълимот тарихини зоҳидлик ва орифлик даврларига бўладилар. Зоҳидлик даври сўфийлари тақво ва парҳезкорликни, орифий давр сўфийлари эса тафаккуррий ривожланишни, яъни дунё ва Оллоҳни билишни асосий мақсад деб ҳисоблаганлар. Сўфийлар фоний дунёдан кўнгил

узган, зеҳну заковат, ақлу фаросатда тенгсиз, шариат илмининг билимдони, тоату ибодатда мустаҳкам, аммо оддий мутааббид диндорлардан ажралиб турадиган ажойиб хислатли инсонлар тоифаси бўлиб, тарихда улар «руҳ кишилари» деб улуғланган. Ёзма манбаларда улар аҳдуллоҳ, авлиё, арбоби тариқат, дарвеш, қаландар ва фақир каби номлар билан тилга олинади. Аммо диний адабиётда уларга кўпроқ «сўфий» номи қўлланилган. Сўфий сўзи арабча «сўф» иборасидан ясалиб, жун чакмонли, жун кийимли маъносини англатган. Чунки сўфий дарвешларнинг аксарияти, одатда, жун чакмон ёки қўй терисидан тикилган пўстин кийиб юрганлар. Сўф ёки сўфий сўзидан ясалган «тасаввуф» ибораси сўфийлик тариқати ҳақидаги таълимот деган маънони билдирган.

Бу диний-фалсафий таълимотнинг русумлари — тартиб-қоидалари IX—X асрларда шаклланган. XI—XII асрларда эса тасаввуф мактаблари ва уларнинг силсилалари таркиб топган. Бу даврларда ислом Шарқда Миср, Бағдод, Басри, Бухоро, Нишопур, Термиз ва Балх каби шаҳарлар тасаввуф ва тариқат марказлари сифатида муҳим роль ўйнаган эди. Аини шу даврда Миср, Хуросон, Мовароуннаҳр, Ироқ ва Туркистон мактаблари шуҳрат топади. XIII аср ва XIV асрнинг биринчи ярмида тасаввуф ҳам назарий-илмий, ҳам амалий жиҳатдан юксак даражага кўтарилади. Бу даврда Яҳё Сухравдий, Нажмуддин Кубро каби мутафаккир шайхлар, Фарируддин Аттор, Аҳмад Яссавий, Жалолуддин Румий сингари буюк сўфий шоирлар тасаввуф илмининг ривожига улкан ҳисса қўшиб, уни фалсафа ва ҳикмат билан бойитадилар.

IX—XII асрларда тасаввуф тарихида асосан тавҳид асослари — ҳақиқатга етишиш, киши руҳининг илоҳ, илоҳий руҳ билан қўшилиб кетишини чуқурлаштиришга катта эътибор берилиб, тасаввуфнинг фано (бақосизлик) ва бақо (абადийлик) каби тушунчалари, ҳаққа етишиш иштиёқи зўр бериб тарғиб қилинади. XIII аср ўрталаридан бошлаб бу таълимот янги босқичга кўтарилиб, унда тафаккурий-ақлий йўналиш етакчилик қила бошлайди. Бу даврда шаклланган фалсафий оқим тасаввуф тарихида «ваҳдатул вужуд», яъни «борлиқнинг ягоналиги» номи билан шуҳрат топади. Сўфийлар бу даврда коинот тузилиши, инсон ва одам моҳияти, олам ва одам муносабатлари, комил инсон тушунчалари

тўғрисида фикр ва мулоҳазалар юритадилар. Бу даврда яшаб ижод қилган Ибн Арабий ва Жалолуддин Румий каби мутафаккирларнинг асарларида бутун бир фалсафий тизим ўз ифодасини топади. Уларнинг асарларида илоҳий кашфу каромат, руҳий-психологик ҳолатлар, ботиний латифликлар билан бир қаторда реал инсоний ҳаёт ҳақида ҳам теран фикрларни баён этадилар. Шундай қилиб, тасаввуф илми ислом Шарқининг маънавий тараққиётидаги кўп асрлик-тажрибаларни қамраб олиб, уни ривожлантирди. У дин ва фалсафа, ҳикмат ва ваҳдат, калом ва ҳадис илмларини бирлаштирди. Илоҳий илмлар билан дунёвий билимларни ўзаро боғлашга ҳаракат қилди. Натижада тасаввуф мусулмон Шарқи аҳлининг тафаккур тарзи ва ахлоқ меъёрини белгилайдиган фалсафий таълимотга айланди. Бу даврда тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилди. Сўфийларнинг амалий, руҳий-психологик машқлари, ўз-ўзини тарбиялаш ва чиниқтириш тадбир-усуллари шаклланди. Тариқат, маърифат, ҳақиқат деган тушунчалар юзага келди. Тасаввуфнинг ушбу уч қисмига оид қарашлар мажмуи тузилди. Шундай қилиб, тасаввуф илм сифатида қарор топди.

«Тариқат» арабча сўз бўлиб, у йўл маъносини англатади. У илоҳий маърифатни эгаллашга бел боғлаган кишининг руҳий-ахлоқий камолот йўлидир. Тариқат — камолот йўли тасаввуфнинг амалий қисми ҳисобланади. Унда мақомат даражаларини босиб ўтиш, пир қўлида вазифалар адо этиш, муайян расм-русум, маросимларни бажариш шарт қилиб қўйилган. Пирга қўл берган киши мурид ёки солиқ, яъни йўловчи деб аталган. Тариқат адаби-низоми, йўл-йўриқлари IX аср бошларидаёқ жорий этилиб, кейинчалик такомиллаштирилган, атоқли шайх-муршидларнинг ўзига хос тарбия усули бўлган. Уларнинг танлаган йўли ҳам тариқат дейилган. Масалан, яссавия, кубровия ва нақшбандия тариқатлари шулар жумласидандир. Муридлар асосан чилла ўтириш, ибодат, Қуръон ўқиш ва тафсир қилиш, пир суҳбатида иштирок этиш, сурункали парҳез, рўза тутиш, кўпроқ тунни бедор ўтказиш билан машғул бўлганлар. Пирнинг ниҳоятда заковатли, ҳалол, покдомон, кароматли инсон бўлиши талаб қилинган. Тамагирлик, ёлғон, гийбат, фаҳш ишлари билан шуғулланувчиларга яқин бўлган одам наинки пир, ҳатто мурид сифатида ҳам эътироф этилмаган. Пир

ўз обрўси, ақлу заковати, фавқулудда ҳолатлари, ҳикмат тўла сўзлари билан муридлар қалбига йўл топган, уларга ибрат бўлган. Пирга қўл бермоқчи бўлган одам бир йилдан уч йилгача синалган, кейин муайян қоидалар асосида тоифага қабул қилиш маросими ўтказилган. Мурид тарбиясида уч хил фаолият муҳим ҳисобланган: зикр, хирқа ва суҳбат. Зикр талқини — Аллоҳ исмлари ва калималарини сурункасига такрорлаш ва дилга жо қилиш. Зикр яссавия тариқати бўйича овоз чиқариб, нақшбандия бўйича эса овоз чиқармасдан хотиржам адо этилган.

Хирқа — дарвеш кийими. У табаррук ҳисобланган. Пирдан табаррук хирқа олиш — мақоматда муайян зинага кўтарилиш, етукликка эришиш демакдир. Пирдан хирқа олган мурид умрининг охиригача ўз пирининг йўлидан боришга аҳд қилган. Шу билан бирга хирқа муайян шайх силсиласига мансублик аломати ҳисобланган. Суҳбат олиш эркин бўлиб, мурид истаган шайх билан суҳбат қилиши мумкин эди.

Тариқатда мақомат тушунчаси муҳим ўрин тутган. Мурид пир қўлида қуйидаги мақомларни босиб ўтиши лозим бўлган: тавба, вараъ (тақво), зуҳд (парҳез), фақр (қашшоқлик), сабр, хавф (қўрқув), ражо (умид), таваккул ва ризо, яъни солик ёмон фикрлар, ёмон ишлар, ёмон хулқдан воз кечади, тавба қилиб, худо йўлига — поклик, ҳақиқат ва комиллик йўлига киради. Бу йўлда барча қийинчиликларга чидайди, кўнгил васвасаларини енгиб ўтади ва ҳақ ризолигига, юксак имонга эришади. Асосий эътибор қалбни поклашга, ахлоққа қаратилади. Соликнинг асосий вазифаси — нафсни енгиш, ҳирс-ҳаваслардан фориг бўлиш, манманлик, такаббур, ғазабдан қутулиш.

Тасаввуф XI—XII асрларда жавонмардлик (футувват) оқими билан бирикиб кетади. Жавонмардлар топган-тутганини муҳтожлар билан баҳам кўрадиган сахий ва мард одамлар эди. Сўфийлар ҳам бу даврда ўзларини «эран» (мард) деб атайдилар. Чунки худо йўлида нафсни енгган кишигина бошқаларга раҳм-шафқат қилади, беғараз ва беминнат ёрдам беради. Шундай қилиб, тасаввуфнинг асосини илоҳсеварлик, ўз-ўзини тарбиялаш, ҳақ ва ҳақиқат сари интилиш, нафсни маҳв қилиш, ҳаётда ибрат бўлиш, покиза ахлоқ намунасини, юксак инсонийлик сифатлари — карам, саховат йўлида мардлик кўрсатиш каби тамойиллар ташкил этган.

Тасаввуф Мовароуннаҳр ва Туркистонга Эрон орқали кириб келган. Унинг ёйилиши XII асрнинг ақоид мутафаккирлари Юсуф Ҳамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмуддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд номлари билан боғлиқдир. Бу тариқат асосан шаҳар ва шаҳар атрофида ёйилади. У ҳаёт билан чамбарчас боғланган бўлиб, издошларини меҳнатга, касб-хунар эгаллашга даъват этади. Шу боисдан бу тариқат оғир ижтимоий ва иқтисодий аҳволдан қутулиш учун тасаввудан йўл ахтарган жабрдийда омманинг талабларига маълум даражада жавоб берар эди. Тасаввуф таълимоти асосида инсон фаолияти ва унинг камолоти ётар эди. Унда кишининг ҳар бир нафасида онг, ақлидрок бўлмоғи, босган ҳар бир қадамида диққат-этибор сезмоғи, у Ватан ишқи билан банд бўлмоғи, халқ билан алоқада бирга ҳаёт кечирмоғи керак, деб уқтирилади.

Тасаввуфнинг тариқат йўллари ғоят кенг бўлиб, Туркистон ва Мовароуннаҳрнинг турли ўлкаларида унинг ҳар хил йўналишлари пайдо бўлади. Туркистонда XII асрда яссавия, XII аср охирида Хоразмда кубровия, XIV асрда Бухорода нақшбандия ва бошқалар вужудга келади. XII асрда Мовароуннаҳрда кенг ёйилган тасаввуф яссавия тариқати бўлиб, унга Аҳмад Яссавий асос солади. Тасаввуфнинг асослари Яссавийнинг машҳур «Ҳикмат» асарида баён этилади. Бу асар ўрта аср ўзбек адабиётининг ноёб ёдгорликларидан бўлиб, унда ислом таълимоти, калом фалсафаси ва тасаввуф билан узвий боғланган Яссавийнинг дунёқарашлари баён этилган. Ўз даврининг ижтимоий тартиблари, деҳқон, чорвадор ва хунармандларнинг ҳаётининг билимдони бўлган Яссавий ўз «Ҳикмат» ларида ислом динининг қонун-қоидалари, урф-одатларининг мажмуи — шариатни, тасаввуф маслаги — тариқатни, камолот асоси — маърифатни ва унга эришмоқ йўли — ҳақиқатни тарғиб қилади. Аҳмад Яссавийнинг фикрича, шариатсиз тариқат, тариқатсиз маърифат, маърифатсиз ҳақиқат бўла олмайди, уларнинг ҳар бири иккинчисини тўлдиради ва такомиллаштиради. Бу камолот йўли сари тўрт босқич бўлиб, инсон ҳаёти ва фаолиятининг асл моҳиятини ташкил этади.

Яссавий сулукининг асосида камолотга узлат ва таркидунёчилик орқали етишиш ғояси олға сурилади. Унга фақат фоний дунё роҳати ва фароғатидан воз кечиб, узлатда тоат

ва ибодат йўлида заҳмат чекиб, машаққатли меҳнат қила олган кишигина етиб боради. Хуллас, Яссавий сулукида машаққатли меҳнат ва азият фақат шарият йўлида бўлмоғи ҳамда таркидунёчилик тарғиб этилса-да, аммо инсон зоти шараф даражасида улуғланади, унинг ҳар қандай мол-дунёдан ва давлатдан устун туриши таъкидланади. Яссавий тариқатининг халқчилиги ва «Ҳикмат» ларида меҳнаткаш омманинг аянч-уқубатлари ва орзу-умидлари ўз ифодасини топгани учун у авлодлар муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлиб, унинг шеърий панду насиҳатлари асрлар оша халқ оғзидан тушмай келди.

Тасаввуф таълимотининг буюк сиймоларидан яна бири Нажмуддин Кубро (1145–1221) эди. У Хоразмда сўфийлик мактабини очиб, «кубравия» сулукига асос солади. У «Фавоих ал-жамол ва фавотиҳ ал-жалол» («Жамолининг муаттарлари ва камолотнинг эгалари»), «Ал-усул ал-ашара» («Ўнта қонун ва қоидалар») номли қатор рисола ва асарлар ёзиб, тасаввуф таълимотини янада ривожлантиради. Кубравия сулукининг асосини «тавба», «зуҳр» (мол-дунёдан воз кечиш), «таваккул» (Оллоҳ йўлида), «қаноат», «узлат», «зикр», «таважжуҳ», «сабр», «мууроқаба» (камолот топиш) ва ридо (ҳаққа етишиш) каби ўнта қонун-қоида ифодалайди. Яссавий сулукидан фарқли ўлароқ, кубравия таълимоти таркидунёчиликни рад этади. Камолот йўлида олиб бориладиган машаққатли меҳнат жараёнида бу дунё ноз-неъматларидан баҳраманд бўлишнинг жоизлиги ғояси илгари сурилади. Кубравия таълимотида халққа ва Ватанга бўлган муҳаббат ниҳоятда кучли бўлиб, ҳар қандай оғир дамларда ҳам омма билан бирга бўлиш, Ватанни мудофаа қилиш ва унинг мустақиллиги учун курашга даъват этилади. Бу муқаддас ғоя йўлида Нажмуддин Кубро шахсан ўзи ҳаётлик чоғидаёқ издошларига жасорат ўрнагини намойиш қилади. 1221 йилда Чингизхон бошлиқ мўғул босқинчилари Хоразмга ҳужум қилиб, Урганч шаҳрини қамалга олганларида Нажмуддин Кубро қўлига қурол олиб, ўз шогирд ва издошларини орқасидан эргаштириб, шаҳар аҳолиси билан бир сафда туриб, душманга қарши ғазотда қатнашади. Шаҳар ичида босқинчилар билан бўлган шиддатли жангда бу улуғ шайх ўз суҳбатдошлари билан бирга шаҳид бўлади.



Тасаввуф XIV асрда нақшбандия таълимотида янада ривож топади. Унга Баҳоуддин Нақшбанд асос солган. «Нақшбанд» унинг тахаллуси бўлиб, асли номи Муҳаммад ибн Жалолуддин ал-Бухорийдир. У 1318 йилда Бухоро яқинида Қасри Ҳиндувон қишлоғида матоларга нақш босувчи ҳунарманд оиласида дунёга келади. Ёшлигидан ўқиш ва таълим олиш билан бир қаторда кимхоб матога гул босишни пухта ўрганиб, ота касби — наққошликни эгаллаган, сўнгра ўз касбида маҳоратга эришиб, доврүф қозонган. Айна замонда ўз даврининг атоқли шайхлари Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий, Амир Саййид Кулол ва бошқалардан одоби тариқатдан таълим олади.

Хожа Баҳоуддин «Ҳаётнома» ва «Далил ул-ошиқин» номли асарлар ёзиб, ўз тариқатини яратади. Тарихда бу сулук «нақшбандия» номи билан шуҳрат топади. Нақшбандия тариқати Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмда кенг тарқалади. Баҳоуддин тариқати асосида тоат-ибодат ва меҳнат билан камол топиб, Оллоҳ висолига етишиш, маънавий-ахлоқий камолотга эришиш йўллари ётади. Нақшбандия тариқати инсонларни ҳалол ва пок бўлишга, ўз меҳнати билан кун кечиришга, муҳтожларга хайр-эҳсон беришга, софдил ва камтар бўлишга чақиради. Унинг «Дил ба ёру, даст ба кор» («Дил ёр (Оллоҳ) билан, қўл эса иш билан бўлсин») деган ҳикмати нақшбандия тариқатининг ҳаётий моҳиятини ифодалайди. У таркидунёчиликни рад этиб, меҳнатсеварлик, одиллик ва билимдонликни тарғиб этади. Нақшбандия таълимоти тараққиётига кейинги асрларда Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Хожа Аҳрор Вали каби алломалар катта ҳисса қўшадилар.

Шундай қилиб, тасаввуф Мовароуннаҳр аҳолисининг тадрижий анъанавий ҳаёти билан чамбарчас боғланган таълимот бўлиб, ўрта асрнинг халқпарвар адиб ва машойихлари уни чуқур билишга ва у орқали оммага зиё ва маърифат тарқатишга интилганлар. Шубҳасиз, тасаввуф тарихи ислом тарихи билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб, ислом маданияти ва маърифатига улкан ҳисса бўлиб қўшилди.

Тасаввуф тарихимизда қудратли бир мафкура сифатида асрлар мобайнида давом этиб келди. Одамларни ҳақ йўлига бошлаш, тўғрилиқ, яхшиликни ҳимоя қилишга ёрдам берди. Шунинг учун ҳам у адабиётга, фалсафага чуқур таъсир кўрсат-

ди. Улуғ бир сўфиёна адабиёт вужудга келди. Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Хоразмий, Лутфий, Навоий, Машраб, Хувайдо, Сўфи Оллоёр каби ўнлаб шоирларимиз тасаввуф гоёларини куйладилар. Шу боисдан халқимизнинг кўп асрлик маънавий тарихи, адабий-эстетик қарашлари, фалсафий-тафаккурий қадриятлари ислом ақидалари билан узвий боғлиқдир.

## 27-§. Этник жараёнлар ва ўзбек халқининг таркиб топиши

IX—XII асрлар Туркистон халқларининг этник тарихида улкан давр бўлди. Қадимда Турон ерларида яшаган ўтроқ деҳқон, ҳунарманд ва кўчманчи чорвадор аҳолининг асрлар давомида яқиндан олиб борган ўзаро иқтисодий ва этник алоқалари натижасида бу улкан ҳудудда даставвал қадимий ёзма манбаларда Суғд, Хоразм, Фарғона, Шак ва Тохар номлари остида тилга олинган қатор воҳа халқлари ташкил топади. Улар шарқий эроний тилларга мансуб суғдий, хоразмий, шак ва тохар тилларида сўзлашардилар. Бу халқлардан жанубда форсийзабон ажам халқи, шимолда эса туркий тилда сўзлашувчи чорвадор қабилалар яшар эдилар. Шу боисдан бу диёр қадим замонлардаёқ туркий ва форсийзабон нуфусларнинг доимий мулоқот масканига айланиб, унинг туб жойли аҳолиси шимолдан туркий тилда сўзлашувчи қабилаларнинг, жанубдан эса форсийзабон халқларнинг кучли таъсири остида истиқомат қиларди.

Милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида туркий қабилаларнинг жанубга томон бошланган силжишлари милод бўсағасида юечжи ва хуннуларнинг Мовароуннаҳр ва Хуросонга кириб келиши билан янада кучаяди. Туркий тилда сўзлашувчи нуфуснинг ота-боболари бўлган юечжи, хунну, хиёний ва бошқалар Мовароуннаҳрнинг шимолий ва шимоли-шарқий қисмида маҳаллий аҳоли билан аралашиб, улар тилини турклаштириб юборади. Бинобарин, Мовароуннаҳрнинг жанубий вилоятларида эса улар туб жойли аҳоли билан қоришиб, ҳатто ўз тилларини ҳам йўқотадилар.

VII—VIII асрларда туркий аҳолининг катта қисми Етти-сув, Шош ҳамда Фарғона водийсида, камроқ қисми Зарафшон ва Қашқадарё воҳасида яшар эди. Улар туркий тилини

қабул қилган туб жой аҳолидан ҳамда бу ерга келиб ўрнашган чорвадор қабила ва уруғлардан иборат эди. Бу туркий аҳоли истиқомат қилган ўлка VII асрдан бошлаб «Туркистон» номи билан аталган.

Айни замонда Етгисувда ўрнашиб қолган суғдликларнинг сони ҳам анчагина эди. Улар асосан халқаро савдонинг кенгайиши ва бу савдодан манфаатдор Суғднинг V—VII асрларда олиб борган ҳарбий юришлари оқибатида келиб қолган эдилар. Суғдликларнинг савдо ва ҳунармандчилик қасаба ва манзиллари Талос ва Чу водийларида, Чимкентдан то улуг Хитой деворигача бўлган ерларда жойлашган эди. Халқаро карвон йўли бўйлаб маржондек тизилган бу суғдий манзиллар турк дунёси манзарасида кичик-кичик тўшлардан иборат майда оролчаларни эслатар эди. Шубҳасиз, улар туркий аҳолига катта таъсир кўрсатсалар-да, аммо бора-бора ўзаро улар билан сўзлашиб, ўз она тилини йўқотадилар. Хуллас, Араб халифалигининг истилосигача Шош, Фарғона ва Зарафшон водийси, Қашқадарё ва Сурхондарё воҳаси, Хоразм, ҳатто Амударёнинг сўл қирғоғи аҳолисининг каттагина қисми аллақачон туркклашиб, Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида муҳим мавқени эгаллай олган эди.

Халифаликнинг Эрон, Хуросон ва Мовароуннаҳр томон юришлари авж олган даврда содир бўлган, ўта мураккаб сиёсий вазият, бир томондан, душманга қарши отланган маҳаллий аҳолини бир-бирига янада бирлаштирди. Иккинчи томондан эса, исломни қабул қилган Эроннинг форсийзабон аҳолисини халифаликнинг ҳарбий юришларида қатнашиб, мусулмончиликни тарғиб қилишга мажбур этди. Натижада Хуросон ва Мовароуннаҳрга араб тили ва ислом динининг кириб келиши билан бир қаторда маҳаллий аҳоли ўрта-сида форсий тилнинг мафкуравий аҳамияти кучайди. Бу ерда у ерли аҳоли тилининг таъсирида бирмунча ўзгариб, форсий-дарий тили номини олди. Кейинчалик бу тил ривож топиб, секин-аста суғдий тилни муомаладан сиқиб чиқара бошлади. Бу жараён халифалик ҳукмронлиги тугатилиб, Мовароуннаҳр ва Хуросонда мустақил Сомонийлар давлати ташкил топиши ва форсий-дарий тилининг давлат тилига айлантирилиши билан айниқса кучаяди. Натижада бу даврда форсий-дарий асосида маҳаллий аҳолининг адабий тили шаклланиб, бадиий адабиёти юзага келди. Манбалардан маълум

бўлишича, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг форсий-дарий тилида сўзлашувчи аҳолиси XI асрдан бошлаб ўзини «този», яъни «тожик» деб юрита бошлайди.

XI асрда Мовароуннаҳрда Қорахонийлар давлатининг ташкил топиши билан қарлуқ, ўғуз, чигил, яғмо ва бошқа туркий қабилла ва уруғларнинг Шош, Фарғона ва бошқа вилоятларда яшовчи туркий аҳоли билан бирикиб, ўтроқ ҳаётга кўчиш жараёни жадаллашади. Ўтроқ деҳқон ва ҳунарманд аҳоли билан аралашиб, деҳқончилик ва шаҳар маданиятининг бой тажрибаси ва анъаналари ўзлаштирилади. Туркий муштарак тил ва халқ оғзаки эпосига асосланган бадиий адабиёт юзага келди. Натижада туркий тилда сўзлашувчи аҳоли Мовароуннаҳрнинг асосий нуфусларидан бирига айланди.

Шундай қилиб, асрлар оша Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмда содир бўлган ўта мураккаб сиёсий вазиятда муттасил давом этган этник жараёнларнинг оқибати туфайли IX—XII асрларда ўзбек халқи ташкил топди. Бу халқнинг номи шарифи унинг ўзидан анча-мунча ёш бўлса ҳам, у қадимги Туроннинг икки тилда сўзлашувчи ўтроқ деҳқон ва ҳунарманд ҳамда чорвадор аҳолисининг бевосита меросхўри эди. Асрлар давомида қардош халқлар бир ўлкада ёнма-ён яшаш, ўзаро жадал иқтисодий ва маданий муносабатлар, ташқи душманларга қарши бирлашиб елкама-елка туриб курашиш унинг этник ва тил жиҳатдан аралашishiга ва чатишишига олиб келди. Бу икки тилда сўзлашувчи халқ бир ота-онанинг эгизак фарзандлари бўлиб, урф-одат, кийим-кечак, уй-рўзгор, санъат, мусиқа ва бадиий адабиёт соҳасида муштарак моддий ва маънавий маданиятни яратди. Унинг бу қадимий маданий мероси жаҳон халқлари маданияти хазинасига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

## V БОБ. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ МЎҒУЛ ДАВЛАТИ ТАРКИБИДА

### 28-§. Хоразмшоҳлар салтанатининг Мўғул давлати билан муносабатлари

XII асрда мўғуллар ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда Марказий Осиёда энг қолоқ аҳоли ҳисобланар эди. Уларда ҳали уруғ-аймоқчилик муносабатлари ниҳоятда кучли бўлиб, асосан кўчманчи чорвачилик, овчилик ва ўзаро айирбош савдо билан шуғулланар эди. Бу даврда мўғул уруғ ва қабилалари ичида мулкдорлик муносабатлари пайдо бўлиб, улар ўртасида ўзаро кураш авж олиб кетади. XII аср охири ва XIII аср бошларида мўғул уруғ зодагонлари орасида ички курашларда Тимучин исмли баҳодир ғолиб чиқади. У 1204–1205 йилларда Мўғулистоннинг кўчманчи чорвадор уруғларини ўз қўл остида бирлаштириб, марказлашган ҳарбий мустабид Мўғул давлатини ташкил этишга муваффақ бўлади. Ўзининг ҳамқавмлари билан кураши, турк хонлари билан урушларида ғолибона ҳаракат қилгани учун 1206 йилда Омон дарёси бўйига чақирилган мўғул зодагонлари қурултойида Тимучинга «Чингиз» лақаби берилди. Шундан сўнг у Чингизхон номи билан юритилиб кетади. «Чингиз» исми беғубор, тоза, мусаффо, бақувват, қувватли каби маъноларни англатади.

Ўз давлатини кучайтириб, унинг барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида Чингизхон мўғуллардан кўп сонли яхши қуролланган, интизомли ва уюшган қўшин тузади. XIII аср муаллифи Жувайний таърифига кўра, осойишталик даврида чорва билан машғул бўлган барча мўғул аҳолиси уруш вақтида тез орада ўн, юз, минг, ўн минг жангчи — туман бўлинмаларидан иборат мунтазам қўшинга айлантирилди. Ҳар бир жангчи ҳарбий юриш вақтида ўзига зарур бўладиган қурол-яроғ: ўқ-ёй, садоқ, найза, қилич ва қалқон; турли анжомлар — арқон, қозон, меш, нина, болта, ҳатто от, туя, эшаклар каби транспорт воситаларини олдиндан тайёрлаб қўйишга мажбур бўлган. Қўшин юзбоши,

мингбоши, туманбошилар томонидан бошқарилган. Баҳодир, мерган, сечан ва нўёнлар мўғул ҳарбий зодагонлари қаторидан жой олган. Ун минглик жангчилардан ташкил топган туман бўлинмаларини одагда шаҳзодалар бошқарган. Мўғул қўшини фақат ниҳоятда интизомлиги билангина эмас, балки ҳарбий юришлардаги ғоят чаққонлиги ва жангчиларининг ботирлиги билан ҳам ажралиб турар эди. Асосий қўшиндан ташқари, Чингизхон ихтиёрида «кешик» деб юритилган махсус ҳарбий бўлинма — аскарый қисм ҳам ташкил этилади. Бу ҳарбий қисм зодагонлардан иборат бўлиб, жангга у кам сафарбар этиларди. У фақат фавқулодда содир бўладиган хавф-хатарга қарши ташлаш учун доимо жанговар ҳолатда тутиб турилар эди.

Давлат маъмуриятини марказлаштириш мақсадида Чингизхон Қоракурум қалъасини ўз давлатининг пойтахтига айлантиради. Хат ва саводга мутлақо эга бўлмаган, маданияти ниҳоятда тубан мўғуллар давлат бошқарув тузумини, аynиқса хат-савод ва муншийлик ишини уйғурлардан ҳамда Мўғулистон билан алоқада бўлган мусулмон савдогарларидан ўрганади. Чингизхон ва унинг нўёнларининг маслаҳатчилари, мирзалар ва баъзи бир мулк маъмурлари асосан уйғурлардан бўлган. Масалан, Шарқий уйғурлар хони Эдикут, яъни Саодатбек хоннинг яқин дўсти ва маслаҳатчиси эди. Ташатун исмли уйғур эса давлат муҳрдори лавозимини ҳамда шаҳзодаларни хат-саводга ўргатувчи устод вазифасини бажарган. Шундай қилиб, мўғулларнинг устоди авваллари ва дастлабки маъмурлари уйғурлар бўлган.

Чингизхон тарқоқ жангари мўғул уруғларини бирлаштириб, Марказий Осиё Мўғуллар давлатини тузиш билан қаноатланмади. Аввалдан тажовузкорлик сиёсатини юргизди. Биринчи навбатда Чингизхон қўшни мамлакатларни босиб олишга киришади. 1206 йилда наймонлар бўйсундирилади. 1207–1208 йилларда Енисей ҳавзаси, сўнгра Етгисув вилоятининг шимолий қисми забт этилади. Сўнгра уйғурлар таслим бўлади. 1211–1214 йилларда Чингизхон бир неча бор Хитойга ҳужум қилиб, катта ўлжалар олиб қайтади. 1215 йилда эса у Шимолий Хитойнинг маркази Чжунду (Пекин) шаҳрини ишғол қилиб, Цзин сулоласини тахтдан қулатади. Шимолий Хитой ерлари Мўғуллар давлатига қўшиб олинади. Хитой устидан қозонилган ғалаба туфайли мўғуллар тур-

ли хилдаги жуда катта ўлжани қўлга киритадилар, ўлжаларнинг бир қисми мўғуллар учун ҳарбий жиҳатдан, айниқса, катта аҳамиятга эга эди. Чунки Хитой ўзининг қадимги юксак маданий анъаналаригагина эмас, балки замонасининг илғор ҳарбий техника санъатига ҳам эга бўлган мамлакат эди. Хитойдан Чингизхон кўп миқдорда олтин-қумуш буюмлар, шойи ва атлас матолар ҳамда чўриларгина эмас, балки турли-туман қурол-яроғлар, ҳарбий техника мосламалари (манжаниқ, палахмон, нафтандоз ва ҳ.к.) билан бир қаторда бундай жиҳоз ва аслаҳаларни ясайдиган ва уларни ишлата биладиган моҳир ҳунармандларни ҳам Мўғулистонга олиб кетади. Шу туфайли у ўз қўшинини замонасининг энг яхши ҳарбий қурол-аслаҳалари билан таъминлайди.

Хитой галабасидан сўнг Чингизхон ўз нигоҳини Фарбга, ўзининг маданияти, бойлиги, буюклиги билан шуҳрат қозонган мамлакат — Хоразмшоҳлар давлатига қаратади. Бу аснода Мўғуллар давлати билан Хоразмшоҳлар салтанати ўртасида Қорахитойлар давлати харобалари устида Хўтон, Ёркент, Кошғар, Етгисув ва Фарғона вилоятларида қарор топган Кучлук давлати Чингизхонга ортиқча куч бўлиб туйилмас эди. Ҳақиқатан ҳам Чингизхон 1218–1219 йилларда Шарқий Туркистон ва Етгисув вилоятларини деярли талофатсиз қўлга киритиб, Кучлук давлатига хотима беради. Шундай қилиб, XIII асрнинг 20-йиллари бошида Гўби саҳросининг шарқий чегарасидан то Тяншан тизмасининг ғарбий этакларигача бўлган вилоятлар Мўғуллар давлати ҳукмронлиги остида бирлаштирилган эди. Талайгина шаҳарлар, деҳқончилик воҳалари ва жангари кўчманчи чорвадор аҳоли бу давлатнинг тасарруфида эди. Эндиликда Мўғуллар давлатининг ғарбий ҳудудлари шавкат ва қудрат бобида Чингизхонга тенг рақиб, кейинчалик унинг лаёқатли душманига айланган Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ салтанатининг чегарасига бевосита тутшиб кетган эди.

Чингизхоннинг Ўрта Осиё вилоятларига томон ҳужуми катта тайёргарликлар билан бошланади. Ҳали Хитой зафари қўлга киритилмасданоқ бу икки буюк давлат ўртасида бир-бирининг куч-қудратини билиб олишга ва бу ҳақда маълумотлар тўплашга ҳаракат қилинади. Икки ўртада ҳатто элчилик алоқалари ҳам ўрнатилади. Бундай ишни амалга оширишда Чингизхон ўз ҳузуридаги мусулмон савдогарларидан

фойдаланади. Ҳар икки томондан савдо карвонлари ҳайъатида юборилган элчи ва вакиллар ўз навбатида айғоқчилик вазифасини ҳам бажарадилар. Даставвал Хоразмшоҳ 1216 йилда Чингизхон ҳузурига Баҳоуддин Ғозий бошчилигида ўз элчиларини юборади. Хоразмшоҳ элчиларини Чингизхон илтифот билан қабул қилади. Ҳатто элчилардан у Султон Муҳаммадни Ғарбнинг соҳибқирони, ўзини эса Шарқнинг подшоси деб ҳисоблашини ва буни Хоразмшоҳга етказишларини сўрайди. Ўзаро тотувлик ва дўстлик қарор топиб, икки мамлакат ҳудудларида савдогарларнинг эркин қатновига хоҳиш билдиради.

Бунга жавобан Чингизхон қимматбаҳо совғалар ва моллар ортилган катта карвон билан ўз элчиларини Хоразмга юборади. Элчиларга хоразмлик савдогар Маҳмуд Ялавоч бошлиқ қилиб тайинланиб, улар бухоролик Алихўжа ва ўтрорлик Юсуф қанқалардан иборат эди. Чингизхон элчиларини Султон Муҳаммад 1218 йилнинг баҳорида Бухоро шаҳрида қабул қилади. Элчилар Чингизхон Султон Муҳаммадни қудратли подшоҳ деб билиб ва уни ўзининг энг ардоқли ўғиллари қаторида кўришини ҳамда у билан дўстона шартнома тузишга розилигини айтишади. Энг ардоқли ўғиллари қаторида кўриш «илтифоти», шубҳасиз, Шарқ устамонлигида Чингизхон Хоразмшоҳни ўзига қарам қилиб олиш ниятида эканини аңлатарди. Ўзини Искандари соний (Иккинчи Искандар) ёки иккинчи султон Санжар деб ҳисоблаб юрган подшога бундай истиқбол сира ёқмас эди. Хоразмшоҳ Маҳмудни тунда хуфёна чақиртириб келади. Элчига хоразмлик бўлгани учун Чингизхонга эмас, балки Хоразм шоҳига хизмат қилишини, Чингизхон тўғрисида бор ҳақиқатни айтишини, кейинчалик хон қароргоҳида Хоразмшоҳнинг жосуси бўлиб қолишини талаб қилади. XIII аср муаллифи Насавийнинг ёзишича, Хоразмшоҳ Чингизхон билан шартнома тузишга розилик билдиради ва элчиларни жўнатиб юборади. Чингизхон ўз элчиларининг иш натижаларидан мамнун бўлади. Чунки Маҳмуд Ялавоч Хоразм давлати ва унинг подшоси тўғрисида Чингизхонга, мўғуллар тўғрисида Хоразмшоҳга айтган маълумотларидан ҳам кўпроқ ахборот тўплаб қайтган эди.

Чингизхон Султон Муҳаммадга ўз миннатдорчилигини изҳор этиш ва икки буюк қўшни давлатлар ўртасида шартнома тузиш учун 1218 йилнинг ўзидаёқ Хоразмга жуда катта



савдо ва элчилар карвонини отлантиради. Карвон кўп миқдорда олтин, кумуш буюмлар, Хитой ипак матолари, гарғу деб юритилган газмоллар, сувсар ва қундуз мўйналари ва бошқа хил қимматбаҳо моллар ортилган 500 туядан ҳамда 450 мусулмон савдогарларидан ташкил топган эди. Умархўжа Ўтрорий, Ҳаммол Мeroкий, Фаҳруддин Дизаки Бухорий, Аминуддин Харавий каби савдогарлар карвон сарбонлари ва ўрда элчилари қилиб тайин этилган. Бу улкан савдо карвони мамлакат пойтахти Урганч шаҳри томон борар эди. Аммо карвон йўлда чегара шаҳар Ўтрорда ушлаб қолинади. Шаҳарнинг ноибни Иналхоннинг фармонига биноан карвон таланиб, савдогарларнинг ҳаммаси қириб ташланади. Фақат бир нафар туякашгина ўлимдан қутулиб қолади. У Чингизхоннинг қароргоҳига зўрға етиб бориб, карвоннинг даҳшатли қисматидан хабар беради.

Чингизхон Хоразм маъмурларидан ҳисобланган Ўтрор ноибининг хиёнаткорона хатти-ҳаракатидан ниҳоятда ҳақоратланган бўлса-да, аммо ғазабини босиб, Ибн Кафрoж Буғроғни икки ишончли мулозим кузатувчилари билан Хоразмшоҳ ҳузурига элчи қилиб юборади. Султон Муҳаммаддан Чингизхон айбдорларни жазолашни ва Иналхонни туттириб, унинг ихтиёрига жўнатишни талаб қилади. Хоразмшоҳ Чингизхоннинг талабига жавобан элчини ўлдиришни ва у билан бирга келган икки мулозимининг соқол-мўйловларини қирқиб шарманда қилиб қайтариб юборишни буюради. Бу воқеалар икки катта давлат ўртасида савдо алоқалари ва элчилик муносабатлари тамомила узилганини билдиради эди. Шундай қилиб, бу икки буюк давлатларнинг ҳарбий тўқнашуви муқаррар бўлиб қолган эди.

## **29-§. Мўғуллар босқини арафасида Хоразмшоҳлар давлатининг сиёсий ҳолати**

XIII аср бошларида Хоразмшоҳлар салтанати тасарруфидаги ўлка ва вилоятлар ҳудудларининг кенглиги, Шарқ давлатлари ўртасида салтанат соҳибқиронининг нуфузи жиҳатидан у буюк давлат ҳисобланарди. Хоразм ва Мовароуннаҳрдан ташқари ҳозирги Афғонистон ерлари ва Эроннинг каттагина қисми ҳам унинг тасарруфида эди. Давлат қангли-қипчоқ ва туркманлардан тузилган мунтазам кўшинга эга

эди. Бу кўшиннинг сони Чингизхон ҳарбий кучига нисбатан бирмунча ошиқроқ эди. Салтанатни ҳокимлар, ноиблар, вазирлар, лашкар бошлиқларидан иборат кучли ҳарбий аристократия, муставфий (дафтардор-ҳисобчи)лар, қозилар ва бошқа кўпгина сарой мансабдорларидан иборат улкан аркони давлат доираси қуршаб турарди. Юқори амалдорларнинг кўпчилик қисми йирик ер ва сувларига эга бўлган мулкдор оқсуяк табақани ташкил этарди. Кўпгина мансаблар, одатда, ўрта асрлар жамияти шароитида кенг тарқалган, ота-бободан мерос бўлиб ўтар эди. Аънавий тусга кирган бундай ҳол давлат мансабдорларига энг муносиб шахсларни танлаб қўйиш имкониятидан маҳрум қилар эди. Юқори мансабдорлик давлатдан иқто ерларини (умрбод фойдаланиш учун ажратилган катта ер майдони) олиш билан чамбарчас боғланган эди. Масалан, Насавийнинг ёзишича, Нисо вилоятига ноиб қилиб тайинланган Зиёулмулкка хизмати учун йилига 10 минг динор даромад келтирадиган бутун бир вилоят иқто тариқасида тақдим этилган. Иқтидорли маҳаллий ҳокимлар, ноиблар, вазирлар, йирик ердор ҳарбий аристократия вакиллари ва бошқа юқори мансабдорларнинг иқтисодий мустақиллигини оширар ва уларнинг марказий ҳокимиятига нисбатан қаршилик кайфиятларини рағбатлантирар эди. Бундай мансабдорлар давлат танг аҳволга тушиб қолган пайтларда ўз вазифаларини ташлаб кетар ва подшога итоатсизлик қилиб, ўзбошимчалик билан ўз билганларича йўл тугар эдилар. Шундай қилиб, сиртдан жуда кучли, нуфузидан буюк кўринган Хоразмшоҳлар давлати сиёсий жиҳатдан унчалик мустаҳкам эмас эди. Ҳатто айрим вилоят ҳокимлари хоразмшоҳларга номигагина буйсуниб, амалда деярли мустақил эди. Мамлакат тождори Султон Муҳаммаднинг ҳокимлиги шу сабабдан аркони давлат доирасида унчалик нуфузга эга эмас эди. Ҳарбий феодал мулкдорлар ҳамда олий табақа руҳонийлар шоҳнинг ҳукм доирасини чеклашга уринар ва унга хусумат кўзи билан боқар эдилар. Бунинг устига султон олий даргоҳи ичида кучли низо ҳукм сурарди. Айниқса, Турконхотун, яъни Султон Муҳаммаднинг «турклар онаси» номи билан шуҳрат топган забардаст волидаси кўшиннинг олий саркардалари ҳисобланган қипчоқ оқсуяклари билан уруғ-қабила алоқалари орқали маҳкам боғланган эди. Ўз қабиладошлари манфаати йўлида саройда кўтарилган барча фитналарга бу шаддод она бошчилик қилар эди. Ҳатто уларда шоҳга қарши адоват руҳини уйғун-

лаштириб қўйган эди. Мамлакат ҳолатининг энг ачинарли томонларидан яна бири шунда эдики, асосий солиқ ва мутгасил ҳашарлардан ташқари йилига бир неча бор тўланадиган турли хил тўлов ва йиғмалардан тинкаси қуриган мамлакат фуқаросининг аркони давлатга, айниқса унинг тождори Султон Муҳаммадга нисбатан бўлган эътимоди ҳам, эътиқоди ҳам сусайиб кетган эди. Ички низо, бошбошдоқлик ва фуқароларнинг норозилиги кучайиб, мамлакат сиёсий ҳаёти инқирозга юз тутган бир пайтда Хоразмшоҳлар давлати жангари мўғул қабилаларининг Чингизхон бошлиқ босқинига дучор бўлади.

### 30-§. Мўғуллар истилоси

«Ўтрор воқеаси» ва Чингизхон элчиси Ибн Қафрж Бугронинг ўлдирилиши Мовароуннахрнинг обод деҳқончилик вилоятларига Чингизхоннинг бостириб кириши учун баҳона бўлди. Шу билан бирга бирмунча вақтдан кейин бошланиши муқаррар бўлган салбни маълум даражада тезлаштирди. Фарбга томон юришни Чингизхон Шарқий Туркистон ва Етти-сув ўлкаларини забт этишдан бошлайди. Шуни таъкидлаш жоизки, Чингизхоннинг Мовароуннахрга юриши ҳарбий кўчманчи жангари мўғулларнинг шунчаки тартибсиз босқини бўлмай, балки аввалдан режалаштирган ва чуқур ўйлаб чиқилган ваҳшиёна ҳужуми эди. Чунки Чингизхон Мовароуннахр юришига катта аҳамият бериб, ўз режаларини амалга ошириш учун пухта тайёргарлик кўрган эди. Ҳали ҳарбий юриш бошланмасданоқ у ўз душманининг куч-қудрати ва урушга тайёргарлиги тўғрисида савдогарлар орқали тўланган маълумотларни синчиклаб ўрганиб, Хоразмшоҳлар давлатининг ички аҳволдан тўла воқиф эди.

Шарқий Туркистон ва Етти-сувда пайдо бўлган уруш таҳликаси Хоразм давлатида ҳарбий жонланишга сабаб бўлмай қолмади. Бунга қарши чора ва тадбирлар кўриш учун дарҳол тайёрланиш зарур эди. Хоразм давлати кўп сонли туркий мунтазам қўшин ва яхши қуроолланган кўнгиллилар лашкарига эга эди. Мамлакатда қамал қурооллари ва уларни ишлатишни яхши биладиган моҳир сарбозлар кўп эди. Уруш узоқ муддатга чўзилгудек бўлса ҳам мудофаачилар учун етарли даражада озиқ-овқат ва ем-хашак мавжуд эди.

Агарда Султон Муҳаммад ҳамда Чингизхон тасарруфидаги ҳарбий кучлар мутаносиблиги назарга олинса, лашкарларнинг умумий сони жиҳатидан, шубҳасиз, Хоразмшоҳ бирмунча устунроқ ҳам эди. Афсуски, подшоҳ билан саркардалар ўртасида мавжуд ихтилофлар аввал-бошиданоқ бундай устунликдан фойдаланишга имкон бермади. Ҳали охирги мўғул элчиси мамлакат ҳудудига қадам қўймасданоқ чақирилган ҳарбий кенгашда улар ўртасидаги ихтилоф айниқса яққол намоён бўлди. Кенгашда душманга зарба беришнинг ягона режасини яқдиллик билан белгилаб олиш ўрнига фикрлар бўлиниб кетди. Хива вакили Шаҳобуддин Хивақий бор қўшинни Сирдарё бўйига тўплаб, мўғулларни қарши олиш, узоқ йўл сафарида толиқиб келаётган душманга ҳали ўзини ўнглаб олмасдан туриб, бор куч билан тўсатдан зарба бериш тўғрисида бирдан-бир тўғри фикр баён қилади. Бироқ Хоразмшоҳ бундай маслаҳатни қабул қилмайди. Чунки у ўзини олий лашкарбошилари бўлган қипчоқ саркардаларига тамоман ишончсизлик билан қарар эди. Шунинг учун ҳам у катта қўшинни бир жойга тўплашдан ва улар фурсатдан фойдаланиб тахтдан уни ағдариб ташлашидан қўрқар эди. Ҳарбий кенгашда бўлажак урушда мудофаа тактикасини қўллашга қарор қилишди. Бунга асосан Султон Муҳаммад мўғулларнинг асосий кучига бир катта жангда зарба бериш ўрнига, аскарий кучини қалъа ва истеҳкомларга бўлиб юбориб, айрим шаҳарларни мўғулларга қарши қўйиш билан душманга зарба бермоқчи бўлди. Хоразмшоҳ мўғулларнинг асосий зарбаси Мовароуннахрнинг маркази Зарафшон водийсига қаратилса керак, деб ўйлаган эди. Шунинг учун ҳам у Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини мустаҳкамлашга буйруқ беради. Самарқанднинг ташқи деворини таъмирлаш мақсадида шаҳар аҳолисидан ҳатто бир йил ичида 3 марта хирож ҳам йиғиб олинади. Шунга қарамасдан Хоразмшоҳ мудофаага тайёр эмас эди.

1219 йилнинг кузида Чингизхон ўғиллари ҳамда қўшин бошлиқлари — Чигатой, Ўқтой ва Жўжи билан бирга Хоразмшоҳга қарши юриш бошлайди. Жами аскар 200 мингга яқин эди. Чунки унга уйғур хони Эдикут ва Олмалик ҳукмдори Сигноқтакинлар ўзларининг қўшинлари билан қўшилган эди. Чингизхон қўшини қадимги йўл билан Или дарёси бўйлаб, Шимолий Фарғонадан ўтиб, Жанубий Қо-

зоғистонда Сирдарё бўйида жойлашган Ўтрор шаҳри устига юриш қилади. Бу шаҳар яқинида бутун ҳарбий кучларини тўплаб, Мовароуннаҳрни қисқа муддат ичида забт этиш учун уни 4 қисмга бўлади. Унинг бир қисмини ўғиллари Чигатой ва Ўқтой бошчилигида Ўтрорни қамал қилиб туриш учун қолдиради. Иккинчи қисмга Жўжи бошлиқ Сирдарё этаги томон юборилади. Унга Сигноқ, Ўзган, Борчиликент, Жанд, Янгикент ва бошқа шаҳарларни босиб олиш буюрилади. Беш минг кишилиқ учинчи қўшин Олоқнуён ҳамда Сукету-черби исмли сарханглари қўмондонлигида Сирдарёнинг ўрта соҳили бўйлаб, унинг юқори оқимида жойлашган Банокат ва Хўжанд шаҳарлари томон юборилади. Чингизхоннинг ўзи асосий кучлари билан даштликлар орқали Бухорога томон аскар тортади.

Ўтрор мустақкам қалъали чегара шаҳар эди. Қалъа ноиби Қодирхон (Иналхон) бошчилигида шаҳарда 20 минг сувори бор эди. Қамал арафасида унга ёрдам учун Қорача ҳожиб қўмондонлигида яна 10 минг кишилиқ қўшин келиб қўшилган эди. Жувайнийнинг маълумотига қараганда, бу кучдан ташқари Султон Муҳаммад «лашқари берун» деб аталган 50 минг аскар юборган эди. Натижада Ўтрор шаҳрида душманга қарши кучли бир ҳимоя қуввати ташкил бўлган эди. Шундай бўлса-да, ўша давр солномачиларининг нақлига қараганда, мўғуллар шаҳарни қамалга олиш билан ўтрорликлар саросимага тушганлар. Қамални дастлабки кунларидаёқ шаҳар ҳокимиятининг вакили Бадруддин Амид, Сафий Акра ҳожиб бошлиқ Султон Муҳаммад томонидан қатл этилган Ўтрор қозисининг авлодлари мўғуллар томонига ўтиб кетадилар. Қамал вақтида Қорача ҳожиб ҳам ўз аскарлари билан шаҳардан чиқиб мўғулларга таслим бўлади. Аммо чингиззодалар Қорача ҳожибнинг ўз подшоҳи ва валинеъматига сотқинлик қилгани учун уни барча тарафдорлари билан биргаликда қатл этадилар. Шу аснода ўтрорликлар шаҳарни мудофаа қилиб, уни 5 ой давомида ўз қўлларида ушлаб турадилар. Айниқса Қодирхон ўзини Чингизхон савдогарлари ва сарбонларини ўлдиришда айбдор ҳис этиб, сўнгги нафасигача душманга қарши курашади. Унинг аскарлари эллик-элликтадан бўлиб шаҳардан ташқарига чиқадиладар ва босқинчилар билан жанг қилиб ҳалок бўладиладар. Мўғуллар шаҳарни эгаллаб, аҳолисини шаҳристондан ташқарига қувиб чиқарадиладар ва уни талайдиладар. Қодир-

хон бошлиқ мудофаачиларнинг бир қисми Ўтрор аркига жойлашиб олиб, мудофаани яна бир ойгача давом эттирадилар. Мудофаачилар бошлиғи Қодирхонни мўғуллар қандай бўлмасин қўлга тирик туширишга аҳд қиладилар. Оқибатда қушовга олиниб, асирга туширилади. У Самарқандга олиб борилиб, Кўксаройда қийнаб ўлдирилади.

Бу аснода Бухорога йўналган Чингизхоннинг асосий кучлари йўлда Сирдарёдан жанубда жойлашган Зеринуқ (Сари-тоқ) ва Нур қалъаларини жангсиз ишғол қиладилар. Ўз ихтиёри билан таслим бўлгани учун Зеринуқ қалъасига мўғуллар ҳатто «Қутлуғ балиқ», яъни «Қутли шаҳар» деган ном берадилар. Босқинчиларнинг буйруғига биноан Нур аҳолиси қишлоқ хўжалик асбоблари, ҳайвонот ва емакликларини олиб, шаҳарни мўғулларга бўшатиб берадилар. Нур қалъаси талон-торож қилинади ва унга бир ярим минг динор товон солинади.

1220 йилнинг феввалида Чингизхон Бухорога етиб боради. Бухорода бу вақтда 12 минг жангчидан иборат шаҳар гарнизони ва 20 минглик «лашқари берун» мавжуд эди. Шаҳар лашқарий кучларига Ихтиёруддин Қўшлу, Инанчхон, Оғул-ҳожиб, Ҳамид Пура Қорахитой, Суюнчхон ҳамда мўғуллардан қочиб келган Уйғур Гўрхон (Кўкхон) лар бошлиқ эди. Албатта, Бухоро аҳли мўғул босқинчиларининг қонли воқеаларидан хабардор эди. Бинобарин, улар ўз бошига келган балони бартараф этишга тайёр ҳам эмасди. Қамалнинг 3-куни Инанчхон бошлиқ шаҳарни тарк этган лашқар мўғул сафларини ёриб ўтиб, Амударё томон чекинади. Душман таъқибидан базўр қутулиб қолган қочқин Инанчхон лашқарнинг кичик қисми билан Амударёнинг нариги томонига ўтиб олади. Ҳамид Пура жангда шаҳид бўлади. Ҳимоячиларидан жудо бўлиб, ночорликда ҳаяжонга тушган бухороликлар душманга таслим бўлишдан ўзга чоралари қолмайди. Бухоро қозиси Бадруддин Қозихон бошлиқ ўз оқсоқолларини Чингизхон олдига шафқат сўраб юборади.

1220 йилнинг 16 феввалида мўғуллар Бухорони эгаллайдилар. Лекин шаҳар ҳали бутунлай таслим бўлмаган эди. Гўрхон бошлиқ 400 мудофаачилар қамалга олинган Бухоро аркида 12 кун давомида мўғулларга қарши қаҳрамонона кураш олиб боради. Мўғуллар аркни забт этиш учун барча тадбирларни қўллаб кўрадилар. Лекин ҳаммаси бекорга кетади. Қалъа ичидаги барча чуқурлар одам ва ҳайвон майитлари билан тўлиб-

тошгандан, қаҳрамонлар жонларини фидо қилганларидан кейингина уларнинг қароргоҳи забт этилади. Бу жасоратли қаршилик учун шаҳар аҳолисидан 30 мингдан зиёдроқ киши қурбон қилинади, қолганлари эса табақаларига қарамай қул қилинади. Мовароуннаҳрнинг қадимий марказларидан ҳисобланган Бухоро талон-торож этилади. Шаҳарнинг зеби-зийнатларига саҳройилар ваҳшиёна ҳирс билан ташланадилар. Барча уйлар вайрон қилиниб, сандиқлар бузилади ва беҳисоб хазиналар таланади, асрий қўлёзма асарлар, муқаддас китоблар йиртилиб, ҳайвонлар оёқ остига хазондек сочилади. Илм ва маърифат эгалари бўлган уламолар ва шайхлар қул каби эътиборли мўғул жангчиларига хизматкор қилиб, гоҳо эса, бахшиларга масҳара учун берилади. Кўпгина мўғтабар қозилар эшак ва хачир боқишга мажбур қилинади. Хуллас, санъати, илм-маърифати, нозик табиати ва ахлоқи гўзал бўлган Бухоро аҳолиси хўрланади ва масҳара қилинади. Бухоро қисматига тушган ваҳшиёна шафқатсизлик ва номуссизлик манзарасига чидай олмаган қози Бадруддин, Имомзода Рукнуддин ва унинг ўғли ғазабланиб, ўзларига тенг бўлмаган яроғли душманга ҳужум қилиб, ҳалокат топадилар. Шунга қарамасдан, мўғуллар қиличидан омон қолиб, шаҳарга яширинган султон аскарлари ўзларининг тунги ҳужумлари билан Чингизхонни безор қиладилар. Мўғуллар хоқони бундай тунги жангчиларни ушлаб беришни шаҳар аҳлидан талаб қилади. Аммо бухороликлар ғолибнинг буйруғини бажармай, уларни асраб турадилар ва тунги ҳужумларига ёрдам берадилар. Шундан кейин Чингизхон ниҳоятда ғазабланиб, шаҳарга ўт қўйиб, уни ёндириб юборишга амр қилади. Аксари синчли иморатлардан иборат бўлган Бухоро бир неча кун давомида таг-тугига қадар ёниб қулга айланади. Фақат тош ва пишиқ гиштлардан қурилган масжид ва саройларгина бу култепа ичида қора тош каби дўппайиб қолади.

Истилочилар Бухородан ғоятда кўп асир олиб қайтадилар. Асирларнинг кўпчилиги ҳунармандлар эди. Мўғуллар уларни турли хил ҳунармандчилик буюмлари, асбоб-ускуналари, қурол-яроғ ва зеби-зийнатлар ясаб берадиган ишчи кучи ва усталар деб ҳисоблардилар. Асирларнинг соғлом ва бақувватлари Самарқанд, Дабусия ва бошқа шаҳарларни қамал қилишдаги оғир ишларни бажарадиган гуруҳларга олинади.

XIII аср муаллифи Ибн ал-Асирнинг ёзишича, асирлар отлик ва қуролланган мўғуллар орқасидан пиёда етиб юролмасдилар, очлик ва совуқдан азоб чекар, тинкалари қуриб йиқилар ва абадий уйқуга кетардилар.

Бухородан кейин Чингизхон Самарқанд томон йўл олади ва 1220 йилнинг мартада Мовароуннахрнинг энг улуг ва муҳим шаҳрига яқинлашади. Шаҳарни мудофаа қилиш учун Хоразмшоҳ 110 минг кишидан иборат каттагина кучни қолдирган эди. Булардан 60 минг нафари турк, 50 минги тожик эди. Улар қўл остида 20 та фил ҳам бор эди. Шаҳар ноиби Султон Муҳаммаднинг тоғаси Тўғайхон эди. Туркий муҳофазачиларнинг бошлиқлари Алп Эрхон, Шайххон ва Боло (Бирболоз) хонлардан иборат эди. Мудофаачилар ўртасида гарчи бирлик, бирдамлик заиф бўлса-да, шаҳар ҳунарманд аҳли, майда савдогарлар, косибу фақир-фуқаролар гарнизоннинг қувватига, озиқ-овқат жамғармасининг етарли эканлигига, Хоразмшоҳнинг ёрдам беришига, жангда зафар қозонишларига ишонардилар.


Чингизхон ҳам Самарқандда жангнинг шиддатли бўлишини билар эди. Шунинг учун ҳам у аскарларининг ҳаммасини тўплашга киришади. Чингизхон Бухорода қўлга туширган асирларидан ташқари ўғиллари Чигатой ва Ўқтойларнинг Ўтрордан олиб келган бандиларини ҳам Самарқанд қамалига сафарбар этади. Самарқандликларни ташқи кўмакдан маҳрум этиш мақсадида, авваламбор, у Самарқанд теварак-атрофида жойлашган қишлоқларни забт этади ва асосий аскарий бўлинмаларни тўплаб, шаҳардан ташқарида жойлашган Кўксарой қасридан туриб, шаҳарни қамал қилиш ишига бошчилик қилади. Шаҳар остонасида уч кун мобайнида шиддатли жанглар давом этади. Қамалнинг учинчи куни мудофаачилар қамални ёриб чиқиб мўғулларга ҳужум қилардилар. Мўғуллар Хоразмшоҳ лашкарбошилариининг лаванглиги ва қўрқоқлигидан фойдаланиб, бир неча 10 минг кишини қириб ташлайдилар. Шунга қарамай, хоразмийлар ўлимга тик боқиб, жангни кун бўйи давом эттирадилар. Қамалнинг бешинчи куни оммавий қирғиннинг олдини олиш мақсадида бўлса керак, лашкар бошлиқлари ва шаҳар аҳли мўғулларга таслим бўлишга қарор қилардилар.

Қози ва шайхулислон бошчилигида мўғулларга вакиллар юборилади. Ҳатто Тўғайхон бошлиқ 20 нафар турк саркар-



далари жон сақлаш мақсадида ўз қўшини билан мўғуллар хизматиға ўтишни изҳор этадилар. Гарчи бундай таклиф аввалдан Чингизхон томонидан қабул этилса-да, аммо орадан бир оз вақт ўтгач, Тўғайхоннинг 30 минглик қўшини тунда қуршаб олиниб, 20 нафар саркардалари билан бирга қириб ташланади. Сўнгра мўғуллар Самарқанднинг бош сув иншооти «Жўйи арзис» — «Кўрғошин нова»сини бузиб ташлаб, шаҳарни сувсиз қолдирадилар. Намозгоҳ дарвозасидан бостириб кириб, барча истехкомларни вайрон қиладилар. Шаҳристондан аҳоли ҳайдаб чиқарилади ва Самарқанд таланади. Ёзма манбаларда қайд этилишича, шаҳар қозиси ва шайхулисломнинг журъати ва ваколлати туфайли 50 минг нафарга яқин шаҳарликлар ваҳшиёна қирғиндан эсон-омон шаҳар ташқарисига олиб чиқиб кетилади. Фақат мудофаачиларнинг кичикроқ гуруҳигина шаҳар аркига жойлашиб олиб, босқинчиларга қаттиқ туриб қаршилиқни давом эттиради. Шиддатли жанглардан сўнг арк қўлдан кетгач, ҳимоячилардан минг нафари жоме масжидига кириб олиб, душманни саждагоҳга яқин йўлатмай, мардонавор жанглар қиладилар. Масжидга ўт кўйиб юборилгач, ўт ичида иложсиз қолган жасур ҳимоячилар ўлимни киприк қоқмай қарши олсалар-да, аммо душманга таслим бўлмайдилар. Мўғулларнинг Самарқандни босиб олиш учун қилган жангларида шаҳар аҳолисининг кўпгина қисми қирилади. 30 минг нафарга яқин хунарманд аҳли асирга олинади. Қурол кўтаришга ҳоли бўлганлар мўғул зулми остида аскарлий хизматга мажбур қилинади.

Мўғуллар қароргоҳида улуғ хонларнинг томоша боғларини Самарқанд услубида зийнатлаб обод этишлари учун миришкор боғбонлар Узоқ Шарққа юборилади. Уста хунармандларни, моҳир ипақдўз тўқимачиларни эса хон кул сифатида хотинлари, қариндош-уруғлари ва ўғилларига бўлиб беради. Натижада, аҳолиси зич, бой ва кўркам Самарқанд бўшаб қолади. Ўша вақтларда Чингизхон хизматида бўлган Хитой руҳонийси Чан Чуннинг сўзига қараганда, мўғуллар босқинидан сўнг шаҳарда илгариги аҳолининг чорак қисмигина қолган эди. Шу тариқа Мовароуннаҳрнинг пойтахти, Шарқнинг энг қадимий ва улуғ шаҳарларидан яна бири жангари кўчманчилар томонидан босиб олиниб, ер билан яксон этилади. Воқеаларнинг ажабланарлиси шундаки, Чингизхон бошлиқ мўғул аскарлари Мовароуннаҳрга бостириб кириб, унинг



Анўштагинлар давлати ва мўғуллар истилоси

муҳташам ва бой шаҳарларини, обод қишлоқларини талаб, уларни вайрон, ўтлоқларини эса поймол қилаётган бир вақтда мамлакат султони Муҳаммад Хоразмшоҳ Амударё соҳилларида салтанат чодирини қуриб, бундай мусибатли воқеаларга бета- раф қаровчи, бефарқ назоратчи сифатида боқар эди. Душманга қарши курашни ташкил этиш ўрнига, бу тўғрида ўели Жало- лиддин Мангуберди (асли номи Менгбурни) нинг оқилона мас- лаҳатларига қулоқ солмай, у тинчгина бир гўшани қидириш кўйига тушади. 30 минглик мўғул қўшинининг таъқибидан зўрға қутулиб, у Эронга — Табаристонга қочади. Сўнгра Каспий ден- гизининг жанубидаги ороллардан бирига бориб жойлашади. Қўрқув, ўзига ва кучларига бўлган ишончини бутунлай йуқот- ган ҳамда мамлакат олдидаги бурчи ва жавобгарлигини тамоми- ла унутган Хоразмшоҳ сал вақт ўтмай оролда хор-зорликда, ғарибликда зотилжам касали билан вафот этади.

Бу даврда мўғулларнинг Жўжи бошлиқ аскарый қисми Сир- дарё этакларида зафарона ҳаракат қилимоқда эди. Аввал у аҳоли- си зич жойлашган ва бой савдо шаҳри Сигноққа ҳужум бош- лайди. Жўжи Сигноққа Ҳасанхожа исмли савдогарни элчи қилиб юборади ва шаҳарнинг таслим бўлишини таклиф эта- ди. Сигноқ аҳолиси бу таклифни рад этади. Ҳасанхожа сигноқликлар томонидан ўлдирилади. Бундай воқеадан дар- ғазаб бўлган Жўжи шаҳарни қурол кучи билан қўлга киритиш мақсадида унга қарши ҳужум бошлайди. Сигноқ аҳолиси етти кун давомида шаҳарни қаҳрамонона мудофаа қилади. Сак- кизинчи кун шаҳар мўғулларга мажбуран таслим бўлади. Босқинчилар шаҳарни талаб, аҳолининг охирги кишисигача қириб ташлайдилар. Бу воқеадан сўнг даҳшатга тушган Ўзган шаҳри мўғулларга жангсиз таслим бўлади. Аммо Барчилиғ- кент эса куч билан қўлга киритилади.

1220 йилнинг апрелида, Самарқанднинг таслим бўлга- нидан тахминан бир ой ўтгач, мўғуллар Жандга қарши ҳужум бошлайдилар. Жанд ноиб Кутлуғхон қўрқувдан Хоразм то- мон қочиб, шаҳарни бутунлай бебош қолдиради. Оқибатда шаҳарнинг асосий мудофаа кучи ҳисобланган аскарый қис- ми мудофаа масаласига жуда ҳам лоқайд муносабатда бўлади. Ривоятларга қараганда, Жанд қамал қилиниб, мўғуллар манжаниқлар ва нарвонлар ўрнатиб, шаҳар деворлари устига чиқиб, унга миниб олган пайтларида ҳам шаҳарнинг аска- рий қисми бамисоли томошабинга ўхшаб хаёл суриб турган.

Босқинчилар Жандни эгаллаб, уни талаганлар. Аҳолисининг қуролланган қисми қатл этилиб, шаҳар вайрон қилинган.

Жўжи бошлиқ мўғуллар Мовароуннаҳрнинг ғарбий қисмини, Жайхун ва Сайхун дарёлари адоқларида истиқомат қилувчи аҳолини Хоразмдан ҳамда унинг моҳир ҳарбий кучидан айирган бир вақтда Алоқнуён, Сукету-Черби ва Тўғай каби сарханглар беш минг лашкарли кичик бир кўшин билан Сирдарё бўйида жойлашган Бинокат ва Хўжанд шаҳарлари устига юради. Бу вақтда Бинокатнинг амири Элатхумалик эди. У Қанғли қабиласидан йиғилган аскарлари билан шаҳарни тўрт кун давомида мудофаа этгандан сўнгра таслим бўлади. Жанд фожиаси бинокатликлар бошига ҳам тушади. Унинг қуролли аҳолиси қиличдан ўтказилади. Қолганлари қул қилиниб, мажбуран мўғул аскарларига кўшиб олинади.

Бинокат забт этилгач, навбат Хўжандга етади. Бу шаҳар дарё иккига айрилган ерда жойлашган эди. Унинг табиий жойлашиши ҳамда асли насаби турк бўлган шаҳар ҳокими Темурмаликнинг шахсий қаҳрамонлиги билан хўжандликлар мўғулларга қутилмаган қаршилиқни кўрсатадилар. Жувайний ва Рашидуддиннинг сўзига қараганда, Хўжанд қамалида 20 минг мўғул ва 50 минг нафар асир қатнашади. Бироқ кучларнинг тенг эмаслиги оқибатида Темурмалик шаҳарни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Минг нафар лашкари билан у шаҳар яқинида дарё ўртасидаги оролардан бирида жойлашиб олади. Мўғулларнинг узган камон ўқлари ва ирғитган палақмон тошлари оролгача етиб бормас ва ҳимоячиларга тегмас эди. Мўғуллар уч фарсах (1 фарсах — 67 км) масофадан асирларга тоғдан тош ташиттириб, дарёни тўсиб ҳимоячиларга зарба бермоқчи бўлади. Темурмалик ўз отряди билан тунда қайиқларда қирғоққа сузиб келар ва кун бўйи барпо этилган кўтармани бузиб кетарди. Жувайнийнинг ёзишича, Темурмаликнинг фармойиши билан 12 та қайиқ ясалиб, душманнинг ўқи тешиб ўтмаслиги, ўт ёндириб юбормаслиги мақсадида қайиқларнинг усти наMAT билан қопланиб, сиркали лой билан суваб чиқилади. Бундай усти ёпиқ қайиқлар билан соҳилга хавфсиз етиб борар ва қайиқ ён деворларида қолдирилган махсус шинаклардан душманни ўққа тутардилар. Темурмалик шу тариқа душманга қарши узоқ мудофаа жангларини олиб боради. Лекин душман билан курашиш

фойдасизлигини кўргач, Темурмалик бор озиқ-овқат ва курол-яроғларни 70 кемага юклатиб тунда машғаллар ёруғида дарёнинг қуйи оқими бўйлаб сузиб кетади. Дарёнинг ҳар икки соҳили бўйлаб эса мўғул отлиқлари кемаларни қувиб бориб камонлардан ўқ ёғдирар ва ичига нефть тўлғизилиб, пиликлари ёндирилган кўзачаларни палақмонлардан ирғитишар эдилар. Мўғуллар Темурмаликнинг йўлини тўсиш мақсадида Бинокат тўғрисида дарёнинг у соҳилидан бу соҳилигача занжир тортиб қўядилар. Аммо Темурмалик қайиқчилари уни бир зарба билан узиб кетади. Шу тариқа Темурмалик узлуксиз жанг қилиб, муҳтожлик ва қийинчиликларни енгиб, Жанд шаҳрига етиб боради. Барчилиғкент ва Жанд яқинида дарёнинг ҳар икки соҳили бўйлаб сарханг Улус Иди бошлиқ тизилган мўғуллар, манжаниқлар ўрнатилиб бир-бирига туташтирилган қайиқлардан барпо этилган кўприк воситаси билан Темурмалик йўлини тўссаларда , аммо жасур хўжандликлар соҳилга тушиб, душман билан сўнги жангга кирадилар. Бу жангда Темурмалик қўшини ва сафдошларидан батамом айрилади. Фақат кичик бир гуруҳ йигитлари билангина ўзи ҳалокатдан қутулиб, Урганч шаҳрига етиб боради. Бир оз вақт ўтгач, у Хоразмда тўпланган қўшин ва халқ лашкарларига бошчилик қилади. Жўжига қарши муваффақиятли жанглар қилиб, ҳатто ундан Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Янгиқент шаҳрини қайтариб ҳам олади.

Бу даврда Мовароуннаҳрнинг жанубида мўғуллар босқинига дучор бўлмаган бир неча шаҳар қолган эди. Зарафшон бўйларида аскарларига бир оз дам бергач, Чингизхон бу шаҳарларни забт этишга шахсан ўзи киришади. 1220 йилнинг ёзида аввал у Нахшаб (Қарши) га бостириб боради. Шаҳарликлар даҳшатга тушиб, шаҳар дарвозаларини унга ихтиёрий очиб берадилар. Ёз фаслини у Нахшаб вилоятида ўтказди. Шу йилнинг кузида у Термизга аскар тортади. Бу вақтда Термиз Мовароуннаҳрдан Балх орқали Ҳиндистонга ўтган қадимий савдо йўли устидаги асосий Амударё кечуви ҳам эди. Термизнинг ноиб Фахрудин Хабаш бир томони Амударёнинг тик соҳилига туташган шаҳарнинг мустаҳкам қалъа деворлари ва мудофаа иншоотларига суяниб Чингизхонга қаттиқ қаршилиқ кўрсатади. Бу, албатта, қисқа муддатли қаршилиқ эди. Қамалнинг 11-кунини қаттиқ ҳужум билан олинган бу мустаҳкам шаҳар хароб этилади. Термизликлар аҳоли-

си мўғуллар панжасига тушган кўпгина бошқа шаҳарлардаги аҳоли каби фожиани ўз бошидан кечиради.

Сирдарё ҳавзаси, Зарафшон ва Қашқадарё водийлари, Амударё ўрта оқимининг ўнг соҳили вилоятлари забт этилгач, Чингизхон асосий кучни Хоразмшоҳлар давлатининг марказий қисми — Хоразмга ташлайди. Бу ҳарбий кучни Чингизхоннинг ўғиллари — Жўжи, Чигатой ва Ўқтойлар бошқарадилар. Чингизхон Хоразм давлатининг пойтахти, Шарқнинг муҳим иқтисодий ва маданий марказларидан бири — Урганч устига юришга катта аҳамият беради.

1221 йилнинг бошларида эндигина Хоразм давлатининг султони деб эълон қилинган Жалолиддин Мангуберди, гарчи Хоразм мудофаасига жиддий киришса-да, аммо унга қарши собиқ Жанд ноиб қочқин Қутлуғхон бошлиқ қипчоқ лашкарбошилари томонидан уюштирилган фитна уни Темурмалик билан Хуросонга жўнашга мажбур қилади. Чунки бундай вазиятда пойтахтга томон бостириб келаётган ёвуз душманга қарши пойтахт мудофаасини сира ҳам ташкил қилиб бўлмас эди. Шу сабабли тез вақт ичида шаҳзодалар Ўзлокшоҳ ва Оқшоҳлар ҳам Урганчни тарк этиб, қочиб кетадилар. Пойтахт тақдири ўта кўрқоқ ва амалпараст амир Хумортакин қўлида қолади. Ўзини у султон деб эълон қилиб, Урганчни мўғуллардан ҳимоя қилишга ваъда ҳам беради. Худди шу аснода шаҳар яқинига кўпгина мўғул кучлари келиб тўпланади. Урганчдек катта шаҳарни қамал қилиш учун шимолдан Жўжи, Бухоро тарафидан Чигатой ва Ўқтой аскарлари бостириб келади. 1221 йилнинг қишида 50 минглик мўғул лашкари Урганчни қамалга солиб, унга қарши ҳужум бошлайди. Шаҳар аҳолиси қамалга зўр гайёрланади. Урганчликлар душманнинг ҳарбий кучи ва техникасининг устунлигига қарамай, ўз она шаҳри мудофаасига ғоят баланд руҳ билан киришадилар. Улар қамалдан, деворни тешиб қулатадиган қуроллардан, манжаниқ ва палақмонлардан кўрқмайдилар. Мўғул аскарлари ичига нефть тўлғазилиб, пилиги ёниб турган кўзачаларни иргитиб турса-да, мудофаачиларнинг шахтини қайтара олмайдилар. Лекин шаҳар ҳукмронлигини ўз қўлига олган ваъдабоз хоин амир Хумортакин Урганч дарвозаларини очиб бериб, ўз тарафдорлари билан мўғулларга таслим бўлади. Босқинчилар шаҳар дарвозаларидан бостириб кириб, айрим маҳаллаларни эгаллайдилар. Эрксевар Урганч аҳолиси бундай офир ва танг дамларда ҳам душманга қарши шиддатли жангларни бош-

лаб юборади. Пойтахт ичида олиб борилган кўча жанглирида замонасининг буюк алломаси Шайх Нажмуддин Кубро номи билан шуҳрат топган 76 ёшли Аҳмад ибн Умар Хивақий ўз дўсту шогирдлари ва беҳисоб муриду издошлари билан иштирок этади. Нажмуддин Кубронинг илтижо билан «Ё Ватан, ё шарофатли ўлум», деб айтган хитоби раҳнамолигида ҳар бир маҳалла, кўча, гузару раста, масжиду мадраса ва ҳар бир хонадон жангтоҳга айланади. Мудофаачилар қадрдон шаҳарнинг ҳар бир қарич ерини мардонавор ҳимоя қилиб, мардлик ва фидокорлик намуналарини кўрсатадилар. Узоқ давом этган кўча жанглирида минглаб мўғул аскарлари ҳалок қилинади. Мўғуллар то шу пайтгача Мовароуннаҳрнинг ҳеч бир шаҳрида бунчалик қурбон бермаган эдилар. Бу қонли кураш, манбаларда қайд этилишича, беш ой давом этган. Манбаларда таърифланишича, ҳатто Чингизхон Нажмуддин Куброга аҳли аёнлари, барча ёру дўстлари билан шаҳар ташқарисига чиқиб жон сақлашни таклиф этган. Аммо шайх: «Бу мурувват йўлидан ниҳоятда йироқ, кўп йиллардан бери бу вилоят аҳли ҳимоясида хотиржамлик билан умр ўтказган бўлсагу, энди... бу халқдан ажралишни ихтиёр қилсак», деган жавоб билан Чингизхон таклифини рад қилади. Оқибатда, сон жиҳатидан тенг бўлмаган душман билан олиб борилган шиддатли ғазода оғир яраланган Нажмуддин Кубро ўлим олдида туғ тутган мўғул сарбозига ташланиб, унинг парчимини жон-жаҳди билан тутган ҳолда қаҳрамонларча шаҳид бўлади. Шубҳасиз, ҳарбий кучда ва интизомда устун бўлган мўғулларга қарши курашган урганчликларнинг ғалаба қозониши мушкул эди. Иложсизликдан ҳоли танг бўлиб, таслим бўлган Урганч босқинчилар томонидан талон-торож этилади. Жувайнининг ёзишича, 100 минг нафар хунарманд асирга олиниб, қолганлари қириб ташланади. Шаҳарнинг бош тўғони бузиб юборилиб, Урганчни сув босиб, вайрон бўлади.

### **31-§. Амударё соҳилларидаги жанг ва Жалолиддин Мангуберди жасорати**

Хоразмшоҳлар давлати пойтахти Урганчнинг аянчли қисматидан сўнг бойликларга ўч, кўзи оч мўғул жангарилари босқинчилик сафарларини Амударёдан жанубда жойлашган йирик савдо ва маданият марказларидан ҳисобланган Балх, Ҳирот, Марв ва Ғазна каби шаҳарларга йўналтирадилар. Аммо

бу вилоятда улар шу гўшада қарор топган Жалолиддин Мангубердиннинг қаттиқ қаршилигига учрайди. Бу ўлкада у кучли лашкар тўплайди. Душманга у дарғазаб арслондек гоҳ ўнг, гоҳ сўл қанотдан, баъзан марказдан ҳужум қилиб, тинкасини қуритади. Ҳатто икки жангда мўғулларни мағлуб этиб, уларга катта талафот келтиради. Мўғул кўшинининг энг атоқли лашкарбошилари Жалолиддинга қарши тура олмайдилар. У Парвон даштидаги жангда машҳур мўғул лашкарбошиси Шики Хутухунўён бошлиқ 45 минг душман кўшинини мағлуб этади. Жангда ҳарбий тактика тарихида биринчи бўлиб Жалолиддин душман сувориларига қарши от ёнида туриб пиёда жанг қилиш услубини қўллайди. Мўғулларнинг Парвон даштидаги мағлубияти то шу вақтгача жиддий зарбага учрамаган Чингизхоннинг асосий кучини урушга солишга ва ҳарбий ҳаракат раҳбарлигини ўз қўлига олишга мажбур этади. Синд дарёси бўйидаги жангларда Жалолиддин мўғул аскарларига бир неча бор зарба беради. Ҳатто Чингизхоннинг ўзи тўқнашувлардан бирида жанг майдонидан зўрға қочиб қутулади. Эндиликда Чингизхон ўзига тенг рақибга дуч келганини яхшигина тушуниб, Жалолиддиннинг катта куч тўплашига ҳалақит бериш учун барча чораларни кўради. Мўғуллар устидан ғалаба қозонилганидан кейин қўлга киритилган ўлжаларнинг тақсимоли туфайли Жалолиддиннинг лашкарбошилари ўртасида ўзаро келишмовчилик бошланади. Оқибатда лашкарбошилардан Сайфутдин Ағроқ, Ағзам Малик ва Музаффар Маликлар кўшиндан ажралиб, ўз вилоятлари томон азм этадилар. Бу воқеадан сўнг Жалолиддиннинг ҳарбий кучи анча-мунча кучсизланиб қолади. Фурсатдан фойдаланган Чингизхон Ғазнага аскар тортади. Жалолиддин эса урушсиз чекиниб, Синд дарёси қирғоқларига яқинлашиб боради. Дарё бўйида 1221 йилнинг ноябрида қаттиқ жанг бўлади. Мўғулларнинг пистирмаларга қўйилган 10 минг нафарлик сараланган аскари жангнинг оқибатини ҳал қилади.

Жалолиддин Мангуберди таслим бўлишни ва ўз оиласининг мўғуллар қўлига тушишини хоҳламай рафиқаси, она ва болаларини тик қирғоқдан дарёга улоқтириб, ўзи эса отда Синд дарёсининг нариги қирғоғига сузиб ўтиб, кўздан ғойиб бўлади. У билан бирга унинг 4 минглик аскари ҳам қутулиб қолади. Душманининг жасоратига қойил қолган Чингизхон ҳатто уни таъқиб қилиш фикридан ҳам қайтади. Жа-



лолиддин яна 12 йил давомида мўғулларга қарши курашни давом эттиради. У Кавказда кучли давлат барпо этмоқчи бўлади. Аммо бу ўлкада ҳам ҳокимлар ва мулкдор зодагонлар ўртасидаги низолар унинг бундай орзусининг рўёбга чиқишига тўсқинлик қилади. Шундай қилиб, буюк саркарда Жалолиддин Мангуберди ва унинг жанговар кучини ташкил қилган фидойи сафдошлари, гарчи Ватан тақдири йўлида ўз ҳаётларини тикиб, куч жиҳатдан бир неча ўн баробар ортиқ бўлган душманга қарши йиллар давомида қаҳрамонона курашсалар-да, аммо она юрт озодлигини сақлаб қолишнинг иложи бўлмайди. Чунки фурсат бой берилган эди. Сўнгги Хоразмшоҳнинг ҳукмронлиги шу тариқа 1231 йилда тугайди. Шу билан бирга 140 йил ҳукмронлик қилган Буюк Хоразмшоҳлар давлати ва уни бошқарган Ануштакинлар хонадони батамом ҳалок бўлади. Шубҳасиз, мамлакат султони Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўз юрти ва фуқароси олдидаги бурчи ва масъулиятига нисбатан бефарқ қараши, қўрқоқлиги душманга қарши барча кучларни бирлаштириб, унга бошчилик қила олмагани, ҳукмрон доиралар орасида ҳукм сурган фитна ва иғволар, лашкарбошиларнинг бебошлиги, тарқоқлиги ва сотқинлиги оқибатида Чингизхондек ёвуз душман босқинига бардош бера олмай Шарқдаги бу улкан давлат батамом барҳам топади.

### **32-§. Мўғуллар истилосидан кейинги сиёсий вазият, хўжалик ҳаёти ва халқ кўзғолонлари**

Мўғуллар истилоси оқибатида Мовароуннаҳр ва Хоразмнинг кечагина яшнаб турган обод деҳқончилик вилоятлари ҳалокатга учрайди. Гавжум ва кўркам шаҳарлар, айниқса, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Марв, Бинокат, Хўжанд ва бошқалар харобазорга айлантирилади. Самарқанддек азим шаҳарни ичимлик суви билан таъминлаб турувчи ягона сув иншооти — Кўрғошин навоси, Марв воҳасини суғориш тармоқларининг бош тўғони — машҳур Султонбанд бузиб ташланади. Самарқандликлар 1750–1800 йиллар давомида ота-боболари яшаб келган ўз она шаҳарларини тарк этиб, чиқиб кетадилар. Марв аҳолиси эса сувсизликдан қуриб бораётган қишлоқларини ташлаб, ўзга ерларга кўчиб бориб жойлашадилар. Воҳанинг ям-яшил далалари ва мевазор боғ-роғларини барҳанли

қумликлар босиб, кимсасиз даштликка айланади. Урганч сувга бостирилиб, батамом вайрон этилади. Хоразм ва Мовароуннахрнинг зироатчи аҳолиси сонининг кескин камайиб кетиши оқибатида экин майдонлари жиддий қисқариб, деҳқончилик таназзулга юз ўгиради. Хуллас, Осиёнинг ҳеч бир ўлкаси мўғул босқинчиларининг вайронгарчиликларини Жайхун ва Сайхун оралиғидаги вилоятлар каби даҳшатли даражада ҳис этмади. Чунки бу жангари кўчманчилар Мовароуннахрда юксак ҳунармандчилик, ички ва ташқи тижорат ва суғорма зироатчилик билан касб этилган асосли идора усулини биринчи марта кўрдилар, талон-торож, зўрлашга бўлган чанқоқларини илк бор шу ерда қондирдилар. Моҳир ҳунармандлар ғолибларнинг даштли яйловлардан иборат бўм-бўш юртини безашга мажбуран Мўғулистонга юборилди. Бутун Шарқда шуҳрат топган қурол-аслаҳа ясаш, нафис ипак матолар тўқиш, нақшли шишагарлик ҳунармандчилиги барҳам топди. Ўзининг ҳосилдорлиги билан донг қозонган воҳалар сувсизликдан қуриб қолди. Асрлар давомида Хитой ва Ҳиндистондан Ўрта Осиё орқали Кичик Осиё ва Европа томон кесиб ўтган машҳур Ипак йўли мўғуллар босқини даврида бутунлай тарк этилди. Бу даврда илм ва маърифатга етказилган жароҳат ҳам оз бўлмади.

Забт этилган ўлка ва вилоятларни Чингизхон ҳали ҳаётлик чоғларидаёқ ўғиллари ва набираларига тақсимлаб берди. Жанубий Сибирь, Дашти Қипчоқ, Итил бўйи, Хоразм ва Дарбандгача бўлган ўлка Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжи ва унинг вафотидан кейин эса набираси Боту қўлига топширилди. Шарқий Туркистон, Етгисув ва Мовароуннахрга унинг иккинчи ўғли Чигатой эга бўлди. Чингизхон ўзи туғилиб ўсган Мўғулистонни, шунингдек, Хитойни учинчи ўғли ва вориси Ўқтойга берди. Кенжа ўғли Тулуга эса Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон тегди. Шундай қилиб, мўғуллар босиб олинган вилоятларни улусларга тақсимлаб, мулк асосида бошқаришга киришадилар.

Чингизхон вафотидан сўнг (1227) Ўқтой мўғуллар давлатининг улуғ хоқони қилиб тайинланади. Туркий аҳоли одати бўйича подшоҳ «қоон» ёки «хоқон» деб, улусларнинг ҳукмдорлари эса «хон» деб юритилади. Улуғ «хоқон» нинг қароргоҳи Қорақурум шаҳрида бўлиб, у ердан туриб хонларнинг хатти-ҳаракатини қаттиқ назорат қилиб турар эди.

Мўғуллар ҳукмронлигининг дастлабки давридаёқ маҳаллий мулкдор — оқсуякларнинг, руҳонийларнинг ва савдогарларнинг кўпчилиқ қисми ўз мол-мулклари ва ижтимоий имтиёзлари ҳамда илгариги мавқеларини сақлаб қолиш учун халққа хиёнат қилиш йўли билан мўғул босқинчиларига хизмат қилишга ўтадилар. Истилочиларга мамлакат ичида шундай бир таянч бўлиши ҳам зарур эди. Шунинг учун ҳам мўғул хонлари маҳаллий мулкдорлар манфаатини кўзлаб, уларнинг меҳнаткаш аҳолига тазйиқ ўтказишни кучайтиришларига кенг йўл очиб берадилар. Натижада маҳаллий аҳоли икки томонлама талана бошланади. Мўғул хонларининг, шунингдек, маҳаллий ҳокимларнинг жабрзулими ва бебошликлари ҳаддан ошади. Улар ҳар йилги шаръий солиқ ва ўлпонлардан ташқари, аҳолидан йиғиб олинадиган турли-туман тўлов, йиғим ва жарималарнинг сонини ҳаддан ташқари ошириб юборадилар. Аҳоли, айниқса, деҳқонлар лойқа босиб, ишдан чиққан суғориш тармоқлари, вайрон бўлган сув иншоотлари, йўл ва кўприкларни, қўрғон ва қалъаларни тиклашга мажбуран сафарбар этиладилар.

Деҳқонлардан олинадиган ер солиғи бу даврда «калон» деб юритилган. Калон ҳосилдан 1/10 қисми ҳажмда, яъни 10 тугар ғалладан бир тугар ҳажмда хазина учун олинган. 1235 йилда ўтказилган қурултойда чорвадан «қопчур» солиғи йиғишга қарор қилинади. Бу солиқ бўйича ҳар юз бош чорвадан бир бош олинган, бундан равшанки, мусулмон мамлакатларида ҳар қирқ бош чорвадан бир бош ҳажмда олинадиган «закот» га қараганда бирмунча енгил бўлиб, афтидан, чорвадор мўғулларнинг манфаатлари кўзда тутилган. Мўғулларнинг «Ёсоқ китоби»да қайд этилишича, давлат хазинаси учун «шулен» номи билан юритилган озиқ-овқат солиғи ҳам ундирилган. «Шулен» ҳар бир подадан икки яшар кўй, қимиз учун ҳар минг отдан бир бия ҳисобида олинган. Солиқлар маҳаллий хонлар томонидан барот (ижара) тартибида аввалдан тўланиб, аҳолидан йиғиб олиш пайтларида улар шубҳасиз расмийлаштирилган миқдордан ошириб ундирилган.

Мўғулларнинг ҳукмронлик даврида шаҳар ҳунармандлари ҳам ниҳоятда оғир шароитда яшардилар. Кўпгина ҳунарлар заволга учраб, ҳунармандларнинг сони камайиб кетади. Мўғул ҳукмдорлари ўз қўшинларининг эҳтиёжлари учун керак

бўлган ўқ-ёй, қилич, садоқ (ўқдон), совут, дубулға (темир қалпоқ), жиба (темир кийим) ва бошқа ҳарбий анжомлар ишлаб чиқариладиган устахоналаргагина ҳомийлик қиладилар. Шундай бўлса-да, ҳунармандларнинг аҳволи ҳам деҳқон ва чорвадорларникидан енгил бўлмаган. 1246 йилда Мўғулистонда хоқон қароргоҳида бўлган Плато Карпининг ёзишича, «Мўғуллар сарацинлар ва бошқаларнинг юртида ўзларини хўжайин деб ҳисоблайдилар ва энг яхши ҳунармандларни олиб кетиб ишлатадилар. Бошқа ҳунармандлар эса ўз касб-корларидан уларга ўлпон тўлайдилар. Улар ҳунармандларга кунига маълум миқдорда нон, шунингдек, ҳафтада уч марта бир бўлақдан гўшт берадилар. Мўғуллар гўштни фақат шаҳардаги ҳунармандларгагина берадилар».

Тарихий манбаларда меҳнаткаш аҳолининг истилочилар томонидан ҳар томонлама таланганлиги ва борган сари талончилик кучайиб кетгани ҳақида кўпдан-кўп маълумотлар ёзиб қолдирилган. Мўғуллар ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаёқ мўғул хоқонлар ўзларига хизмат кўрсатган кишиларга, айрим катта ер эгалари ва савдогарларга турли ёрлик ва пайзалар берар эдилар. Пайза олтин, кумуш, жез ва ёғочдан ясалган тахтачалардан иборат бўларди. Бундай пайза ёки ёрликқа эга бўлган кишилар, шу жумладан, элчилар, солиқ йиғувчилар ва бошқа маъмурлар аҳолидан турли хил йиғим ва тўловларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга эдилар. Бундай пайза ва ёрликлар эса кўп-кўп бериларди.

Бундан ташқари мамлакат бўйлаб савдо йўлларида жойлашган бекат — «ём» (жом) ларнинг хизмати ва харажати ҳам аҳолининг бўйнига юкланган. Давлат топшириғи билан қатнайдиган сон-саноксиз элчилар, чопарлар ва хабарчиларга бекатларда ўнлаб кишилар хизмат қилиши керак эди. Аҳоли уларга от-улов, озиқ-овқат, ем-хашак ва бошқа керакли буюмларни топиб беришга мажбур эди. 1235 йилдан бошлаб, хоқоннинг махсус фармониغا асосан ҳар бир ёмдаги почта ҳаракати ва хизмати икки туманнинг аҳолисига юкланади. Улар ҳар бир «ём» учун 20 от — «улов», сўйиш учун қўйлар, соғиш учун соғувчиси билан биялар, арава ва бошқа керакли анжомларни ажратишлари лозим эди. «Текинхўрликнинг бундай шакли шундай кучаядики, — деб ёзади XIII аср муаллифи Рашидуддин, — ҳатто ўғрилар, ҳаромзодалар ҳам ўзларини элчи қилиб кўрсатиб, элнинг отларини миниб олиб, нар-

саларини олиб кетар эдилар. Оқибат, йўл бўйларида яшаган элларда тоқат ва мажол қолмади». Хуллас, бу даврда халқни ғайриқонуний талаш учун мўғулларга ва уларга хизмат қилувчи маъмурларга кент йўл очилган эди.

Зўрлик, жабр-зулмининг ниҳоятда кучайиши, хилма-хил мажбурий тўлов ва йиғимларнинг ҳаддан ташқари кўплиги меҳнаткаш омманинг тинкасини қуритган эди. Бундай аҳвол, шубҳасиз, мўғулларга нисбатан норозиликни ошириб, истилочилар истибдодига қарши халқни бош кўтаришига олиб келди. Шундай кўзғолонлардан бири Бухоро воҳасидаги Тороб қишлоғида кўтарилган халқ кўзғолони бўлди.

Чет эллик босқинчилар ва маҳаллий мулкдор золимларнинг тоқат қилиб бўлмайдиган зулми остида қолган халқ оммаси бу асоратдан қутулиш учун курашга бир неча бор кўзғалади. Навбатдаги кўзғолон 1238 йилда Бухородан 3 фарсах (18–21 км) узоқликда Зарафшон дарёси соҳилида жойлашган Тороб қишлоғида бошланади. Унда Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларнинг мўғуллар ҳукмронлиги ҳамда маҳаллий маъмурларнинг зулмидан норози бўлган ҳунармандлар ва деҳқонлар қатнашади. Кўзғолонга тороблик ғалвир ясовчи ҳунарманд Маҳмуд бошчилик қилади, тарихда у Маҳмуд Торобий кўзғолони номи билан шуҳрат топади. Маҳмуд Торобий атрофига тўпланган кўзғолончиларга мурожаат қилиб: «Ҳой, ҳақиқат ҳомийлари, яна нега сусткашлик қиламиз, яна нимани кутиб турамиз. Дунёни ғайридинлардан тозалаш зарур, ҳар бир кимса бисотида бор яроғ-аслаҳасини ёки сўйил ва таёғини шайласин ва ишга солсин», деган сўзларни айтиб, уларни кескин курашга даъват этади. Бу чақириқдан сўнг Маҳмуд атрофига жуда кўп ҳунарманд қосиблардан ва деҳқонлардан иборат катта куч тўпланади. Мўғул маъмурлари ҳийла билан Маҳмудни ўлдириб, кўзғолончиларни етакчисиз қолдирмоқчи бўладилар. Аммо бу уриниш муваффақиятсиз чиқади. Мўғул маъмурлари ғалаённи бостириш учун Маҳмуд Яловочдан ёрдам сўрайдилар. Маҳмуд бошлиқ кўзғолончилар Торобдан чиқиб Бухорога йўл оладилар. Бу ерда Торобийнинг яқин сафдошларидан ақоид олими Шамсуддин Маҳбубий ва шаҳар аҳолиси кўзғолончиларга қўшилиб, кўлига қурол олади. Маҳмуд Торобий ва Шамсуддин Маҳбубий мўғул ҳарбий кучлари етиб келгунгача кўзғолон бошлашга қарор қиладилар.

Мўғулларга қарши бош кўтаришни таклиф қилиб, Маҳмуд Торобий номидан ҳамма томонга даъватномалар йўлланади. Ўзларининг қадрдон шаҳар ва қишлоқларини мўғуллардан ва уларнинг ҳамтовоқ хизматчилари бўлган маҳаллий маъмурлардан озод қилишга олган кишилардан каттагина лашкар тўпланади. Маҳмуд Торобий ўз тарафдорлари билан Бухорога кириб олгач, шаҳар ичидаги Робия саройини қароргоҳ қилиб олади. Бу ерга Бухоронинг садрлари, бадавлат аёнлари, йирик ердорларни чақиртиради. У ўзини Бухоро ва атроф вилоятларининг «халифаси», яъни ҳукмдори деб расмий равишда эълон қилишга уларни мажбур этади. Шундан сўнг Шамсуддин Маҳбубий «Садр» деб эълон қилинади. Маҳмуд Торобий Бухорода ўз ҳукмдорлигини ўрнатгач, мўғул тарафдорлари бўлган маҳаллий зодагонларга қарши бир қанча жазо чораларини кўради. Жуванийнинг ёзишича, у амалдорлар ва бадавлат кишиларнинг кўпини ҳақоратлаб, обрўсини тўқади, баъзиларини қатл эттиради, баъзилар қочиб кетади. Олдий халқ ва ялангоёқларга эса аксинча, илтифот ва марҳамат кўрсатади.

Қочиб кетган зодагонлар ва мўғуллар Кармана яқинида куч тўплаб, Бухоро устига юрадилар. Бундан хабар топган Маҳмуд Торобий душман ҳарбий кучларига шаҳардан ташқарида Кармана йўлида қарши чиқади. Ўртада жанг бошланади. Мўғуллар енгилиб, Кармана томон қоча бошлайдилар. Уларни қувишда атроф қишлоқлардан тўпланган ва паншаха ҳамда табарлар билан қуроолланган деҳқонлар қўзғолончиларга келиб қўшиладилар ва солиқ йиғувчиларни, бадавлат кишиларни ўлдирадилар. Шиддатли жанглар қилиб, душман Карманাগача қувиб борилади, мўғуллардан 10 мингта яқин нафари ҳалок бўлади. Аммо бу жангда қўзғолон бошлиқлари — Маҳмуд Торобий ва Шамсуддин Маҳбубийлар ҳам шахид бўладилар. Қўзғолончилар уларнинг ўрнига Торобийнинг укалари Муҳаммад ва Алини бошлиқ қилиб сайлайдилар. Бироқ янги раҳбарларнинг ҳарбий тажрибаси ва омма ўртасида етарли обрўи йўқ эди. Уларнинг бундай ҳолати тез орада аён бўлиб қолади. Чунки орадан бир ҳафта ўтмай, уларга қарши мўғулларнинг Элдизнўён ва Чекан Кўрчи бошлиқ янги ҳарбий кўшини ҳужум қилади. Жангда қўзғолончилар бутунлай тор-мор қилиниб, Торобийнинг ҳар иккала укаси ҳам ҳалок бўлади. Мўғуллар Бухорони яна босиб олиб, у ерда илгариги тартибларни қайта ўрнатадилар.

Шундай қилиб, Маҳмуд Торобий бошчилигидаги кўзғолон мўғуллар ҳукмронлиги ва уларнинг хизматига ўтган маҳаллий мулкдорларнинг зулмига қарши кўтарилган халқ кўзғолони эди. Гарчи кўзғолон бостирилган бўлса-да, лекин у Ўрта Осиё халқларининг озодлик ҳаракатлари тарихида алоҳида ўрин тутди. Авваламбор, босқинчилар ва улар билан бирлашиб кетган маҳаллий зодагонларга қарши халқ озодлик кураши тарихини бойитди. Қолаверса, мўғул ва маҳаллий ҳукмрон доиралар қаршисида жиддий халқ кучи ва унинг орасидан етишиб чиққан Маҳмуд Торобий ва Шамсуддин Маҳбубий сингари халқ қаҳрамонларининг борлигини кўрсатди. Шундан сўнг мўғуллар ва маҳаллий ҳокимлар солиқларни бирмунча тартибга солиб, мўғул босқоқлари ва доруғалари томонидан йиғиб олинадиган ўлпон ва тўловларни чеклайдиган фармонлар чиқаришга мажбур бўладилар. Аммо бундай чора-тадбирлар халқ оммасининг гоят оғир аҳволини енгиллаштирмайди.

### **33-§. Чигатой улусининг ташкил топиши ва унинг сиёсий аҳволи**

XIII аср бошларидаёқ Чигатой тасарруфига берилган Мовароуннаҳр, Еттисув ва Шарқий Туркистонда Чигатой улуси ташкил топади. Бу давлат XIV асрнинг 40-йилларига қадар яшайди.

Мўғуллар катта ва маданий вилоятларни идора қилишда мутлақо тажрибага эга эмас эдилар. Бунинг устига бундай вилоятларни бошқара оладиган маъмурлари ҳам йўқ эди. Чингизхон ва хонзодалар, мўғул ҳарбий зодагонлари истило қилинган мамлакатлардан асосан ўлпон ундириб, муттасил даромад олиб туришга қизиқар эдилар. Шунинг учун ҳам сертармоқ ва бой хўжаликка эга бўлган Мовароуннаҳр вилоятларини, хунармандчилик шаҳарларини бошқаришда давлатни идора қилиш анъаналарига эга бўлмаган мўғул хоқонлари, шунингдек, Чигатойнинг ўзи ҳам ўзларига бўйсундрилган маданийроқ халқларнинг зодагон табақа вакиллари хизматидан фойдаланадилар.

Мовароуннаҳрни бевосита идора этиш ишлари ҳали Ўрта Осиё забот этилмасидан илгари Чингизхон ҳузурида хизмат қилган хоразмлик савдогар судхўр Маҳмуд Ялавочга берилди. У Хўжанд шаҳрини ўзига қароргоҳ қилиб олади ва шу

ерда туриб Мовароуннаҳрни идора қила бошлайди. Унинг ихтиёрида босқинчиларнинг таянчи ҳисобланган мўғул босқоқлари — маҳаллий ҳокимлар, доруғалар — ҳарбий маъмур ва солиқ йиғувчилар ҳамда анча-мунча мўғул аскарлари бор эди. Рашидуддиннинг маълумотига қараганда, Чингизхон вафотидан (1227) кейин Чигатойга тўрт минг аскар теккан эди. Унинг бир мингининг бошлиғи барлос, икки мингининг бошлиғи жалоир қабиласидан бўлган. В.В.Бартольднинг тахминига кўра, қолган икки мингининг бошлиқлари қовчин ва арлот қабилаларига мансуб бўлган. Ибн Арабшоҳнинг маълумотига кўра, қовчин Амударёнинг шимолида, Бухоронинг шарқий томонларида; барлос Қашқадарё водийсида; жалоир Сирдарё ҳавзасида; арлот қабиласи эса Афғонистоннинг шимолий томонида яшаган. Шуларга суяниб Маҳмуд Ялавоч мўғул хоқонлари талабини ижро этар ва ўзининг чексиз ҳукмронлигини амалга оширар эди.

1238 йилда Чигатой Маҳмуд Ялавочни амалидан четлаштириб, Мовароуннаҳрдан чиқариб юборади. Маҳмуд Ялавочнинг исёнкор районларда қўзғолонни бостиришдаги сусткашлиги ҳамда аҳолига раҳм-шафқат қилиб, уларга солинадиган солиқларни камайтириши унинг амалдан четлаштирилишига сабаб бўлган эди. Маҳмуд Ялавоч Ўқтой ҳузурига — Қорақурумга етиб боргач, у Дасин (Пекин) шаҳрига ҳоким қилиб тайинланади. Чигатой улусига Маҳмуд Ялавочнинг ўғли Маъсудбек ноиб ҳамда ижарадор этиб тайин қилинади. Маъсудбек ҳам Мовароуннаҳрда отаси бошлаган сиёсатни давом эттириб, улус даромадини хоқон хазинасига аввалдан тўлаб, аҳолидан «барот» асосида уни кўпайтириб йиғиб оларди.

XIII аср ўрталарида Мўғуллар давлатининг умумсиёсий аҳволи оғирлашади. Бу даврда мўғуллар истилоси бутун Шарқий Европага ёйилади. 1222–1241 йилларда Россия забт этилиб, Олтин Ўрда давлати вужудга келади. 1256 йилда Эрон босиб олиниб, Хулагулар давлати ташкил топади. 1258 йилда Хулагу Бағдод халифаси Муътасимни (1242–1258) тахтдан ағдариб, аббосийлар сулоласига хотима беради. Лекин бундай ғолибона истилолар Мўғуллар давлатининг мустаҳкамланишига олиб келмайди. Аксинча, бош ҳукмронлик учун чингизийлар ўртасида кескин кураш бошланади. Бу кураш, айниқса, 1248 йили Куюкхон вафотидан кейин кучаяди.



1251 йилда Қорақурумда бўлиб ўтган қурултойда чингизийлар орасида ёши улуғи Боту ва унинг укаси Беркаларнинг қўллаб-қувватлаши ва кўмагида Тулухоннинг тўнғич ўғли Мунқа (1251–1259) Мўғулистоннинг улуғ хоқони қилиб сайланади. Мунқа даврида Чигатой улуси мулк сифатида тугатилади. У Боту билан Мунқа ўртасида, келишув асосида тақсимланиб, Сирдарёгача бўлган ерларни Мунқа, Мовароуннаҳрни эса Боту эгаллаб олади. Аммо орадан кўп вақт ўтмай, шу асрнинг 60-йилларидаёқ Чигатойнинг набираси Олғухон Олтин Ўрда маъмурларига қарши кескин кураш олиб бориб Чигатойлар улусини қайта тиклашга муваффақ бўлади.

Борган сари кескин тус ола бошлаган сиёсий вазиятдан маълум бўлишича, XIII аср ўрталарида мўғуллар гарчи Осиё ва Европанинг катта қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатган бўлсалар-да, аммо ҳали улар ягона давлатга эга эмас эди. Бу даврда улуғ хоқоннинг ҳокимлиги деярли номигагина бўлиб, Эронда Хулагу, Мовароуннаҳрда Олғу, Олтин Ўрдада Беркаларнинг давлатлари мустақил ҳукм суради. Ҳар бир улуснинг хони ўзини ҳокими мутлақ ҳис этиб, пайт пойлаб, ўз хоқонзодалари улусларига хужум қилар ва талаб қайтар эди.


1272 йилда Хулагухоннинг Оқбек бошлиқ аскарлари Мовароуннаҳрга бостириб кирадилар. Улар Кеш ва Нахшаб шаҳарларини талайдилар. 1273 йилнинг январида хулагулар Бухорога бостириб кириб, шаҳарда қирғин қилиб, уни талон-торож этадилар. Босқинчилар тўс-тўполони вақтида шаҳардаги «Масъудия мадрасаси» ва катта кутубхона ёниб кетади. Олғунинг Чўлой ва Қопон номли ўғиллари бошлиқ Бухорога ёрдамга келган ўн минг Чигатой мўғуллари шаҳарга етиб келгач, кўмакнинг ўрнига талончилик ва қирғинни давом эттирадилар. Натижада Бухоро ва унинг атрофи вайронага айланиб, ҳувиллаб қолади. Етти йил давомида шаҳар деярли жонсиздек ётади.

Мовароуннаҳрда Чигатой мўғулларининг ўтроқ ҳаёт, мулкдорлик тартиблари, илғор шаҳар маданияти билан бевосита мулоқоти, шубҳасиз, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий муносабатларида жиддий ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. XIII аср ўрталарида Чигатой улусининг илғор мўғул зодагонлари доирасида ўтроқликка кўчиш, шаҳар ҳаётига яқинлашиш, маҳаллий ўтроқ аҳолининг бой маданиятидан

фойдаланиш жараёни кучаяди. Албатта, мўғуллар ҳаётидаги бундай юксалиш улар ўртасида қаттиқ норозилик ва қаршиликларга учрайди. Шунинг учун ҳам бу даврда ўтроқ деҳқончилик вилоятлари ва уларнинг зироаткор, ҳунарманд аҳолисига нисбатан мўғул ҳукмрон доиралари ўртасида икки хил муносабат пайдо бўлади. Кўчманчи ҳарбий зодагонларнинг катта қисми, хонзодалар ва айрим хоқонлар ўтроқ ҳаётга мутлақо қарши бўлиб, мамлакатни бошдан-оёқ яйловга, шаҳарларни харобазорларга айлантириш тарафдори эдилар. Уларни вилоятларни талаш, ўт қўйиш, вайрон қилиб, аҳолисини асирга олиб ҳайдаб кетиш билан кўпроқ ўлжаларни қўлга киритиш қизиқтирар эди.

Маҳаллий зодагонлар, руҳоний ва савдогарларнинг асосий қисми, баъзи бир хонлар ҳамда ҳарбий маъмурларнинг кичик бир қисми ўтроқ ҳаёт тарафдори бўлиб, улар бошбошдоқликка қарши кураш олиб бориб, марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга интилардилар. Ўтроқ ҳаётни, деҳқончилик ва савдони улар давлат хазинасига муттасил тушиб, уни тўлдириб турадиган улкан даромад манбаи деб ҳисоблар эдилар. Хонавайрон бўлган хўжаликни тиклаб, уни ривожлантириш учун авваламбор ўтроқ аҳолини талашни, экинзорларини поймол этишни тўхтатиш, солиқлар ва ҳашарларни тартибга солиб, деҳқонларни турли-туман йиғим, тўлов ва жарималардан озод этиш, шаҳарларга ва савдога ҳомийлик қилиш сиёсатини амалга ошириш лозим эди.

Бундай сиёсат тарафдорларидан бири Мўғулистоннинг улуғ хоқони Мунқа ва иккинчиси Чигатой улусининг ноиб Маъсудбек эди. Ҳатто Мунқа солиқ ва ҳашар ишларини тартибга солиш тўғрисида махсус фармон – ёрлиқ чиқаради. Бу ёрлиқда қайд қилинишича, Мунқа ҳажми белгиланмаган энг оғир солиқ ва ўлпонларни, хусусан, Чингизхон вафотидан сўнг берилган пайза ва ёрлиқларни бекор қилади. Ёмлар бўйлаб почта хизмати учун ажратиладиган отлар сонини белгилаб, аҳолидан ортиқча от талаб қилиш, шахсий кишиларнинг сафарда почта отларини миниб юришини ман этади. Шунингдек, элчилар қўлларида бевосита топшириқлари бўлмаса шаҳар ёки қишлоқларга бекорга кирмаслиги ва аҳолидан улар учун белгиланганидан ортиқча ем-ҳашак олмаслиги уқтирилади.



Шундай қилиб, Мунқаннинг қонунлаштирилган чора-тадбирлари чекланмаган солиқ ва йиғимларни тартибга солиб, ўзбошимчалик билан йиғиб олинadиган ҳисобсиз тўловлардан аҳолини озод этади, шаҳар ва унинг ички ҳамда ташқи савдосининг жонланишига имкон беради.

Чигатой улусининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида бу даврга келиб юзага кела бошлаган силжиш, шубҳасиз, ўз навбатида Чигатой мўғулларининг тутган сиёсатига ҳам бирмунча ижодий таъсир кўрсатади. 1269 йилда Талос водийсида Чигатой улусининг хони Кайду мўғул шаҳзодалари ва нўёнларининг қурултойини чақиради. Рашидуддиннинг маълумотига қараганда, кенгаш қатнашчилари «бундан кейин тоғ ва чўлларда яшашга, шаҳар атрофларида манзил қурмасликка, чорва молларини экинзорларда ўтлатмасликка ва раиядан бекордан-бекорга жарима ва солиқлар олмасликка» қарор қиладилар.

XIII асрнинг 70–80-йилларига борганда Мовароуннаҳрда аста-секинлик билан бўлса-да, шаҳар ҳаёти, хусусан, ҳунармандчилик ва савдо муносабатлари жонлана бошлайди. Шаҳарларнинг ички ҳаёти, айниқса, товар ва пул муносабатларининг тикланишида Маъсудбек томонидан амалга оширилган пул ислоҳоти муҳим аҳамиятга эга бўлади. У Мовароуннаҳрнинг 16 шаҳар ва вилоятида, жумладан, Самарқанд, Бухоро, Тароз, Ўтрор, Хўжанд ва бошқа шаҳарларда бир хил вазн ва юқори қийматли соф кумуш тангалар зарб этириб, мамлакат бўйлаб уларни муомалага чиқаради. Бу борада шуни қайд қилиш жоизки, икки ярим аср мобайнида Ўрта Осиёда кумуш тангалар мунтазам сўқилмагани назарга олинса, Маъсудбекнинг пул ислоҳоти мамлакатда товар ва пул муносабатлари тикланиб, шаҳарларнинг, қисман бўлса-да, ички ҳаётининг жонланишида нақадар ҳаётий аҳамият касб этган. Айрим маълумотларга қараганда, айти шу даврда Фарғона водийсида чигатойзодалардан Тувахон (1282–1306) томонидан Андижон шаҳрига янгидан асос солинган.

Гарчи мамлакатда деҳқончиликнинг аҳволи ҳақида маълумотлар оз бўлса-да, ҳар қалай XIII асрнинг охирларида Бухоро атрофларининг суғорилиб обод этилиши тўғрисида 1299 йилга мансуб вақф ҳужжати бизнинг давримизгача етиб келган. Ушбу ҳужжатда қайд этилишича, вақф хўжалигининг ташкилотчиси Бухородан 4 фарсах (24–28 км) узоқ-

ликда жойлашган, суғорилиб обод этилган Ҳамина қишлоғини экин ерлари билан сотиб олган. Бу қишлоқ яқинида у яна бир қишлоқ барпо қилиб, унда икки масжид, корандалар учун тураржойлар, тегирмон ва бир нечта тўқимачилик корхонасини бино қилган.

Бироқ Сайфуддин Бохарзий мақбараси ва хонақоси учун 1326–1335 йилларда тузилган вақф ҳужжатларида келтирилган маълумотларга қараганда, ўша вақтларда Бухоро ва Вобкент атрофидаги қишлоқларда қаровсиз ётган токзорлар, мевали дарахтлар арраланиб, тўнқаларигина сақланган боғларнинг ўринлари, қуриб қолган ариқ ва ҳовузлар, вайрон этилган сарой, масжидлари, кадивар ва зироатчилар яшаган уй-жойларнинг харобалари ҳали кўп бўлган.

Хуллас, XIV асрнинг 20–40-йилларида Мовароуннаҳрда мўғуллар амалга оширган вайронгарчилик ҳали тугатилмай, ҳунармандчилик, деҳқончилик, савдо-сотик ўзининг XIII аср бошларидаги даражасига кўтарилмаган эди.

### 33-§. Чигатой улусининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи

XIV асрнинг биринчи ярмида Чигатой улусида мўғулларнинг ўтроқликка ўтиш жараёни кучайиб, уларнинг ижтимоий ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Мовароуннаҳрдек маданий ўлка билан мустақкам алоқа ўрнатишга ва ўтроқ ҳаёт кечирришга интилан Чигатой хонларидан бири Кебек (1318–1326) эди. У ҳокимиятни бевосита ўз қўлига олади. Қашқадарё воҳасида қадимги Насаф шаҳри ёнида у ўзига сарой қурдиради. Сарой мўғул тилида «Қарши» деб юритилиб, шу саройда туриб у мамлакатни идора қилади. Кейинчалик бу сарой атрофида янги шаҳар қад кўтаради ва у ҳам «Қарши» деб атала бошлайди. Бора-бора Қарши гавжумлашиб, қадимги Насаф шаҳри хароб бўлади.

Кебек давлатни идора этиш, тузилишини ва унинг иқтисодий ҳаётини тартибга солиш мақсадида маъмурий ва пул соҳасида ислоҳот ўтказди. Кебекнинг ислоҳоти бўйича, давлат вилоятларга бўлиниб, улар мўғулча «туман» деб юритилган. Аммо маъмурий ислоҳот маҳаллий ҳокимликлар ва бекликларга барҳам бермаган, балки уларга мослашган. Майда маҳаллий ҳокимликлар ва бекликлар туманларга, вилоятларга, илгариги ҳокимлар эса туманларнинг ноибига айлантирил-

ган. Аввалги маҳаллий ҳукмдорлар — маликлар ва садрларнинг ўринларини турк-мўғул уруғ бошлиқлари эгаллаган. Ноиблик эса ота-бободан мерос бўлиб қолар эди. Кебек жорий қилган маъмурий бўлиниш, гарчи қадимий анъаналарга барҳам бера олмаган бўлса-да, у Мовароуннаҳрда давлатчиликни мустақкамлашда ижобий роль ўйнаган.

Кебек даврида ички савдо-сотиқни тартибга солиш, кўшни давлатлар билан ташқи савдо муносабатларини яхшилаш учун бутун мамлакатда ягона пул жорий қилинади. Эрондаги Хулагулар давлати ва Олтин Ўрда хонлигининг кумуш тангалари намунасида Кебек икки хил пул: йирик кумуш танга — «динор» ва майда кумуш танга — «дирҳам»лар зарб эттиради. Кебек динорининг вазни икки мисқол, дирҳамининг оғирлиги  $1/3$  мисқолга тенг бўлган.

Ўтроқ ҳаётга кўчган Кебек ва унинг ноибларининг бу ҳаракатларига Мовароуннаҳрнинг ўтроқ аҳолиси хайрихоҳлик билдирган бўлса-да, аммо мўғул кўчманчи зодагонларининг каттагина қисми норозилик билдиради ва қаршилик қилади. Шундай бўлса-да, вилоятларга келиб ўрнашиб олган мўғуллар аста-секин ўтроқ ҳаётга кўчиб, деҳқончилик билан шуғуллана бошлайдилар. Бу эса, ўз навбатида, мўғулларнинг борган сари маҳаллий, айниқса туркий халқлар маданияти, урф-одатларини, тилини қабул қилишга ва уларга сингиб, турклашиш жараёнининг кучайишига олиб келади. Улар ислом динини қабул қила бошлайдилар. 1333 йилда Мовароуннаҳрда бўлган араб сайёҳи Ибн Баттуга Кебекнинг укаси Тармаширинни (1334—1376) масжидда учратган эди.

Мовароуннаҳр мўғулларининг ўтроқлашуви ерли тожик ва туркий аҳолининг ҳаётига таъсир қилмай қолмади. Мўғул ҳарбий доираларининг ўтроқликка ўтиб, унумдор ерларни эгаллай бошлаши маҳаллий аҳолининг хўжалигига зарба беради. Унинг айрим гуруҳлари ўз жойларидан сиқиб чиқарилади. Натижада мўғул зодагонларининг ердор хўжаликлари кенгайиб, бевосита корандалар кучидан фойдаланиш кучаяди.

Мовароуннаҳрда келиб ўрнашган мўғул уруғлари ва қабилаларининг ижтимоий ҳаётида юз берган туб ўзгариш, уларнинг маҳаллий ижтимоий тузумни қабул қилишлари, хўжалик ва маданий ҳаётидаги силжишлар мўғулларнинг этник хусусиятларини ҳам ўзгартириб юборади. Аммо бу жараён фақат Мовароуннаҳр мўғуллари ҳаётидагина содир бўлиб,

Чигатой улусининг шарқий қисмида, яъни Еттисувдаги мўғуллар орасида у ҳали ниҳоятда заиф эди. Бу икки ўлка мўғулларининг ижтимоий ҳаётидаги фарқ борган сари кучайиб, ҳатто улар ўртасида душманлик кайфиятини келтириб чиқаради. Еттисувлик мўғуллар Мовароуннаҳрда яшовчи ўз ҳамулусларига нафрат кўзи билан боқиб, уларни камситиш мақсадида «қораунас», яъни «дурагай» деб атасалар, Мовароуннаҳр чигатойлари еттисувлик чигатойларни «жета», яъни «қароқчи-қолоқлар» деб ҳақорат қиладилар.

XIV асрнинг 40-йилларида Чигатой улуси иккига бўлиниб кетади. Унинг шарқий қисмида Шарқий Туркистон ва Еттисувда мўғулларнинг Дуғлат амирлиги, ғарбий қисмида эса Мовароуннаҳр амирлиги ташкил топади.

Мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳаётида содир бўлган жиддий ўзгаришлар, шубҳасиз, унинг иқтисодий жиҳатдан жонланишига туртки ҳам бўлади. Мўғуллар истилоси даврида инқирозга учраган ҳунармандчилик, савдо-сотик ва деҳқончилик аста-секин жонлана бошлайди. Ҳунармандчилик ва ички-ташқи савдонинг гавжумлашуви, шубҳасиз, хароб бўлган шаҳарларнинг қайта тикланишига сабаб бўлади. Гарчи ҳали кўпгина шаҳар ва вилоятлар хароба ва ярим хароба ҳолида ётган бўлса-да, Урганч ва Бухоро шаҳарлари қайта тикланади. Қадимги Самарқанд вайроналари ёнгинасида янгидан шаҳар қад кўтаради. Мовароуннаҳрда Андижон ва Қарши, Олтин Ўрда давлатида Сарой Боту ва Сарой Берка, Эронда эса Султония каби янги шаҳарлар барпо этилади. Уларнинг баъзилари ҳатто йирик савдо марказларига айланади. Шаҳарларда турли хил давлат, жамоат ва маърифат бинолари қад кўтаради. Шаҳар бозорлари гавжумлашади. Аммо шаҳарлар ва улардаги ҳунармандчилик тараққиёти ҳали Чингизхон истилоси арафасидаги даражагача етмаган эди.

XIV асрнинг биринчи ярмида Чигатой улусининг юқори табақаси кўчманчиликдан ўтроқликка кўча бошлаган, мўғул ҳарбий зодагонлари ва улар билан бир ёқадан бош чиқарган маҳаллий турк ва тожик мулкдорлар: йирик ердорлар, руҳонийлар ва савдогарлардан иборат эди. Мамлакатдаги барча мол-мулк, ер-сув уларнинг тасарруфида бўлиб, шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткаш оммаси улар ҳукмронлиги остида кун кечирар эди.

Мамлакатдаги унумли ерларнинг асосий қисми давлат ва унинг маъмурлари, ҳарбий оқсуяклар ва руҳонийлар қўлида эди. Ер ва сувдан фойдаланишда аввалгидек иқтодорлик давом қилар эди. Кам ерли ва ерсиз деҳқонлар оғир шартлар асосида йирик ердорларнинг мулкларида коранда бўлиб ишлашга мажбур эдилар. Уларнинг йирик мулкдор хўжаликларга қарамлиги ниҳоятда кучли эди. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиёда ерга бўлган эгаликнинг тўрт хили мавжуд эди: 1) Мулки девон — давлат ерлари; 2) Мулки инжу — хон ноиблари ва уларнинг авлодлари тасарруфидаги ерлар; 3) Мулки вақф — масжид, мадраса, хонақо, мазор ва мақбаралар ихтиёридаги ерлар; 4) Мулклар — хусусий ерлар. Мулкларнинг каттагина қисми ҳарбий зодагонларга давлат олдидаги хизматлари учун ҳадя қилинган ерлар бўлиб, улар «иқто» ёки «суюрғал» ерлари деб юритилади. Бундай ерларга эга бўлган ердорлар — «иқтодор» ёки «суюрғал эгалари» барча солиқ ва тўловлардан озод этиларди. Иқто ва суюрғал ерлари авлоддан авлодга мерос тариқасида ўтарди.

Йирик ердорлар қўлидаги мулк ерларига ерсиз ёки кам ерли деҳқонлар бириктирилиб, улар бундай мулкларда ҳосилнинг 1/3 эвазига коранда бўлиб ишлаб берар эдилар. Оғир меҳнат ва зулмдан қочиб кетган деҳқонлар доимо ўз хўжаларига зўрлик билан қайтарилиб турилади. Йирик ердорлар ва уларнинг хўжаликларига қарам бўлиб қолган деҳқонлар «кадивар» деб юритиларди.

Кадиварлар заминдорлар қўрғонларида улар учун бино қилинган махсус тураржойларда яшар эдилар. Давлатга солиқ тўловчи асосий меҳнаткаш деҳқон аҳли майда ердорлар бўлиб, улар арабий ҳужжатларда «музорий» номи билан тилга олинади. Музорий зироаткор, деҳқон, полизкор маъносини англатади.

Музорий, кадиварлардан ташқари мамлакатда қуллар табақаси ҳам мавжуд бўлиб, улардан деҳқончиликда, айниқса, сув хўжалиги ишларида: суғориш шахобчаларини лойқадан тозалаш, тўғонлар қуриш, заҳқашлар ковлаш каби оғир жисмоний ишларда фойдаланилар эди. Маълумки, мўғуллар истилоси ва қирғинлари оқибатида кадивар ва музорийларнинг сони камайиб кетади. Деҳқончиликнинг аста-секин жонланиши билан давлатга солиқ тўловчиларнинг асосий қис-



мини ташкил этган эркин деҳқонлар кучига бўлган муҳтожлик орта бошлайди. Бунинг оқибатида бу даврда қулларнинг маълум бир қисми жойларда қуликдан озод этилиб, йирик ердорлар мулкларига, хусусан, вақф ерларига кадивар сифатида бириктириш жараёни кузатилади. Кадиварга айланган бундай озод қуллар гарчи корандалар қаторида ҳосилнинг 1/3 қисмига эга бўлсалар-да, аммо ўз ихтиёрлари билан вақф ерларини ташлаб кетиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Чунки улар вақф ерларида бир умр деҳқончилик қилишлари учун озод этилган эдилар.

XIII асрнинг иккинчи ярми — XIV аср бошларида шаҳар ва қишлоқларда хўжалик ҳаётининг жонланиши билан, шубҳасиз, мўғуллар истилоси ва босқини даврида кучли зарбага учраб инқирозга юз тутган фан, адабиёт, маърифат ва маданиятнинг айрим тармоқлари ҳам тиклана бошлайди. Хусусан, бу даврда, биринчи навбатда, шаҳарсозлик билан боғлиқ бўлган бинокорлик ва меъморчилик йўлга қўйилади. Айниқса, ўрта асрлар меъморчилигининг кўзгуси ҳисобланган кошинпазлик, ганчкорлик, парчинсозлик, меъморий ғишт ўймакорлиги ва меъморий хаттотлик асрий анъана ва тажрибалар асосида тикланиб, ҳатто бирмунча тараққий ҳам қилади.

Мовароуннаҳр ва Хоразмда бу даврга келиб, шаҳар вайроналари саҳнида онда-сонда бўлса-да, маҳаллий меъморлар қўли билан қурилган монументал иморату иншоотлар: масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара, минора ва саройлар қад кўтаради. Ўша асрларда бино қилинган кўпгина моддий маданият обидаларидан айримлари бизнинг давримизгача сақланиб қолган. Бухоро шаҳридаги Сайфуддин Бухорзий, Баёнқулихон мақбаралари; Самарқанддаги машҳур Шоҳизинда меъморий ансамблининг асосий қисми бўлган Қусам ибн Аббос мақбарасининг зиёратхонаси, кўҳна Урганчдаги Нажмуддин Кубро ва Тўрабекхоним мақбаралари, Хўжанд шаҳрида бино қилинган ва кейинчалик вайрон бўлиб кетган Тувахон мақбараси шулар жумласидандир. Ёзма манбалардан маълум бўлишича, бу даврда мақбаралар билан бир қаторда масжид, мадраса ва саройлар ҳам қурилади. XIII аср ўрталарида Бухорода «Масъудия» ва «Хония» номлари билан шуҳрат топган иккита мадраса бино қилинган. Мўғул хони Кебек томонидан қадимги Насаф шаҳри яқинида хон учун

махсус қароргоҳ сарой қурилиб, у мўғулча «Қарши» номи билан шухрат топади ва вилоятнинг марказига айланади. Қўҳна Урганчда шу даврда бино қилинган қўш минорали масжиднинг бизгача ягона минораси сақланиб қолган, унинг баландлиги 62 метрга тенг.

Бу даврда пишиқ ғишт, кошин, парчин, меъморий ўймакор ғиштлар ҳамда ганч ва оҳак, пистакўмир ва кум бирикмасидан тайёрланган махсус қоришма — қир каби беқиёс қурилиш маҳсулотларидан биноларни қуришда ҳамда уларни меъморий жиҳатдан безашда кенг фойдаланилади. Бу давр монументал биноларининг асосий қисми бир ёки икки гумбазли, тоқу ровоқли ва пештоқлидир. Меъморий биноларга, айниқса, пештоқларига нақш беришда турли рангли кошин ва парчинлар билан бир қаторда нақшинкор ғиштлар ва турли хил услубда ёзилган меъморий хаттотлик намуналаридан ҳам фойдаланиб, ўрта аср меъморчилигида иморат пештоқларини турли мазмундаги китобалар билан нақш бериш каби асрий анъаналар давом эттирилади. Биноларга ишланган нақшлар хилма-хил ва бой бўлиб, ўймакор амалий санъат қайта тикланибгина қолмай, балки янада ривожланганидан гувоҳлик беради.

Гарчи ёзма манбаларда бизгача аниқ маълумотлар етарли даражада етиб келмаган бўлса-да, ҳар қалай бу даврда илм ва маърифат ҳам айрим йирик ҳунармандчилик ва савдосотиқ марказларида жонланади. Бухорода бино қилинган «Масъудия» ва «Хония» каби мадрасаларнинг ҳар бирида мингтагача толиби илм аҳли таҳсил кўради.

XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV аср бошларида фан ва адабиёт асосан мўғуллар ҳукмронлиги ўрнатилмаган вилоятлар — Кичик Осиё, Жанубий Эрон ва Ҳиндистонда тараққий қилади. Фақат XIV аср охири — XV аср бошларига келгандагина яна адабий муҳит ва унинг маркази Мовароуннаҳрга ва Хуросонга кўчади. Бу даврда форс-тожик поэзиясининг йирик намояндаларидан Жалолуддин Румий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Деҳлавий каби буюк сиймолар яшаб ижод этганлар. Жалолуддин Румий (1207—1272) буюк тасаввуф шоири бўлиб, шеъриятда у сўфийлик фалсафий жанрини ривожлантириб, ўзининг 36 минг байтдан иборат «Маснавийи маънавий» номли поэмасини яратди. Бу асарида у сўфийлик фалсафасининг асосларини талқин этади.

Бу даврнинг машхур мутафаккир адибларидан яна бири Муслихуддин Саъдий Шерозий (1219—1293)дир. У ўзининг «Гулистон» ва «Бўстон»и, сермазмун ғазаллари, дидактик асарлари билан форс-тожик адабиёти тараққиётида ўчмас из қолдирди. У ўз асарларида она-Ерга бўлган муҳаббат, инсон-парварлик ғояларини моҳирона баён этади. Шоир золимона ҳукмронликни, кучлилар ўзбошимчилигини қоралайди, ҳукмдорларни фуқаропарварликка чақиради. Бойликка интилиш ва тамагирликни қийиштириб қўяди.

Ўз даврининг буюк адибларидан Амир Хусрав Деҳлавий (1253—1325) Низомий Ганжавийдан сўнг «Хамса» поэмасини ёзган ҳам шоир, ҳам мусиқашунос мутафаккирлардан эди. У «Мифтоҳ ул-футуҳ» («Зафарлар қалити»), «Нуҳ сипеҳр» («Фалакнинг тўққиз гумбази») каби асарларини ёзади.

XIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, айниқса, тарих-навислик тараққий қилади. Бу даврда Абу Умар Минҳожуддин Жузжонийнинг «Табақоти Носирий», Алоуддин Атамалик Жувайнийнинг «Тарихи Жаҳонгушай» («Жаҳон фотиҳи тарихи»), Фазлуллоҳ Рашидуддиннинг «Жамоот-таворих» («Тарихлар тўплами») каби қимматли тарихий асарлар ёзилади. Бу асарлар ўша давр тарихи, айниқса мўғуллар истибодини ўрганишда биринчи даражали манба ҳисобланади.

Бу даврда Хоразмда ислом ахлоқи, одоби ва тақводорлиги асосида туркий тилдаги адабиёт ривож топа бошлайди. Кейинчалик у «Чигатой тили» ва «Чигатой адабиёти» номи олади. Шу билан бирга Хоразмнинг марказий шаҳри Урганчда яна олимлар, адиблар, меъмору мусаввирлар тўпланади. Кейинчалик улар Амир Темур давлати қарор топгач, фан ва санъатнинг тараққиётига катта таъсир кўрсатадилар.

## УЧИНЧИ ҚИСМ

### ЎРТА АСРЛАР УЙҒОНИШ ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОН (XIV—XVI АСР БОШЛАРИ)

#### VI БОБ. АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИ

##### 35-§. Сиёсий тарқоқлик ва сарбадорлар ҳаракати

XIV асрнинг 50–60-йилларида Мовароуннаҳрда сиёсий тарқоқлик ғоятда кучайиб, ўзаро ички кураш янада кескинлашади. Мамлакатдаги ҳар бир вилоят алоҳида ҳукмдорликка ажралиб, улар ўртасида низо кучайиб кетади ва қонли урушларга айланади. Бу даврда мамлакатда ягона уюшган давлатнинг йўқлиги, унинг сиёсий жиҳатдан майдаланиб кетганини ўрта аср муаррихларидан Фиёсуддин Хондамир ўзининг «Ҳабиб ус-сияр» номли асарида қуйидагича тасвирлайди: «Амирзода Абдулло бинни амир Қазоғон (1346–1358) вафотидан сўнг Туркистон аҳволидан ҳаражу мараж (бошбошдоқлик) йўл топиб, ҳар шаҳарда мустақил шоҳликка интилишлар майдонга келади. Ҳар қасабада бир уятсиз давлат иқбол ҳавоси билан қўзғалишга оёқ босди». Хондамирнинг ёзишича, улус ўнга яқин мустақил бекликларга бўлиниб кетади. Самарқанд вилоятида Амир Баён Сулдуз, Кешда Амир Хожа Барлос, Хўжандда Амир Боязид Жалоир, Балхда Ужайду Сулдуз, Шибурғонда Муҳаммад Хожа Яздий, Кўҳистонда Амир Сотилмиш, Хутталонда Кайхусрав, Ҳисори Шодман чегарасида Амир Ҳусайн ва Амир Хизир Ясовурийлар ўзларини ҳокими мутлақ деб эълон қиладилар.

Низомуддин Шомийнинг сўзига қараганда, мамлакатда ҳокимлар ўртасида доимо низолар ва ғалаёнлар бўлиб турар, давлат ишлари эса бугунлай издан чиққан эди. Сиёсий парокандалик, ўзаро уруш ва жанжаллар иқтисодий тангликка сабаб бўлиб, мамлакат аҳолисини, айниқса деҳқонлар хўжалигини хонавайрон қилган эди. Бунинг устига Шарқий Тур-

кистон ва Еттисувда ташкил топган Мўғулистон амирлари Мовароуннаҳрни босиб олишга ҳаракат қиладилар. Бир неча бор Мовароуннаҳр устига юриш қилиб, уни талаб қайтадилар. Мўғулистон амирларининг вайронгарчилик юришларига қарши кураш бошланиб кетади. Мўғуллар истибдоди ва зулмига қарши халқ ҳаракати бошланади.

Мана шундай ички ўзаро урушлар қизиган, мўғуллар зулмига қарши меҳнаткаш халқ ҳаракатлари бошланган бир даврда қисқа вақт ичида ўрта асрларнинг йирик давлатини вужудга келтирган соҳибқирон Амир Темур сиёсат майдонига дастлабки қадамларини қўймоқда эди.

Амир Темур (1336–1405) Кеш (ҳозирги Шаҳрисабз) шаҳри яқинидаги Хўжайилгор қишлоғи (ҳозирги Яккабоғ)да 1336 йил 9 апрель кuni таваллуд топган. Унинг тўлиқ исми Амир Темур Кўрагоний ибн Амир Тарағай ибн Амир Буркул. Ёзма манбаларда у Темурланг, Европа адабиётида эса Темурлан номлари билан ҳам таърифланади. Чунки у Сеистонда бўлган жангда (1362) ўнг кифти ва ўнг оёғидан жароҳатланиб, бир умрга оқсоқланиб қолган эди. Амир Темурнинг онаси Такинахотун Кеш юртининг обрўли бека (бек оғо)ларидан ҳисобланган. Унинг отаси Амир Тарағай Ибн Амир Буркул Барлос уруғининг бий (уруғ оқсоқоли) ларидан бўлиб, Чиғатой улусининг эътиборли бекларидан ҳисобланган. Унинг аждодлари эса Чиғатой саройи мулозимлари қаторидан ўрин тутган. Улар Кеш ва Насаф вилоятида ўз мулкларига эга бўлган ва бу юртга ҳокимлик қилган. Шу боисдан Амир Темурнинг отаси Амир Тарағайбек ҳам йилда бир маротаба Или дарёси бўйида хон томонидан чақириладиган эл-юрт бек ва бийларнинг умумқурултойига таклиф этилар ва у бундай йиғинларда муттасил қатнашар эди.

Амир Темурнинг ёшлиги она юрти Кешда кечди. Етти ёшга тўлгач отаси уни ўқишга берган. У ёшлик чоғлариданоқ чавандозлик ва овга ишқибоз бўлиб, камондан нишонга ўқ узиш, от чоптириб турли машқ ва ҳарбий ўйинлар билан машғул бўлишни ёқтирар эди. Шу аснода Амир Темур тулпорларини саралаб ажрата оладиган моҳир чавандоз ва дов-юррак баҳодир сифатида вояга етган. Унинг атрофига болаликдаги дўстлари ва мактабдошлари тўпланишиб, биргаликда машқ қилар, мусобақаларда иштирок этишар, аста-секин навқар бўлишиб, ҳарбий гуруҳга бирлашиб шакллана

борганлар. Бу гуруҳ орасида Аббос Баҳодур, Жаҳон Шоҳбек, Хуморий Иноқ, Сулаймон Шоҳбек, Идику Темур, Сайфуддинбек, Ҳиндушоҳ Қарқара ва бошқалар бўлган. Кейинчалик улар Амир Темурнинг сафдошларига айланиб, унинг кўшинида лашкарбоши даражасигача кўтарилган.

Амир Темур табиатан оғир, босиқ, теран фикрли ва идрокли, самимиятни тезда фаҳмлаб оладиган инсон бўлган. Шу туфайли атрофига ўспиринлик чоғларидаёқ тенгқурларидан садоқатли дўстларини жалб қила олган. Ўзининг илк ҳарбий фаолиятини Амир Темур қўл остидаги навкарлари билан айрим вилоят амирларига хизмат қилишдан бошлаган. Уларнинг ўзаро курашларида қатнашиб, жасорат кўрсатган ва жангларда чиниққан. Ҳарбий маҳорати ва олийҳимматлилик Амир Темурнинг шуҳратини ошириб, унинг донғи бутун Қашқадарё водийси, хусусан, Кеш вилоятига ёйилган. Амир Темурнинг ақлу заковати, шижоати ва жасорати тўғрисидаги шуҳрат уни Мовароуннаҳрнинг нуфузли амирларидан аввал Жоку Барлос, сўнгра Амир Қазоғон (1346–1358) билан яқинлаштирган. Отаси Амир Темурни аввал (1352) Амир Жоку Барлоснинг қизи Турмиш Оғога уйлантирган, сўнгра эса (1355) Амир Қазоғоннинг набираси ва Амир Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон Оғони ўз никоҳига олган. Кейинги никоҳ туфайли Балх амири билан боғланган қариндошлик алоқа, шубҳасиз, Амир Темур билан Амир Ҳусайн ўртасида иттифоқни юзага келтиради ва мўғулларга қарши жиддий кураш бошланади.

Амир Темурнинг Мовароуннаҳрни бирлаштириш йўлидаги дастлабки ҳаракати XIV асрнинг 60-йиллари бошларидан бошланади. Бунинг сабаби бор эди. XIV асрнинг 50-йиллари охирида Мовароуннаҳрда амирларнинг ўзаро кураши кучайиб, Амир Қазоғон ўлдирилади. Мамлакатда сиёсий парокандалик авжга чиқиб, ҳар жиҳатдан оғир танглик содир бўлади. Бу даврда Чигатой улусининг шарқий қисми — Еттисув ва Шарқий Туркистонда ҳукмронлик қилаётган мўғул хонлари Мовароуннаҳрдаги оғир сиёсий вазиятдан фойдаланиб, бу ўлкада ўз ҳокимиятини ўрнатишга ҳаракат қиладилар. Мўғул хонларидан Туғлуқ Темур (1359–1363) 1360–1361 йилларда Мовароуннаҳрга бирин-кетин икки марта бостириб киради. Мўғул хонларининг ғорату ронгарчилик юришлари, истибдоди ва зулмига қарши халқ ҳаракати бошланади. Бироқ Мовароуннаҳр амирлари халққа бош бўлиб,

мўғул босқинчиларига қарши курашга журъат эта олмайдилар. Уларнинг бир қисми душман тарафига ўтади, иккинчи қисми эса эл-юртни тарк этиб, ўзга мамлакатлардан бошпана излайди. Амир Темурнинг амакиси Кеш вилоятининг ҳукмдори Амир Хожа Барлосдек баҳодирбек Хуросон томон қочади.

Мўғулларга қарши туриш учун кучларнинг тенг эмаслигини ҳисобга олган 24 ёшли Амир Темур 1360 йилнинг бошида Туғлуқ Темур томонидан Кешга юборилган беклар билан келишади. Шароит тақозоси билан Кеш вилоятини бутунлай қўлдан чиқариб юбормаслик мақсадида хон хизматига ўтади. Натижада Туғлуқ Темурнинг ёрлиғи билан ўз вилоятининг доруғаси этиб тайин қилинади. Шубҳасиз, бу ноиложликдан қўйилган сиёсий ва стратегик қадам эди. Бу билан Амир Темур мўғулларнинг навбатдаги талонининг олдини олиб, мамлакат ва халқни бундай ҳалокатдан қутқарган эди. Бироқ Мовароуннаҳрнинг ҳукмдори этиб тайин қилинган Илёсхожа билан Амир Темурнинг мурасиси тўғри келмайди. Шу сабабли у 1361 йиллар охирида мамлакатни тарк этишга мажбур бўлади. У Мовароуннаҳрнинг нуфузли амирларидан Ҳусайн билан иттифоқ тузади. Амир Темур Ҳусайннинг синглиси Ўлжой Туркон Оғога уйлангач, уларнинг иттифоқи қариндошлик алоқалари туфайли янада мустақкамланади. Амир Темур ва Ҳусайн аввал-бошиданоқ мовароуннаҳрлик исёнкор амирларга, сўнгра эса, мўғулларга қарши кураш олиб борадилар. 1363 йилда Амударёнинг чап соҳилида — Қундуз шаҳри ёнида мўғуллар билан биринчи жанги бўлиб, унда Амир Темур ва Ҳусайнлар умумий душман устидан ғалаба қозонадилар. Кейинги икки йил давомида иттифоқчилар Илёсхожа бошлиқ жета лашкарлари билан бир неча марта жанг қиладилар. Ниҳоят 1364 йил охирида улар мўғулларни Мовароуннаҳрдан қувиб чиқарадилар.

Бироқ Мовароуннаҳрни қўлдан чиқаришни истамаган Илёсхожа 1365 йилнинг баҳорида яна Туркистон устига қўшин тортади. Икки ўртадаги жанг 1365 йил 22 май куни Тошкент билан Чиноз ўртасида, Чирчиқ дарёси бўйида содир бўлади. Тарихда у «Жанги лой» номи билан шуҳрат топади. Чунки ўша куни кучли жала қуйиб, жанг майдони ботқоқликка айланади, ҳатто отлар лойга ботиб қолади. Жангда Амир Темур билан Ҳусайн келишиб ҳаракат қилмаганликлари оқибатида улар мағлубиятга учрайдилар. Жангда Амир Темур қўши-

ни ғолибона ҳаракат қилиб, зафар топаётган бир пайтда Хусайн ўз аскарлари билан жанг майдонини тарк этади. Амир Темур чекинишга мажбур бўлади. Бу ғалабадан сўнг эса Илёсхожа ҳеч қандай қаршиликка учрамай, Хўжанд ва Жиззах шаҳарларини эгаллаб, Самарқанд устига юради. Ўша пайтларда Самарқанд катта қўшинга қаршилик кўрсата олмасди. Шаҳарнинг на девори ва мустаҳкам истеҳкомлари, на қуролланган сипоҳийси ва на биронта шижоатли амири бор эди. Лекин мўғулларга қарши халқ кўтарилади. Шаҳар мудофаасини у ўз қўлига олади. Ўз ғалабаси билан сармаст Илёсхожа бошлиқ мўғуллар жабрдийда самарқандликлар томонидан қақшатқич зарбага учрайдилар. Узоқ давом этган мўғуллар ҳукмронлигига қарши кўтарилган бу халқ ҳаракати тарихда «сарбадорлар» ҳаракати номи билан шуҳрат топади.

Сарбадорлар ҳаракати, даставвал, 1337 йилда Хуросонда (ҳозирги Афғонистон ва Эроннинг шимолида) бошланади. Сарбадорлар мақсадига эришиш учун озодлик йўлида дорга осилишга ҳам тайёрмиз деган шиор остида мўғул босқинчилари ва маҳаллий мулкдорлар зулмига қарши кураш олиб борадилар. Хуросоннинг ғарбий қисмида улар мўғуллар ҳукмронлигини тор-мор қилиб, мустақил Сарбадорлар давлати барпо этади. Бу давлатнинг маркази Сабзавор шаҳрида бўлиб, у 1337 йилдан то 1381 йилгача – қарийб 45 йил ҳукм суради. Сарбадорлар асосан деҳқонлар, хунармандлар, шайхлар ва қуллардан иборат эди. Уларнинг ҳукумати демократик тартибга асосан қурилган бўлиб, унда табақалар деярли бир-биридан фарқ қилмаган. Масалан, қуллар тўла озод этилмаган бўлса ҳам, улар бошқалар билан бир қаторда саналганлар.

Сарбадорлар ҳаракати XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннаҳрда мўғул хонларининг ҳужуми муносабати билан кучайиб кетади. Самарқанд бундай ҳаракатнинг марказига айланади. Қўзғолонга толиби илм Мавлонозода Самарқандий, жун титувчилар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бакр Кулуйи Надшоф ва мерган Хурдаки Бухорийлар бошчилик қиладилар. Сарбадорлар мўғулларга Самарқанд шаҳрида қақшатқич зарба берадилар. Илёсхожа дастлаб Самарқандни, сўнгра эса бутун Мовароуннаҳрни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Шаҳарда халқ ҳокимияти ўрнатилади ва айрим ислоҳотлар ўтказилади. Бадавлат мулкдор шахсларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, уларга тазийқ ўтказадилар.



Тортиб олинган мол-мулклар камбағал-йўқсилларга тарқатилади, жон бошидан олинадиган «жизья» солиғи бекор қилинади. Шарофуддин Али Яздийнинг ёзишича, бундай воқеалардан сўнг, Самарқандда тартибсизликлар содир бўлади. Шунга қарамасдан, Самарқандни улар бутун қиш давомида идора қилиб турадилар.

Сарбадорлар бошлиқ самарқандликларнинг мўғуллар хони Илёсхожа устидан ғалабаси ва шаҳардаги тартибсизликлар тўғрисидаги хабар Амир Темур билан Амир Ҳусайнга ҳам етиб боради. Амир Темур қишни Қаршида, Амир Ҳусайн эса Амударё бўйида – Солисаройда ўтказди. 1366 йилнинг баҳорида улар Самарқандга йўл оладилар. Улар шаҳар яқинидаги Кони-гил мавзеига келиб тушадилар. Беклар сарбадорларнинг етакчилари билан музокара олиб борадилар. Афсуски, сарбадорлар бекларнинг асл ниятларидан мутлақо беҳабар эдилар. Учрашувнинг биринчи кунда беклар ҳатто уларнинг шарафига зиёфат бериб, шаънига ҳамду санолар айтадилар. Бироқ эртаси кuni уларнинг қўл-оёқларига кишан солиниб, Абу Бакр Қулуйи Наддоф билан Мавлоно Хурдак Бухорийлар дорга тортилади. Мавлонозодани эса Амир Темур ўртага тушиб қутқариб қолади. Шу тариқа сарбадорлар бошлиқсиз қолдирилиб, ҳаракат бостирилади. Мовароуннаҳрда Амир Ҳусайннинг ҳукмронлиги ўрнатилди. Аммо кўп вақт ўтмай Ҳусайн билан Амир Темур ўртасидаги муносабат кескинлашиб, очиқданочиқ низога айланади. Амир Темурнинг нуфузи ортиб бораётганлигидан хавфсираган Амир Ҳусайн Балхга қайтиб, унинг қалъа деворлари ва истеҳкомларини мустаҳкамлашга киришди. Кеш ва Қарши вилоятларининг ҳукмдори бўлиб олган Амир Темур ҳам ўзининг собиқ иттифоқдоши ҳамда қайноғаси Амир Ҳусайнга қарши ҳал қилувчи жангга ҳозирлик кўради. 1366–1370 йиллар давомида улар ўртасида бир неча бор ўзаро тўқнашувлар содир бўлади.

### **36-§. Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва ҳарбий юришлар**

XIV асрнинг 60-йилларида Мовароуннаҳрда ҳукм сурган ниҳоятда оғир сиёсий ва иқтисодий вазият мамлакатни бирлаштириб, кучли бир давлат ташкил этишни талаб қилмоқда эди. Амир Ҳусайдан кўра Амир Темур замоннинг бундай

талабини яхшироқ тушунарди. Шунинг учун ҳам у ўз фаолиятининг дастлабки босқичида барча ҳаракатни Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузишга қаратади. Бундай мақсадни амалга оширишда у руҳонийлар, ҳарбийлар, савдогарлар ва шаҳар ҳунармандлари табақаларига суянади. Амир Темур тарқоқ мамлакатни бирлаштиришга киришар экан, курашни аввало ички ва ўзига яқин ғанимларидан бошлайди. 1370 йил баҳорида Амир Темур кучли рақиб, собиқ иттифокдоши Балх ҳукмдори Амир Ҳусайнга қарши йўлга чиқади. Қўшин Термиз яқинидаги Биё қишлоғига етганда Андхуд аслзодаларидан Саййид Барака Амир Темур фаолиятини қўллаб-қувватлаб, унга ҳокимият рамзлари — катта ногора (табл) билан ялов — байроқ тортиқ қилади. Шубҳасиз, бу воқеа сиёсий аҳамиятга эга эди. Бу билан шайх Амир Темурнинг ҳукмдорлигини расман тан олиб, уни қўллаб-қувватлаган эди. Амир Темур Балхга етмасдан Ўрпуз мавзеида амир ва нўёнлар билан машварат ўтказди. Кўпчиликнинг хоҳиш ва ихтиёри билан, қадимий қонун-қоидага кўра, Чингизийлар авлодидан бўлган Суюрғатмиш ўғлон (1370—1388) мамлакат подшолиги тахтига ўтказилади. Бу орада Амир Темур қўшини то Балхга етиб боргунча, йўл-йўлакай янги кучлар келиб қўшилади. У Бож кечуви олдида Қарқарадан Жаку Барлос, Хутталондан амир Кайхусрав, дарёнинг нариги томонида эса, Хум мавзеидан Амир Ўлжойту ва Бадахшон шоҳи Шайхмуҳаммад ҳамда Шибурғондан Зинда Чашм ўз лашкарлари билан етиб келадилар. Бу аснода эса Амир Ҳусайнни кўпчилик амирлари тарк этадилар. Жангда Амир Ҳусайн қўшинлари енгилди, икки кунлик қамалдан сўнг, 1370 йилнинг 10 апрелида Балх шаҳри Амир Темурга таслим бўлади. Амир Ҳусайн асирга олиниб, қатл этилади. Бу ғалабадан сўнг Амир Ҳусайннинг хотинларидан бири Мовароуннаҳрнинг Чингизийлардан бўлган собиқ ҳукмдори Қазонхон (1343—1346) нинг қизи Сароймулкхонимни ўз никоҳига олади. Хон қизига уйланганлиги муносабати билан Амир Темур «кўрагон», яъни «хоннинг куёви» номини олади. Амир Ҳусайннинг ҳарамидаги бошқа хотинлари билан мол-мулки бекларга бўлиб берилди.

1370 йилнинг 11 апрелида Чигатой улусининг бек ва амирлари, вилоят ва туманларнинг зодагонлари ҳамда Термизнинг хонзодалари, шунингдек, Амир Темурнинг пири

Сайид Барака иштирокида қурултой ўтказилади. Манбаларда таърифланишича, қурултойда эътиборли амирлар, Темурнинг ёшлигидаги қуролдошлари ва унинг собиқ душманлари ҳозир бўлган эдилар. Улар орасида Амир Шайхмуҳаммад Баён Сулдуз, Амир Ўлжойту, Амир Кайхусрав, Амир Жоку Барлос, Амир Зинда Чашм ва мўтабар маъмурлар бор эди. Қурултойда Амир Темурнинг ҳукмдорлиги расмий тан олиниб, у Мовароуннаҳрнинг амири деб эълон қилинади. Гарчи салтанат тахтига, анъанага кўра, дастлаб номигагина Суюрғатмиш (1370–1388), сўнгра унинг вафотидан кейин Султон Маҳмудхон (1388–1402) ўтказилган бўлса-да, амалда марказий ҳокимиятни Амир Темур ўзи бошқаради, вилоятлардаги ҳокимият ўғиллари, набиралари ва яқин амирлари орқали идора қилинади.

Мовароуннаҳрнинг ягона ҳукмдори бўлиб олгач, Амир Темур ўз давлатини сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга киришади. Авваламбор давлат учун мустаҳкам пойтахт — бебош маҳаллий ҳукмдорларнинг ҳужумларига қарши тура оладиган бир қароргоҳ зарур эди. Шу мақсадда Амир Темур 1370 йилнинг май ойида Самарқандга қайтади ва шаҳар деворлари, қалъалар ҳамда саройлар бино қилишга киришади. Бундай қурилишлар Самарқанд мўғуллар томонидан вайрон этилгандан кейин 150 йил ўтгач биринчи марта бунёд қилинган умумжумҳурий иншоотлар эди. Сўнгра у ҳолдан тойган мамлакатда қонун ва тартиб ишларини жорий этади. Махсус мунтазам кўшин тузиб, унга катта имтиёзлар беради. Шу билан бирга у ўз давлати чегараларини мумкин қадар кенгайтиришга киришади. Аввал у Амударё ва Сирдарё оралигидаги ерларни бирлаштириб, ўзига бўйсундиради.

Аmmo Мўғулистон томонидан бўладиган хавф ҳали бар тараф этилмаган эди. Амир Темур давлати учун, айниқса, Жўжи улусида қад кўтарган Олтин Ўрда ниҳоятда хавфли эди. Амир Темур салтанати билан Олтин Ўрда хонлиги оралигида бу даврга келиб, мустақил бўлиб олган Хоразм ерларида Кўнғирот сўфийларининг давлати қарор топган эди. Қадимдан иқтисодий ва маданий жиҳатдан Мовароуннаҳр билан бевосита боғлиқ бўлган Шимолий Хоразм Олтин Ўрдага, маркази Кат қалъаси бўлган Жанубий Хоразм эса Чигатой улусига бўйсунган. XIV асрнинг 60-йиллари охирида Олтин Ўрдада юз берган ғалаёнлар вақтида Кўнғирот сўфийла-

ри Шимолий Хоразмда янги сулоланинг мустақил ҳукмронлигини тиклаб оладилар. Сўнгра Кат ва Хива шаҳарларини фатҳ этиб, Шимолий Хоразм билан Жанубий Хоразм ерларини бирлаштирадилар. Амир Темур Хоразмга юриш қилиб, Кат шаҳрини эгаллайди. Бироқ хоразмликлар мағлубиятга учраган бўлсалар-да, Темурга қарши бир неча бор бош кўтардилар. Шу сабабли Амир Темур Хоразмга 5 марта юриш қилишга мажбур бўлади. Ниҳоят, 1388 йилда у Хоразмни бутунлай қўлга киритади. Урганч шаҳри вайрон этилиб, шаҳар аҳолиси эса Самарқандга кўчирилади.

Шундай қилиб, Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хоразмда сиёсий тарқоқлик ва ўзаро низоларга зарба бериб, Сирдарё воҳасидан то Орол денгизигача бўлган ерларда яшовчи халқларни ягона давлат тасарруфида бирлаштирди. Бу, шубҳасиз, Мовароуннаҳр халқлари тақдирида ижобий аҳамиятга эга эди.

Мовароуннаҳр мўғуллардан озод қилиниб, бу қадимий диёрда мустақил давлат барпо этилган бўлса-да, мамлакатда ҳали барқарор тинчлик ўрнатилган эмас эди. Бир томондан, айрим вилоят амирлари Амир Темур ҳокимиятини тан олишдан бош тортиб турган бўлсалар, иккинчи томондан, мамлакатнинг шарқий ва шимолий ҳудудлари нотинч эди. Мўғулистон билан Оқ Ўрда Шарқий Фарғона, Ўтрор, Ясси (Туркистон) ва Сайрам шаҳарларига хавф солиб, бу ҳудудларга тез-тез ҳужум қилар ва аҳолини талон-торож қиларди. Шунинг учун ҳам Амир Темур дастлабки йилларда мамлакат сарҳадларида хавфсизликни таъминлашга катта аҳамият берди, исёнчи амирларга қарши шафқатсиз кураш олиб борди. 1370 йилнинг кузи ва 1371 йил баҳориди Зинда Чашмга зарба берилиб, Шибурғон вилояти бўйсундирилди. Балх ва Тошкент вилоятлари ҳам Амир Темур ҳокимиятини тан оладилар.

Бу орада Амир Темур Мўғулистон ҳокими Қамаруддин билан тўқнашади. Чунки бу даврда унинг Мовароуннаҳрга бўлган талончилик хуружлари кучайиб кетганди. 1370–1371 йилларда у Тошкент ва Андижон устига бир неча бор босқинлар қилиб, қайтади. 1376 йилда эса Қамаруддин ҳатто Фарғона водийсининг талайгина қисмини босиб олади. Мамлакатнинг шимоли-шарқий ҳудудларига нисбатан муттасил бўлиб турган таҳдидни бартараф қилиш учун Амир Темур Қамаруддинга зарба беришга киришади. Йигирма йил (1371–

1390) мобайнида Соҳибқирон Мўғулистонга етти марта юриш қилиб, Қамаруддин ва Анқатўра устидан ғалаба қозонади. Шу зайлда Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хоразмда ҳукм сурган тарқоқлик, ўзаро низо ва Мўғулистон томонидан бўлиб турган тазйиққа чек қўяди.

Бироқ бу даврда Амир Темур давлати учун энг кучли хавф Олтин Ўрда эди. Эндиликда Амир Темур Олтин Ўрдага зарба бериб, уни кучсизлантиришга жиддий ҳаракат қилади. Унинг ички зиддиятларидан усталик билан фойдаланади. Лекин у Жўжи улусини ўз давлатига қўшиб олиш ниятида эмас эди. Фақат Олтин Ўрданинг Мовароуннаҳрга туташган шарқий қисмини ўз таъсири остидаги хонлар тасарруфига олиб бериш ҳамда Сарой Берка орқали ўтадиган карвон йўлини Мовароуннаҳр томон буриб юборишни кўзлайди. Шу мақсадда Оқ Ўрда хонзодаларидан Тўхтамишга бир неча бор ҳарбий ёрдам беради. Бироқ Тўхтамиш Амир Темур ишончини оқламайди. Олтин Ўрда тахтига эга бўлгач, у ҳатто очиқдан-очиқ унга қарши уч марта қўшин тортишга мажбур бўлади. 1389 йилда у Дизак (Жиззах) нинг Аччиғ мавзеида, 1391 йилининг 18 июнида (ҳозирги Самара билан Чистопол шаҳарлари оралиғида жойлашган) Кундузча (Кондурча) дарёси водийсида ва ниҳоят, 1395 йилнинг 15 апрелида Шимоллий Кавказда Тарак дарёси бўйида Тўхтамиш қўшинига қақшатқич зарба беради. Амир Темур ҳарбий юришлари оқибатида Қуйи Итил (Волга) вилоятлари, Сарой Берка, Саройчик ва Ҳожитархон (Астрахань) каби шаҳарлар ғорат қилинади. Амир Темур Тўхтамишни қувиб Рязань вилоятигача боради ва Елец шаҳарини ишғол қилади. Москвага қараб юради, бироқ уни олмай Ока дарёси соҳилларидан қайтади. Бу урушда Азоқ (Азов), Кубан ва Черкас ерлари ҳам кучли азият чекади. Қизиғи шундаки, Итилнинг Тўратур кечуви ёқасида Урусхоннинг ўғли Қўйричоқ ўғлонни чақиртириб, унга қўлга киритилган Жўжи улусини инъом этади. Россия тарихчилари Б.Д. Греков ва А.Ю. Якубовскийларнинг таъкидлашича, Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган ғалабаси, фақат Ўрта Осиё учун эмас, балки бутун Шарқий Европа, шунингдек, Рус князликлари учун ҳам буюк аҳамият касб этган эди. Аммо Амир Темур бу билан қаноатланмади. Тез орада у қўшни давлатлар ва халқлар устига юриш қилиб, уларни ўзига бўйсундириш ва марказлашган буюк салтанат

барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу даврда Олтин Ўрда, Хуросон ва Эронда ҳукм сурган ижтимоий-сиёсий вазият унинг учун жуда қўл келди, ҳарбий юришни Хуросондан бошлади. 1381 йили Амир Темур Ҳиротни эгаллади. Сарахс; Жом ва Қавсия шаҳарлари жангсиз таслим бўлади. 1381–1384 йиллар давомида Амир Темур Эроннинг катта қисмини эгаллайди. Аввал Калот ва Сабзавор, кейин Сеистоннинг Зирех, Фароҳ ва Бўст қалъалари, 1384 йилда эса Омул, Сулгония ва Табриз шаҳарлари бўйсундирилади.

Амир Темур Эрон, Озарбайжон, Ироқ ва Шом (Сурия) устига уч марта аскар тортади. Бу юришлар тарихда уч йиллик, беш йиллик ва етти йиллик урушлар номи билан шухрат топди. Уч йиллик (1386–1388) ҳарбий юришлар оқибатида Жанубий Озарбайжон, Ироқнинг шимолий қисми, Гуржистон ва Арманистон (Ван кўли атрофи)даги ерлар эгалланади.

Шундан сўнг Амир Темур бутун эътиборини Эрон, Ироқ, Сурия, Кичик Осиё ва Ҳиндистон ерларини узил-кесил фатҳ этишга киришади. У беш йиллик (1392–1396) уруш давомида Фарбий Эрон, Ироқи Ажам ва Кавказни эгаллайди, музаффарийлар ва жалойирийлар сулоласининг ҳукмронлиги барҳам топади.

Амир Темурнинг Ҳиндистон устига қилган ғорати (1398 йил май – 1399 йил март) қарийб ўн бир ой давом этади. Ҳиндистондан у катта ўлжа, шу жумладан, 120 та жанговар филлар билан қайтади. Ўлжаларнинг бир қисми навкарларга тарқатилиб, қолгани Самарқанд ва Кеш шаҳарларида олиб борилаётган қурилишларга сарф этилади.

1399–1404 йилларда Амир Темур томонидан олиб борилаётган етти йиллик уруш унинг энг шиддатли ва энг йирик маҳорабаларидан бўлиб, бунинг оқибатида Шомнинг Ҳалаб (Алеппо), Хумс, Баалбак, Дамашқ каби йирик шаҳарлари ва Ироқи Арабнинг Убулистон ўлкаси билан Бағдод, шунингдек, Туркиянинг каттагина қисми фатҳ этилади. Натижанда икки буюк саркарда — Соҳибқирон билан Султон Боязид Йилдиримларнинг тўқнашуви муқаррар бўлиб қолади. Чунки тобора кучайиб бораётган бу икки туркий давлатларнинг ҳар бири иккинчиси учун ниҳоятда кучли рақибга айланган эди. Бир томондан, Европа рицарларига қақшатқич зарба бериб, Болқон ярим ороли бўйлаб ғарбга томон ўз хулудларини кенгайтираётган Усмонлилар давлати учун шар-

қий, шимоли-шарқий ҳудудларга туташ минтақада Амир Темурнинг марказлашган кучли давлатининг қарор топиши қанчалик хавфли туюлса, Кичик Осиёда барпо этилган кудратли Усмонлилар давлатининг кучайишидан Амир Темур ҳам шунчалик манфаатдор эмас эди.

Амир Темур Боязид Йилдирим билан бўладиган жангга қарийб икки йилдан ортиқ тайёрланади. Ниҳоят, Румга юзланиб, аввал Кемаҳ (Комоҳ) қалъасини фатҳ этади, сўнгра Анқара шаҳрини қамалга олади.

Амир Темур билан Султон Боязид қўшинлари ўртасидаги сўнгги ва ҳал қилувчи жанг 1402 йил 20 июлда Анқара яқинида — Чубуқобод деган мавзеида содир бўлади. Бу муҳораба тарихда «Анқара жанги» номи билан шуҳрат топади. Уч кун давом этган бу жангда ҳар икки томондан ҳаммаси бўлиб 360 минг нафар, шу жумладан, Амир Темурнинг тахминан 200 минг, усмонлилар султонининг 160 минг аскарлари қатнашади. Жанггоҳнинг қулай қисмига жойлаштирилган Соҳибқирон қўшини ўзининг анъанавий жанговар тартиби — ясолда ҳаракат қилади. Қўшиннинг 40 қисмдан иборат марказ — ғулига Амир Темур бевосита ўзи қўмондонлик қилади. Унинг ўнг қаноти — буронғорига ўғли Мироншоҳ Мирзо, набиралари Муҳаммад Султон, Пирмуҳаммад, Амир Шайх Нуриддинлар, сўл қаноти — жувонғорига кенжа ўғли Шоҳруҳ Мирзо, набиралари Халил Султон, Рустам Баҳодир, Амир Сулаймоншоҳ ва Амир Шоҳмаликлар раҳбарлик қиладилар. Қўшин маркази манглайида учига ярим ой шаклидаги олтин тўғро ўрнатилиб, тўриқ от ёли осилган зангори давлат алами байроғи муттасил ҳилпиллаб турарди. Шунингдек, ўнг қанот хировулига Соҳибқироннинг набираси Абу Бакр Мирзо етакчилик қилади. Чап қанот хировулига эса Султон Хусайн Мирзо. Марказнинг ўнг тарафида Умаршайх Мирзонинг ўғли Аҳмад Мирзо, Тоштемир ўғлон ва Шоҳсувор сингари саркардалар жойлашади. Марказнинг чап томонида Жалол Ислон, Таваккал Қарқара, Алимухаммад каби баҳодирлар ўрин олади. Қўшин сафлари олдида 30 та жанговар фил маҳорабага шай қилиниб, улар устида совут ва дубулға кийган филбонлар билан тирандоз ва оташбоз нафтандозлар жойлашган эди. Марказлар ва қанотлар орғида Искандар Мирзо бошлиқ захирадаги қисмлар ўрин олиб, улар жанг ҳолатини муттасил кузатган ҳолда

душманга тўсатдан бериладиган ҳал қилувчи зарбага тайёр турарди. Амир Темур қўшини ясолининг қаршисидан Султон Боязиднинг Рум ва Фаранг мамлакатларидан тўплаган лашкарлари саф тортиб турарди. Ўнг қанотта султоннинг қайниси серб князи Лазаревич қўмондонлик қилади. Бу қисм ўтирғитгич раъдандозлар билан қуролланган йигирма минг нафарли серб полкларидан ташкил топган. Рум аскарларидан иборат қўшиннинг сўл қанотини Боязиднинг катта ўғли Сулаймон Чалабий бошқаради. Бу қанот турк суворилар билан кучайтирилган. Қўшин марказида Боязиднинг ўзи ва унинг орқаси — аръергардида ўғиллари Мисо, Исо ва Мустафоларнинг ҳарбий қисмлари жойлашган эди.

Анқара жанги Мироншоҳ Мирзонинг ғаним жувонғорига берган кучли зарбаси билан бошланади. Бироқ, румликлар матонат билан қаршилик кўрсатадилар. Жангу жадал шиддат олиб турган пайлада Боязид аскарларининг бир қисми ҳужумга бардош бера олмай жанг майдонини тарк этиб қочади. Душман қўшини сафларида пайдо бўлган саросималикни пайқаган Амир Темур барча амирзодалар, умаролар ва нўёнларга биргаликда душманга қарши ҳужум қилишга амр қилади. Узоқ давом этган шиддатли жангда Соҳибқирон кучларининг қисувига бардоши қолмаган Султон аскарлари чекинишга мажбур бўлади. Боязид қўмондонлигидаги жангчилар қаттиқ туриб қаршилик кўрсатадилар. Турк яничўрларининг биронтаси ҳам қолмайди, барчаси қириб ташланади. Суюрғатмишхоннинг ўғли Султон Маҳмудхон Боязидни асирга олади. У билан бирга ўғли Мусо Чалабий ҳам асирга тушади. Амир Темур румлик аскарларни таъқиб этиб Анадулу ярим оролини эгаллайди, Рум (Ўрта Ер) денгизининг шарқий соҳилида жойлашган Измир шаҳрини фатҳ этади ва салбчиларнинг Яқин Шарқдаги охириги қароргоҳига барҳам беради. Сўнгра Эгей денгизида жойлашган Хиос ва Лесбос ороларидаги Генуя мулкларининг ҳукмдорлари таслим бўладилар. Миср ҳам ўз итоаткорлигини изҳор этади. Амир Темур Анқара, Никея, Бурса ва Измир шаҳарларидан, хусусан, Бурсада Византия ва бутун насоро олампдан Боязидга йиғиб берилган божлардан тўплаган катта ўлжани қўлга киритади. Биргина Бурса шаҳридан олинган олтин ва жавоҳирлар каттагина карвонга юк бўлар эди.

Боязид Йилдирим қўлга туширилиб, ўрдугоҳга олиб келинганда, ўз ғанимига подшоҳона ҳурмат ва эҳтиром кўрсатган



Соҳибқирон турк сулғони вафотидан сўнг (1403 йил 9 март) унинг ворисларига ҳиммат кўзи билан боқади ва уларга беқиёс мурувватлар қилади. Боязиднинг тўнғич ўғли Сулаймон Чалабий туркларнинг Европадаги вилоятларига ҳоким этиб тайинланади. Эдирне (Адрианополю) шаҳри унинг пойтахти қилиб белгиланади. Анадўлу ярим оролининг шимоли-ғарбий қисми суюрғол сифатида Исо Чалабийга инъом қилиниб, Бурса шаҳри унинг пойтахтига айлантирилади. Усмонли турклар давлатининг марказий қисмини бошқариш Мусо Чалабий қўлига топширилади. Чунки Амир Темур Усмонли турклар давлатини бутунлай босиб олиш ниятида эмас эди. Ваҳоланки, салб юришларининг оқибатлари, Европа давлатларининг Яқин Шарқ мамлакатларидаги илинжлари ҳали мусулмон олами ёдидан кўтарилмаган эди. Шунинг учун ҳам Амир Темур Усмонли турклар давлатини сақлаб қолди ва Боязид ворисларига мурувват қўлини чўзди. Шундай бўлса-да, Боязид устидан қозонилган буюк ғалаба билан Амир Темурни Франция қироли Карл VI (1380–1422), Англия қироли Генрих IV (1399–1413) ҳамда Кастилия ва Леон қироли Генрих III де Трастамара (1390–1408) табриклар, унга ўз муборакномаларини юбордилар. Чунки Соҳибқирон эндигина уйғонаётган Европага улкан хавф солиб турган Усмонли турклар давлатига зарба бериб, бутун Европанинг халоскорига айланган эди.

Кичик Осиёдан Самарқандга қайтган Амир Темур 1404 йил 27 ноябрда 200 минглик кўшин билан Самарқанддан Хитой сафарига чиқади. Бироқ Хитой устига юриш Амир Темурнинг тўсатдан вафот этиб қолиши (1405 йил 18 феврал) туфайли амалга ошмай қолади.

Амир Темур 35 йил давомида ҳукмронлик қилди. Кўпдан-кўп ҳарбий юришлар ва жангу жадалларни амалга оширди. Бу юришлар натижасида беҳуда қон тўкилди, катта қурбонлар берилди, кўп шаҳар ва қишлоқлар вайрон бўлди, кўп мамлакатлар фатҳ этилди. Оқибатда Ҳиндистон ҳамда Хитойдан Қора денгиз қадар ва Орол денгизидан Форс қўлтиғига қадарли ғоят катта ҳудудларни қамраб олган улкан салтанатни вужудга келтирди. Бундан ташқари, у Осиёнинг жануби-ғарбида Кичик Осиё, Сурия, Миср ва шимоли-ғарбда Қуйи Волга, Дон бўйлари; шимоли-шарқда Балхаш кўли ва Или

дарёси; жануби-шарқда эса Шимолий Ҳиндистонгача бўлган мамлакатларни ўзига бўйсундирди. Бу мамлакатлардан Амир Темур катта ўлжалар билан бир қаторда кўзга кўринган олимлар, хунармандлар ва моҳир усталарни Самарқанд, Кеш (Шаҳрисабз) ва Бухорога кўчириб олиб келди. Бу бойликларни шаҳар ва қишлоқларни обод қилишда (Самарқанд, Бухоро, Кеш, Ясси (Туркистон), Қарши, Шоҳруҳия ва ҳ.к.) сарфлади. У нафақат Мовароуннаҳр ва Туркистонни обод қилди, балки бўйсундирилган мамлакатларнинг бир қатор шаҳарини қайта қурдирди. Бағдод, Дарбанд ва Байлакон шаҳарларини қайта тиклади, карвон йўлларида работлар, қалъалар, кўприклар, шаҳарларда масжид ва мадрасалар ҳамда боғу бўстонлар барпо этди. Энг муҳими, Эрон, Озарбайжон ва Ироқдаги сиёсий тарқоқлар ва бошбошдоқликка барҳам бериб, Шарқ билан Фарбни боғловчи қадимий карвон йўлларини тиклади. Бу билан нафақат Мовароуннаҳр, балки Узоқ ва Яқин Шарқ мамлакатларининг иқтисодий ва маданий тараққиётига, халқлар ва мамлакатларни бир-бири билан яқинлаштиришга улкан ҳисса қўшди. Амир Темур Европанинг Франция, Англия ва Кастилия каби йирик қиролликлари билан бевосита савдо ва дипломатик алоқалар ўрнатди.

Амир Темурнинг ҳарбий юришлари, жангу жадалларининг оқибатларига баҳо берилар экан, шуни таъкидлаш керакки, унинг фаолияти қўйилган мақсад ва режалари жиҳатидан икки босқичга бўлинади. Биринчи босқичда (1360–1386) Амир Темур Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузиш йўлида курашди, Мовароуннаҳрни бирлаштиришдан манфаатдор бўлган маҳаллий зодагонлардан иборат ижтимоий кучлар (мулкдор деҳқонлар, ҳарбийлар, хунармандлар, савдогарлар ва руҳонийлар) ёрдамида ўрта асрларнинг тарқоқ мулкларини бирлаштириш учун кураш олиб борди. Амир Темурнинг бу даврдаги фаолияти Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тараққиёти йўлида шубҳасиз улкан ижобий аҳамият касб этди.

Мамлакатда сиёсий тарқоқлик тугатилиб, марказлашган давлатнинг ташкил топиши ижобий оқибатларга олиб келди. Мамлакат ишлаб чиқариш кучларини ва мўғулларнинг бир ярим асрлик ҳукмронлиги натижасида бўҳронга учраган иқтисодини тиклаш учун қулай шароит вужудга келди. Айни вақтда хўжаликнинг асоси бўлган суғорма деҳқончиликда

муайян силжишлар рўй берди. Янги-янги каналлар қазилиб, суғорма деҳқончилик майдонлари кенгайди, хунармандчилик, ички ва ташқи савдо ривожланди, фан ва маданият равноқ топиб, шаҳарлар ободлашди ва гавжумлашди.

Амир Темур фаолиятининг иккинчи босқичида (1386–1405) «уч йиллик», «беш йиллик» ва «етти йиллик» ҳарбий юришларни амалга ошириб, Олтин Ўрда, Эрон, Ироқ, Кавказ, Кичик Осиё, Миср ва Ҳиндистонни фатҳ этди. Бу урушлар ниҳоятда шафқатсизлик билан олиб борилди. Амир Темур қаттиққўллик билан ўрнатган тартиблар ва олиб борган сиёсати кўпинча қўзғолон ва ғалаёнларга сабаб бўлди. 1383 йилда Сабзавор ва Ҳиротда, 1387 йилда Исфохон ва Шерозда, 1401 йилда Бағдодда халқ қўзғолонлари кўтарилди. Улар бостирилиб, қўзғолончилар қаттиқ жазоланди. Амир Темурнинг ҳарбий фаолияти теранроқ талқин этилиб, унга баҳо бериладиган бўлса, шуни таъкидлаш жоизки, у аввало Осиё саркардаси эди. У ўзининг ғолиб аскарлари ва қуролиаридан ўз замонасининг таомили бўйича фойдаланади. Тўғри, жазо ниҳоятда қаттиқ, аммо кўпинча адолатли бўлган. Исфохон ва Шерозда ўзаро аҳдномага хиёнат қилинганлиги ва қатл этилган 3000 навқари учун қасос тариқасида у қатли ом қилди. Хуллас, Соҳибқирон ўрта асрларда шаклланиб ривож топган зодагон мулкдорлар жамиятининг мураккаб сиймоси эди. У юксак ҳарбий даҳолик ва қатъиятлик билан ўз жамиятига сидқидилдан хизмат қилди. Шу боисдан муаррихлар Амир Темурни Доро I, Искандар Зулқарнайн (македониялик Искандар), Қайсар (Юлий Цезарь) ва бошқа тарихий даҳоларга қиёс қилиб, улар билан бир сафга қўядилар.

### **37-§. Амир Темур давлатининг маъмурий тузилиши**

Амир Темур замонасининг буюк салтанатини барпо қилган бўлса-да, аммо у ўзини бу давлатнинг «қонуний» хони деб умрбод эълон қилмади. Чунки у насл-насаби жиҳатидан чингизийлар сулоласига мансуб эмас эди. Шунинг учун ҳам чингизийлар томонидан белгиланган аънамага кўра Амир Темур аввал ўз ҳузурда Суюрғатмишни (1370–1388), унинг вафотидан кейин эса, Суюрғатмишнинг ўғли Султон Маҳмудни (1388–1402) расмий хон қилиб кўтариб, ҳатто умрининг охиригача уларнинг номидан ёрлиқлар чиқарти-

ради, пуллар зарб эттиради. Аммо ҳар иккала бу ҳукмдор номигагина «хон» бўлиб, давлатнинг сиёсий ҳаётига ва Темур берган фармойишларга мутлақо аралашмасдилар. Шунга қарамасдан, Темур мамлакатда ўзининг бевосита ҳукмронлигига қонуний тус бериб, уни мустақамлаб олиш мақсадида Амир Хусайннинг тул хотини Сароймулкхонимга уйланади. Сароймулкхоним Мовароуннаҳрнинг Чигатой хонадонидан чиққан сўнгги хони – чингизийлар авлоди Қазонхоннинг қизи эди. 1370 йилда Сароймулкхоним билан бўлган никоҳи туфайли Темур ўзининг амирлик даражасига «кўрагон», яъни «хоннинг куёви» унвонини кўшиб олади ва расмий ҳужжатларда «Амир Темур Кўрагоний» номи билан юритилишига мушарраф бўлади.

Темурнинг улкан салтанати шаклан буюк ва қудратли давлат бўлиб кўринса ҳам аслида унинг иқтисодий негизи заиф эди. Темур босиб олинган вилоятларни ўғиллари, набиралари ва хизмат кўрсатган амирларга суюрғол тарзида инъом қилиб, улар орқали бошқарди. Мовароуннаҳрдан ташқари ўз тасарруфидаги барча вилоят ва мамлакатларни Темур тўрт улусга бўлди. Тўнғич ўғли Муҳаммад Жаҳонгирга Балх вилояти билан 12 минг навкарлик кўшин, иккинчи ўғли Умаршайхга Форс вилояти ва 10 минг аскар, учинчи ўғли Мироншоҳга Озарбайжон, Ироқ ва Арманистон билан 9 минг кишилиқ кўшинни, кенжа ўғли Шоҳруҳга Хуросон, Журжон, Мозандарон, Сеистон билан етти минг аскар берилди. Гарчи улуслар марказий ҳукуматга итоат этсалар-да, аммо улар маълум мустақилликка эга эдилар. Улус ҳукмдорларининг алоҳида-алоҳида давлат девонхонаси, кўшини бўлиб, улар марказий ҳукуматга тобелиги хирожнинг бир қисмини Самарқандга юбориб туриш ва олий ҳукмдор ҳарбий юришларида ўз кўшини билан қатнашиш ёки талаб қилинган аскарни юбориб туришдан иборат эди.

Суюрғол Темур давлати ташкил этилиши арафасида жорий этилиб, у «иқто» каби маълум туман ёки вилоятларни Фарбдаги «феод» ёки «лен» тарзида олий ҳукмдор авлодлари ва хизмат кўрсатган юқори табақа зодагонларига инъом тариқасида берилган. Баъзан суюрғол ерлари ҳукуматнинг фармони билан ҳатто авлоддан-авлодга мерос бўлиб ҳам ўтган. Масалан, Темурнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир вафотидан сўнг унга тегишли Балх вилоятига Кобул, Фазна ва Қандаҳорни

қўшиб, мархумнинг ўғли Пирмуҳаммадга берилади. Шунингдек, Темур Умаршайхнинг ўғли Рустамга Исфaxonни, Мироншоҳнинг ўғли Абубакрга Бағдодни суюрғол қилади. Мана шу тарзда Мовароуннаҳрдан ташқари, мамлакат бир қанча бўлақларга бўлиниб кетади. Вилоят ҳокимлари — шаҳзодалар ўз тасарруфидаги улусларда доимо иложи борича мустақил ҳукмронлик қилишга интилар эди. Марказий ҳукумат эса, вазият жиддийлашган пайтлардагина уларнинг ички ишларига аралашар эди. Шубҳасиз, суюрғол асосида қурилган улус тартибининг ғоятда кучайиши оқибатида айрим вилоятларнинг маълум даражада мавқеининг ошишига олиб келган ва ички низоларни келтириб чиқарган. Темур ҳаётлик чоғидаёқ мамлакатнинг узоқ ўлкаларидагина эмас, ҳатто унинг марказий вилоятларида ҳам низолар ва урушлар бўлиб турган. Лекин, катта ҳуқуқ ва имтиёзларга эга бўлган, кучли қўшинга таянган буюк ҳукмдор айрим вилоятларнинг бебош ҳокимлари томонидан кўтаришган исёнларни осонгина бостира оларди. Шундай қилиб, Темур салтанати вилоятлардаги маҳаллий ҳукмронликларнинг бирлашмаси бўлиб, ҳақиқий марказлашиш учун у ҳали етарли даражада на иқтисодий, на сиёсий жиҳатдан, биз ўйлаганимиздек, мустақкам пойдеворга эга эмас эди.

Амир Темур даврида давлатнинг марказий маъмурияти бошида девонбеги, унинг ёнида аркбеги (маросимларни бошқарувчи) ҳамда тўрт вазир турган. Биринчи вазир ер солиқлари, чегара божини ундириш ҳамда миршаблик ишларини бажарган. Иккинчиси аскарлар маоши ва озиқ-овқат таъминотлари билан шуғулланган. Учинчи вазир ҳарбийлар, уларнинг лавозиму мансабларга тайинланиш ва мерос ишларига қараган. Тўртинчиси сарой харажатларини бошқарган. Темур давлат тузилиши соҳасида катта ўзгаришларни амалга оширмаган бўлса-да, ҳар ҳолда XIV асрнинг биринчи ярмида мўғул хони Кебек ҳукмронлик қилган даврда жорий этилган мамлакатнинг ҳарбий-маъмурий бўлинишини сақлаб қолади. Аммо давлатнинг маъмурий идора этиш таркибининг такомилига суюрғолнинг кенг тарқалиши тўсқинлик қилади.

Амир Темур ички ва ташқи сиёсатида асосан қўшинга суянар эди. Чунки, у ҳарбий куч билан зарб этилган мамлакатларни ва асосан вилоятларда яшовчи халқларни зўрлик билан тутиб турарди. Шунинг учун ҳам у ҳарбий ислоҳга, айниқса, қўшин бошлиқларини танлаш ва уларни тарбия-

лаш, лашкарий қисмлар ва уларнинг жойлашиш тартиби, навкар-сарбозларнинг қуролланиши ҳамда ички интизом масалаларига ниҳоятда катта аҳамият берар эди. Шу боисдан Темур манбаларда замонасининг машҳур саркардаси ва энг йирик лашкарбошиси сифатида тилга олинади. Унинг ҳарбий истеъдоди, саркардалиқ маҳорати қўшинларнинг тузилишида ҳамда Олтин Ўрда хони Тўхтамиш, Деҳли султони Маҳмуд ва Туркия султони Боязидлар билан олиб борган жангларида ва шиддатли маҳорабалар майдонида қўллаган «савқулжайш» (стратегия) ва жанг қилиш услублари «таъбиятулжайш» (тактикалари) да намоён бўлган.

Темур қўшини ўнтаклик аскарый бирикмалар асосида тузилган лашкарлардан иборат эди. Лашкар «туман» — ўн минглик, «ҳазора» — минглик, «хўшун» — юзлик ва «айл» ўнлик бирикмаларига бўлинган. Туманларда аскарларнинг сони 10 минг, қўшинда 100 минг нафардан ортиқ бўлган. Темур ўн минглик лашкарни бошқариш учун «туман оғаси», минглик бўлинмалар учун «мириҳазора», юзликлар учун «хўшунбоши» ва ўнликлар учун эса «айлбоши» каби ҳарбий мансабларни таъсис этади. Уларнинг ҳақ-хуқуқлари, ойлик маошини белгилаб беради. Масалан, оддий сипоҳий минган отининг баҳоси баробарида, баҳодирлар 2–4 от баробарида, айлбоши қарамоғидаги навкарга нисбатан икки баробар кўп, юзбоши ўнбошидан икки баробар кўп маош олган. Мингбошиларнинг маоши хўшунбошиникидан уч баробар ортиқ бўлган. Жанглarda баҳодирлик кўрсатиб ғалаба қозонган амир учун инъомлар ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, қайси бир амир бирон қўшинни енгса ёки мамлакат ёки вилоят забт этса у туғ, ноғора, баҳодирлик мартабаси, давлат кенгашларига бемалол кириш ҳуқуқи ҳамда бирон сарҳаднинг ноиблиги билан сийланган.

Бўлинма бошлиқлари — амирлар Темурга тобе бўлган қирқ аймақ (қабилa)дан ўн иккитаси: барлос, арғин, жалoir, тулкичи, дулдой, мўғул, сулдуз, тўғой, қипчоқ, арлот, тотор ва тархонлар орасидан сайлаб олинган. Амирлик мартабаси Темур фаолиятининг дастлабки йилларида унга содиқ бўлган 313 нафар кишига берилган. Булардан биттаси — амир ул-умаро, тўрттаси — беглар беги, юзтадан — мингбоши, юзбоши ва ўнбоши бўлган. Булардан ташқари, яна

ўн икки нафар кишига биринчидан то ўн иккинчи даражали амирлик унвонлари берилган. Ўн иккинчи даражали амир одатда амир ул-умаронинг ноиби ҳисобланган. Ўн икки амирнинг ҳар бирига биттадан байроқ ва биттадан тоғора, амир ул-умарога бир байроқ, ноғора, ўн минглик қўшин, туғ, чортуғ ва бурғу (карнай) берилган.

Бу нишонлар қўшин бўлинмаларини ҳам фарқлаб турган. Масалан, катта қизил байроқ қўшин бошлиғи амир ул-умаро ёки бекларбегининг аломати эди. От ёли боғланган найзали узун туғ туман оғасининг, икки томонга кокиллар осилган икки дул ноғора юзбошининг аломати ҳисобланарди. Отлиқ сувори қисмларни бошқариш учун махсус ажратилган отлиқ эгарларининг икки томонига табл-довул осилиб, жанг пайтларида сувориларни маҳорабага солиш мақсадида бонг уриб улар қоқилган.

XV аср муаллифи Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, ҳарбий сафарда ҳар бир жангчи ўзи билан бир йилга етадиган озиқ-овқат, камони билан ўттиз ўқли садоқ, совут, найза ва қалқон олиб юрган. Ҳар икки суворининг битта захира чопқуроти, ўрдугоҳда ҳар бир «айл» — ўнлик қисмда биттадан чодир, қозон, кетмон, ўроқ, болта, бигиз, иккитадан белкурак, 100 та игна, ярим ман арқон, битта ошланган пишиқ тери бўлиши шарт бўлган. Ҳар бир вилоят белгилаган асосий «асл» ҳамда захира — «изофа», яъни захира қисмларни тўплаб берарди. Вилоятлар тошотар — сангандоз, девор бузувчи — манжаниқ, ўт ирғитадиган — раъдандоз ва нафтандоз ҳамда ўзи отар қуролларни ишлата биладиган жангчиларни тайёрлаб берар эди. Аскарый қисмларни вилоятлардан тўплаш билан товочи мансабдаги мансабдорлар шуғулланган.

Амир Темур аскар ва аскарбошлиқларига алоҳида эътибор беради. Ҳар бир зобит (бўлинманинг хўшун айлбошиси) жанг қилиш услубларини яхши билиши фарз саналган. Оддий навкар низомни қатъий бажаришга мажбур бўлиб, жангда у аёвсиз ва довюрак бўлиши, омонлик истаган душманга юмшоқ муомала қилиши ва адолатли бўлиши лозим ҳисобланган. Қўшинлар ҳарбий юришга чиққан вақтда, айниқса, интизомга қаттиқ риоя қилинар эди. Ҳар бир бўлинманинг айлбоши, хўшунбошиси, туман оғаси ва қўшин амири ўз ўрнини яхши биларди ва унга қатъий риоя қиларди. Сафарда энг олдинда ҳар бир қўшин қисмлари билан «хабаргири»,





яъни «хабарчилар» деб юритилган айғоқчи-кузатувчилар бўлинмаси юрган. Бундай бўлинмага энг довурак ва ботир аскарлар танлаб жалб қилинган. Хабарчилар орқасидан соқчилар бўлинмаси йўлланган, у «ясовул» деб аталган. Қўшиннинг асосий қисмлари олдида «манглай» — авангард қисмлар ҳаракатда бўлган. Манглай асосий кучлардан, баъзан эса бир неча туманлардан иборат бўлган. Манглай билан қўшиннинг асосий қисмлари оралиғида эса қўмондоннинг қароргоҳи ва унинг ён атрофида захира қисмлар жойлашган бўлиб, у «изофа» деб юритилган. Уруш жараёнида жанг оқибатини ана шу изофа қисмлар ҳал қилган. Юриш вақтида қўшинлар алоҳида йўлбошловчилар — «кучорчилар» гуруҳи бўлиб, сафарда улар муҳим роль ўйнаган. Кучорчиларни қўшин қисмлари ўртасида Темурнинг ўзи тақсимлаб берган. Амир Темур қўшинининг асосий жанговар қисми марказ, ўнг ва сўл қанотлардан иборат бўлган. Унинг ўнг қаноти «буронғор», сўл қаноти эса «жувонғор» деб юритилган. Ҳар бир қанот олдида биттадан қўшимча қўриқчи манглай авангарди, ён томонида эса биттадан қўриқчи аскарый қўшилмалар — «канбул»лари бўлар эди. Шу тариқа қўшин етти қисм — «қул»лардан иборат бўлиб, булардан учтаси — марказ, буронғор, жовонғор мустақил; тўрттаси — икки манглай ва икки канбуллар тобе қисмлар эди. Қўшиннинг бундай жойлаштирилишининг ўзига хос томони шунда эдики, унинг қанот қисмлари марказий қисмига қараганда анча-мунча кучли эди. Бундан, шубҳасиз, савқулжайш (стратегия) ҳамда жангда турли хил муҳораба услублари — таъбиятулжайшни қўллаш мақсади кўзда тутилган. Ўрта аср муаллифи Шарофуддин Али Яздий қўшинни етти қўлга — қисмга бўлиб жойлаштириш тартибини биринчи бўлиб Темур жорий этган деб ёзади. Бу қўллар жангларда мустақил ҳаракат қилиб, фақат қўшин қўмондонига бўйсунган.

Ҳарбий юриш вақтларида йўлларда ўрдугоҳ — қароргоҳ қуриб тўхташга тўғри келарди. Агарда ўрдугоҳ душманга яқинроқ жойда жойлашган бўлса, унинг атрофи мудофаа иншоотлари «турлар», хандақлар, «чохпар»лар — чуқур ўралар ва «кочи» — марзалар билан ўраб олинар эди. Қўшиннинг изофа қисмлари қўмондон ўрдугоҳини қўриқлаб турар эди. Жанг вақтида улар ўз навбатида зарур бўлган жойларда жангга солинарди. Канбуллар эса душманнинг ўнг ёки чап қаноти-

ни ёриб киришга ва ён томонларидан айланиб ўтиб, орқадан зарба беришга йўл қўймасликка ҳаракат қиларди. Канбуллар энг ботир ва тажрибали аскарлардан тузилар эди.

Қўшинда, айниқса, у жангга кирган пайтларида пиёда аскарлар алоҳида ўрин тутган. Жанговар сафга тизилган пиёда қисмлар отликлардан олдинда турар ва душман ҳужум қилган вақтда чоҳпар ва турлар — мудофаа иншоотлари орқасига яширинган ҳолда биринчи бўлиб жангга кирардилар. Шунинг учун ҳам қанотдаги туманоға ва қўшин амирлари пиёдалар билан отликларни жанговар тартибда жойлаштиришга катта эътибор берардилар.

Шундай қилиб, Темур замонасининг кучли ва энг жанговар қўшинини ташкил қилади. Аскар бошлиқлари ва наваркарлари қаршилик кўрсатувчи кучга нисбатан бешафқат бўлади. У ўз қўшинини турли-туман жанговар қуроляроғлар, ўт ва тошотар — раъдандоз, манжаниқ ва ўзиотар қуролилар билан қуролиантирди. Жангларда муҳораба қилишнинг янги ҳарбий услубларини қўлади. Бу қўшин билан у рўй берган ҳар бир қаршилик ва норозиликка қурол кучи билан кескин зарба беради ёки қутилган хавф рўй бермасдан туриб унинг олдини олиш чораларини кўради. Темур қўшинини Жаҳонгир, Сайфуддин ва Пирхусайн барлослар, Оқбуға, Усмон Аббос, Муҳаммад Султон Камарий, Тибон баҳодир, Ўрисбуға, Ҳамза Сулдуз, Амир Муризода, Муҳаммад Фазгон, Сарик Атка ва Музаффар Учқаро каби жангларда шуҳрат топган маҳоратли сарханглари бошқаради.

Темур ҳаётлик давридаёқ унинг ҳарбий санъати ва давлат бошқариш услубига бағишланган махсус асар яратилиб, у «Темур тузуқлари» номи остида шуҳрат топади. Бу асар шахсан Темурнинг оғзидан ёзиб олинган деб ҳисобланади. Унда давлатни бошқаришда кимларга таяниш, тожу тахт эгаларининг тутуми ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, сипоҳларнинг маоши, мамлакатни идора этиш тартиби, давлат арбоблари ва қўшин бошлиқларининг бурчи ва вазифалари, амирлар, вазирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматларини тақдирлаш, тартиб ва бошқалар хусусида баён этилади.

Ҳофизи Абрўнинг ёзишича, Темур турк, араб ва эронликлар тарихини чуқур билган. Амалий жиҳатдан фойда келтира оладиган ҳар қанақа билимни қадрлаган. Темур давлат

ишлари учун ҳамма нарсанинг фойдали томонларини олишга ҳаракат қилган. У давлат аҳамиятига эга бўлган ҳар бир масалани ҳал этишда шу соҳанинг билимдонлари ва уламо-лар билан маслаҳатлашарди. Одатда, у тиббиёт, математика, астрономия, тарих, адабиёт, тилшунослик илми намояндлари, шунингдек, теология ва дин соҳасидаги машҳур уламо-лар билан суҳбатлар ўтказарди. Бундай суҳбатларда подшоликка оид муҳим ишлар ҳақида сўз юритиларди. Масалан, 1403 йилда Байлакон шаҳрида у уламо-ларнинг мажлисини чақириб, унда нутқ сўзлаган. Мамлакат ҳамда фуқаро-ларни бошқаришда, турли хил иншоотлар ва жамоат бино-ларини қуришда унга олимлар ва фузалолар ўз маслаҳатлари билан кўмаклашишларини сўраган.

Темур саройида уламо-лардан Мавлоно Абдужаббор Хоразмий, Мавлоно Абдулло Лисон, Мавлоно Баҳруддин Аҳмад, Мавлоно Нуғмонуддин Хоразмий, Хожа Афзал, Мавлоно Алоуддин Коший, Жалол Хокий ва бошқалар хизмат қиларди. Темур илм-фаннинг риёзат, ҳандаса, меъморлик, астрономия, адабиёт, тарих, мусиқа соҳаларининг ривожига катта эътибор берар эди. Шундай бўлса-да, ўз режа-мақсадларини рўёбга чиқаришда Темур кўпроқ мулкдор зодагонлар ва ҳарбий жангчилар орасида шуҳрат топган тақводор руҳонийлар табақаси вакилларига суянади. У Имом Саййид Баракани ўзининг пири деб ҳисоблайди. Саййид Барака Темур «қилич билан ниманики қўлга киритган бўлса, шуларни тоат-ибодат ҳамда фатволар бериб дуоғўйлик билан мустаҳкамлаб беришга ҳаракат қилади». Темур мамлакат аҳолисининг тақводор қисми ўртасида ўз нуфузини ошириш мақсадида ислом мазҳаблари ўртасидаги баъзи бир келишмовчиликлардан усталик билан фойдаланади. Вилоятларда камситилган мазҳаб тақводорларини ҳимоя остига олиб, ҳатто айбдорларни қаттиққўллик билан жазолайди. В.В. Бартольднинг ёзишича, «Сурияда Алини ва унинг авлодларини ҳимоя қилганлиги ва бунинг учун сурияликлар томонидан чинакам шиа аталган Темур Хуросонда сунний таълимотини тиклаган. Мозандаронда пайғамбар чорёрларининг қабрларини оёқ ости қилган шиа дарвишларини жазолаган».

Ўзининг кўп йиллик ҳарбий юришлари билан Шарқ-нинг жуда кўп обод вилоятларини ва шаҳарларини фатҳ этган Амир Темур давлатининг, унинг марказий қисми бўлган Мовароуннаҳрнинг, айниқса, пойтахти Самарқанднинг обо-

донлигига алоҳида аҳамият беради. У забт этилган мамлакатлардан фақат моддий бойликларнигина эмас, балки жуда кўп ҳунармандлар, санъат аҳллари ва олимларни Мовароуннаҳрга олиб келади ва мамлакатни обод этишда уларни зўрлаб ишлатади. Темурда ҳар бир зафарли воқеа ва севинчли ҳодисани муҳташам меъморлик обидасини барпо этиш билан нишонлаш одати бўлган. Шу мақсадда Ҳиндистондан олиб келинган юзларча моҳир гишт терувчи баннолар, Шероз, Исфахон ва Дамашқнинг машҳур уста-ҳунармандлари мамлакатда гўзал иморату иншоотлар бино қиладилар. Темур Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Туркистонда машҳур шайх ва мистик шоир Қулхўжа Аҳмад Яссавий қабри устига мақбара бино қилдирса-да, лекин ўзининг саховат ва ҳимматини Кеш ва Самарқандда олий иморатлар қурдиришда кўрсатади. Ўзининг она-Ватани Кешда отасининг қабри устига мақбара, ўғли Жаҳонгирга мақбара билан бирга масжид қурдиради. Темур ҳукмронлигининг илк даврида Кеш шаҳрини пойтахтга айлантириш ниятида бўлиб, унинг ободонлигига катта аҳамият беради. Унда дунёга донғи кетган машҳур Оқсарой қад кўтарди. Эроний меъморларнинг маҳорати билан бино қилинган бу муҳташам саройнинг пештоқи, тоқу равоқлари ва деворлари зангори ва олтин рангдаги арабий нақшли кошинлар, гулдор ўймакор парчинлар билан зийнатланди. Соҳибқирон Кешга алоҳида эътибор бериб, уни Ўрта Осиёнинг маънавий марказига айлантиришга ҳаракат қилди. Шу боисдан бу шаҳар «Куббатул илм вал адаб» унвонига эга бўлди. Аммо Заҳриддин Бобур таърифлаганидек, «Темурбекнинг зоди-буди Кештин учун уни шаҳар ва пойтахт қилурға кўп саъй ва эҳтиромлар қилди. Олий иморатлар Кешта бино қилди... Чун Кешнинг қобилияти шаҳар бўларға Самарқандча эмас эди. Охир пойтахт учун Темурбек Самарқандни уқ ихтиёр қилди».

Самарқанд салтанат пойтахти қилиб олингач, у алоҳида имтиёзга эга бўлган шаҳарга айланди. Самарқандда Исфахон, Шероз, Халаб, Хоразм, Бухоро, Қарши ва Кеш шаҳарларининг меъмору бинокорлари қўли билан саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар қурилади. Шаҳар ташқарисиди эса боғроғлар барпо этилади. 1403–1404 йилларда Самарқандда бўлган Испания элчиси Дон Рюи Гонзалес де Клавихо Темурнинг олиб бораётган бинокорлик ишларидан ҳайратда қолган эди.

Худди шу даврда Шоҳи Зинда меъморий ёдгорликлари гуруҳининг Шодимулк оғо, Амир Ҳусайн, Ширинбека оғо каби қатор ажойиб мақбаралари, ҳозирги вақтда Бибихоним номи билан машҳур бўлган Жоме Масжиди, Гўримир даҳмаси ва бошқалар бино қилинади. Шуниси эътиборлики, Темур ўзининг бутун ҳаракатларида, шу жумладан, бинокорлик соҳасидаги фаолиятида ҳам ҳаммадан аввал сиёсий мақсадларни кўзда тутди. Масалан, Кеш (Шаҳрисабз) даги машҳур Оқсаройнинг кошинкор ва парчинкор пештоқининг гулдор нақшлари орасига «Агар бизнинг қувват ва қудратимизга ишонмасанг, бизнинг иморатларимизга боқ» деган хитобнома битилган. Туркистон шаҳрида Қулхўжа Аҳмад Яссавий мақбарасини бино қилишда ҳам шундай мақсад назарда тутилган. Чунки деҳқончилик воҳалари билан бепоён Дашти Қипчоқ яйловлари чегарасида қад кўтарган бу улуг меъморий иморат кўчманчи чорвадорлар наздида Темур давлатининг қудрати ва маҳобатига ишора қилиб турарди. Самарқанддаги қурилишлар тўғрисида сўз юритилганда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, мўғуллар босқини давомида бутунлай вайрон этилган ва аҳолиси томонидан ташлаб чиқилган Самарқанд шаҳри Темур ҳукмронлиги даврида ўзининг қадимги ўрнидан бирмунча жануброқда бошдан-оёқ янгидан қайта қурилади. Шаҳар тевараги Оханин, Шайхзода, Чорсу, Коризгоҳ, Сузангарон ва Феруза каби номлар билан юритилувчи олтита дарвозали мустаҳкам янги қалъа девор билан ўраб чиқилади. Шаҳар аркида Темурнинг қароргоҳи Кўксарой ва Бўстонсаройлар бино қилинади. Кўксарой тўрт қаватли бўлиб, гумбазлари ва деворлари зангори кошинлар, нақшинкор ва гулдор парчинлар билан қошлангани учун у шундай ном билан шуҳрат топади. Кўксаройда хонларни подшолик тахтига миндириш маросими вақтида уларни оқ кигиз устига олиб ўтказадиган тошдан тахтикурси — Кўктош қўйилган эди. Булардан ташқари, аркда давлат девонхонаси, қурол-яроғлар ясайдиган устахона ва аслаҳона, тангалар сўқиладиган зарбхона каби иморатлар жойлашган.

Бу даврда Самарқандда кўркам ва муҳташам бинолардан ташқари турли-туман касбдаги хунармандлар маҳаллалари қад кўтаради. Темур мамлакатда, хусусан, унинг пойтахти Самарқандда хунармандчиликни кенгайтиришга алоҳида эътибор беради. Испан элчиси Клавихонинг ёзишича, у хунарли

бирор кишининг Мовароуннахрни ташлаб кетишига йўл қўймаган. Аксинча, Темурнинг амри-фармони билан Дамашқнинг энг моҳир тўқувчилари, Халабнинг машҳур пахта йигирувчи корхоналари, Анқаранинг мовут тўқувчи корхоналари, Туркия ва Гуржистоннинг заргарлари, хуллас, касбхунар соҳасида қайси шаҳарда қанча хунармандлар бор бўлса, ҳаммаси Самарқандга кўчириб олиб келинган. Ўша даврда шаҳарда турли масҳаб ва диндаги кишилар истиқомат қиларди. Клавихонинг маълумотига қараганда, Самарқандда 150 мингдан зиёдроқ аҳоли яшаган. Шаҳар майдони Испаниянинг Шиблия (Севилья) шаҳридан кенгроқ бўлган. Лекин унинг бу маълумотида шаҳар арки билан қалъа, яъни ички шаҳар қисмларигина кўзда тутилган, холос.

Темур шаҳарлардаги қурилишлардан ташқари, Самарқанд атрофида ўзининг хешу ақраболарига атаб кўпгина гўзал боғлар курдирди. Моҳир меъмор, тажрибали соҳибкорларнинг ақл-заковати, меҳнатию маҳорати билан барпо этилган Боғидилкушо, Боғичинор, Боғибихишт, Боғибаланд, Давлатобод, Боғинав, Боғишамол каби чорбоғлар ва улардаги гўзал кўшклар ўша давр боғдорчилик санъатининг намуналаридан биридир. Манбаларда таъриф этилишича, шаҳар атрофи ўша вақтларда Самарқанднинг энг гўзал ва энг ҳашаматли қисми ҳисобланган. Бу ерда кенглиги 1,5–2 чақиримга чўзилган боғлар ва улардаги сайргоҳлардан ташқари, аркони давлатнинг ўйин-кулгу қиладиган жойлари — ишратхоналар ва хилватхоналар жойлашган. Шаҳарнинг шарқ томонида Боғидилкушо жойлашган. Манбаларда таъриф этилишича, унинг ташқи ҳовлисида подшоҳ саройлари бўлиб, унда қуролланган аскарлар турган, ички ҳовлида эса, туғлар билан безатилган олти фил ҳайкаллари сафга терилган. Учинчи ҳовли — Темурнинг меҳмонларини қабул қиладиган олтин тахтли қароргоҳи бўлган. Бу ҳовлиларнинг ташқарисида гирдига олма ва чинорлар ўтқазилган, ҳовузлар, уларнинг суви шодравони — фавворасида қизил ва сариқ олмалар қалқиб ўйнаб турган. Шаҳарнинг жанубида Боғибихишт-у гўзал меъморий услубда қурилган сарой ва қувончни оширувчи боғи билан машҳур бўлган. Шарафуддин Али Яздийнинг таърифлашича, у Табризнинг соф оқ мрамридан бино қилиниб, атрофи хандақ билан ихота этилган. Боғнинг бир тарафида ҳайвонот боғчаси ҳам бўлган. Темур бу саройни ворислари-

дан бири — Мироншоҳнинг қизига ҳадя қилган эди. У бу неварасини жуда ҳам севган. Бўш вақтларида у неварасининг Боғибихиштдаги хилват хонасида (эрмитаж) бўларди. Боғичинор ҳам шаҳарнинг шу қисмида эди. Боғда кўркем чинорлар қад кўтарган, сўлим йўллар салб шаклидаги қасрга олиб борарди. Қасрнинг ташқариси Шом наққошларининг моҳирона ижоди билан, ичкараси гўзал сурат ва лавҳалар билан зийнатланган, қимматбаҳо буюмлар (оғир кумуш куббалар, тахтлар ва бошқа маиший ашёлар) билан лиқ тўла эди. Боғишамол ва Боғинав саройлари тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, ҳар томони бир ярим минг қадам эди. Замини қайрағоч ва фил тишидан ишланган кошинли эди.

Самарқанд ва унинг атрофидаги шоҳона сарой ва боғларда тантанали маросимлар — тўйлар, издаҳомлар, сайиллар ва шоҳона меҳмондорчиликлар ўтказилган. Айниқса, шаҳар атрофидаги боғларда ташкил этилган издаҳом ва сайиллар ниҳоятда гавжум бўлиб, уларда Самарқанд аҳолисининг деярли ҳамма табақа вакиллари — давлатмандлару фақир-фуқаролар иштирок этган. Тантанали издаҳом тартибидан тортиб, аёлларнинг тўёна либосларигача катта эътибор берилган. Масалан, расмий маросимларда Амир ул-умаро, беклар, амирлар, нўёнлар, сардорлар, улус, туманот ва қушунот амирлари, шунингдек, мингбошилар, юзбошилар мансаб ва мартабаларига қараб подшонинг сўл томонидан, саййидлар, қозилар, уламо, фузало, машойих, улуғ ва олий табақадаги кишилар подшонинг ўнг тарафидан ўрин олганлар. Девонбеги ҳамда вазирлар тахт рўпарасидан, калонтарлар (шаҳар ҳокими), катҳудолар (қишлоқ оқсоқоли) вазирларнинг орқасидан жой олганлар. Баҳодирлар, қиличбоз йигитлар ва қоровуллар тахт орқасидан ўрин олганлар. Гарчи Амир Темур салтанат тахтини қанчалик инқироз ва харобаликка учраган хонадонлар ҳамда мамлакатлар заминига қурган бўлса-да, уларнинг тантанавор маросимлар ва урф-одатларини қабул қилиб, ўз саройида тараққий эттирган. Масалан, сарой хонимлари бошига шокилали бўрк, этнига олгин уқа билан безатилган узун қизил қабо кияр эдилар. Қабонинг ёқаси бўйнини қисиб турадиган, енгсиз бўлиб, орқа этаги жуда узунлиги учун уни махсус жориялар кўтариб юришган. Уларнинг сони баъзан 15 нафарга етарди. Юзларига эса ҳижоб тутганлар. Қизил мовутдан дубулғага ўхшаш учли қалпоқ, усти қизил ёқут, забаржад, дурлар билан безатилган. Аёллар Кичик Осиёнинг қимматли

жавоҳирию Исфакон, Мултон, Ганжа, Дамашқ, Брусса, Венеция заргарларининг нафис зеб-зийнатлари билан ўзларига оро берсалар, эркаклар ноёб тошлар қадамалари билан безатилган куролилар ва заррин камарлар тақиб юрганлар. Испания элчиси Клавихони Конибил мавзеида бўлиб ўтган шоҳона издаҳом айниқса ҳайратда қолдирган. Конибилда 10–15 минг чодир ўрнатилиб, издаҳомда сарой аҳли, вазир-вузаролардан ташқари, аҳолининг турли табақа вакиллари ҳам қатнашган. Клавихо чодиргоҳда мансабдор шахсларнинг лавозими бўйича чодирларнинг жойлаштирилиш тартиби, жиҳози, безаклари ҳамда уларнинг турлари ҳақида ёзади. Унинг таърифлашича, бу ерда доирасимон оддий кичик ўтовлардан тортиб, арабий ва иброҳимий чодирлар, эроний сарпардалар ўрнатилган. Чодирларнинг айримлари ниҳоятда катта, тўрт бурчак шаклда бўлиб, эни 100 қадам, баландлиги уч найза бўйи, 12 дона олтин устунда тутиб турилган. Улар сариқ рангда, ипак билан чатилган олтин нақшли бўлган, ташқарисига уқалар тутилган, эшик ва деразалар ипак тизимчалар билан тортиб кўйилган. Чодиргоҳ базмда қизиқчилар, муқаллидлар, дорбозлар билан бир қаторда кашмирий кўзбойлогичлар ҳам қатнашган. Қизиги шундаки, издаҳомда хонимлар ҳижобсиз иштирок этардилар. Маликалар «изн ом» — оммага рухсат этилган базмлар уюштириб, уларга издаҳомдагиларни чорлардилар. Уларда эркаклар, ҳаттоки насороний элчи ҳам қатнашгани таъриф этилади. Шундай қилиб, Амир Темур ўз давлатининг тузилиши, қонун-қоидаларини тартибга солиш билан бир вақтда, олий даргоҳ ҳаёти билан боғлиқ бўлган анъаналарни турли хил янги шоҳона маросимлар билан бойитди.

Бу даврда Мовароуннаҳрнинг деҳқончилик воҳаларида, хусусан, Зарафшон водийсида ўнлаб суғориш тармоқлари чиқарилиб, суғорма деҳқончилик майдонлари кенгайтирилади. Янги-янги қишлоқлар барпо этилади. Ибн Арабшоҳнинг ҳикоя қилишича, Темур ўз давлати пойтахти Самарқанд атрофида қад кўтарган бир қанча янги қишлоқларни Шарқнинг машҳур шаҳарлари Димишқ (Дамашқ), Миср (Қоҳира), Бағдод, Султония ва Шероз номлари билан атади. Чунки Самарқанд катталиги, гўзалиги ҳамда теварак-атрофининг обод этилганлиги жиҳатидан дунёдаги энг йирик шаҳарлардан ҳам устунроқ турмоғи лозим эди. Шу билан бирга бу даврда Мовароуннаҳр шаҳарларида, айниқса, унинг пой-



тахтида савдо ва ҳунармандчилик ғоятда ривожланади. Янги бозорлар, савдо расталари бино қилинади. Шаҳар билан деҳқончилик воҳалари ва чорвадор кўчманчи аҳоли ўртасида савдо алоқалари кенгайди. Шаҳарлар мол айирбошлаш савдосида муҳим роль ўйнайди. Бу пайтларда савдо ва ҳунармандчилик жуда ҳам ривож топганлиги испан қироли Генрих IIIнинг элчиси Гонзалес де Клавихони ҳайратда қолдирган эди. Самарқанд бозорларида буғдой ва гуручнинг мўллиги ва арзонлиги ҳақида гапириб, Клавихо шаҳар ҳунармандчилиги маҳсулотларини қайд қилиб ўтади. «Бу ернинг бойлиги фақат емакларнинг мўл-кўллигидагина эмас, балки ўзида кўплаб ишлаб чиқариладиган ипак матолар: атлас, кимхоб, ҳар хил ип ва жун тўқима моллар, мўйнали ва ипакли пўстинликлар, атторлик моллари, зиравор ва дориворлар, зарҳал ва ложувардлар ҳамда бошқа молларнинг се-роблигидадир», деб таъкидлайди элчи. «Бу шаҳарда олди-сотти учун махсус савдо растасининг мавжуд эмаслиги туфайли подшо шаҳар бўйлаб катта кўча чиқаришни, унинг икки томонига мол сотиш учун раста ва дўконлар қуришни буюрди. Бу кўча шаҳарнинг бир четидан бошланиши ва бутун шаҳар орқали ўтиб, иккинчи четигача бориб етиши керак эди. Подшо бу ишни икки мирзосига топширди ва улар бу вазифани бажаришга астойдил киришмаса, кишиларини эртаю кеч ишлашга мажбур этмаса, у ҳолда бошлари кетишини уқтирди. Мирзолар ишга киришдилар. Подшо кўрсатиб берган йўналишда кўча ўтказила бошлади. Кўча йўналишидаги уй-жойлар, кимники бўлишидан қатъи назар, бузилиб текисланди. Уй эгалари ҳам аҳволни кўриб, бор-йўқларини олиб бошқа жойларга кўчиб кетавердилар. Бир гуруҳ одамлар бузиш ишларини тугатиши биланоқ бошқа бирлари ишни давом эттириш учун шу ондаёқ етиб келишар эди. Кўчани кенг олиб, унинг ҳар икки томонига савдо дўконлари қуришди, ҳар бир дўкон олдида оқ тошлар билан қопланган баланд курсилар ўрнатилди. Барча дўконлар жуфт-жуфт қилиб бир-бирига туташтирилди. Кўчанинг тепаси эса бошдан-оёқ тим қилиб равоқсимон шаклда ёпилди. Ёруғлик тушиши учун унга қатор дарчалар ўрнатилди. Дўконлар қуриб битирилиши биланоқ уларга савдогарлар ўрнашар ва турли-туман моллар сотишга киришардилар. Кўчанинг ҳар ер-ҳар ерида ҳовузлар қовланган бўлиб, улар сувга тўлдирилиб қўйилганди. Бу ерда

ишлаётганлар маошни шаҳар ҳисобидан олар эди. Ана шу ишга бошлиқ бўлган киши қанча одам талаб қилинса, ўшанча кишини ишлатиши мумкин эди. Кундуз куни ишлаган кишилар кеч кириши билан уй-уйларига кетишар ва уларнинг ўрнига кечаси ишлаш учун бошқалари келишар эди. Айримлари уйларни бузар, бошқалари эса ер текислар ва учинчилари қурилиш билан банд эди. Улар кечаю кундуз шунчалик шовқин-сурон қилишар эдики, бу ерда бамисоли жинлар уя қургандек эди. Бундай катта қурилишнинг йигирма кундан озроқ муддатда амалга оширилгани, шубҳасиз, кишини ҳайратга солади», деб ҳикоя қилган эди Клавихо.

Испан элчиси ташқи савдода ҳам Самарқанднинг катта ўрин тутганини қайд қилади: «Рус ва Татариядан чарм ва сурп, Хитойдан жуда яхши тўқилган ипакликлар, айниқса, дунёга донғи кетган атласлар олиб келинади. Улар ичида энг қимматлиси сидирға жужунчалардир. Бундан ташқари, яна Хитойдан ташқи дунёнинг бошқа ерларида топилмайдиган мушк ҳамда лаъл, бриллиант, гавҳар, равоч ва кўплаб зиравор ва дориворлар келтирилади. Ҳиндистондан бу шаҳарга олий навли турли-туман майда атторлик моллари: мускат ёнғоғи, қалампирмунчоқ, занжабил, амбар, долчин ва Искандарияга олиб борилмайдиган бошқа турли нарсалар келтирилади».

Ўша давр муаррихи Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Самарқандга чет мамлакатлардан, хусусан, Хуросондан маъданлар, Ҳинд ва Синддан ёқут, олмаос; Хитойдан атлас, яшин тоши, мушк ва бошқа моллар; ўзга мамлакатлардан олтин ва кумуш олиб келинарди. Чет мамлакатлардан Самарқандга олиб келинган молларнинг миқдори нақадар кўп бўлганини Клавихонинг бу шаҳарда бўлган вақтида Хитой пойтахти Хонбалиқдан 800 туялик савдо карвони келганидан фараз қилиш мумкин.

Шубҳасиз, бу даврда Амир Темур ва унинг маҳаллий ноиблари Хитой ва Ҳиндистондан Ўрта Осиё орқали Яқин Шарқ ва Европа мамлакатларига йўналган асосий халқаро «Буюк ипак» савдо йўлини эгаллаб, савдо карвонлари қатнови хавфсизлигини таъминлашда муҳим чора-тадбирлар кўрадилар, Шарқ билан Фарб ўртасида савдо-сотик ва элчилик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантиришга ғоят катта эътибор берадилар.

## 38-§. Амир Темурнинг Фарбий Европа давлатлари билан алоқалари

Амир Темур давлати ва унинг ҳукмдори замондошларининг эътиборинигина ўзига жалб қилиб қолмай, балки жаҳон сиёсий доираларида юз берган барча воқеаларга ҳам таъсир кўрсатди. Бундай воқелик Темурнинг Фарбга томон «етти йиллик» юришлари даврида (1398—1404) қудратли Усмонли турклар султонлигига қарши юриш бошлашга қадарли яққол намоён бўлади. Чунки XIV аср охири — XV аср бошларида Яқин Шарқда содир бўлган мураккаб сиёсий вазият бунинг жиддий тақозо қиларди. Маълумки, бу даврда, бир томондан, ҳарбий қудрати тобора ошиб бораётган Туркиянинг Болқон ярим ороли давлатларига нисбатан тазйиқи кучайиб, бутун Европани хавф остига солаётган бўлса, иккинчи томондан, бу қудратли давлатнинг ўзи Фарбга томон шиддат билан босиб келаётган хавфли рақиб — Амир Темур давлатининг кучли тазйиқига дучор бўлган эди.

Шундай қилиб, Кичик Осиёда икки фотиҳнинг ўша вақтда ўз ҳарбий қудрати жиҳатидан энг юксалган Темур билан Фарбий Европага даҳшат солиб турган Боязиднинг манфаатлари дуч келади. Бундай сиёсий вазиятда Туркияга қарши вужудга келган душман кучларининг маълум даражада бирлашуви табиий эди. Авваламбор Боязиддан енгилиб, ўз ер ва мулкларидан маҳрум бўлган Кичик Осиё мамлакатларининг амирлари Темурдан мадад истаб, унинг Қорабоғдаги ўрдугоҳига бориб қарор топадилар. Ҳатто Византия ва Фалатадаги Генуя ҳокимининг ноиби, Франция қироли ҳамда Султония шаҳрининг католик миссионерлари ёрдам сўраб Темурга мурожаат қиладилар. Туркия султони Боязидга бирлашиб зарба бериш мақсадида Византия императорининг Константинополдаги ноиби Иоанн VII Палеолог ва Генуянинг Перадаги (Константинополь атрофидаги мавзе) ҳокими Трапезунд императори Мануил III воситасида Темурни Туркияга қарши юриш бошлашга ундайдилар. Бунинг эвазига улар ҳарбий юриш вақтида унга ёрдам бериш ҳамда Константинополь ва Перанинг Боязидга тўлаб келган божини бундан буён Темурга тўлашга ваъда қиладилар. Бундай так-

лиф, шубҳасиз, Темурга жуда маъқул тушади. Чунки Туркиянинг денгиз соҳилидаги таянчидан ажратиш учун унга денгиздан мадад зарур эди. Шундай қилиб, XIV аср охири — XV аср бошларида Туркия султони Боязидга зарба бериш учун қулай сиёсий вазият вужудга келади. Бу вазиятдан Темур усталик билан фойдаланади.

Бу даврда Темур Боязид билан ўзаро дипломатик ёзишмалар олиб бориш билан бир қаторда, Туркия билан бўлажак тўқнашувда Трапезунд ва Константинополнинг ҳарбий кемаларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Шу мақсадда у Генуя ва Венецияга совға-саломлар ҳамда мактублар билан архиепископ Иоанн Галонифонтибус бошчилигида элчилар юборади.

Ўзаро ёрдам масаласида Темур Константинополь ноиби Иоанн VII Палеолог билан ҳам ёзишмалар олиб боради. Темурнинг 1402 йил 15 май кунини Иоанн VII Палеолог номига йўллаган хатининг мазмунига қараганда, Константинополь ноиби ва Генуянинг Перадаги ҳокими Боязидга қарши курашда Темурга хизмат қилиш, ҳатто унга «Одамлар ва ҳар қайсиси 20 тадан 40 тагача ҳарбий кемалари билан» ёрдам бериш каби мажбуриятни ўз зиммаларига оладилар. Буни Испания элчиси Клавихо ҳам ўз кундалик дафтарида қайд қилиб ўтади.

Бу даврда Амир Темур Франция қироли Карл VI (1390—1422), Англия қироли Генрих IV (1399—1413) ва Кастилия ва Леон қироли Генрих III де Трастамара (1390—1407) билан дипломатик алоқалар ўрнатиб, ёзишмалар олиб боради. Бу давлатлар орасида, айниқса, Франция, Византия тақдирига бефарқ қарай олмас эди. Шу боисдан Франция фуқаролари ҳисобланган генуяликларнинг ер ва мулкларини, айниқса Фалатадаги мустамлакаларини ҳимоя қилиш учун Карл VI ўз навбатида Темурдан мадад кутар ва у билан дипломатик алоқалар ўрнатишга уринар эди. Темур ва Карл VI ёзишмаларида қайд этилишича, соҳибқирон қиролни жиддий қўллаб-қувватлайди. Шундай қилиб, Темурнинг Кичик Осиё ва Ғарбий Европа давлатлари билан олиб борган дастлабки дипломатик ёзишмалари ва элчилик алоқалари унинг ғарбга—Туркия устига юриши муносабати билан бошланиб, улардан асосан Боязидга қарши биргаликда

курашиш режалари кўзда тутилади. Бироқ Анқара яқинида туркларнинг 160 минглик қўшини устидан қозонилган буюк ғалабадан сўнг Темурнинг Фарбий Европа давлатлари билан бўлган алоқаларининг мазмуни тубдан ўзгаради. Эндиликда у улар билан дўстона муносабатларни мустақкамлаш ҳамда элчилик ва ўзаро савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйиш каби масалаларга аҳамият беради.

Византия императоридан бож олиб, уни билвосита бўйсундириш билан кифояланган Темур 1402 йил ёзида Франция ва Англияга махсус элчилар юборади. Элчиликка замонасининг моҳир дипломати архиепископ Иоанн Галонифонтибус бошчилик қилади. Иоанн орқали Темур Карл VI номларига махсус мактублар йўллайди. Элчилар Парижга 1403 йил май ойида етиб борадилар. Бу ерда Иоанн тантанали вазиятда Темурнинг Туркия устидан қозонган ғалабаси, султон Боязиднинг асирга олингани, турклар асир олинган христианларни озод қилгани тўғрисида хабар берар экан, икки мамлакатнинг савдогарлари учун эркин савдо муносабатларини олиб боришни таъминлаш ва агар қирол ҳамда герцоглар рози бўлсалар, бу эркин савдони тегишли битим ёки шартнома билан мустақкамлашни таклиф этади. Бунинг учун, авваламбор, мунтазам элчилик алоқаларининг барқарорлиги лозим эди. Шунинг учун Темур ҳам 1402 йил 1 августда Франция қироли Карл VI га йўллаган мактубида бу ҳақда қуйидагиларни алоҳида таъкидлайди: «Бундан кейин сизнинг (одамларингиз) бизнинг ерларимизга ва бизнинг (кишиларимиз) сизнинг ўлкангизга ўтган авлодларимиз давридагидек, бориб-келиб турсалар, сизнинг ва бизнинг номимизни ҳамма жойда олқишласалар, кўп хурсанд бўлар эдик. Шуни ҳам айтиш керакки, эндиликда бизнинг юртимизда савдогарларингизнинг хавфсизлиги таъминланади».

Франция қироли Карл VIнинг 1403 йил 15 июнда Темурга йўллаган жавоб мактубидан маълум бўлишича, Темур таклифлари Франция томонидан мамнуният билан қабул қилинган. Демак, Темурнинг Анқара жангидан кейин Франция саройи билан олиб борган ёзишмалари ўзаро шартнома тузишга қаратилган дипломатик ёзишма бўлиб, бу масалада Ватикан вакили архиепископ Иоанн Галонифонтибус муҳим роль ўйнаган. Чунки унга Франция қироли Карл VI нинг жавоб хатини Темурга етказишдек масъулият юкланган эди.

Темур давлати билан Англия ўртасида ўзаро дипломатик алоқалар ўрнатилишида ҳам Ватикан вакилининг воситачилик роли катта бўлди. Худди шу даврда у бу буюк давлатнинг ғарбий вилоятлари ҳокими Мироншоҳ (1366–1408) билан Англия қироли Генрих IV ўртасида олиб борилган дипломатик ёзишмаларда, айниқса, фаол қатнашди. 1393 йилда Шимолий Эрон, Ироқ ҳамда Табриз ва Султонияни ўз ичига олган хулагулар тасарруфидаги мулкларга ҳоким қилиб тайин этилган Мироншоҳ Темурнинг кексайиб қолган даврида Ғарбий Европа ҳукмдорларининг диққат-эътиборини ўзига жалб этади. Бу даврда у Европа давлатлари билан ўзаро савдо алоқаларини жонлантириш мақсадида христиан руҳонийларига хайрихоҳлик билдириб, савдогарларининг дахлсизлигини таъминлаш борасида чора-тадбирларни амалга оширади. Шу сабабли Ғарбда Мироншоҳ тез орада «католик динининг ҳомийси» сифатида шуҳрат қозонади.

Темур, Мироншоҳ ва Генрих IV ларнинг ўзаро дипломатик ёзишмаларидан маълум бўлишича, Англия билан элчилик алоқаларини ўрнатиб, савдо-сотиқни жонлантириш йўлида олиб борилган ҳаракатларда, айниқса, Мироншоҳнинг ташаббуси катта бўлган. Бу табиий ҳол бўлиб, Темур салтанатининг Ғарбий Европа давлатлари билан олиб борган алоқалари хоҳ у элчилар қатнови, хоҳ савдо қарвонлари бўлмасин, даставвал Мироншоҳ тасарруфидаги ўлкалар орқали ўтар эди. Бундан, авваламбор, ушбу вилоятларнинг ноиб манфаатдор эди. Чунки Мироншоҳ қўл остидаги мулкларнинг ғарбий чегаралари Европа давлатларининг сиёсий ва иқтисодий доирасидаги Болқон ярим ороли орқали Ўрта Ер денгизи мамлакатлари билан туташган эди. Англия қиролининг 1403 йилнинг ўрталарида Темур ва Мироншоҳга йўллаган жавоб мактубларида улар билан шартнома тузиш истагини изҳор этади ва шу мақсадда Англиянинг аҳволи ҳамда шарт-шароитларидан яхшигина хабардор бўлган архиепископ Иоанни вакил қилиб тайинлаб, унга тўла ишонч билдиради. Англия қироли Генрих IV 1403 йил 15 июнда Темурга ёзган жавоб мактубида: «Ўзаро алоқаларимиз доирасини кенгайтириш, давлатларимиз савдогарларининг бир-бирлари билан илгари аждодларимиз даврида бўлганидек, учрашиб туришларини таъминлаш ниятидамиз», деб таъкидлаган эди бу ҳақда.

Миср ва Туркия султонлари устидан қозонилган ғалабадан сўнг Темур Фарбий Европада янада кенг шухрат қозонди. Европа мустабидларининг Шарққа бўлган азалий қизиқиши ва интилиши янада кучаяди. Айниқса, Кастилия (Испания) қироли Генрих III Шарқ билан жуда қизиқиб қолган эди. У Темурнинг Туркия султони Боязидга қарши олиб борган шиддатли жангу жадалларини диққат билан кузатиб боради. 1402 йилнинг баҳорида Пайо де Сотомайор ва Эрнан Санчес Паласуелос бошчилигида дастлаб Испания элчилари Темурнинг Кичик Осиёдаги қароргоҳига юборилади. Элчиларга Темур ва Боязидларнинг куч-қудрати, бойлиги ва армиясининг ададини билиш ҳамда улар қўл остида яшаётган халқларнинг урф-одатлари, дини ва қонунлари ҳақида аниқ маълумотлар тўплаш топширилади. Ғалаба муносабати билан ташриф буюрган Шарқ ва Фарбнинг кўпгина давлатларининг элчилари қаторида Испания элчилари ҳам Темур томонидан қабул қилиниб, қирол номига ёзилган махсус мактуб ва инъомлар билан кузатилади. Уларга қўшиб Темур Муҳаммадқози исмли ўз вакилини ҳам Испанияга элчи қилиб юборади. Бунга жавобан Генрих III ўзаро дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш мақсадида 1403 йилда Темур ҳузурига иккинчи марта махсус элчи юборади. Унга Руи Гонзалес де Клавихо бошлиқ қилиб тайинланади. 1403 йил 21 майда Испаниядан жўнаб кетган элчилар денгиз орқали Константинополга ўтиб, у ердан Гранпезунга келишади. Бу ердан куруқлик орқали Эронни кесиб ўтиб Балхга етиб боришади. Бу шаҳар яқинида Амударёдан кечиб ўтиб, аввал Термиз ва Кеш шаҳарларида бўлишади, сўнгра Самарқандга ташриф буюришади. Испания элчилари Самарқандда Темур томонидан тантанавор қабул қилиниб, уларга катта эътибор ва зўр ҳурмат кўрсатилади. Темурнинг Самарқанд ва унинг атрофида бино қилдирган ҳашаматли сарой ва боғларида ўтказилган расмий қабул ва тантанали маросимларда Испания элчилари Хитой, Ҳиндистон, Рум, Золубистон, Ироқ, Шом, Миср, Олтин Ўрда, Сақлаб (Русия) каби Шарқ ва Фарбнинг кўпгина мамлакатларидан келган элчиларнинг барчасидан ҳам юқорироққа ўтказилиб, уларга алоҳида эътибор берилади. Расмий қабул вақтида Испания элчилари «Хитой подшосининг элчисидан пастроқда ўтирганини кўриб қолган Темур, — деб ёзган эди бу ҳақда Клавихо ўз кундалиги-

да, — уларга тўрға, Хитой элчисига эса пастроққа ўтиришини буюради». Ўрта аср дипломатиясида бундай расмиятчиликка алоҳида эътибор берилган. Чунки расмий қабул ва тантанали маросимларда элчилар учун белгиланган махсус жойлар давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг рамзий даражасини кўрсатар эди.

Клавихо бошлиқ Испания элчилари 1404 йилнинг сентябрь—ноябрь ойларида Самарқандда бўладилар. Темурнинг Хитойга томон юриши муносабати билан бошқа кўпгина давлатларнинг элчилари билан бир қаторда Испания элчилари ҳам 1404 йилнинг 21 ноябрида Самарқанддан жўнатиб юборилади. Клавихо Испанияга 1406 йилнинг март ойида қайтиб келади. Орадан бир ой ўтгач, Клавихо Самарқанд сафарида бўлган Испания элчилиги ҳақидаги ахборотни ёзиб, Кастилия қироли Генрих III га топширади. Кейинчалик унинг бу ахборотномаси «Буюк Темур тарихи» ва «Темур қароргоҳи Самарқандга сафарот кундалиги» номлари остида испан тилида бир неча бор нашр қилинади.

Темур вафотидан сўнг мамлакатда бошланган сиёсий бошбошдоқлик ва унинг бир қанча мустақил давлатларга бўлиниб кетиши оқибатида Ғарбий Европа давлатлари билан Темурнинг ўрнатган бевосита савдо ва элчилик алоқалари аста-секин сусайиб, кейинчалик бутунлай узилади. Бу, шубҳасиз, Марказий Осиёнинг Ғарбий Европа ва унда шаклланаётган жаҳон ташқи бозоридан ажралиб, Ўрта осийликларнинг дунё халқлари тараққиётидан четда қолишининг асосий омилларидан бири бўлди.



## VII БОБ. ТЕМУРИЙЛАР ДАВЛАТИ

### 39-§. Тахт учун кураш ва салтанатнинг парчаланиши

Мутгасил олиб борилган жангу жадаллар, қўшни мамлакатларни фатҳ этиш билан ниҳоятда кенгайиб кетган Амир Темур давлатининг ташқи қиёфаси кучли кўринса-да, аммо у сиёсий жиҳатдан айтарлик мустаҳкам эмас эди. Давлатнинг барқарорлиги тадбиркор Амир Темурнинг иродаси ва қилич зарби билан сақланиб турилган эди. Мамлакат ҳаётида ҳукм сурган суюрғол тартиби Амир Темур асос солган бу улкан давлатнинг кўп вақт ўтмай парчаланиб кетишига сабаб бўлади. Амир Темурнинг жасади Самарқандга олиб келиниб дафн этилиши ва марҳумнинг мотам маросимлари тугар-туғамас, ворислар ўртасида тожу тахт талашуви бошланади. Ўша пайтларда Самарқандда сарой доирасида қарорсизлик ва парокандалик ҳукм сураб эди. Гарчи Амир Темурнинг ўртанча ўғли Мироншоҳ ҳамда Хуросон ноиби — оқил ва тадбиркор кенжа ўғли Шоҳруҳ мирзолар барҳаёт бўлсаларда, Соҳибқирон ҳаётлик чоғидаёқ ўзига валиаҳд этиб оқил ва ботир набираси — ўша вақтлардаги Ҳиндистон ва Кобул вилоятларининг ҳукмдори Пирмуҳаммадни тайинлаган эди. Амир Темурнинг васиятига мувофиқ Пирмуҳаммадни тахтга ўтқазиб тарафдорлари кучли бўлса-да, бироқ Мироншоҳнинг ўғли Халил Султон Мирзо 1405 йилнинг 16 март куни Самарқандни эгаллаб, ўзини Мовароуннахрнинг олий ҳукмдори деб эълон қилади. Пирмуҳаммаднинг йўлини тўсиб, унинг режаларини бузиш ниятида ҳатто у Амударёнинг ўнг томонидаги ерларни ўз ҳокимиятига қўшиб олади.

Халил Султон гарчи бобосидан қолган хазиналар воситасида Соҳибқироннинг нуфузли аъён ва киборларидан маълум қисмини ўз тарафига оғдириб, Мовароуннахр тахтини эгаллаб олган бўлса-да, аммо кўп вақт ўтмай у Амир Темурнинг садоқатли амирлари, вилоят ноиблари ва шаҳзодаларнинг кучли норозилиги ва исёнига дуч келади. Биринчи бўлиб Туркистон ҳамда Фарғонанинг ҳокими амир Худайдод би-

лан Шайх Нуриддин Халил Султонга қарши исён кўтардилар. Ҳатто унинг ўз укаси Мирзо Султон Ҳусайн Амударёнинг чап соҳили вилоятларида ўз ҳокимиятини ўрнатмоқ ниятида акасига қарши бош кўтаради. Ўз навбатида Темур тахтининг асосий валиаҳди Пирмуҳаммад Амударёдан кечиб ўтиб, Халил Султонга қарши Насафга томон аскар тортади. Мовароуннаҳрда бошланган ўзаро сулолавий кураш шу тариқа авж олиб кетади.

Оқибатда бу даврда Хуросонда Шохруҳ, Балх, Фазна ва Қандаҳорда Пирмуҳаммад, Фарбий Эрон ва Озарбайжонда Мироншоҳнинг ўғиллари Умар Мирзо билан Абубакр Мирзолар ҳокими мутлақ бўлиб оладилар. Сирдарёдан шимолда жойлашган вилоятлар: Туркистон, Саброн, Ўтрор, Сайрам амир Бердибекнинг тасарруфида қолади. Ўратепа билан Фарғонани амир Худайдод Ҳусайний эгаллаб олади. Хоразмни эса Олтин Ўрданинг нуфузли амирларидан Идику ўзбек босиб олади.

Гарчи Шохруҳ 1405–1408 йилларда Халил Султондан Самарқандни тортиб олиб, отаси Амир Темурнинг тожу тахтини эгаллашга ҳаракат қилса-да, аммо унинг уддасидан чиқа олмайди. Бунга Балх, Сеистон, Хуросон ва Озарбайжонда темурий шаҳзодалар ва айрим иқтидорли амирларнинг бирин-кетин кўтариб турган ғалаёнлари жиддий тўсқинлик қилади. Бу даврда Темурнинг валиаҳди Пирмуҳаммад ва ўртанча ўғли Мироншоҳ бундай ғалаён ва фитналарнинг қурбони бўладилар. Пирмуҳаммад 1407 йил 22 февралда вазири Пир Али Тоз бошлиқ фитначилар қўлида шаҳид бўлади. 1408 йил 22 апрель кuni Қорақуюнли туркманларининг қабила бошлиғи Қароюсуф билан бўлган жангда Мироншоҳ ҳалок бўлади. Озарбайжон ва Ироқ вилоятлари темурийлар қўлидан кетади.

1409 йил баҳорида Мовароуннаҳрда вазият янада кескинлашади. Амир Худойдод Ўратепа ва Шохруҳия шаҳарларини осонгина қўлга киритиб, Самарқандга томон аскар тортади. Шероз яқинида, Зарафшон дарёси бўйида содир бўлган жангда Халил Султон қўшини мағлубиятга учрайди, ўзи эса асирга олинади. Худди шу даврда Сеистон ҳокими Шох Қутбуддин ва Кирмон ҳокими Султон Увайсларнинг қўзғолонини бостириб, бу вилоятда тўла осойишталик ўрнатишга улгурган Шохруҳ эндиликда бутун эътиборини Мовароуннаҳрга қаратади. Чунки у ота юртидаги ҳодисаларга лоқайд қарай олмасди. 1409 йил 25 апрелда у Амударёдан

ўтиб, Самарқанд сари юриш қилади ва шаҳарни жангсиз эгаллашга муяссар бўлади.

Темур вафотидан кейин қарийб 5 йил давом этган сулолавий ўзаро кураш ва исёнлар, шубҳасиз, мамлакат аҳолисининг иқтисодий аҳволига кескин таъсир этиб, халқнинг жиддий норозилигига сабаб бўлган эди. Шунинг учун ҳам темурийзодалар ва амирлар ўртасидаги курашга хотима бериш мақсадида Шоҳруҳ бошлаган ҳаракат мамлакат фуқаросининг кўпгина табақалари томонидан қувватланади. Шу боисдан Шоҳруҳ Темур ҳукмронлиги ўрнатилган вилоятларни ўз қўл остига олишга ҳамда мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатишга бир умр ҳаракат қилади. XV асрнинг 20-йилларига келиб, у Темур меросининг Сурия ва Арабистондан ташқари, асосий қисмини ўз тасарруфига олади ҳам. Шу билан бирга Шоҳруҳ мамлакатни бошқаришда темурийзода ва нуфузли амирлардан иборат ҳокимларнинг аксариятини ўзи учун ишончсиз деб ҳисоблайди. Уларнинг ўрнига деярли ҳамма вилоятларда ўз ўғиллари ва набираларини ҳамда ўзига яқин тутган қариндошларини ноибликка тайинлайди. Шоҳруҳ Балх билан Бадахшон вилоятларини Иброҳим султонга; Кобул, Фазна ва Қандаҳорни Қайду Мирзога; Хуросоннинг бир қисмини ҳамда Ҳабушон, Нисо, Обивард вилоятларини Бойсунғур Мирзога; Эроннинг Фарбий ўлкаларини ҳамда Ироқи Ажамнинг бир қисмини Султон Муҳаммадга; Форс вилоятини Абдулла Мирзога суюрғол тариқасида инъом қилади. Шу йўл билан мамлакатни бошқариш енгил бўлади деб ўйлайди. Бироқ оқибат Шоҳруҳ кутгандек бўлиб чиқмайди. Бунга Шоҳруҳ кейинроқ набираси Султон Муҳаммаднинг (Бойсунғур Мирзонинг ўғли) қилмишларидан сўнг ишонч ҳосил қилади. Султон Муҳаммад Эронга ҳоким қилиб тайинлангач, бобосига ноиблик қилишдан бўйин тоблаб, ўзбошимчалик билан ўз ерларини кенгайтиришга киришади. Шоҳруҳ итоатсиз набирасига қарши қўшин тортишга мажбур бўлади.

Шоҳруҳнинг узоқ ҳукмронлик даврида Темур давлатининг асосий қисми унинг қўл остида сақланиб қолса-да, аммо бу улкан мамлакат икки давлатга бўлинган эди. Улардан бири Амударёдан жанубда жойлашган Шоҳруҳ давлати бўлиб, унинг маркази Ҳирот шаҳри эди. Иккинчиси эса, Амударёдан шимолда — Мовароуннаҳр ва Туркистонда вужудга келган Улғбек давлати бўлиб, Самарқанд унинг пойтахти эди.

#### 40-§. Улуғбек давлати ва унинг ташқи сиёсати

Шоҳруҳ Самарқанддан Ҳиротга қайтиш олдида Мирзо Улуғбекни Мовароуннаҳр билан Туркистонга ҳоким қилиб тайинлайди. Улуғбек Самарқанд тахтига ўтирган вақтида ўн беш ёшдаги ўспирин эди. Мамлакатни идора этиш, табиийки, унинг учун мушкул эди. Шаҳзода балоғатга етгунча давлатни бошқаришни Шоҳруҳ ўзининг содиқ амалдорларидан бири Муборизуддин Шоҳмаликнинг ихтиёрига топширади.

Улуғбекнинг асли исми Муҳаммад Тарағай бўлиб, у Темурнинг Яқин Шарқда беш йиллик юришлари вақтида — 1394 йилда Султония шаҳрида таваллуд топади. У Темур ўрдугоҳи ва саройида катта онаси Сароймулкхоним ва онаси Гавҳаршодбегимларнинг бевосита паноҳида тарбияланади. Соҳибқироннинг бошқа набиралари қаторида у Темурнинг ҳарбий юришлари ва сарой анъаналарида иштирок этади. Тўрт ёшидан бошлаб Улуғбек Шайх Озорий номи билан кейинчалик шуҳрат топган қиссахон Ҳамза ибн Али тарбиясида бўлади. Ундан хат, савод ва ҳисоб бўйича илк сабоқлар олади. Кейинчалик Улуғбекка оталиқ<sup>1</sup> этиб амир Шоҳмалик тайинланади. Оталиқдан у, табиий, давлатни идора қилиш санъати — лавозимларга мансабдор шахсларни тайинлаш, солиқ тўплаш, руҳонийлар, амалдорлар ва ўзга юртлардан ташриф буюрган элчиларни қабул қилиш, хайру садақа бериш каби тартиб-қоидалар бўйича кўникмаларга эга бўлади. Улуғбек 12 ёшга қадам кўяркан, уни Муҳаммад Султоннинг қизи Оғобегимга унаштиришади. Она томондан Оғобегимнинг наслу насаби Олгин Ўрда хони Ўзбекхон (1312–1342 йиллар) хонадонига мансуб бўлгани туфайли Улуғбек ҳам бобоси каби «кўрагон» унвонига сазовор бўлади.

Улуғбек давлати жанубда Амударё, ғарбда Бухоро воҳасига тутшиб кетган Ўрганжий дашти ( Марказий Қизилқум) нинг шарқий ҳудудлари, шимолда Сирдарёнинг куйи оқимидаги Сигноқ ва Ўтрор шаҳарлари, шарқ ва шимоли-шарқда Шарқий Туркистон билан чегараланар эди. Улуғбек, гарчи Мовароуннаҳр билан Туркистоннинг ҳокими деб эълон қилинган бўлса-да, аслида унинг ҳокимияти даставвал фақат Самарқанд, Бухоро ва Насаф вилоятлари билангина чекланади. Чунки Шоҳруҳ, аввал-

<sup>1</sup>Аслида “Атко” шаҳзоданинг тарбиячиси маъносини англатади.

бошдан, Фарғонани то Ўзгангача Амирак Аҳмадга, Ҳисори Шодмонни Муҳаммад Жаҳонгирга инъом қилиб, Улуғбекни бирмунча чеклаб қўяди. Бунинг устига Туркистон Шайх Нуриддин тасарруфида эди. Ўша вақтда у на Улуғбек ва на Шоҳруҳни тан оларди. Шунинг учун мамлакат ҳали нотинч эди.

Шайх Нуриддин Туркистон билан ҳам қаноатланмайди. 1410 йилда у Муҳаммад Жаҳонгир, Янги ва Сайрам вилоятларининг ҳокими амир Абдулхолиқ ҳамда оқўрдалиқ хонзодалардан Чингиз ўғлонлар билан иттифоқ тузиб, темурийларга қарши исён кўтаради. 1410 йил 20 апрелда Самарқанд яқинида — Қизилравот мавзеида исёнкор иттифоқчилар билан Мирзо Улуғбек ва Шоҳмаликларнинг қўшинлари ўртасида жанг бўлади. Жангда Улуғбек мағлубиятга учраб, Калифга томон қочади. Шоҳруҳ 1410 йилнинг ёзида исённи бостириш учун катта куч билан Самарқандга етиб келади. Шайх Нуриддин исёни бостирилгач, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган шаҳарлар: Тошкент, Ясси, Саброн, Сайрам, Янги яна Темурийлар давлати таркибига қўшиб олинади ва бу ўлкаларни идора қилиш ҳам Улуғбекнинг зиммасига юкланади.

Ўша пайтларда Улуғбек билан Шоҳмаликнинг муносабатлари бузилиб қолади. Чунки шуҳратпараст оталиқ Улуғбекни давлат ишларига яқин йўлатмай, ҳатто у билан ҳисоблашмай ҳам қўйган эди. Шу сабабли Шоҳруҳ 1412 йилда Шоҳмаликни Самарқанддан олиб кетишга мажбур бўлади. Шу вақтдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Туркистонни бошқариш батамом 18 яшар Улуғбек қўлига ўтади.

Мамлакатда маълум даражада ҳокими мутлақ бўлиб олган Улуғбек эндиликда Фарғонани амакиваччаси Амирак Аҳмад қўлидан тортиб олиб, бу ўлкада ўз ҳукмронлигини ўрнатишга интилади. Ўз мақсадини амалга ошириш учун у дастлабки мустақил ҳаракатини Фарғонага юришдан бошлайди. 1414 йилда у амирлари Мусо атко, Муҳаммад Тобон ва Алилар бошчилигида катта қўшин билан Фарғонага боради. Улуғбекнинг қўшинига бас келишга кўзи етмаган Амирак Аҳмад Андижон ва Ахсини жангсиз топшириб, Ўш ва Олой орқали Кошғарга қочади. Аммо орадан кўп вақт ўтмай, Кошғар ҳокимининг мадади билан Фарғонани қайтариб олади. Ўш яқинидаги жангда Улуғбек қўшини мағлубиятга учрайдди. Мусо атко, Муҳаммад Тобон ва Али каби номдор баҳодирлар ҳалок бўладилар. Бу воқеадан сўнг Улуғбек 1415 йил-

нинг баҳорида Фарғонага иккинчи марта қўшин тортишга мажбур бўлади. Бу гал ҳам Амирак Аҳмад Улуғбекдан чўчиб, яна Кошғарга қочади. Шоҳруҳнинг Амирак Аҳмад номига ишончнома юбориб, бу ишга аралашуви туфайли шаҳзодалар ўртасидаги ўзаро низо ҳал этилиб, Фарғона унга тобе бўлиб, Кошғар ҳам Улуғбекнинг қўлига ўтади.

1413 йилда Шоҳруҳ томонидан Хоразм Олтин Ўрда хонлари тасарруфидан қайтариб олингач, Улуғбек давлатининг ғарбий ва жанубий чегараларининг хавфсизлиги муқимлашган бўлса-да, аммо унинг шимоли-шарқий томонлари ҳали хавотирли эди. Шу сабабли, Улуғбек бу даврда Дашти Қипчоқда бошланган ўзбек шаҳзодаларининг ўзаро олишувларига ҳамда Мўғулистонда авж олган ички курашларга жиддий эътибор беришга ва аралашшга мажбур бўлади.

Улуғбек кўмаги билан Дашти Қипчоқда кўчманчи ўзбеклар улусида Бароқ ўғлон, Мўғулистонда Шермуҳаммад ўғлон ҳокимиятни қўлга оладилар. Ушбу шаҳзодалар орқали Улуғбек бу икки қўшни ўлкада ўз сиёсатини ўтказишни мўлжаллаган эди. Бироқ бу хонлар Улуғбекнинг ишончини оқламайдилар. Шундан сўнг, Улуғбек отасининг ризоси билан 1425 йилнинг эрта баҳорида Мўғулистон устига юриш бошлайди. Иссиққўл яқинида содир бўлган тўқнашувда Улуғбек мўғуллар устидан ғалаба қозонади ва катта ўлжа билан Самарқандга қайтади. Ўлжалар орасида 2 бўлак нефрит тоши ҳам бор эди. Кейинчалик бу нефритдан Амир Темур мақбараси учун қабр тоши ясаттирилади. Мўғулистон уруши Улуғбек олиб борган жиддий урушларнинг биринчиси ва сўнгтиси эди. Бу 40 йиллик подшоҳлик даврида Улуғбек қозонган биринчи зафар эди. Бу зафарли юришнинг нишони тарзида Жиззах яқинида Илонўтти дараси ичида ҳижрий 828 (1428) йилда Улуғбек томонидан қоятошга ёздирилган ўзига хос «Зафарнома» ҳозирги кунгача сақланган.

Орадан 2 йил ўтгач, Улуғбек Дашти Қипчоқда ўз сиёсий мавқеини мустаҳкамлаб олган Бароқ ўғлонга қарши юришга мажбур бўлади. Улуғбек ёрдами билан ўзбеклар улусида тахтдор бўлиб олган Бароқ ўғлон унинг мурувватини унутиб, эндиликда Сирдарё бўйидаги Ўтрор, Саброн ва Сигноқ сингари шаҳарларга даъвогар бўлиб чиқади. Улар атрофини талаб, Сигноққача бўлган ерларни ҳатто эгаллаб олади. Унга қарши юришда Улуғбекнинг омади келмайди. Бароқхон Сигноқ яқинида тунда Улуғбек қўшинини чор атрофидан босиб, унга

қаттиқ зарба беради. Улуғбек аввал Тошкентга, сўнгра Самарқандгача чекинишга мажбур бўлади. Бароқ ўғлоннинг лашкари уни Самарқанд остоналаригача таъқиб қилиб боради. Ясси, Саброн, Тошкент, Шоҳруҳия, Самарқанд ва Бухоронинг теварак-атрофидаги қишлоқларни талаб қайтади. Бу мағлубиятдан кейин Улуғбек эл-юрт ва отаси олдида юзи шувут бўлиб, Самарқанд тахтидан ва Мовароуннаҳр ҳукмронлигидан ажралишига сал қолади. Сигноқ мағлубиятидан ўзига керакли сабоқни чиқарган Улуғбек, гарчи умрининг охиригача ўзга вилоятларга ҳарбий юриш уюштиришга журъат қилмаган бўлса-да, аммо XV асрнинг 30—40-йиллари отаси Шоҳруҳ билан Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида истиқомат қилувчи аҳолини ўзига бўйсундирган Абулхайрхон (1428—1468) билан кураш олиб боришига тўғри келади. Кўчманчилар ҳар йили, айниқса, қиш фаслида Мовароуннаҳрнинг ички вилоятларига бостириб кирар ва ўтроқ аҳолини ғорат қилиб қайтарди. Масалан, Абулхайрхон етакчилигидаги кўчманчилар 1431 ва 1435 йиллари Хоразмгача бостириб кириб, унинг ғарбий қисмини Урганч билан қўшиб забт этадилар. Бироқ Дашти Қипчоқ кўчманчилари ва Абулхайрхон билан курашиш Улуғбек билан Шоҳруҳ учун енгил кечмайди.

Шундай қилиб, Мовароуннаҳрни идора этишда, айниқса, унинг ташқи сиёсатида Улуғбек, айрим ҳоллардагина, мустақил ҳаракат қилган бўлса-да, аммо аслида у Шоҳруҳнинг Мовароуннаҳрдаги интизомли ва итоаткор ноиби бўлиб қолади. Ташқи ва ички сиёсатга алоқадор ҳар қандай масалани у отаси билан маслаҳатлашиб ва келишиб, унинг рози-ризалиги билан ҳал этишга ҳаракат қилади. Вақти-вақти билан у Ҳиротга бориб унга ҳисоб бериб, Мовароуннаҳр хирожининг бир қисмини унинг хазинасига жўнатиб туришга, Шоҳруҳнинг ҳарбий юришлари вақтида унга маълум миқдорда аскар, от-улов, озиқ-овқат ва қурол-аслаҳа юборишга мажбур эди.

Шоҳруҳ 1447 йил 12 март кuni невараси Султон Муҳаммад исёнини бостириш вақтида Рай вилоятида оламдан ўтади. Шоҳруҳ вафот этиши биланоқ Хуросон ва Мовароуннаҳрда темурий шаҳзодалари ўртасида тожу тахт учун кураш яна авжга миниб, мамлакатни беқарорлик чулғаб олади. Одатта кўра тахтга Шоҳруҳнинг тўнғич ўғли Улуғбек ўтириши керак эди. Аммо Бойсунғурнинг ўғиллари Алоуддавла билан

Абулқосим Бобур Улуғбекка қарши ҳаракат бошлайдилар. Хуросон ва Ҳиротни Алоуддавла, Мозондарон ва Жўржонни Абулқосим Бобур, Фарбий Эрон билан Форсни Султон Муҳаммад эгаллаб олиб, ҳокими мутлақ бўлиб оладилар. Муҳаммад Жўқийнинг ўғли Абубакр эса оғаси Муҳаммад Қосимга қарши қурол кўтариб, ундан Балх, Шибирғон, Кундуз ва Бағлон вилоятларини тортиб олади. Ўзбошимча шаҳзодаларга қарши Улуғбек кўшин билан чиқишга ва улар билан музокаралар олиб бориб, келишишга мажбур бўлади. Чунки, 1447 йилнинг баҳорида Алоуддавла Абдуллатифнинг кўшинини тор-мор келтириб, уни асирга олган ва Ҳиротдаги Ихтиёриддин қалъасига қамаб қўйган эди. Ўғлининг қурбон бўлишини истамаган Улуғбек Алоуддавла билан сулҳ тузади. Битимга кўра Абдуллатиф озод қилиниб, Улуғбек эса Ҳирот ва Хуросонга бўлган даъвосидан воз кечади. Бироқ кўп вақт ўтмай Абдуллатиф билан Алоуддавла муносабатлари яна кескинлашиб кетади. 1448 йилнинг баҳорида Улуғбек ва Абдуллатифнинг 90 минглик бирлашган кўшини Ҳиротга юриш қилади. Тарноб яқинида бўлган жангда Алоуддавла кўшини тор-мор келтирилиб, Ҳирот қўлга киритилади. Бу ғалабадан сўнг Абдуллатиф, гарчи бобоси Шоҳруҳнинг Ҳиротдаги тахтига ўтиришга муяссар бўлса-да, аммо унда отасига нисбатан адоват пайдо бўлади. Чунки ғалаба тўғрисида теварак-атрофга юборилган фатҳномаларда Абдуллатифнинг номи иниси Абдулазиздан сўнг тилга олинади. Унинг Ихтиёриддин қалъасидаги хазинаси Улуғбек томонидан олиб қўйилиб, маълум даражада адолатсизлик ва меҳрибонсизликка йўл қўйилган эди. Бу, шубҳасиз, ўта шухратпараст Абдуллатиф учун етарли баҳонайи сабаб бўлади. У отасининг душманлари билан яширин тарзда тил бириктириб, зимдан Улуғбекка қарши ҳаракат қила бошлайди. Авваламбор, Абдуллатиф Ҳиротда бор-йўғи беш кун ҳокимлик қилади. Абулқосим Бобур кўшинининг шаҳарга яқинлашиб келаётганидан хабар топиб, пойтахтни жангсиз бўшатиб, Мовароуннаҳр томон қочади. Улуғбек фармони билан Балхга ноиб қилиб тайинлангач, вилоятда «тамға» (бож)ни бекор қилиб, савдогарларни ўз тарафига оғдириб олади. Отасидан норози бўлган амирларни атрофига тўплайди, ҳатто Абулқосим билан боеланиб, уни бирлашиб Улуғбекка қарши курашга ундайди. Шундай қилиб, Абдуллатиф ўз отасига қарши очиқдан-очиқ



душманлик йўлига ўтади. Давлатнинг яхлитлигини сақлаб қолмоқ учун Улуғбекда ўзининг исёнкор ва маккор ўғлига қарши юриш қилишдан бошқа илож қолмайди. Аммо айтилган замонда мамлакатда сиёсий вазият жуда кескинлашиб, Улуғбекнинг аҳволини янада мушкуллаштиради.

Ҳиротдан Самарқандга қайтар экан Улуғбек олд томондан Дашти Қипчоқ кўчманчиларининг ҳужумига дучор бўлади. Абулхайрхон бошчилигидаги кўчманчилар ўшанда Тошкент, Шохруҳия, Самарқанд ва Бухоро теварагидаги қишлоқларни талаб, подшоҳ ва йирик мансабдорларнинг шаҳар атрофидаги чорбоғлари ва кўшкларни, шу жумладан, Боғимайдон, Чилситун, Чиннихона каби кўпгина гўзал меъморий қасрларни вайрон қиладилар. Икки тарафдан келган душманлар билан бўлган тўқнашувлар оқибатида Улуғбек кўшини қаттиқ шикаст топиб, у анча-мунча заифлашиб қолади. Шу вақтда Самарқандда вақтинчалик ноиб қилиб қолдирилган Улуғбекнинг кичик ўғли Абдулазизга қарши Самарқанд амирларининг норозилиги кучайиб, Улуғбек уни бартараф қилишга мажбур бўлади. Отасининг қийин аҳволда қолганини кузатиб турган Абдуллатиф қулай фурсатдан фойдаланиб, бош кўтарилади ва Амударёдан кечиб ўтиб, Термиз, Кеш ва Ҳузорни осонгина забт этади. Сўнгра Самарқандга қараб йўл олади. 1449 йил октябрида Дамашқ яқинида жанг қаттиқ бўлади ва бу жангда Улуғбек енгилади. Самарқанд амири Мироншоҳ Қавчин шаҳар дарвозаларини беркиттириб, Улуғбекни ичкарига киришга қўймайди. У Шохруҳияга ҳам киролмайди ва Абдуллатифга таслим бўлишга мажбур бўлади. Шаҳар қозиси Шамсуддин Муҳаммад Мискиннинг қаршилигига қарамасдан, Абдуллатиф Самарқанднинг жаҳолатпараст уламоларининг яширин фатвосини чиқартириб, отасининг ўлдирилишини уюштиради. Замонасининг машҳур олими ва ҳукмдори Мирзо Улуғбек 1449 йил 27 октябрда 55 ёшида Самарқанд яқинида фожиали сурагидеяда шаҳид бўлади.

Шундай қилиб, Улуғбек Мовароуннаҳрни қирқ йил (1409–1449) идора қиладди. Бу даврда мамлакатнинг сиёсий ҳаётида кескин кураш давом этганигига қарамай, бобоси Амир Темурдан фарқли ўлароқ, у шиддатли ҳарбий юришлар уюштириб, кўшни мамлакатларни фатҳ этишга интилмади. Аксинча, у ўз давлатини мустақкамлашга, мамлакат бирлигини сақлаб қолишга ва маданий ҳаётни кўтаришга ҳаракат қиладди.

## 41-§. Темурийлар давлатининг инқирозга юз тутиши

Шоҳруҳ вафотидан кейин авж олиб кетган сиёсий кураш шуҳратпараст ва разил Абдуллатифни жаҳолатпарастлик ботқоғига батамом ботириб, уни ёвуз инсонга — отасининг қотилига айлантирди. Улуғбек шаҳид этилиб, орадан бир неча кун ўтгач, тахт даъвогарларидан қутулиш мақсадида у ўз иниси Абдулазизни ҳамда отасига содиқ бўлган амирларни ҳам ўлдиртириб, темурийларнинг Мовароуннаҳрдаги тожтахтини батамом эгаллаб олади. Гарчи ҳокимият мамлакат фуқароси томонидан «падаркуш», яъни «ота қотили» деб лаънатланган Абдуллатиф ва унинг тарафдорлари кўлига ўтган бўлса ҳам, аммо бу қаттол падари бузруквори тахтида узоқ вақт ўтира олмайди. Орадан олти ярим ой ўтар-ўтмас, Абдуллатифга қарши саройда фитна уюштирилиб, у 1450 йил 9 май кuni ўлдирилади. Бу қабиҳ қотилининг калласи танасидан жудо қилиниб, Регистон майдонида Мирзо Улуғбек мадрасасининг пештоқига осиб қўйилади.

Бундай мудҳиш воқеадан сўнг ҳокимиятга бир вақтнинг ўзида Самарқандда Шоҳруҳнинг яна бир набираси, Улуғбекнинг сеvimли жияни ва куёви Мирзо Абдулла, Бухорода эса Мироншоҳнинг набираси Султон Абусаидлар подшоҳ қилиб кўтарилади. Мирзо Абдулла мамлакатда барқарорликни тиклаш учун кўлидан келган барча чораларни кўрса-да, аммо у ҳам Самарқандда темурийлар тахтида узоқ вақт ўтира олмайди. У бор-йўғи бир йилдан сал кўпроқ ҳукмронлик қилади. Аввал у амакиваччаси Абусаид билан, сўнгра қариндоши Алоуддавла билан курашади. Самарқандга бостириб келган Абусаид қўшинини тор-мор келтиради. Аламзада Абусаид Сирдарёнинг қуйи оқимида Ясси ва Саброн атрофларида жойлашиб олади ва Абдуллага қарши яна куч тўплайди. Дашти Қипчоқ ўзбек қабилаларининг хони Абулхайрхонга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Катта ўлжалар беришни ваъда қилиб, Абдуллага қарши у билан битим тузади.

Мовароуннаҳр ва Хуросонда муттасил давом этиб турган ўзаро курашлар кўчманчи қабилалар учун жуда қўл келади. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётига улар тез-тез аралашиб, ички ишларининг ривожига ҳал қилувчи роль ўйнай бошлайдилар. 1451 йилда Абулхайрхон катта қўшин билан Абусаид иштирокида Тошкент, Чиноз ва Жиззах орқали Самарқандга

юриш қилади. Широз қишлоғи яқинида Булунғур анҳори ёқасида жанг бўлади. Маҳорабада иттифоқчилар ғалаба қозонади. Мирзо Абдулла жангда ҳалок бўлади. Шундай қилиб, Абулхайрхоннинг қуроли ёрдамида Абусаид Самарқандни эгаллаб, Мовароуннаҳрга ҳоким бўлиб қолади.

Темурийлар давлатининг Хуросон қисми бу даврда Шоҳрухнинг набираси Абулқосим Бобур тасарруфида эди. 1457 йилгача у Хуросонни ўз қўлида тутиб туради. Ҳар иккала давлат ўртасида низо кучли бўлиб, бир-бирига улар душмандек эди. XV аср ўрталарига келиб Хуросонда бошбошдоқлик жуда авж олиб кетади. Темурийлар даври муаррихларининг ёзишича, бу даврда Хуросон ўн бир бўлакка бўлиниб кетган эди. Хондамирнинг тасвирлашича, улар бир-бирига итоат қилмасдан мустақил ҳукмронлик қиларди. Астрободдан Сабзаворга қадар ерларни Мирзо Шоҳоншоҳ ўзига қаратган эди. Балхда Абусаид ҳукмдорлик қилар эди. Мирзо Султон Иброҳим Ҳиротда ўтириб, бошқаларга бўйсинмас эди. Мавлоно Аҳмад Ясовул Ихтиёриддин қалъасини босиб олган эди. Мирзо Султон Санжар Марвда истиқомат қиларди. Мирзо Шоҳмаҳмуд Тусда туриб, ўз хаёлида истиқлол нақшини чизарди. Пиркомўғул Нурота қалъасини ишғол қилган эди. Амир Абдулла Сарахс қўрғонини мудофаа қиларди. Малик Қосим Валадий ва Амир Искандарий Қораюсуфлар Амир Халил билан иттифоқ тузиб Сеистон вилоятининг Фарох ва Исфизоргача бўлган ерларини қўлга киритган эди. Хабушон қалъасида Ҳасан Шайхтемир сардорлик вазифасини ўтарди. Себас қалъаси Амир Увайс Хованшоҳ қўл остида эди. Обивард қалъасида эса Мирзо Алоуддавла қарор топган эди. Мамлакатнинг бир-бирига қарши бўлган майда бўлакларга бўлиниб кетиши, улар ўртасида уруш-талашларнинг тўхтовсиз давом этиши аҳолининг моддий ва маънавий ҳаётига қаттиқ путур етказиб, иқтисодий жиҳатдан давлатни ниҳоятда танг аҳволга тушириб қўйган эди. Абулқосим Бобур Хуросонни батамом ўз тасарруфига кирита олмаган бўлса ҳам ҳар ҳолда майда мустақил ҳокимликларга барҳам беради. Бироқ 1457 йилда Абулқосим Бобур вафот этгач, вазият яна мушкуллашади. Хуросонда ҳам, Ҳиротда ҳам ҳокимиятни даво қилувчилар кўп бўлса-да, лекин уларнинг бирортаси ҳам давлатни идора қила оладиган кучга эга эмас эди. Бундай қулай вазиятдан фойдаланган Абусаид 1457 йилда

Ҳирот тахтини эгаллайди ва Темурийлар давлатининг ҳар икки қисмини бирлаштиришга муваффақ бўлади. Бироқ унинг ҳокимияти ҳам мустақкам эмас эди. Чунки Абусаид Хуросонда ҳам, Эронда ҳам вилоят ҳокимларининг мустақил ҳукмронликка интилишларига жиддий зарба бериб, мамлакатда ҳукм сурган сиёсий тарқоқликка барҳам бера олмаган эди. Айниқса, уни Абулқосим Бобур вафотидан кейин Хоразмни эгаллаб олган Султон Ҳусайн (Умаршайхнинг эвараси)нинг исёнлари ҳаммадан кўпроқ ташвишлантиради. Гарчи Абусаиддек кучли ҳокимга қарши курашиш қийин бўлсада, Султон Ҳусайн XV аср 60-йилларининг бошларида катта куч билан Хуросонда пайдо бўлади. У Ҳирот, Обивард, Нисо, Машҳад ва бошқа вилоятларда гоҳ муваффақиятли, гоҳ муваффақиятсиз тарзда ҳаракат қилади.

1469 йилнинг эрта баҳорида Абусаид Озарбайжон, Фарбий Эрон ва Ироққача бўлган вилоятларни эгаллаб турган оққўюнулу туркманларига қарши юриш қилади. Озарбайжондаги Мўғон чўлида оққўюнлиларнинг ҳокими Узун Ҳасан (1453–1478) билан бўлган жангда Абусаид ҳалок бўлади. Отаси ўлимидан сўнг Абусаиднинг ворислари Султон Ҳусайн билан тўқнашишга журъат эта олмай, Мовароуннаҳрга қайтадилар. 1469 йил 24 мартда Султон Ҳусайн Хуросоннинг ҳокими сифатида тантанан билан Ҳиротга кириб боради. Натижада Темурийлар давлати яна икки мустақил қисмга: Султон Ҳусайн ҳукмронлигидаги Хуросон ва Мовароуннаҳрга бўлиниб кетади.

Мовароуннаҳрда Абусаиднинг ўғиллари – аввал Султон Аҳмад (1469–1493), кейин Султон Маҳмуд (1493–1494) ва ниҳоят, Маҳмуднинг ўғли Султон Али (1494–1501) мустақил ҳокимлик қилади. Бироқ Мовароуннаҳр ҳукмдори, хусусан, Султон Аҳмаднинг укувсизлиги, сусткашлиги ва бунинг устига саводсизлиги туфайли мамлакатда бошбошдоқлик янада авж олади. Бу вақтда Мовароуннаҳр деярли мустақил бўлиб олиб, ўзаро низолашаётган темурий шаҳзодалари ёки мулкдор зодагонлар бошчилик қилиб турган кўпданкўп вилоятларга бўлиниб кетган эди. Мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида сўфийлик таълимоти йирик намояндаларининг таъсири беҳад кучайиб, унинг сиёсий турмушида ҳам улар муҳим роль ўйнай бошлаган эдилар. Масалан, мамлакат уруш хавфи остида қолиб, эл-юрт бошига катта ташвишлар тушган пайтларда сўфийлик тариқатининг

йирик намояндаларидан бири – Хожа Убайдулло Аҳрор юрт бошига тушган мусибатларни даф қилиш йўлида бир неча бор жонбозлик кўрсатган эди. 1454 йилда Ҳирот ҳокими Абулқосим Бобур Мовароуннаҳрга бостириб кириб, Самарқандни қамалга олганда, 1463 йили уч ҳукмдор: Самарқанд подшоси Султон Аҳмад бир тарафдан, Андижонда Фарғона ҳокими Умаршайх Мирзо билан Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон иккинчи тарафдан Ховос яқинида катта қўшин билан тўқнашиб турганда, сўнгра Абдуллатифнинг ўғли Мухаммад Жўқий билан амир Нурсайидбек Нурота ва Шоҳруҳия теварагида кўзғолон кўтарганда Хожа Убайдулло Аҳрор можароларга қатъиян аралашиб, рақибларни ярашишга мажбур этади. Унинг эл-юрт тинчлиги йўлида кўрсатган ватанпарварлиги, шубҳасиз, ҳукмрон табақаларнинг манфаати билан узвий боғлиқ бўлса-да, у ўз обрўси билан мамлакатни бир неча бор пайдо бўлган ночорликлардан халос этган эди. Чунки уруш чиққудек бўлса, унинг оқибатидан қатъи назар ҳаммадан аввал оддий меҳнаткашнинг бошига оғир мусибат тушарди ва мамлакат вайрон бўларди.

Султон Ҳусайннинг давлати Амударёнинг жанубий томонида жойлашган бўлиб, у ўз тасарруфида Хуросон, Хоразм ҳамда Шарқий ва Шимолий Эрон вилоятларини бирлаштирган эди. У теурийларнинг қарийб 40 йил ҳукм сурган сўнги йирик давлати бўлиб, унда ҳам сиёсий вазият осойишта эмас эди. Хуросонда бетўхтов давом этган ўзаро урушларга, шаҳзода ва амирларнинг бошбошдоқлигига қарамай мамлакатнинг хўжалик ва маданий ҳаёти Мовароуннаҳрдаги қараганда анча юксак даражада сақланиб қолади. Мамлакатнинг обод этилиб туришида замонасининг тadbиркор ва доно ҳукмдори Султон Ҳусайн ҳукмронлиги билан бир қаторда буюк адиб ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг ҳам хизмати ниҳоятда катта бўлди.

Алишер Навоий 1441 йилда Ҳиротда дунёга келган. Унинг имтиёзли барлас баҳодирларидан бўлган отаси ва бобосининг каттагина ер-сувлари ва бошқа молу мулклари бўлган. Султон Ҳусайн билан Алишер бир мактабда ўқиган. Улар болалик чоғларидаёқ Хуросоннинг ҳукмдори Абулқосим Бобурнинг хизматида бўлганлар. Унинг вафотидан сўнг улар 12 йил давомида бошқа-бошқа шаҳарларда бўлишади. Ҳусайн бу даврда аввал Хоразмда, сўнгра эса Хуросоннинг Ҳирот,

Обивард, Нисо, Машҳад ва бошқа вилоятларида «дарбадарликда» юриб куч тўплаб, Абусаидга қарши исёнлар кўтарди. Алишер Навоий бу йилларда аввал Машҳад ва Ҳиротда ўқийди. Ўша пайтлардаёқ у шоирлик истеъдоди туфайли катта шуҳрат қозонган эди. Ёшлиқдан Султон Ҳусайн билан яқин бўлган Алишер ўзига нисбатан Абусаидда адоват кайфиятини сезиб қолгач, Самарқандга кўчиб бориб, маълум вақт у ерда яшашга мажбур бўлади. Самарқандда у илм-фан ва шеърят билан машғул бўлади, фалакиётшунослик, математика, ҳикматшунослик, муҳандислик илмини ўрганadi. Бу борада унинг мадрасада икки йил олган таълими катта роль ўйнайди. Бу ерда у машҳур олим, фалсафа, мантиқ, ҳуқуқ, араб тили, адабиёт ва поэтиканинг ўткир билимдони Фазлуллоҳ Абулайс Самарқандийдан сабоқ олади. 1469 йилда Султон Ҳусайн Ҳиротни эгаллагач, Навоийни ўз ҳузурига таклиф этади. Алишерни у дастлаб «муҳрдорлик» лавозимига, кейинроқ эса вазир қилиб тайин этади.

Султон Ҳусайн ҳукмронлигининг дастлабки даврида Алишер Навоий кўлидан келганча адолат ўрнатиб ва халқ ҳақида ғамхўрлик кўрсатиб, мамлакат сиёсий ҳаётида катта роль ўйнайди. У мамлакатда мустаҳкам марказлашган салтанатнинг вужудга келиши, вилоятлар суғорилиб обод этилиши, қишлоқларда деҳқончилик, шаҳарларда ҳунармандчилик ва савдонинг кенгайиб тараққий қилиши, адабиёт, санъат ва илму маърифатнинг равнақи, давлатнинг ички ва ташқи муносабатлари яхшиланиб, унинг халқаро аҳолининг мустаҳкамланиши ва унда аҳолининг тинч ва осойишта истиқомат қилишининг тарафдори эди. Мана шундай ғояларни рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилади. Давлатнинг бутунлигини сақлаб қолиш мақсадида у Хуросонда кўтарилган жиддий халқ кўзғолонларини бостиради. Лекин Султон Ҳусайн давлати Навоий кутганича бўлиб чиқмайди. Суюрғол тартибига асосланган бу давлатда, бир томондан, вилоят ҳукмдорлари, ҳатто тожу тахт валиаҳдлари Бадиуззамон ва Муҳаммад Султон исёнлари юз беради. Иккинчи томондан, оғир зулм оқибатида Ҳирот ва унинг вилоятларида халқ кўзғолонлари кўтарилади. Учинчидан, ўз манфаатларини кўзлаган очкўз сарой маъмурлари фитна ва фасодни ғоятда авж олдириб, унинг ботқоғига Султон Ҳусайнни ҳам ботирадилар. Бундай

аҳволи зоҳира, шубҳасиз, бош вазирлик вазифасида турган доно Навоийнинг саройдан, ҳатто пойтахтдан узоқлашишига олиб келади. Мамлакатдаги тараққийпарвар доираларнинг хўжалик ва маданий равнақи соҳасидаги ҳаракатларига жиддий зарба беради.

Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ҳукм сурган танглик унинг ички муносабатларида тобора роли ошиб бораётган Дашти Қипчоқ ўзбек қабилаларининг Мовароуннаҳрда ҳокимият-ни қўлга олишини ҳамда халқ ўртасида ўз мавқеини тамоман йўқотган темурийлар сулоласини ағдариб ташлашини оsonлаштирган эди.

#### **42-§. Темурийлар давлатида ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар**

Мамлакатда тез-тез содир бўлиб турадиган ўзаро ички урушларга қарамасдан XV асрда ҳам Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳар ҳамда қишлоқларида бирмунча ободончилик ишлари амалга оширилади. Суғорма деҳқончилик ва унинг асоси бўлган суғориш ва сув иншоотларини қуриш ишларига маълум даражада аҳамият берилади. Айрим деҳқончилик воҳаларининг сув таъминоти тартибга солинади. Даштларга сув чиқарилиб, янги ер майдонлари ўзлаштирилади. Бу борада хусусий соҳибкорларнинг даштликлардан янги ерларни очиш, коризлар қазиб, боғ кўкартириш ва қаровсиз қолган ташландиқ ерларни суғориб обод этиш учун амалга оширган ҳар қандай фаолияти темурийлар томонидан қўллаб-қувватланади. Ҳатто бундай соҳибкорлар бир-икки йил давомида ҳамма солиқ ва тўловлардан озод этилади.

Бу даврда темурийлар ва уларнинг вилоят ҳокимлари томонидан Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Марв воҳаларида, Тус водийсида ҳамда Ҳирот ва унинг атрофида йирик суғориш иншоотлари барпо этилиб, айрим деҳқончилик вилоятларининг сув таъминоти тубдан яхшиланади. Темурийлар ҳукмронлик қилган даврда амалга оширилган энг йирик ишлардан бири Самарқанд воҳасида Зарафшон дарёсидан бош олган Дарғом анҳоридан чиқарилган қадимги Ангор каналининг қайта тикланиши бўлди. Замонасининг энг йирик суғориш тармоғи ҳисобланган бу канал орқали Зарафшон дарёси оқимининг бир қисми бу даврда кам сувли Қашқадарё

воҳасига ташланиб, унинг адоғида жойлашган деҳқончилик ерлари сув билан таъминланади.

Бухоронинг қадимги суғориладиган ерлари бўйлаб олиб борилган археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича, мўғуллар босқини оқибатида бутунлай вайрон этилган воҳа сув хўжалиги XV асрга келиб тўла тикланади. Унинг деҳқончилик ер майдони бирмунча кенгайиб, воҳанинг ғарбий чегараси, ҳатто Урганжий дашти томон ичкарига қарийб 5–6 км кенгайиб боради. Улуғбек ҳукмронлик қилган даврда (1409—1449) Бухоро воҳасининг жануби-шарқий чегарасига ёндашган Сомонжуқ даштига сув чиқарилиб, янги ерлар ўзлаштирилади.

Мўғуллар босқини даврида вайрон этилган Мурғоб дарёсининг бош тўғони — Султонбанднинг Шоҳруҳ томонидан тикланиши ва суғориш тармоқларининг лойқадан тозаланиши туфайли Марв шаҳри ва Мурғоб воҳасининг сув таъминоти тубдан яхшиланади ҳамда сувсизликдан қуриб қолган шаҳар атрофидаги ерларга қайта сув чиқарилиб, суғорма деҳқончилик ер майдонини кенгайтириш имконияти пайдо бўлади. Султон Ҳусайн Мирзо ҳукмронлик қилган даврда эса унинг ташаббуси билан Марвируддан янги канал чиқарилиб, каттагина ер майдони суғорилиб обод этилади.

Бу даврда Ҳирот ва Машҳад атрофларида Алишер Навоийнинг ташаббуси билан амалга оширилган суғориш ишлари, айниқса, диққатга сазовордир. Навоий Тус вилоятининг юқори қисмида жойлашган Чашмагул мавзеида Тўруқбанд сув омбори қурдиради. Ўн фарсах (60–70 км) узунликда махсус канал қаздириб Тўруқбанд сув омборида жамғарилган сув Машҳадга олиб келинади. Натижада, Машҳад сув билан таъмин этилиб, шаҳар атрофидаги ерларга сув чиқарилади ва обод этилади. Бу даврга келиб ирригация техникаси тараққий қилади. Инженерлик асосида турли хил суғориш иншоотлари қурилади. Темурийлар ва уларга тақлид қилувчи вилоят ҳокимлари томонидан Мовароуннаҳр ва Хуросон шаҳарлари атрофида истироҳат боғлари барпо этиш муносабати билан кўплаб суғориш тармоқлари чиқарилиб, улар тошҳовуз, дарғот, наво, чиқир, чархларрак, қайнама, шаршара, осма кўприк, хандақ, тазар ва сардобалар каби турли-туман сув иншоотлари билан жиҳозланади.

Бу даврда қишлоқ хўжалигида, хусусан, ғаллакорлик, сабзавотчилик ва полизкорликда зироатларнинг деярли ҳамма



навлари етиштирилган. Боғдорчиликка катта аҳамият берилган, мевали дарахтларнинг кўпдан-кўп хиллари кўкартирилиб, мамлакат аҳолиси ёзда ҳўл мева, қиш ва баҳор мавсумларида эса қуруқ мевалар билан таъминланган. Хўжаликнинг асосий турларидан яна бири чорвачилик эди. Мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида, айниқса, яйлов чорвачилиги: йилқичилик, қоракўлчилик, туячилик ҳамда подачилик муҳим ўрин тутди. Шубҳасиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хоҳ у деҳқончилик, хоҳ чорвачилик бўлсин, оддий меҳнаткаш халқнинг оғир ва машаққатли жисмоний меҳнати воситасида етиштирилиб, унинг тақсимоти мамлакат аҳолисининг ижтимоий ва иқтисодий муносабатлари моҳиятини англаган.

Бутун XV аср давомида Мовароуннаҳр ва Хуросонда аввалгидек ер ва мулкчиликнинг асосан тўрт шакли: «мулки девоний» — давлат ерлари; «мулк» — хусусий ерлар; «мулки вақф» — мадраса ва ибодатхоналар тасарруфидаги ерлар ва ниҳоят «жамоа ерлари» бўлган. Деҳқончилик ерларининг энг катта қисми давлат мулки ҳисобланган. Бу ерларга аввалгидек мамлакат ҳукмдори султон ёки амирлар эгалик қиларди. Темурийлар даврида давлат ерларини «суюрғол» тарзида инъом қилиш кенг тарқалади. Суюрғол ерлар ҳажми, шарти ҳамда ер ва ёрликқа эга бўлган шахсларнинг табақаси жиҳатидан турлича бўлган. Одатда, шаҳар ёки вилоятлардан тортиб, то алоҳида қишлоққача суюрғол шаклида инъом этилган. Бутун бир шаҳар ёки вилоятлар кўпинча ҳукмрон сулола намояндалари ёки йирик ҳарбий ва давлат мансабдорларига берилган. Бундай суюрғол ер ва мулклар кўпинча авлоддан-авлодга мерос бўлиб ҳам қоларди. Суюрғол эгасига ўз суюрғоли доирасида амалдорлар тайинлаш, солиқлар ва турли тўловларни тўплаш ҳамда айбдорларни жазолаш ҳуқуқи берилган. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Шоҳруҳ даврида Хоразм — Шоҳмалик; Фарғона — Мирзо Аҳмад; Тус, Машҳад, Обивард, Нисони ўз ичига олган Хуросон — Бойсунғур; Кобул, Фазна ва Қандаҳор вилоятлари Мирзо Қайдубаҳодирнинг суюрғоли эди. Суюрғол ёрлиғига эга бўлган вилоят ҳукмдорлари марказий ҳокимиятга фақат номигагина қарам бўлиб, одатда, улар деярли мустақил эди.

Суюрғол эгалари тобелигини кучайтириш мақсадида марказий ҳокимият баъзан улар тасарруфидаги ер майдонларини қисқартирар ёки уларнинг маъмурий ва адлия жиҳатидан

ҳақ-ҳуқуқларини чеклаб қўяр эди. Суюрғол эгаси марказий ҳукуматга бўйсунмаган тақдирда суюрғол ҳуқуқидан маҳрум бўлар ва ҳоким унинг вилоятини бошқа шахсга берар эди. Бўйсунмагани учун Шоҳруҳ 1414 йилда Мирзо Искандарни, 1415 йилда Мирзо Бойқарони суюрғолдан маҳрум қилган.

Темурийлар даврида майдони жиҳатидан майда ва ҳақ-ҳуқуқи жиҳатидан анча-мунча чекланган суюрғол ерлари ҳам бўлган. Бундай майда суюрғол ерлари одатда хизмат кўрсатган кичик мансабдаги ҳарбийлардан тортиб, олий ҳукмдорларнинг мунтазам қўшин аскарларигача берилган. Бобурнинг ёзишича, Ҳусайн Бойқаронинг 14 минглик мунтазам навкарлари ва 40 минглик мунтазам қўшини (ғул)-нинг ҳар бир аскарига 80 жариб, яъни 40 танобдан ер берилган. Навкарларга берилган бу ерлардан ҳам мутлақо солиқ ва тўловлар олинмаган.

Деҳқончилик майдонларининг иккинчи каттагина қисми «мулк» — хусусий ерлардан иборат эди. Шубҳасиз, йирик мулкдорларнинг катта ер майдонлари ҳам, меҳнаткаш зироатчиларнинг майда пайкаллари ҳам хусусий мулк ерлари қаторига кирган. Мулк ерларининг катта қисми маъмурий, ҳарбий ва диний арбобларнинг тасарруфида бўлган. Масалан, XV асрнинг иккинчи ярмида яшаган йирик мулкдорлардан Хожа Аҳрорнинг 1300 тага яқин ер-мулки бўлган. Бу мулкларнинг айримлари 300 қўшга тенг бўлган.

Бу даврда бош ҳукмдор томонидан йирик мулк эгаларига бирон хизмати учун тархонлик ёрлиғи бериш кенг тарқалади. Тархонлик ёрлиғини олган мулкдорлар ҳужжатга асосан барча солиқ, тўлов ва мажбуриятлардан озод қилинган. Тархонлик ёрлиғи, одатда, амирлар, беклар, сарой амалдорлари, сайидлар ва бошқа юқори табақа вакилларига берилган. Бундай ёрлиқни олган мулкдор исмига «тархон» сўзи қўшиб айтилган. Тархонларнинг кўпчилиги жуда бой бўлган. Масалан, бу даврда Ҳирот атрофидаги мулклар Дарвешали Тархон, Самарқанд ва Бухоро атрофидаги жуда катта ерлар Абу Али Тархон қўлида тўпланган эди. Бобур Абуали Тархоннинг шоҳона ҳаётини тасвирлар экан, унинг ҳашаматли саройи, хизматидаги уч минг кишидан иборат хизматкору навкарлари, ўтказган дабдабали тўй-томошалари, берган қимматбаҳо совғасаломлари ва халққа қилган жабр-зулмлари тўғрисида ёзади.

Темурийлар ҳукмронлигининг сўнгги даврида Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа вилоятларнинг деҳқонларидан ҳамда шаҳар аҳолисидан йиғиладиган давлат даромадларининг анчагина қисми тархонлар қўлида тўпланган. Мовароуннаҳрда улар ғоят катта кучга айланган эди. Мамлакатнинг сиёсий ҳаётида ҳам тархонларнинг нуфузи кучли бўлиб, жуда катта сиёсий ҳуқуқдан фойдаланар эдилар. Ҳатто ўзаро низо-жанжаллар вақтида тархонни қўллаб-қувватлаши бирорта вилоят ҳокимининг тақдирини белгилашда баъзан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган.

XV асрда ҳам, аввалги даврлардагидек, жуда кўп ер ва сув масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара ва мозорларга бириктирилиб, бундай ерлар «мулки вақф» деб аталган. Меҳнаткаш аҳоли ўртасида эса вақфкор ерлар номи билан юритилган. Маълумки, Амир Темури ва темурийлар ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда жуда кўп масжид, мадраса, мақбара ва шифохоналар бино қилиниб, жуда катта деҳқончилик ерлари вақф қилинган. Одатда, ер ва сувдан ташқари кўплаб дўкон, корхона, тегирмон, обжувоз, бозор, карвонсаройлар ҳам вақф қилиниб, улардан тушган даромад масжид, мадраса, шифохона ва хонақоҳларнинг таъмири, жиҳози, мутавалли, мударрис, табиб ва талабаларга бериладиган нафақалар ҳамда лангархона (мусофирхона) ва шифохоналарнинг кундалик харжлари (озиқ-овқат, ёқилғи ва ёритғичлари) учун сарф этилган.

Бу даврда деҳқончилик ерларининг маълум бир кичикроқ қисми қишлоқ аҳолисининг умумий тасарруфида бўлган. Бундай ерлар қишлоқ тўплари ёки жамоаларнинг мулки ҳисобланган. Шубҳасиз, бундай шаклдаги жамоа ерлари, мулкчиликнинг қадимий турларидан бўлиб, улар кўпроқ сувга танқис тоғ олди ҳудудларида бирмунча кенг тарқалган эди. Бундай жамоа мулкчилиги, одатда, кам сувли тоғ жилғаларининг жилдираган оқимини жамғариш ёки ер ости сувларини ер юзига чиқариш учун қишлоқ жамоаларининг кучи билан барпо этилган ўта машаққатли ва мураккаб сув иншоотлари — қулфакли ҳовузлар (майда сув омборлари) ва коризлар воситасида ўзлаштирилган ерларда вужудга келган. Шундай қилиб, кўпчиликнинг иштироки ва маблағи билан барпо этилган суғориш иншоотлари ва улар воситасида ўзлаштирилган ерлар жамоа мулкига айланган. Мулкчиликнинг бун-

дай тури, шубҳасиз, теурийлар ҳукмронлиги даврида унчалик кенг тарқалган бўлмаса-да, ҳар қалай мавжуд эди.

XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ер эгалари «деҳқон», экин майдонларига ишлов берувчилар «музорий» деб юритилган. Музорийлар, яъни зироатчилар қишлоқнинг меҳнаткаш табақаси бўлиб, улар тўрт гуруҳга бўлинган: 1) давлат ерларида яшовчи музорийлар; 2) мулкдорларнинг ерларида ишловчи музорийлар; 3) ўз ерига эга бўлган деҳқонлар; 4) вақф мулкларида яшовчи музорийлар.

Музорий давлат ёки вақф ерларида ҳам, тархон ёки суюрғол эгалари каби йирик мулкдорларнинг ерларида ҳам ёлланма зироатчи бўлиб, деҳқончилик қилган. Уларнинг ҳосилдан оладиган ҳиссаси ер эгаларининг ердан ташқари, уруғлик, омов, ҳўкиз, от ва арава кабиларни берганига қараб белгиланган. Қандай ерда деҳқончилик қилишдан қатъи назар музорий ҳаммавақт солиқларни тўлар ва мажбуриятларни ўтар эди.

Суғорма деҳқончилик ерларидан олинадиган асосий солиқ «хирож» бўлиб, бу солиқ «мол» деб ҳам аталган. Хирож асосан ҳосил етилиб, уни йиғиб олиш вақтларида маҳсулот ёки пул ҳолида тўланган. Солиқ ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб белгиланган. Чунончи, дарё, булоқ ва кориз сувлари билан суғориладиган обикор ерлардан хирож ҳосилнинг учдан бир қисми (33 %) миқдоридан олинган, яъни ҳосил уч қисмга бўлиниб, унинг учдан икки (67 %) қисми ер эгасига ва қорандага қолдирилиб, фақат бир қисми (33 %) гина салтанат хазинасига топширилган. Агар фуқаро хирожни пул ҳисобида тўлашга рози бўлса, унда ҳосилнинг учдан бир қисми бозор нархи ҳисобида пулга чақилган. Масалан, 1461 йилда Султон Абусаид вазирлари Хожамуҳиддин Шерозий ва Хожамавлоно Амирий Самарқандийни Мовароуннаҳрга юбориб, уларга «дудонг», яъни олтидан икки (33,3 %) миқдоридан хирож олишни буюради. Агар ҳосилнинг чўғи ўртачадан пастроқ бўлса, хирож тўққиздан икки, яъни 22 % миқдоридан тўланган.

Лалмикор ерларнинг унумдорлиги обикор ерларга нисбатан анча-мунча пастроқ бўлгани учун лалмикорлик билан машғул бўлган музорийлар умумий ҳосилнинг олтидан бир, яъни 16 % дан то саккиздан бир, яъни 12,5 % миқдоридан солиқ тўлаганлар.

Мулк ерларининг бир қисмидан «ушр», яъни ҳосилнинг ўндан бир қисми (10 %) миқдориди солиқ олинган. Бундай ерлар одатда замонасининг илм-фани, маърифати ва маънавий ҳаётининг ақибери ва ашрафлари қаторидан жой олган сайидлар, хожалар, уламолар ва машоихлар тасарруфида бўлган. Масалан, XV асрнинг йирик мулкдорларидан Хожа Аҳрор ўзига қарашли 1300 ер мулкидан ҳар йили Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад хазинасига фақат ғаланинг ўзидан 80 минг ботмон (бир ботмон 20 кг тенг бўлган) миқдориди ушр тўлаб турган.

Бу даврда боғ ва дарахтзорлардан «моли сардарахт», яйловлардан моли «ўтлоқ ва сувлоқ» каби солиқлар олиниб, уларни тўплашда қадимдан расм бўлиб келган тартиб-қоидага амал қилинган. Чорва молларидан қирқдан бир, яъни 2,5% миқдориди «закот» олинган.

Ер солиқлари хирож, мол, ушр ва сардарахт ҳамда чорва молларидан олинадиган «закот» билан бир қаторда фуқаро солиқ йиғиш ва унинг ҳисоб-китоби билан банд бўлган турли лавозимдаги маъмурларнинг хизмати учун бир қатор йиғимлар тўлашга мажбур бўлган. Масалан, бундай йиғимлардан «соҳиб жамона» — ҳосил миқдорини белгилловчилар; «мухассилона» — солиқ йиғувчилар; «зобитона» — киримни бошқарувчилар; «доруғона» — доруғолар; «миробона» сув тақсимловчи мироблар фойдасига олинган. Булардан ташқари, меҳнаткаш аҳоли фавқулоддаги харажатлар учун «аворизот» ва «тавожжухоти хорижий» каби одатдан ташқари солиқларни ҳам тўлаган.

Ғалла ғарам қилинмасдан бурун солиқ тўлаш қатъий ман этилганди. Солиқ муайян уч муддатда: саратон (июнь-июль), сунбула мезон (август ва сентябрь) ва қавс (ноябрь) ойларида тўланар эди. Солиқларни йиғиш пайтида солиқчи таёқ ёки қамчин ишлатмаслиги ва ишни уриш-жанжалга олиб бормаслиги зарур эди. Умуман, қарздорларни банд қилиш ва занжир билан кишанлаб уларга нисбатан қаттиқ чоралар қўришга солиқчиларнинг ҳаққи йўқ эди.

Асосий солиқлардан ташқари меҳнаткаш аҳоли ҳукмдор ва унинг маъмурлари, суюрғол эгалари ва тархонлар, шунингдек, йирик мулкдорлар фойдасига текин ишлаб беришга мажбур эди. XV асрда қурилиш ишлари кенгайиб, бу даврда қад кўтарган саройлар, жамоат бинолари, мудофаа ва суғориш иншоотлари ҳамда йўл қурилиш ва тузатишларида меҳнаткаш аҳоли кучидан кент

фойдаланилган. Бундай ҳашар ишлари «бегор» деб аталган. Бу даврда қурилишларнинг кенгайиши билан керакли асбоб-ускуна ва етарли емакларни ўзи билан олиб келиши лозим бўлган. Бу эса, шубҳасиз, бегорни яна ҳам оғирлаштириб, ҳашарчилар аҳволини мушкуллаштиради. Бу даврда ҳукмдор ва унинг маъмурларидан ташқари йирик мулкдорлар ҳам музорийларни бегор йўли билан ишлатиш ҳуқуқига эга бўлган. Масалан, Хожа Аҳрор 300 қўш ердан 300 нафар музорийни бегорга чақира олган.

Бу даврда аҳолининг машаққатли бегор билан нақадар банд бўлиб қолганини Навоий, «Ёр ҳолин англамоқ умидидин ноумидмен, халқнинг юз меҳнату бегоридин бекормен», деб ёзган мисраларида очиқ ифодаланган.

Меҳнаткаш аҳоли гарданига бегордан ташқари яна бир қанча мажбуриятлар ва тўловлар ҳам юкланган эди. Гарчи Амир Темур томонидан «саришумор», «хонашумор» каби жон бош тўловлари ман этилган бўлса-да, аммо унинг ворислари замонида бундай тўлов ва мажбуриятлар аҳоли гарданига юклатилган эди. Бунинг устига солиқ белгилловчи ва йиғувчилар мумкин қадар аҳолидан кўпроқ солиқ ундириб олишга ҳаракат қилар эди. Бу ерда XIII асрнинг машҳур мутафаккири шоир Саъдий Шерозийнинг тубандаги сўзларини келтириш ўринлидир: «Агар ҳукмдор ўз фуқаросининг боғидан бир дона олма олиб тановул қилса, унинг яқинлари олма дарахтини илдизи билан суғуриб кетадилар. Агар ҳукмдор халқнинг беш дона тухумини қонунсиз олса, унинг лашкарлари халқнинг минглаб товуғини сихга тортиб юборадилар».

Шунинг учун ҳам Амир Темур ва унинг баъзи бир ворислари солиқ миқдори ва тўлов тартибини бузмасликка, суистеъмолликнинг олдини олишга ҳаракат қилганлар. Бунга риоя қилмаган айрим маъмурларни ҳатто жазога ҳам тортганлар. Шунга қарамадан, солиқ йиғувчиларнинг ўзбошимчалиги муттасил содир бўлиб турган. Масалан, Султон Ҳусайн маъмурлари ўзбошимчалик билан аҳолига фавқулодда солиқ солгани оқибатида 1470 йилда Муҳаммад Ёдгор бошчилигида Ҳирот аҳолиси қўзғолон кўтаради. Навоийнинг саъй-ҳаракати ва таъсири билан қўзғолон бостирилса-да, Султон Ҳусайн фармон чиқариб, Ҳирот ва унинг атрофида яшовчи деҳқонлар, музорийлар ва ҳунарманларни икки йилга фавқулодда солиқлардан ва қўшинни боқиш учун солинадиган тўловлардан озод қилишга мажбур бўлади.

### 43-§. Хунармандчилик, савдо ва пул муносабатлари

Мовароуннаҳр ва Хуросонда марказий ҳокимиятнинг маълум даражада барқарорлиги, йирик шаҳарлар ва улар атрофларида амалга оширилган ободончилик ҳамда суғорма деҳқончиликнинг кенгайиши, шубҳасиз, мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган хунармандчилик, савдо ва товар-пул муносабатларининг тараққиёти учун кенг йўл очиб беради. XV асрда, хусусан, унинг охириги чораги ҳамда XVI аср бошларида хунармандчиликнинг турли тармоқлари ривож топиб, кенг истеъмол молларини ишлаб чиқариш ғоят кўпаяди. Ички чакана савдо ва пул муносабатлари кенгайиб, у шаҳар ва унинг атрофи аҳолисини, айниқса, омилкор табақаларни ўз гирдобига қамраб олади.

Бу даврда Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шоҳруҳия, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши ва бошқа кўпгина шаҳарлари ўзининг топографик қиёфаси, аҳолисининг касб-кори, ички ва ташқи алоқалари билан ўрта аср Шарқининг намунали хунармандчилик ва гавжум савдо марказига айланади. Хунармандчилик ривож топиб, унинг турли-туман тармоқлари бўйича ихтисосланишининг кучайиши, шаҳарларнинг тарихий топографиясини ҳам ўзгартириб юборади. Шаҳарларда хунармандчилик маҳаллаларининг сони ортиб, касб-хунар билан боғлиқ бўлган янги-янги гузарлар, кўча-кўйлар, бозор расталари, тимлар ва тоқлар (усти гумбазли бозор) пайдо бўлади. Кўпгина шаҳарларда «заргарон» (заргарлик), «мисгарон» (мисгарлик), «сузангарон» (игнасозлик), «совутсазон» (совутсозлик), «сангтараш» (тоштаровчилар), «шишапазон» (шишагарлар), «чармгарон» (кўнчилар) каби хунармандчилик маҳаллалари бўлган.

Хунармандчилик соҳасида тўқимачилик, кулолчилик, чилангарлик (металл буюмлар яшаш), темирчилик ва бинокорлик етакчи ўринни эгаллаган эди. Бу даврда шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, даштларда яшовчи ярим кўчманчи ва кўчманчи чорвадорлар ўртасида, айниқса, тўқимачилик маҳсулотларига талаб ғоят катта эди. Шаҳарларда ип, ипак, жун ва каноп толасидан турли хилдаги рангдор, гулдор ҳамда нафис ва дағал газмоллар кўплаб тўқиб чиқарилар эди. Масалан, ўша пайтларда оқ, яшил, малла, зангори, бинафша ва

сурранг ип калаваларидан карбос, яъни бўз, гулдор чит, оқ сурп, нафис зарлар берилган фута; жундан олачалар; каноф толасидан қатон каби турли хил газламалар тўқилган. Бу матолар орасида энг арзони карбос бўлиб, ундан ички кийимлар, устки либосларнинг астарлари, кўрпа-тўшаклар тикилган. Шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткаш аҳолиси ҳамда даштлик чорвадорлар буткул карбосдан кийинган. Каноф толасидан тўқилган қатон, зифирпоядан тўқилган тарғу номли матолар анча пишиқ бўлган. Улардан «жомай қатоний» деб аталган бирмунча қиммат чопонлар, қимматбаҳо тошлар қадалган зарбоф қатоний тўнлар тикилган. Навоийнинг ёзишича, карбосга қараганда қатон анча-мунча қиммат турган. Меҳнаткаш аҳоли ўртасида гулдор чит ҳамда «Самарқанд ва Бухоро олачаси» каби газмоллар ҳам айниқса қадрланган.

Ипак ва ипакдан тўқилган нафис футадан салла, белбоф ва аслзода ёшлар кийим-кечаклари тикилган. Ўша даврда футанинг бир белбоғлик ёки бир саллалик баҳоси Ҳиротда эллик танга турган. XV аср мутафаккири шоир Жомийнинг белида доимо футадан чокланган белбоғи бўлган.

Маҳаллий ва четдан келтирилган ипакдан турли нав шойи газламалар тўқиш кенг йўлга қўйилган эди. Манбаларда атлас, кимхоб, банорас ва духобалар қаторида товланувчи ялтироқ хоро, нафис ва гулдор дебо каби шойидан тўқилган газмолларнинг номлари учрайди. Шойи матолардан, хусусан, қирмизи ва зангори духобалардан зарбоф либослар тикилган. Шуниси ҳам борки, шойи матолар ва зардўзи буюмлар зеби зийнатлар қаторида турар ва улардан асосан сарой аъёнлари ва мулкдор табақа вакиллари кийинар ва фойдаланарди. Бундай газмол ва буюмларнинг бир қисми чет мамлакатларга ҳам олиб кетилган. Мовароуннаҳрда Самарқанднинг зардўзи либослари, атласи ва қирмизи духобаси ҳамда Ҳиротнинг кимхоби айниқса машҳур эди. Манбаларда тасвир этилишича, XV аср бошида Темур томонидан ўтказилган тантаналарда ҳунарманд ва савдо аҳллари ҳам қатнашган. Унда Ҳиротнинг кимхоб тўқувчилари кўчма дастгоҳда мато тўқиб, ўз ҳунарларини намойиш этишган. Духоба тўқиш ўша давр учун техника жиҳатидан анча мураккаб касб ҳисобланган. Бу, шубҳасиз, Самарқандда тўқимачилик дастгоҳларию тўқиш санъатининг юксак даражада бўлганидан далолат бе-



ради. Амир Темурнинг ёғоч сарқафоси қопқоғига ёпилган гулдор мато, Улуғбекнинг кийими, XV аср обидаси Ишратхона мақбарасида дафн этилган боланинг ярим чириган кафани қолдиқлари ҳамда Шоҳизиндада очиб ўрганилган темурийлар даврига мансуб мақбара даҳмасида сақланган йўл-йўл шойи тўн каби топилмалар XIV аср охири — XV аср матолари тўқилиши ва берилган ранго-ранг бадиий жилоси жиҳатидан юқори сифатли эканига, шунингдек, тўқимачиларнинг асрий тажриба ва бой ҳунармандчилик анъаналарига эга бўлганига шубҳа қолдирмайди.

Шаҳарларнинг тўқимачилик маҳаллалари ва гузарларида ҳамда уларга яқин жойларда пиллакашлар, калавачилар ва бундай касб-ҳунар билан чамбарчас боғлиқ бўлган мато ва калачаларга бўёқ берувчи «нилчи» — «рангрез»лар, читларга гул босувчи «муҳраш» ва «читгар»лар ҳам истиқомат қиларди.

Бу даврда жундан тўқилган матолардан ташқари, ҳар хил гулли, катта ва кичик, қалин патли ва тақир гиламлар ҳамда палослар тўқилар ва наматлар босилар эди. Намат уй-рўзғорда фақат тўшама сифатида эмас, балки ҳарбий мудофаа қуроллари ва ихота кийим-бошлар тайёрлашда ҳам кенг ишлатилган. Гилам, палос ва наматлар шаҳарлик ҳунармандлардан ташқари, қишлоқ, хусусан, чорвадор аҳоли томонидан ҳам кўйлаб ишлаб чиқарилар эди.

XV асрда темир буюм, қурол-яроғ ва асбоблар ясаш юқори даражага кўтарилади. Металл буюм ясовчиларнинг аксарияти уй-рўзғор буюмлари, қурол-яроғлар ва асбоб-ускуналар ясовчи темирчилар (чилангарон, оҳангарон)дан иборат эди. Улар орасида миҳ ясовчилар (миҳчагарон), тақачилар (наълбандон), сим чўзувчилар (симкашон), пичоқчилар (кордагарон) каби турли хил буюмлар ясовчи усталар бўлган.

Бу даврда Самарқанд давлатнинг пойтахти сифатида аввалгидек қурол-яроғ ясаладиган марказ бўлиб қолади. Шаҳарда ҳатто махсус совутсозлар маҳалласи қарор топган эди. Пойтахт қуролсозлари ҳужум ва мудофаа қурол-яроғлари: қилич, қалқон, ўқ ва ёйлар, дубулға ва совутлар ҳамда жибалар ясардилар. Ҳокимлар, саркарда-амирлар учун ясалган махсус қурол-яроғлар олтин қопламали, қимматбаҳо тошлар қадалган нақшинкор бўларди. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темур Гўри Амирга дафн этилгач, унинг деворларига олтин ва қимматбаҳо тошлар билан

безатилган кийим-бошлари, қурол-яроғлари ва анжомлари осиб қўйилган. Буюмларнинг энг кичигининг баҳоси бутун бошли бир вилоятнинг йиллик солиғини қоплар эди.

Мамлакатнинг катта-кичик шаҳарларида мисгарлик ҳам анча-мунча ривож топган. Мис ва жездан турли хил уй-рўзгор буюмлари ясалар ва майда мис чақалар зарб қилинар эди. Бу даврда ясалган мисгарлик буюмларининг хилма-хиллигини 1465 йилда Самарқандда Ишратхона вақфи тўғрисида тузилган ҳужжатдан ҳам билиб олиш мумкин. Мадрасага ҳадя этилган буюмлар рўйхатида турли қозонлар, кўзалар, мислангард, жез хуланча, олтин суви юритилган офтоба (обдаста), кумуш бўйинли машроба, тилло суви берилган жомлар, шунингдек, кумуш қадамали ўймакор темир, жез ва мис хилма-хил фонуслар, мойчироқлар, шамдонлар ҳамда олтин суви юритилган мис қандил тилга олинади. Ҳадя этилган буюмлар орасида темир оёқли мис манқал ҳам қайд этилган. Уста Иззадин ибн Тожуддин Исфаконий томонидан 1397 йилда Темурнинг буюртмаси билан ясалган катта жез қозон ва иккита шамдон бизнинг давримизгача сақланиб қолган.

Қайд этилган металл буюмларнинг ишланиш услубларига қараганда бу давр мисгар ва чилангарлари металлни тоблаб суғориш, эритиб ундан буюм ва асбоблар қуйиш, улар сиртини бадий қабартма ва ўймакор нақшлар билан қошлаш ҳамда олтин ва кумуш суви юритиш каби мураккаб ишлов технологиясида юқори даражада ютуқларга эришганлар. 1399–1404 йилларда бино қилинган Бибиҳоним масжиди жоме эшиклари етти хил металл қотишма — «ҳафтжўш» билан қопланган эди.

XV аср ҳукмрон ва мулкдор табақа вакиллариининг қимматбаҳо зеб-зийнат ва буюмларга бўлган талаби гоят кучли эди. Шаҳарларда, хусусан, Самарқанд ва Ҳиротда заргарлик ривож топади. Шаҳар заргарлари орасида олтин, кумуш ва жез қотишмаларидан турли хил зеб-зийнатлар ва қимматбаҳо буюмлар ясайдиган ва уларга нозик дид билан нафис бадий ишлов берувчи моҳир усталар сони кўпаяди. Манбаларда эътироф этилишича, Амир Темур ва темурийлар саройларида гардиши олтин ва кумуш ҳошияли, ташқариси ранго-ранг товланувчи

қабартма қимматбаҳо тошлар, дурлар ва сирли нақшлар билан қопланган идишлар ниҳоятда сероб бўлган. Бундай қимматбаҳо кўза, шоҳқоса ва патнисларнинг сиртига кўпинча ўта нафис ислими ўймакор нақшлар, хушхат ёзувлар ва рангдор тошлар билан жило берилган. Одатда, нақшинкор бадий буюмлар бойлик ҳашамлари ҳисобланиб, улар фақат мулкдор табақаларгагина мансуб эди. Бундай қимматбаҳо жиҳозларни ясайдиган ҳунарманд заргарлар мутлоқ зодагонларга хизмат қилишар ва улар билан яқиндан алоқада бўларди. Юксак малакали усталар томонидан мис, жез ва кумушдан ясалган хилма-хил билагузуклар, зираклар, булоқи ва узуклар эса меҳнаткаш аҳоли — хотин-қизларнинг кенг истеъмолдаги зеби-зийнат жиҳозлари ҳисобланарди. Чунки бундай бе-закларнинг баҳоси унчалик қиммат бўлмас эди.

Ўрта аср ҳунармандчилигида кулолчилик бу даврда энг ривож топган сертармоқ соҳага айланади. У косагарлар, хум-хумчасозлар ва тандирсозлар каби бир нечта тармоқларга бўлинади. XIV—XV асрларнинг, айниқса, сирли сопол буюмлари диққатга сазовор бўлиб, улар бадий жиҳатдан ниҳоятда ранго-ранг, шакли ва тури ғоят хилма-хил ҳамда юқори даражада сифатлилиги билан ажралиб туради. Айни шу даврда юқори сифатли кошинли сопол идиш-товоқлар пиширилган. Уларнинг аксарияти сидирғасига берилган оқ сирли бўлиб, сирти тўқ зангори ёки яшил, баъзан қора ёки қизғиш гулдор нақшлар билан безалган. Бу даврнинг сирли норин товоқлари, шоҳқосалари, лаган ва кўзалари, бир неча новачали мойчироқ ва шамдонлари бадий жиҳатдан айниқса диққатга моликдир. Шубҳасиз, бу даврнинг турли-туман сирсиз идиш-товоқлари, йирик ҳажмдаги хум ва хумчаларидан тортиб то болалар учун ясалган майда ўйинчоқларигача меҳнаткаш аҳлининг кенг табақаларига ғоят манзур бўлган. Булардан ташқари, кулоллар тандирлар ясашган, сув қувурлари — ғулбалар, чиқир ва чарх-паррак кўзачалари — дигирлар, кориз лағми гардишлари — гёллар ва бошқа кўпгина ашёлар пиширганлар. Кулолчилик билан бир қаторда у билан чамбарчас боғлиқ ҳолда бинокорлик ашёлари ишлаб чиқарадиган кошинпазлик, пишиқ ғишт ва ғишт тахталар пиширадиган кирпичпазлик ҳам ғоят кенг авж олади.

Бу даврда тош йўниш (сангтарош), унга сайқал бериб, ўймакор нақшлар ва хушхат ёзувлар битиш санъати камолотга етади. Самарқандда Бибихоним жоме масжидида Қуръонни қўйиш учун ўрнатилган улкан тошлавҳ (курси), Амир Темурнинг Гўри Амирдаги нефрит қабр тоши, Шоҳизинда ва бошқа жойлардаги XV аср сағаналарининг мрамор тошлари ва уларга ишланган жимжимадор нақшлар, ўймакор оятлар, марсиялар ва тарихлар халқ ҳунармандларининг бинокорликдаги юксак бадий асар намуналаридан бўлиб, уларда тош йўнувчиларнинг меҳнати ва санъати билан хаттотларнинг зўр маҳорати тутшиб кетган.

Бу даврда мамлакатнинг йирик вилоят-шаҳарлари, хусусан, Самарқанд ва Ҳиротда қурилиш ишлари кенг авж олиб, бинокорларнинг маҳорати ошиб кетади. Ўша вақт бинокорлари орасида меъморлар, муҳандислар, гишт терувчилар, сувоқчи ганчкорлар, ганчга нақш ўювчи наққошлар, тош йўнувчи (сангтарошлар) ва дурадгор (нажжор)лар кўп бўлар эди. Бинокор усталар касбларига кўра гишт териб иморат қаддини бино қилувчилар «банно» ва пештоқу равоқ ҳамда тоқиларига парчин ва гиреҳлар қошлаб иморатга пардоз берувчилар «устод» деб юритилган.

XV асрда шишагарлик ҳам анча-мунча тараққий қилган. Самарқандда ҳатто шишагарлар маҳалласи бўлган. Манбаларда қайд этилишича, шишадан турли шаклдаги идишлар: кўзачалар, қадаҳлар, сиёҳдон-довотлар, доридонлар, сурмадонлар, тувак ва сумақлар ҳамда бошқа турли хил рўзғор буюмлари ясалган. Йирик муҳташам бинолар ва давлатманд шаҳарлик зодагонларнинг уй-жойларини қуришда рангли ойналардан фойдаланилган. Масалан, Ишратхона мақбарасининг дераза панжараларига ҳаворанг, гунафша, сариқ, яшил ва қизил рангли ойналардан кўзлар солинган.

Бу даврда бинокорлик, тўқимачилик ва кўпгина бошқа касб-ҳунарларнинг ривожиди ёғочсозлик муҳим аҳамият касб этган. Ёғочсозлар хилма-хил ёғоч асбоб-ускуналар ҳамда буюмлар яшашган. Ёғочдан тўқимачилик дастгоҳлари, икки гилдиракли аравалар, эгарлар, гишт ва пойабзал қолиплари, сандиқ, кути, бешик, беланчак, қуш қафаслари, тароқ ва ҳассалар ясалган. Моҳир ёғочсоз (нажжор) усталар ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланишган. Улар нақшинкор эшиклар, панжаралар, устунлар, тоқу равоқлар, болорлар, хонтахта-

лар, курсилар ва бошқа хил кўпдан-кўп ашё ва жиҳозлар ясаганлар. Гўри Амир ва Шоҳизинданинг оятлари битилган нақшинкор эшиклари XV аср усталарининг ёғоч ўймакорлиги санъатидаги энг нодир намуналардан ҳисобланади. Улуғбек замонида Регистон майдонида қад кўтарган Муқаттаъ масжидининг деворидан тортиб тоқу равоқларигача, устунларидан то эшик ва панжараларигача нақшинкор ёғочлардан ишланган эди.

Самарқанд ҳунармандчилигида айниқса қоғоз ишлаб чиқариш алоҳида ўрин тутган. Шаҳар яқинида, Обираҳмат анҳори соҳилида қоғоз ишлаб чиқариладиган махсус абжувозлар ва корхоналар бўлган. Бу ерда эскирган бўз кийим, латта ва мос пахталардан қоғоз бўтқалари тайёрланиб, варақлар тахтачланган ҳамда қоғоз варақларига сайқал берилган. Самарқанд қоғози ўрта аср Шарқи хаттотлигида ғоят машҳур бўлиб, унинг маълум бир қисми чет ўлкаларга чиқарилган.

Бу даврда тери ошлаш, чарм пишириш (чармгар, кемухтагар) касблари ҳам анча ривож топиб, у бир неча майда тармоқларга бўлинган эди. XV асрда чармдан енгсиз камзул, пойабзал, от ва арава анжомлари тикилган. Чарм тикувчи касблар орасида маҳсидўз, кавушдўз (музадўз), эгарчи (саррожон), юганчи (лажомдўз)лар каби чармдўзлар бўлган. Ҳарбий юриш, ўзаро курашлар шароитида чармдан ясалган садоқ (ўқдон)лар, камоннинг чарм ғилофлари, пичоқ ва қиличларнинг чарм қопланган қинларига талаб жуда катта бўлган.

Устки кийим тикувчилар орасида пўстин ва почапўстин тайёрлайдиган пўстиндўзлар бўлиб, улар ўз маҳсулотлари билан асосан дашт аҳолисининг талабини қондирганлар. XV асрда Самарқандда Тими телпакфурушон (бош кийимлар растаси) қурилади. Бу ерда телпак, кулоҳ ва тумоқ каби бош кийимлар тикадиган савдо дўконлари жойлашган эди.

Демак, XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг деярли ҳамма йирик шаҳарларида ўрта аср ҳунармандчилигининг барча тармоқ ва соҳалари бўйича ихтисослашган корхоналар, дўконлар, устахоналар ва расталар бўлган.

Ҳунармандчилик маҳсулотларининг аксарияти шаҳарларнинг марказий бозори атрофида жойлашган дўконларда тайёрланиб сотилар эди. Самарқанднинг Чорсу бозори теварагини қатор-қатор миҳчагарлик, мисгарлик, кулолчилик, сангтарошлик, маҳсидўзлик, нажжорлик, саҳҳоблик, заргарлик

ва бошқа дўконлар ўраб олган. Бу дўконларда уй-рўзгор учун зарур хом ашё, заргарлик зеби-зийнатлари, жаҳонга шуҳрати кетган ложувард, тилларанг, ҳаворанг бўёқлар, курол-аслаҳалар, жиба, совут, баргустон (ўқ ўтказмайдиган ёпқи) каби ҳарбий кийимлар сотилар эди. Обираҳмат сувининг қоғоз жувозларида тайёрланган турли нав қоғозлар билан савдо қилувчи махсус дўконлар ҳам мавжуд бўлган. Булардан ташқари, Чорсуда хушнавис хаттотлар, муқовасоз саҳҳоблар, китоб варақларига жило берувчи наққош ва лаввоҳлар ҳам алоҳида дўконлар очиб олган эдилар. Чорсу бозори, унинг тим қилиб ёпилган марказий растаси ҳамиша гавжум бўларди. Савдо дўконлари турли хил матолар: карбос, қатон, парча, тарғу, қирмизи духоба, дебо, атлас, фута ва бошқа анвойи газмоллар ва улардан тикилган турли-туман кийим-кечаклар билан тўларди. Расталарда эса боғ-роғларда ва мевазорларда етиштирилган тармевалар, ширинликлар, Самарқанднинг обий, пўлатий, ширмой, седана пайванд, нони заргарон, нони осийёй каби машҳур анвойи нонлари, зираворлар, атторлик моллари сотилар эди. Манбаларда таърифланишича, Самарқандда қатор-қатор новвойхоналар, сомсапазлик, калла-почапазлик, турли хил ҳолвалар, парвардалар ва анвойи ширинликлар пиширадиган ҳолвапазлик дўконлари кўп бўлган. Шундай қилиб, бу даврда ҳунармандчиликнинг асосини кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхона ёки дўкон, устахоналар ташкил этарди. Мулкӣй ва ҳуқуқӣй жиҳатдан ҳунармандлар гарчи бир бутун ижтимоӣй табақага мансуб бўлмасалар-да, ҳар ҳолда уларнинг сафи шогирдлик таълимини ўтаган турли табақа фарзандлари ҳисобига тўлиб боради. Корхона бошлиғи «уста» деб юритилиб, унинг қўл остида бир неча «халфа», яъни ёрдамчи ва шогирдлар касб-ҳунар ўрганар ҳамда ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарар эдилар. Одатда, шогирдлардан ёрдамчи ишчи кучи сифатида корхонадан ташқари, уй хўжалигида ҳам кенг фойдаланиларди. Мамлакатда усталар ҳар кимни ҳам шогирд қилиб олмас ёки шогирдликдан халфаликка кўтармас эди. Ўша даврнинг таниқли хаттотлари ёки наққошларига, заргару зардўзларига фақат давлатмандроқ хонадонларнинг фарзандларигина шогирд бўла оларди.

Шуниси борки, ҳунармандлар шаҳарнинг маданиятли табақаси гуруҳига мансуб кишилар эди. XV аср ва XVI аср

бошларида яшаган шоирлар, муסיқачи созандалар ва муаррихларнинг бир қисми бадавлат ҳунармандлар ва майда савдогарлар орасидан етишиб чиққан эдилар. Масалан, самарқандлик шоирлардан Жавҳарий совунгарлар растасининг оқсоқоли, Мавлоно Ҳавофий тикувчи, Мавлоно Мир Аргун ҳамодўз, яъни чодир тикувчи, Мавлоно Кобулий газлфуруш — калава сотувчи, Мавлоно Камардўз тасма тикувчи ва Бисотий Самарқандий бўйра тўкувчи ҳунармандлардан бўлган.

XV асрда Темурийлар давлати Хитой, Ҳиндистон, Тибет ва бошқа қўшни мамлакатлар билан савдо алоқалари олиб боради. Чет эллардан турли-туман ҳунармандчилик маҳсулотлари ва хом ашёлар келтирилди. Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Россия, Волгабўйи ва Сибирь билан мунтазам савдосотиқ қилинарди. Хитойдан, асосан, ипак, шойи матолар, хусусан, атлас ва парчалар, чинни, лаъли, гавҳар ва мушк; Ҳиндистондан нафис оқ рангли ип матолар, нил-бўёқлар, хушбўй зираворлар (мускат ёнғоғи, қалампирмунчоқ, долчин ва анбар); Эрондан сурп, марварид ва дурлар; Россия, Татаристон ва Сибирдан қимматбаҳо мўйна, тери ва мум олиб келинар эди. Европа мамлакатларидан Самарқандга олиб келинган моллар орасида фаранг газмоллари, мовути, черкас пичоғи бор эди. Ишратхона мақбараси вақфида Миср қатонидан тикилган чойшаб, мисрий салла, Хитой духобасидан тикилган чойшаблар қайд этилган.

Самарқанддан чет мамлакатларга, хусусан, Россия, Татаристон ва Сибирга асосан арзон нархли ип матолар, духоба, шойи газлама, қоғоз, қуруқ мева, гуруч, пахта ва калава (йигирилган ип)лар чиқарилган.

Чет давлатлар билан ўзаро савдо-сотикни кенгайтиришда темурийларнинг қўшни мамлакатлар билан олиб борган элчилик алоқалари катта ўрин тутди. XV асрнинг биринчи чорагида Улугбек ва Шохруҳ давлатлари билан Хитой ўртасида мунтазам равишда элчилар алмашиб туради. Хитой темурийлар билан савдо қилишдан манфаатдор эди. Мовароуннаҳр ва Хуросондан у йилқи сотиб оларди. Ҳар иккала давлат ўртасидаги савдо ва элчилик алоқалари бу даврда яна ривож топади. Деярли ҳар икки-уч йилда Самарқанд билан Ҳиротга Хитой элчилари, Хонбалиққа (Пекинга) эса Мовароуннаҳр ва Хуросон элчилари ва савдогарлари қатнашиб туришган. 1418 йилда Ардашер бошлиқ Шохруҳ элчилари Хитойда бўла-

дилар. 1419 йилда бунга жавобан Лиди ва Жонг-ку Хитойдан Самарқанд ва Ҳиротга элчи бўлиб келадилар. Элчилар Улуғбек ва Шоҳруҳ номига ўзаро дўстлик муносабатларини ривожлантириш хусусидаги таклифлар ёзилган мактуб ва катта совға-саломларни топширадилар. 1420 йилда Шоҳруҳ ва Улуғбек 530 нафардан иборат элчилик карвонини Хитойга жўнатадилар. Шоҳруҳ элчиларига Шодихожа билан Амир Кўчча, Улуғбек элчиларига Султоншоҳ билан Муҳаммад Бахши бошчилик қиладилар. Фиёсуддин наққош котиб этиб тайинланади. Темурийларнинг элчилари икки йилдан ортиқроқ Хитойда бўлиб, 1422 йилда ўз ватанларига қайтиб келадилар.

Мовароуннаҳрдан Хитойга ўша замонларда икки карвон йўли орқали борилган. Биринчи йўл Тошкент, Сайрам, Еттисув ва Шарқий Туркистоннинг Турфан ва Қумул шаҳарлари орқали, иккинчи йўл Фарғона водийси орқали — Хўжанд, Қўқон, Марғилон, Андижон, Ўш орқали Олой водийси бўйлаб борган ва Шарқий Туркистоннинг Кошғар, Хўтон ва Ёрканд шаҳарлари орқали ўтган.

Шоҳруҳ билан Улуғбек замонида Тибет ва Ҳиндистон билан ҳам яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатилади. 1421 йилда Тибетдан Бухоро ва Самарқандга элчилар келади. 1441—1442 йилларда Шоҳруҳ Ҳиндистонга, Бижанагар саройига тарихчи Абдураззоқ Самарқандий бошчилигида элчилар юборади. У Кирмон, Ормуз ва Форс қўлтиғи орқали Ҳиндистонга қилган саёҳатини ёзиб қолдиради.

Шуниси ҳам борки, XV асрда, хусусан, унинг биринчи ярмида мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида, айниқса, ҳунармандчилик ва ички савдо муносабатларида содир бўлган тараққиёт маълум даражада шу даврда ўтказилган пул ислоҳоти билан ҳам боғлиқ эди. Маълумки, Улуғбек 1428 йилда муомаладаги фулусий пуллар ислоҳотини амалга оширди. Меҳнаткаш аҳолисини ички чакана савдо муносабатларига кенгроқ жалб этиш мақсадида Улуғбек энгил вазнда зарб этилган ва муомалада юрган барча чақа пулларни ман этди. Эски чақаларни янгисига алмаштириб, ички савдонинг майда мис пулларга бўлган талабини қондириш учун бир вақтнинг ўзида у Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Тошкент, Шоҳруҳия шаҳарларида зарбхоналар ташкил этиб, бир хил вазндаги салмоқдор фулуслар зарб эттирди ва муомалага чиқарди. Эски чақалар



қисқа вақт ичида янги фулусларга алмаштирилиб олингач, мис пуллар зарбини марказлаштириш мақсадида фақат Бухоро зарбхонаси сақлаб қолиниб, бошқа шаҳардаги зарбхоналарга барҳам берилади. Халқ ўртасида «фулуси адлия», яъни «адолатли чақа» номи билан шуҳрат топган Улуғбекнинг бу янги мис фулуслари Мовароуннаҳрнинг барча шаҳар ва қишлоқларида кенг муомалага кириб, давлатнинг ички савдосини чақа тангалар билан тўла таъмин этади. Ички чакана савдодаги пул муносабатларидаги танқисликнинг фулуснинг вазни ва қийматини ошириш билан ҳал этилиши, ўрта асрлар замонасида нодир ва фавқулоддаги воқеа бўлса-да, ҳар ҳолда Улуғбекнинг бундай ислоҳоти мамлакатда ҳунармандчилик маҳсулотларининг ички чакана савдоси учун кенг йўл очиб берган эди. Шу билан бирга Улуғбек ташқи савдодан келадиган даромадни ошириш мақсадида «тамға» деб юритиладиган божни бирмунча оширди.

Шундай қилиб, Улуғбек замонида мамлакатда ички ва ташқи савдонинг кенгайиши ҳунармандчилик маҳсулотларининг ҳажмини ошириб, касб-ҳунар тармоқларининг ривожига асосий омиллардан бирига айланди.

## VIII БОБ. ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА МАДАНИЙ ҲАЁТ

### 44-§. Илм-фаннинг равнақи

XV аср бошларида темурий шаҳзодалар ўртасида авж олиб кетган ўзаро курашлар ва вақти-вақти билан содир бўлиб турган ҳарбий юришлар мамлакатнинг ички ҳаётига салбий таъсир этса-да, бироқ Шоҳруҳ (1405–1447), Улуғбек (1409–1449), Абусаид (1451–1469) ва Султон Ҳусайн (1469–1506) ҳукмронлик қилган даврларда мамлакатда маълум даражада қарор топган осойишталик туфайли замонлар ошиб давом этиб келаётган анъаналар асосида илм-фан ва маданият янада жонланади.

Бу даврда Мовароуннаҳрнинг пойтахти Самарқандда ҳам, Хуросоннинг маркази Ҳиротда ҳам Темур анъаналари давом эттирилиб, олимлару фузалолар, шоирлару бастакорлар, меъморлару бинокорлар ва наққошлару моҳир ҳунармандларнинг каттагина гуруҳи тўпланган эди. Мовароуннаҳрда, хусусан, Самарқандда илм-фан ва санъатнинг тараққиётида замонасининг маданий доиралари муҳитида тарбияланиб, ёш-лигидаёқ машҳур олим сифатида шуҳрат қозонган Улуғбекнинг ўрни ва ҳиссаси ниҳоятда буюқдир. Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бой ва серқирра маданияти ва ислом дунёсининг маънавий анъаналарига суянган ҳамда ўз даврининг маданий тажрибаларидан тўла фойдаланиб, уни ўзлаштирган Улуғбек мамлакатнинг равнақи, айниқса, унинг маънавий камолотида илм-фаннинг ва санъатнинг нақадар муҳимлигини яхши тушунарди. Улуғбек мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётини бошқариш билан бир қаторда, илмий ишлар билан шуғулланди, олимларнинг мунозараларида фаол қатнашди. Манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, Улуғбек ўтмишдошлари Аҳмад Фарғоний, Форобий, Мусо Хоразмий, Беруний ва Ибн Сино асарларини батафсил ўрганади. Бу буюк мутафаккирларнинг асарлари орқали у қадимги Юнон олимлари: Афлотун (Платон), Арасту (Аристотель), Геппарх ва Птоломейларнинг классик асарлари

билан ҳам танишади. Улуғбек Мовароуннаҳр шаҳарларини, хусусан, Самарқанд ва Бухорони илму маърифат даргоҳига айлантиришга интилади. Унинг фармони билан 1417 йилда Бухорода, 1417–1420 йилларда Самарқандда ва 1433 йилда Ғиждувонда мадрасалар бино қилинади. Ҳатто Бухоро мадрасасининг дарвозасига: «Билим олиш ҳар бир мусулмон аёл ва эркакнинг бурчидир», деган калима ўйиб ёзиб қўйилади. Мовароуннаҳрнинг бу учта қадимий шаҳарларида барпо этилган илмгоҳлар, хусусан, Самарқанд мадрасаси замонасининг дорилфунуни эди. Ушбу мадрасаларда илоҳиёт илмлари: Куръон, ҳадис, тафсир, фикҳ (дин ва шариат қонун-қоидалари) билан бир қаторда риёзиёт (математика), ҳандаса (геометрия), илми ҳайъат (астрономия), тиббиёт (медицина), тарих, жўғрофия (география), илми аруз (поэтика), араб тили ва унинг морфологияси (кофия) каби дунёвий илмлар ҳам ўқитиларди. Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасаси икки қаватли, эллик хужрали бўлган. Ҳар бир хужра уч хонага: қазноқ (омборхона), ётоқхона ва дарсхоналарга бўлинган. Тарихий манбаларда сақланган маълумотларга қараганда, мадрасада юздан ортиқ талаба истиқомат қилган ва таълим олган. Мадрасада ўша замоннинг иқтидорли олимларидан мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Ҳавофий етакчи мутахассис бўлган. Ўрта асрларнинг машҳур олимлари — Қозизода Румий, Ғиёсуддин Жамшид Коший, Мирзо Улуғбек ва унинг шогирди Алоуддин Али Қушчилар турли фанлардан дарс берганлар. XVI асрнинг машҳур адиби Зайнуддин Восифийнинг ёзишича, 1420 йилда, мадраса очилган куни биринчи дарсни Шамсуддин Муҳаммад Ҳавофий ўқиган экан. Дарсда олимлардан тўқсон нафари қатнашган, лекин дарснинг маъносига Улуғбек Мирзо билан Қозизода Румийдан бошқа ҳеч ким тушунмаган. Айрим маълумотларга қараганда, мадрасада илми ҳайъат (астрономия)дан дарсни Қозизода Румий берган. Ҳатто форс-тожик адабиётининг классикларидан бири Абдураҳмон Жомий ёшлик чоғида Самарқандга келиб, Қозизода Румийдан астрономия фанидан бир неча марта сабоқ олган. Мадрасада камида 15–16 йил таҳсил кўриб, унинг дастури бўйича асосий фанларни тўла ўзлаштирган ва имтиҳонли сабоқларда ўз билимини намойиш қила олган толиби илмларга «санад» — шаҳодатнома ёзиб берилган. Мана шундай дипломлардан бири Улуғбекнинг Самарқанддаги мад-

расасида қарийб ўн олти йил таҳсил кўрган балхлик Шамсуддин Муҳаммад номига ҳижрий 838 (1435) йил ражаб ойининг ўрталарида Қозизода Румий имзоси билан ёзиб берилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу даврда Самарқандда Улуғбек қурдирган мадрасадан ташқари, Хоним, Фирузшоҳ, Шоҳмалик, Хожабек Мирабдували ва Қутбуддин Садр номлари билан аталган мадрасалар ҳам қад кўтарган эди, ҳатто Хожа Убайдуллоҳ дастлаб сабоқларни Қутбуддин мадрасасида олган. Кейинчалик ўзи ҳам Тошкент ва Кобул шаҳарларида мадраса бино қилган.

Самарқанддаги Улуғбек мадрасасида мударрислик қилган олимлардан бир қисми турли фанлардан талабаларга дарс бериш билан бир қаторда, математика, география ва астрономия бўйича амалий масалалар билан ҳам шуғуланганлар. Расадхона ҳали қурилиб ишга туширилганига қадар осмон ёриткичларининг ҳолатини кузатиш ишлари маълум даражада мана шу мадрасада ва Улуғбек томонидан қурдирилган Муқаттаъ масжидида олиб борилган. Самарқандда ўз агрофида тўпланган олимларнинг бевосита иштироки ва ёрдамида Улуғбек 1424—1428 йилларда шаҳар яқинида Обираҳмат анҳори бўйида расадхона қурдиради. Бу улкан меъморий обиданинг баландлиги 31 м га тенг эди. Бобурнинг ёзишича, у уч қисм (ошиёна)ли бўлган. Бинонинг гумбазу пештоқларининг сирти кошин ва сирли парчинлар билан қопланган. Унинг ички саҳни судси фаҳрий (секстант) билан уч қисмдан иборат бўлган.

П. Зоҳидовнинг аниқ ечимлари бўйича, расадхона тархи квадрат шаклида бўлиб, ўнг қисмдан марказида секстант ва унинг ёнбошида қад кўтарган тадқиқот хоналарнинг усти гумбазли бўлиган, Шимол томонида (марказий), шарқ ва ғарбида буржли пештоқли учта дарвозалар жойлашган. Шарқ меъморчилиги мутаносиблик қонуниятига асосан қурилган бу нодир иншоотнинг баҳайбат секстантию гумбаз ва жозибали пештоқларининг умумий манзараси Алишер Навоий таърифлаганидек, «зеби жаҳон» бўлиб, «жаҳон ичра яна бир осмон»дек туюлган. Шу боисдан бу коинот илмгоҳи аҳоли ўртасида «Нақши жаҳон» деган ном билан шуҳрат топган.

Расадхона қурилишида самовий ёриткичларни кузатиш ва ўрганиш борасида хизмат қилувчи унинг марказий қисми — судси фаҳрий (секстант) қурилмаси ва уни асбоб-уску-

налар билан жиҳозлашга алоҳида эътибор берилади. Фиёсуддин Жамшид мутасаддилигида расадхонанинг асосий ўлчов асбоб-ускунаси — улкан секстант ўрнатилади. Самарқанд секстанти ўша даврда Шарқда маълум бўлган секстантларнинг энг каттаси ҳисобланган. Али Қушчи унинг баландлигини Истамбулдаги машҳур София ибодатхонасининг баландлигига (қарийб 50 м) қиёс қилган. Расадхона Али ибн Исо Устурлобий, Абдулмаҳмуд Хўжандий ва Уста Иброҳим каби моҳир асбобсоз мисгар ҳунармандларнинг ақлу идроки ва қўли билан ясалган зот ул-устурлаб (астролабия), зот ул-ҳалқа, зот ус-суқбатайн (диоптр), зот уш-шуъбатайн (треквер), шомила ва бошқа шуларга ўхшаш зарурий астрономик ўлчов асбоблари билан таъминланди. Шу билан бирга Улуғбек расадхонаси қошида замонасининг бой кутубхонаси ҳам ташкил этилади. Бу кутубхонада фаннинг деярли ҳамма соҳаларига тегишли қарийб ўн беш минг жилд китоб сақланган.

Афсуски, тарихий манбаларда аниқ кўрсатилганига қарамай, Улуғбек расадхонасининг қаерда жойлашгани узоқ вақт номаълум бўлиб қолади. Чунки асрлар давомида қаровсиз қолиб, аллақачон вайронага айланган, сўнгра оддийгина тепалик манзарасини олган эди. Маҳаллий аҳоли ўртасида Нақши жаҳон номи билан шуҳрат топган бу тепаликда қазилган ишларини олиб борган археолог В.Л.Вяткин 1908 йилда Улуғбек расадхонасининг харобаларини топишга ва унинг фахрий секстанти ер ости қисмини қовлаб очишга муяссар бўлади.

Улуғбекнинг фаол иштироки билан ва унинг бевосита раҳбарлиги остида расадхона Мовароуннаҳр, хусусан, унинг пойтахти Самарқандда замонасининг анчагина бой кутубхонасига эга бўлган ва ўша замон шароитига нисбатан мукамал астрономик асбоб ва ускуналар билан жиҳозланган олий даражадаги илмгоҳга айланади. Расадхонада Улуғбек билан бирга машҳур математик ва астрономлардан замондошлари ўртасида «Афлотуни замон» деб ном олган Салоҳуддин Мусо ибн Муҳаммад — Қозизода Румий, Фиёсуддин Жамшид Коший, «ўз даврининг Птолемейи» номи билан шуҳрат қозонган Алоуддин Али ибн Муҳаммад — Али Қушчи ва кўпгина бошқа олимлар илмий кузатишлар ва тадқиқотлар олиб борадилар. Хуллас, Улуғбек Самарқандда бутун бир астрономия мактабини яратди.

Самарқандда Улуғбек раҳбарлигида барпо этилган бу илмий даргоҳ математика, айниқса, астрономия соҳасида илмий дунёда оламшумул аҳамият касб этган натижаларга эришади. Расадхонада олиб борилган кузатиш ва тадқиқотлар туфайли 1018 та собита (қўзғалмас) юлдузларнинг ўрни ва ҳолати аниқланиб, уларнинг астрономик жадвали тузилади. Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб жойлашган 683 географик пунктларнинг Самарқанд кенглигига нисбатан координатлари белгилаб чиқилади. Улуғбек мактабининг эришган энг муҳим ва ажойиб муваффақиятларидан бири математика фани соҳасида бўлди. Улар томонидан учинчи даражали алгебраик тенглама ечилиб, бир даражали ёйнинг синуси аниқланди. Ҳақиқатда аниқ фанларнинг ривожланиши, ана шу соҳага оид ажойиб асарларнинг ёзилиши ва ниҳоят, буюк астроном ва математиклар билан ҳамфикр ҳамда яқин муносабатларда бўлиш Улуғбек мактаби илмий фаолиятининг асосий йўналишини белгилаб берди. Расадхонада олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари асосида математика ва астрономияга оид қатор нодир асарлар яратилди. Гарчи бу асарларнинг кўпи бизнинг давримизгача етиб келмаган бўлса-да, аммо бизгача сақланиб қолган қўлёзмаларнинг озгина қисмининг ўзи ҳам ўша даврда Самарқанд астрономик мактаби эришган ютуқлардан ва жаҳон астрономия фани ривожига бу илмгоҳ намояндалари қўшган улкан ҳиссадан гувоҳлик беради.

Самарқанд астрономик мактабининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Фиёсуддин Жамшиддир, у астрономияга оид: «Зижи хоқоний», «Боғлар сайри» ва «Осмон нарвони», математикага бағишланган: «Хорда ва синуслар ҳақида рисола», «Ҳисоб калити» ва «Доира ҳақида рисола» каби асарлар ёзди. Бу борада Қозизода Румийнинг «Арифметикага оид рисола», «Астрономиянинг моҳиятига изоҳлар», «Шакллар асосига шарҳ» ва «Синус ҳақида рисола» номли асарлари айниқса диққатга сазовордир.

Ушбу мактабнинг яна бир истеъдодли намояндаси Улуғбекнинг шогирди Али Қушчи бўлиб, у астрономия, арифметика ва алгебрага оид рисолаларнинг муаллифидир. Самарқанд астрономик мактаб намояндалари асарлари ва математик жадвалларига ўша давр олимларидан Қозизода Румийнинг набираси Мирим Чалабий ва Абул Али Биржандийлар томонидан ёзилган шарҳий асарлар, айниқса, муҳим

илмий аҳамиятга эгадир. Хуллас, Улуғбекнинг астрономик мактаби фаолиятига, хусусан, унинг астрономия фанидаги назарий қарашларига баҳо берилганида шуни айтиш керакки, XV аср самарқандлик астрономлар ўз асарларида дунёни, гарчи япалоқ (геоцентрик) деб кўрсатсалар-да, аммо ернинг юмалоқ (гелиоцентрик)лиги улар учун ёт бўлмаган.

XV асрда аниқ фанларнинг, хусусан астрономиянинг равнақи ва Самарқанд астрономлари қозонган оламшумул муваффақиятида Улуғбекнинг ўрни ва ҳиссаси буюқдир. Илмфанга бўлган чексиз муҳаббат, зўр қобилият ва меҳнатсеварлиги туфайлигина у Самарқанд астрономия мактабининг асосчиси ва раҳбари сифатида улкан муваффақиятларга эришди. Ўз устида мунтазам ишлаш ва билимларини тинмай чуқурлаштириш натижасида Улуғбек ўзининг кўпгина замондошларидан ўзиб ҳам кетади.

Самарқанд расадхонасида олиб борилган кўп йиллик тадқиқотларнинг самараси, Шарқ классик астрономиясининг назарий ва амалий масалаларини ўзида мужассамлаштирган ва уни янги далил-исботлар билан бойитган шоҳ асар Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрогоний» («Кўрогонийнинг янги астрономик жадвали») номли китобидир. Бу асар 1437 йилда ёзиб тугалланган бўлса ҳам, унга муаллиф умрининг охирига қадар бажарилган илмий тадқиқот натижалари асосида тузатишлар ва қўшимчалар киритиб боради.

«Зижи жадиди Кўрогоний» асосан икки қисмдан: кенг муқаддима ва 1018 та собита юлдузларнинг ўрни ва ҳолати аниқлаб берилган жадваллардан иборат. Асарнинг бош муқаддима қисми астрономиянинг назарий масалалари, Шарқ халқларидаги йил ҳисоби усуллари, астрономиянинг амалиёти, планеталар назарияси ҳамда астрономия ва астрология масалаларига бағишлангандир.

«Зижи Кўрогоний»нинг иккинчи қисми астрономия ва тригонометриянинг амалий масалаларига бағишланган. Улуғбек асарининг бу қисми учинчи даражали алгебраик тенглама янги оригинал услуб билан муваффақиятли равишда ҳал қилиниб, натижада аниқлиги миллиарддан бири бўлган тўққиз хоналик тригонометрик жадвал тузилган. Шуни қайд қилиш жоизки, Улуғбекнинг астрономик жадвали ўша замондаги шунга ўхшаш жадваллар орасида юксак даражада

аниқлиги билан ажралиб туради. Масалан, фалак ал-бурж текислигининг хатти истивога оғмалиги Улуғбек жадвалида 23 даража, 30 дақиқа, 17 сонияга тенг бўлиб, ҳозирги ҳисоб бўйича у 23 даража, 30 дақиқа ва қирқ тўққиз сонияни ташкил этади. Бу икки рақам ўртасидаги тафовут ҳаммаси бўлиб минус 32 сонияга тенг, холос. Шунингдек, Улуғбекнинг йил ҳисобини ҳозирги аниқ ҳисоб-китобларга солиштиргудек бўлсак, у бор-йўғи бир минуту икки сонияга фарқ қилади. Булар XV аср учун ғоят юксак аниқлик бўлиб, ҳозирги замон ўлчовларига жуда яқиндир.

«Зижи жадиди Кўрогоний»дан ташқари, Улуғбек «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») номли тарихий асар ҳамда мусиқа илмига бағишланган бешта рисола ҳам ёзади. Унинг «Тарихи арбаъ улус» китоби туркларнинг аجدод ва авлодлари, мўғул қабилалари ҳамда Чингизхон вафотидан кейин ташкил топган Улуғ юрт, Жўжи, Чигатой ва Элхонийлар улусининг қисқача тарихига бағишланган. «Рисола дар илми мусиқа» («Мусиқа илми ҳақида рисола») номли асари мусиқа тарихига бағишланиб, унда «ўн икки мақом баёни»га доир махсус боб ҳам бўлган. Улуғбекнинг илмий фаолиятига ва қолдирган бой маънавий меросига баҳо берилганда унинг замондош ҳамкасби Фиёсуддин Жамшид таърифлаганидек, у Қуръон, ҳадис, араб тили ва унинг грамматикасини, фикҳни, мантиқ, адабиёт, мусиқа, риёзиёт ва фалакиёт илмларини чуқур билган қомусий олим бўлган. Унинг илм-фан тараққиётидаги салмоқли ўрни машҳур замондош олимлар Фиёсуддин Жамшид, Мирим Чалабий, Давлатшоҳ Самарқандийлар таърифларида эътироф қилинади.

Ўзбек классик адабиётининг асосчиси Мир Алишер Навоий ҳам Улуғбекка юксак баҳо беради. Олам охиригача Улуғбекнинг илмий мероси юксак баҳоланишини қайд этади:

Темурхон наслидин Султон Улуғбек,  
Ки олам кўрмади султон анингдек.  
Анинг абнои жинси бўлди барбод,  
Ки давр аҳли биридин айламас ёд,  
Валек ул илм сори топди чун даст,  
Кўзи олдинда бўлди осмон паст.  
Расадким боғламиш зеби жаҳондур,  
Жаҳон ичра яна бир осмондур.



Билиб бу навъ илми осмоний  
Ки андин ёзди «Зижи Кўрогоний».  
Қиёматга деганда аҳли айём,  
Ёзарлар анинг аҳқомидин аҳқом.

XV асрда Мовароуннаҳр ва Хуросонда тарих фани ҳам кенг ривож топди. Ҳофизи Абрў, Абдураззоқ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Исфизорий, Давлатшоҳ ва бошқа кўпгина тарихчилар Самарқанд ёки Ҳиротда яшаб ижод қилдилар. Уларнинг асарлари Темурийлар давлатининг тарихига доир жуда қимматли нодир манбадир.

«Зубдаи таворих» муаллифи Ҳофизи Абрў, «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» номли асарни ёзган Абдураззоқ Самарқандий ўз асарларини Темур ва темурийлар ҳукмронлик қилган даврга бағишладилар. Мирхонд «Равзат ус-сафо» ва Хондамир «Ҳабиб ус-сияр» номли китоблар ёзиб, ўз асарларининг бир қисмини Султон Ҳусайн ҳукмронлик қилган давр воқеалари баёнига бағишладилар. Ўша давр тарихнависларидан Муинуддин Исфизорий эса Ҳирот тарихини ёзди.

XV асрда Мовароуннаҳрнинг пойтахти Самарқандда илмий тадқиқотлар олиб борган машҳур олимларнинг ижодий фаолияти, астрономия ва математика фанлари соҳасида қилган кашфиётлари, яратган нодир асарлари билан илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаларининг салмоғига қараб фикр юритилса, Улуғбекнинг астрономик мактабини ўз даврининг ўзига хос академияси деб аташ мумкин. Улуғбек теварагига уюшган 100 дан ортиқ олимларни ўз бағрида етиштирган, номи жаҳонга машҳур Самарқанд расадхонаси шу вазифани ўтаган. «Самарқанд академияси» даставвал машҳур француз файласуфи, ёзувчи ва тарихчи олим Волтер (1694–1778) томонидан эътироф этилган. «Улуғбек Самарқандда бўлиб академияга асос солди, ер куррасини ўлчашга буюрди ва астрономик жадвалларни тузишда иштирок этди», деб ёзган эди Волтер бу ҳақда. Дарҳақиқат, «Самарқанд академияси» 1010 йилда Хоразмнинг қадимий пойтахти Гурганчда ташкил топган, ўзига хос академия — «Донишмандлар уйи»дан кейинги иккинчи «Дор ул-илм» эди. Бу дор ул-илмнинг пойдевори бўлган Улуғбекнинг астрономик мактаби ўрта асрлар мусулмон Шарқи астрономиясининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

## 45-§. Меъморилик ва амалий санъат

XV асрда Самарқанд ва Ҳиротда меъморилик, наққошлик, тасвирий санъат ва адабиёт ниҳоят даражада тараққий этади. Бу икки пойтахт шаҳарларида жамоат эҳтиёжи учун зарур кўлаб ҳашаматли бинолар қад кўтаради. Темурий ҳукмдорлар орасида, айниқса, Улуғбек бобоси Темурдек бунёдкор бўлиб, мамлакатда қурилиш ишларига катта аҳамият беради. У ҳукмдорлик қилган даврда қатор масжид, мадраса, хонақоҳ, ҳаммом, сардоба ва карвонсаройлар қад кўтаради. Мозорот ва зиёратгоҳлар обод этилади. Авваламбор у Амир Темур даврида қуриб битказилмаган талайгина биноларни итмомига етказди. Гўри Амирнинг кириш пештоқи, Шоҳизинда мажмуининг баъзи бир мақбаралари, Шаҳрисабздаги Кўкгумбаз масжиди, Яссидаги Аҳмад Яссавий қабри устига қурилган бинолар шулар жумласидандир.

Улуғбек айниқса Самарқандни обод қилишга алоҳида эътибор беради. Унинг даврида Самарқанд шаҳрининг Регистон майдони шаклланди. У қайтадан режалаштирилиб, майдонда Улуғбек мадрасасидан ташқари пештоқли ва улкан гумбазли хонақоҳ, карвонсарой, деворидан тортиб, устун ва тоқиларигача ўймакор ёғочлардан пайванд этилган «Масжиди Муқаттаъ» бино қилинади. Икки юз ўн гумбазли Кўкалдош жомеъ масжиди қад кўтарди. Бу олий иморатлардан фақат Улуғбек мадрасасигина бизнинг давримизгача сақланиб қолган, холос. Мадраса меъморилик жиҳатидан мусулмон Шарқида яна шу турдаги биноларнинг классик намунаси ҳисобланади. У икки қаватли ҳужралардан иборат бўлиб, ҳужраларнинг олд томонлари тўрт қиррали устунлар билан ажратилган айвонлидир. Бурчакларда дарсхоналар, ғарбий томонида эса масжид жойлашган. Иморат пештоқи шарқ томонга — Регистон майдонига қараган. Мадраса пештоқи тўрт бурчагидаги миноралари ва деворлари нақшинкор, парчин ва кошинлар билан қопланган беқиёс меъморий кўринишга эга.

Улуғбек даврида яна йирик меъморий комплекс — Шоҳизинда мажмуи композицияси жиҳатидан тўла битказилди. Бу меъморий комплекснинг марказий қисмида қад кўтарган нақшинкор обидалар орасида, айниқса, Қозизода Румий мақбараси меъморий жиҳатдан энг ажойиби ҳисобланади. У пештоқ-

ли, улкан гумбазли зиёратхонадан иборат бўлиб, кошинкор ва беқиёс жилвали ранго-ранг парчинлар билан нақшланган.

Улугбек томонида қурдирилган меъморий бинолар ичида тарҳи, математик ечимлари, нақш ва жиҳозлари жиҳатидан энг нодир иншоотлардан ҳисобланган Самарқанд Расадхонаси алоҳида ўринга эга. Чунки у улкан Шарқнинг кўп асрлик илму маърифат ва маданияти тарихида шуҳрат топган расадхоналар орасида Мовароуннаҳрда қад кўтарган яқкаю ягонадир. Шарқ мамлакатларида илму маърифатнинг, хусусан, астрономия ва математика фанларининг ривожини ўйлида унинг бажарган хизмати ниҳоятда буюқдир.


Шаҳар қурилиши меъмортичилигида Регистон майдонида бино қилинган Мирзойи ҳаммоми ва қарвонсаройи, «Боғи майдон»да қад кўтарган «Чил сутун» («Қирқ устун») ва «Чиннихона» саройлари, айниқса, диққатга сазовордир. Тиллакорий мадрасаси ўрнида бўлган Мирзойи қарвон саройида кўпинча хорижий мамлакатлардан келган савдогарлар қўнишган. Бобурнинг таърифлашича, «Чил сутун» ва «Чиннихона» саройлари ниҳоятда муҳташам ва кўркем бўлган. «Чил сутун» тошлардан фарш қилинган баланд тагкурси устида қад кўтарган икки қаватли сарой бўлиб, унинг бурчакларида миноралари бўлган. Минораларнинг ички доираси бўйлаб ишланган айланма зинапоёлар саройнинг юқори қаватига олиб чиққан. Иккинчи қаватнинг марказида чордара услубида қурилган уй бўлиб, унинг тўрт тарафи ўймакор тош устунли айвон билан ўралган. Чордара услубида бино қилинган Чиннихона саройининг деворлари, хусусан, уларнинг изора (пастки) қисмлари Хитойдан келтирилган рангдор ва нақшли чиннилар билан қошланган бўлиб, шу сабабли бу олий иморат шу ном билан шуҳрат топган.

XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр ва унинг пойтахти Самарқандда ҳашаматли қурилишлар анчагина чекланса-да, ҳар ҳолда оз бўлса-да, икки қаватли Хўжа Аҳрор мадрасаси (1456), Ишратхона (1464) ва Оқсарой (XV асрнинг 70-йиллари) мақбаралари каби бир нечта меъморий иморатлар қад кўтарди.

XIV—XV аср меъмортичилигида иморатларнинг ички ва ташқи қисмларини ўзига хос янги конструктив ечимлари асосида қуриш билан бир қаторда, уларни безашда ҳам янги декоратив усуллар қўлланилади. Биноларнинг пештоқлари ва ички интерьерлари қабартма «кундал», деворлари ранго-ранг

парчинлар, зангори ёки оқ ранг устига зарҳал берилган «ислими» нақшлар, баъзан эса эпиграфик ёзувлар билан пардозланади. Демак, бу даврда меъморчилик ва амалий санъатда асрий анъаналар янада чуқурлаштирилиб, юқори даражада маънавийни англаувчи ўзига хос услуб яратилди. Бу услубда бино қилинган иморатлар ўзининг уйғунлиги, ритми, композицияси, ранг-баранглиги ва тантанали манзара кашф эттирувчи воситалари билан ажралиб туради. Дарҳақиқат, ўзининг мукамаллиги, етук шакли, нафислиги ва гўзал нақшлари билан кишини маҳлиё этувчи XIV—XV асрлар қурилиш санъатининг ажойиб дурдоналари минглаб кишилар меҳнатининг меvasидир. Уларда халқ ичидан етишиб чиққан моҳир меъмор, наққош ва банноларнинг ақл-идроки, маҳорати ва қурилиш соҳасидаги кўп асрлик тажрибаси ўз ифодасини топган. Бу меъморий обидаларнинг муҳандису тарроҳлари гўзалликнинг объектив қонунларини чуқур билганлар, ўз ижодларида даврнинг ғояси ва руҳини бера олганлар. Уларнинг меъморий усули ҳам, нақши ҳам ўзига хос хислат, фазилатларга эга, беқиёс ва оригиналдир.

XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннахрнинг маънавий ҳаётида сўфийлик тариқатининг таъсири кучайиб, дунёвий илмларга деярли аҳамият берилмай, Самарқанд Расадхонасидек «Дор ул-илм» қаровсиз қолган бир пайтда Хуросон шаҳарлари, хусусан, унинг пойтахти ободонлашиб, у илмфан, адабиёт ва санъатнинг марказига айланди. Ҳиротда, айниқса, Султон Ҳусайн Бойқаро (1469—1506) ҳукмронлик қилган даврда қатор олий иморат ва иншоотлар қад кўтарди. Ҳиротнинг ободонлашиши ва унда амалга оширилган қурилишларнинг аксарияти ўша вақтларда Хуросонда Темурийлар давлатида вазирлик лавозимида бўлган ва ниҳоятда давлатманд Мир Алишер Навоийнинг номи билан бевосита боғлиқдир. Айрим маълумотлар бўйича, Хуросонда, хусусан, Ҳирот ва унинг теvarак-атрофларида Навоий ва унинг сафдошлари ташаббуси билан уч юздан ортиқ жамоат бинолари: масжид, мадраса, мақбара, хонақоҳ, ҳаммом, шифохона, сарой, истироҳат боғлари, работлар ҳамда турли хил суғориш иншоотлари: ҳовуз, кўприк, бандлар — сув омборлари қурилган. Қурилишларнинг кўпи Навоийнинг бевосита ҳомийлиги билан ёки унинг маблағига амалга оширилган. Мирзо Муҳаммад



## Темурийлар давлати

Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» номли рисоласида қайд этилишича, Алишер Навоийнинг ҳар йилги даромади ўн саккиз минг «шоҳруҳий» динорга тенг бўлган. Бу маблағнинг деярлик барчасини у хайрли ишларга, шу жумладан, жамоат қурилишларига сарф қилган. XV аср муаррихи Хондамирнинг ёзишича, Алишер Навоий ўз маблағига 52 работ, 19 ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом ва бошқа бир қанча масжид, мадраса, хонақоҳ ва шифохоналар каби хайрли иморат ва иншоотлар қурдирган. Астробод шаҳрида қурилган «Мир саройи» ва «Жомеъ масжиди», шунингдек, Марв шаҳрида бино қилинган «Хусравия» номли мадраса шулар жумласидандир. Шу билан бирга Навоий жангу жадаллар ва зилзилалар асоратида вайрон бўлган кўпгина жамоат биноларини таъмир этиб, қайта тиклашдек мураккаб ишларга қўл урган. У Ҳирот ва бошқа шаҳар ва қишлоқларда 12 та масжидни қайта тузаттиради, шу жумладан, XIII асрда бино қилинган Ҳиротнинг масжиди жомеъси, 1405–1418 йилларда Машҳадда қурилган Гавҳаршод масжиди, XI аср бошида Гургон яқинида ўрнатилган Қобус минораси, XI асрда Марв ва Ҳирот оралиғида қурилган Арслонжозиба работи ва кўпгина бошқа иморату иншоотлар таъмир этилиб, қайта тикланган эди. Биноларнинг комплекси жиҳатидан энг кўрками ва йириги Навоий томонидан Ҳирот яқинида бино қилинади. Навоий вазирлик лавозимидан истеъфо бергач, Ҳусайн Бойқаро унга Инжил анҳори бўйидан ер ва сув ажратиб беради. Бу ерда Навоий ҳовли-жой, боғча ва катта кутубхона бунёд этибгина қолмай, айни пайтда бир қанча хайрли қурилишларни ҳам бошлаб юборади. Қурилишнинг бош тарҳи Навоий томонидан таклиф этилади. Бинокорлик ишлари Ҳиротнинг қатор моҳир меъмор, муҳандис, бинокор ва наққошлари томонидан бажарилади. Инжил бўйида ниҳоятда нақшинкор «Ихлосия» мадрасаси, унинг қаршисида кўркам «Халосия» хонақоси қад кўтаради. «Қуддусия» жомеъ масжидининг ғарбида «Шифоия» даволаш уйи, унинг қаршисида эса «Сафоия» ҳаммоми, улар қошида тош ҳовуз ҳам қурилади. Биргина мадраса ва хонақоҳда бир неча минг киши истиқомат қилиб, фан, адабиёт ва санъат билан машғул бўлган. Хондамирнинг ёзишича, «Холосия» хонақосида ҳар куни заифа ва мискинлар зиёфат бериб, лазиз таомлар билан тўйдиришган.

Янгидан қуриладиган ҳар бир бино ёки таъмир этилиб қайта тикланадиган ҳар бир ёдгорликка мукамал меъморий зеб бериш учун Навоий қурилишга ҳаммавақт кўплаб турли касбдаги бинокор усталарни: моҳир муҳандису меъморларни, кошинтарошу тоштарошларни, ўймакор наққошлару музаҳҳиблар (зарҳал тортувчи) ҳамда парчинпазларни жалб қилар эди. Хондамирнинг «Хулосат ул-аҳбар» номли асарида таъриф этилишича, 1498 йилда Ҳирот шаҳрининг жомеъ масжидини таъмир этиб тиклашда қарийб юзта ҳунарманд уста қатнашган. Таъмирлаш ишлари бошидан охиригача бевосита Навоий бошчилигида амалга оширилган. «Кўп кунлар у этагини белига қистириб, ёлланган ишчилар сингари усталарга ғишт узатарди ва бошқа ишлар қиларди. Тез-тез меъмор, уста ва қосибларга қимматбаҳо саруполар кийдирарди ва кўп навозиш ва бошқа инъомлар билан хушдилу хурсанд қиларди. Шундай қилиб, уч-тўрт йиллик иш олти ой муддат ичида тамомланарди». Навоий томонидан таъмир этирилган Ҳирот жомеъ масжиди ҳовлисининг узунлиги 114 метр, эни 84 метр бўлиб, олти дарвозаси бўлган. Жомеъ масжиди ҳозир ҳам Ҳиротнинг энг гўзал обидаларидан ҳисобланади.

Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг XV аср меъморчилиги тўғрисида сўз борар экан, шуни таъкидлаш жоизки, унда ҳозирги замон бинокорлигида «инфраструктура» деб аталадиган комплексликка эришишга ҳаракат қилинган ва бунга эришилган ҳам. Масалан, XV асрнинг 80-йилларида Ҳирот яқинида Инжил анҳори бўйида қуриб битказилган иморатлар комплексида уй-жойлардан ташқари, мадраса, хонақоҳ, шифохона, ҳаммом, ҳовузлар, савдо расталари, дам олиш хиёбонлари, боғ-роғлар мужассам бўлиб, улар кўркамлиги, хушҳаволиги, зебу зийнати билан бошқа бинолардан ажралиб туради. Бу даврда жамоат биноларини, исми ва жисмига монанд, маънадор ҳамда жарангдор номлари билан аташ орқали иморатларнинг мантиқий ифодасига ҳам катта аҳамият берилган. Шунингдек, бундай номлар заруриятга қараб, абжад ҳисобида қурилиш йили тарихини ҳам ифодалаш лозим бўлган. Ихлосия, Холосия, Шифоия, Унсия, Худсия, Низомия, Хусравия ва Фаноия шулар жумласидандир. Масалан, Ихлосия мадрасасининг номи Навоийнинг дўсти ва султон Ҳусайн Бойқарога бўлган ихлосини, миннатдорчилигини билдирса, Халосия озодлик; Шифоия соғлиқ, шифо; Сафоия поклик,

ёруғлик маъносини англаган. Хусравия мадрасасининг номи эса бинонинг биринчи гиштини қўйган шаҳзода Муҳаммад Султон номини ҳамда унинг қурилган йилини ифодалаган.

Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг XV аср меъморчилигида ўзининг комплекси ва бажарган вазифаси жиҳатидан жамоат бинолари орасида, айниқса, шифохоналар, ҳаммомлар, истироҳат боғлари алоҳида ўрин тутди. Бундай бинолар Ўрта ва Яқин Шарқда VIII—IX асрлардаёқ қад кўтариб, XV асрда эса Самарқанд, Бухоро, Гурганч, Марв, Ҳирот, Фазна, Рай, Ҳамадон ва Исфохон каби Шарқнинг нуфузли шаҳарларида кенг тарқалган эди.

XV асрда ўрта асрлар меъморчилигининг асрий анъаналари янада ривожлантирилиб, Ҳирот шаҳрида мана шундай жамоат шифохоналаридан бири Султон Абусаиднинг (1450—1469) катта хотини Милкат оғо томонидан қурдирилади. Унга Ҳиротнинг етук табибларидан Мавлоно Дарвешали мударрис қилиб тайинланиб, барча муолажа ишлари унга топширилган эди. Бундай жамоат шифохонаси «Дорушшифо» номи билан юритилиб, уларда замонасининг билимдон табиблари беморларни даволаганлар. Дорушшифода махсус дорихоналар бўлиб, уларда дорипазлар беморлар учун дори-дармонлар тайёрлаб берганлар. Бухоро воҳасидаги қадимги Пойканд шаҳри харобалари остидан қовлаб очилган VIII асрга мансуб энг қадимги дорихонанинг қолдиқлари бунинг ёрқин далилидир.

Алишер Навоий Инжил анҳори бўйида «Шифоия»ни қуришга киришар экан, аввало унинг замонида қаровсиз қолган Ҳирот Дорушшифосини қайта тиклаб, уни обод этади.

Хондамирнинг таърифлашича, Инжил соҳилида Навоий томонидан қурдирилган «Шифоия» шифохонаси «Ихлосия» мадрасасининг рўпарасида жойлашган бўлиб, гумбази нақшинкор мовий кошинлар билан қопланган. Деворлари қизил гиштлардан териб чиқилган. Ҳовлисида сарҳовуз бўлиб, саҳнидан майин тоғ шабадаси муттасил эсиб турган. «Шифоия» ҳозирги замон ибораси билан юритилган шифохонали табобат илмгоҳи тарзида бўлиб, унда табиб ва ҳақимлар беморларни даволашдан ташқари табобат илми билан ҳам шуғулланганлар.

Алишер Навоийнинг инояти билан ўша даврда етишиб чиққан Фиёсуддин Муҳаммад, Низомуддин Абдулхай, Дарвешали, Муҳаммад Юсуф, Абдулхай Туний, Муҳаммад Муй-



ин, Хутбуддин Одам каби машҳур табиблар «Шифоия»да узок вақт фаолият кўрсатганлар.

Бу даврда Ҳирот дорушшифоси, айниқса, қаҳқоллари — кўз касалиги табиблари ғоят шуҳрат топади. Бир сафар ҳатто Хожа Аҳрорнинг Навоий номига ёзган махсус мактуби билан Мавлоно Фазлуллоҳ даволаниш учун Самарқанддан Ҳиротга юборилади. Хожа Аҳрор касал бўлганида эса Навоий фармонига биноан Низомуддин Абдулхай табиб Самарқандга келади. Шубҳасиз, Ҳиротнинг XV аср табиб ва ҳақимлари табобат соҳасида кўплаб китоб ва рисоалар ёзганлар. Шундай қилиб, Навоийнинг табобат фани асосларини яхши билиши ва у билан қизиқиши ҳамда инсонпарварлиги тўғрисида Ҳиротда Дорушшифо, яъни даволаш уйи очилади. Унда машҳур табибларнинг тўпланишига ва табобат илмининг ривож олишига қулайлик яратилади. Энг қизиғи шуки, шифохонада даволаш учун ҳам, даволаниш учун ҳам барча шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, беморларга дори-дармонлар, емаклик учун озиқ-овқатлар муҳайё этилган. Бу буюк зотнинг вафотигача унинг тарбиясида 12 мингга яқин мадраса талабалари, шоирлар, олимлар, музаҳҳиблар, мусаввирлар, заргар, дурадгор ва бинокор усталар камолот топадилар.

Халқ саломатлиги ва тозалиги йўлидаги жамоат биноларидан ҳаммомларнинг ғоят муҳимлигини яхши тушунган Навоий Ҳирот ва унинг атрофида Шифоия, Зиёратгоҳ, Дарайи занг, Тувурчи, Чилдухтарон, Тарноб, Панждеҳ, Файзобод, Саъдобод каби қатор ҳаммомлар ҳам қурдиради.

Навоийнинг режаси ва тарҳи билан бино қилинган йирик меъморий ансамбллар, унинг ташаббуси билан қурилган катта-кичик иншоотлар улуг шоирнинг меъморчилик санъати бобида ҳам бой билимга эга бўлган етук меъмор эканидан гувоҳлик беради. Меъморий жиҳатдан бекаму кўст қурилган ҳар бир мукамал бинони Навоий оддийгина бошпана эмас, балки ўзининг жозибаси билан кишиларга ором ва эстетик завқ берувчи санъат асари деб ҳисоблаган. Ўзининг бундай фикрини у:

Тарҳ қилса муҳандиси моҳир,  
Ҳар замон ўзга шакл этар зоҳир.  
Ҳар киши ғолиб ўлса савдоси  
Дафъи савдо қилур тамошоси, —

деб ёзган мисраларида ифодалаган. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, Навоийнинг меъморчилик ва санъат соҳасида чуқур билимга ва юксак бадиий тасаввурга эга экани, санъатга бўлган ихлосу эътиқоди, шавқу завқи туфайли у асарларида яратган қаҳрамонларини кўпинча моҳир мусаввир, уста бинокор, қўли гул наққош, зукко меъмор қиёфасида тасвирлайди. Навоий Шарқ мусаввирлиги ва меъморчилиги анъаналари тарихининг зўр билимдони эканини нафақат ўзи яратган образлар мисолида, балки ҳаётий фаолиятида ҳам чуқур намоиш эта олди.

XV асрнинг маданий ҳаётида истироҳат боғлари ташкил этиш санъати ҳам диққатга сазовордир. Бу даврда Самарқанд, Бухоро, Марв, Ҳирот ва бошқа кўпгина шаҳарлар атрофида гўзал оромгоҳлар барпо этилади. Сайроғоҳ боғлар асрий анъаналарга асосан икки хил усулда: «чорбоғ» ва «қўриқхона» тарзида ташкил этилади. Чорбоғлар тарҳи мутаносиблик (симметрия) асосида тўғри геометрик шакллардан тузилган тартибли гулзор ва мевазорлардан иборат бўлиб, қўриқхоналар табиатнинг хушманзарали бағрида барпо этилган.

Истироҳат боғлари гулзорлар билан ўралган баланд сарой ва нақшинкор шийпонлар, уларга элтувчи серсоя сўлим хиёбонлар, зилол сувли ариқлар, марказида гирди ва ички саҳни тоштахталар билан фарш этилган ҳамда атрофига ғужум ва мажнунтоллар ўтказилган тўрт ёки саккиз бурчакли ҳовузлардан иборат бўлган. Бундай истироҳат боғларини ўз кўзи билан кўрган Хондамир, «Бу шарофатли жой нафис безаклар ва ғаройиб ихтиролар билан ораста қилингандир», деб таърифлаган. Шубҳасиз, бундай таъриф Ҳиротнинг энг йирик истироҳат боғи «Боғи жаҳоноро» манзарасида ўз ифодасини топган эди. «Боғи жаҳоноро»нинг умумий майдони салкам 1 кв км га тенг бўлиб, олдида гулзор, атрофи мевали ва манзарали ям-яшил дарахтлар билан ўралган баланд саройдан ташқари чорбоғ ва чорчаман ҳамда хиёбон услубида ташкил этилган тўртта боғ, улар ўртасидаги кенг ҳовузнинг тўрт томонига қурилган тўртта нақшинкор шийпон ва камондан нишонга ўқ узиб машқ ва мусобақа қилмоққа мўлжалланган махсус бино — садоқхона (тир) жойлашган эди.

## 46-§. Китобат, тасвирий санъат, мусиқа ва адабиёт

XV асрда Ҳиротда меъморчилик билан бир қаторда китобат санъати, яъни қўлёзма асарларни кўчириб ёзиш ва у билан боғлиқ бўлган хаттотлик, мусаввирлик, лаввоҳлик (лавҳа чизиш) ва саҳҳофлик (муқовасозлик) санъати ҳам ниҳоят даражада тараққий этади. Китобат санъатнинг маълум бир соҳасига айланиб, нафис китоб бу санъатнинг нодир ва бебаҳо асари ҳисобланади. Бу давр нафис китоб ва хаттотлик санъати тараққиётида янги бир босқич бўлиб, моҳир санъаткорларни яратди. Босмаҳона ва китоб нашр этиш ҳали вужудга келмаган замонда китоб яратиш ва унинг нусхаларини кўпайтириш оғир меҳнат ва кўп вақт сарф этиладиган ниҳоятда мушкул иш бўлган. Айниқса, нафис китоб яратиш ўта мураккаб ва жуда машаққатли бир жараён бўлиб, у қоғозрез (қоғоз тайёрловчи), хаттот, мусаввир, лаввоҳ, саҳҳоф (муқовачи) каби бир неча хил мутахассисларнинг меҳнати ва малакаси билан боғлиқ эди. Ҳар бир китоб қоғозидан тортиб муқовасигача, сиёҳидан то бўёқларию зарҳалигача маълум усул (рецепт), режа ва қоида асосида тайёрланар эди. Ҳатто китобдан хушбўй ҳид анқиб туриши учун баъзан сиёҳга гулоб ёки анбар қўшилар эди. Хаттотлик махсус касб, нозик ва ўзига хос санъат эди. Хаттот бўлиши учун узоқ вақт сабр-матонат ва иштиёқ билан хаттотликни машқ қилиш, заҳмат чекиш лозим эди. Хаттот мукамал саводли, бадиий диди баланд, ижодкор киши бўлиши лозим эди. Ҳар бир хаттотнинг ўз усули ва услуби бўлиб, бу усул ва услублар устоздан шогирдга ўтар, анъаналар давом эттирилар ва ривожлантирилар эди.

Бир неча касб-ҳунар соҳибининг узоқ ва машаққатли меҳнати билан бунёдга келган нафис китоб жуда оз нусхада бўлиб, у ниҳоятда қимматга тушар эди. Бундай китоблар кўпинча подшоҳлар, амирлар ва давлатманд амалдор кишиларнинг буюртмаси билан ишланар ва махсус китобхоналарда сақланар эди. Нафис китоб ва хаттотлик санъати XIV—XV асрларда янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Машҳур хаттот Мирали Табризий (1330–1404) настаълиқ деб номланган янги услубдаги хатни кашф қилади. Бу услуб хати куйий, хати шикаста, насх ва бошқа услубдаги дастхатлар ўрнини сиқиб қўяди. Настаълиқ услуби айниқса Султонали бошлиқ Ҳирот хаттотлари фаолияти билан кенг тарқалади ва ўз

такомилининг юксак босқичига кўтарилади. «Хатти Ҳиротий» деб шуҳрат топган бу услуб бир қатор Шарқ ўлкаларида узоқ асрлар давомида етакчи услуб бўлиб қолади.

XV—XVI асрларда бир қанча истеъдодли хаттотлар, мусаввирлар, лаввоҳлар етишади. Абдурахмон Хоразмий, Султонали Машҳадий, Султонали Хандон, Мирали Қилқалам, Ҳалвоий, Рафиқий ва бошқалар шулар жумласидандир. Ҳирот хаттотларига устозлик қилиб, китобат санъати равнақиға ўзининг улкан ҳиссасини қўшган хушнавис хаттотлардан бири Султонали Машҳадий (1432—1520) эди. У Низомий, Аттор, Ҳофиз, Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Жомий, Навоий, Ҳусайн Бойқаро ва бошқа шоирларнинг асарларини кўчиради. Ҳозирги вақтгача Султонали томонидан кўчирилган 50 дан зиёд китоб ва кўпгина қитъалар етиб келган. Султонали ўймакорлик санъатида ҳам моҳир бўлган. У Ҳусайн Бойқаронинг «Боғи жаҳоноро» боғидаги сарой ва бошқа биноларнинг деворларига ўйиб битиклар ёзган. Ҳусайн Бойқаро қабр тошидаги лавҳа ҳам Султонали томонидан ўйиб битилган. Хаттотлик санъати турлари ҳақида махсус асар ҳам ёзган. Китобат санъатида Ҳирот хаттотлари орасида хушнависликда пешқадамлиги, яратган кўпгина нафис китобалари ва етиштирган шогирдлари туфайли Султонали Машҳадий «Қиблат ул-кутуб» («Котиблар қибласи») ва «Султон ул-хаттотин» («Хаттотлар султони») номлари билан шуҳрат топади.

Бу даврда Темурий ҳукмдорлари девонхоналари қошида, хусусан, Самарқанд ва Ҳиротда махсус сарой китобхоналари ташкил этилганди. Бундай китобхоналар ўрта асрнинг ўзига хос ҳунармандчилик корхонаси бўлиб, уларда қўлёзма асарларни тўплаш ва сақлаш билан бир қаторда, улардан нусхалар кўчириш, турли манзарали ранго-ранг тасвир ва нақшинкор лавҳалар билан асарларни безаш ҳамда муқовалаш каби китобсозлик билан боғлиқ бўлган қатор амалиёт бажарилган. Бундай сарой китобхоналарининг бошлиқлари «китобхона доруғаси» ёки «китобдор» номлари билан юритилиб, унинг қўл остида кўплаб хушнавис хаттотлар, қўли гул наққошлару мусаввирлар, моҳир лаввоҳлару саҳҳоблар буюртмаларни бажарганлар. Масалан, XV асрнинг биринчи ярмида Ҳиротда Улуғбекнинг укаси Бойсунғур китобхонасида 40 та хаттот ва бир қанча наққошлар қўлёзма асарлардан нусхалар кўчириш ва уларни безаш билан банд бўлган. 1429 йилда бу китобхонада Абулқосим Фирдавсийнинг маш-

хур «Шоҳнома» поэмаси кўчиртирилиб, у 20 та турли мазмун ва манзарали рангдор миниатюралар билан безатилган.

XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротда китобат санъати янада ривож топади. Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий сарой китобхонасини нодир асарлар билан бойитишга ғоят ғамхўрлик қиладилар. Навоийнинг укаси Дарвешали девонхона китобхонасининг доруғаси этиб тайинланади. У ўз корхонасига Ҳиротнинг кўплаб хушнавис котибу хаттотларини ва моҳир наққошу мусаввирларини тўплайди. Ҳиротнинг машҳур хаттотларидан Султонали Машҳадий ва Мирали котиблар Султон Ҳусайн билан Алишер Навоий буюртмалари билан кўплаб китобларни кўчириб, нусхаларини кўпайтирадилар. Бобурнинг ёзишича, биргина Султонали Ҳусайн Бойқаро учун ҳар куни 30 байт ва Навоий учун 20 байт китоб кўчирар экан. Бу даврда, айниқса, Султонали Машҳадийнинг шогирди Рафиқий таҳаллуси билан шуҳрат топган Мирали Котиб ўрта асрнинг ушбу беқиёс нозик санъати соҳасида катта муваффақиятлар қозонган эди.

XV аср ва XVI аср бошларида тасвирий санъат соҳасида улкан муваффақиятларга эришилади. Беҳзод, Мирак Наққош, Қосимали, Маҳмуд Музаҳҳиб, Ҳожи Муҳаммад Наққош ва Шоҳмузаффар каби мўйқалам соҳиблари етишади. Бизгача сақланиб қолган тасвирий санъат ва ёзма манбалар Мовароуннаҳр ва Хуросон тасвирий санъатининг ўзига хос услубини, мусаввирлар ижодиётининг хаёлий мавҳумликдан ҳаётийликка, реалистик тасвирга томон ривожланиб борганини кўрсатади. Бу жиҳатдан, айниқса, Беҳзод асос солган Ҳирот мусаввирлик мактаби улкан ютуқларга эришади. Бу давр тасвирий санъат обидалари ўзининг мавзуи ва воқеълигига қараб портретлар, ҳаётий лавҳалар, табиат манзаралари, бино ва бадиий асарларга ишланган тасвирлардан иборат бўлган. Сиймолар қиёфаси тасвирлари орасида Жомий, Навоий, Абдулла Хотифий, Беҳзод, Ҳусайн Бойқаро, Бобур, Шайбонийхон ва бошқаларнинг портретлари бизгача сақланиб қолган. Мусаввирлар бу тарихий шахсларнинг ташқи қиёфасини аниқроқ ва мукаммалроқ тасвирлашга, айрим ҳолларда ҳатто уларнинг маънавий дунёсини очишга ҳам интилганлар. Бу жиҳатдан айниқса Навоий портрети диққат-эътиборга моликдир. Масалан, машҳур рассом Маҳмуд Музаҳҳиб томонидан чизилган Навоий тасвирида шоир ҳассага

таянган, унинг қомати бирмунча букчайган, қарашларида ҳам ҳорғинлик кўзга яққол ташланиб туради.

Ҳаёт лавҳаларига бағишланган тасвирий санъат асарлари ўз мазмуни билан ҳам, услуби ва бадиийлиги билан ҳам ниҳоятда қимматлидир. Беҳзод ва бошқа мусаввирлар ўрта асрлар муҳитининг бир қатор ҳаётий манзараларини моҳирлик билан тасвирлашга муваффақ бўлганлар. Масалан, Беҳзоднинг бино қурилишига бағишланган бир тасвирида кўпдан-кўп қурувчи — бинокорлар, дурадгорлар, тоштарошловчилар, арава ва филга ортиб келтирилаётган қурилиш материаллари, белига қилич таққан ва гаврон кўтариб қурувчиларга ўшқираётган кутвол — қурилиш бошлиғи тасвирланган.

Замондошлари томонидан Монийи соний («Иккинчи Моний»), кейинги давр олимлари томонидан «Шарқ Рафаэли» деб номланган Камолиддин Беҳзод XV аср тасвирий санъатининг улуғ намояндасидир. У мусаввирликда Ҳирот мактаби деб номланган янги бир ижодий услубнинг асосчиси бўлди ва устоз санъаткор сифатида Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон ва бошқа ўлкалар санъатининг тараққиётига самарали таъсир этди. Беҳзоднинг мусаввирлик санъати айниқса серқирра бўлиб, унинг мўйқалами билан чизилган тасвирлар ўзининг нафислиги, ёрқинлиги ва бўёқларининг жозибadorлиги жиҳатидан Шарқ мусаввирлик санъатида алоҳида ўринга эгадир. Унинг ижоди хилма-хил мазмунга эга бўлиб, у тарихий сиймолар (Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Алишер Навоий) портретларидан тортиб, то сержило ҳукмдор саройларидаги қабул маросимлари ва жанг майдони манзараларигача ҳаққоний ва таъсирли қилиб бера олган. Айниқса, Деҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун» поэмасига бағишланган унинг лирик манзаралари ёки Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари учун чизилган жанг майдонидаги шиддатли маҳораба тасвир этилган миниатюралар ниҳоятда жозибador ва таъсирчандир. Хуллас, тасвирий санъат асарлари, хаттотларнинг ҳусни хати, муқовасоз ва зарҳалчиларнинг санъати билан уйғунлашиб, ғоят кўркем бир тусга кириди. Буларнинг барчаси санъат турлари билан бадиий адабиётнинг ўзаро узвий алоқада равнақ топганини, бири иккинчисига самарали таъсир этганини кўрсатади.

XIV—XV асрларда Ўрта Осиё халқларининг мусиқа санъати тараққиётида ҳам янги ва маҳсулдор бир босқич бўлди. Бу даврда янги куй ва қўшиқлар, чолғу асбoblари ва мусиқа

назариясига доир асарлар яратилди. Жуда кўп маҳоратли созандалар, бастакорлар ва ҳофизлар етишади. Абдуқодир Найй, Қулмуҳаммад Шайхий, Ҳусайн Удий, Шоҳқули Гижжакий, Қосим Раббоний, Дарвеш Аҳмад Қонуний, Хожа Юсуф Андижоний, Устод Шодий, Нажмуддин Кавкабий ва бошқалар шулар жумласидандир. Омилкор мусиқачилар билан бир қаторда Улуғбек, Навоий, Жомий ва Биноий каби мутафаккир ва шоирлар ҳам мусиқа соҳаси билан шуғулланиб, унинг ривожига маълум ҳисса қўшадилар. Масалан, Улуғбек «булужий», «шодиёна», «ахлоқий», «табризий», «усули равон» ва «усули отлиф», Навоий «исфаҳоний» куйларини ижод қилади. Жомий ва Биноийлар мусиқа назариясига доир асарлар яратадилар.

Мусиқа санъати аҳлларининг ижодий фаолияти билан IX—XII асрларда вужудга келган дувозда (ўн икки) мақом бу даврда янги тараққиёт поғонасига кўтарилади, такомиллашади ва янги куйлар билан бойийди. Демак, мусиқа санъати ҳам XIV—XV асрларда санъатнинг бошқа турлари ва поэзия билан узвий алоқада янги тараққиёт поғонасига кўтарилади. Моҳир санъаткор-машшоқлар, бастакорлар ва ҳофизлар етишади, нодир ва бебаҳо санъат асарлари вужудга келади.

XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV аср Ўрта Осиё халқлари адабиёти тараққиётида янги ва жуда сермаҳсул давр бўлди. Бу даврда адабиёт бадий услуб жиҳатидан такомиллашди, янги поғонага кўтарилди. Насрда ҳам, назмда ҳам кўплаб нодир бадий ва лирик асарлар яратилди. Ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбек ҳамда тожик адабиёти ўртасида ўзаро алоқа ва ҳамкорлик кенгайди ва мустаҳкамланди. Ўзбек таржима адабиёти вужудга келди. Бадий адабиётнинг ўсиши билан узвий боғланган ҳолда адабиётшунослик ҳам тараққий этди, қимматли илмий асарлар яратилди.

Бу даврда замонасининг истеъодли ва етук шоирлари ва адиблари Қутб, Сайфи Сароий, Ҳайдар Хоразмий, Дурбек, Амирий, Яқиний, Атоий, Саккокий, Лутфий, Бобур, Муҳаммад Солиҳ ва бошқалар яшаб ижод қиладилар. Дурбек томонидан қайта ишланган «Юсуф ва Зулайҳо» достони тошкентлик шоир Атоийнинг девони, Лутфийнинг «Зафарнома» ва «Гул ва наврўз» поэмалари шу давр бадий адабиётининг дурдоналаридандир. Бу давр ўзбек шоирлари ичида Лут-

фий (1366–1465) алоҳида ўрин тутади. Навоийга қадар ўзбек шеърлятида Лутфий даражасига етадиган шоир ўтмаган. У биргина ўзбек тилида асарлар яратиб қолмади, балки тожик тилида ҳам қасидалар ёзди. Лутфий ижодида ҳақиқат ва адолатни севиш, шафқат ва мурувватли бўлишни тарғиб қилиш, илм ва санъатни севиш каби фикрлар катта жой олган.

Бу давр бадиий адабиёти тараққиётида буюк тожик шоири Абдураҳмон Жомий (1414–1492) ҳамда ўзбек адабий тилининг асосчиси ва ўзбек классик адабиётининг сардори Алишер Навоийларнинг ҳиссаси ғоят буюқдир. Лирика соҳасида Саъдий, Ҳофиз ва Камол Хўжандий қаторида турган Жомий жуда сермаҳсул олим ва истиснодди адиб эди. Қарийб ярим аср давом этган ижодиётида у фан ва адабиётнинг турли масалаларига оид 99 та китоб ёзди. У XV аср адабиётида мавжуд бўлган деярли барча жанрларда асарлар яратди. Ўзидан олдинги улуғ сўз санъаткорларининг анъаналарини давом эттирди ва ривожлантирди, бадиий юксак асарлари билан дунё адабиёти хазинасига ўлмас обидалар қўшди. Жомийнинг энг йирик ва машҳур еттита катта дostonдан иборат «Ҳафт Авранг», «Баҳористон» ва «Хирадномаи Искандар» номли фалсафий-дидактик дoston ва ахлоқий-таълимий асарлари бўлиб, «Хираднома»сида у мустабидлик (деспотия), зулм, очкўзлик ва қизғанчиқликни қоралайди. Меҳнатсеварлик, инсонпарварликни, кишилар тенглигини тараннум қилади. Ижтимоий адолат, кишилар ўртасида ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик ҳақида, тенглик тўғрисида орзу қилади.

Абдураҳмон Жомий XV асрнинг буюк мутафаккиридир. Унинг ижодий фаолияти қардош тожик халқининг маданияти тараққиётидагина эмас, балки бутун Ўрта Осиё халқлари маданий ҳаётида катта воқеа бўлиши.

Абдураҳмон Жомий улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг замондоши, устози, дўсти эди. Бу икки маданият раҳнамосининг дўстлиги ва ҳамкорлиги ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигининг ёрқин тимсолидир. Инсон ва унинг бахт-саодати учун, маданият, илм-фан, санъат ва адабиётнинг тараққиёти учун кураш бу икки буюк сиймони бир-бирига яқинлаштирган эди. Навоий Жомийни устоз, буюк сўз санъаткори деб билди, у билан ҳамкорлик қилди, унга бағишлаб «Хамсаи ул-мутаҳаййирин» («Беш ҳайрат») асарини яратди. «Тухфат ул-афкор» («Фикрлар совға-



си») асарини унга атади. Асарларида уни таъриф ва тавсиф этди. Унга юксак баҳо берди. Худди шунингдек, Жомий ҳам Навоийни буюк сўз санъаткори сифатида тақдирлаб, унга юксак баҳо берди, бир неча асарларини Навоийга бағишлади.

XV аср бадий адабиёти равнақида ўзбек халқининг гениал фарзанди, улуғ шоир, олим, мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳиссаси ғоят буюкдир.

Навоий бутун фаолияти ва ижодиётини инсоннинг бахт-саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, ўзаро урушларнинг олдини олишга, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиётига бағишлади. У улуғ инсонпарвар, донишманд, давлат арбоби, ўзбек адабий тили ва ўзбек классик адабиётини янги тараққиёт поғонасига кўтарган буюк сўз санъаткори, истеъдодли қомусий олим бўлиб етишди. У даврнинг маданий ҳаётига раҳбар, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлларига ҳомий, кўплаб шогирдлар етиштирган устоз бўлди. Навоий тил, адабиёт, мусиқа, тарих, фалсафа, астрономия, тарбия назарияси соҳасида жуда кўп қимматли илмий асарлар, ўттиздан ортиқ йирик бадий асар ёзди. «Хамса», «Хазойин-ул-маоний», «Маҳбуб ул-қулуб», «Лисон уг-тайр» шулар жумласидандир. Навоий «Фоний» тахаллуси остида тожик тилида ҳам ижод қилиб, «Девони фоний», «Хасби ҳол», «Тухфатул афкор» каби лирик асарлар яратди.

Навоий асарларида муҳаббат ва садоқат, дўстлик ва қардошлик, адолат ва тинчлик зўр маҳорат билан тараннум этилади. У одамларни инсонга муҳаббатли бўлишга даъват этди, меҳнатни улуғлади. Шоир одамларни фанни эгаллашга, билимларни ўзлаштиришга чақирди, саводли бўлишнинг амалий аҳамиятини уқтирди. Навоий халқнинг саводсизлигидан фойдаланаётган ва ўзларининг ғаразли мақсадларини кўзлайдиган амалдорларни қаттиқ қоралади ва уларнинг ўз мансабларини суиистеъмол қилишларини лаънатлади.

Навоий тарихни билишнинг аҳамияти, айниқса, катта эканини айтиб, одамларни тарихни ўрганишга даъват этди. Унинг фикрича, тарих фани шоҳлар, ҳукмдорларнинг таржимаи ҳолини эмас, балки мамлакат тарихини ўрганиши керак. У мамлакатни нималар ҳалок қилишини ва нималар фаровонликка олиб келишини, қандай ишлар туфайли мамлакат обод бўлишини, қандай ишлар сабабли мамлакат таназулга юз тутишини, қандай ишлар туфайли мамлакат

маъмур бўлганлигини, қандай ишлар халққа фароғат ва бахт келтиришини тарих кўрсатиб бериши лозим деб ҳисоблади.

Навоийнинг таъкидлашича, халқнинг фаровонлиги, давлатнинг равнақи деҳқонлар ва косибларнинг оғир машаққатли меҳнати натижаларига боғлиқ. Шу сабабли уларни ҳурматлаб, меҳнатини ардоқлаш лозим. Навоий шоҳларнинг, бекларнинг ва бошқа амалдорларнинг ҳунарманд-косибларга, деҳқонларга зулм ўтказишларига қарши чиқди. Навоий одамларни инсофли, олийҳиммат, меҳнатсевар бўлишга даъват этди, жаҳондаги барча маъмурчиликнинг манбаи меҳнат деб, уни мақтади.

Навоийнинг хушхулқ, одобли ва тарбияли бўлиш тўғрисидаги фикрлари айниқса қимматлидир. У тарбияли бўлишни юксак ва олийжаноб фазилатлардан бири деб ҳисоблаб, одамларни хушмуомала, хушфеъл бўлишга чақиради. Шоир юксак ахлоқий сифатларни адолат, инсонпарварлик, одамларга меҳрибон бўлиш билан чамбарчас боғлаб, адолат ёрдамида мамлакатни обод қилиш мумкинлигини, ҳар бир киши ўзининг хулқи ва одоби билан одамларни хурсанд қилиши лозимлигини уқтириб ўтади.

Хуллас, ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ўзининг фаолияти ва ижодиёти ҳамда бебаҳо асарларида кўтарган ўта инсонпарвар ғоялари билан жаҳон адабиётининг буюк санъаткорлари қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Унинг номи ва мероси Гомер ва Данте, Рудакий ва Фирдавсий, Низомий ва Шота Руставели, Саъдий ва Жомий, Шекспир ва Бальзак, Пушкин ва Толстой, Робиндранат Тагор ва Лу Син каби улкан мутафаккирларнинг номи ва меросидек абадийдир.

Афсуски, XV аср охирида мамлакатда мулкдор вилоят ҳокимларининг ўзаро низолари ва марказий ҳукуматга қарши исёнлари кучайиб, дорилсалтанатда фитна-фасоднинг авж олиб кетиши оқибатида бошланган сиёсий танглик, шубҳасиз, унинг иқтисодий ва маданий ҳаётига салбий таъсир этади ва уни оғир тушкунликка олиб келади. Буларнинг ҳаммаси темурийлар ҳукмронлигининг сўнгги кунлари нишонаси бўлиб, уни замонасининг пешқадам сиймолари жуда яхши сезганлар. Ўша замонда яшаган шоир ва адиблардан Муҳаммад Солиҳ содир бўлган сиёсий вазият оқибатига баҳо бериб, «Давлати Олий Темур кетғусидир, навбат ўзга кишига етғусидир», деб ёзган эди.

## ХОТИМА

Ўзбекистонда IV асрдан то XVI аср бошларига қадар минг йилдан ортиқроқ давр мобайнида содир бўлган ўта мураккаб ва шиддатли воқеалар таҳлилига умумлаштирилган ва мухтасар яқун ясалар экан, шуни эътироф этишимиз жоизки, бу давр халқимизнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг тадрижий тараққиёти тарихида ўзига хос улкан босқич бўлди. Бу даврда халқимиз ҳаётида ҳар жиҳатдан кескин ўзгаришлар содир бўлди. Аввало, Буюк Турон диёрининг турли ўлкаларида қадимдан истиқомат қилиб келаётган ва этник жиҳатдан бир-бирига жуда яқин бўлган аҳолининг қоришуви оқибатида ўзбек халқи ташкил топди. Унинг бетиним машаққатли меҳнати билан катта-кичик дарё водийлари бўйлаб бўз ерлар ўзлаштирилиб, обикор деҳқончилик майдонлари кенгайтирилди. Йирик суғориш тармоқлари билан қопланган деҳқончилик воҳалари шаклланиб, айрим вилоятлар ташкил топди. Воҳаларда ўша замонларда «кат» номи билан юритилган (масалан, Бинкат, Навкат, Паркат, Пскаат, Заркат каби) сон-саноксиз қишлоқлар қад кўтариб, вилоятлар обод этилди. Карвон йўллари бўйлаб жойлашган шаҳарлар кенгайиб, серқирра ҳунармандчилик, тижорат, маърифат ҳамда илму фан ва маданиятнинг марказига айланди. Касб-ҳунарларнинг турли хил тармоқлари ривож топиб, қўли гул моҳир ҳунармандлар нозик дил ва ижодий маҳорати билан ясалган буюму асбоблар, қурулу аслаҳалар ва зеб-зийнатлар ўзига хос юксак санъат асари даражасида қиёмига етказилди. Бир томондан, суғорма деҳқончилик, иккинчи томондан, ҳунармандчиликнинг тараққиёти ўз навбатида ички ва ташқи савдонинг кенгайишига олиб келди. Халқимиз ташқи дунё бозорида ўз маҳсулотлари билан мустақкам ўринни эгаллади ва карвон йўллари орқали олиб борилган ташқи савдо алоқаларида сарбонлик қилди. Муқим ўтроқлик, айниқса, шаҳар ҳаётининг гавжумлашуви, ўз навбатида, шаҳарсозликда шарқона бинокорлик ва меъморчиликнинг шаклланиши ва ривожига кучли туртки берди. Марказий шаҳарлар кенгайиб, кўркамлашди.

Суформа деҳқончиликнинг асоси ҳисобланган ирригация, хусусан, муҳандислик асосида сув иншоотларини қуриш, бинокорлик, меъморчилик ва кон ишларининг йўлга қўйилиши ўз навбатида хату савод, илму маърифатнинг юксалишига олиб келди. Айнан шу даврда Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва Мирзо Улуғбек сингари ўрта асрларнинг буюк аллома олимлари етишиб чиқди. Улар жаҳон илму фанининг тараққиётига улкан ҳисса қўшидилар.

Аҳолининг ижтимоий ҳаётида ҳам бу даврда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Мамлакатда мулккий тенгсизлик тобора авж олиб борди. Аҳоли турли табақаларга ажралди. Ер ва сув, мол ва мулкларнинг каттагина қисми айрим йирик мулкдорлар қўлида тўпланиб борди. Диёримизда салтанат ва ибодатхоналар тасарруфидаги мулклар, майда ва йирик хусусий ҳамда қишлоқ зироаткорларига тегишли умумжамоа ерлари каби мулкчиликнинг турли хил шакллари қарор топди.

Деҳқончилик воҳалари, шаҳарлар ва чорвадор эл-юртлар аҳолисининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида содир бўлган тадрижий тараққиёт тақозоси билан илк ўрта асрлардаёқ давлатчиликнинг ўзига хос бошқарув тизимлари, қонун-қоидалари ҳамда ер ва мулкка бўлган ҳақ-ҳуқуқлари юзага келди. Бу диёрда ёзма манбаларда тилга олинган ихшид, афшин, тудун, бухорхудот, вардонхудот, чоғонхудот, термизшоҳ, дабусшоҳ, маликзода, деҳқон ва бошқа кўпгина номлар билан улуғланган маҳаллий ҳокимлар томонидан бошқарилган илк ўрта асрларнинг майда воҳа давлатлари билан бир қаторда Эфгаллар, Турк хоқонлиги, Сомонийлар, Хоразмшоҳлар, Қорахонийлар ҳамда Амир Темур ва Темурийлар каби буюк подшоҳликлар ташкил топади.

Машаққатли жисмоний меҳнат воситаси билан амалга оширилган деҳқончилик, унинг барокати, роҳату уқубати, ерга эгалик қилиш ва унга бўлган эътимод, шубҳасиз, халқимизнинг турмуш тарзи, хулқ-атвориغا кучли таъсир қилиб, унда мустақкам эътиқоду ирода, пок ахлоқ, сабр-қаноат қилиш одобини шакллантирди. Исломият даврида бундай фазилат янада мустақкамланди ва ўта халқчил байналмилаллик мафкураси одобида тараққий топди. Илк ўрта асрлар маънавиятининг шаклланишида, шубҳасиз, мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида қарор топган юксак инсонийлик ва ҳаётда бадийликни тарғиб қилган «буддий» ҳамда унинг шимолий эл-юртларида эса «буюк тангри» ва аждодлар руҳи эътиқодига

топиниш — «қам» динларининг эътиқодий таъсири ниҳоятда кучли бўлган. Шубҳасиз, аждоларимиз гарчи даставвал исломни тиф билан қарши олиб, ўз эътиқоди йўлида қаттиқ туриб курашган бўлса-да, аммо ўзининг аслий эзгулик эътиқоди, руҳи, урф-одатларини йўқотмади, балки вақт ўтиши билан уларни ислом таълимоти асосида қайта шакллантирди, мустақкамлади ва бойитди. Бу даврда Исмоил Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Исо Термизий, Бурҳонуддин Марғиноний ва Абдулҳолиқ Фиждувоний каби забардаст ақоид уламолар етишиб чиқди. Улар ислом дини ва қонуншунослиги тараққиётига ва унинг жаҳон дини даражасига кўтарилишига катта ҳисса қўшидилар.

Авлодларнинг бегиним меҳнат ва ақлу заковати билан обод этилган она юртни ташқи душман тажовузларидан муҳофаза қилиш, мустақилликни сақлаб қолиш, фурсат бой берилган даврларда эса истиқлол учун халқимиз бирдамлик билан оёққа турди, «ё ҳаёт, ё мамот» шиори остида қаҳрамонона курашди. Аждоларимизнинг ватанпарварлиги халифаликка қарши «Оқ кийимчилар», Чингизхон бошлиқ мўғуллар босқинига қарши олиб борилган Маҳмуд Торобий ёки «Сарбадорлар» ҳаракатларида айниқса ўз ифодасини топди. Бундай оғир ва мусибатли даврларда Маҳмуд Торобий, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Нажмуддин Кубро, Бадруддин Қози, Имомзода Рукнуддин каби Ватан мудофаачилари тарихда мисли кўрилмаган қаҳрамонликни намойиш этдилар.

Адолат барҳам топиб, зулм кучайган вақтларда эл-юртда танглик ва нотинчлик юзага келди. Халқ ғалаёнлари кўтарилиб, мамлакат иқтисодий ва сиёсий бўҳронга дучор бўлди. Бундай оғир ва мушкул вазиятли даврда айниқса маҳаллий ҳокимларнинг бошбошдоқли хатти-ҳаракатлари авж олиб, улар ўз валиаҳдларига қарши бош кўтардилар. Бундай суронли даврларда мамлакат таназулга юз тутиб, давлат барҳам топди. Диёримизда қад кўтариб, равнақ топган Фарбий турк хоқонлиги, Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва Темурийлар каби буюк салтанатларнинг қисмати, афсуски, мана шундай фожиали оқибатлар билан тугади. Бу борада Темурийлар давлатининг тақдири айниқса сабоқдидир. Темурийлар давлати қисқа вақт ичида бутунлай фатҳ этилиб, унинг харобаларида Шайбонийхон давлати қарор топди. Темурийлар салтанати ҳалокатининг асосий сабабларидан бири аввало мамлакатда ҳукм сурган сиёсий парокандалик билан чамбарчас боғлиқ эди. Шубҳасиз, сиёсий тарқоқлик, Темурзодалар ўртасида авж олиб кетган ихтилоф ва

жанжаллар ҳамда айрим вилоят ҳокимлари ўртасида узлуксиз давом этган ўзаро курашлар шаҳарларда хунармандчилик ва савдосотиққа катта путур етказиб, воҳалардаги деҳқончилик хўжаликларини хонавайрон қилади. XV аср охирида мамлакатда иқтисодий танглик шу даражага етган эдики, ҳатто Хўжанддек катта шаҳар юз-икки юз нафар навкарли, Фарғонадек унумдор водий эса уч-тўрт минг нафар аскарни таъмин эта олмай қолган эди. Мамлакатда бундай оғир иқтисодий танглик ҳукм сураётган вақтда юқори табақалар ўртасида ўзаро зиддият ғоят кучайиб, давлатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим мавқега эга бўлган руҳонийларнинг маълум қисми темурийларга нисбатан сотқинлик йўлини тутди. Ўз мавқеи ва мол-мулкларини сақлаб қолиш мақсадида у шайбонийлар билан келишиб, янги сулолага хизмат қилишга ўтди. Хўжалик хонавайрон бўлган, шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткаш аҳолиси эса мамлакатнинг сиёсий ҳаётида содир бўлган ҳалокатли воқеаларга деярли бетараф, ҳукмрон сулоланинг ўзгаришига бефарқ бўлиб қолди. Шу сабабли Шайбонийхон бошлиқ чорвадор ўзбек қабилаларининг Мовароуннаҳр томон шиддатли юришига на Самарқанд ҳокими Султон Али Мирзо, на Бухоро ҳокими Муҳаммад Боқий Тархон, на Тошкент ноибни Маҳмудхон ва на Ҳирот ҳукмдори — кексайиб қолган Султон Ҳусайн Бойқаро бардош берди. Қисқа муддат ичида Шайбонийхон Мовароуннаҳр ва Хоразмни эгаллаб олди.

Бу аснода Фарғона ҳокими Заҳириддин Муҳаммад Бобур Темурийлар салтанатини муҳофаза этиш ва уни сақлаб қолиш йўлида астойдил курашди. Бироқ, оғир иқтисодий танглик ва сиёсий парокандалик шароитида Бобурнинг омади юришмади. У ўз она-Ватанини тарк этиб, ўзгалар юртига юзланишга мажбур бўлди. Бобур аввал Афғонистонни, сўнгра Шимолий Ҳиндистонни ўзига бўйсундирди. Бу ўлкаларда у «Буюк мўғуллар» номи билан тарихда шуҳрат топган Бобурийлар салтанатига асос солиб, темурийлар давлатчилиги анъаналарини давом эттирди. Унинг ворислари эса уч асрдан ортиқроқ давр мобайнида Бобур асос солган давлатни бошқарди. Бу даврда Ҳиндистон юксалди, равнақ топди ва шуҳрат қозонди.

Хуллас, сиёсий воқеликнинг тадрижий ривожини қандай кечгани ва оқибатларининг турлича бўлганидан қатъи назар, бу давр аждоқлар тақдирида, хусусан, халқимизнинг маънавий камолоти ва маданий ҳаёти тарихида буюк юксалиш даври бўлди. У дунёга чиқди, шуҳрат топди ва жаҳон цивилизацияси ривожига салмоқли ҳиссасини қўшди.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

**Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий.** Бухоро та-рихи. Т.: «Фан», 1966.

**Абу Наср Форобий.** Фозил одамлар шаҳри. Т.: 1993.

**Абу Райҳон Беруний.** Қадимги халқлардан қолган ёдгор-ликлар. Танланган асарлар, 1-жилд, Т.: «Фан», 1968.

**Амир Темур Кўрагон.** Зафар йўли. Т.: «Нур», 1992.

**Аҳмад Яссавий.** Девони ҳикмат. Т.: 1992.

**Абдураззоқ Самарқандий.** Матлаъ ус-саъдаи ва мажмаъ ул-бахрайн (Икки саодатли юлдузнинг чиқиши ва икки ден-гизнинг қўшилиш ўрни). Т.: «Фан», 1960 ва 1969.

**Абулғозий.** Шажараи турк. Т.: «Чўлпон», 1992.

**Аҳмад ал-Фарғоний.** Астрономия илми асослари. Т.: «Шарқ», 1998.

**Гулбаданбегим.** Ҳумоюннома. Т.: «Маънавият», 1998.

**Заҳириддин Муҳаммад Бобур.** Бобурнома. Т.: «Фан», 1960 ва 1982.

**Беруний билан Ибн Синонинг савол-жавоблари.** Т.: «Фан», 1950.

**Бурхонуддин ал-Марғиноний.** Ҳидоя. 1-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1994.

**Ибн Арабшоҳ.** Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур. (Те-мур тарихида тақдир ажойиботлари). Т.: «Меҳнат», 1992.

**Имом Исмоил ал-Бухорий.** Ал-адаб-Муфрад (Адаб дурдо-налари). Т.: «Ўзбекистон», 1990.

**Маҳмуд Кошгарий.** Туркий сўзлар девони (Девону луғатит турк). Уч жилдлик. I жилд. Т.: «Фан» 1960, II — 1961, III — 1963.

**Мирзо Муҳаммад Ҳайдар.** Тарихи Рашиди. Т.: «Фан», 1996.

**Мирзо Улуғбек.** Тўрт улус тарихи. Т.: «Чўлпон», 1994.

**Низомиддин Шомий.** Зафарнома. Т.: «Ўзбекистон», 1996.

**Низомулмулк.** Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. Т.: «Адолат», 1997.

**Тарихи Табарий.** Т.: «Фан», 1987.

**Темур тузуклари.** Т.: 1991.

**Шарафуддин Али Яздий.** Зафарнома. Т.: «Фан», 1972.

- Юсуф Хос Ҳожиб.** Қутадғу билиг. Т.: «Фан», 1972.
- Ислом Каримов.** Туркистон умумий уйимиз. Т.: «Ўзбекистон», 1995.
- Ислом Каримов.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997.
- Ислом Каримов.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: «Шарқ», 1998.
- Абдуллаев И.** Абу Мансур ас-Салобий. Т.: «Фан», 1975.
- Абдуллаев И.** Берунийга замондош шоирлар. Т.: «Фан», 1975.
- Абдуллаев И., Ҳикматуллаев Ҳ.** Самарқандлик олимлар. Т.: «Фан», 1969.
- Абдурахмонов А.** Улуғбек Академияси. Т.: «Қомус», 1994.
- Агажанов С.** Салжуқийлар давлати ва Ўрта Осиё (XI—XII асрлар). М.: 1991.
- Азамат Зиё.** Ўзбек давлатчилиги тарихи. Т.: «Шарқ», 2000.
- Айний С.** Муқанна қўзғолони. Қиссалар, мақолалар китобидан. Д.: 1993.
- Алимов Ў.** Ўрта асрларда Мовароуннаҳрда боғчилик хўжалиги тарихи. Т.: «Фан», 1984.
- Ашраф Аҳмад.** Улуғбек Муҳаммад Тарағай (1394—1449). Т.: «Халқ мероси», 1994.
- Аҳмедов Б.** Улуғбек. «Ёш гвардия», 1989.
- Аҳмедов Б.** Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари. Т.: «Ўқитувчи», 1991.
- Бартольд В.В.** Туркистон мўғул истилоси даврида. Асарлар, I жилд, М.: 1993.
- Бартольд В.В.** Улуғбек ва унинг даври. Асарлар, II жилд, 2-китоб, М.: 1964.
- Баҳодиров Р.** Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ва илмлар таснифи тарихидан. Т.: «Ўзбекистон», 1995.
- Баҳодиров Р., Расулов Д.** Ислом илмларининг буюк алломалари. Т.: 2000.
- Буниятов З.М.** Ануштегин. Хоразмшоҳлар давлати (1087—1231). Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1998.
- Бўриев О.** Хоразмшоҳлар — Темурийлар. Т.: «Фан», 1999.
- Бўриев О., Ваҳобова Б.** Ёзма манбалар ал-Фарғоний ҳақида. Т.: «Фан», 1998.
- Бўриев О., Тошев Н.** Жалолоддин Мангуберди. Т.: «Фан», 1999.
- Валихўжаев Б.** Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Т.: «Ўзбекистон», 1993.



- Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. Т.: 1994.
- Вамбери Херман. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т.: 1990.
- Гумилов Л.Н. Қадимги турклар. М.: 1961.
- Зиёдов Ш. Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси. Т.: 2000.
- Зоҳидов В. Уч даҳо (Форобий, Беруний, Ибн Сино). Т.: 1987.
- Зоҳидов П. Архитектурные тайны обсерватории Улугбека. Ўзбекистон санъатшунослиги. Т.: 2003.
- Ибодов Ж.Х., Матвиевская. Аҳмад ал-Фарғоний риёзиёт ва фалакиёт тарихидаги ўрни. Т.: «Истиклол», 1998.
- Иброҳимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиё бўйлаб саёҳати. М.: 1993, Т.: 1998.
- Имом ал-Бухорий ҳаёти. Т.: «Шарқ», 1998.
- Ирисов А. Абу Райҳон Беруний. Т.: 1960.
- Ирисов А. Беруний ва Ҳиндистон. Т.: «Фан», 1963.
- Ирисов А. Ибн Синонинг «Саламон ва Ибсол қиссаси». Т.: «Фан», 1974.
- Ирисов А. Улуғ табиб ва олим Абу Али ибн Сино. Т.: «Фан», 1960.
- Ирисов А. Хоразмий ва Форобий. Т.: 1961.
- Ирисов А., Муниров Қ. Тошкент тарихида баъзи сиймолар. Т.: «Фан», 1983.
- Ирисов А., Носиров А., Низомиддинов И. Ўрта осиелик қирқ олим. Т.: «Фан», 1961.
- Исҳоқов М. Сўғдиёна тарих чорраҳасида. Т.: «Фан», 1990.
- Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. Т.: «Фан», 1992.
- Йўлдошев Н. Баҳоуддин Нақшбанд. Бухоро, 1993.
- Камолиддинов Ш.С. Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъоийнинг «Китоб ал-ансоб», Ўрта Осиё тарихи ва маданияти тарихининг манбаи. Т.: «Фан», 1993.
- Маънавият юлдузлари (Марказий осиелик машхур сиймолар, алломалар, адиблар.). Т.: «Мерос», 1999.
- Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Т.: 1954.
- Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъатининг тарихи. Т.: «Фан», 1971.
- Муҳамедов Х. Қадимий мудофаа деворлари. Т.: «Фан», 1973.
- Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. Т.: «Фан», 1988, «Шарқ», 2002.
- Муҳаммаджонов А. Темур ва темурийлар салтанати. «Қомус», 1994–1996.

**Муҳаммаджонов А.** Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997.

**Муҳаммаджонов А.** Бухоро шаҳри 2500 ёшда. (Ўзбек ва рус тилларида.) Т.: «Фан», 1998–1999.

**Носиров А.** Али Кушчи. Т.: 1964.

**Носиров А., Ҳикматуллаев Х.** Аҳмад Фарғоний. Т.: «Фан», 1966.

**Нуриддинов М.** Бобурийлар сулоласи. Т.: «Фан», 1994.

**Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В.** Очерки по истории цивилизации дальнего Узбекистана: государственность и право. Т.: «Адолат», 2000.

**Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норкулов Н.** Ўзбекистон тарихи. Давлат ва жамият тараққиёти. Т.: «Академия», 2000.

**Уватов У.** Муҳаддислар имоми. Т.: «Маънавият», 1998.

**Уватов У.** Имом ал-Мотуридий ва унинг таълимоти. Т.: «Фан», 2000.

**Усмонов О.** Камолиддин Беҳзод ва унинг наққошлик мактаби. Т.: «Фан», 1977.

**Усмонов О., Мадраҳимов А.** Камолиддин Беҳзод. Т.: «Мерос», 2000.

**Файзиев Т.** Темурий маликалар. Т.: 1994.

**Файзиев Т.** Мирзо Улугбек авлодлари. Т.: «Ёзувчи», 1994.

**Файзиев Т.** Темурийлар шажараси. Т.: «Ёзувчи», 1995.

**Хоразмшоҳ Жалолиддин Маъгуберди даври (маданий ҳаёт, манбалар).** Т.: «Фан», 1999.

**Шониёзов К.** Қанғ давлати ва қанғлилар. Т.: «Фан», 1990.

**Шониёзов К.** Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. (Ўзбек давлатчилиги тарихидан.) Т.: «Шарқ», 1999.

**Ўринбоев А.** Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. Т.: «Фан», 1960.

**Қаюмов А., Исҳоқов М., Отахўжаев А., Содиқов Қ.** Қадимги ёзма ёдгорликлар. («Авесто», «Занд» китоблари. Сўғд фалсафий-ахлоқий ёзма ёдгорликлари, туркий матннавислик тарихи.) Т.: «Ёзувчи», 2000.

**Қодирова Т.Қ.** VIII ва IX аср бошида Мовароуннаҳр ва Хуросонда деҳқонлар кўзғолонлари тарихидан. Т.: «Фан», 1965.

**Қориев О.** Ал-Марғиноний — машҳур фикҳшунос. Т.: «Мерос», 2000.

**Қориниёзов Т.Н.** Улугбекнинг астрономик мактаби. М.: — Т., 1950.

**Ғаниева С.** Алишер Навоий (ҳаёти ва ижоди). Т.: «Фан», 1961.

**Ғуломов Я.** Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т.: «Фан», 1959.

**Ғуломов Я.** Қадимги маданиятимиз изларидан. Т.: «Фан», 1960.

**Ғабибуллаев Н.** Ўрта Осиёда қоғоз ишлаб чиқариш тарихи. Т.: «Фан», 1992.

**Ғасаний М., Каримова С.** Навоий даври табобати. Т.: 1991.

**Ғасаний М.** Ал-Марғинонийнинг «Ғидоя» асари ва унга ёзилган шарҳлар. Т.: «Мерос», 2000.

**Ғасанов Ғ.** Маҳмуд Кошғарий (ҳаёти ва географик мероси). Т.: «Фан», 1969.

**Ғикматов Ф.Ғ., Шожалилов Ш.Ш., Айтбоев Д.П.** Аҳмад Фарғоний сув илми ёхуд «Миқёс ан-Нил» таърифи. Т.: 2000.

## ТАРИХИЙ АТАМАЛАР ЛУҒАТИ

**Аворизот** — фавқулоддаги харажатлар учун тўпланадиган йиғим.

**Авқоф** — масжид ва мадрасаларнинг вақф хўжалиги билан шуғулланувчи.

**Ажам** — араб халқлари ва мамлакатларидан ўзга юрт ва халқлар.

**Азархурра** — оташпарастлар топинадиган муқаддас олов, ўт.

**Айл** — Амир Темур аскарӣ қисмларининг ўн нафарли бўлинмаси.

**Айлбоши** — ўн нафарли аскарӣ бўлинманинг кичик зобити, аскарбоши.

**Аккор** — коранда, қишлоқнинг зироаткор аҳолиси.

**Амид ул-мулк** — давлат ҳужжатлари ва элчилик алоқалари вазири.

**Амир ул-умаро** — амирлар амири, бош саркарда.

**Анимизм** — руҳ ва жонга ишониш; ота-боболар руҳига сифиниш.

**Ариз** — қўшин таъминоти билан шуғулланувчи вазир.

**Арк** — ички қалъа, подшоҳнинг шаҳар ичидаги қўрғонсаройи, қароргоҳи.

**Аркбеги** — подшо қароргоҳининг бошқарувчиси.

**Атрабон** — оташпарастлик ибодатхонасининг руҳонийси, оташгоҳ хизматчиси.

**Ахриман** — зардуштийлик динининг зулмат, очлик, уруш, ўлим, гуноҳ ва қабихликлар тангриси.

**Ахурамазда** — зардуштийлик динининг бош тангриси, ёруғлик, фаровонлик, сиҳат-саломатлик, тинчлик ва барча эзгуликлар худоси.

**Аҳволи зоҳира** — вазият.

**Банд** — тошлардан бино қилинган сув омборининг тўғони; сув омбори; тўғон.

**Банно** — гишт терувчи бинокор.

**Бантак** — қул.

**Барзикор** — қўшчи, зироаткор, қишлоқнинг меҳнаткаш аҳолиси.

**Барид** — кирим.

**Барот** — ижарага олиш.

**Бек** — эл-юрт, вилоят ҳокими.

**Бегор** — жамоат ишларига сафарбар этиш; ҳашар.

**Бий** — уруф ва қабила оқсоқоли.

**Бож** — савдогарлардан олинадиган солиқ.

**Боргоҳ** — макон; даргоҳ; дунёга келадиган ва унга қайта-диган азалий муқаддас маскан (жой), нариги дунё.

**Босқоқ** — мўғуллар ҳокимлик қилган XIII—XIV асрлардаги маҳаллий ҳоким.

**Ботмон** — оғирлик ўлчови (XIV—XV асрларда у 20 кг. га тенг бўлган).

**Буронгор** — қўшиннинг ўнг қаноти.

**Бурғу** — карнай.

**Бўдун** — чорвадор аҳоли; қора бўдун — қора халқ.

**Вазир** — девонхона бошлиғи.

**Вазкиром** — солиқ йиғувчи, молия ходими.

**Вағн** — ибодатхона.

**Вағнпат** — коҳин, ибодатхона руҳонийси.

**Вағнзе** — ибодатхона ер ва мулклари.

**Висоқбоши** — тўрт нафарли аскарӣй гуруҳ бошлиғи; чодир бошлиғи.

**Гёл** — сопол гардиш, сопол узук — тунеллар тутқичи.

**Дапирпат** — котиб, элчи, саркотиб.

**Дарра** — чарм ва қайишдан тўқилган йўғон ва оғир зарб берувчи қурол.

**Дарғот** — тўғон.

**Дебо** — товланувчи нафис ипак мато.

**Девон** — вазирлар маҳкамаси.

**Девонбеги** — вазирлар маҳкамасининг бош маъмури.

**Деҳқон** — «қишлоқ ҳокими», ердор, феодал.

**Дигир** — чархпаррак ва чиқирларга ариқдан ёки чиқир хандақдан сув ботиргич кўза.

**Динор** — бир мисқол (4,8 гр) оғирликда сўқилган олтин ёки кумуш танга.

**Довул** — катта ноғора.

**Доруға** — ҳарбий маъмур.

**Доруғона** — доруғалар фойдасига тўланадиган тўлов.

**Доя** — чўри.

**Дуданг** — ҳосилнинг олтидан икки ҳисобида олинадиган деҳқончилик солиғи.

**Дулоб** — чархпаррак; қудуқдан сув чиқарадиган чарх.

**Еничер** — туркларнинг пиёда аскари.

**Ём** — жом, савдо йўлларидаги қўноқ.

**Жариб** — 500 кв м ер майдони.

**Жета** — қароқчи; қолоқ.

**Жизья** — ғайридинлардан олинадиган жонбош солиғи.

**Жомеъ масжид** — жума кунлари жамоат намози ўқиладиган катта масжид.

**Жория** — чўри.

**Жувонғор** — қўшиннинг сўл қаноти.

**Жуйбон** — сув тақсимловчи мироб.

**Зобитона** — киримни ҳисобловчи молия ходими учун олинадиган тўлов.

**Закот** — чорвадан олинадиган солиқ; тўпланган бойликдан тўланадиган даромад солиғи.

**Зарбхона** — чақа ва тангалар сўқиладиган устахона.

**Зот суқбатайн** — диоптр (тирқиш).

**Зот шўбатайн** — треквер (астрономик асбобнинг қисми).

**Зугата** — қайрилма пихли (наштар) мих ёки қалмоқ; пайкон.

**Изофа** — захира қисм.

**Илми аруз** — поэтика.

**Илми ҳайъат** — астрономия.

**Ихшид** — илк ўрта аср князи, вилоят ҳокими, хон ёки амир авлодлари.

**Иқтоъ, иқтаъ** — йирик мансабдорга ҳадя этилган ер ва мулк.

**Кадивар** — йирик ердорларга муте қишлоқ аҳолиси; крепостной.

**Калава** — йигирилган ип ўрами.

**Калавачи** — ип йигирувчи.

**Калон** — XIII асрдаги ер солиғи.

**Канбул** — қўриқчи аскарый бўлинма.

**Карбос** — бўз; пахта ипидан тўқилган мато.

**Кашоварз** — қўшчи, зироаткор.

**Каххол** — окулист, кўз табиби.

**Кешик** — XIII асрда мўғуллар қўшинидаги захира қисм;  
гвардия, гуруҳ.

**Кибор** — маъмур, зодагон.

**Китоба** — лавҳа.

**Кирпичпазлик** — хумдонда пишиқ гишт пишириш.

**Кориз** — ер ости сув иншооти.

**Корикор** — хизматкор.

**Кофия** — араб тили морфологияси.

**Кочи** — марза.

**Кошин** — сирли пишиқ гишт.

**Коҳ** — сарой, ички қалъа, арк, ўрда.

**Коҳин** — руҳоний; ибодатхона мутаваллиси.

**Коропластика** — маъбудаларнинг сопол ҳайкалчалари.

**Кучорчи** — йўл бошловчи.

**Кўрагон** — хон куёви.

**Кўшк** — истехкомли баланд кўрғон.

**Лабиринг** — далон, фулом, ғирдиш; дарвоза оғзи истехкоми.

**Лавҳ** — ёзув тахтаси, ёзув курсичаси ёки курси.

**Лак** — юз минг.

**Лағм** — туннель; ер ости йўли.

**Мадраса** — олий илмгоҳ.

**Мажус** — оташпараст.

**Мажусий** — оташпарастлик диндори.

**Манглай** — илғор гуруҳ.

**Маснад** — тахт, суянчиқ, даража, ҳукмронлик ўрни.

**Меш** — сув ёки қимиз элитадиган тери халта ёки тўрва,  
саноч.

**Мирихазора** — минглик ҳарбий бўлинманинг амири.

**Мироб** — сув хўжалиги бошқарувчиси.

**Миробона** — сув солиғи.

**Миррих** — уруш, жанг ва ғалаба тангриси.

**Мифтоҳ** — дарвозалик тўғон; шлюз, сув ташлагич.

**Мол сардарахт** — боғ ва дарахтзорлардан олинадиган солиқ.

**Мос пахта** — кўҳна пахта.

**Муззахҳиб** — зарҳал берувчи мўйқалам соҳиби.

**Музорий** — қўшчи, зироаткор, экин экувчи.

**Мулк** — хусусий ер.

**Мулки вақф** — мадраса ва масжидлар тасарруфидаги ер-  
мулк, хайрли ишлар учун ажратилган мол-мулк.

**Мулки девоний** — давлат ерлари.

**Мумаликкайи хос** — давлат мулклари бошқарувчиси.

**Мусаллас** — узум ёки майиздан тайёрланган ширин шароб.

**Мустафий** — марказий ҳокимият девонхонаси дафтардор ҳисобчиси; молия вазири.

**Мугаоббид** — ўта диндор.

**Мухассилона** — солиқ йиғувчилар учун тўлов.

**Муҳркаш** — чит ва матоларга гул босувчи.

**Мухтасиб** — тош-тарозу, нарх-наво ва мафкура назоратчиси.

**Мушриф** — сарой иш бошқарувчиси.

**Муқтоъ ёки иқтодор** — иқтоъ ер ва мулкларига эга бўлган шахслар.

**Муҳораба** — жанг, уруш, ҳарбий тўқнашув.

**Муҳрдор** — девонхонанинг муҳр сақловчиси; муҳр босувчи, муҳр соҳиби, ҳукмдор.

**Мўла** — шаҳар деворларининг буржи, минораси.

**Мўгул** — чет эллик, мусофир, дайди, муҳожир.

**Наддоф** — жун титувчи, жун саваловчи, қулуйи наддоф — жун титувчилар оқсоқоли.

**Наус** — оташпарастрлар хилхонаси, остадонлар сақланадиган мозор қўрғон.

**Наф** — шаҳар ва қишлоқ аҳолиси.

**Нафтандоз** — нефтли ва пиликли кўзачаларни ирғитадиган ҳарбий қурол.

**Нова** — сув ташлағич тарнов; сув ташлағич.

**Намозгоҳ** — ийд ибодатлари ўқиладиган масжид; ийдгоҳ.

**Ноҳид (анаҳита), нана** — ҳосилдорлик ва фаровонлик маъбудаси.

**Озод-зод** — зодагон.

**Озодкор** — ҳунарманд.

**Остадон (ассуарий)** — сопол тобутча.

**Оташгоҳ** — муқаддас ўчоқ; ўтхона, оловхона.

**Оташкада** — оташпарастрлар ибодатхонаси.

**Оҳангар** — темирчи.

**Пайза** — ёрлик.

**Палақмон** — тошотар; ҳарбий қурол.

**Пандус** — кўтарма йўл.



**Парчим** — байроқ ёки туғ учига боғланадиган шода, қўтос думи, ипак шода.

**Парчин** — сирланган ранг-баранг фишт парчалари.

**Пойкор** — кичик мироб; қишлоқ мироби.

**Рабод** — ташқи шаҳар, карвонсарой.

**Раис** — шаҳар ҳокими.

**Рангрез** — матога ранг берувчи; нилчи.

**Раъдандоз** — тош отғич; ҳарбий қурол.

**Риёзиёт** — математика.

**Савкулжайш** — стратегия.

**Садоқ** — ўқдон.

**Садоқхона** — тир.

**Санад** — шаҳодатнома, ҳужжат.

**Сардоба (обдон)** — пишиқ фиштан қурилган гумбазли ҳовуз; сувхона.

**Саришумор** — жонбош солиғи.

**Саррожлик** — эгар ва жабдуғ ясовчи устахона.

**Саҳҳоб** — муқовасоз, муқовачи.

**Соҳибқирон** — қарн (кунчиқиш ва кунботиш) эгаси, жаҳон эгаси, жаҳонгир.

**Сихғалтак** — чархли кўтарма.

**Соҳиб жамоа** — ҳосил миқдорини белгиловчи маъмур учун йиғиладиган тўлов.

**Соҳиби муаййид** — мактубот ва ахборот вазири, алоқа ишлари вазири.

**Соҳиби шурат** — ҳарбий вазир.

**Сувори** — отлиқ аскар.

**Судси фахрий** — секстант (астрономик ускуна).

**Суюрғол** — олий табақа зодагонларига инъом қилинган ер-мулк.

**Табла** — икки томонли ҳинд ноғораси.

**Таважжуҳоти хорижий** — фавқуллодаги харажатлар солиғи.

**Тазар** — ер ости канализация иншооти.

**Тамға** — савдо божи; савдогарлардан олинадиган солиқ.

**Таноб** — 200–250 кв м ҳажмдаги ер майдони.

**Тарғу** — зиғир поясидан тўқилган дағалроқ мато.

**Табият ул-жайш** — ҳарбий тактика.

**Тиркаш** — камондан ўқ узадиган нишон туйнути.

**Тотем** — уруғ ёки қабил аibtидоси, уруғ асосчиси, аждод, уруғ жамоалари топинадиган ҳайвон, ўсимлик ёки жисм.

**Тотемизм** — тотемларга сиғиниш.

**Тотемистик** — тотемистик одатлар, расм-русумлар.

**Тоқ** — усти ёпиқ бозор ва ҳунармандчилик растаси.

**Тудун** — турк хоқонлигининг вилоят ҳокимликларидаги вакили.

**Туман** — ўн минглик ҳарбий қисм.

**Туман оғаси** — ўн минглик аскарый қисм амири, қўмондон.

**Тутун ёки тудун** — вилоят ҳокими.

**Туғро** — давлат нишонаси, рамзи.

**Тўр** — ер ости ҳарбий истеҳкоми.

**Ултон** — чарм, ошланган тери.

**Устурлоб** — астрономия асбоби, астролябия.

**Ушур** — ҳосилдан 10 % ҳисобида олинадиган деҳқончилик солиғи.

**Фармондор** — бошқарувчи.

**Фарна** — бахт ва толе худоси.

**Фулус** — майда мис чақа.

**Фуға** — ип ёки ипакдан тўқилган саллабоп майин мато.

**Хабаргир** — хабарчи, айғоқчи, кузатувчи.

**Хазара** — минглик аскарый бўлинма.

**Хандақ** — мудофаа иншооти, завур.

**Харажу мараж** — бошбошдоқлик, ўзбошимчалик, бешбошлик.

**Хатиб** — дин пешвоси.

**Хаттот** — китоб ва рисолалар кўчирувчи котиб, хаттот.

**Хвабу** — вилоят ҳокими.

**Хватов** — ҳоким.

**Хирож** — ҳосилнинг 25-33 % ҳисобида олинадиган қишлоқ хўжалик солиғи; XV асрда бу солиқ «мол» деб юритилган.

**Хонашумор** — ҳар хонадондан олинадиган жонбош солиғи.

**Хонақоҳ** — ғарибхона, мусофирхона.

**Хоро** — товланувчи ялтироқ ипак мато.

**Хоқон ёки қоғон** — ҳукмдор подшо.

**Хубби** — сув муаккили; сув маъбудаси.

**Хурофий** — сохта, уйдирма, асоссиз (дин, эътиқод, урф-одатлар ҳақида).

**Хўшун** — юз нафарлик ҳарбий бўлинма.

**Хўшунбоши** — юзлик бўлинма зобити; командир.

**Чархларрак** — сув кўтаргич иншоот.

**Чилангар** — темирчи.

**Чилангарлик** — темирчилик.

**Чиқир** — туя ёки ҳўкиз қўшиб айлантириладиган сув кўтаргич иншоот.

**Чокар** — ҳарбий дружина, кўнгиллилар тўдаси.

**Чокардиза** — чокарлар қалъаси, казарма.

**Чопқун** — босқинчилик, босмачилик, талон-торож қилиш.

**Чорикор** — ҳосилдан 25 % олиш ҳисобига ишловчи ёлланма қўшчи зироаткор.

**Чоҳпар** — ўра.

**Чўр** — лашкарнинг шарқий қанот амири.

**Шайхулислом** — дин ва илм пешвоси.

**Шаҳристон** — ички шаҳар.

**Шинни** — тут ва узум ҳамда қовун-тарвуздан пишириладиган ширин шарбатли қиём.

**Шод** — Ўн минглик лашкар бошлиғи.

**Шулен** — XIII асрда олинган озиқ-овқат солиғи.

**Элоқ** — кичик юрт, кичик мулк.

**Элоқхон** — элнинг ғарбий қанот амири.

**Этногенез** — халқ ва элатларнинг келиб чиқиши.

**Ябғу ёки жабғу** — эл-юрт ҳокими, маҳаллий ҳоким.

**Ясовул** — соқчи.

**Ясоқ** — солиқ, жарима, тўлов.

**Ўлпон** — ер солиғи.

**Ўрдугоҳ** — қўшин лагери тўхтайдиган қўноқ; подшо қароргоҳи.

**Ўтлоқ ва сувлоқ** — яйловлардан олинадиган солиқ.

**Қабо** — устки кийим, ёпинчиқ.

**Қазноқ** — омборхона.

**Қазо** — адлия ишлари қозиси, судья, қозилик.

**Қам** — шаман, кўк тангрига сифинувчи тавҳидлик дини.

**Қасида** — шеърӣй мадҳ, мақтов ёки марсия, дидактик мазмундаги шеър жанри.

**Қаср** — сарой, олий ва ҳашаматли бино.

**Қатон** — каноп поясидан тўқилган мато.

**Қопчур** — мўғуллар даврида чорвадан олинадиган солиқ.

**Қораунас** — дурагай, чатишган.

**Қорахон** — буюк хоқон.

**Қутвол** — давлат қурилиши бошлиғи, саркори.

**Қўрғон, қўрғонча** — атрофи баланд пахса девор билан ўралган дарвозали тураржой.

**Қўш** — бир жуфт ҳўкиз билан ҳайдаладиган ер майдони.

**Ғозий** — ғолиб.

**Ғозийлар** — кўчманчилар ҳужумига қарши кўнгилчилардан тузилган қуроли махсус гуруҳ, отряд, адолат курашчилари.

**Ғувокор** — савдогар (илк ўрта асрлар).

**Ғул** — мунтазам кўшин.

**Ҳандаса** — геометрия.

**Ҳайлбоши** — суворилар амири, ўнлик амири.

**Ҳолати разл** — ўлим тўшаги, жон чиқар пайти.

**Ҳожиб** — ҳарбий бошлиқ.

**Ҳожиб ул-ҳужоб** — бош кўмондон.

**Ҳожиб ул-бузрук** — кўмондон.

## МУНДАРИЖА

Ўрта асрлар тарихи маънавияти (Сўз боши ўрнида) 3

### БИРИНЧИ ҚИСМ

Илк ўрта асрларда Ўзбекистон (IV—VIII асрлар) ..... 8

I боб. Илк ўрта асрларда ер эгалиги ва давлатчилик ..... 8

- 1-§. Илк ўрта асрларда қишлоқ жамоаси ва ер эгалиги муносабатларининг шаклланиши ..... 8
- 2-§. Илк ўрта асрлар давлатларининг ташкил топиши ..... 12
- 3-§. Хионийлар, кидарийлар ва эфталлар давлати ..... 15
- 4-§. Ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт ..... 19
- 5-§. Ўрта Осиё халқлари Турк хоқонлиги таркибида ..... 24
- 6-§. Фарбий турк хоқонлиги. .... 29
- 7-§. Хўжалик ва ижтимоий ҳаёт ..... 30
- 8-§. Илк ўрта асрларнинг маҳаллий воҳа ҳокимликлари ..... 34
- 9-§. Илк ўрта аср шаҳарларининг шаклланиши ..... 41
- 10-§. Илк ўрта асрлар маданияти ва маънавий ҳаёт ..... 45

II боб. Мовароуннаҳрнинг Араб халифалиги томонидан фатҳ этилиши ва халқ озодлик кўзғолонлари.....62

- 11-§. Халифалик ва унинг юришлари.....62
- 12-§. Мовароуннаҳрнинг фатҳ этилиши.....65
- 13-§. Араб халифалиги истилосининг оқибатлари. Ислом дини ва унинг тарқалиши.....73
- 14-§. Халифаликка қарши халқ кўзғолонлари.....76
- 15-§. Абумуслим кўзғолони.....81
- 16-§. «Оқ кийимлилар» кўзғолони ва Муқанна ..... 87

## Иккинчи қисм

Ўрта асрларда Ўзбекистон (IX—XIII асрлар) ..... 91

**III боб. Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг Араб халифалигидан ажралиши ва мустақил давлатларнинг ташкил топиши** ..... 91

17-§. Қарлуқлар ва Ўғузлар давлати ..... 91

18-§. Тоҳирийлар давлати ..... 96

19-§. Сомонийлар давлати ва халифалик ..... 99

20-§. Ўрта асрларда Мовароуннаҳр хўжалиги, ер эгаллиги ва барзикорлар ..... 105

21-§. Қорахонийлар давлати ва қорахитойлар ..... 118

22-§. Хоразмда Ануштакинлар давлатининг ташкил топиши ва унинг юксалиши ..... 129

**IV боб. Мовароуннаҳрнинг маданий ҳаёти ва фан (IX—XIII аср бошлари)** ..... 133

23-§. Ўрта аср мутафаккирлари ва фан тараққиёти ..... 133

24-§. Мовароуннаҳр ва Хоразмда маданий ҳаётнинг жонланиши ва илм-фаннинг юксалиши ..... 140

25-§. Меъморчилик, санъат ва мусиқа ..... 149

26-§. Ислом дини ва тасаввуф — сўфийлик таълимоти ..... 153

27-§. Этник жараёнлар ва ўзбек халқининг таркиб топиши ..... 162

**V боб. Ўрта Осиё халқлари Мўғул давлати таркибида** ..... 165

28-§. Хоразмшоҳлар салтанатининг Мўғул давлати билан муносабатлари ..... 165

29-§. Мўғуллар босқини арафасида Хоразмшоҳлар давлатининг сиёсий ҳолати ..... 169

30-§. Мўғуллар истилоси ..... 171

31-§. Амударё соҳилларидаги жанг ва Жалолиддин Мангуберди жасорати ..... 183

32-§. Мўғуллар истилосидан кейинги сиёсий вазият, хўжалик ҳаёти ва халқ кўзғолонлари ..... 185

33-§. Чигатой улусининг ташкил топиши ва

унинг сиёсий аҳволи .....	191
34-§. Чигатой улусининг ижтимоий-иқтисодий аҳволи .....	197

## учинчи қисм

<b>Ўрта асрлар уйғониш даврида Ўзбекистон (XIV—XVI аср бошлари) .....</b>	<b>204</b>
---------------------------------------------------------------------------	------------

<b>VI боб. Амир Темур салтанати .....</b>	<b>204</b>
-------------------------------------------	------------

35-§. Сиёсий тарқоқлик ва сарбадорлар ҳаракати .	204
36-§. Амир Темур давлатининг ташкил топиши ва ҳарбий юришлар .....	209
37-§. Амир Темур давлатининг маъмурий тузилиши .....	219
38-§. Амир Темурнинг Фарбий Европа давлатлари билан алоқалари .....	235

<b>VII боб. Темурийлар давлати.....</b>	<b>241</b>
-----------------------------------------	------------

39-§. Тахт учун кураш ва салтанатнинг парчаланиши .....	241
40-§. Улуғбек давлати ва унинг ташқи сиёсати .....	244
41-§. Темурийлар давлатининг инқирозга юз тутиши .....	250
42-§. Темурийлар давлатида ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар .....	255
43-§. Ҳунармандчилик, савдо ва пул муносабатлари .....	263

<b>VIII боб. Темурийлар даврида маданий ҳаёт .....</b>	<b>274</b>
--------------------------------------------------------	------------

44-§. Илм-фаннинг равнақи .....	274
45-§. Меъморчилик ва амалий санъат .....	282
46-§. Китобат, тасвирий санъат, мусиқа ва адабиёт .....	291
Хотима .....	299
Манба ва адабиётлар .....	303
Тарихий атамалар луғати .....	308

**А.Р.Муҳаммаджонов**

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ**  
**(IV асрдан XVI аср бошларигача)**

**Университетларнинг бакалаврлари учун дарслик**

Нашр учун масъул *Н.Халилов*  
Таҳририят мудир *М.Миркомиллов*  
Муҳаррир *М.Исмоилова, М.Йўлдошева*  
Рассом *М.Калинин*  
Мусахҳиҳ *М.Мусаева*  
Компьютерда саҳифаловчи *У.Собирова*

*ИБ №4181*

Босишга 6.04.2004 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>  
Офсет қоғози. 16,80 шартли босма тобоқ. 19,7 нашр тобоғи.  
Адади 3000 нусха. 8—2004 рақамли шартнома. 152 рақамли буюртма.

«ЎАЖБНТ» Маркази,  
700078, Тошкент, Мустақиллик майдони, 5.

Андоза нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги «ЎАЖБНТ» Марказининг компьютер бўлимида  
тайёрланди.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий уйи. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.//  
700128, Тошкент, Усмон Юсупов кўчаси, 86.